

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТЕБУОТ
ҚУМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАЎНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

МУНДАРИЖА

НАСР

УЛУҒБЕК ҲАМДАМ. *Мувозанат. Роман*.....3
ГЕОРГИЙ ГУЛИА. *Фиръавн Эхнатон. Роман*.....76

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Оқденгиз тўлқинлари. *Қибрис шоирлари ижодидан*.....61

ПУБЛИЦИСТИКА

АЛЕКСАНДР ТАРАСОВ. *Тақирбошлар*.....143

НОБЕЛ МАЪРУЗАЛАРИ

ПАБЛО НЕРУДА. *Хотиралар*.....166


КИТОБЛАР ОЛАМИДА

САЙДУЛЛА МИРЗАЕВ. *Ҳақиқатни тиклаган тадқиқот*.....170

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

ГЕНРИ КОК. *Рутбалик маъшуқалар*.....173

Май 2002



Бош муҳаррир:
Озод ШАРАФИДДИНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Мирпўлат Мирзо
(Бош муҳаррир муовини)
Файзи Шоҳисмонил
(масъул котиб)
Амир Файзулла
Раҳматилла Иноғомов

Жамоатчилик кенгаши:
Юсуф Абдуллаев
Аслиддин Болшев
Жамолддин Бўронов
Одил Ёқубов
Хайрулла Жўраев
Ғисбой Жўраев
Неъматулла Иброҳимов
Абдулла Орипов
Пўлат Ҳабибуллаев
Рустам Шоғуломов
Тўлепберген Қайнопбергенов
Саидахрор Ғуломов

Жаҳон адабиёти, 5. 2002

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасида рўйхатга олинган, №172

Таҳририят манзили:
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир Ҳ.ВАЛИЖОНОВА
Рассом Ю.ГАБЗАЛИЛОВ
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА
Мусаҳҳиҳлар Д.АЛИЕВА, Д.ҚОДИРОВА
Компьютерда саҳифаловчи Н.ҚОДИРОВА

Теришга берилди 04.03.2002 й. Босишга руҳсат этилди 18.06.2002й. Бичими 70x108 1/16.
Газета қоғози. Оффсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.
Жами 1200 нусха. К-9255 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти“ журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Республикаси
Давлат Матбуот қўмитасининг ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Жаҳон адабиёти, 2002 й.

Улуғбек ҲАМДАМ

Мувозанат

Роман

1

— Афанди, нега одамлар эрталаб уйларидан чиққандан кейин бир томонга эмас, ҳаммаси ҳар тарафга юриб кетишади? — деб сўрабди суҳбатдоши.

Афанди жавоб берибди:

— Ҳе, шуниям билмайсанми, агар ҳамма бир томонга юрганда эди, ер мувозанатдан чиқиб ағдариларди-да...

Юсуфнинг кўз олди ёришиб келди... У бу нарсанинг нима эканлигини англаб улгурмай уйғонди. Эҳтимол, отаётган тонг элчилари эди у, эҳтимол кўз очаётган шуур. Барибир ажратолмади. Ўғирилиб, хотини ва ўглининг устига кўрпани тортиб қўйди. Ўзи ҳам ўрнига ётиб, уйқунинг тотли домига қайта чўмди...

У кўз очганида шаҳар кўчасида машиналар шовқини қайнар эди. Шошиб деворда осиглиқ соатга қаради: саккиз ярим...

- Ойгул... Ойгул!

- Ҳм... - эринибгина сасланди хотини.

- Турсанг-чи, кечикдиларинг...

Юсуф апил-тапил кийимларини кийди-да, ошхонага ўтиб қўлини чайиб, чой қўйди. Сўнг ювингани нариги хонага кириб кетди.

Қайтиб чиққанида ҳануз кимир этмай пишиллаб ухлаётган хотини ва ўглини кўриб, норозиланди:

- Ойгул, бу нимаси? Уйқута тўймаётган бўлсанг, вақтлироқ ётмайсанми?

- Қай маҳалгача кир ювганимни биласиз-ку.

Нонуштадан сўнг Юсуф хотини ва ўгли Абдуллажонни боғчага кузатиб қайтаркан, йўл-йўлакай «Уйга борсамми, йўқми? - дея ўйланди. - Ахир нима ҳам қилардим чор бетоннинг ичида? Кун бўйи китоб ўқиб, телевизор кўриб, ағанаб ётиш... аллақачон жонга теккан, суйган машгулотим - овунчоғимдан, мана, бир йилдан бери

Улуғбек Ҳамдам 1968 йилда Андижоннинг Марҳамат (Минг-тепа) туманида туғилган. 1986-88 йилларда аскарлик бурчини ўтаган. 1988-93 йиллар мобайнида ТошДУнинг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган. Шунингдек, 1992-93 йилларда таҳсилни Туркиянинг Кўниё шаҳрида давом эттирган. 1997 йилда "Соф лирика" муаммоси мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. Ҳозир "XX аср ўзбек шеърияти бадий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик асослари" мавзусида докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

Улуғбек Ҳамдамнинг "Ёлғизлик" номли қисса ва ҳикоялар тўплами 1998 йилда, "Тангрига элтувчи исён" номли шеъррий китоби 2001 йилда нашр этилган.

Унинг таржимасида ўзбек китобхонлари проф. Усмон Туроннинг "Туркий халқлар мафқураси" (1995 йил) ва Жалолдин Румийнинг "Ичиндаги ичиндадир" (1997 ва 2001 йиллар) асарларини ўқишган.

"Мувозанат" номли биринчи романи 1997 йилда ёзиб тугатилган ва илк марта журналимиз саҳифаларида эълон қилинмоқда.

ажраганман. Ҳолбуки, ёшим ўттиз бешдан ошди, аллақачон бирон тайинли ишнинг бошини тутадиган, шу тарзда ўзимни намоён қиладиган вақт келган. Мен эса нима-лар қилиб юрибман?»

Юсуф хаёл билан яна ўз эшиги олдига келиб етганини сезмай қолди. «Товба, - деди у ўзига ўзи, - Худоимнинг ўзи қўлламаса, ўзим ҳеч нарсани ўзгартиролмайман, чоғи...» Юсуф ичкари кирди, ўзини диванга ташлаб, кўзларини юмди. Хаёлида болалиги жонланди...

2

Юсуф чўчиб хушига келди. «Ҳаммаси хаёл, ширин хаёл, - ўйланди у диванда ётганча, - наҳотки энди ўша туйғулар қайтиб келмайди, наҳотки ҳаётим бундан буён мана шундай самарасиз ва зерикарли кечаверадими? Ахир, кирчиллама қирқ ёш остонасида нега бунчалар абгорман, бунчалар хўрланганман? Ким мени шу кўйга солди?.. Наҳотки ҳеч ким? Наҳотки менинг ўзим секин-аста шу ҳолга тушган бўлсам? Ахир ҳаммаси жойида эди-ку! Қаерда хато қилдим?» - Юсуфнинг саволлари адоқсиз эди, лекин топган жавобларига қаноат ҳосил қилмас, ичини тобора кемириб бораётган сўроқлар унини бир дам бўлса-да, ўчирсам дерди... Беихтиёр дўстларини - талабалик чоғларидаги ҳамфикру ҳамқисматларини соғинди: «Қайдасиз, эй ёронлар? Нега йўлларимиз айро тушди? Нега биз бир-биримизни бу аҳволда ташлаб кетдик? Ахир қандоқ аҳил эдик, қандоқ дўст эдик!.. Яна қайтармикин ўша дамлар, ўша баҳорлар?»

3

Саиднинг туғилган куни эди. Талабалар ётоқхонасида кўнгилга яқин жўралар тўпланишди. Юсуф ош қилди. Алламаҳалгача ейишди, ичишди. Ниҳоят, «мехмонлар» тарқалишиб, хонада учовлон қолишди. Озгина кайфлари бор эди. Саид шундоқ ён томондаги хиёбонга чиқиб, қизларга гап отишни таклиф қилди.

- Шу пайтда пишириб қўйибдим, яхшиси, ётайлик, - эътироз билдирди Мир-азим.

- Қизларга гап отиш-отмасликни билмадим-у, лекин еган овқатимиз ҳазм бўлсин, кечаси яхши ухлайлик, десак, айланиб келганимиз маъқул. Соат ҳам энди ўндан ошибди, - деб Саидни қувватлади Юсуф.

Миразим ночор дўстларига эргашди. Улар энгилгина кийинишди. Фақат Юсуф шиппагининг боғичи узилиб кетгани боис, ўтириб олиб ботинка кия бошлади.

- Ма, манавини кийиб ол, кейин берарсан, - Саид бугун кимдир ҳадя қилган қалин тагли шиппакни Юсуфнинг олдига ташлади...

Кузнинг сўлим кечаси эди. Бошларида улуғвор шовуллаб дарахтлар мангу қўшиқларини баралла айтар, оёқлари остида энди-энди тўкилиб, ер юзини ҳали қоплаб улгурмаган ҳазонлар майин шитирлар, қулоқлари тагида саррин шабода эсиб турар,

Асар шу кеча-кундуздаги Сиз ва Биз ҳақимизда. Унда халқнинг турли қатламларидан чиққан ва ҳар хил соҳаларда ишлайдиган қатор қаҳрамонларни жам қилган битта умумий боғ мавжуд: у ҳам бўлса, даврнинг қайноқ нафаси — ўзига хос эврилишлари.

Маълумки, халқимиз Истиклолдек улуғ неъматга қон тўкмай муяссар бўлди. Бироқ омонсиз жанг, аёвсиз кураш бизнинг — ҳар биримизнинг ичимизда кечди. Чунки яхши-ёмонлигидан қатъи назар, муайян бир тизим кўз ўнгимизда парчаланди. Бу жараён ён атрофимизда рўй бергани учун муҳит сувратини акслантириб шаклланган онгимизда, руҳимизда — бутун борлигимизда ҳам бир кўтарилиб тушиш, зилзила бўлиб ўтди. Эврилишлар натижасида кимлардир ҳатто ўз маънавий-руҳий мувоозанатини йўқотиб қўйди, кийналди, изтироблар чекди... Бу орада Истиклол шабадалари кучлироқ эсди: янги тизим тиклана борди. Демак, зилзила таъсирида шикаст еган Мувоозанатнинг қайтадан ўзига келмоғи учун реал шароит туғилди. У.Ҳамдам романи қаҳрамонлари ана шундай мувоозанатга эҳтиёж туйган кишилардир. Улар мана шу эврилишларда ҳам жамият аро, ҳам ўз кўнгиллари ичра Буюк Мувоозанатни қидирадилар.

ёш ва бақувват вужудлари шаробнинг энгил кайфидан мастона тебраниб борардилар...

Хиёбонда одам сийрак эди. Улар каттагина йўлакдан юришди. Миразим четдаги ўриндик томон оғди. Лекин Саид билан Юсуф йўлларида давом этишди. Энди Миразим ўрнидан туришга ва лўкиллаб ўртокларига етиб олишга мажбур бўлди.

- Биз ахир ўтиргани чиқмадик-ку, - деб изоҳ берди Саид хансираб етиб келган дўстига:

- Эй-й, аҳмоқ бўлмасам санлар билан ярим тунда айлангани чиқаманми. Ётмайманми кайфимни суриб, - норози бўлди Миразим.

Шу маҳал орқа томондан қизларнинг кикирлаб кулгани эшитилди.

- Мана, мана, мана... Худонинг ўзи етказди бизга бу пари пайкарларни, - Саид тўхтаб, қизларнинг етиб келишини кутди. - Мираз, қара зўр-у, а, афсуски, иккита экан.

Қизлар ўрисча гаплашганча шитоб билан юриб, йигитларнинг ёнидан ўтишди.

- Мираз, тезроқ юр, буларнинг тилини ўзинг тузук биласан, - Саид ўртоғини кўлттиклаб, қизларнинг ортидан шахдам қадамлар билан кетаркан, гап котди: - «Девушки, девушки... постойте, давайте познакомимся».

Юсуф бўлса, боя дўстлари қизларни кутиб қолишганда тўхтамаган эди, олдинроқда бир маромда қадам босиб борарди. Аввал қизлар, сўнг иккала дўсти «юр-юр» дея уни қистаб ёнидан ўтиб кетишдиямки, одимини тезлатмади. Фақат қизлардан қолиб кетмайлик деб, шошиб кетаётган ўртокларининг гап-сўзлари қулоғига анча вақтгача чалиниб турди. Саид қизларга қарата бояги гапини такрорлар, Миразим бўлса дўстининг етовида индамай хансираб борарди. Ниҳоят, ўзи бир иш чиқаролмаган Саид алампидан Миразимга ташланди:

- Канақа одамсан ўзи, сен ҳам бирон нима десанг-чи!

- Мен нима дейман, ҳамма гапни ўзинг этвоссан-ку! - эътироз билдирди Миразим.

- Э-э, садқан одам кет-э, ҳеч бўлмаса «қаерга кетяпсизлар, обороиб қўямиз, бизлар ёмон боллар эмас, бор-йўғи холис бир ёрдам қилмоқчимиз, агар сизга маъқул кеб қолса, танишармиз» де.

- Этганларингни таржима қилгунимча қизлардан асар ҳам қолмайди, кейин изларини ҳидлаб ўтирасан, хи-хи-хи...

- Ўх, қанийди менам ўрисчани сенчалик билсам... Девушки, девушки, постойте... я хороший... он тоже хороший...

Улар илгарилаб, қоронғида кўздан ғойиб бўлишди. Юсуф бўлса ўз хаёлларига берилганча бир-бир босиб борарди.

Шундоқ муюлишга етган эди, аллақандай олатасирни эшитиб тўхтади. Дастлаб кўзларини катгароқ очиб қаради. Аммо бирон нима илғамади. Лекин қулоқларига муштлашаётган одамларнинг харс-хурслари, ихрашлари келиши билан ўша томонга чопа кетди. Етиб бориб қараса, Саид билан Миразим уч кишига қарши «жанг»га киришишган экан. Саид ўз рақиби билан бар-баробар ташлашарди, Миразимнинг эса, аҳволи тангрок кўринди. Унга қарши нақ иккитаси ташланарди. Юсуф келгач, бирга бир бўлишди. Миразим ўзини анча энгил ҳис қилди ва ҳаш-паш дегунча пачокрок рақибини уриб йикитди. Сўнг кўйлагини бошига ўради-да, юз-кўзи аралаш бошига тепа бошлади. Юсуфга эса, аллақандай бақуввати рўпара келганди. Улар бир муддат бир-бировларига мушт тегизиша олмади. Ниҳоят Юсуф аниқ мўлжалга олиб бир туширди. Аммо уни хайрон қолдириб, рақиби қилт этмади. Шу чокқача ҳеч бунақа бўлмаган, хали биронта рақиб Юсуфнинг зарбасидан сўнг оёқда туриб қолмаганди.

Юсуф навбатдаги зарба учун ҳамлага ташланар экан, қарши тарафдан шунақанги зарбага дуч келдики, назарида нақ кўзларидан учқунлар сачраб кетди. У бир муддат ўзини йўқотиб қўйди. Гарангсиб, ихтиёрсиз равишда орқага тисланди.

Юсуф қаршисида жудаям жиддий рақиб турганини ҳис қилди. Ҳатто у ўзидан ҳам кучлироқ туюлди. Бирок ғишт қолипдан кўчганди: у ўзи ҳадиқсирган биринчи зарбани олган, вужуди, айниқса мушт теккан юзи ловуллаб, уни ҳақиқий муштлашувга тезлаб ундарди. Устига-устак, рақибининг уни гўё масхаралагандек ўзига чорлаши Юсуфнинг ғурурини ўйнатиб юборганди. Энди у бунақа рақибдан ўнта бўлсин, қайтмасди, кўзи қонга тўлиб, ақлу ҳушини йўқотиб, муштлашув қомига тобора фарқ бўлиб борарди. Энди мушт кўрқинч туғдирмас, аксинча, у энди қандайдир ёввойи лаззат сари етакларди.

У оёғида шипиллаб ҳалакит бераётган шиппакни ечдию айланиб туриб, ракибининг бошини мўлжалга олиб тепиб эди, ракиби усталик билан чап бериб қолди.

- О, ты ещё каратист? - деди у.

- Онангни учқўрғондан кўрсатганимдан кейин биласан кимлигимни!..

- Ма-на, ма-на, ма-на! - эрмак қилган бўлди рақиб тили ўзбекчага келишмай.

Юсуфники тутди, турган жойидан рақибга ташланди-да, уни даст кўтариб ерга урди. Рақиб жикиллаб тушди. Юсуф эса ҳаялламай ўзини унинг устига ташлаб эди, рақиб эпчил экан, Юсуфнинг хотидан чиқди-кетди.

Энди улар бир-бирларининг нималарга қодир эканликларини синаб бўлишганди. Энди рақиб ҳам ҳазил-пазилни йиғиштириб қўйиб, чинакамга олишувга шайланганди.

Шу тоб Миразимнинг ташвишли овози гулдиради:

- Юсуф! Саид! Қочдук, ман анувни ўлдириб қўйдим шакилли.

Бироқ гапга ҳеч ким эътибор бермади. Саид ўз рақибни билан куч синашаётган боксчилар каби ҳар замонда битта-иккита мушт отганча гир айланар, у ҳам бундан қолишмасди. Миразим бўлса, деворгулнинг тагида гўжанак бўлиб, ҳеч қандай сас чиқармай ётган рақибга қараб, баттар ваҳимага тушии чоғи, чопиб кета туриб, ёнбоши билан Саиднинг олдидагини чунонам қаттиқ туртдики, у учиб бел баробар ўсган гулдевор ортига ўтиб кетди.

- Ман нима девобман санлага! Анувни ўлдириб қўйдим! Қочдук...

У Саидни хиёбон дарвозаси томон итариб, йўлақай Юсуфга ёрдамга келди.

Юсуф унга «Аралашма!» деб бақирди.

- Тушунсанг-чи, қаҳрамонликнинг вақтимас. Қуён бўлиш керак! - деб бўғилди Миразим.

Шу пайт қоронғилиқдан ўн-ўн беш чоғли одам отилиб чиқиб, бақир-чақир билан шу томонга чопиб кела бошлади. Афтидан, бу - ҳалиги кизларнинг иши эди. Олишувнинг ўрни эмасди, Миразим билан Саид дарвоза томон қочдилар. Юсуф бўлса, чамаларди: нарироқда ётган шиппагини олиб улгурадим-йўкми? Йўқ! Ташлаб кетишга бўлмади. Ўзиники бўлса бошқа гап эди... Шиппакни олгунича одамлар етиб келиб ўраб олишдию, Юсуфни бош-кўзи демай ура кетишди. У ҳеч қачон бунақа кўпчилиқ ичида қолмаган ва мушт емаганди. Жуда чаток бўларкан. Олдиндаги бир урса, оркандаги бир тепади. Юсуф қайси бирига ташланишини, қайси муштга жавоб қайтаришини билмасди. Хиёл ўтмай гарангсиб қолди, лекин йиқилмади, йиқилиши мумкин эмасди. Бироқ аҳвол яна бироз шундоқ давом этадиган бўлса, йиқилмоқдан ўзга иложи йўқ эди унинг. Зеро, қулоқлари тинимсиз шанғиллар ва у энди одамларнинг шарпасинигина кўрар, гапларини эшитмасди. Шу асно Юсуф ўзини кимдир ҳимоя қилаётганини сезди. Устма-уст тушаётган зарбалар кўкқисдан тинди. Секин-аста ҳушига келгач эса ўртага тушган киши боягина ўзи билан олишган рақибни - алпқомат ўрис йигити эканлигини кўриб, анграйди.

- Не надо его бить, он потом пришёл, он просто помогал своим друзьям, как и вы сейчас мне помогаете. За девочками гнались вон те! - дея шерикларини Юсуфдан нари қилишга тиришарди рақибни.

Юсуф у кўрсатган томонга қараб қотиб қолди: Миразим билан Саид энди бу томонга чопиб келишарди. У тушунди! Йигитлар Юсуфни гала орасида ёлғиз ташлаб кетмаслик учун қайтишар эди. «Ахир, биз учта эмас, олтига, ҳатто тўққизга бўлганимизда ҳам уларга бас келолмаймиз-ку!» деган фикр кечди унинг хаёлидан. Бироқ шу баробар кўзларидан ҳам тирқираб ёш чиқиб кетди... ва сўнгги дақиқада бошини кўтариб бақирди:

- Қайтинглар!...

Лекин бу вақтда Миразимни ҳам, Саидни ҳам тутиб олишган эди...

Ўша кеча улар тоза қалтакни еб, ётоқхонага чўлоқлана-чўлоқлана, инқиллай-синқиллай, бир-бирларини суяб кириб келишди. Айниқса, Миразимнинг ҳоли ёмон эди: ҳалиги деворгул тагида «ўлиб қолган» рақибни жўралари келгач, «тирилиб кетиб» ўзига иккита келадиган, энг муҳими, қўл-оёғи ушлаб турилган Миразимни хумордан чиққунча тепкилаганди...

4

Юсуфнинг кўзлари ёшга тўлди. Ҳақиқатан ҳам соғинч унинг юрак-бағрини ўртаб юборганди. Лекин ўша пайтдаги... ўша дўстларга - ўша Саиду ўша Миразимга бўлган соғинч...

- Ҳўш, энди нима қилай, - тўлғонарди Юсуф ўрнида, - чиқиб ичайми?.. Бўлмайди. Бугун ичиб ҳовурдан тушарман. Эртага, индинга-чи? Буёғига ҳамён кўтармайди. Қишлоққа бориб келсамми? Яқинларимни зиёрат қилиб қайтардим. Бахонада анча ёзиларман ҳам... - У бир қарорга келганди. Энди йўлкира масаласини ҳал қилса, бас, қайдасан тутилган юрт, дея равона бўлади.

5

Юсуф хотини Ойгул ва ўғли Абдулла билан катта йўлдан қатновчи автобусларнинг биридан тушди. Энди улар то уйга етгунча беш-олти чақирим йўлни пиёда босишлари керак. Бу Юсуфга ёқади. Ахир ўз қишлоғининг бир учи худди шу ердан бошланади ва у мана, қарийб бир йилдан бери кўрмаган она юрти дийдоридан баҳраманд бўлиб боряпти... Атрофдан ҳали ҳам кишининг турки қочмаган эса-да, лекин барибир ҳавода кўклам нафаси кезаётгандай. Бу фасл Юсуфни ҳамиша ҳаяжонга солади, кўнглида битмас-туганмас орзу-умидлар уйғотади. Илон пўст ташлаб, бошқа - яп-янги либосга киргани каби одамзод ҳам баҳор келиши билан бир тозариб-янгилиниб олади, деб ўйларди Юсуф. Хув ана, Улуғтоғ - ҳануз ўша-ўша, серсалобат, сервикор... Қиш тикиб берган оқ дўпписини ҳали ечмабди. «Узоқроқ турганимда эди, кизғалдоқ ва лола очилган маҳал бир чиқардим» - армон қилган бўлди Юсуф.

- Болажоқ, хув тоғни кўрдингми, тоғни? - кучоғида атрофга қизиқсиниб қараб бораётган ўғлининг эътиборини тоққа қаратмоқчи бўлди у.

- То-о, - дадасига тақлид қилди Абдулла.

- Ҳа, тоғ, ўғлим, тоғ. Борасанми ўша тоққа?..

6

- Тур, Юсуф тур, тоққа борасанми? Улуғтоққа?

Юсуф уйқусираган кўйи қараса, ўзидан бошқа ҳамма, ҳатто укалари ҳам чой ичиб ўтиришибди. Бирдан эсига тоғ сафари тушдию ирғиб ўрнидан турди. Деразага қаради - қоронғилик.

- Ия, кечаси кетамизми? - Юсуф онасига қаради.

- Ҳа, бўлақол, болам, бир пела чой ичвол, бўлмаса йўлда очқаб қолсан, - ўғлини ҳам шошириб, ҳам огоҳлантирди Ҳалима ая.

Юсуфнинг қувончи ичига сиғмасди. Наҳотки, у шу чокқача хув анави ерда савлат тўкиб, хаёлини узоқ-узоқларга олиб қочиб юрган афсонавий тоғ - Улуғтоққа бугун борса! Унинг тошларига қадам босса, ҳатто шу ердан булутларга ёндош кўриниб турган осмонўпар чўккига чиқса!..

Севинчдан боланинг нонушта қилгиси ҳам келмади. Трактор товуши эшитилиши билан учиб ташқарига чиқди. Трактор чирокларини ёққанча сигнал бериб, жар солган кўйи Юсуфларнинг шундоқ уйи қаршисида тўхтади. Бола сакраб аравасига чиқиб олди. Бирин-кетин отаси тугун ва ўтинни, онаси Элбекни кўтариб, акаси Амир эса Обид ва Олимнинг қуршовида чиқиб келишди. Бир пасда қариндошлар ҳам пайдо бўлишди...

Юсуфнинг юраги дук-дук урарди. У ҳеч қачон бунчалик кўп одам билан ҳеч қаерга бормаганди. Араваси тўла одамни трактор судраб кўзгалганида, катталар эсонлик тилаб, юзларига фотиҳа тортишаркан, Юсуфнинг эти жимирлаб кетди...

Қуёш Аравон тоғлари этагидан бош кўтарганда улар аҳоли яшайдиган жойдан чиқиб, тобора юқорилаб тўша-тўғри Улуғтоққа элтадиган йўлга тушиб олишганди. Катталар ҳазил-хузил қилиб, аския айтиб, болалар энди ёришиб, кўзга ташлана бошлаган атрофни, бориб-бориб Улуғтоққа улиниб кетгувчи адирликларни томоша қилиб боришарди. Юсуфнинг эса фикру хаёлини дам кўриниб, дам баланд тепаликлар ортига ўтиб қолаётган Улуғтоғ банд этганди.

Бир маҳал шундоқ йўлнинг икки четидан бошланиб кетган баланд ва анчагина тик адирликлар устида кўй-кўзилар кўринди. Улар шунчалик кўп ва эмин-эркин, эгасиз ўтлаб юришардики, бу нарса қишлоқда ҳамиша беш-ўнта кўйнинг ортидан таёқ кўтарган камда икки бола чопиб юришини кўришга одатланган Юсуфга жуда ғайритабиий ва ажойиб туюлди. Юсуф ҳайратланиб улгурмай, шундоқ тепасида - беш-олти метр чамаси нарида ўзига қараб турган баҳайбат ҳайвонни кўрди, бир сесканиб тушди.

- Ота, анави бўрими? - деди у.
- Йўк, болам, ит.
- Ит ҳам шунақа котта бўладими?
- Чўпонларнинг ити-да, ўғлим. Зоти шунақа.
- Зоти нимаси?

- Ота-энаси шунақа котта бўлган-да, - Одил ака ўғлига жавоб бераркан, ўзи ҳам бу бўрикелбат ва бақувват итдан кўзини узолмай, бошини орқага бурганча борарди. Трактор зўр бериб марра сари илгариларкан, Юсуфнинг кўз ўнгида чўпон итининг суврати қолган эди...

Бу орада қуёш ёйилган, тепаликлар устида унда-мунда қизғалдоқлар кўриниб, болалар завқини оширарди.

- Одил ака, хув ана, мен сизга айтган қизғалдоқлар! Бултур ҳам худди шундай эди, - дея Кенжавой ака қўллари билан анча илгаридеги тоғ ёнбағрига ишора этди. Ҳамма ўша ёққа қаради. Аёллардан кимдир «Вой худойим-эй, мунча чиройли!» деса, кимдир «Бўлмаган гап, бу қизғалдоқзор эмас!» деди. Юсуф ҳам ниҳояси кўринмас қизилликка қараб, бирданига унинг ҳақиқатан ҳам қизғалдоқзор эканига ишоналмади. Фақат тобора яқинлашиб боришаркан, қизғалдоққа, ўт-ўланга хос белгиларни фарқлаб, озги очилди...

Шу пайт трактор тўхтади, кабинадан Неъмат ака гавдасининг ярмигача чиқариб, ўтирганлардан сўради:

- Нима қиламиз, қизғалдоқми, тоғми?
- Шерда¹ коловрамиз, тоғда нима бор, қуруқ тош-да? - Муродали ака ҳамманинг номидан гапирди.
- Йўк, тоққа борамиз, болаларга тоғ тузук, - деб Сафарали ака ўртага тушди.
- Қизғалдоқ яхши, тоғда чарчаймиз. Қаранг, қандай баҳаво, чиройли жойлар экан! - деб завқланди Турсуной опа. Қолган аёллар қий-чувлашиб уни қувватлашди.
- Қани, тезроқ бир қарорга келинлар. Кўпчилик нима дейди? - Неъмат ака қариндошларни шоширди.

Бу пайтда Юсуф ўйланарди: қизғалдоқзорми, тоғми? Қай бири зўр? У илгари ҳеч қачон бундай довдирамаганди. Тоғ деса қизғалдоқзор қоляпти, буни деса уни-си... Қани эди ҳар иккаласига ҳам боришса! Лекин катталарнинг «бирини танлаш керак» дейишида бир гап бор-ов. Бундан чиқди, ҳақиқатан ҳам бирини ... Лекин қайси бирини! - Юсуф буни билмасди.

- Шундай қилиб, қизғалдоқзор, - деб Неъмат ака кабинага кириб кетдию тракторни ён томонга бурворди. Энди улар чўғдек ёниб турган, нуқсонсиз гур ўсган қизғалдоқзор оралаб боришарди. Юсуф олдида ўтирган отасининг елкасидан тутганча тик турган кўйи бу манзарани - тиникдан-тиник қизиллик - қизғалдоқзорни кузатаркан, бу гаройиб гулзор ичига жисми эмас, балки қалби билан кириб бораётгандек ҳис қиларди ўзини...

Трактор тўхтар-тўхтамас ҳамма ундан тезроқ тушмакка шошилди. Икки-учта катта ёшли эркаклар келтирилган нарсаларни аравадан олиб кўйишаркан, бошқалар ўзларини чор томонга - қизғалдоқзорга отдилар. Юсуф бунақасини ҳатто телевизорда ҳам кўрмаганди. Бир текисда ўсган қуюқ қизғалдоқзорнинг энлари маълумо бўйлари кўз илғамас олисликлар қаърига «чўкиб» кетганди. У на чоққиллаб думалашинию, на бошқа болалар сингари қизғалдоқдан қучоқ-қучоқ узишини биларди. Юсуфни бу қадар кўп ва яна шу қадар гўзал қизғалдоқ бутунлай ўзига ром қилиб кўйганди. У ҳайратда кўзларини катта-катта очиб, қизғалдоқнинг қип-қизил косасига, шу қизилликка уйғун ич қисмидаги қоп-қора холига термуларкан, уни узишга ботинолмасди...

Тушликка димлама тайёрланди. Ҳаммалари битта, каттакон дастурхон атрофида ўтириб, иштаҳа билан овқатландилар. Каттаю кичик, эркагу аёл... барчанинг кайфи чоғ ва бу хурсандчилик уларни ўз бағрига олиб бирлаштирган эди...

Овқатдан сўнг катталар қизғалдоқдан тўшалган кўрпачалар устига ёнбошлаб, оёгини узатган кўйи, чойхўрлик қилганча, суҳбатга толдилар, болалар эса яна қизғалдоқзорнинг ҳали пайхон қилинмаган қисмига чоғиб кетишди. Ота-оналар аҳён-аҳёнда уларни кузатиш учун тик туриб қараганларида, болаларнинг қип-қизил қизғалдоқзордан фақат бошларигина чиқиб-сузиб ўйнашаётганини кўришарди...

¹ Ш е р д а — шу ерда (шева).

Кечга томон улар кулгу ва қий-чувлар остида кишлоққа қайтишди. Трактор ар-васининг ичи қизғалдоқ билан тўлган, узокдан қаралганда болаларнинггина эмас, балки ўтириб олган катталарнинг ҳам бошлари гўё денгиздаги кемалардек кўри-нарди. Қизғалдоқ денгизидан шодон қийкириқлар, кулгулар баланд адирликлар бўйлаб олис-олисларга тараларди. Фақат Юсуфнинггина кўзлари яна қад ростлаган Улуғ-токка қадалганди. Қанчалик узоклашган сайин тоғ шунчалик яқинлашиб келарди Юсуфнинг назарида. Гўё Улуғтоғ уларни таъқиб этаётгандек эди...

7

Йўл четидаги уйлар Юсуфнинг кўзига анча кўримсиз ва пачоқ кўринди. «Эхти-мол шаҳарнинг баланд-баланд уйларига кўниқиб қолганим оқибатидир, - ўйлади у, - эхтимол, болаликда улар анча муаззам туюлгандир менга. Лекин бу нурашлар-чи? Деворларнинг пес босгандек уқаланиб ётиши-чи? Нима, бир пақир оҳак топиш шун-чалик қийинми?»

Кимдир эскилигидан ва қору ёмғир таъсиридан қийшайиб қолган деворга ёғоч-дан тиргович кўяётганди. Юсуф болалик дўсти Содикни таниди.

- Эй дўст, хорма, бормисан? - Юсуф дераза томонга элтувчи асфальт йўлкага бурилди.

- Бор бўлинг! - аввалига шу ердагилардан бири деб ўйлаган Содик ўзи томон келаётган одамни таниб, бир зум довдираб қолди. Сўнг лой кечиб кела бошлаган ўртоғини тўхтади.

- Шошма. Ўша ерда тур, мен ўзим... - у кирза этигини силкиб, ёпишиб қолган лойларни туширган бўлди-да, тағин эриб турган ерни босиб меҳмонга пешвоз юрди.

- Кесинла-кесинла. Қандоқ шамол учирди?!

Содик кучоғини очиб турган дўстига икки-уч қадам қолганда тўхтади.

- Яхшимисан, тани-жонинг соғми?

- Раҳмат... раҳмат. Нега турибсан, кемийсанми, кураш тушмаймизми ҳов бир пайтлардагидек? - Юсуф гапиришга гапирарди-ю, Содикнинг тўхтагани сабабини билиб ҳам турарди: унинг уст-боши, ҳатто юз-кўзлари, бошидаги эски, бир кулоғи ипсиз шалшайиб турган теллагигача лойга ботганди. Ва буни шу тобда ҳар иккиси ҳам билар ва ҳар иккисининг-да юзларига хижолат қизилиги тепиб чиққанди.

- Дўстим, сен йўлдан қолма, ювиниб-нетиб, уст-бошимни алмаштириб, орқанг-дан етиб бораман.

Юсуф лой-пойига қарамай, анчадан бери кўрмаган ўртоғини шартта кучоқлаб олгиси келса-да, бу билан Содикни батгар хижолатга ботиришини ўйлаб, қўлларини туширди.

- Ундай бўлса, - деди Юсуф кулишга уриниб, - қолган синфдошларни ҳам олиб ўт. Сизларни роса соғиндим...

- Хўп бўлади, - қўлларини кўксига қўйди Содик.

Юсуф нарироқда кутиб турган аёли ва ўғлига етар-етмас, ниманингдир «гуп» этганини эшитиб, орқасига ўгирилди. Бу - Содик эндигина тирговуч қўймоқчи бўлган девор эди. У қулаб лойга қоришиб ётарди. Содик эса бояги жойидан қимирлаб улгурмаганди. У бир деворга, бир Юсуфга қарарди-ю, бир нарса дея олмасди.

- Қолганиниям бузиб ташлаб, янгитдан кўтармасанг бўлмайди чоғи, - деди ово-зини баландлатиб Юсуф.

- Шунакага ўхшайди, қани, кунлар исийверсин-чи, - деди ахийри тақдирга тан бериб Содик.

Юсуф йўлига равона бўлди. Аёли ва ўғлига етиб олувдиямки, орқадан Содик-нинг овози янгради:

- Шаҳарга кетиб тўғри қилгансан, Юсуф...

- Ўзинга-чи, бу қимматга тушмадимми? - деди Юсуф йиқилган деворга ишора қилиб.

Кулишди.

8

Ўзи чопқиллаб қатта бўлган кишлоқ йўлига бурилганларида Юсуфнинг юраги бир энтикди: «Ажабо, қариндош-уруғдан бошқа яна нима бор бу оддий, ўсалгина кишлоқдаки, мени бунчалар тўлқинлантирмас!»

У ер-бу ери ўйдим-чукур бўлқолганига қарамай, кенг ва тўғри асфальт кўчадан боришаркан, Юсуф энди бу йўлдан машиналар камқатнов бўлиб қолганига аҳамият берди.

- Юсуф акамла келяпти, Юсуф акамла! - Ариқнинг нарёғида ўйнаётган кўшни болалар, ким Юсуфнинг олдига, ким Ҳалима аянинг уйига чопишди.

Юсуф сумканинг чўнтағига қўл тиқиб, болаларга ширинлик улашаркан, уларнинг анча катта бўл қолганини кўрди.

Шу пайт темир дарвозанинг иккала қаноти ланг очилди-да, остонада Ҳалима ая кўринди. Юсуф бувисининг кичик ва озғин жуссасини бағрига босаркан, ўзининг ҳам ўпкаси тўлди... Тўлди-ю, ўзини босди.

- Бўлди, буви, биз ҳаммамиз соғу саломатмиз...

Ҳалима ая бошини ўғлининг елкасидан олиб, юзига қаради ва ўтди. Юсуф унинг ёшли кўзларида соғинчдан бошқа яна чексиз хавотирни кўрди. Илгарилари унда фақат соғинч ва меҳр бўларди...

Улар бошлашиб ичкарига киришаркан, ҳовлида ток кўтараётган Одил ака ва укалари кўринди. Юсуф уларнинг келишини кутиб турмай, ўзи у томон йўналди. Улар ҳам Юсуфни кўришди, бироқ қўлларида баҳайбат токнинг узун ва йўғон занги бўлиб, уни бир ёқдан иккинчи ёққа зўр бериб қайиришаётганди.

- Биз ҳозир, бир пасда бўламиз, - Одил ака вазиятга изоҳ бермоқчи бўлди.

Юсуф уларнинг олдиларига етар-етмас танаси қайриляётган ток қарсиллаб ёрилди.

- Уҳ-ух-ух, - Одил ака токнинг ёрилган жойига ташвиш билан бокди, лекин ўғилларига далда берди, - эҳтиёт қилиб қайираверинглар!

- Энди одам бўлмаса керак, ота? - сўради етиб келган Юсуф ток танасида зунасига кетган ёрикқа ишора қилиб.

Синган ток танасини осонликча қайириб олишгач, улар кучоклашиб кўришди-лар. Сўнг ҳаммалари токнинг ёрилган жойини обдон кўздан кечирдилар.

- Одам бўлади, одам бўлиши керак, - деди ниҳоят Одил ака қаддини ростлаб.

- Нега жойини ўзгартиряпсиз? - сўради тагин Юсуф.

- Чунки сояда қолиб кетди. Кўшнини иморатини қаранг, - Одил ака имо билан собик раис бованинг кўшқаватли, баланд уйини кўрсатди, - занғарнинг дастидан кўп мевалар ҳеч офтоб юзини кўрмаяпти. Токни бошқа томонга тарашдан мақсад ҳам шу - офтобга олиб чиқиш, - негадир Одил ака хиёл қизариб, кимгиниб, бунинг устига «сиз»лаб гапирарди ўғлига. Юсуф бундан мутаассир бўлди. У отасида илк бор одамзотга хос ожизликни, синикликни кўраётганди. Кўнгли алланечук бўлиб, томоғига нимадир тиқилди...

Ҳаммалари дастурхон атрофига ўтиришганда дуо ўқилди. Сўнг Ҳалима ая туриб, нон-чай келтирди. Элбекка бир ҳовуч ёнғоқ бериб, ўғлим, шуларни чақиб кел, дея ўзи чўкка тушиб нон ушата бошлади. Юсуф сумкасидан қанд ва пишлоқ олиб дастурхонга қўйди. Одил ака ҳар доимги жойида бўлса ҳам аввалгидек ёнбошлаб эмас, балки тиззаларини омонатгина букиб, оёқларини иложи борича ўзига яқин тортиб ўтирарди. Гўё у ўз фарзандининг эмас, балки жуда азиз бир меҳмоннинг қаршисида ўтиргандек ва уни кўнгидагидек кутиб ололмаётганидан хижолат чекаётгандек тутарди ўзини.

- Шаҳарни сизлар биласизлар-у, қишлоқда анча қийин бўл қолди, - Ҳалима ая гўё эрининг ўнғайсизлигига изоҳ бериб, уни хижолатпазликдан чиқармоқчи бўлгандек гапирди.

- Хижолат бўлманглар. Биз ахир бегона эмасмизки, зиёфат беролмадим, деб андиша қилсаларинг. - Юсуф тобора авж олиб, ҳатто ўзига ҳам юқаётган ўнғайсизликнинг барчасига чек қўймоқчи бўлиб асабийроқ гапирди...

Юсуф отаси билан анчагача дардлашиб ўтирди. Бу орада овқат ҳам тайёр бўлган экан. Ҳалима ая дастурхон ўртасини бурда нонлардан тозалаб, гўшт ўрнига картошка босилган қайноқ паловни келтириб қўйди.

Юсуф йўлдан бирор кило гўшт олволмаганига афсус қилди, лекин у ҳолда қайтиб кетиш учун йўлқирани нима қилишлагини эслаб, ичидан эзилди.

9

Овқатдан сўнг Юсуф болалари билан ўзларига ажратилган, исирик ҳиди гупиллаб турган хонага кирди-ю, юраги бир орзиқиб тушди. Хаёл уни тагин болалиги

сари етаклади. Ҳар сафар ташқарида қор ўйнаб, уст-боши шалаббо бўлиб қайтганида худди шу хонага кирар ва анави пастдаккина печканинг ёнбошига суянганча анча вақт исиниб ўтирарди. Ҳозир ҳам ўша жойга ўтириб олгиси келди. Ойгул билан ўгли кийимларини алмаштириб, «Биз бувимизнинг олдида бўламыз», деб чиқиб кетишди. Юсуф ўтирган кўйи қолди...

10

Қор ёққандан-ёғар, дераза олдида турган бола - Юсуфнинг қувончи ичига сиймай типирчилар, онасидан қачон тонг отишини тинимсиз сўрар ва Ҳалима аянинг жавобидан қаноатланмай, табуретка устига чиқволиб, қуёш чиқадиган - Улуғтоғ томонга жавдирагани-жавдираган эди.

- Мунча ошиқмасанг, ҳали қорга ҳам, ўйинга ҳам тўйрасан, туш пастга, йиқилиб майиб бўлма, - койинди бошқа ўғиллари қаторида радио эшитиб ётган Одил ака.

- Анави Улуғтоғизга айтинг, ота, ҳадеб ушлаб туравермай, қуёшни қўйворсин! У бўлмаганда биз аллақачон Содик билан қорбўрон ўйнаётган бўлардик, - она ва отасини кулдирганча ширинланди Юсуф.

- Нималар деясан, ўғлим, тоғ қуёшни тўсгани йўқ. Қуёш тоғдан жудаям олисдан чиқиб келади. Унга на тоғ, на бошқа нарса, Худодан ўзга ҳеч зот халақит қилолмайди. Вақти-соати етганда ўзи кўринади, - тушунтирди ота.

- Бўлмаса, Худога айтинг, қуёшни қўйворсин.

- Ҳа-ҳа-ҳа... Ўғлим, Худо мендан сўраб иш қилмайди. У ўзига хон, ўзига бек. Бу ишларни ўз навбати, ўз низоми билан юргизиб қўйган ҳам ўша зот! Бирон иш эрта ё кеч бўлиб, низомдан оғсаёқ ер юзида қиёмат кўпади.

- Қиёмат нима?

- Котта бўлганинда биласан. Ана, тонг ҳам ёришиб қолди. Қани, туринглар, болалар! Яримларинг қор қурайсизлар, яримларинг мол-қолларга қарайсизлар, кетдик!..

Нонушгага ҳар сафар Ҳалима ая бир неча патир иситар ва қизиб турган нон устига сарйёғ ташлаб, бармоқлари қуйганча қатларига шимитар, ота ва болалар эса сўлақларини ютганча бунни кузатиб туришарди. Сўнг ҳар ким ўз улушини ширин чойга қўшиб пок-покиза тушираркан, она «тўймай қолишмасин», дея ҳар эҳтимолга қарши тагин нон иситмоққа тугинарди. Ўзи эса ҳаммадан кейин, ҳамманинг кўнглини олиб бўлгачгина нон тишларди. Бу гал у шунга ҳам улгурмади. Апилтапил нонуштасини еб битирган Юсуф «қўлпайпоғим қани?» деб уни ҳол-жонига қўймади...

Қорга кўмилиб ётган катта кўчага отиларкан, унинг хаёлида завқ олишдан бошқа ташвиши йўқ эди. Ниҳоят тиззасигача қор кечиб, йўлақдан катта йўлга чиқди ва ҳали из тушмаган кўча қаршисида тўхтади. Наҳотки, ундан илгари ҳеч ким ўтмаган бўлса? Юсуф бир зум иккиланиб турди. Момикдек ястаниб ётган қор шу қадар гўзал, бунинг устига, ҳали тегинилмаган эдики, Юсуф «босайми-босмайми?» деб ўзига-ўзи савол берарди. Ниҳоят, гарч-гурч босиб юриб кетди. Бироздан сўнг бурилиб орқасига қаради ва янги изни - янги йўлни кўрди. Олдинда эса, ҳади из тушмаган қор! Унинг завқи ошгандан ошди. Энди чопмоққа бошлади. Бир пайт ўртоғи Содикнинг уйи ёнига келиб қолганини билиб, қақира кетди:

- Со-дик, Со-оо-д-и-и-и-к!..

Кўча томонга қараган деразадан Турғун хола мўралади.

- Нима дейсан? Азонлаб нима бор? Содикжон ухляпти...

Юсуфнинг ҳафсаласи пир бўлгандек бир зум каловланиб турди-да, сўнг яна қорни кечишда давом этди. У бир қақирим, ярим қақирим юрар, сўнг орқасига - очилган йўлга қараб, «Энди одамлар менинг изимдан юради» дер ва хаёлан ўзини кўпчиликка фойдаси тегайпти ҳисоблаб завқланарди.

Бир пайт Юсуфнинг қулоқларига қорнинг гарч-гурчлари орасида мотор товуши ҳам кирди. Ўгирилиб, узокдан чирокларини ёққанча секин гилдираб автобус келаётганини кўрди. Унга бир дам тикилиб тураркан, автобуснинг ўзи солган йўлдан юраётганини кўриб қувончдан сакраб юборди. Автобус тобора яқинлашиб, сигнал берди. Юсуф ҳушига келиб, ўзини четга олди ва саросима ичида қолди. Ҳайдовчи кўрсаткич бармоғини ҳавода ўйнатиб, «Ҳа, сеними!» дегандек енгил пўписи ҳам

килиб кўйди. Буларнинг ҳаммаси бир пасда - худди кўз очиб юмгунча бўлди-ўтди. Юсуф автобуснинг орқасидан қорнинг тилимлаб ташланган бағрига мўлтирабгина қараркан, нима қиларини билмасди. Олдинга юрай деса, кизигио завки қолмагани: ҳаммасини автобус барбод қилган, бир эмас, иккита йўл солган эди. Орқага қайтай деса, ўйнагиси келарди...

Шу вақт елкасига келиб теккан қор парчасидан сесканиб тушди. Қараса - Содик экан... Улар қорбўрон ўйнашга киришдилар. Дам Юсуф Содикни тагига босиб, қорга кўмиб ташлар, дам эса Содик Юсуфни. Ўйин кизигандан кизирди. Салдан сўнг улар икки киши эмас, йигирматача бўлиб, икки гуруҳга айрилганча ўйинни давом эттиришди. Аввалига узокдан туриб бир-бирларига юмалокланган қор отишган бўлса, бора-бора ўйин авж олиб, бир-бирлари билан кураш тушмоққа, кийимларининг ичларигача қорга тўлдирмоққа бошлашди. Юсуф ўйиннинг завқига шу даражада берилгандики, бошқа ҳамма нарсани - молларга ўт қирқишу сомон ивтиш каби кундалик вазифаларини-да унутганди. Унинг қор ишқаланган қулоқлари лов-лов ёнар, ҳатто ичкараси енгил шангиллаб ҳам кўярди, бу эса болани атрофга чалғишдан кўриб, ўйинга, унинг жон-жонига кириб-сингиб кетишига кўмаклашарди...

Ўша куни Юсуф алламаҳалгача ўйнади, ўйнаб терга ботди. Бу ҳам етмагандек, рақиб тарафдаги болалардан - Абдуманноб билан муштлашиб, кўзининг тагини шишириб ҳам олди...

Ҳалима ая қозон бошида ўймалашаётган экан, ўглининг шошиб ўтганидан кўнгли бир нимани сезиб, Юсуфнинг изидан ичкари кирди.

- Қани-чи? - Ҳалима ая боланинг юзига синчиклаб қаради.

- Вой шўрим, кўқариб шишиб кетибди-ку. Ким сени бунақа қилиб урди, айт?

- Абдуманноб... Йиқилиб тушиб эдим, тепди.

- Қучинг етмадими уришма, сўнг бизга кўзёш ҳам қилма. Ўртага тушмаймиз. Шуни ўнг қулоғинг билан ҳам, чап қулоғинг билан ҳам эшитиб ол!

- Ўзиз сўрадиз, айтдим. Ҳали шошмай турсин...

- Бўлди. Тўй ўтгандан сўнг хинани орқанга кўй. Уйга кир, кийимларингни еч, ҳозир шўрпахта тайёрлаб бераман.

Юсуф отаси қурган гиштин печкага елкасини бериб исинар экан, бугунги воқеаларни бирма-бир ҳаёлидан ўтказа бошлади... Кўп ўтмай онаси тунука идишда шўрпахтани келтирди, унинг ҳаёли бўлинди. Ҳалима ая ўглининг моматалоқ бўлган кўз остини яхшилаб артиб шўрпахтани босди.

- Ушла, совуғач, бошқасини олиб кўйиб тур, мен овқатга қарай, ҳозир отанглар ҳам кепқолишади.

Юсуф шўрпахта босишни тугатгач, кифтларини яна печканинг иссиқ тафтига тутганича пардаси сурилган деразага кўзларини қадади.

11

Бир маҳал Ҳалима ая кирди.

- Ўғлим, нега бунақа ўтириб қолдинг, тинчликми? Тану жонинг соғми, ишқилиб?

- Ҳа, бувижон, келинг... Ўзим шундоқ. Ҳар гал келганимда шу ерда бир пас ўтиргим келаверади... Эсиздами, қишда манави печканинг устида сув иситиб кўяр эдингиз. Кейин илиган сувни шундоқ чўмичлаб олиб, жомнинг ичида бизларни бирма-бир чўмилтирардингиз. Яна кимда-ким оғриб қолса, мана шу жой, - Юсуф кафти билан тагидаги тўшакка уриб кўйди, - уники бўларди.

- Ҳа, эсимда... - Ҳалима ая кўзларини бир нуктага қадаб бироз жим тургач, деди: - Ўғлим, бир қариндошларни кўриб келсанг яхши бўларди. Энанг ҳам ўзини анча олдириб кўйган. Тўшакка тушиб қолган, ҳозир Кенжавой амакинникида. Бир ой уникида турса, бир ой бизникида бечора энанг. Ақангларникига ҳам ўт. Аммо у билан гап талашиб, баҳслашиб ўтирма. Бефойда. Ҳозир қариндошини ҳам танимай қолган. Келиб отангни ҳам намоз ўқимаялсиз, деб тергаб кетади. Отанг, «одам тўғри юрса, ҳаром емаса, ҳалол билан оиласини боқса, бас-да», десаям бўлмайди. «Сизлар ҳидоятсиз ўтиб кетсангизлар ҳам майлими? Охиратни ўйламайсизларми?» - дегани-деган...

Юсуф бувиси туғиб берган тугунларни кўлига олиб, аввал Кенжавой амакисининг уйи томон йўналди.

12

Улар ҳам Юсуфни худди меҳмондек кутиб олишди. Тўрдаги хонага таклиф этишиб эди, Юсуф энаси ётган жойга бошлашни сўради.

- Ассалому алайкум! - Юсуф овозини кўтариб салом берди. Эна атрофга аланглай-аланглай ниҳоят Юсуф ва унинг орқасидан келаётганларни топти. Юсуф гиламга тиз букиб, энасининг кўлини олди, қолганлар тўшакка чўкдилар.

- Мени танияпсизми, эна?..

Эна унинг юзига узок тикилиб туриб, «Юсуфиммисан?» деди. Сўнг неварасини ўзига тортиб, дам у юзидан, дам бу юзидан ўпа кетди.

- Соғ-саломатмисан, болам, - у баланд овозда гапирарди: - Нимага бундай кемай кетдинг? - кампирнинг товуши титраб, шундоқ ҳам намланиб турган кўзларидан дув-дув ёш оқди.

- Мана, келдим-ку...

- Бунақа йўқолиб кетма, жон болам...

- Апа, бир дуо қилинг, - Кенжавой ака хотинию болалари даврасида дуога кўл очиб турарди.

- Илоҳа омин, хонадонларимизга тинчлик-хотиржамлик, юртимизга тўқин-сочинлик берсин, болаларингни роҳатини кўрийдла. Юсуф ўғлим, сенинг ҳам бошинг тошдан бўлсин, Худойим икки дунёнгни обод айласин! Ҳаммаларингга Ўзи сабр ато этсин. Мендай қариб-чуриб, мияси ачиб қолган кампирнинг инжиқликларига чидаб юрганларингга раҳмат! - кампир юзини енгилгина сийпади, бошқалар унга эргашдилар.

Дуодан сўнг Юлдуз опа кетмайсизлар, деб қаттиқ туриб олди. Шу ўртада Юсуф:

- Опа, овора бўлманг. Менинг қорним тўқ. Манавини эса бувим берворди. Ош экан, - деди.

- Вой укажоним, озиб-ёзиб йилда бир келасизу чойсиз жўнатамизми? - Опа барибир дастурхон ёзаверди.

- Сен дарров кетаманга тушмай, ўтир. Шаҳар қалай, нима ишлар қиялпсан? Шулардан гапир, - деб Кенжавой ака чойни қайтара бошлади. Юсуф чўнтагига кўл солиб, беш-олтита қоғозли қанд олиб, кичкинтойларга узатган эди, эна «Қанд бўлса, менга ҳам бер, ўғлим», деди ялингансимон.

- Ҳа, Юсуф, шунақа, Суннатга эмас, энангга бер ширинликни, энанг боладай гап, - деб изоҳ берди Кенжавой ака.

- Мана, олинг, - Юсуф энасининг ҳовучига қанд кўяркан, унинг эти устихонига ёпишиб кетганини ва қалтираб турганини кўриб, кўнгли бузилди. Ва бир зум хаёлга берилди. Яқиндагина бу кўллар бақувват эди, эпчил эди, дам Юсуфни, дам бошқа невараларини кўтариб юрарди. Ҳатто анча катта бўлиб, бемалол югуриб кетганларида ҳам ҳарҳаша қилиб, «опичлатинг» дейишса, эна ҳеч эътироз билдирмай уларни кўтариб оларди. Шунда кўрганлар ва айниқса, Одил ака билан Ҳалима ая «Апа, нима қиласиз, ўзизни қийнаб? Ахир булар ҳўқиздек бўпқолишти-ку», дейишса ҳам, «Майли, қўябер, яқинда катта бўб кетишса, шу бахтдан ҳам айрилиб қоламан», дерди эна. Энаси бениҳоя меҳрибон, очик кўнгли аёл эди. У ўзига ёмонлик қилганлардан ҳам аразлашни, уларга қасддан иш қилишни билмасди. Ҳатто болаларнинг илтимосларини сира қайтаролмасди. Тўрт-беш ёши нимаси, агар Юсуф ҳозир «Эна, мени опичлатинг» деса-чи, бунга энанинг қурби етса, ҳеч иккиланмай, «Кел, болам», дерди. Лекин энди кампир ҳатто ўзини ҳам идора қилолмайди алфозда ётибди. Энди унинг ўзини ҳожатга ҳам кўтариб олиб чиқишади. Фақат Юсуф узокда, уларга қараша олмайди. Аслида энага энг кўп қарашни лозим бўлган киши шу - Юсуф. Ёшлигида энанинг кўлларидан тушмай, унинг ёнида ётиб қанча эртақлар эшитиб катта бўлган ҳам у. Энди вақти келиб, қараш гали етганда қаерларда юрибди.

- Ўғлим, ҳар келганингда шунақа қанд опкелгин. Булар менга беришмайди. Овқатни ҳам қизганишади, - деди эна қандларни тўшаги тагига яшириб, биттасини титроқ кўллари-ла оғзига соларкан.

Юсуф хангу манг бўлиб қолди.

- Апа, нималар деяпсиз? - Кенжавой аканинг юзлари худди гуруллаб ёнаётган

олов ёнида ўтиргандек қип-қизариб кетди. - Гаплариздан ер ёрилмади, ерга кирмадик. Ахир еганиз олдида, емаганиз кетизда-ку. Суннатга топиб беролмасак ҳам сизга опкеляпмиз-ку ўша зорманда канд-курсни. Товба, товба... Юсуф, ука, сен тушун, энанг шунақа, боладай бўп қолган. Ёмон хаёлларга бориб ўтирма. Ўзимиз эски-тускиларни ямаб, амал-тақал ўтирган бўлсак ҳам, қозонимиз кунда бир маҳал қайнаб турибди. Хали сувга ташлаганимиз йўқ, Худога шукр. Энангга-ку уч маҳал иссиқ овқат бор: кўни-кўшнилар обчиқади, бувинг берворади, ўзимиз қилгандан иситиб берамиз... Лекин қаричилик экан, энанг етти-саккиз ойдан бери ёш боланинг гапларини айтадиган, ёш боланинг қилиқларини қиладиган бўпқолган. Бизникида турганда отанг билан бувинг кўргани келишса, уларга «Оч колдим, обкетинглар», дегани-деган. Уларникида эса, мен кўргани борсам, ўша гапни менга қайтариб, обкет, дейди. Сен-ку, майли, ўзимизникисан. Қўни-кўшни, маҳалла-кўй, энангни илгаридан таниган-билганлардан уяляпмиз. Қишлоқдан кўргани келганларга ҳам «оч қоляпман» деб бизни шарманда қиляпти-да... - Кенжавой аканинг юзлари энди бўзариб, қорамтир тусга кириб қолган эди.

Шу пайт Юлдуз опа ҳовури чиқиб турган бир товоқ нонпалов кўтариб кириб, дастурхонга қўйди.

- Қизим, қошиқларни обкеलाқол, - деб қизини шоширди. Сўнг эрининг асабийлашиб, ранги ўчганини кўриб сўради:

-Ҳа, дадаси, тинчликми?

Кенжавой ака яшириб ўтирмади:

- Апам яна ўша гапни гапиряпти-да.

Юлдуз опа ерга қаради. Қизи қошиқларни кўтариб кирганда эса, рўмолининг учи билан кўзини артганча қайтиб ошхонага чиқиб кетди.

Ўртага оғир сукунат чўкди. Фақат уни қанд сўриш билан андармон бўлган энанинг тишсиз оғзидан чиқаётган товушигина бузиб кўярди...

13

У Кенжавой амакисиникидан чиқиб, акасиникига эмас, балки орқага қайтди. Чунки кўргани ва эшитганларидан мутаассир бўлиб эзилганди. «Наҳотки, - ўйланарди у, - битта яримжон кампирнинг еб-ичишини таъминлаш шунча қийин бўлса? Ахир, у Кенжавой амакисининг ўз онаси-ку. Киши ўз онасидан ҳам бирор нарсани қизганадими? Ёки улар шунчалар ночорми? Тўғри, қийинчилик, тақчиллик бор. Лекин оч қолиб ўлган одамни ҳали эшитганимизча йўқ. Ваҳоланки, аҳвол бу даражада ёмон ҳам эмас-ку. Ёки бўлмаса, Кенжавой овосининг айтганлари рости энам ёш болага айланиб қолиб, шунақа гапларни айтяптими? Ахир, гап-сўзлари жойида каби кўринмадими? Наҳотки у ўз болаларини бегоналар олдида изза қилишга ботинса?» Юсуф шу хаёллар билан отасининг уйига кириб келганида, бутун ояла тўпланиб, уни кутишаётган эди. Ҳатто алоҳида жойга «учирма» бўлиб чиқиб кетган Амир ва Обидлар ҳам бола-чақаси билан келиб ўтиришганди.

Юсуф ҳали кўришмаган қариндошлари билан бир-бир сўрашиб чиқди. Ниҳоят, ҳаммалари ўтиришгач, Ҳалима ая дуо қилди. Сўнг Юсуфга юзланиб деди:

- Ўғлим, Элбекни кўрмадингми йўлда? Аканглар кеп қолишганига изингдан юборувдик, айтиб келгин, деб.

- Йўқ, кўрмадим.

- Ўзи кеп қолар, хавотир олманг, - деб Юсуфга мурожаат қилди Амир, - ука, қалайсиз, соғ-саломат юрибсилами?

- Шукр, ака, тинчмиз, ўзларинг болаларни катта қиляпсизларми? Қийин эмасми?

- Қийинчилик - бу Худонинг бандасига юборган бир синови, ука. Дунё эса, синов майдон, шундай экан, ношукрлик ёмон. Намоз ўқиш керак. Худога ёлбориш керак. Ҳадеб у йўқ, бу йўқ, эртага очарчилик бўлармиш, деб ваҳима қилиш ўрнига, борига шукр қилиб яшашни ўрганиш керак. Сабр-қаноатли бўла билиш зарур. Нафсни қўйворса, у нима балоларга гирифтор этмайди. Одамлар моддий бойликка эмас, маънавияту ҳикматорликка қараб интилин. Пайғамбаримиз бутун ислом дунёсининг раҳбарига айланган вақтда ҳам жуда фақир ҳаёт кечирганлар. Уйларида кунда бир марта қозон қайнаган ё қайнамаган. Емишлари хурмою сув бўлган. Биз-чи? Биз энг қийин даврларда ҳам ўша хурмоча емишга қаноат қилолмаймиз. Назаримда одамларнинг кўзи оч бўлиб қолган. У йўқ, бу йўқ, бундан буён у нарса бўлмасмиш,

деган гаплар оғизлардан тушмайди. Ўзлари талвасада. Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ.

- Ўғлим, сен айтаётган хокисор киши - найгамбар, - деб гапга кўшилди Одил ака, - Худонинг элчиси. Энди менга ўхшаган ҳамма қатори одамнинг тақвою мискинликда унга тенг келиши ниҳоятда мушкул. Сен айтгандай фақат намоз ўқиб, борига шукр қилиб яшаш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бу йўл зоҳидларники. Бунинг ҳам яхши, маъқул томонлари бордир, албатта. Лекин бу йўлни бутун халқ қабул қилсин, дейиш - нотўғри. Ўша мусулмончилик роса гуллаб-яшнаган даврда ҳам девонаю қаландарлар мингтадан битта чиққан ё чиқмаган. Биз озми-кўпми ўрисни гарбиясини олдик. Бу ёқда тилвизор, газета-журнал деган нарсалар дунёнинг нақ нариги чеккасидаги янгиликларни кўрсатаётган, ёзаётган бўлса... Олам ўзгариб кетган.

- Ота, сиз ҳам тушунинг. Саҳиҳ ҳадисларда айтилишича, ҳатто исломнинг ўзида етмиш учта йўл пайдо бўлади. Шундан етмиш иккиси ботил, уларда юрганлар тўғри жаҳаннамга тушади. Фақат биттасигина тўғри йўл бўлиб, жаннатга олиб боради...

- Амир, мен ҳам биламан, ҳар қайси дин «Тўғри бўл!» дейди. Сен айтаётган намозу ҳаж... буларнинг бари ана шу биргина гапга олиб боради. Одамнинг мана бу ери, - Одил ака чап кўксига нуқиб кўйди, - тоза бўлсин. Агар бўлмаса, унинг юз йил қилган тоат-ибодати бир пул.

- Лекин, ота, динда тўғри бўлсанг бас, намоз ўқимасанг, рўза тутмасанг, закот бермасанг, ҳажга бормасанг ҳам бўлаверади, демаган. Демак, буларни ҳам бажариш зарур. Буларнинг ҳам тагида кишини ҳалолликка, ночор одамлар ҳолини биллиб, уларга ёрдам бериб, одам бўлишликка ундаш бор. Сиз ўзиз намоз ўқимаганингиз учун Худонинг фарз қилиб қўйганларини фақат тўғриликкагина буриб қутулмоқчи бўляпсиз. Ахир намоз диннинг устун, - деб қизишти Амир.

- Агар сен намозсиз таскин топмаётган бўлсанг, ўқийвер хоҳлаганингча, фақат бировларни тинч қўй. Ўз аъмолингни бил. Менинг тўғрилигим ўзимга етади. Шунга яраша кўнглимда ҳоловат бор.

- Ота, бундай деманг, мушрикча фикрляпсиз, товба денг. -Амир азбаройи қизариб-бўзариб кетди.

- Сенинг бундай дейишга нима ҳақкинг бор?

- Ҳой, отаси, - орага тушди Ҳалима ая, - ҳеч бўлмаса сиз бир гапдан қолинг. Буни энди кўряпсизми? Уйимизга бир йилдан бери кўрмаган ўғлимиз келади-ю, ундан ҳол-аҳвол сўраб, яхши гаплардан гаплашиб ўтириш ўрнига... қаёқдаги гафоларни кўзгаб ўтирсангизлар. Қанча вақтдан бери икковларинг тортишасизлар. Ҳеч бир тўхтамга келдиларингми? Бугунча қўйиб туришлар, ўша бошоғрикларингни. Ҳеч бўлмаса, келинлардан уялинглар!

- Бу бошоғрикмас, буви, - деди Амир тобора ҳаяжонланиб, ҳатто нафаси бўғзига тикилиб, тутилиб-тутилиб қола бошлади. — Агар билсайиз, бу - ҳаёт-мамонт масаласи. Чунки мен Қуръонда айтилганларни айтганиман, отамга ўхшаб ўзим ўйлаб топганларимни эмас. Намоз ўқишга эриниб, ҳар хил сафсалаларни гапиряпти отам. Аслида, буларнинг ўрнига у ҳам, сиз ҳам намоз ўқисаларинг бўларди. Қариб қолган бўлсаларинг. У ёқдаги ҳисоб-китобдан қандай қилиб кўркмайсизлар? Келинларингиз мендан уялсин! Намоз ўқимагани учун, очик-сочик юргани учун, манави шаҳарлик келинингиз ҳам, - у Ойгулга ўқрайиб қўйди, - сочини кестиргани учун.

- Сен мусулмон бўлсанг бас, бизга тинчлик керак. Икки куннинг бирида келиб, дам отанг билан, дам Олиму Ёлбек билан уриш-жанжал қиласан. Бу ёқда мен сиқилиб адоий-тамом бўлдим, - Ҳалима ая йиғлаб юборди. - Ахир ўзинг ҳам қирққа борганда намоз ўқишни бошладинг-ку. Булар ҳам секин-аста тушуниб қолар.

- Менинг ўттиз беш ёшимгача ўриснинг замони эди. Қуръоннинг нималигини билмасдик. Ҳозир ҳар хонадонда бор Қуръон, лекин олиб ўқийдиган одам - анконинг уруғи, - ҳалиям ҳовуридан тушмай давом этарди Амир.

- Сенга нима, ўғлим, - яна кўшилиб кетганини билмай қолди Одил ака. - Ҳар қўйни ўз оёғидан осадилар. У дунёда сен ўз савобу гуноҳинг учун ажр олганингдек, мен ҳам қилиб юрган амалларимга қараб мукофот ё жазо оларман...

- Нега энди менга барибир бўлар экан? Сизлар менга бегона эмассизлар, дўзахга тушишларизни хохламайман.

- Сенинг бу уруш-жанжалларинг қайси дўзахдан кам? - Ҳалима ая бошини кўтариб, тўнғич ўғлига қаради. - Бор, уйингга! Ибодатингни қилавер. Болаларингни ҳам

олиб кет. Ўзинг қара, ўзинг бок. Оч қолишганда жўнатма. «Дада, нон!» деб чирқиллаганда кўрамиз ҳолингни. Агар ўшанда ҳам сенга ақл кириб, йиғлаётган болаларингга қарамасанг, мен сендан ҳам, сенинг мусулмончилигингдан ҳам кечаман!

- Бўлди, Ҳалима, ўзингни бос, - деди Одил ака аёлини тинчлантиришга уриниб. Ўртага бир зум оғир жимлик чўкди. Ҳамма бошини ҳам қилиб ўтирарди. Ҳатто болалар ҳам индамай қолишганди. Юсуфнинг назарида сукунат яна бироз чўзилса, ўтирганларнинг барчаси унга фарқ бўладигандек эди.

- Ҳа, майли, кетдик, - деди Амир ёнида ўтирган хотини ва болаларига қараб. - Биз ким бўлмиз, даъват қилганларида ҳатто пайғамбаримизни ҳам ўз қариндошлари қувиб солишган.

- Пайғамбар сўзини айтаётганиз яхши, ака. Лекин отам билан бувимни нега пайғамбарга қарши чиққанларга ўхшатасиз? - жимгина ўтирган Юсуф ниҳоят сўзлашга ботинди. - Аксинча, улар бутун борлиқлари билан, балки бир умрлик амаллари билан ўша йўлдалар-ку. Фақат сиз шу тобда уларнинг кўнгил ҳоллари билан ҳисоблашмай-нетмай ўз назариздаги исломни тикиштирмоқчисиз...

- Юсуф, сен шу гапингда тур-да, эртага бизникига бор, ўша ерда гаплашамиз. - Амир бошқа ҳеч нарса демай, болаларини олдига солиб чиқиб кетар экан, укасининг елкасига қоқиб қўйди.

Эшик ёпилгач, Ҳалима ая елкалари силкиниб-силкиниб йиғламоққа тушди...

14

Юсуф алламаҳалгача ухлаёлмади. Чунки шу бир кунда кўрган ва эшитганлари уни тинч қўймаётганди: «Ажабо, замон, одамлар қанчалик ўзгариб борапти. Ҳамма гўё кўзи ожиз кимса: тутганини қўймайди... Ўзим-чи? Ҳолим уларникидан ҳам баттар-ку, ҳамон аросатдаман-ку. Бозорга кириб адашиб қолган болага ўхшайман, на зарур нарсани харид қилишимни биламан, на уйимнинг қаерда эканлигини. Акамнинг ҳам, отамнинг ҳам ҳоли бунчалик эмас. Акам ўз йўлини тўғри деб қанчалик ишонса, отам ҳам ўз эътиқолида шунчалик собит. Улар ўртасида кўз ўнгимда бўлиб ўтган тортишув-жанг менинг ичимда неча йиллардан бери бораётир-ку. Не кўргуликки, қарама-қарши тарафларнинг ҳар иккиси ҳам менинг ўзим: «Отам» ҳам мен, «акам» ҳам мен. Айнан шунинг учун ҳам вақтида юрак ютиб мунозарага аралашолмадим. Унинг бунақанги хафагарчиликка айланиб кетишининг олдини ололмадим...»

- Дадаси...

- Ҳм.

- Нега акам менинг сочимга осилади, иши бўлмасин мен билан. Хўжайинлик қилади, - Ойгулнинг ҳам кўзларига уйқу келмаган экан.

- Эътибор берма, хафаям бўлма.

- Нега энди бўлмасаканман? Бўламан-да.

- Куръоннинг муқаддас китоблигини, Оллоҳ томондан Муҳаммадга тушганлигини тан оласанми?

- Оламан, - эрининг нима демоқчи бўлганини тушунмайроқ жавоб қилди Ойгул.

- Ундай бўлса, шу китобда билмаганга билдириб, оятларимизни даъват қилинг, деб ёзиб қўйилган. Акам осмондан олиб эмас, балки ўша китобни сенга ўхшаб тан олганлиги учун ҳам ундаги гапларни яна бир бор етказиб қўйяпти, холос.

- Шаҳарда ҳамма шунақа юради-ку, ҳатто бу ерда ҳам бошланибди.

- Ҳамма ўз ўзига, сен ўзингга жавоб берасан.

- Кесиб бекор қилдинг, демоқчимисиз, ўзиз руҳсат берувдиз-у?

- Унақа демоқчимасман... билмайман... ухла!

15

Юсуф тўнини елкасига ташлаб, оҳиста юриб ташқари чикди.

Ҳаво кечагидан ҳам баҳорий эди. Тун бўлишига қарамай осмоннинг қорага мойил кўкимтир рангини илғаш мумкин (эҳтимол, «осмоннинг ранги кўк» деган фикрнинг мияга ўрнашиб қолган соясидир бу кўриниш), юлдузлар ҳам шаҳардагидек узокда эмас, балки томбошига чиқиб сакрасанг, бир нечасини узиб олгудексан. Енгил эпкини ҳовлининг этак тарафидан қий ҳидини олиб келиб димоққа урди... Юсуф беихтиёр ўша ёққа юрди. Кавш қайтариб ётган сигир танишдек туюлди, янада яқинроқ бориб энгашиди-да, ҳайвоннинг қаншарини силади. Хуш ёқди шекил-

ли, сигир кавш қайтаришдан тўхтади. Ҳа, бу ўша сигир эди. Юсуф бундан роса 18 йил аввал ўрта мактабни битириб, шаҳарга ўқишга кетаётган кунини туғилган эди у. У биринчи йил ўқишга киролмай, бош эгиб кишлоққа қайтиб келганида, худди шу сигир, йўғ-е, бузоқ эди унда, - жонига ора кирганди. Уни томоша қилишнинг ўзи Юсуфга олам-олам завқ бағишларди. Ирғишлаб юрарди, худди ёш болага ўхшаб ўйнагиси келарди. Ўшанда Юсуф ҳайвон ҳам шунчалик сеvimли бўлишини пайқаганди. Сарик бузоқнинг қаншарида шапалоқнинг учича келадиган оқ қашқаси бориди. Мана, ўша белги - энди у шапалоқдек... Юсуф оғир хўрсиниб, қўра томонга ўтди. Бирок у бўм-бўш, эшиги ҳам очик турарди. Чикиб кетибди, деб ўйлаб, атрофга аланглади. Ҳеч қандай қора ҳам, сас ҳам йўқ. Уйга шошилди: «Отани уйғотай, тонггача кўйлар узоқиб кетиб қолишлари, ўзлари кетмаган тақдирда ҳам дайди итлар ҳуркитиб юбориши мумкин. Шу кунларда 15-20 та кўйни йўқотиб қўйиш - ҳазилми!»

- Ота, ота!.. - Юсуф эшик олдида келиб чақирди.

- Ҳа, - Одил аканинг бўғиқ овози келди ичкаридан.

- Кўйлар йўқ, чикиб кетибдимми?..

- Қанақа кўйлар?

... Юсуф бирдан тушунди ва бошқа индамади. Ота ҳам ўғлини тушунди шекилли, ортиқча изох бериб ўтирмади.

16

Гулшода эчкини соғиб, сутини докадан сузиб ўтказди-да, тулука идишда печканинг устига қўйди: уч боланинг ҳар кунги нонушгаси. «Бисмиллоҳ» деб газни буради, жонсизгина товуш чикди. Гугурт чакди, бир энликкина ёнди. Ўтинга қаради: соб бўпти. Аччиғидан шахдам юриб, эри ўтирган хона эшигини очди. Амир ҳали ҳам жойнамоздан турмаган, бошини куйи солганча пичирлаб қайсидир сурани ўқиб ўтирарди: кўзларида гилт-гилт ёш... Ҳар сафар Гулшода эрининг бошига газаб ва алам билан бостириб боради-ю, уни мана шу аҳволда кўриб, бирон нима деёлмай изига ночор қайтади. Ниҳоят, Амир намоздан турганида эса, бояғи ҳовуридан тушиб бўлган бўлади. Бу гал эса у бурилиб кетмади, бутун аччиғини ичига ютиб, намознинг битишини кутишга аҳд қилди. Эшик кесақисига суянган кўйи сирғалиб ерга ўтирди. Ўттиз саккиздан эндигина ҳатлаган бу аёлнинг юзларида турмушнинг аччиқ-чучуклари шундайлигича ўз расмини солиб кўяқолганди. Нафсиламрини айтганда, Амир ҳам ундан кўп-да фарқ қилмасди. У эрининг озиб-тўзган, сочига оқ оралаган серизтироб юзига қараб ўз қиёфасини кўрганидек, дард ва ташвишдан тобора кичрайиб, буришиб бораётган хотинига қараб, Амир ҳам ўз холини англади. Эҳтимол, барча қийинчиликларга қарамай, ўртадаги ана шу яқинлик уларни тутиб турган эди. Лекин Гулшоданинг айна дамдаги шапши ўзгачайди, энди у ўша туйғу билан ҳисоблашмасликка аҳд қилганга ўхшарди. Кўзларида тубсиз изтироб ўрнида энди газаб йилтираб, уни ўн беш йиллик ёстикдошига сочмоққа тайёр турарди.

Амир эса хотинидан уч қадамча нарида ҳамон ўша алпозда ўтирар ва майин оҳангда кироат қилар, фақат бир баҳя олдин кўзларига тўлиб турган ёш энди юзларидан шашқатор оқиб тушар эди. Эрининг бу ҳоли Гулшодага таъсир қилмай қолмади. У худди шу таъсирга берилиб, газабини ютиб юборишдан сақланиш учун ҳам кўзларини юмиб олди. Шунда бир-бирига урилган киприқлар орасидан икки томчи ёш гуноҳкорнинг жодуда кесилган бошидек думалиб кетди. Ҳайхот, у яна мағлуб!.. Яна кўзларидан меҳр ва шафқат ёшлари бодраб чиқа кетди. Эру хотин чўкка тушган кўйи қарийб ёнма-ён ўтирар, бири «Оллоҳ» дея ўзини унутган эса, бири истиғроқ кучоғидаги инсон қаршисига беҳол турарди. Иккисининг кўзларидаги лик тўла ёш гўё уларни бу дунёдан, унинг ташвишларию мусибатидан, ҳатто бебақою камёб шодлигидан ҳимоя этаётгандек эди. Айна дамда, уларни бир-бирига дахлдор, яқин айларди ҳам...

17

Юсуф кўзини очганида хона нурга тўлган эди. У баҳор келаётганини эслади: қушларнинг чуғур-чуғурини эшитди. Дераза ортида одамларнинг бир-бирини чақирган, гаплашган, кулган овозларидаги кўтаринкилик... буларнинг ҳаммаси баҳорнинг

киш устидан узил-кесил галабасидан далолат берарди. Юсуф «Ўзинга шукр», дея ўрнидан чакқон турди-да, кийиниб ташқарига чикди. Ҳовлида қариндошу қўни-қўшнилар ҳам юришар, нарироқда эса, дошқозон тўла сумалак қайнар, аёллардан кимдир уни қовлаб турар, атрофида икки-уч кампир чой ичиб ўтиришар, болаларнинг қўллариди ёғоч қошиқ - галма-гал қозон гирдига ёпишардилар.

Юсуф апил-тапил юз-қўлини ювди-да, бориб ҳамма билан сўрашди.

- Ҳа, шаҳарлик, уйку пишдимми? Сумалакни соғинибсан-да? - бу Турсуной опа эди.

- Дада, дада! - Абдулла пилшираб келиб, Юсуфга ўзини ташлади.

- Ҳа, ўғлим, қалайсан? Қишлоқ ёқдими сенга? Ўҳ-хў, сени ким бунақа чиройли кип қўйди? - Юсуф ўғлининг юзида қотган сумалакни кетказмоқчи бўлиб сийпаб кўрди. Бўлмади. - Юр, бетингни ювамиз. Қачон турувдиларинг? Нега мени уйғотмадинглар?

- Эрталаб турганмиз, дадаси. Ҳозир биласизми қанча вақт бўлганини? - киноя қилди катта-катта жомларни ювиб ўтирган Ойгул.

- Вақтни билмадим-у, қорним очганини аниқ биламан.

- Ҳа, сиз буни билмай қолмайсиз. Вақтироқ туриб, ўтин-пўтин ёришга ёрдамлашайз бўларди. Ҳамма укалариз азондан бери ишлаб юришибди.

- Ҳеч нарса қилмайди, улар ўз укаларим.

- Барибирам-да.

- Нега уйғотмадинг унда?

- Ўн марта кириб «туринг» дедим, «хўп, ҳозир...» дейсизу мен ишониб чиқиб кетаман. Яна келаман... Ахийри бир чўмич сув билан борятувдим, бувим қўймади.

- Уни-буни қўй, чой дамла.

- Юсуф, келакол ўғлим, чой тайёр, ҳозир шўрва ҳам пишиб қолади, - деди ошхонадан Ҳалима ая.

Нонуштадан сўнг Юсуф сўради:

- Бувижон, менга нима иш бор?

- Акангдан бир хабар ол, ўғлим. Тўнғичини жўнатишиб, ўзлари келишмади. Мендан ростакамига аразлаганга ўхшайди. Ахир, жаҳлим чиққанида уришганимни ўзинг ҳам биласан-ку. Бор, ўғлим, айтиб кел. Агар шундаям келишмаса, ўзим бораман...

Юсуф енгилгина кийиниб кўчага чикди. Ҳаво очик. Кўм-кўк осмон гўё улкан уммону унда-бунда сузиб юрган булутлар оқ кемалардек эди. Куёш ҳаммасининг тепасида гўё ҳакам, булутлар ўйинидан тортиб, энди-энди ниш уришга келган яланғоч дарахтлар бошида учиб юрган қушлару яқиндагина бош кўтариб, дунёга илк бор кўз солганча майин баҳорий шабода кучоғида мастликда чайқалаётган майсаларгача, барча-барчасини назорат қилиб тургандек. Дарвоқе, одамлар. Булар Юсуфнинг ҳамқишлоқлари: кимлари бир пайтдаги ҳамқасблари, кимлари оғайнилари, собиқ синфдошлари... Юсуф бирма-бир қуюқ сўрашиб борар экан, уларнинг вақт тўлқинларида ўзгариб бораётган сиймоларида ўзини, дарёнинг иккинчи қирғоғи - ўлим сари яқинлашаётган, битаётган ўз умрини кўрди. Маъюс тортиди...

Одатда ўн-ўн беш дақиқада юриладиган акасининг уйига у сўраша-гаплаша бир соатлар чамасида етиб келди. Чақирди. Ҳовлининг этагида ит вовуллади. Кейин бирин-кетин Моҳира ва Нодиралар чопқиллаб чиқишди. Юсуф чўнқайиб, кучоғини очди. Болалар худди палапонлардек учиб келиб, Юсуфнинг бағрига сингиб кетишди. Кеча улар бироз ётсираб қарашганди. Юсуфнинг кўлидан ширинликни олишгач ва олдида анчагина ўтириб, унга обдон разм солишгач, амакиларини ниҳоят «танидилар» шекилли, мана энди ҳеч бегонасирамай ёпишар эдилар.

- Келинг, Юсуф, - деди Гулшода жилмайганча ени билан пешона терини артиб.

- Келдик. Яхшимисила? Сумалакка айтиб келдим. Юринглар.

- Ҳозир акеиз келсин, таҳорат олгани ўтувди. Келинг, бу ёққа ўтинг... Худога шукр, қушлар ҳам исиб кетди, - Гулшода Юсуфни айвондаги хонтахта олдига - тайёр жойга тақлиф қилди.

Юсуф ўтириб, отасига ўхшаб қисқа дуо қилди: «Омин, болалариз катта бўлишаверсин!» Кейин уй ва ҳовлининг аҳволига разм солиб олгач: «Чамамда ҳаммаси ўша-ўша, ҳеч қандай ўзгариш йўқ-а, ая?» - дея Гулшодага юзланди.

- Ҳолимизни ўзиз кўриб турибсиз-у, қунимизни аранг ўтказяпмиз. Мен боллар ва уй ишларидан ортмайман. Акеизни бўлса, мана, бир неча йилки, фикру ёди у ёқда. Мактабдаги дарсларини ҳам баъзан мен бориб ўтиб келяпман.

- Нега?
 - Чунки намоз вақти кирса дарсни унутиб кўяди.
 - Ўзиз-чи? Ишламаяпсизми?
 - Соғлиғимни биласиз. Мактабда бир неча марта йўтал тутиб, йиқилиб қолганимдан кейин ногиронликка ўтказиб қўйишди.
- Юсуф аясининг нафас қисиш касали билан қаттиқ оғриб юришини биларди, лекин бу даражадалигидан хабарсиз экан. Гулшоданинг ҳозирги гапи уни жуда мутаассир қилди.
- Мана шунақа, қиркқа бормаи, ярим жон бўлиб, қариялар каби нафақа олиб ўтирибман.
 - Ассалому алайкум! - Амир кўлида обдаста, ҳовли томондан юриб келди.
 - Ваалайкум ассалом!
 - Салом-алик, дуодан сўнг, Амир укасини эшитиб, Гулшодага қаради.
 - Сизлар ҳалиям бормадиларингми?
 - Нуридинни жўнатганман, Бувимнинг кечқурунги гапидан кейин борсамми-йўқми, деб андиша қилиб ўтирибман.
 - Бувим менга гапирди. Сен тур, болаларингни олиб тезроқ боравер. Бизнинг Юсуф билан гапимиз бор.

18

- Гулшода болалари билан чиқиб кетгач, Амир Юсуфдан сўради:
- Намоз ўқимаи қўйибсан деб эшитдим. Шу ростми?
 - Мусулмончиликда бирламчи нима, ака? - саволга савол ила жавоб этди Юсуф.
 - Иймон.
 - Нега унда сизнинг биринчи саволингиз иймон ҳақда эмас?
 - Чунки иймонли одам намоз ўқийди.
 - Лекин намоз ўқиганларнинг ҳаммаси иймонли, дегани эмас бу. Шу билан бирга, намоз ўқимаганнинг ҳаммаси иймонсиз, деган ҳукм ҳам йўқ исломда.
 - Бу нарса намоз ўқимаслик учун сенга ҳуқуқ бергани йўқ-ку.
 - Тўғри, ака, қанийди менам сизга ўхшаб намоз ўқисам ва бунга ич-ичимдан эҳтиёж сезсам. Илгари шундай эдим. Ҳар бир намозни худди ёрени кутаётган ошқдек кутардим. Ўқиш асносида, Худонинг қаршисида, Унга бўйсуниб тургандек ҳис қилар ва бундан қалбим беҳад ҳузурланарди. Бора-бора бу ҳол мени тарк этди, мен худди белгиланган вақтда жирингловчи соатга ўхшаб қолдим - намоз вақти бўлиши билан ёд олинган сураларни қуруқкина қайтариб, уч-тўрт йиқилиб тураман, холос. На руҳий боғланиш ва на намоздан кейинги кўнги тасаллиси. Ҳеч вақо! Мулоҳаза қилиб қарасам, мен қаерда ва нима иш билан машғул бўлмай, ҳамиша Оллоҳнинг измида ва Унга ибодатда эканман. Бироқ асосийси бу эмас. Кеча отам тўғри савол берди: диндан, мусулмончиликдан мақсад нима ўзи? Назаримда, мен буни ўзим учун ва ўзимча тушунгандекман. Ака, такрор айтаман: ҳозир айтадиганим фақат менинг ўзимгагина тегишли. Ҳамманинг номидан гапиришга менинг ҳаққим йўқ. Хуллас, ҳар қандай диннинг асосида инсонни яхши бўлишга, яхшилик қилишга, ўзингга раво кўрганингинигина ўзгага раво кўришга қақриб яшаш мавжуд. Ислонда бу нарса Оллоҳнинг бирлиги ва Муҳаммаднинг пайғамбарлигига суянилан ҳолда тушунилади. Чунки дунёда муайян қонун-қоидаларга асосланган, тинчлигу фаровон ҳаётни таъмин этувчи Олий Низом тўла маънода ишлашига эҳтиёж мавжуд. Ака, назаримда, ҳар ким ана шу Олий Низомнинг ҳамма жойда қарор топиши учун ўз улушини қўшиши зарур. Унга раҳна солмаслиги шарт. Шу маънода одамлар ўз амалларига кўра учга бўлинади: Олий Низомни ҳимоя қилувчилар, Уни бузувчилар ва лоқайдлар. Негадир кўнглимда шундай бир қаноат борки, агар киши ўша Олий Низомнинг ҳимоя қилувчиларидан бўлса, у намоз ўқийдими, ўқимайдими, ҳажга борадими - йўқми, барибир чин мусулмондир. Бунга энг ёрқин мисол - отам. Ака, мен қанча жойда бўлиб, қанча одамларни кўрган бўлсам, шулардан ҳалоллик ва ростгўйликда, ўз ишини мукамал бажаришда, ўзгани ўзидек қабул қилишда... отамга ҳатто яқинлашадиганини учратмадим. «Мана-ман» деган диндорлар ҳам бу борада отамга тенг келолмайдилар... Энди бузғунчиларга келсак. Уларни қўлига қурол ё таёқ олиб, кўзга кўринган нарсасини маҳв этаётганлар, деб тушунмаслик керак. Уларнинг ичида бошига салла ўраб, беш вақт намозни қанда қилмайдиганлар ҳам, бўйнига бўйинбоғ

такиб, раҳбарлик вазифаларида ўтирганлар ҳам, оддий ишчи ва деҳқонлар ҳам... бор. Улар аввало, ҳар қандай қудсиятдану одамгарчиликдан ўз шахсий манфаатларини устун қўядилар. Мавжуд нарсаларнинг ҳаммасини, ҳатто дину одамлар ишончини ҳам алал-оқибатда ўз манфаатдорлигига буриб юборади. Яъни улар отам каби ўзгани ўзидек кўрмайди. Улар учун ҳеч қандай эзгулик йўқ. Улар одамзотнинг ҳайвонлик жиҳатига таяниб иш кўрадилар. Жаҳонда бўлиб ўтган урушлару қонхўрликларнинг бошида ўшалар ўтиради. Ёки сизга яқинроқдан бир мисол: шу кеча-кундуздаги такчиллик пайтида халқнинг тўйу азаларини, ҳар қандай маросимдаги сарф-харажатни енгиллатиш ўрнига қайси мўридан тутун чиқса, ўша ерда ҳозир нозир мулла ва муллаваччалар, оппоқ соқолларини селкиллашиб юрувчи чоллар - маҳалла кўрklarининг аксарияти аслида зулукдир. Уларнинг беш вақт намоз ўқишидан, динни яхши билишларидан, ҳатто ҳажга бориб келганларидан нима фойдаки, элнинг оғир кунда асқотмаса?.. Уйда аза бўлган кишини ҳолини бир тасаввур қилиб кўринг: бечора мусибатнинг зўридан хангу манг. Ахир ўлим нафақат унинг бир яқинини тупроққа - қора ер тагига олиб кетди, балки ўз ташифи билан унинг жонига ҳам навбат муқаррарлигини, шу ҳақдаги ваҳмини ҳам сола кетди. Одамзод бошидаги муштарак мусибат шу лаҳзада унинг зиммасида. У йиғлайди, сиктайди, марҳумнинг армонларини эслаб эзилади ва ҳоказо. Шундай пайтда таъзияга қариндош уруғ кўни-кўшнига кўшилиб, дастлаб ўша диндорлар, маҳалла оксоқоллари келади. Уй тумонат одам. Лекин улар куруқ келишадия куруқ кетишмайди. Ўлик чиққан уй эгаси келганларни «меҳмон» қилишга мажбур. Ўша афтода ҳолида дош-қозону гуруч топиши, қўй сўйиши (бўлмаса-чи!), келганларнинг кўйнига қистириб юбориш учун қандайдир мато қидириши... шарт. Товба, дейман, ака. Бу қайси мусулмончиликда бор. Азага бориб, ош-шўрва еб-ичиб, кўйнига бир парча матони қистириб қайтишни ўзига ор билмайдиган киши чин мусулмон бўла оладими? Ахир бу на одамгарчиликка тўғри келади ва на Қуръонга. Баъзан ўйлаб қоламан: ўзбек халқининг ўзида бир камчилик бор. Чунки иморатини қуриб, тўй ва аза маросимини ўтказиб олган ўзбекнинг орзу армони ҳам, умри ҳам тугайди. Менга алам қилади бу нарса, ака. Ахир биз мўлжални шу учта бекатга қараб оламиз, холос. Ундан каттароқ нарсаларни кўра олмаймиз. Умр ва топган-тутганни тўй-у маърақаларга, ҳашамга сарфлашдан тийилиб, оёқ остидан сал нарироққа ҳам разм соладиган замон аллақачон келган. Ҳолбуки, дунё қанчалар илгарилаб кетган. Биз ривожланган давлатлар сари интилиш, уларнинг ижобий томонларидан ўз миллий ва жўғрофий хусусиятларимизга қараб ўрганмас ва пировардида бақувват бир мамлакатни барпо қилмас эканмиз, ҳатто сиз учун шу тобда энг устувор қадрият, инсоннинг асосий иши бўлиб туюлаётган динимизни ҳам қўлдан бой беришимиз ҳеч гапмас. Чунки жаҳолат ҳар қандай улуғ қадриятларни ҳам маҳв этишга қодир. У - кўринмас маҳлук. Ака, мени тўғри тушунинг, сизнинг назаризда мен, отам ва кўпгина бошқалар гўё фақат дунёвий ишлар билан банд, сиз эса диний. Мен шу нарсани тўла ишонч ва кўнгил хотиржамлиги билан айта оламанки, оилани, бола-чақани ҳалол йўл билан боқиш ҳам, бунинг учун тер тўкиб ишлаш ҳам, ишдан чарчаган вақтларда дам олиш ҳам, овқат ейиш ҳам... ўзига хос ибодатдир, айна мусулмонликдир. Динимизда ўз аёлинг билан кўшилиш ҳам ибодат саналади, ахир. Ака, мен кичик бошим билан сизга насиҳат қилаётгандек бўлиб туюлмай, ваҳоланки, сизнинг дунёвий ва диний билимингиз меникидан ортик бўлса ортикки, асло кам эмас, - Юсуф шолчага тикилиб ўтирган кўзларини Амирга бир қаратиб олиб, давом этди. - Назаримда, сизнинг шу тобдаги ҳолингиз пайғамбаримизнинг «динда ўрта йўлни тутинг», ҳадисидан кўра тасаввуфий ҳолга яқинроқ. Ўзимнинг кузатишим ва эшитганларим бўйича айтадиган бўлсам, рўзгорнинг ташвишлари ҳам асосан аямнинг қўлида экан. Бу уйга кўчиб ўтганингизга қанча бўлди? Ўшанда иморатнинг чала жойлари бор эди, мана булар, - Юсуф қўли билан ҳали битмаган, сувалмаган, эшиги йўқ хонани кўрсатди. - Бу нарса бир томондан замонга боғланса, иккинчи томондан сизнинг дунёга қиймат бермаётган ҳолингизга бориб тақалади. Ахир сиз ширин-ширин болларизга қарашга ҳожат сезмаяпсиз-у, чала иморатни битказишга хоҳиш топармидингиз. Пайғамбар умматларини кўпайишга ҳам чақиради. Кўпайиш эса бола-чақа таъминотини тақозо этади. Ҳамда буларнинг даражоти худди намозу ҳаж каби, ҳатто улардан баландроқ - биринчи ибодат, деб биламан мен.

Ака-ука кўзларини айри-айри нукталарга тикканча жим қолишди. Ниҳоят, Амир тилга кирди:

- Ҳар қанча ваз-қарсон кўрсатмагин, Худонинг фарз қилганлари ўз ўрнида қолади. Уни ўзгартириш учун қанча баҳона тўқмагин, бекор. Сен ўз-ўзингни алдаган бўп чиқасан оқибат. Тарихда бунга мисол кўп.

- Ака, ер юзида фарзларни ҳамма бажарганда нима бўлади-ю, бажармаганда нима?

- Ҳамма сидқу дилдан бажарганда тинчлик, фаровон ҳаёт... бажармаганда уруш, оқлик, изтироб, фахш... хуллас - қиёмат кўпади.

- Ҳозир мусулмон дунёси мамлакатларидаги халқлар фаровон ва осуда яшашти-ми ёки мен айтган ҳалиги илгор ўлкаларидаги халқлар?

- Лекин уларда руҳий мувоозанат, хотиржамлик бизникичалик эмас.

- Ака, менинча, ўшалар барпо этган моддий ҳаёт даражасига эришмас эканмиз, бизнинг ҳам руҳий бутунлигимизга дарз кетиши аниққа ўхшайди. Одамзод гайри шуурида ўлимдан кейинги ҳаётга бўлган ишончнинг мавжудлиги ва агар у тортиб олинса, мувоозанатнинг йўқолиб, ҳар хил фожеаларга олиб келишини биламан. Лекин ўлимгача бўлган ҳаётнинг шодлиги берадиган умиддан маҳрум бўлиш ҳам инсонни маҳв этади. Бунда киши ҳар икки дунёсини бой бериши мумкин. Ахир пайғамбаримиз ҳеч қачон ўлмайдигандек дунё учун, эртага ўладигандек охират учун яша, деб бежиз айтмаган. Назаримда худди шу ҳикматда инсоннинг якка шахс сифатидаги бахти ҳам, кўпчилик ичидаги ва кўпчиликнинг саодати ҳам мужассам. Биз эса кўпинча нарса ва воқеа-ҳодисаларнинг зоҳиринигина кўриб хулоса-ҳукм чиқаришдан нарига ўтолмаймиз. Уларнинг аслини, моҳиятини кўрмаймиз. Ҳатто бу ақлимизга тўғри келмайди. Шунинг учун «охират учун яша» деган ҳикматни фақат расм бўлган дин қоидаларига уйғун яшаш деб, масалан, намоз ўқишу ҳажга бориш... деб тушунаемиз. Ваҳоланки, мактаб ё чойхона қуриш ҳам, илм олиб, илм бериш ҳам, тижорату сиёсат билан шуғулланиш ҳам, деҳқончилик ё чорвачилик қилиш ҳам... агар ўша Олий Низомга уйғун келса ва бундан инсон кўнглида отам айтганидек бир тасалли пайдо бўлса, демак, буларнинг барчаси «охират учун яша» амрига мувофиқдир. Шу билан бирга, мен таъкидлаб айтаманки, намоз ўқиш ё ҳажга бориш керак эмас, деган хулосани ҳеч қачон илгари сурмайман. Қайтага, бундай ибодатларга имкони бўлган зотларга ҳавас қиламан.

- Юсуф, - деди Амир, - хоҳиш ва ҳафсала бўлса, тўғрироғи, иймон бутун бўлса, ҳар замон имкон топилади.

- Бу гап ўз ўрнида тўғри. Мен айна масала устида кўп ўйладим, мулоҳаза қилдим ва ниҳоят, ўзимча маълум хулосаларга ҳам келяпман. Улар шундан иборатки, ҳозир дунёда ўз сўзини ўтказаятган бор, уни эшитиб, бажараятган бор. Биринчи гуруҳга сиёсий-иктисодий жиҳатдан қудратли давлатлар қиради ва улар эътиқодларига кўра насронийлар бўлишига қарамай, динни давлатдан, давлатни диндан ажратиб қўйганлар. Истайсизми, йўқми, дунё шуларнинг қўлида ва қолган давлатлар ўшаларга эргашишга, улар билан ҳисоблашишга ҳар жиҳатдан мажбур. Чунки улар нафақат сиёсий-иктисодий бақувват, балки жамиятлари ҳам кўп томондан бошқа давлатлар, жумладан, ҳатто ислом давлатларидагидан анча маданий, ўзига тўқ, инсон манфаатлари яхшироқ химоя этилган ва ҳоказо. Баъзан ўйлаб қоламан, диннинг, хусусан, исломнинг моҳиятида аслан одамларга шунга яқин ҳаёт тақдироти ётмайди? Агар ётса, жамиятни исломий деб атаймизми ёки демократик, нима фарқи бор? Бу нарса шунга ўхшайди: бир одам икки гапнинг бирида «Худо бор, унга ишониш керак. Ишонмаганлар, тўғри юрмаганлар дўзахийдир» деб юрсаю ўзи айтганларига риоя қилмаса, бошқа бири эса ҳеч қачон дину охиратдан сўз очмас-ю, қилаётган иши яхшилик бўлса, китобдагиларга тушса, биз иккинчисини хуш қабул қилмаймизми? Шу билан бирга, сиз айтган ўша гап - руҳий мувоозанат, тасалли масаласи бор. Биз ўшаларга эргашиб, уларнинг ютуқларидан ўрганиб, янги жамият барпо этарканмиз, олаётган ҳар бир қонун ва тадбирларимизда худди шу руҳий мувоозанатни назардан қочирмаслигимиз шарт. Яъни моддий жиҳатдан фаровон, маъмур жамият курсагу, унда яшайтган фуқаронинг кўнглида бўшлиқ - жарлик қолиб кетса, ёмон. Чунки бундай бўшлиқ бора-бора нафақат унинг ўзини, балки жамиятни, бутун дунёни, ҳатто кониотни ютиб юборишга қодир. Бу бўшлиқни сезинг ҳозирги ҳолингиз, ўлимдан кейинги ҳаётга бўлган ишонч қутқаради. Яъни фақат сизда эмас, балки ҳаммада шундай ҳол пайдо бўлиши керак. Фақат битта шарт бор: меърида. Сизники меъёрдан ошган ва бу тийиксизлик сизни «ҳеч қачон ўлмайдигандек дунё учун яша»моғингизга ҳалақит берапти. Бир жиҳатдан, яъни дунёга ўч жамиятга нисбатан сизнинг ҳолингиз иккинчи қутб ва бу нарса умумий кўринишда

мувозанатдир. Бироқ оилангиз, болаларингиз учун ҳолингиз - улкан бахтсизлик. Ўзингиз учун эса ҳозирча бир нима деёлмаймиз. Назаримда буни яна ўша мезёрнинг даражаси белгилайди. Айтганларимни қисқача хулосаласам, мен шундай жамият тарафдориманки, у нима деб аталишидан қатъий назар, унда яшаётган ҳар бир киши ўзини аввало Инсон ўлароқ ҳис қилса, манфаатлари ҳар жиҳатдан ҳимоя этилса, туғилиш - мусибат эмас, саодат, ҳаёт - тирикчилик қилишдангина иборат бўлмай, неъмат, ниҳоят, иккинчи томондан, ўша руҳий мувозанат - кўнгли хотиржамлиги бўлса!.. Ака, ҳар бир замон кишисининг зуммасига давр юклайдиган вазифаси бўлади. Менинча, бизнинг чекимизга тушган энг муҳим иш ҳам ана шундай жамиятни барпо этиш. Ахир, дунёда уруш, очарчилик, эпидемия, табиий офат туфайли қирилиб кетаётган миллионлаб одамларни қўя турайлик, ўз юртимизда қилиниши шарт бўлган муаммолар қанчалик камми? Ибтидоий тузумнинг зўр муаммоси бўлган қорин ғами ҳануз кўпчиликнинг муаммоси бўлиб келаётгани жуда улкан мусибат. Ваҳоланки, бундай масалалар аллақачон ҳал этилган бўлиши, одамзод камолотнинг кейинги - навбатдаги босқичларида яшаши керак эмасмиди? Хуллас, ака мен ўз вазифамни изтироб чекаётган одамзод мушуқлини енгилатишга уриниш деб белгиладим. Дин давлат ишларига, давлат дин ишларига аралашмайди, қабилда ҳаракат этаётган бутун жаҳон ҳамжамиятига киришни қалб амри билан танлаган вазифам тақозо этаётган экан, менинг намозим ҳам фақат қилажак амалларим бўлади... Мана, менинг намоз тўғрисидаги саволингизга жавобим, - деб Юсуф оғир хўрсинди.

- Ҳалиям институтда дарс бeryапсанми? - сўради Амир негадир бутунлай бошқа мавзуга кўчиб.

- Ҳа, ҳафтада икки кун институтга бораман, қолган вақт бўшман. Бир-икки жойдан таклиф бор, ўша ёққа ўтиб кетсамми, деб турибман. Институтда аҳвол бир оз ўзгарди. Талабалар сизни эшитмайди. Жовдираб қараб туришади-ю, фикру хаёллари бошқа ёқда. Назаримда мўртрок кишиларнинг руҳияти парча-парча бўлиб кетгандек... улар гўё она товук томонидан етим қилинган жўжалар, «чийб-чийб» этиб, нима қилишларини билмай, ҳар томонда тўзғиб юрибди. Она товукнинг олди-га борса, чўқийди. Усиз эса дон топиб ейиш, дўст ва душманни фарқлаб, соғ-саломат юриш - муаммо.

- Ишни алмаштирмакчимисан?

- Билмадим, ҳеч бир қарорга келолмаяпман. Хабариз бор, эсимни танибманки, тарих билан тирикман... Энди пишиб, қилишим мумкин бўлган ишларга яқинлашганимда бошқа ишга ўтиб кетсам мунофиқликдек кўриняпти.

- Нима, бошқа жойда ўз соҳанг бўйича иш беришмайдами?

- Қанийди қўлингиздаги иш кўнглингиздагига мувофиқ келса... Ҳозирча шошганим йўқ. Товба, одамлар бир-бирлари билан уришиб юришса, мен доим ўзим билан ўзим жанг қиламан. Бошқалар билан олишишга менда на фурсат бор ва на рағбат...

- Тўғри айтасан, ҳамма нарса аслида бизнинг ўз ичимизда. Чин дунё ҳам, ҳақиқий жанг ҳам, чинакам ғалаба ҳам. Ўша ерда ғолиб бўлсанг, бас. Улоқ менда кетди, деявер. Қолгани бир пул.

- Фақат, ака, ўша ердаги муваффақиятнинг натижаларини ташқарига - дағал дунёга муҳаққақ олиб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш зарур. Токи бу нарса оч одамнинг нон, ишсизнинг иш, дардманднинг шифо, даҳрийнинг ишонч ... топишига кўмак берсин. Ана шундагина муқаддас Мувозанатга эришамиз. Назаримда, менга зарур бўлган бахт шу.

- Майли, ука, - деди Амир юзини қафтлари билан силаганча кўзголиб, - сен ўз йўлингдан боравер, мен ўзимникидан. Фақат Худонинг даргоҳига борганимда сандан, аввало, фарзларни бажариб-бажармаганимдан ҳисоб беришинг сўралади. Сен фарзлар мажозий маънода-ю, уларнинг асл моҳияти яхшилиқдир, эзгуликдир, демокчи бўлаяпсан. Айтганингдек бўлса - қутулдинг, яхши. Лекин, Худо кўрсатмасин, ундай бўлмаса-чи? Фарзлар ўз шаклу шамойилида бажарилиши шарт бўлган чиқса-чи? Унда нима қиласан? Тугулсан... Бу - оғир юк, ука.

Лекин айни пайтда Амирнинг ичида ўзга бир иштибоҳ ғамирлаб қолганди. - Ҳўш, Юсуф ва отам ҳақли бўлса-чи? Диндан мақсад - тўғри юриб, тўғри туришдан, ҳалол яшашдан, эзгуликка хизмат қилишдан иборат бўлса-чи? Курьон ҳақиқатан ҳам маъжоз тили билан ёзилган эса-чи!.. Йўқ-йўқ! Бу мумкин эмас! - Амир дик этиб ўрнидан турди. Юсуф ҳам акасига эргашди.

- Бир ривоят бор, - ўзини қўлга олишга тиришди Амир, - ўқигандирсан балки.

Қайсидир замонда подшоҳ хизматкорларидан бирини фалон ишни бажар, дея кишлокқа жўнатибди. Хизматкор кишлокқа келиб, подшоликка дахлдор ўнлаб бошқа юмушларни адо этибди-ю, буюрилган ҳалиги битта ишни қилмабди. Шунда подшоҳ унга дебди: «Сен ҳеч нарса қилмабсан». Худди шундай, ука, сен ҳам Оллоҳ томонидан ўзингга юклатилган ўша ягона вазифани уддаламас экансан, бу ерда уни қилдим, буни қилдим, халқни тўйдираман, мамлакатни обод айлайман, дейишингдан наф йўк.

- Ака, менимча биз «Меники тўғри, сеники нотўғри» деяётганга ўхшаймиз. Сиз айтган ривоят бор китобнинг бошқа ўрнида Румий ҳазратлари дейди: Одамлар Каъбага турли хил томондан келишаркан, йўлда бир-бирлари билан «Менинг йўлим ҳақ, сеники ботил...» дея баҳс-мунозара қилиб келишади. Каъбага келгач, уларнинг мақсадлари ҳосил бўлади ва ҳаммаларининг истақлари бир - Оллоҳ эканини билишади. Шунда тортишувлар ҳам барҳам топади.

Ака, фаҳмимча, бизнинг манзилимиз - Ягона. Ҳозирги англашилмовчилик эса, бор-йўғи йўлларнинг ҳар хиллигидан келиб чиқмоқда, холос.

- Қани энди сен айтгандек бўлса... - Амир чуқур хўрсиниб қўйди, сен боравер, мен намозимни қилай. Вақт қолса, ўтарман.

У рўпарадаги хона, Юсуф эса дарвоза томон юрдилар.

19

Шомдан сўнг жамоат жам бўлди. Ҳовлида - сумалак атрофида аёллар, қизлар ва болалар. Ичқаридаги катта хонада эса эркаклар. Ҳар икки жойда ҳам аския авжида. Дам ҳовлидаги аёлларнинг олмос кулгулари уй ичига бостириб кирса, дам эркакларнинг олтин қаҳқаҳалари ташқарига чакмоқдек отилиб чиқиб, тун зулматини тилиб ўтарди.

Кўргани келган дўсти Содикни кузатиб, ичкари кираётган Юсуфга бу манзара қаттиқ таъсир қилди. Тўлқинланди. Кўзларига ёш қалқди. Шу ҳолида бировнинг кўриб қолиб, саволга тутишидан қочиб ариқ бўйига бориб чўккалади. Дераза кўзидан тушиб турган чироқ нурида ялтираб оқаётган сув ариқнинг тагида эди. «Ҳали тоғларда қорлар эриб, ариқнинг бўтана сувга тўлиб оқиши бор», хаёлидан ўтказди Юсуф. Сўнг аста туриб, қаҳқаҳа келаётган уйга кирди.

Ҳамма Мухторнинг озига термулган эди.

- Сафарали ака пиёз эккандан икки-уч кун кейин дам олиш учун санаторийга жўнаб кетибди. Хуллас, бир ой обдон ҳордиқ чиқарибди, икки юзи кип-қизил бўлиб, кучга тўлибди. Ниҳоят, қайтиб келиб қараса, пиёз ўрнида кулоқларини икки ёнга ёзиб сўвзи турганмиш. Чойхонага кела солиб чой хўплаб ўтирган одамларга ўз мўъжизасини хайратланиб гапириб турса, елкасига ҳасса келиб тушибди.

- Хўв, падар лаънат, ҳавтафаҳм! Қачон пиёзнинг уругидан сўвзи унибди? Манўви каллангни ишлатсанг нима қилади? Сен йўғингда мен ола чиққан пиёзнинг бузиб, ўрнига сўвзи экканман! - деб саксонни урган Абдуғафур бува паҳмоқ соқоли ўглини уйига қараб қувиб солибди-да...

Яна қаҳқаҳа кўтарилди. Юсуф ҳам кула-кула пойгакка чўкди. Унга, нафақат унга балки бутун кишлокқа бу латифалар ёд бўлиб кетган. Лекин одам тўпланиб, мириқиб кулишгиси келса, ана шу латифаларни эслашади. Ҳатто давраларда «Сафарали ака тут кўриқлабди» дея бирон хангома айтила бошлаши билан бирдан кулгу кўтарилар ва охирида - энг қизик жойида гумбурловчи вулқон каби қаҳқаҳа уйнинг шифтини учирворгудек бўларди.

- Сафарали ака тут кўриқлайдиган бўпти, - давом этди Мухтор. - Чунки қуртларни кўмадиган вақт яқинлашиб қолганда барг танқислиги бошланар экан. Ҳар ким ўзига ажратилган тугзорда кўрпа-тўшак қилиб ётволибди. Абдуғафур бува Сафарали акага роса тайинлабди: «Ухлаётганингда ўзимизнинг тутлар томонга қараб ёт. Бирон шарпа эшитсанг, дарҳол менга чоп».

Сафарали ака отаси айтганидек қипти. «Эртага - охири кун. Шу барглари кесиб, қуртларга солгач, кўмамиз. Бир ойлик заҳмат ҳам ниҳоят соб бўлади, кейин пилланнинг пули чиқади. Худога шукр» қабилдаги ширин хаёллар билан ухлаб қопти. Бир маҳал кулоқларига қушларнинг чуғур-чуғури кириб, юзига офтоб тушибди. Уйғониб қараса, уйда - хотинининг иссиқ бағрида эмас, аллақандай далада ётганмиш. Бирданига аҳволни тушунолмайд гарангсиб тургач, «лоп» этиб қоровуллиги

эсига тушибди-ю, туг қаторига қарабди: Худо урди! Туглар бир текисда каллакланган эмиш. Кечаси кимдир кесиб кетибди.

- Дод! Ота, Ота-а-а! - Сафарали ака тура солиб уйга - Абдуғафур буванинг ҳузурига чошибди. Бир пасдан сўнг оқ иштон, оқ яқтакдаги Абдуғафур бувани бошлаб келиб қарашса, тут кесилмаган, ўз ўрнида турганмиш. Иккаласи бир зум ҳанг-манг бўлиб тикилишиб қолибди-да, ниҳоят буваники қўзиб қопти: «Хўв, падарлаънат, сен қайси тутни кўриқловдинг?» Сафарали ака олдига тушволиб қочибди, оқ иштон у югурганда олдилари очилиб кетган оқ яқтакли чол ҳассасини калтак қилиб, бир қарич соқоли ўглини тутқаторлар ичида қувиб юрганмиш... Кейин маълум бўлишича, Сафарали ака тунда уйқусираб бошқа томонга ўгирилиб қолган, у томондаги тут қатори эса, аввал-бошданок кесилган экан.

- Ҳа-ҳа-ҳа!.. - Қаҳқаҳага бошқалар жўр бўлишиди.

Юсуф ўзини яхши ҳис қила бошлади. Ҳаловат унинг ёдига яна ўша болаликдаги тоғ сайлини туширди: «БИРГАЛИК ТУЙҒУСИ... Нақадар олий туйғу экан!» - ўйларди у. Қаҳқаҳа - тўғри шифтга урилиб, сўнг очик турган эшик ва деразалардан ташқарига забт билан отилиб чиқаётган қувонч унинг айнан ўша ерлардан пусиб келаётган ёлғизлигини, нафақат буни, балки кейинги йилларда тортган азобларини, бағрида пайдо бўлган оғриғу умидсизликни қувиб солаётгандек эди.

- Сафарали ака кураш тушмоқчи бўпти ... - Шу вақт «лип» этиб чирок ўчди-ю Кенжавой аканинг гапи оғзида қолди.

- Турамиз, - бурчақдан кимнингдир, Неъмат аканинг бўлса керак, овози келди.

- Йўғ-е, энди келдиларинг-ку, ош ҳам пишиб қолди, - Юсуф меҳмонлар шаштини қайтармоқчи бўлди, - чирок ҳам ёнар...

- Бе, жиян, бу ер Тошкан эмас. Ошни аёллару болалар ер, биз эса чойхонага борамиз, истасанг, юр, - Юсуфнинг елкасига қўлини ташлади тоғаси.

- У ер ҳам шундайдир, нима қиламиз? - сўради Юсуф.

- Чойхона бошқа маҳаллага қарайди. Бугун эса у маҳаллада чирок ўчмайдиган кун! - тоғаси қўлида шамчирок кўтариб кириб келган Одил акага мурожаат қилди, - ҳов ака, бизга рухсат энди.

- Чирок ўчасаям, суҳбат ўчмасин, ўтиринглар.

- Шундайликка шундайку-я, - деб тоғаси чайналди, - лекин, барибир... биласизми, жиян билан бир билиярд ўйнайлик.

Билиярд сўзини эшитиб, қолганлар ҳам Раҳим акани қўллаб-қувватлашди.

- Ҳай, майли, борақолинглар, - ноилож кўнди Одил ака, - тонготар қолиб кетманглар, ишқилиб.

20

Юсуф тоғаларию кўни-кўшнилар билан бирга чойхонага кириб келганда, катта саҳнанинг ўртасида икки билиярд столи атрофини ўраб ўтирган одамларнинг барчаси ўринларидан туриб, қуюқ сўрашдилар. Юсуф улар орасида ўн ёшли болалардан тортиб, олтмишни қоралаб қолганларни ҳам кўриб, ҳайрон қолди. Ҳамқишлоқлар уни ўртага олиб, қўлига бир пиёла чой тутқаздилар. Бир пасгина тўхтаган ўйин давом этди.

- Қалайсан, ука? Саломат юрибсанми? Шаҳарлар қалай? Тўқчиликми ишқилиб? - Эркин ака қўлидаги дафтарини ёпиб, Юсуфни саволларга кўмиб ташлади.

- Раҳмат, юрибмиз ака, эл қатори. Ҳаёт рисоладагидек эмас-у, лекин бу ёкдагидан дурустроқ шекилли.

- Тўғри айтдинг, ука, - деб Эркин ака негадир ўйланиб қолди.

- Акам, бу дафтариш нимаси? - деди Юсуф.

- Ҳа, буми? Темир дафтар. Ўйинимиз пулли. Накд пули бўлмаган қарзга ўйнайди. Ўшаларнинг рўйхати бу.

- Э, шунақами? - деб ростмана ажабланди у.

- Бу ёғи бозор иктисодиёти. Ўзларинг бошлаб бердиларинг-ку, ахир, Тошкентдан. Биз, мана, давом эттиряпмиз.

Шу пайт кўпчилик бир овоздан «Рашид ур, тўғрилаб ур!» дея билиярд столига даярли ётволиб, бурчақдаги тешикни мўлжаллаб соққа ураётган алпқомат йигитни олқишлашди. Томошабинлар сабрини тошириб, Рашид ҳам негадир кийини чап қўлининг бош бармоғи устида у ёқдан бу ёққа суриб турарди.

- Ҳа, урмайсанми, кисталокни, столни пачоқлаб ташлайсан, ҳозир! - Эркин ака ўридан туриб олганди.

Ҳамма “гурр” этиб кулиб юборди. Тўғри-да, бошқалар азбаройи ўйинга берилганидан завқ-шавқ билан «ур-ур» деса, билирдининг эгаси - Эркин аканинг «ур-ур» дейиши бошқа маънода - тоши оғир Рашиднинг тезрок столдан гавдасини кўтаришига қаратилган эди.

- Фаросатларингга балли, - хаёлидан ўтказди Юсуф.

Буниси ҳолва экан, роса тошни ураб аснода Рашидни ҳам кулгу тутди ва унинг зарб билан урган соққаси ҳавога бир метрлар чамаси кўтарилганча нариги столда худди ўзига ўхшаб мўлжалга олган кўйи энгашиб турган Эсонали вавағнинг бошига тегди ва дўпписини учириб юборди. Яна қаҳқаҳа кўтарилди. Эсонали вавағнинг газаби чиққани шундоқ қақчайган кўзларидан маълум эди. Рашид унга иккита келарди, лекин ғурур ўлгур қўймади шекилли, чор-ночор ўзини шу кўйга солган барзангига қараб юрди. Рашид эса хануз столдан гавдасини ололмай кулиб турарди. У ўзи томон дўпписи учиб, ўсиқ сочлари тўзиган алфозда бостириб келаётган Эсонали акани кўрдию баттар силкиниб-силкиниб кулди. Буларнинг барчаси бир зумда - кўз очиб юмгунча содир бўлди. Ва энг қизиғи қутилмаганда содир бўлди - эҳтимол, буни бир киши - Эркин ака билган ва қутган бўлса керак - қарсиллаб Рашид туролмаётган билирд столи синиб тушди ва Эсонали бечорани босиб қолди.

- Вой дод! Ёрдам беринглар! - вавағ жон ҳолатда бақирар эди.

Манзара ҳам ачинарли, ҳам кулгули эди. Ачинарлиси - ҳайҳотдек стол пачоқ жуссали одамни босгани етмаганидек, унинг устида яна гунгурсдай бўлиб Рашид ётарди. Кулгилиси шуки, боягина Рашиднинг устига ҳезланиб бостириб келаётган вавағ энди Рашиднинг остида ёрдам сўраб типирчиларди. Бу ҳам майли, иккаласининг юзи бир-бирига шундоқ рўпара келгандики, гўё бекинмачоқ ўйнаётган болаларга ўхшардилар шу тобда.

- Тур-е, сўлоқмон! - вавағ Рашидни жеркиб уришти, - қанақа одамсан ўзи, ҳаммаёғимни синдириб юбординг-ку.

Рашид ниҳоят ўрнидан тураркан, одамлар столнинг ҳамма томонини тутиб кўтардилар.

- Мен сенга нима девдим, галварс? Нима қилдинг, нима иш қилиб қўйдинг?! Ўзинг бир ойдан бери қарзга ўйнаётган бўлсанг, энди буниям пачоқладингни, аҳмоқ-бекорчи! .. - Эркин ака Рашиднинг жағтинаси тагига бориб бақирарди.

Рашид олдин индамай турди, кейин кўкқисдан Эркин акани иккала билагидан маҳкам ушлаб, даст кўтарди.

- Қўйвор, хей, қўйвор дейман. Нима қилиясан? Мен нима дедим! Ҳой-ҳой...

Рашид уни ён томондаги сўрига ўтказди-да, кўзига кўзини лўқ қилиб деди:

- Эркин ака, Худо хоҳласа, эртагаёқ тўлайман. Қарзимниям, синган столниям. Фақат ҳақорат қилманг. Ишлайманми, йўқми, бу менинг ишим! Тўламагандан кейин...

- Ҳўп, хўп, ука. Мен бир нарса дедимми? - Эркин аканинг қўрққанидан ранги бўзариб, тили қалдираб қолган эди. - Тўл... тўламаса сенгайм қийин ука, тўламасаларинг менгайм қийин...

Яна кулгу кўтарилди. Эркин акани Рашиднинг бақувват панжаларидан қутқармоқчи бўлиб келаётганлар ҳам жойларида тўхтаб, қоринларини ушлаб кула бошладилар.

«Бу халқнинг кулгуси йиғига, йиғиси кулгуга айланиб кетади-е, тавба», деб ўйлади Юсуф.

21

Кўп ўтмай йиғилганлар бирин-сирин тарқай бошладилар. Юсуф ҳам бир неча ҳамқишлоқлари билан гурунглашиб уйга қайтди.

- Юсуф ака, - Рашид чопиб келиб даврага қўшилди, - томоша учун узр. Озиб-ёзиб бир келганизда, шунақа қип қўйдик.

- Қизикмисан, Рашид, нимасидан хижолат тортасан? Ундан кўра, ўзингдан гапир.

- Э, ака, нимасини гапирай. Ёшмиз, кучу ғайратимиз тўлиб-тошиб ётибди. Лекин ҳеч нарса қилмаяпман. Иш йўқ. Бўлсаям, вақтида ойлик бермайди. Сахардан кечгача у ер-бу ерга бориб, у билан, бу билан лақиллаб кун ўтказамиз. Кечкурун эса, мана, кўриб турганингиздек...

- Тирикчилик-чи?

- Озроқ дехкончилигимиз бор. Яна бир-иккита туёқ дегандай... «Ҳаёти бир изга тушиб кетар» деб хаёл қилиб отам уйлантириб ҳам кўйди. Яқинда фарзандли бўламиз. Лекин тўғриси, бирон жўялироқ иш бошини тутишим кераклигини биламан-у, қандай қилиб ва қандай ишни, билмайман. Худди ботқоққа ботиб кетаётган одамга ўхшайман. Ўзи қишлоқнинг келажаги борми-йўқми?

- Э, ҳалеб бош қотириб нима қиласан, дўстим, ўладиган дунёда. Бир гап бўлар, - даврадагилардан кимдир луқма ташлади.

- Мана ўзингиз, нима деб ўйлайсиз, Юсуф ака?

Юсуф дабдурустдан бирон жўяли жавоб айтолмади. Чунки оддий қишлоқ йигити бераётган шу савол мана, неча йилки, унга ҳам тинчлик бермаётган эди. Шундай бўлса-да, чайналди.

- Ёлғиз Худо билади. Лекин муҳими, яхши ният қилиш керак, тушқунликка тушмаслик ва ҳар қандай шароитда ҳам меҳнат қилиш, олдинга интилиш...

- Ўша олдиннинг, мақсаднинг ўзи бўлмаса-чи?

- Нега, Рашид? Тирик эканмиз ва буни ўлимдан афзал кўрар эканмиз, демак, бошқа мақсадларга имкон қолмаган тақдирда тирик қолмоқнинг ўзи мақсадга айланмайдими? Жамиятда иктисодий ва маънавий ҳаёт вақтинча издан чиқиб, тартиб-интизом бузилган кезларда одамларни шу инстинкт бошқариб туради. Бундай пайтда кучлилар кучсизлар ҳисобига яшай бошлайди. Ва уларнинг аксарият қисми айнан шундай яшашга бошқалардан кўра қобилроқ. Албатта, уларнинг орасида виждони ва юзини сотиб ейдиганлари ҳам бор. Лекин инстинктга кўра кун кечираётган одамдан юксақ ахлоқни талаб қилишнинг ўзи ўринсиз.

- Лекин, ҳайвонга ўхшаб яшашга одамнинг кўнгли чопмайди-да.

- Ҳамма гап шунда-да, ука. Сен айнан шунинг учун қийналяпсан. Сен тўғрилиқча пул тополмай ва ҳам қинғир йўлга кириб кетолмай нақ аросатда қолиб азият чекапсан, холос. Бу яхши, бир ҳисобда.

Юсуф шу ерга келганда ўзи ҳақида гапираётганини, ўзини ўзи таҳлил қилаётганини фаҳмлаб қолди ва гапини тугаллашга шоқиди.

- Лекин тушқунликка тушишга ўта жиддий асосинг йўқ. Менинча, сенинг жисминг эмас, балки ақлинг дангаса. Сени шу ҳолга солаётган ҳам ана шу дангасалик. Сен ундан...

Юсуфнинг гапи оғзида қолди. Чунки кимнингдир йўлбарсдай ити дарвозадан ҳуриб чиқдию уларга ташланди. Бир саф бўлиб келаётганларнинг у томондагилари нари қочишга улгурди. Сафнинг бу томонидаги Юсуф эса ит билан юзма-юз келиб, серрайиб қолди. Ит яқинлашиб, ириллаганча Юсуфнинг оёғига ёпишди. У оёғи билан итнинг жағи аралаш тепди. Лекин ҳайҳотдек итни бу билан кўрkitиб бўлмасди. У аччиғланиб, яна ташланган эди, боядан бери пайт пойлаётган Рашиднинг қўлига тушди - у баҳайбат ҳайвонни бўйин терисидан маҳкам тутганча мушук сингари башанда кўтариб олди. Ит энди кўрқиб, вангиллай бошлади. Рашид уни худди енгил бир нарсадай дарвоза устидан ошириб олди. Ит қандайдир темир идишларнинг устига тушди - ҳаммаёқ даранглаб кетди ва вангиллаганча ҳовлининг этагига чоғди - буни унинг тобора узоклашиб бораётган овозидан билса бўларди. Буларнинг бари бир зумда ва жуда ғаройиб тарзда кечдики, Юсуф ҳам ҳаяжон, ҳам ҳайратдан қотиб қолди.

Юсуф тўшакка кирганида ҳам бу воқеани унутолмасди. У Рашиднинг бақувватлигини биларди. Лекин бу даражада дея ўйлаб ҳам кўрмаганди. Беихтиёр афсонавий Алпомишни эслади. Кейин Рашидни ўйлаб ачиниб кетди: қанийди шу кучу қудратга яраша мақсади, мақсадига яраша шароити бўлса, деб эзилди.

22

Саид телефон гўшагини жойига қўйди. «Қаерга ғойиб бўлди экан-а, булар? Қишлоққа кетганмиканлар?»

Саид институтни Юсуф билан бирга битиргач ўша даргоҳнинг ўзида тўрт-беш йил чамаси дарс берди. Сўнг сиёсатга қараб кетди. Юсуфни ҳам таклиф қилишиб эди. Лекин у «менинг мақсадим ўзбекнинг минг хил пардалару ёлғон-яшиқларга ўралган қоронғи ўтмишини ёритишдир» дея, ҳалигача болалик орзуларининг ҳаво-

сидан тушмай, кистовларга ҳам юрмай, у ерга бормади. Саид эса бу ерга озодликка чиққан маҳбусдек севина-севина чопди. Сал кейинроқ махсус ўқиш ва тайёргарлик курсларида таҳсил ҳам кўриб олди. Кейин ҳаммаси силлик кўчди. Мансаб поғонасидан кўтарилаверди, кўтарилаверди. Ниҳоят, ҳозир истикболли кадрлар орасида энг ёши...

Талабалик пайтларида улар ҳамиша бирга юришарди, бирга ётиб, бирга туришар, ҳатто ота-оналарининг зиёратига бир кунда кетиб, бир кунда қайтишарди. Миразим ўз уйдан қатнаши мумкин бўлса ҳам ўртокларидан ажралгиси келмаганидан ётоқхонага чиқиб олганди. Ишқилиб, бир-бирисиз туришолмасди. Бирга қувониб, бирга изтироб чекардилар... Миразим бўйдор, Юсуф эса ўрта бўй, Саид озгин ва нимжон, лекин чакқон эди. Миразим бақувват бўлгани билан қўпол, Юсуф эса миктиллигига қарамай эпчил ва кучли эди. У Миразим билан ҳазиллаша туриб курашиб кетишганда ҳам ўзига деярли бир яримта келадиган «Алпомиш»ни ҳаш-паш дегунча оёғининг тагига ола биларди. «Мен енгаман!» деб тиришдими, енгарди, шу қатъияти ҳамиша қўл келарди. Саидда эса, бунақа кучнинг ўзи йўқ эди. Лекин у ўзининг чакмоқдек ақли билан баъзан ҳаммани доғда қолдириб қўярди. Улар ўз феъли-хўйларига кўра бир-бирларидан жудаям фарқ қилардилар. Эҳтимол уларни бирлаштирган сир айнан шу тафовутладир. Бирок мақсадларию ижтимоий мавқеларининг ҳар хиллиги ҳаётларининг кейинги палласида уларни бир-бирларидан шунақа узоқлаштириб юбордики, бу ҳақда кейинроқ айтармиз.

23

Юсуф пул ва ҳокимият лаззатини билса-да, уни булардан-да кўпроқ безовта қилган эҳтиёж - туркий халқлар тарихини - ҳақиқий тарихни бир неча китоб саҳифаларига абадул-абад парчинлаш, шу йўсин кейинги асрларда макве ва обрўси ҳар жиҳатдан кескин тушиб кетган миллат кадрини, аввало, шу халқ, қолаверса, бутун дунё халқлари назарида кўтариш ишида қатнашмоқ эди. Юсуф ўз ота-бобоси кимлигини билган боланинг қудрат ва имконияти буларни билмаган боланикидан бекиёс даражада устун бўлади, бинобарин, чин мозийдан хабардорлик ўзбекнинг - бугун бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш жараёнини бошидан кечираётган миллатнинг эртанги ҳолига таъсир этади, деб тушунар ва бу вазифани қолган барча долзарб ишлардан-да муҳимроқ ҳисобларди. Чунки совет мустамлакачилиги даврида унинг қўл остидаги бутун элатлар тарихи сохталаштирилганлиги туфайли янги даврнинг ёш насллари айни шу жиҳатдан оқсар эди унинг ўйлашича. Бу насл энди ўзининг озод ва обод давлатини барпо этмоқчи. Бинобарин, унинг оёқлари соғлом заминда мустаҳкам турмоғи шарт. Худди шундай замин - Юсуфнинг назарида Тарих эди. Ҳақиқий тарих янги авлод учун таянч нукта бўлиб, эндиги йўналишлар айнан шу ердан ҳаракат олиши керак эди. Ушбу мафкура Юсуфга 80-йилларнинг бошлариданок ошно бўлиб, институтда ўқиш ва кейинги ўқитувчилик фаолияти давомида янада тарақлашганди. Шу билан бирга айни масалага етарли даражада аҳамият бермагани ва уни ҳал этишга чоғланаётгани Юсуфнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб келарди. Гўё у янги бир мамлакатни кашф этаётгандек сезарди ўзини.

Саид эса Юсуфнинг орзуларини хомхаёл дея, унинг устидан мийиғида қулиб қўярди. У жамиятни ҳам, одамларни ҳам ҳаракатга келтирувчи асосий куч - ПУЛ ва ҲОКИМИЯТ дея билар ва ўз мақсадини шу ишончига кўра белгиларди. «Тарих факультетини битириш, - дерди у, - биз ўқишга кирган вақтда ПУЛ ва ҲОКИМИЯТга элтувчи асосий соҳалардан бири эди. Энди замон ўзгарди. Тарих мавқеини иктисод, ҳуқуқ, дипломатия, халқаро алоқалар каби институтлар эгаллаган бўлса-да, шахсан мен учун таълаган соҳам ўзининг илгариги вазифасини барибир ўтайди. Мен уни шунга мажбур қиламан!»

Дарҳақиқат, у ўз сўзининг устидан чиқди ёки тақдир Саидни сийлаб юборди: у мансаб чўққиларидан муваффақият билан илгарилаб бормоқда. Фақат тақдирнинг ўйинини қарангки, Юсуф орзу қилган нарсани амалга оширишда унинг ўзи эмас, балки худди шу орзулар устидан қулиб юрган Саид жонбозлик кўрсатмоқда. Тўғрироғи, шу улуг ишнинг бошида турганларга баҳоли қудрат кўмаклашмоқда.

Юсуф-чи? Ҳафтада икки-уч марта институтга қатнаб дарс беришини ҳисобга олмаса, уйда ўтирибди. Бекорчилиги ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, аслида. Бу Юсуфнинг кўнглидаги бўшликнинг зоҳирга уриши, холос. Ҳа-ха, у ўз бағрида бино бўлган тубсиз жарликнинг қаърига тобора чўкиб бораётган эди.

Миразимнинг бўлса, дунёни сув босса, тўпигига чикмасди. Унинг боболари савдогар ўтган, ота-оналари ҳам шу касб билан шуғулланишади. Миразимни нима жин уриб, шу тарих институтига олиб келди - ўзи ҳам билмайди. Эҳтимол, дипломли одам бир калла юқори туради, деган ўша вақтдаги ақиданинг мевасидир бу. Агар у Саиду Юсуфдек йигитларга ошно бўлмаганда, аллақачон ўқишни ташлаб кетармиди. Институтни амал-тақал билан тамомлади-да, адасининг ёнига - тижоратга кетди. Унга жонини қийнаш, бирон мақсад йўлида ўлиб-тирилиб ишлаш, мақсадга ўзликни фидо қилиш... деган гаплар бегона. Миразим буларни ҳатто тасаввурига сиғдиролмасди. Қандайлигидан қатъи назар, Юсуфнинг ҳам, Саиднинг ҳам олдига қўйган мақсадлари бор. «Биринг миллионер ё министр, биринг академик бўларсанлар, мен ғариб эса бор-йўғи кичкина бир савдогар... Этганимдай бўлади, мана кўрасанла. Аммо-лекин қотга бўлганларингда ҳақларингдан ошмаларинг, мени навбатсиз қабулларингга қўйларинг, бўлмаса...» дея Миразим иккала биллагини юқори кўтариб, бўртиб турган мушакларини кўрсатганча ҳазиллашиб дағдага қиларди баъзан дўстларига. «Қорнин тўқ, бошим соғ, шунинг ўзи бас манга. Етти ажлодимиз савдогар ўтган, мен кўркмасдан ўшаларнинг ишини давом эттираман», дерди у.

Миразим бундай гапларни ҳар доим эмас, балки кўпроқ ичиб қўйгандагина айтарди.

24

Эртаси куни Саид яна Юсуфнинг номерини терди-ю, аниқлай олгани шу бўлди: у кўчиб кетганмиш. Қаёққа, уй эгаси айтиб беролмади.

Саид уни ўз ёнига тортмоқчи эди. Саид Юсуфни ишга олиш билан унга ҳомийлик қилган, бир вақтлардаги учликнинг асл йўлбошчиси Юсуф эмас, балки ўзи эканлигини абадул-абад исбот этган бўлади. Қолаверса, муносиб кадрларни топиб жой-жойига қўйиш унинг вазифаларидан бири, ахир...

Лекин Юсуф мана, икки йилдир унинг таклифига унамай келяпти. Саид «Ҳалиям хомхаёллигинг қолмабди», деса, Юсуф «Жўжани кузда санайдилар», деб қутулади. Товба, нимасига бунча керилади? Тўғри, илми бор. Лекин нима қилиб беряпти ўша билган нарсаси, ўқиган китоблари, ёзган мақолалари? Ёши ўттиз бешдан ошибдию ҳалигача ижарама-ижара сарғайиб юрибди. Ундан кўра Саид айтган пайтда ишга ўтганида ҳозиргача икки марта тўрт хонали уйнинг эгаси бўлиб, ишга хизмат машинасида қатнади. «Йўқ!» дейди, тамом-вассалом. Одам ҳам шунақа калтабин ва қайсар бўладими? - Саид ҳеч андиша қилмай хаёлан Юсуфнинг хатти-ҳаракатларини муҳокама этарди. - Яхши, энг кейинги учрашувимизда бироз ён бергандек бўлди. «Мен нима иш қиламан, вазифам нимадан иборат?» дея кизиксинди. Демак, ичида қандайдир ўзгариш кечяпти. Йўқса, бундай демасди. Қолаверса, ҳокимиятдан қайси эсли-хушли одам воз кечади? Ўзи ҳам ичида илҳақ бўлиб юрган чиқар-у, ташида ноз қилиб кўряпти-да...»

25

Юсуфлар қишлоқдан ҳадеганда қайтишавермади. У-ку кечикса, ҳечқиси йўқ, дарслари деярли тугаб қолган, беш-олти соатлик амалий машғулотини май ойи ичида ўтказиб олса ҳам бўлади. Лекин тўғриси, институтга оёғи илгаригидай тортмай қўйган. Бир уми? Эркакларнинг деярли ярми аллақачон ўзларини тузук даромадли ишларга уриб кетишди. Қолганлари энди ўз соҳасини ўзгартиришга қурби етмайдиганлар ёхуд фидойилар... Юсуф ҳам ўзини ўшалар сафига қўшиб юрар эди. Ҳозир бунга унинг ўзи ҳам ишонмайди. Ахир у ҳам энди бошқа соҳага ўтиб кетишга тап-тайёр-ку. Бир туртки бўлса - бас, кетади-қолади. Аммо ўша туртки йўқ. Сирасини айтганда, ўша учрашувдан кейин мана шундай кайфият пайдо бўлди. Ниҳоят, қишлоқда отаси билан ер чопаётиб изтироблар ҳовури анча босилганини ва руҳсизлигини сизди. Шу вақтгача олдида улкан бир Вазифа бор эди, унинг амалга оширилиши жудаю зарур эди, шарт эди! Энди уни бутун бошли жамоатчилик амалга оширяпти. Энди бу улғу вазифа Юсуфсиз ҳам бажарилажак. (Айни шу жиҳат - вазифанинг Юсуфсиз ҳам уудаланишининг муҳаққаклиги унинг қаеригадир тегиниб ўтди, қадрини туширгандек бўлди. Во ажаб! Наҳотки инсон шунчалар такаббур? Атрофдаги минглаб кишилар сингари одмигина қийиниб, камтаргина юрадиган ўзбек йигитининг бағрида шунчалар қибр яшириниб ётган бўлса?...)

Худди шу ўринда у бир нарсани тушуниб етди: «Хайҳот, ҳокимият нақадар улуг куч эмиш!» Шунда Юсуф Саидни эслади, уни кўргиси, кечинмаларини айтиб, бир вақтлардагидек дардлашгиси келди. Келди-ю, энди дўстини аввалгидек истаган пайтида бориб кўролмаслигини, бу ўзи томонидан мумкин бўлса-да, Саид томонидан мушкул эканини ўйлаб, шашти тушди. Ахир Саид мансабдор бўлиб кўтарилгани сайин икки дўст ўртасида пайдо бўлган кўринмас деворни Юсуфнинг тийрак кўзлари нафақат илгар, балки бу девор юксалиб бораётганини ҳам аниқ-гиник кўриб турарди. Хайҳот, дўстлик нима ўзи? Мақсадлару дунёқарашлар бирлигими ёки тақдирлару табиатлар муштараклиги? - Юсуф билмай қолди, - балки у таналар ҳамроҳлигидир, балки руҳлар муносабати, балки ёлғизликдан қочиш, балки шунчаки бир ҳамкорлик, эрмақдир?

- Ҳўв одамлар, овқатга келингларов! - Бу Ҳалима ая эди.

Улар кетмонларини жойида қолдириб, олдинма-кетин шудгордан чиқиб келишди. Ойгул аввал қайночасининг кўлига илиқ сув қуйди. Одил ака кўлини артиб, айвон томон узоқлашиши билан Ойгул сўради:

- Бутунам кетмаймизми?

- Пул бўлиши билан кетамиз, - хотинига қарамай жавоб қилди Юсуф.

- Бўлишининг пайдан бўляпсизми ўзи? Мен ишдан уч кун кечикдим. Яна уч кун бормасам хотиним ишсиз қолди деяверинг!

- Отам Муродали акадан қарз сўрабди.

- Берибдими? - сабрсизланди Ойгул.

- Бутун бозорга писта обкетибди, сотиб келса, берармиш.

- Қачон келади?

- Эрта-индин кеп қолар.

- Ўша писта ўлгурнинг сотилишига қараб қопмиз-да энди. Бошқа бировдан сўрай қолмасканларми?

- Бизга бериши мумкин бўлганларнинг ҳеч бирида ўша савил йўқмиш. - Юсуф қаддини ростлаб хотинининг билагидан сочикни олди. - Тушун, бу ерда пул масаласи анча қийин, хотин.

- Шунақалигини билганиздан кейин сиз ҳам одамларга ўхшаб бундай кимирланг-да. Қачонгача ўқитувчиликнинг яримта нонига боғланиб қоламиз? Қачонгача бундай мулзам юрамиз? - Ойгул юзини кафтлари билан беркитиб пиқиллаганча ховли томонга кета бошлади.

Юсуфнинг ичини бир нима тилиб ўтди. У ҳам алам, ҳам хижолатдан қизариб-бўғриқиб кетган эди. Асабийлашганидан сочикни гижимлаган кўйи қаёққа отарини билмасди. Айвонда ўтирган Одил ака ўғли ва келини ўртасидаги лукмани чала-ярим эшитган шекилли, бир ғалати холга тушиб ўтирарди.

26

Эртасига эрталаб Юсуф юз-кўлини ювиб, ошхонада уймаланаётган бувисига салом бериб кирди.

- Яхши ётиб турдингми, ўғлим? - дея Ҳалима ая кўзларини четга олиб қочди. Юсуф унинг кўзлари қизариб-ёшланиб турганини кўришга улгурди.

- Сизга нима бўлди?

Она индамади.

- Буви, йиғлабсиз, нима бўлди ўзи?

- Тинчлик, ўғлим. Шу ўзимнинг бир йиғлагим келди.

- Йўқ, буви, сиз ниманидир яширяпсиз.

Ҳалима ая гап тополмай каловланди.

- Ҳеч нимани беркитаётганим йўқ, ўғлим. Фақат, сизларнинг қийналаётганингизни кўриб ўпкам тўлиб кетди. Қўй, ўғлим, ўшағлани. Яхшиси, шу ерга кўчиб келинглар-қўйинглар. Ахир одамлар бир кунини кўряпти-ку...

Юсуф остонага ўтириб, оғир хўрсинди.

- Майли, бувижон, булар бир гап бўлар. Замон шундай кетмас. Фақат сиз ҳадеб бўлар-бўлмасга қуюнаверманг. Шундоғам...

- Ўзинг-чи, болам, ўзингни аҳволингга қара. Ойгул билан Абдуллажоннинг рангрўйи ҳам...

- Отам кўринмайди? - Юсуф ёқимсиз мавзуни бурмоқчи бўлди.

- Ҳозир келади. Сен ўтир, нонушта қилвол. Ойгулой, чой дамланг, қизим.
 Юсуф олдига чой-нон келтириб қўйган хотинидан сўради:
 - Сут бўлса...
 Ойгул сут олиб келиш ўрнига эрининг ёнига чўкди.
 - Отам сигирни сотгани олиб кетди.
 - Нима?! - Юсуф сапчиб кетай деди-ю, бунинг сабабини ўзи тушуниб ўтириб қолди. Ойгул ҳам бунни сезди шекилли, индамай туриб, юмушига кетди.
 Юсуф барибир чидай олмади. Бувисининг олдига шошиб борди.
 - Нимага сигирни олиб кетди? Ахир энди оғизларинг окқа етувди-ку! Бошқа иложини топар эдик.
 - Ўша бошқа иложини қилишга... отангининг кўзи етмади. Муродали ҳам пистасини сотолмабди экан. Майли, болам, бош омон бўлса, мол топилар.
 Юсуф бувисининг гапига кулоқ солаётгандек кўринса-да, аслида эшитмаётганди. У ўзи туфайли бутун бошли катта оиланинг шундай пайт окдан маҳрум бўлаётганини сингдиролмай, боши берк бу кўчадан қай тадбир билан чиқиб кетишини билолмай гаранг эди. Бир пас шундоқ серрайиб турди-да, сўнг чопганча айвондан ўтиб ичкарига кирди. Кийиниб, бувисининг «хой-хой»лашига ҳам қарамай ташқарига отилди. Бир соатлардан сўнг у туман марказида автобусдан тушди. Тўғри молкўй бозорига равона бўлди. Бозорга келганда аллавақт бўлиб кетган эди. Одатда бу вақтда сотадиган сотиб, оладиган олиб бўлади. Бу сафар ҳам худди шундоқ чиқди. Юсуф у ёқдан-бу ёққа чопиб, отасини одамлар даврасида кимлар биландир қўл силташаётган ҳолда кўрди. Худога шукр! - Ўша томонга чопди. У етиб бораркан йўлдаёқ ҳайқирди: - Ота, сотманг, мен пул топдим, молни қайтаринг, уйга олиб кетамиз!..
 Тўпланганлар бир муддат ҳеч нимани тушунмай ханг-манг бўлиб қолишди. Аммо Одил ака бирпас жим туриб, ниҳоят бошини кўтарди. Рўпарасидаги озгин, қорамағиз йигитга қараб:
 - Мен «сотдим» дедим. Гап тамом, мол сизники. Қани, пулни сананг, - деди.
 Томоғига бир нарса тикилиб туриб қолган Юсуф эса, бирон сўз айтишга ожиз қолди...

27

Ўша куни Тошкентга қайтишди. Кела-келгунича ҳам унинг ёдидан соғин сигир воқеаси чиқмасди. Ўйлаган сари кўнгли бузилиб, эзиларди. Нима қилиш керак? - Бу савол худди биқинда турган қаттиқ санчикдай миясини ҳам пармаларди. Пул топиш кераклигини ва аввало, ота-онасига бир соғин сигир олиб бериши зарурлигини ўйларди-ю, лекин қандай олиб берарини билмасди. Бунинг учун ё Саиднинг ёки бўлмаса, Миразимнинг этагини тутиши лозим. О, ҳаёт, нақадар аччиқсан! Кечагина Юсуф уларни етаклаб юрарди, маслаҳатлар берарди, ҳар жиҳатдан ўзини улардан устун ҳис этарди. Энди бўлса, энди у юқуниб бориши керак. Наҳотки, улар кўрган нарсани бу кўролмаган бўлса? Ахир, у замоннинг қайси томонга думалаб кетаётганини дўстларидан кўра яхшироқ билиши керак эмасмиди? Ахир, учови ичида энг билагони ҳам, удабурони ҳам Юсуф эди-ку! Хўш, нима бўлди унга ёки Саид айтмоқчи, у чинданама ҳаёлпарастми? Бундай деса, орзулари ҳозир жамият миқёсида амалга ошириляпти-ку. Ёки у бор-йўғи омадсиз бир кишими?..

Юсуф аламли ўйларининг тагига етолмасди. Айни дамда шу нарсани равшан англарики, янги тарихни ёзиш билан боғлиқ орзулари энди уни безовта қилмаётганди.

28

Улар Тошкентдаги ижара уйларига тонг саҳарда етиб келишганда деразадан чиқроқ нури тушиб турарди.

- Чироқни ёқик ташлаб кетибмиз-да? - деди Юсуф.
- Йўғ-е, ўчирилганди, - деди хотини.
- Унда уйнинг эгаси қайтибди-да.
- Вой, энди қаёққа борамиз? - эрининг орқасидан изма-из зина бўйлаб кўтарилаётган Ойгул тақа-тақ тўхтаб қолди.

- Юравер-чи, - деб кўлидаги ухлаётган ўғлига қараб қўйди Юсуф ва негадир ичидан бир сесканиб кетди.

- Вой Худойим-ей, энди шу ташвиш ҳам бормиди?

Чинданам иш билан Москвага кетган ва йил охирида қайтиши керак бўлган уй эгаси - Валерий негадир олти ой илгарийек қайтиб қолганди. Юсуф буни эшитиб, бир зум гарансиб турди. Ахир энди улар қаерга боришади? Устига-устак, бола билан, бир неча тугун - кийим-кечак, идиш-товоғу кўрпа-тўшак билан ...

Ойгул апил-тапил уйдаги буюмларини йиғиштирди. Сўнг «жой тошғунимизча туриб тўрсин» деб бир бурчакка қўйишди-да, Валерий билан хайрлашиб чиқишди.

- Хотин, - деди Юсуф негадир шундай вақтда тегажоглиги тутиб, - қарагин, тўрт томонимиз қибла. Сен қайси томонни хоҳлайсан?

- Иложини қилсам, сиз кетган томоннинг тескарисини хоҳлардим, - деди Ойгул ҳам ҳазилга ҳазил билан. Лекин ҳазилнинг тағида чин ҳам бор эди ва буни Юсуф жуда яхши тушунарди. Энди пилдираб юра бошлаган Абдулла эса бу нарсаларнинг фаркига бормасди.

Улар бошлашиб, Кабел заводида ишлайдиган бўласи - Аҳмаджоннинг олдига - завод ётоқхонасига келишди. Аксига олиб ётоқхона мутасаддиси йўқ экан. Кутишга тўғри келди. Ниҳоят, кечга томон пайдо бўлдию жой йўқлигини ва текшир-текширлар кўпайганини ваз килиб кутулди. Аҳмаджон «Қаерга борасизлар энди? Бир пас кутиб туринглар, мутасадди кетиши билан чақираман. Бугунча бизникида турарсизлар» деди. Лекин Юсуф унамади. Болаларини етаклаб, у ердан узоклашди. «Ахир Аҳмаджоннинг ўзи бола-чакаси билан биттагина хонада турса, устига биз ҳамми?..» - деб ўйлади у. Алам ва хижолатпазликдан Ойгулнинг кўзларидан шашка-тор ёш оқиб борарди. Юсуф эса ўзини ҳақоратлангандай ҳис этар, кимгадир, нимагадир аччиқма-аччиқ яшагиси келарди. Ва ўша «кимдир», «нимадир»ни ҳам тахминап билар - ўз қисмати эди. Фақат боласи Абдуллагина ҳеч нарсадан хабари йўқ, дам уларнинг қўлларига чиқиб эркаланиб, дам ўзи ерга интилиб, чопқиллаб борарди...

Энди эру хотиннинг кўнгилларига ҳеч нарса сифмасди...

- Энди қаёққа? - Ойгул бирдан тўхтаб Юсуфнинг кўзларига тикилди.

- Анави ерда меҳмонхона бор. Жой тошғунча ўша ерда тура турамыз.

- Жа пуллариз ошиб-тошиб ётибди-да?..

- Бир кун минг кун бўлмас!

- Жонга тегди бунақа сарсон-саргардонлик. Ҳар йили халта-хуржунни кўтариб, лўлидек эшикма-эшик юрамыз. Сизни билмадим-у, мен бундай яшайолмайман!.. - Ойгул йиғини бас қилиб, аламини энди аччиқ-тизиқ гапларга ўрай бошлади.

- Сабр қил...

- Сизни тошган гапиз шу - «Сабр қил, сабр қил!» Сабрнинг ҳам чегараси бордир. Агар қайсарлик қилмай Саид билан Миразим ақаларнинг гапига кирсангиз, бунақа тентираб юрасдик. Аллақачон уйли, машинали бўлардингиз.

- Бўлди қил!..

Аммо Ойгул эрини эшитгиси ҳам келмасди. У шу пайтгача ичида сақлаб келганининг барча-барчасини ташига чиқараётганди.

- Пешонам шўр бўлмаса, келиб-келиб сизга тегаманми...

- Бас қил, Ойгул...

- Ўша ўртокларингиз ҳам...

Ойгул гапини тутатолмади. Кулоқ-чаккасига келиб тушган тарсакидан кўз олди коронғилашиб, ўтириб қолди...

Юсуф ўша куни келган поездидаёқ Ойгул билан ўғлини изига қайтариб юборишга мажбур бўлди. Сабаби - уларнинг жойсиз қолганида эмас, балки ўша тарсакидан сўнг Ойгулнинг «эркак бўлсанг, жавобимни бер!» дея кўчанинг юзида - одамларнинг олдида юзсизлик қилганида эди. Албатта, Юсуф талоқ сўзини оғзига олмади, лекин «мен ёмон бўлсам, яхшисини топ» деди-да, поездга чиқариб, жўнатди-қўйди. Ўзи эса ўша вокзалда тунади.

Миразим уйқули кўзларини ишқаганча уйдан чиқди-да, дарвозахонада савлат тўкиб турган тим қора, кечагина Олмониядан келтирилган «Мерседес» машинасига яқин-

лашди. Айланиб, дам у томонидан термилди, дам бу томонидан. «Тавба, жононнинг васлидан ҳам ширинроққа ўхшайди бу қурғурнинг дийдори, - хаёлидан ўтди унинг, - ахир қайси хурилиқога нақд эллик бешта кўкидан санайсан? Эллик беш минг-а! Ҳеч бирига. Шундай экан, ҳеч қайси гўзал «мерс» билан беллашолмайди. Ҳатто эллик беш мингтаси ҳам ўтаверсин шу битта «мерс»нинг олдида». У машина эшигини очиб ўтирди. Рулни авайлаб силаркан, ботинида фахр ва аллақандай ширин хислар кўзғолди. Бу жудаям гаройиб эдики, Миразим улардан ҳеч қачон айрилгиси келмасди.

- Вой-бў, Миразим ака, кечаси билан мошинада ўтириб чикдизми? - ичкаридан чиқиб келган Захро эридан ўпқалади.

- Йўғ-е, энди чикдим.

- Кечаси алламаҳалда уйғонганимдаям жойизда йўғидиз-де. Ишкилиб бизди эсдан чиқарвормасейз бас.

- Алимқул келмаптимми?

- Вой, эсиз кирди-чикди бўп қолмадимми? Кеча бир иш тайинлаб, эртага кечкурунга етиб кел, деган ким эди?

- Да-да-да...

- Окажон, бу мошина хаёлизни ўғирлаб қўйибди, ўғирлаб...

- Шимимди чўнтагида калит бор, обчиқақол.

- Вой, яна қаёққа? Ҳали вахлий-ку ишга?

- Ишга эмас. Нонушта қилгунингча бир айланиб келай.

Захро калитни олиб келиб бераркан, Миразимга ҳам маслаҳат, ҳам гина оҳангида деди:

- Худо берибди энди, машинадан тушмасакансиз. Қаранг, қандай семириб кет-воссиз.

- Бўлди, бўлди... Яхшиси, дарвоза тугмасини босвор.

- Вой, Худойим-е, шунгаям эринасиз-а, - Захро нолиганча дарвозахона томон юрди.

Миразим уйдан юз метрлар чамаси узоклашганда йўл ёқалаб келаётган таниш чехрани кўриб, машинани тўхтатди. Эшигини очиб «ўтир!» деди. Йўловчи ҳам индамай чиқиб ўтирди.

- Яхшимисан?

- Ўзинг-чи, қалайсан, ўрток? Бормисан оламда ўзи? Намунча йўқолиб кетдинг? Тошқандамисан ўзи?

Йўловчининг кўзлари чакнаб турган бўлса-да, Миразимнинг саволларига узук-юлук жавоб берарди. Зеро, багафсил жавобнинг имкони йўқ эди. Миразим савол берардию жавобини кутмас, гўё ўзи билан ўзи гаплашаётгандек эди. Шу топда унга йўловчининг оғзидан чиқаётган «ҳм, ҳм...» товушларининг ўзи кифоя эди.

- Мошина қалай? Зўрми? Нақ Олмониядан опкелтирдим. Биласанми нечча пулга тушдим? Эллик бешта нақ кўкидан санаб бердим. Яхшими? Ке, санам бир ҳайдаб кўр, армонда қолма, - Миразим машинани йўл четига тўхтатмоқчи бўлди.

- Қўйсанг-чи, мен ҳеч қачон машина минмаганман, - кескин эътироз билдирди йўловчи.

- Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ, ўт, ўтсанг-чи!

- Қўй, ўрток, кўрқаман.

- Иштиёринг. Унда қайтдик бизникига, нонушта қиламиз.

30

Юсуф Миразимга эргашиб катта, данғиллама ҳовлига кириб келганида, Захро супача пастидаги хилма-хил гулларга сув кўяётганди. Илгари бу оила гулга унчалик шайдо эмасди. Демак, ўша пайтда гуллар ҳеч бўлмаган ёхуд назар тушмайдиган даражада оз бўлган. Энди-чи? Во ажаб! Чор томондаги нақшинкор уйларнинг ўрта-сидаги сахна - тўрт-беш сотихли майдонда анвойи гулларнинг очилиб ётгани камлик қилгандай яна айвонлар ҳам тувакли гулларга лик тўлганди. Ташқарида иморату дарвозахонанинг дабдбасидан андак энсаси қотган киши ичкарида ажойиб гулзорга дуч келган, гўё ўзга бир оламга кириб қолган сайёҳдек ҳайратга тушарди.

Юсуф Миразимникига ўша кунни эрталаб келганича кечкурун кетишини хаёлига ҳам келтирмасди. Сабаби - Миразим машинасини «ювадиган» экан. Дўсти унга «Мо-

домики, бугун бўш экансан, қарашвор», деб илтимос қилди. Бунинг устига базмга Саиднинг ҳам келишини айтди. «Жуда соз бўлди-да, иккала дўстим билан гаплашиб оламан, аҳволни тушунтириб, улардан маслаҳат сўрайман», - хаёлидан ўтказди Юсуф. Лекин хаёлини банд этган бошқа нарса унга тинчлик бермасди. Базм учун Мир-азим сарфлаётган пулга шаҳарнинг четрок жойидан бемалол икки хонали уй сотиб олиш мумкин эди. Ҳа, Юсуф уни уйга қиёс қилди!..

У Захро билан гаплашиб чой ичаркан, Миразим қаерларгадир телефон қилиб, Шорасул деган йигитга зудлик билан тўрт юз минг, Фаррух деганга уч юз эллик минг сўм пул олиб келишни тайинлади. Йигитлар етиб келгунча ўтган ярим соатлар чамаси вақт ичидаги суҳбатдан Юсуф шуларни билиб олдики, Миразим энди илгаригидек кичик бир тижоратчи эмас, балки бутун бошли улкан бозорнинг бошлиғи экан. Кейинги вақтларда бозорларга берилаётган эътиборни эслаб, Юсуф ичида «Хў-хў, бу дейман, бизнинг Миразимнинг куни туғиб, каттагина бой бўп қолганга ўхшайди», деб кўя қолди-ю, агар кун туғиш бойликка қараб белгиланадиган бўлса, Миразимнинг куни ҳар куни эгиз туғарди. Масаланки, унга пул керак бўп қолса, шу заҳоти у кимгадир кўнғироқ қилар эди - вассалом. Исталган миқдордаги пул айтилган вақтда муҳайё этиларди. Ҳозир ҳам худди шундай бўлди, дарвоза томонга бирин-кетин иккита машина келиб тўхтади-да, олдинма-кетин икки йигит, - ҳар бирининг қўлида силлик қора тўрва, - кириб келиб, салом беришди. Юсуф уларнинг хурматига кўзғалмоқчи эди, Миразим «ўтир» дегандай ишора қилди. Келган йигитлар тўрваларни ховли саҳнидаги сўрига қўйишди-да, яна қўллари кўксиларида хайрлашиб чиқиб кетишди. Юсуф бу муносабатдан хангу манг бўлиб қолди. Илгариги пайт бўлганда, у Миразимнинг ҳозирги муомаласи учун «И-и, Мирзакаримбой бўп кет-е», деб чимдиб олган бўларди. Лекин ҳозир миқ этолмади. Чунки ўзи билан Миразим ўртасида ҳам қандайдир кўзга кўринмас девор пайдо бўлганини аниқ сездди. Сездигина эмас, гапириш бефойда эканини англаб етди. Мана, ярим соатдан мўлроқ вақтдан буён гаплашиб ўтиришибди. Ҳар икки томон ҳам имкон қадар самимий бўлишга, бир-бирлари учун жудаям қадрли эканликларини билдиришга интилаётганларига қарамай, суҳбат зўраки чиқаётир. Агар Захро бўлмаганда ҳоллари нима кечарди - Юсуф билмасди. Захро ўчиб қолаётган суҳбатга ора-чора чўғ ташлаётганди. У дам Юсуфнинг оиласи, дам ишидан гап очар, дам кишлогини, дам эса талабалик йилларини ёдига солар, дам ўзи ҳам хотиротга берилиб, у ёки бу қизик воқеани эслаб кетар эди. Юсуфнинг назарида унинг ботинида зериклишга ўхшаган аллақандай туйғу яшарди: шунча бойлигу зар, шунча обрўю эътибор, шунча имкону кучга... қарамай. У дарвозадан кирибоқ ўша қақилдоқ собиқ курсдоши, яъни Захронинг кўзларига кўзи тушган ҳамона буни пайқаганди. Захро ҳамон ўшандай сулув, ҳатто ҳозир янада тўлишиб очилган, юзлари нақш олмадек қирмизи, бўлик... эди-ю, сиймосидан нур, кўзларидан олов қочгансимон, ҳатто қаърида улкан бир ҳасрат яшириниб ётгандек эди. Фақат суҳбат асносида, айниқса, бегубор талабалик даврини эслаб гапираркан, кўзларидан яна аввалгидек учқунлар соча бошлар эди.

- Вой-вой-вой, бу бир гапиришга тушмасин-де, - Миразим ноз-неъмат тўла дастурхон устидан кўл телефонини олиб, рақам терди. Захро унга эътибор қилмай суҳбатида давом этди.

- Юсуф ака, эсиздами, Бўстонликка мева тергани борганимиз? Қанақа чиройли жойлар эди. Бир томонда боғ, у ёғида эса тоғ, ўртасида сувла оқиб ётибди. Мева териб ўйнардик, ўйнаб мева терардик. Яна саҳаргача суҳбат қилиб, кўшиқ айтиб, танца тушганларимиз-чи...

Юсуф бир пайтнинг ўзида ҳам хотинни, ҳам эрни эшитарди.

- Алло, Тохир, сизми бу? Ҳм, бугун ўтириш бореди. Мани ўйимга келинг, ҳозир. Ўзгача одам бўлади. Ҳар сафаргидек чиройли қилиб уюштирасиз, окам. - Сўнг Захрога юзланиб деди: - Ҳозир Тохир келади. Пул ана, - у юзи билан сўри томонга ишора қилди. - Ман ишдан бир хабар олай-чи. Юсуф бугун бизнинг меҳмонимиз. Қараб тур, кочиб кетмасин... Ўртоқ, - у Юсуфга қаради, - санминан кечкурун бир отамлашўвуза!

Юсуфнинг бир кўнгли узр сўраб кетгиси келди-ю, яна ўзини тўхтатди. Ахир унинг ташрифидан муддао нима эди!? Бунинг устига, Саид келар экан. Ахир у Саидни ҳам кўрмоқчи-ку! Қолаверса, бу ерда унга Захро ҳам бегона эмас. Лоақал Миразимнинг «қарашворгин» дейишига қулоқ осиши керак, ахир. Демак, у қолади.

Миразим «хўп, пока» деди-да, машинасига ўтириб жўнади. Юсуф унинг пулни

санаб кўриш у ёқда турсин, халталарни очиб ҳам кўрмай, ҳатто уларга яқинлашмай кетворганига эътибор берди. Ва шу ондаёқ хаёлидан «Агар бойлигим бўлганида, боз устига, уларни белим оғримай топганимда, эҳтимол, менам шундай қилган бўлармидим» деган фикр кечди.

31

Кўп ўтмай Тоҳир ака деганлари келди. У ёши элликларда, сочларига оқ оралаган, ўрта бўй, микти, очик чеҳра бир киши экан. Тоҳир ака Юсуф ва Заҳро билан куюк сўрашди. Лекин ўтирмади. Базм сабаби билан қизикди, холос. Унинг янги дўшисини қўлига олиб, яна кийиб турадиган одати бор экан, йўкса, буни ҳаяжону уялишга йўйиб бўлмасди. Афтидан, у Миразимнинг доимий ошпазига ўхшарди. Фикрининг тўғрилигини Юсуф кейинроқ билди.

Тоҳир бозорга кетаётиб, Юсуфни эргаштириб юрмади. «Сизни уринтириб қўймайлик. Буни ўзимиз ҳал қиламиз, сиз бир пас дам обтуринг» деди-да, пул солинган тўрваларни кучоклаб ташқари юрди. У бир ўзи кетган бўлса, тушга яқин иккита «Жигули»да бешовлон бўлиб қайтишди. Юкни ташишга Юсуф ҳам ёрдам берди. Сўнг Тоҳир ака машиналарни яна қаерларгадир жўнатди. Ўзи эса ошхонага қараб юрди.

Тоҳир ака ўзини бардам тутар ва тўй тадоригини кўраётган бойваччадек ғоз юриб, йигитларни ҳали у, ҳали бу хизматга буюрарди. Афтидан, базмларни уоштираш ҳавосини олган, шу соҳанинг устаси бўпкетган эди. Энди у Юсуфга ҳам ўз йигитлари қатори иш буюрарди.

Бу орада иккита «Жигули» келди, улардан бирин-кетин олтига қиз тушди. Қизлар ҳар хил миллатга мансуб ва рус тилида гаплашишарди.

- Ҳа, ана, маликаларимиз ҳам кеб қолишди, - деди йигитлардан бири. - Хуш келибсизлар, ҳа, қани, бўлақолинглар.

«Жигули» хайдовчилари Тоҳир акадан топшириқ олиб, яна қаёққадир физиллаб қолишди. Иш қизигандан кизирди. Ҳамма ишини билиб ва жуда катта иштиёқ билан бажарарди. Официант қизлар ҳам оқ қушлар қаби бир хил чиройли фартуклар тақиб, елиб-югура бошлашди. Зум ўтмай ҳалиги «Жигули»ларда тагин одам келди. Бу сафар ундан йигитлар тушишди. Улар ҳам бир хил кийиниб олишган эди. Улар энди стол-стулларни учта катта хонага жойлаштира бошлашди. Юсуф учун буларнинг ҳаммаси гаройиб эди. У ҳеч қачон базмларга бунақа катта тайёргарликни кўрмаганди. Ҳатто унча-мунча тўйларга ҳам бу даражадаги сарфу харажат, бу миқёсдаги ҳозирлик кўрилмасди. Уни бу ердаги ҳамма нарса ҳайратга соларди. Бир томондан шохларнинг саройи янглиғ, ҳашаматли уй-жой ва унда бўлаётган базм салмоғи Юсуфнинг ақлини шошириб қўйган бўлса, иккинчи томондан, шунча дабдабанинг ичида яшаётган Заҳронинг руҳсизлиги уни ажаблантирарди. Унинг гўё чопчопларга алоқаси йўқдек, ўзи билан ўзи овора, дам ичкарига қиради, дам ҳовлига чиқади, ивирсийди. Тоҳир ака билан официант йигит ё қизларнинг аҳён-аҳёндаги саволларига хушламайгина жавоб беради.

Нонушта устидаги суҳбатлари давомида Юсуф шунга билиб олдики, Заҳро қизлари катта бўлиб, кичиги боғчага, тўнғичи лицейга қатнай бошлагандан бери уйда бир ўзи қолган ва яна уларнинг қайтишини кутиб кун ўтказар экан. Эр жонивор бўлса, кун бўйи, баъзан кечаси билан ишда. Илгари Заҳрони еру осмонга иқсонмайдиган Миразим энди хотини билан иши ҳам йўқ. Тўйгача умримнинг охиригача севаман, бошимда кўтариб юраман, еганинг олдинда, емаганинг кетинда бўлади, бошдан-оёқ зарга ўрайман, дея ваъдалар берганди. Ҳақиқатан, у ваъдасининг бир қисмини бекаму кўст адо этди - Заҳрони дуру жавахирлар билан кўмиб ташлади. Ҳатто шу даражада кўмдики, беҳисоб бойликлар орасидан унга ҳаво етишмай қолди. Лекин иккинчи - асосий ваъдасида Миразим бир йил ҳам туриб беролмади - у Заҳрони бошидан олиб, ерга қўйиб юборди: бу борада ўзинг бир кунингни кўр, дегандай қилди. Совуқчилик орага бирданига тушгани йўқ. Балки секин-аста, сездирмайгина сукилиб келди. Нафсиламарини айтганда, хотини билан муносабатининг қандайлиги Миразимни унчалик қизиқтирмайди. У бу ҳақда ўйлаб бошини оғритмайди ҳам. Бир вақтлар кундузлари кўргани етмай, кечалари тушларига ҳам киришини истагани Заҳронинг энди ҳафталаб кўрмаса ҳам парвойига келмайди. Унинг учун энди Заҳро «Уйда хотин борми - бор» дейишга ярайдиган нарса, холос. Айт-

моқчи, яна унинг бир қадрли хизмати бор экан - Захро ширин-шакар икки қизнинг онаси. Миразим қизларини беҳад яхши кўради. Иккинчи қизи - Муқаддас туғилган вақтда буниси ўғил бўлмади, дея бир оз ўпкалаб юрди-ю, гўдаги улғайиб, кўзга кўрина бошлаши билан барча гиналарни унутди. Энди у ўнга ўғилга битта қизини олишмайди. Миразимнинг назарида Захро учун шу қизлари етарли. Энди Захронинг навбатдаги орзу-ҳаваслари қизларининг келажаги билан, аввало, тўйу томошаси билан боғлиқ бўлиши керак. Лекин айти шу ерда Миразим адашаётганди. Захро - қизлигида бўлиг, қорамағиз, қақажон, бир гапириб ўн куладиган, олов аёл учун қизларининггина келажақ хаёли билан кун ўтказиш камлик қиларди. Дарҳақиқат, у Умида ва Муқаддасни эридан кам яхши кўрмасди, лекин унинг меҳр кўзларининг кўзи очиқ эди. У ўзлигини қизларига бутунлай бахшида қилиб, ҳаётнинг қолган лаззатидан бутунлай воз кечиб яшашга ҳали ҳаддан зиёд ёшлик ва чиройлилик қиларди. Ахир қақажон қизларни боғчаю лицейга юборгач, уйда яна кечгача фақат уларнинггина қайтишини пойлаб ўтириш учун одамзод ё оғир касал ё қари бўлиши керак. Холбуки... Захронинг қайноқ бир ҳаётда жўшиб яшагиси келарди. Бунинг учун эса ишлаши, одамлар ичида - уни тушунадиган ва у тушунадиган ҳамкасблар даврасида бўлиши жудаям зарур. Лекин турмушга чиққандан бери Захро бу нарсалар ҳақида фақат орзу қилади, холос. Чунки бунга, аввало, Миразим ризолик бермай, «Сенга пул керакми, мана пул, эр керакми, у ҳам олдингда, бола-чақанг кучоғингда, яна нима истайсан?» дейди, қолаверса, Захро ишлаши мумкин бўлган соҳанинг обрўси кескин тушиб кетган эди. Ўзи томондан манзират фақат шу эди. Аммо кейинги вақтлардаги ёлғизлиги уни бутунлай маҳв этаёзди. Таниш-билишлару қариндош-уруғларникига меҳмон бўлиб бориш, уларни кутиб олишлар аллақачон жонига теккан. Базмларни ёқтирмайди эмас, ёқтиради, лекин улар туягач, кўнглининг бир бурчаги ҳамон бўш, хувиллаб турганини сезаверади, изтироб чекаверади. Инчунун, базмлардан юрак олдириб қўйган. Ахир, айнан ўшалардан сўнг у ўз ёлғизлигини тобора теранроқ англаб боради, қийналади...

Мана шунақа бир-бирга ўхшаган қатор зерикарли йиллардан сўнг Захро гулларга меҳр қўйиб қолди. Аввалига ҳовлида беш-ўн туп гул ўстирди, бора-бора кўпайтириб, ҳаммаёқни гулга тўлдириб юборди. Шу тарика гуллар - унинг овунчоғи, иш-эрмағи, таскин-тасаллисига айланиб қолди...

Захро қўлида телефон, дам у ёққа, дам бу ёққа бориб, бўлаётган ишларни назорат қилиб тургандек бўлса-да, аслида у буларга заррача эътибор бермаётганди. У юришдан тўхтаб, рақам терди.

- Алло, Марфуа, қалайсан? Бормисанла? Эрталабдан бери телефон қиламан, омиёсила? Ҳм... Алло, бугун эринг билан келларинг. Хўжайиним мошинасини ювотди. Енгисини. Ҳа, олди-ла. Мерс. Олти юз. Ҳаммалигини эйдим. Битта сила қолувдила. Хўп, пока...

Захро телефонни ўйнатганча келиб, қўлини юваётган Юсуфга сочиқ тутди.

- Чарчаб қолмадизми?

- Йўқ.

- Аслида, сизнинг бу ишларга аралашингизга ҳеч хожат йўқ эди-ю, келганиз яхши бўлди, гаплашиб анча кўнглим ёзилди.

- Билмадим-у, лекин менга биров сикилиб қолгандек туюляпсиз. Эҳтимол, адашаётгандирман, - Юсуф синовчан бокди Захрога.

- Адашганиз йўқ. Тўғри топдиз. Келинг, бу ҳақда кейин гаплашсак...

- Яхши, - деди-ю, Захронинг ўзига яқин тутиб гапиришидан Юсуфнинг юраги бир сесканиб тушди. Неғалигига эса ўзича изох берди. «Ҳар ҳолда беш йил бирга ўқиганмиз, пахтаю мева теримларида елкадош бўлганмиз, ака-сингилдек бўлмасак-да, ўртамизда илиқ муносабат бор эди. Шундай экан, яқинлик бўлиши табиий ва ундан хижолат чекишнинг ҳожати йўқ...»

- Ана, меҳмонларнинг олди келишни бошлади, - Захро дарвозадан қираётганлар томон юрди.

- Бу вақтга қадар Тоҳир аканинг йигитларию ресторан хизматчилари ҳамма нарсани тахт қилиб қўйишган эди. Улар шошилмасди, чопиб ҳовлиқишмасди. Ҳамма ишни ўз жойида, чиройли ва пишиқ бажаришарди. Уларнинг юз ифодаларида ўз ишларидан мамнулик яққол сезилиб турарди. Юсуф кун бўйи улар билан бирга бўлиб, уларни кузатиб, шу нарсани англадики, одамзод ўз ишининг устаси бўлса ва

энг мухими, билсаки, меҳнати қадрланса, демак, у маза қилиб ишлайди. Ишга худди байрамга боргандек боради. Юсуф анчадан буён бунақа масрур чехраларни кўрмаганди. «Қани энди, - унинг кўнглидан кечарди шу ширин хаёллар, - ҳамма мана шундай меҳнат шароитларига эришса...»

32

Нихоят, тумонат одам йиғилди. Юсуфнинг назарида шаҳарнинг казо-казо бойларининг асосий қисми тўплангандек эди. Ҳатто машҳур артистлар, яна Юсуф қаердадир (телевизорда бўлса керак) кўрган таниш ва нотаниш чехралар ташриф буюришганди. Башанг кийинган, юзлари тиник ва аксариятиники бўлиқ меҳмонлар олдида Юсуф ўзини жудаям ҳақир сазди, қимтинди. Хайриятки, ҳамма ўзи билан, ўз яқинлари, давраси билан овра... Миразиму Заҳро дам у даврандан бу даврага, у хонадаги меҳмонлар ҳузуридан бунисига ўтишар, гўё қўлма-қўл бўлаётган тансик таомдек ҳамма уларни ўз қошларига чорлар, табриклашар, баробар ичишарди... Саид ҳам ўз даврасида, кулиб, ичиб, яйраб ўтирибди. У дарвозадан кираркан, ошхона томонда турган Юсуфга кўзи тушиб, бош ирғаб қўйганди...

Энди Юсуф росмана ўйлай бошлади: базмда қолиб тўғри қилдими, йўқми? Ахир, у юзлаб одамнинг ичида ёлғизланиб қолганди. Кимнинг олдига боришни билмасди. Бу ерда уни таниган ва у билган уч киши - Миразим, Заҳро ва Саидлар ўз давраларида шодон эди. Уларнинг гўё Юсуфга эҳтиёжи ҳам, у билан ишлари ҳам йўқ. Юсуф эса нимага келди? Эҳтиёжи борки, келди. «Арслонни қашқир олдига келтирган эҳтиёждир, эҳтиёж» деган қаердадир эшитган қаландарона кўшиқ мисралари хаёлига урилди. Лекин ўша заҳоти ўзини-ўзи тергай кетди: «Жуда ошириб юборяпман, чоғи. Ахир мен қашқирнинг эмас, дўстимнинг уйига келдим. У базмга таклиф қилди. Мен унда қатнашяпман. Бори - шу. Ахир, сени биров танимаган жойда шунақа бўлади-да. Ҳозир улар биров бўшашсин, мени ҳузурларига қакиришади. Ҳолаҳвол сўрашади. Сабр қил!» Юсуф ўзини шундай мулоҳазалар билан тинчлантиргунча Тохир аканинг йигитларига қарашиб юрди. Улар билан бирга овқатланди, хангомалашди. Ва ич-ичидан сезиб турдики, бу даврада унинг тенги, уни ҳеч қандай ижирганишсиз қабул қилганлар ана шу ошпаз йигитлар бўлди. Бундан ўзини ҳақоратлангандай ҳис этди. Лекин айна дамда ўзининг бу туйғуси дилкаш ошпаз йигитларга нисбатан таҳқир эканини тушуниб тилини тишлади...

Юсуф мазали таомлардан, хилма-хил мевалардан, айримларининг ҳатто номини ҳам билмайдиган нозу неъматлардан еб, ичиб ўтирди. Худди шу ҳолида - енгилгина, ширингина кайф қиларкан, ўзини бир кирғокдан иккинчи кирғокка, бир тўлқиннинг бағридан бошқасига ўтиб қолгандек сезарди. Ажабо, бу ҳақирост! Бугунга қадар у бошқа бир оламнинг қўйнида сарсону саргардон эди. Бутун ўзга бир очун бағрида кайф қиляпти. Айна чоғда, Юсуф ширин кайф билан кўкрагида алам ва изтироб кўтарилиб келаётганини ҳис қилди. Ахир у бу давранинг иштирокчиларидан нимаси билан фарқ қилади? Улардан қаери кам, қаери нокис? Тавба, дарё кўренишида бир томонга ва бир хил оқаётганга ўхшаса-да, унинг бағрида турли хил ва бир-биридан бутунлай фарқ қиладиган, бири умумий оқувга бўйсуниб, бошқаси тескари томонга оқадиган оқимлар бўларкан-да. Юсуф наздида базм қатнашчилари ва уларнинг ҳаёт тарзи бутунлай бошқа бир оқиму у мансуб бўлган табақа, у билган, уни билган одамлар, уларнинг турмуши иккинчи оқимни ташкил этарди. Ажабо, улар бир хил сулдан ичиб, бир хил ҳаводан нафас олади-ю, лекин бир-биридан нақадар тафовут қилади. Ажабо, улар бир-бирига қанчалик яқин бўлса, шунчалик узок! Гўё ёнма-ёну бири-иккинчисига қўшилиб-сингиб кетмайди. Худди икки парча оханрабоининг ўхшаш томонлари бир-бирини қандай итарса, бу икки оқим ҳам бири иккинчисини шундай туртади... Худди Юсуф билан Миразим ва Саидлар янглиғ. Ахир, Юсуфнинг даврадагилар билан бирга бўлмай, ошпазлар қаторида бир чеккада юрганлиги айнан ўша ҳаракат натижаси эмасми?.. Ҳар ҳолда Юсуф шундай ўйларди. Йўқса, уни жонажон дўсти Саид ва Миразимлар қўлидан тортиб, «йўқ» дейишига, оёқ тираб турволишига қўнмай, даврага - ўз ҳузурларига олиб кетардилар. Йўқ, базм охираб бораётган эса-да, улуг бу ҳодиса ҳалигача рўй бергани йўқ. Улар ўз давраларида кулишиб, ичишиб, хахолашиб ўтиришибди. Гўё ҳовлининг этагида бир пайтлардаги қалин дўстлари - Юсуф уларга илҳак эмасдек. Умуман, у базмга келмагандек. «Демак, - ўйлади Юсуф, - уларнинг ўз оқимларидан четга чиқишга имконла-

ри йўк. Бунга ожизлар. Лекин Захро-чи? Нега ва қандай қилиб бу ишга журъат этди экан. Уни ўз давраси - ўз оқимини ташлаб, унинг қудратли занжирларини парчалаб, Юсуфнинг хузурига йўл олишига нима мажбур этди?» Шу тобда Юсуфни лол қолдириб, Захро унинг қаршисига келиб ўтирарди.

- Зерикиб қолмадизми? - Захро сузик кўзлари билан Юсуфга боқди. - Биламан, сиз ўзини бунақа жойларда яхши ҳис қилмайсиз. Шунинг учун бир «юринг» деб кўйдим-у, кўлиздан тортмадим. Агар анувларнинг қошида сизга яхши бўлади, деб ишонганимда эди, кўярда-қўймай ўша ёққа судраб кетардим... Хафа бўлмадизми ишқилиб?

Юсуфнинг юраги «шув» этиб кетди. У ҳаяжонини яширмоқчи бўлиб ютинди. Лекин бу билан иш битмади. У такрор ва такрор ютинишга мажбур бўлди. Ахир Захро шундок ҳам сулув аёл эди. Базм учун алоҳида қилинган пардозу андоз, ловлов ёниб турган кўйлаги, ичилган шаробнинг зоҳирга тошиб чиққан энгил кайфи унинг аёллик жозибасини янада кўпиртирганди. Устига-устак, аввало, иккинчи соҳилнинг об-ҳавоси Юсуфнинг мудраб ётган ҳисларини озгина бўлсин, қўзғаб қўйган бўлса, бошқа ёқдан, тоза арокнинг таъсири унинг жиддиятини анча бўшаштириб юборганди. Юсуф юрак ютиб, илк маротаба Захрога бировнинг, биров не, дўстининг хотинига эмас, балки гўзал, латофатли аёлга қарагандек қаради. Юраги хапқирди. Во ажаб, аёл зоти шунчалик сеҳргарми, жон олгучими? У илгари ҳеч қачон ўзини аёлга бунчалар боғлиқ ва эҳтиёжманд сезмаганди. Лекин нега у саккиз йиллик турмуши давомида бирон марта хотини қаршисида ўзини бунчалар жодуланган ҳолда учратмади? Хотин олдиндан оқиб ётган сувдек бўлиши мумкин, лекин ўша сувнинг бўйига илк кез келганда ҳам бунчалар ҳаяжонланмаганди. Ойгул уни бунчалар асир этмаганди. Хўш, нега? Бунинг сабаби, Захронинг тақикланган «мева» эканлигидами ёки гўзаллигидами? Ахир, Ойгул ҳам гўзал аёл. Хўш, унда Захронинг нимаси Юсуфни бунчалар шошириб қўймоқда, ақлу ҳушидан мосуво этмоқда? Балки бойлигидир. Ахир, унинг гўзаллигида яхши парварининг ҳам ҳиссаси шундай акс этиб, мана-ман деб ўзини намоён қилиб турмаяптими? Ёвғон шўрва ичиб юрган Ойгулнинг юзида бу табиий қизиллик қаердан ҳам бўлсин, ахир!.. Шошма-шошма, Захронинг юзида нақш олмадек товланиб турган табиий қизилликка ошқуфталик ортида унинг бойлигига, имконига ошиққан хирс яшириниб олмаганими? Юсуф аёлнинг чинакам гўзаллиги қаршисидаги ҳайрат деб билаётгани фақат шугина эмасми?.. Йўк, шугина эмас. Чунки Юсуфни маҳлиё этиб, ботинини ғалаёнга келтирган куч бу - роҳат-фароғатда яшаётган лобар аёл вужудининг ғарқ пишган шафтолидек бўлиб тўлиб туриши эди. У илк кез жисм гўзаллиги қаршисида мана шундай парижон ва афтодаҳолга тушаётганди. Лекин айни дамда фаровон ҳаётга қарамай, Захро нигоҳининг қаърида ҳали-ҳануз аҳён-аҳёнда аллақандай қоникмаслик, зерикш, ўз вужудининг мислсиз соҳир гўзаллигига энгилгина бепарволик билиниб қоларди. Ахир, Юсуф кўр эмасди, у ҳаммасини тушуниб турарди. Яна шуни англардики, булар фақат айш-ишратга бўлган соғинчдан тўрамаётганди, улар аллақандай қатгарок, муҳимроқ ва қизикроқ интилишнинг самарасидек туюларди.

- Намунча тикилиб қолдииз? Яхши кўриб қолманг тагин? - Захро пиқ этиб қулиб, бошини олдин пастга қаратиб, сарак-сарак этди, сўнг шиддат билан орқага силтаб, пешонасига, юз-кўзига тушиб турган хиёл жингалак, кўнғир сочларини нари қилди. - Келинг, ман билан бир ичинг. - Захро столда очик турган арокдан қуйиб қадахларни тўлдирди. - За что будем пить? - Юсуфга қаради у. Юсуф дабдурустдан нима дейишини билмай қаловланди. Сўнг базмнинг сабаби эсига тушиб чайналди.

- Миразимнинг «Мерседес»и... - унинг гапи озгида қолди.

- Қўйинг, шу расмий табриқларни. Яхшиси, кўнғлиздаги гапни айтинг.

- Кўнғлимдаги гап. Ҳм... Унда эшитинг. - Юсуф қўлидаги бежирим қадахга бир қараб қўйди-да, сўнг Захрога тикилди, - Сизга бунинг минг бор, милён бор айтишган бўлса-да, менинг ҳам такрорлагим келяпти... - Юсуф яна бир зум тараддуланди-да, сўнг дадил давом этди. - Сиз жудаём гўзалсиз! Мен аёл зотининг шунчалар жозибадор бўла олишини шу ёшда илк марта ҳис этайман. Мен ўзимнинг ана шу кашфиётимга унга сабаб бўлган гўзал хоним - Сиз учун ичаман!.. - Юсуф кўзларини тез қадахга олди. У кўнғлидаги гапни айтган эди. Лекин хижолат чека бошлади: «Мен нима деяман? Нима жин урди ўзи мени? Захро бировнинг ҳасми-ҳалоли бўлса. Ўша биров менинг неча йиллик қадрдоним эса, менга нима бўляпти? Мен бу ерга нима мақсадда келдим-у, тақдир мени қай сориға бошламоқда? Ўзим қай аҳволдаман-у, нималарни кўнғил тусамоқда?»

- Ичинг бўлмаса, - Юсуф Заҳронинг жарангдор овозидан сесканиб ҳушини тўплади ва бир кўтаришда қадахни бўшатди. Заҳро Юсуфни кутиб турди-да, сўнг қадахни лабига бир тегишиб жойига қўйди. - Хотинизга яхши кўриб уйланганмисиз? — сўради Заҳро томдан тараша тушгандек қилиб.

- Йўк, онасини кўриб қизини олганман. Яъни онаси билан икки-уч дақиқа ҳам суҳбат бўлдим-да, ундаги бамаънилик, тажриба, таъбир жоиз бўлса, аслзодаликка маҳлиё бўлдим-қолдим. Сўнг қизини ҳам шундай хаёл қилиб совчи жўнатганман.

- Ҳўш, кизи ўшандок чиқдимми?

- Ўшандай бўлса керак. Лекин онасидаги кўп фазилатлар йиллар давомида ма-шаққат билан орттирилганлигини кейинроқ тушундим.

- Ҳозир-чи? Ҳозир яхши кўрасизми кеннойимизни?

- Менинча, бир-бирини яхши кўриб, бири бошқасининг ишқида ёнадиган эр-хотин бўлмаса керак дунёда. Ахир, улар ҳамиша бир-бирларининг олдиларида ҳозир у нозирлар. Муҳаббат фироқни тақозо қилса керак. Баъзан хизмат юзасидан маълум муддат у ер-бу ерга кетганимда хотинимни ҳақиқатан ҳам соғина бошлайман. Шунда ўйлаб қоламан: агар уни узоқроқ муддат кўрмай юрсам, Лайлининг ишқида ёнган Мажнун ҳолига тушсам керак. Яна ким билади... Ҳўш, нега сўраяпсиз буларми?

- Шунчаки, қизик-де, - Заҳро сир бой бермасликка ҳаракат қилиб, яна Юсуфнинг қадахини тўлата бошлади.

- Ия, сиз фақат мени ичирасиз шекилли. Ўзиз-чи?

- Манам ичаман. Мана, - Заҳро ўзининг деярли ичилмаган қадахига ҳам шишани энгаштириб қуйган киши бўлди. - Ман у ёқда кўп ичиб қўйдим. Лекин барибир, шуни сиз билан охиригача оламан.

- Энди сиз гапиринг.

- Албатта, - Заҳро сузук кўзларини Юсуфга қадаб, секин, бироқ дона-дона қилиб деди: - Бир пайтлар кўп бўлмаса-да, ҳар ҳолда ойда бир-икки келиб турардиз. Мириқиб суҳбатлашардик. Кейин билмадим, нимага, эҳтимол ҳар ким ўзи билан ўзи бўлдим, ё уйланганидан кейин биздан узоқлашди, ҳар ҳолда камнамо бўп кетди. Истагим - энди бизни тарк этмасиз. Узоқ гапирворсам кечирасиз. - Заҳро қўлидаги қадахни стол устига қўйди. - Тўғри тушунинг, шу йиллар давомида баъзи-баъзида ман ўша суҳбатларини кўмсаб турдим. Ҳозир эса бу эҳтиёж янада кучайган. Ўртоқлару таниш-билишлар тикилиб ётибди, лекин ҳеч биридан, масалан, сизнинг ёки ҳатто сизга ўхшаган одамларнинг суҳбатидан олган маънони тополмайман. Улар билан кун бўйи валақлаб юриб, сўнг ёлғиз қолганимда манга яна нимадир етишмаётгандек туюлаверади. Ўзимни ҳар хил кўнгилочар ўйинлар билан чалғитмоқчи бўламан, аммо нохуш тушлар кўраман. Уларнинг аксари бир хил мазмунда: гоҳ ўзимни олтин безакли қасрда ҳаво етишмай бўғилаётган алфозда кўраман. Бошқалардан «Сизларнинг ҳам нафасларинг қисяптими?» деб сўрасам, улар ҳайрон бўлиб елка қисинади. Манинг эса ҳолсизликдан ўпкам оғзимга келаёзди. Гоҳ эса ўзимни улкан уммоннинг қок ўртасида ҳашаматли кема ичида ёлғиз ҳолда топаман. Кеманинг ёниги қолмаганим. Шунда ўлим ваҳмидан чўчиб уйғониб кетаман ва саҳарларгача миҳжа қоқмай чиқаман. Юсуф ака, биласизми, мен гўё секин-аста ўлаётганга ўхшайман. Ҳаётимни емираётган оғир дард, бедаво касаллик на саратон ва на зотилжам, балки бекорчиликдир. Мани шу маҳв этаётгандек. Назаримда агар ман институтда ўқимаганимда ва Талъат акага ўхшаган домлалардан инсон ва бахт ҳақидаги маърузалар эшитмаганимда, Сиз, Саид акамнинг ва бошқаларнинг мароқли тортишувларидан баҳраманд бўлмаганимда... ҳозир бунчалик қийналмаётган, ўзимни ўзим еб битирмаётган, аксинча, Миразим акам қуриб қўйган қононаларининг маликаси бўлиб, энг муҳими, шу билан кифояланиб, лўмбиллаб яшаётган бўлардим. Лекин афсуски ёки яхшиямки, ман унақа эмасман... Ҳозир сиз манга ўша оламдан - бир вақтлар ман ҳам мансуб бўлган, лекин энди хотира ва тушларимдагина яшаётган оламдан эсган бир шабада каби таъсир этвоссиз. Этагизга ёпишволганимнинг сабаби шунда. Мана шуни, - у стол устидаги қадахга қўлини чўзди, - энди биз тутган этагизни тортиб олмаслигимиз, хаёл ва тушларимиздагина яшаётган дунёнинг афсонавий вакили бўлиб, биз гарибларни ҳам йўқлаб туришиз ва бу йўлда сизни қўлловчи сабр-тоқат учун ичсақ! - Заҳро ўзи бошлаб қадахни охиригача сипқорди. Юзлари озгина буришгансимон бўлиб, санчкининг учидан салат тишлаганча қўзғалди. - Сиз ўтира туринг, меҳмонлар кетишвотти, кузатай...

То меҳмонлар орасига кириб, кўздан ғойиб бўлгунча Заҳронинг орқасидан қараб

турди-да, Юсуф беихтиёр «Офарин!» - деди. Аёл уни росмана ҳайратга солиб кетганди. У, аввало, ўз гўзаллиги билан Юсуф ботинини нари обориб, бери обкелган эса, энди инсоний бир ҳаётга ташналиги билан, қаердадир Юсуфниқига уйкаш қисмати билан уни янада лол қолдирганди.

- Товба, - ўйларди Юсуф, - агар энди ҳам ўз моддий муаммоларимни ҳал этишга киришмасам, оилам, ҳатто, балки ўзим ҳам маҳв бўлажагимни англагандек бўляман. Бу ёқда эса ўзга ҳол: қондирилмаган маънавий эҳтиёж шўрлик аёлни еб битираёзибди. Демак, инсонга ҳам униси, ҳам буниси зарур. Демак, одамзод ўз маънавиятини моддият орқали намоёиш этишу ўз моддий оламини маънавият туфайли тиклаш ва сақлашга мажбур ва маҳкум. Демак, ҳатто фақат маънавият билан машғул бўлиш ҳам қаҳрамонлик эмас, у бор-йўғи инсоннинг зарурий эҳтиёжларидан биттаси, ҳолос. Ахир, бошқа - учинчи йўл йўққа ўхшайди. Демак, шарқликларнинг табиатидан келиб чиққан мискинлик, ҳокисорлик, дарवेशлик ва айниқса, зоҳидлик, ниҳоят, энди ўзини тўла оқламайди. Ўз даврида улар буюк вазифаларини ухдалай билганлар ва шу йўсин бойликка, моддий дунёга муккасидан кетган жамият ва одамлар онгида мувоозанат пайдо қилишга маълум маънода эришганлар. Энди замон ўзгарган ва унинг табиатидан келиб чиқадиган вазифа - моддият ва маънавият ўртасидаги мувоозанатни ўрнатиш. Ўтмишда жамият ичра тарозунинг бир палласида дунё одамлари, иккинчисида зоҳидлар турган бўлса, бугунги кунда замондошнинг ўзи ҳам шоҳу ҳам дарвеш бўлишга мажбур. Яъни жамиятдаги мувоозанат ҳар биримизнинг ботинимиздаги моддият ва маънавият ўртасидаги меъёрдан бошланадиганга ўхшайди. Шундай экан, акам Амирнинг бутунлай зоҳидлик йўлини тутиши замон табиатини етарлича тушуниб етмасликдан келиб чиқмаяптими? Ахир, у худди мозийдаги зоҳидлар ишини қилмоқчи бўляпти. Ҳолбуки, замон бошқа, инсон ҳам. Ахир шиддат билан ўзгариб бораётган воқелик аллақачон янги ва бошқа ижтимоий-сиёсий муҳитни яратиб улгурган. Ва бу янги муҳит янги бир ёндашувни, янгица қадриятларни талаб қилади, қилмоқда. Бу шундан иборатки, одамзод гўё фақат маънавиятнинг таълаб, моддиятнинг менсимаса ёки аксинча, моддият йўлида маънавиятнинг қурбон берса, аввало, ўзини, сўнг эса жамиятларни, дунёни маҳв етадиганга ўхшайди. Ахир, бунинг ёрқин мисоли мана - мен, мана - Захро, мана - акам...

Юсуф хаёлий мушоҳадасининг шу ерида севиниб кетди. Ахир, у энди қандай ишга қўл уришидан беҳабар эса-да, йўналиш қаён бўлишини аниқ-равшан билиб олганди. Энди у ўзини аңча енгил ва кучли ҳис етаётганди. Бунинг учун Заҳродан ҳам хурсанд бўл кетди. Ахир, унинг аңчадан буён фикру ёдини банд айлаб келаётган масала, ботинидаги талотўп айнан ҳозир, шу ерда, Захро билан бўлган ўн беш, йигирма дақиқали суҳбатдан кейин ҳал бўлди-да. Энди Юсуф бир қарорга келганди. Ва бу қарор унинг янги отилажак қадамларини қатъиятли ва шаҳдам қилажағига ишонарди гўё...

33

Меҳмонлар тарқаб бўлди. Йиғиштириш ишлари битгач, бирин-сирин Тохир ақанинги йигитлари ва бошқа хизматчилар ҳам ҳайр-хўшлашиб чиқишди. Юсуф эса ҳамон ўша жойида ўтирганича Миразим билан Саидни кузатарди. Шу билан бирга, қаерда тунаши мумкинлигини ўйларди. Соатига қаради - ўн, алламаҳал бўпти. У бу ерларни яхши билади - икки чакиримгина наридаги тош йўлдан ҳали яна бир, бир ярим соатча трамвай қатнайди. Шунинг учун бу ёғидан кўнгли тўк. Бирок у трамвайга чиқиб қаёққа боради? Шунини билолмай боши гаранг.

Шу пайт охириги меҳмонларни кузатиб дарвоза томондан Миразим, Захро, Саид ва яна икки-учта Юсуф танимайдиган эркагу аёллар кўринишди. Саид билан Миразим улардан айрилиб, тўғри шу томонга бурилишди. Юсуф ўрнидан турди, турди-ю, кайфининг кучидан енгилгина гандирақлаб кетди. Лекин ўзини тутди. Бу орада яқинлашиб қолган Саид кучоғини очганча келаркан, «Ҳа дўст, овлоққа ўтиб тоза опсизда!» дея ҳазиллашди. Кўришиб бўлишгач, ўша ернинг ўзига ўтира қолишди. Ҳол-аҳвол сўрашди.

- Қаерларда юрибсан, ошна? - деди Саид.
- Худога шукрки, тупроқдан ташқарида, бу деганим — уйда, баъзан институтда. Колаверса, кеча қишлоқдан қайтдим.
- Қалай, ота-онанг, қариндош-уруғлар тинчми?

- Шукр, раҳмат.

- Бир неча марта телефон қилдим. Йўғакансан. Кейин бир ўрис сени бу ердан кетди, деб айтди.

- Шунакарок...

- Нима, ҳалиям саргашта ҳаётми? - Саид жавобини айтмаса ҳам бўладиган оҳангда сўраб, давом этди. - Кел, ошна, ишингни ўзгартира қол. Нима дединг, Миразим? - Саид боядан бери «қиср-қиср» тоғ писта чақаётган баҳайбат дўстига қараб кўйди. Миразим «маъқул» дегандек бошини кимирлагиб, ўз эрмагида давом этди. - Менинг таклифим - бизга кел. Икки-уч йилда уйли ҳам, машинали ҳам бўласан, албатта, яхши ишлаб ўзингни кўрсатсанг. Мен ишонаманки, сен буни «тиз чўктирасан!» - Юсуф Саидга қараб жилмайиб кўйди. Саид буни тушунди, чунки охириги «тиз чўктирасан» ибораси унга эскидан одат эди. Талабалик вақтларида улар аввалбошда Саиднинг устидан қулиб юришганди. Секин-аста эса бу сўз деярли бутун курс баробар ишлатадиган иборага айланиб кетганди.

- Ўша-ўша Саидмиз, ошна, - у Юсуфнинг елкасига қоқиб кўйди, - фақат замон, дунё ўзгаряпти, - Саид ҳушёр эди, равон гапирарди. Афтидан, у ё ҳеч ичмаган ёки бир-икки қадахдан нарига ўтмаганди. - Эсла, талабалик давримизни, ўша вақтдаги имконимизу дунёқарашимизни. Биронгаимизнинг етти уқлаб тушимизга кирмаган эдики, орадан беш-олти йил ўтгач, мустақил бўлиб, ўз еру мулкимизга ўзимизнинг ҳоким бўлишимиз. Мана энди, кўракни кериб яшайдиган замон келди. Ўзбекнинг елкасига ҳам ниҳоят офтоб тегди. Ахир, ким ўйлаб кўрибди, ўзбек XX асрнинг адоғида ўз шаҳарларидан дунёнинг хоҳлаган мамлакатига учадди, деб. Ҳозир ҳамма нарса, ҳар қандай имкон мавжуд. Ҳамма гап одамнинг ўзида, унинг қизиқиши ва ташаббусида қолган, холос...

Юсуф кайфига қарамай, Саидни диққат билан эшитибгина қолмай, уни ҳар томонлама кузатиб ҳам турарди. Ахир қизиқ-да, аввалги талаба Саид билан ҳозирги арбоб Саидни солиштириш. Устига-устак, улар қалин дўст эдилар бир вақтлар, ҳозирчи? Ҳозир Юсуф унинг кимлигини, тўғрироғи, ким бўлиб етишганини билмоқчи бўлиб, синчковлик билан Саидга тикилар, ҳар бир сўзини мушоҳада тарозусида тортиб ўтирарди.

Миразим-чи? Тавба, унга нима бўлдики, ўзини ҳануз Саиднинг гапларини эшитиб-тушуниб турганга солиб ўтирибди. Илгарилари ҳеч бунақа эмасди. Хоҳ тарих, хоҳ сиёсат, хоҳ иқтисод бўлсин, ҳар қандай жиддий мунозараларга ҳуши келмайдиган, бир пас ўтиргач, сиқилиб туриб кетадиган ёхуд Саид ва Юсуф ўртасида уқлаб қоладиган Миразим бу гал Юсуфнинг назарида умрида биринчи марта сабр қиларди.

Негадир Юсуфнинг гаши келди. Агар ҳозир Миразим хумдек бошини столнинг устига қўйиб, пишиллаб уқлаб қолганда Юсуф уни яхши кўриб кетган бўларди. Лекин у бундай қилмаётир. Шунга қарамай, Юсуф «Ахир Мираз ҳам инсон. Унинг қилаётган иши бор-йўғи инсонга хос бир заифлик, холос» деган ўйга бориб, бунинг учун ундан хафа бўлишнинг ҳам, ижирғанишнинг ҳам ҳожати йўқ, деган тўхтамага келди.

Саид эса, худди миллионлаб фуқаро олдида оташин нутқ ирод қилаётган қудратли зот каби виқор-ла гапирарди.

- Ўзбекистонни неча ўнлаб мамлакатлар тан олди. Неча ўнлаб мамлакатлар пойтахтида бизнинг элчихонамиз, неча ўнлаб мамлакатларнинг элчихоналари бизнинг Тошкентимизда мавжуд. Юсуф, ишон, бизга Миразимбойдек пулдору, - Саид энди Миразимнинг елкасига қоқиб кўйди, - сенга ўхшаган фидоий кишилар жудаям зарур.

Юсуф бир вақтнинг ўзида Саидни эшитар, ҳам ўз таассуротларини мушоҳада қиларди. - Биз дегани - ким? Амалдорларми? Унга қолганлар қирадимми, йўқми? Агар Саиднинг таклифига рози бўлсам, демак, мен-да «биз»нинг сафига қираман. Шунда эҳтимол мен ҳам худди Саид мисол «мен» деб эмас, «биз» деб гапирсам керак. Ахир, Саид ҳам авваллари «мен»дан гапиргувчи, «мен» дегувчи эди. Энди нечун фақат «биз» дейди. Ёки кўпчиликнинг - жамоанинг иши шунақа бўлармикан? Шундай ҳам дейлик, лекин унда Саиднинг мен билган «мен»и қаёққа кетди? Ахир, унинг ҳозирги барча гаплари ўзлаштирилган-ку! Саидники қани, қаёққа го-йиб бўлди унинг ўзлиги, қарашлари?..

Саид давом этарди:

- Ана шундагина биз келажак авлод учун обод ва озод мамлакат қолдирган бўламиз...

- Саидга нима бўлган ўзи? Бунақа оловли сўзларни нега сархуш даврада айтади? Нима ўзи Саидни бунга мажбур қилаётган? - Юсуф шунинг тагига етолмаётганди. - Лекин бир жиҳати унинг гурурига хуш келарди. Саид буларнинг ҳаммасини Юсуф учун гапираётганди. Энг муҳими, Юсуфнинг қаршисида Саид бутун бошли халққа нутқ ирод қилаётгандек ўзини тутар ва сўзларди. - Балки ҳақиқатан ҳам унинг назарида жудаям аҳамиятли зотдирман. Инчунун, у шу қимматни тамоман асир этмоқчидир, шу йўсин нафсига хузур-ҳаловат бағишламоқчидир, ким билсин. Нима бўлгандаям, унинг бунақа куйиб-пишиб гапириши ғалати, жудаям ғалати эди. Бироқ ўзининг гапини қандай топиб гапирсин? Ахир бунинг учун кишининг оёғи ўз заминиди - ўз ақлу идроки, кучу ғайрати орқали бино этгани муҳитда мустаҳкам турмоғи керак бўлмайдими? Айни пайтда, ҳукумат ишлари, умуман, давлатни бошқариш шундай мураккаб ишки, бошбошдоклик салбий оқибатларга олиб келиши муқаррар. Ахир, аравани ҳар ким ўзига ёққан томонга судраса, нима бўлади? Арава кимирламай ўз жойида туради. Ваҳоланки, ҳамма араванинг ҳаракатидан манфаатдор. Инчунун, Саид ва унга ўхшаш қолганлар аравани муайян томонга тортаётган зотга елкадош бўлишлари тўғри ва мантикли эмасми?! Лекин, албатта, одамнинг ўз юзи, юзига яраша ўз сўзи бўлиши керак. Албатта, бир ёқадан бош чиқарилгани маъқул, лекин бу, аравани тортаркан, айнан битта кўшиқни ҳамманинг хиргойи қилиши шарт, дегани эмас-ку! Ахир бу улкан машаққатли муҳитда ҳамманинг ўз ихраши - шодлик ва ғами бўлса ва булар араванинг бир томонга ҳаракат эттирилишига асло монелик қилмаса яхши эмасми? Шуларни ҳам одам ўзганикига ўхшатишга интилар экан, бундай инсон хиёнаткордир. Йўқ, бировга нисбатан эмас, балки ўзига, ўзлигига, ўз табиатига, инсонлик шаънига, унинг фитратига хиёнат қилган бўлади!..

- Хуллас, дўстлар, гап кўп, лекин вақт алламаҳал бўп қолди. Эртага барвақт ишга бориш керак, - Саид эснаб олди. - Юсуф, шундай қилиб сени қаердан топамиз? Телефон-пелефон дегандек?

Юсуф нима дейишини билмай бир зум тараддулданди, барини - ҳозир кўчада қолганини айтай деди-ю, имкон ва бойликлари ошиб-тошиб ётган бир амалдору бир бой олдиди деёлмади. Ҳатто улар қачонлардир ўзига яқин дўст бўлишган эсада, айтгиси келмади.

34

Кейинроқ Юсуф айнан шу ўриндаги ҳолини эслаб, қийналиб юрди. «Агар мен ғурурли бўлсам, нега унда ўзимни хору зор бўлишга олиб келдим, нега Миразиму Саиднинг олдига маслаҳатга келдим, эҳтимол, аслида ёрдамга келгандирман, «иш топиб бер» деганим бўлар ташрифим? Агар буни ғурурга йўймасак ва улар менга дўст бўлса, нега унда Саидга очик айтмадим - «аҳволим чатоқ, уйим йўқ, вокзалда тунаб юрибман, хотиним боламни олиб кишлоққа кетиб қолди, ўзим соҳамни қанчалик яхши кўрмай, ишлагим келмаяпти, тобора ўзимни ботаётган шўрлик одамдек ҳис этапман. Маслаҳатингга, йўл-йўригингга мухтожман» демадим. Ахир, улар дўст бўлганда, ичимдагини яширмай айтардим-ку. Лекин қай гўрга ғойиб бўлди дўстлик? Ахир у бор эди-ку! Биз қаерда уни бой бериб қўйдик?..

- Ўзим сенга телефон қиламан, - деди ниҳоят Юсуф ўзини қўлга олиб.

- Бўлмаса, омин, Миразимга яна бир бор машина куллук бўлсин ва буюрсин! - Ҳамма Саиднинг дуосига эргашдилар ва кўзгалдилар.

Бошлашиб ташқари юришаркан, уларнинг ғала-ғовурини эшитиб, ичкаридан Захро чиқиб келди ва улар билан қуюқ хайрлашди.

- Ўтир, Юсуф, обориб қўяман, - деди Саид.

- Қўйсанг-чи, мен ўзим ҳал қиламан бу масалани, - эътироз билдирди Миразим.

- Овора бўлманглар, ўзим етиб оламан, ҳали жудаям кеч эмас, - чайналди Юсуф.

- Ўтир, қанақа одамсан ўзи, - Саид Юсуфнинг билагидан ушлаб машинасининг орқа ўриндигига мажбуран ўтказиб, сурил, деди. Сўнг Миразимга яна бир бош силкиб, «кетдик» дегандек ҳайдовчининг елкасига уриб қўйди.

Икки-уч дақиқа жимжитликдан сўнг «сен қайси томонга?» - сўради Саид.

- Трамвай йўлига чикқандан кейин иккинчи светофорда тушиб қоламан.

- Янги жой ўша ердами ё яна юриш керакми? Агар...

- Йўк, ичкарига юз метрча юрилади, холос. Ўшетта, - ёлгонлади Юсуф. Чунки унинг борар жойи ё вокзал ёки Валерийнинг уйи эди. Тушиб қолишни мўлжаллаётган жойидан трамвай орқали ҳам унисига, ҳам бунисига бориш мумкин эди. Қолаверса, Саид ҳам йўлдан қолмайди - тўғри уйига кета беради.

Юсуф машинадан тушиб қолганда соат ўн иккига чорақта бор эди. У секин юриб трамвай бекатига келди. Бекатда яна кимдир трамвай кутиб ўтирарди. Юсуф ўриндикнинг иккинчи четига омонатгина чўкди. Олдин вокзални мўлжал қилди, ахир алламаҳалда бировнинг эшигини қокиб кириш - хунук. Ҳадеганда трамвай кўринавермагач, энди қайси томондан келса, ўшанга ўтиришга қарор қилди. Чунки қарши томон вокзалга олиб борарди. Лекин на унисидан, на бунисидан дарак йўк эди. Соатга қаради, ўн иккидан йигирма минут ўтибди. Энди келмайди.

- Кечирасиз, чакишингиз борми? - Юсуф бошини кўтариб, таниш юзни кўрди. Лекин бирданига унинг кимлиги, қаерда кўрганлиги ёдига тушмади. Индамай чўнтагидан «Хон» кутисини чиқариб, қаради. Битта қопти. Уни кўлига олиб, қутини гижимлаб ахлат челагига ташлади.

- Бирга чекишамиз.

- Ия, бу сенми? - Нотаниш одам Юсуфнинг ёнига ўтирди. Афтидан, у Юсуфни таниди. Юсуф унга яна бир разм солди ва эслади - соч-соқоли ўсган, хароб ва кирчир кийимдаги анча кексайиб қолган бу одам Юсуф яшаган уйда, икки эшик нарида яшарди. Унинг ҳеч кими йўк, ҳеч қаерда ишламасди ҳам. Худонинг берган куни ичиб, маст-аласт гандирақлаб юрарди. Ҳозир ҳам ундан арзон вино ва яна аллақандай бадбўй анқирди. Юсуф сигаретни ёндириб, икки-уч чуқур-чуқур тортди-да, тез узатди, зора нари кетса...

35

Ёзнинг жазирамаси аллақачон бошланган, ҳатто чилланинг кирганига бир ҳафта бўлган эди. Кишлоқда ҳамма ўз иши билан кизгин шуғулланмоқда: ким экин-тикиннинг авж машғулотлари - суғоришу ўтоқ-чоппик билан, ким чорваси билан банд. Ҳатто мусича, чумчук, қалдирғоч, қарқунок... қаби бу юртнинг донмий қушлари ҳам эрталабдан ўз қўшиқларини бошлашган, гўё четда қўл қовуштириб қараб туришни ўзларига эп кўришмайди.

Фақат Амирнинггина кўнглига бу қўшиққа жўр бўлиш сиғмайди - ўз оламига батамом ғарқ бўлган. Бола-чақа, рўзғор, мол-ҳол, бозор-ўчар - ҳамма-ҳаммаси ҳамон Гулшоданинг гарданида. Амирнинг саҳардан кечгача қиладиган иши таҳорат олиш, намоз ўқиш, масжиддагиларга «Тарихи Муҳаммадийа» китобидан соатлаб ўқиб бериш, ора-сирада бошқа ўқиганларини кўшиб ваъз айтиш, диний китоблар, хусусан, Куръон тафсирилари, «Баҳоуддин Балогардон», «Ғавсул Аъзам» қаби асарларнинг мутолааси... Худонинг берган куни рўза тутади. Кам ухлаб, кам ейди. Соқолини ҳафтада, баъзан ойда бир олади, ўшандаям Гулшодаю ота-онасининг қистови билан. Кийгани - эски-туски, ямоқ-сумок... Ахир пичоққа илинадиган усти бошининг ҳаммасини ўзидан фақирроқларга инъом қилиб битирган. Энди укалари ҳам унга кийим ҳаля қилишмайди, чунки барибир фойдасиз, бир ҳафтага бориб-бормай кимгадир берилади-кетади. Фақат Юсуфдан - шаҳардан ҳали-ҳануз уч-тўрт ойда ё битта кўйлак ё кийилган бўлса ҳам тузуккина шим кеп туради. Амир «укам ўзи амаллаб кун кечираётган бўлса, қандай қилиб менга ул-бул жўнатиб турибди?» деб илгари ўйлаб кўярди, энди эса ҳаёлига ҳам келмайди. Ҳамиша ўз ҳаёли билан, охиратда Худонинг жамолига етиш орзуси билан банд. Юрганда, турганда, гапирганда, сукутда... ҳамма-ҳамма жойда паришон ва ғамгин. Хуллас, Амир ўз ботинидаги оламга шўнғиган, инчунун, одамлар олиб-югуриб турган дунёдан деярли узилган ва унинг қувончу ташвишидан, дарду муаммоларидан беҳабар. У кўп туш кўрарди ва тушларида авлиёлар билан, ҳатто бирида пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом билан кўришибди. Ҳар ҳолда, у шундай деб айтади. Аслида унинг туш, ҳаёл ва тасаввурлари аралаш-қуралаш бўп кетган, қайси бири ўнгдагиси, қайси бири рўёда - ажратиб бўлмайди. Чунки мияси ҳаммиша бир нарса - Оллоҳ ва унга элтувчи йўл, анбиёю авлиё, мужтаҳидларнинг ҳаёли билан банд...

Нима бўлгандаям, бир кун тушида ёллари узун ва бир томонга қайрилган, ҳайбатли опшоқ отни жиловидан ушлаб турган пайғамбаримиз Амирни чорлабди, «Кел,

ўтир, сен ҳали узоқ ва хайрли парвозлар қиласан. Ҳеч бир валийнинг пойи етмаган манзилларга етасан» дебди. Амирнинг юраги ҳаприкиб, ҳаяжони бўғзига тикилганча аста юриб отга яқинлашибди. Қўлларини кўтариб отни силабди, сўнг узангига оёгини кўйиб, бир силтаниш-ла устига чикқани аснода уйғониб кетибди...

Тушлар ва айникса, буниси Амирнинг кучига куч, ғайратига ғайрат, йўлининг тўғри эканлиги тўғрисидаги ишончига ишонч кўшди. Энди у илгаригидан ҳам кўпроқ ва хўброқ намоз ўқийдиган, мутолаа қиладиган, одамларга ваъз айтадиган бўлди-қолди. Буларнинг ҳаммасини кўриб турган Одил ака бўлса дам ўғлига юраги ачишади, дам кап-катта, олий маълумотли одамнинг қилаётган ишига аччиқланади. У ҳисоблардики, «эркак киши уйланиб фарзандли бўлдим, демак, болаларни оқ йўлга узатиб тинчимагунча, гарданидаги қарз узилмайди. Амирнинг уч боласини бокиб-парваришлаб, элга қўшиши унинг валий бўлиб етишувидан улугроқ иш. Қолаверса, бунақа тутум ўтган замонларда қоп кетган. Эндиги замоннинг талаби - бошқа». Агар Амир Одил акага бегона бўлганда, эҳтимол, бунчалар тутокмасди, «Ҳа, энди девона кўйига тушибди-да, шунга шунчами» деб қўл силкиб қўя қоларди. Холбуки, бегоналар аллақачон Амирни худди шундай - енгил бир масхараю қизиқиш билан қабул қилишган. Айникса, тирикчилик ташвишларидан анча қийналиб қолган ҳалойик учун бошқа ғайритабиий қисмат эгасининг хатти-ҳаракатлари - тайёр томоша. У Амир ёнаётган оловга ёғ қуйилиб туришидан кўпроқ лаззат олади. Одил акани ғазаб отига миндираётган жиҳатлардан бири ҳам шу эди. Алифни калтак деб юрган қаёқдаги қаланғи-қасангиларнинг қўлини бигиз қилиб, ўқимишли Амирни кўрсатганча «замонамизнинг жинниси шу бўлади» дейишларига ҳеч чидай олмасди. Лекин нафсиларини айтганда, Амирнинг ҳоли бу дунё одамлариникига асло ўхшамасди. У бора-бора паришонлашарди. Баъзи кунлари ҳатто уйдан чикмай намоз қиладиган, намоз асносида эса ўзини унутиб, муроқабачолига тушадиган бўлиб қолганди. Шундай кезларда унга яқинлашиб, бир нима демокқа Гулшоданинг ҳоли бўлмас, Амирнинг ўзи кўпдан бери одамлардан узоқлашиб кетгани туфайли биров ҳам уни йўқлаб келмасди. Фақат ҳафтада бир-икки бор Одил ака ё Ҳалима аяларгина бир коса овқат ё иккита нон кўтариб хабар олгани кепқолишар, шунда ҳам ўғлини намоз ўқиётган ҳолда топишиб, қўлларидагини невараларига қолдирганча изларига қайтишарди.

Шу зайлда кечаётган кунларнинг бирида ниҳоят уни йўқлаб Мухтор келди. Амир энди таҳорат олиб, намоз бошламоқчи эди. Мухтор унинг бир ойдан буён масжидга бормаи кўйганидан хавотир олиб келганини айтди. Амир унга ҳолини қисқа баён қилди. Шунда Мухтор:

- Демак, менинг кўрган тушим бежиз эмаскан-да, - деди.

- Қанақа туш?

- Тушимга пайғамбаримиз кирибди ва менга «Амир чилла ўтирсин» деди. Сабабини сўрамоқчи эдим, уйғониб кетдим. Буни эшитган Амир тўлқинланди. Демак, ҳаммаси рост, ҳаммаси тўғри. Тушимда пайғамбаримизнинг менга от миндиргани ҳам бежиз эмас. Шайтон пайғамбаримизнинггина шаклу шамойилига киролмайди. Демак, менинг ҳам, Мухторнинг ҳам туши ҳаққирост, менинг чилла ўтиришим шарт!» - хаёлидан ўтказди у. Ва бошқа ҳеч кимдан маслаҳат ҳам, йўл-йўриқ ҳам сўрамади, ўзи билганча, ўзи хоҳлаганча тайёргарлик кўрди-да, эртаси азондан чилла ўтиришга бошлади.

36

Бунинг учун Амир торгина хонани танлади, деразаларини қора матолар билан обдон беркитдики, тангадек ёруғ қирадиган тиркиш ҳам қолмади. Токи, узлатга чекиниб, ўз илоҳий ҳаёл ва тафаккурига чўмган зот ташки дунёнинг ана шу жиндек жойдан суқилиб кириши мумкин бўлган мулоқотидан ҳам сақлансин! Токи, тамомила ибодатга берилиб, ўта машаққатли имтиҳондан эсон-омон чилланишин, чиллакаш бўлиб чиқсин. Улуғ валийларга муяссар бўлган саодат - «ўлмасдан олдин ўлиш» Амирга ҳам насиб айласин!..

Бу йўл нақадар улуг, сеҳрли ва муҳаддасдир! Унда инсон ўзгаларга қарши қурол ё мушт кўтариб, мақсадга эришмайди, аксинча, онгли равишда ўзга манзилни кўзлайди ва аввало, ўзига қарши жангга киришади. Ҳа-ҳа, айнан шундай. Бироқ «ўзига қарши» дегани бани одамнинг ўз нуқсон ва баднафсига қарши мужодаласи эканини

унутмаслик керак. Зеро, дунёдаги нокисликларнинг барчаси одамзоднинг қалби ва ақлидаги нусонларнинг ташқарига урган нуксидан бўлак нарса эмас! Ҳар бир ўзини ўзи поклашга киришган инсон айна дамда дунёни тозалашга бел боғлаган зот ҳамдир.

Тасаввуфда мана шу ҳикмат - ҳаётий ва амалий ҳақиқат мавжуд. Моҳиятан, у бошдан-оёқ одобдир, ёмонликдан юз ўгириб, яхшиликка юзланмоқдир, инсоннинг ўз ботинидаги нафс аждарига қарши сулҳсиз-қуролсиз курашмоқдир, ўзганинг юкини енгиллатиш ва ўзгага юк бўлмасликдир, ўзнинг фоний борлигидан халос бўлиб, Оллоҳнинг боқий борлигига қўшилмоқ ва ниҳоят, ВАҲДАТ майини сипқормоқдир ёки камида шу хайрли интилишлар йўлидаги азим мужодаладир...

Ҳўш, замонамиз кишисига насиб бўлармикан инсонликнинг бундай юксак мартабаси? Ахир дунё беш юз, минг йил олдингидан қанчалар ўзгариб кетди, ҳаётнинг суръати, инсонни ҳаракатга келтирувчи ботиний кучнинг шиддати нақадар ошди. Дунёқарашлар, қадриятлар, муносабатлар ўзгарди, турланди, тусланди... Замонамиз Амирига масалан, саккиз юз йил аввалги Амирга нисбатан анча қийин бўлмасмикан бу йўлнинг манзилига етмоқлик? Устига-устак, пирсиз-рахнамосиз... Умуман, азалий мазмунга бориш учун азалий шаклдан истеъфода этмақлик ўзини қанчалар оқлайди? Ахир, «чиroyли кийинган» ўрта асрлар аёли билан XX юз йилликнинг танноз хоними кийимлари нақадар бир-бирига ўхшамайди. Лекин мазмун бир - улар ўз замонаси томонидан энг гўзал деб тан олинган, энг сўнгги модадаги либосларга ўранган. Демак, ғоялар ҳар қанча улуғ бўлмасин, вақт ўтган сайин уларга эришмоқлик йўллари - шакллари ўзгариб бораётган экан. Ахир, ҳар бир замону ҳар бир даврнинг ўз руҳи бўладики, шаклларга ўз муҳрини муқаррар равишда босажак. Ҳатто моҳият минг йиллардан сўнг ҳам ўзгармаса-да, гўзал кийинишга - гўзалликка интилиш хануз ўша-ўша бўлса-да... Магарки, бу шундоқ экан, нега унда Амир қалқиб-да ўз замонасига қарши исён кўтарди? Унинг темир қафасларини бузмакка бел боғлади? Яъниким, азалий моҳиятга азалий йўл орқали эришмакчи бўлди? Жонида қасди бормидики, ҳар қадамда. Қадам не, ҳар нафасда ўзини бўғиб ташлашга тайёр дунё бағрида ўсиб-унмакка умид қилши - валийлар роҳини тутди - чилла ўтирди?..

37

Чилланинг еттинчи куни Амир ҳолдан тойди. Ўтирган бўлишига карамай, кўз олди қоронгилашиб, тиниб кетаверди. Ҳатто хаёлан Куръон оятларини такрорлашга тоби йўл қўймай қолди. Кўзлари юмлиб кетаверди. Лекин у ўзини ўзи қўлга ола биларди. «Бас, тундаги икки соатли уйқу етарли. Мени бу азим денгиздан олиб ўтадиган куч уйқу эмас, балки бедорлик» - дерди ва яна муроқабани ҳолида бўлишга тиришарди... Шундай кунларнинг бирида у олис бир қаҳқаҳани эшитди ва аланглаб атрофга қаради. Хонанинг нимқоронғу бўшлиқларида ҳеч кимни кўрмади. Қаҳқаҳа эса тобора яқинлашиб келарди. Ниҳоят, у шундоқ тепасида гулдуради. Амир яшин тезлигида юқорига қаради ва соч-соқоли оппоқ баҳайбат бошни кўрди. Унинг вужуди йўқ эди, гўё кесиб олингандек ва ёки хонанинг зулмати ичра ғарқ бўлгандек. Бошнинг ваҳм тўла қаҳқаҳаси қандай кутилмаганда бошланган бўлса, шундай тезликда тинди ва жарангдор овозда деди: «Қанча ҳаракат қилмагин, ман барибир сандан баланддман, ҳа-ҳа-ҳа...» - у яна гулдурас қаҳқаҳасини бошлади. Амир бир зум ўзини йўқотиб қўйди, лекин шу ондаёқ ҳушини тўплаб, титроқ овозда сўради:

- Сен кимсан?

- Баҳоуддин, мен Баҳоуддинман! Ҳа-ҳа-ҳа, - бош қаҳ-қаҳ отганча узоклашиб, қоронғулик ичра ғойиб бўлди...

Шу пайтда Одил ака йўлда асабий ҳолда шошиб келаётганди. У ўглининг чилла ўтирганини уч кундан сўнг эшитганди. Лекин бир нима қилишга ўзини ожиз сезиб, қийналиб юрди. Яна уч кун ўзи билан ўзи олишиб, ўз ёғига ўзи қоврилгач, истиҳола ва андишани йиғиштириб қўйиб, тўғри қўшни маҳаллалик мулла Шарофиддиннинг ҳузурига йўл олди. Чунки чилла ўтиришнинг машаққати ва энг муҳими, раҳнамосиз мумкин эмаслиги тўғрисидаги гап-сўзлар олдин-кейин унинг қулоғига ҳам бир-икки чалинганди.

У мулла Шарофиддин билан кўришиб, кўрпачага ўтирди. Сўнг томоқ кириб, ташрифи сабабини айтмоқчи бўлганда, мулла уни тўхтатиб, ҳаммасидан хабари борли-

гини билдирди ва берган маслаҳати шу бўлдики, пирсиз чилла ўтириш мумкин эмас, уни турғазиш зарур. Акс ҳолда Амир оғир юкни кўтаролмай, ақлдан озиб қолиши мумкин.

Одил ака ҳозир тўғри ўша ёқдан келаётибди. Ҳаяжон, кўркув ва шошилишда у эски велосипедини мулланикида унутганча пиёда Амирникига йўл олганди.

Амир ўзини Баҳоуддин Нақшбандий деб атаган ҳайбатли бош «хужуми» таъсирида хушини ўнглаб улгурмаган эди, бирдан ичкаридан кулфланган эшик кучли зарбдан қарсиллаб очилди-кетди. Амир бояги қаҳқаҳа отган бошга қандай сапчиб қараган бўлса, энди худди шундай шиддат билан сакраб ўрнидан туриб кетди. Зарбадан эшикнинг кулфи синиб тушган эди, унинг бир бўлаги ва яна башмалдоқдек келади-ган ёғоч парчаси учиб, Амирнинг оёқлари остида ётарди. Бундан бир неча минг марта катта тезликда, ҳатто айтиш мумкинки, эшикнинг қарсиллаши билан деярли бир вақтда бостириб ичкарига кирган ёруғлик бир ҳафтадан буён қоронғиликда ўтирган Амир кўзларини қамаштириб юборди. У қобокларини юмиб-ла қолмай, қафтларини кўзига босди.

- Ҳа, сенинг қилиқларингга!... - бостириб кирган Одил ака ўғлининг иккала елкасидан итара-итара ташқарига чиқараркан, оёғи чойнакка тегиб ағдарди, у шундоқ бир қарич нарида ётган Қуръоннинг устига тўкилди. Бир вақтлардаги паҳлавон йигит, - кейинги йиллар ичида озиб-тўзиб, аввалги жасадининг ярими ҳам қолмаганди, - отасининг турткисидан пирпирак бўлиб ташқарига учиб чиқди. Одил ака бориб дераза кўзига тутилган қора матони юлқиб, полга улоқтирди. У буларга ҳам қаноатланмай, чирокни ёқмоқчи эди, ёнмади.

- Мен мулла Шарофиддиннинг олдидан келяпман! - дея деярли бақириб чиқиб келди Одил ака. - Сенинг ишинг ғирт бемаънилик экан-ку, бола! Сенга ким қўйибди динда чуқур кетишни? Чилла ўтирадиган одам аввал бир пирнинг қўлини тутмайди! Устоз кўрмайдими, кўнглига нима келса қилаверади?! Одил ака ҳамон кўзларини қафтлари билан беркитиб, жим қотган ўғлининг елкаларидан тутиб силкиди. Аммо қутилмаганда Амир отасининг кўксидан куч билан итариб юборганча:

- Қочинг йўлимдан! - деди-ю, тагин ичкарига интилиб, орқасидан эшикни қарсиллатиб ёпди олди. Одил ака гандирақлаб бориб деворга суянган қўйи хансираб қолди. Бир зумда бўлиб ўтган бу воқеанинг гувоҳи - Гулшода югуриб келиб, қайноғасининг қўлидан тутди:

- Ота, бирон жойиз лат емадими, вой худойим-ей, нима кўргиликларга қолдик?

- Тузукман, тузукман, - деди эсанқираб қолган Одил ака. Ахир ўз фарзанди - жигарбанди уни кўкрагидан итариб юборди. Албатта, атай қилмади, аччиқ устида, асабий ҳолда қилди, лекин барибир, уни ўз тўнғичи силтаб ташлади.

- Бир пиёла сув берасизми, келин?

Гулшода дарҳол муздек сув келтирди.

- Келин, бу дейман, Амир ҳаляям илгаригидек бақувватку-а, - дея Одил ака вазиятни сал юмшатишга тиришти, - афт-ангорига қараб унақа демайсан, шунча кучни қаёқдан олди экан?..

- Ёз чилласи-да, ота, хуруж қилган вақт бўл туради шунақа. Ажаб эмас, чилла билан бирга ўғлиздаги дард ҳам чиқиб кетса, - Гулшода эрининг холини тушунтирмоқчи, Одил акага эса таскин бермоқчи бўлди.

- Ажабмас-ажабмас. Ҳа, майли, мен борай. Уни безовта қилмай тура турунглр. Яна сизларгаям бир қор-қол қилмасин...

Одил ака оғир-оғир қадам олганча уйга етиб келиб бор гапни Ҳалима аяга айтдию маслаҳат сўради.

- Хўш, нима қиламиз уни, бир йўл кўрсат.

- Укам Мухторга айтиб кўринг. Амир ўшанинггина гапини олади.

- Мухтор нима дерди? Тур, пирсиз мумкин эмас, дейдими? Буни мен ҳам айтдим.

- Ахир чиллахомага ҳам Мухторнинг гапи билан кирган...

- Ҳали шунақами? Вой аҳмоқ! - Одил ака Амирни сўқдими, Мухторни, билиб бўлмасди. - Қаллаварам, фитна! Ҳамма бемаъниликлар ўзи Мухтордан чиқади. Айтдим, мен чиллани бирон марта оғзига олмаган Амир қаердан тоғди бу нарсани деб! - Одил ака ҳамон ҳовридан тушолмай ичкари кирди-ташқари чиқди. Жўялироқ бир фикр ақлига келмай оғир хўрсинганча айвондан тушиб, велосипед суяб қўйиладиган устунга қаради. У йўқ эди.

- Ҳалима, велосипед қани? Ким миниб кетди?
 - Ўзиз мулла Шарофиддинникига кетяпман деб, олувдиз-ку. Йўл-пўлда қолдириб келган бўлманг яна?
 - Оббў, - Одил ака уни мулланикида қолдирганини эслади ва бошини сарак-сарак қилганча ташқари қараб юрди. Дарвозадан чиқар-чикмас велосипедини ушлаб турган ўн икки-ўн уч ёшлардаги болага дуч келди.
 - Иссомилейкум. Велосипетизи Шароф тоғам берворди.
 - Раҳмат, ўғлим, баракалла. Ия, энди пиёда кетасанми? Ўтир, обориб кўяй.
 - Йўк, мен холаминикида қоламан, - деб чопа кетди бола.
- Одил ака нима қиларини билмай боши қотиб турди-турди-да, сўнг Мухторники-га йўл олди.
- Орадан уч кун ўтиб, Амир чилла ўтиришни бас қилди. Мухтор келиб, «Пайгам-баримизни туш кўрдим», - дебди. «Чилладан чиқсин!» деган амр бўлганмиш..

38

Юсуф ўша туни бекатда ўзидан сигарет сўраган кишиникида тунади. Уни мири-киб уқлади, деб бўлмайди, мағори чиқиб кетган бир хонали уйда жулдур ўриндикда тонгача ўтириб чиқди. Ахир, эликларни уриб қолган бу сўққабош ва ҳеч қаерда ишламайдиған одамнинг ичини ёритиб турган «чирок» ўчганига ҳам беш-олти йил бўп қолган. Хўш, ўшанда нима бўлиб эди? Чип-чиройли бир оила тарқаб, ўғил-қизию хотини уч хонали уйда қолиб, ўзи бир пайтлар ўғлимга, деб яхши ният қилиб олган икки хонали уйга кўчиб кетганди. Кейинроқ уни сотиб, ярим пулига мана шу «катак»ни олиб эди. Хўш, нега шунчаликка боришди? Эргаш ака пиёни-талиги учунми? Сўққабош бўлгандан кейингина ичишга ружу кўйди-ку. Энг обрўли университетлардан бирида физикадан дарс берарди, фан номзоди, бир неча қўллан-малар, довруғи дунёга кетган икки-уч кашфиёт, мақолалар муаллифи эди. Оила то-тув, хотини болалар боқчасида тарбиячи бўлиб ишлар, иккаласининг топгани рўзгорга бемалол етарди. Ҳатто маошларидан йигиб-чатиб, қўшимча жой сотиб олишди, тур-ли-туман кийинишарди, ҳар йили дам олгани қаёқларгадир боришарди. Талотўплар бошландиямки, маошлар ўз вақтида берилмай кўйди, сўнгра эса пулнинг қиммати тушиб, ҳеч нарсага арзитай қолди. Қанча йилдан буён фақат ўз касблари туфайли-гина яшаб келаётган оила жиддий моддий қийинчиликка дучор бўлди. Иккаласи-нинг ишлаб топгани нон, транспорт ва тўрт-беш кило картошка-пиёздан нарисига етмай қолди. Рўзгордан барака, оиладан тотувлик қочди. Ҳамма асабий, ҳамма ни-мадандир норози ва ниманидир қутган. Натижада эру хотин бот-бот гап талашади-ган, бора-бора эса Худонинг берган кун и жиккамушт бўладиган одат чиқаришди. Хотин айтади: «Сен ҳам бошқа эркакларга ўхшаб мундоғ атрофинга қарасанг-чи? Пул чиқадиған бошқа бир ишнинг бошини тутсанг-чи! Ахир болалар ўсяпти, айни еб-ичадиған даври келяпти. Агар шундай юраверсак, холимиз нима кечади?» Эр айтади: «Мани қўлимдан нима келади? Сабр қил, ҳаммаси тагин изига тушиб ке-тар. Эсимни танибманки, физика-метаматика билан шуғулланган одамман. Кеча манга шу меҳнатим эвазига етарли пул тўлаётганди, бугун тўламаётган экан, айб манда-ми? Ман кеча нима иш қилган бўлсам, бугун ҳам ўшани бажаряпман. На сан, на санга ўхшаган товук миялар тушунмаёптики, ман бошқа соҳада энди ишлай олмай-ман. Ман буни неча марта айтишим керак. Балиқ сувдан ўзга жойда яшолмагани-дек, ман ҳам бошқа жойда қўлсиз-оёқсизман, тушунсанг-чи!..»

Уларнинг жанжали анча чўзилди. Бу нарса болаларга ҳам таъсир қилмай кўйма-ди. Улар дам йиғлашар, дам қаёққадир ғойиб бўлиб, шомда келадиған, ҳатто баъзан сўрамай-нетмай қайси бир ўртоғиникида тунаб қоладиган бўлишди. Буни Эргаш ҳам, Латофат ҳам кўриб-тушуниб турардилар, лекин бирон чора тополмай баттар сикилишарди. Ниҳоят, Латофат эрининг иродаси етмаган ишни қилди - тарбиячи-ликни ташлаб, бозорга чиқди-кетди. Ундан-мундан майда-чуйда нарсаларни олиб со-тадиған, бозорма-бозор қопу хуржун кўтариб юрадиған бўлди. Буни кўриб, эр бат-тар эзиларди, лекин хотини ва бошқа ўнлаб, юзлаб, ҳатто минглаб зиёлилар қила-бошлаган ишга - даромадсиз соҳаларини ташлаб, бозорга чиқиб кетишга қурби ет-мади. Айни пайтда, университетга ҳам оёғи тортмай кўйди. Кадрларни қисқарти-риш жараёнида ишдан кетиб, гўё бору-йўғидан айриди. Нима қиларини билмай,

сахардан кечгача уйда ивирсиркан, ўзини ортиқчадек, ҳеч кимга, ҳатто ўз оиласига, бола-чақасига ҳам кераксиздек ҳис этарди. Ўшанда у инсон боласи аввало, меҳнат билан, тўғрироғи, ҳар икки томон учун манфаатли меҳнат билан эъзозли эканини илк бор - ёши қирқ олтига чиққанда англади. Ва энди унинг ўзи ҳеч қачон ана шу эъзозни қайтиб тополмаслигини тушуниб, даҳшатта тушди. Яна бир йилча хотинининг боқувида чидаб ўтиргач, ўзи биринчи бўлиб ажралиш тўғрисида оғиз очди.

Назарида шу билан ҳеч курса қизи ва ўгли олдида оталик шаънини сақлаб қоладигандек эди. Чунки Латофат яхши пул топиб, илгари эру хотин тебратган рўзгорни энди бир ўзи эплай бошлаганди. Энди Эргаш болаларининг оч-наҳор қолиши тўғрисида қайғуриш ортиқча эканини тушунди. Фақат ҳамма гап, бор муаммо унинг ўзи эди. У ана шунини бир ёқлик қилиш учун ажралишдан ўзга чора тополмади. Чунки эр-хотин ўртасида жанжал ҳали-ҳануз давом этар, муносабатлар совугандан совуб борарди. Эргаш тушундики, энди унинг овози аввалгидек қатъий чикмаяпти, аксинча, аллақандай мискин ва ювош тортганди. У буни сингдиролмади ва шартта судга ариза берди-да, ўғлига деб олинган икки хонали уйга кўчиб ўтди-кетди. Латофат аввалига «Алоҳида яшасангиз яшаб кўринг, лекин ман болаларнинг етим деган ном олишини истамайман» деди. Аммо орадан бир йилча ўтгач, усиз ҳам яшаса бўлишини тушундими ва ёхуд бошқа сабабданми, ҳар ҳолда расман ҳам ажралишга рози бўлди. Ана шундан кейинги икки йил мобайнида Эргаш бир фирма магазинида коровул бўлиб ишлаб юрди, сўнг у ерда ҳам ишлар чашпа кетгач, яна ишсиз қолди. Ўшандан буён бутунлай ёлғизланди. Ўшандан буён аламзада. Ўшандан буён ичади. Ўшандан буён хор-зор, маст-аласт тентирайди. Ҳатто тўғри келиб қолганда таниш-билишдан беш сўм-ўн сўм садақа сўрашдан ҳам тортинмай қўйди. Илгариги гурури қани - ўйлаб ҳам ўтирмайди!..

Юсуфдан ҳам уч-тўрт гал гоҳ битта нонга, гоҳ сигаретга пул сўраганди. Ўша тунни сигарет сўраб Юсуфга яқин келганда Эргаш уни таниб, «Ҳа, бу санми?» дегани шундан эди. Кейинроқ Юсуф ҳам уни эслади. Юқоридаги гапларни улар бир-бир босиб трамвай бекатидан то мана шу бадбўй кулбага келгунга доғур йўл-йўлаккай ўзи гапириб берди. Энди Юсуфнинг кўзига уйку кўндирмаётган нарса нафақат уй ичининг ипирискилиги, балки Эргашнинг аччиқ тақдири ҳам бўлиб чиқяпти. Ахир унинг қисмати Юсуфникига нақадар уйқаш. Фақат Юсуф ҳали йўлнинг қок ярида турибди, унинг нималарнидир ўзгартиришга ва Эргаш янглиғ бутунлай маҳв бўлмасликка имкони бордек... Юсуф эски диванда, ҳатто кўча кийимини ҳам ечмай, хуррак отиб ётган Эргашга қараб ўтирганча, ўз келажаги ҳақида ичи сидирлиб алам билан ўйларди. Бу кўчага кириб қолмаслик учун нима қилмоқ зарур?..

39

Базмнинг эртасига Саид кўзини очганда хотини тепасида жилмайиб турарди. Билдики, Манзура уйғотибди.

- Адажониси, тура қолинг энди, эринманг, нонушта тайёр, суйиб ейдиганиз - қуймоқ ҳам мунтазир, - Манзура ҳар сафаргидек эрини янги иш кунига ҳафсала билан ҳозирлай бошлади, - болаларни лицейга кузатдим.

Манзура дипломатия институтида ўзбек тилидан дарс беради, фан номзоди. Ишидан мамнун, институтда обрўйи ҳам жойида, ҳамма учун у - Манзура Содиковна. Бироқ унинг асосий мақсади - эри - Саид Аъзим. Ўз ишига вақти ва қобилиятининг бир қисмини сарфласа, оиласи, яъни болалари ва эрининг хузур-ҳаловати учун тўққиз қисмини бағишлайди. Агар уларнинг ҳаётини синчиклаб кузатиб юрган одам бўлса, Саидни Саид Аъзим қилган ҳам шу хотин - Манзура Содиковна дея хулоса ясаши турган гап.

Тўғри, Саид ҳам анойи эмас. Ҳам устамон, ҳам ақли. Манзурага ҳам бекорга уйлангани йўқ. Бадавлат амалдор қизи Манзуранинг талабгорлари бисёр эди. Ўрта-ҳол Саид Манзурани илиб кетдимики, демак, у эл қатори эмас, бир қалла баланд. Шунга қарамай, Саиднинг кейинги муваффақиятлари - мансаб поғоналаридан юқорилаб бориши Манзуранинг кўмагисиз бўлгани йўқ. Чунки айнан хотинининг амалдор акаси туфайли Саид ўса бошлади. Кейинги ютуқлар бир томондан Саиднинг ўз хизматларига бориб боғланса, иккинчи томондан Манзуранинг парвариши, олдинга

йўллаб-рағбатлантириб туришлари, маслаҳатлари билан белгиланади. Энди у ўз ҳаёти-ни Манзурасиз тасаввур этолмайди. Турмуш қуришибдики, у ҳар қандай масалада Манзура билан кенгашади, ҳисоблашади, унга суянади. Манзура унга нафақат хотин, балки айни вақтда бош маслаҳатчи. Инсон бошқалардан нима эзгулик кўриши мумкин бўлса, Саид Манзурадан ўшани бус-бутун оляпти. Шунинг учун ҳам у аввало, Худога эркак қилиб яратгани учун, сўнг Манзурадек аёлга ҳамроҳ этгани учун шукрона айтади. Лекин туриб-туриб баъзида мана шуларнинг барчасига қарши бир исён унинг ичида бош кўтаради-ю, яна зумда қаёққадир ғойиб бўлади. Саид унинг нелигини тузукрок англаб олишга улгурмайди.

- Бугун режангиз қандай, хўжайин? - сўради Манзура чой ичишаркан.

- Мажлис... Мавзуси - сизнинг чўнтагингиздан тушиб қолган нарсалар хусусида, - қувлик қилди Саид. Сўнг совуб қолган чойни хўплади-да, бошқа мавзуга кўчди.

- Менга каранг, кеча Миразимникида Юсуфни кўрдим.

- Қалай, ҳалиям институтда эканми?

- Яхши-яхши. Салом айтди сизга, - Саид чайналиброк жавоб қайтарди, - сўнг дангалини айтди-қўйди. - Нима дейсиз, агар мен уни ўзимизга ишга жойлаб кўйсам?

- Ўзи розими, гаплашдизми? Ё ҳозир ақлизга кеп қолдими хотамтойлик қилиш?

- Гаплашдим. Аниқ бир нима демади-ю, лекин рози бўлгандек. Илгарилари кесиб «йўк» дерди.

- Қизик, - ажабланди Манзура, - нега бир думалаб Юсуф акадай фан фидойиси бошқа ишга ўтмоқчи, ҳеч тушунолмагман? Зиёда қийналдимикан ёки ўзлари ўзгардимикан, наҳотки?..

- Унисиям, бунисиям бўлиши мумкин. - Саид бу ҳақда ўйлаб кўрмаган экан, хотинининг саволларидан кейингина ўзи ҳам қизикиб мулоҳаза юрита бошлади. - Дарҳақиқат, нега Юсуф энди рози бўлмоқчи? - у хаёлан муаммонинг тагига етмоқчи бўлди. «Ҳар ҳолда қийналиб қолганга ўхшайди, ранги-рўйи бир аҳвол, озиб-тўзиб кетибди. Уст-боши ҳам яхши эмасдек туюлди. Ҳалиям уй-жой қилмаганига қараганда унинг жиддий муаммоларга дуч келганига шубҳа йўк. Тагин ким билсин, Манзура айтаётгандек замонга кўшилиб у ҳам ўзгаргандир. Ахир дунё кимларни не кўйларга солмаяпти? Уларнинг олдида Юсуф ким? Одамга ўхшаб яшагиси кеп қолган бўлса бордир».

- Ўйланиб қолдиз? - Манзура эрини хушига келтирди.

- Ҳа-я, нега рози бўлмоқчи экани тўғрисида бир нима деёлмайман. Сиз-чи? Нима дейсиз таклифимга?

Манзура бироз ўйланиб турди-да, деди:

- Саид ака, бу ҳақда кечкурун бафуржа гаплашсак. Чунки ишга олиш - жиддий масала, аввал ўйлаб кўринг. Сизга қай даражада содик қолади, сизни уялтириб қўймайдими, ҳар қандай вазифани уддалай оладими, кўйинг-чи, ҳамма-ҳаммасини ақл тарозусида тортиб кўриш шарт.

Саид хотинининг сермулоҳазалиги, гап хатто эрининг кадрдон дўсти - Юсуф ҳақида кетаётганда ҳам ҳиссиётга берилмай, ўзларининг муштарақ, азим мақсадларига қай даражада мос тушиш-тушмаслигини ўйлаб масалага ёндоша билишига ҳам ҳайрат, ҳам завқ билан қараб турди-да:

- Зўрсиз-да, хотин, сиз бору биз бор, - дея кўзгалиб, уни ўпиб қўйди.

Қуни билан Саид шу ҳақда бош котириб, агар Юсуф мабодо «розиман» деб қолса, унга нима жавоб қилишини ўйлаб қўйди. Манзура - ҳақ. Ҳали-ҳануз эски ошна-оғайниларга ёрдам берай, деб юриш - болалик, гўрлик. Янги одам ўзига қандай фойдаси тегиш-тегмаслигини ўйламаслик мумкин эмас. Бу - авваламбор, ўзига керак, эртага униб-ўсиши учун керак. Қолаверса, бу кишини ўзини-ўзи ҳимоя этиш усули. Айни пайтда, у Юсуфни шахсан ишга чақириб, қўл остида ишлатиб, бир лаззатлангиси келаётганди. Ахир, фалакнинг гардиши билан кимсан - Юсуфни, билимининг зўрлигидан, тафаккурининг ўткирлигидан бир вақтлар хатто домлалар «дунёнинг таянч нуқтаси» деб ярим ҳазил-ярим чин билан мактаб юрган Юсуф Рахимовга ғамхўрлик қилишнинг завқига нима етсин! Аммо шу билан бирга «у бориб-бориб рақибга айланса-чи, ўзининг думингни тутса-чи» деган ўй тинчлик бермасди. Унинг фазилатларини санаб адоғига етолмайсан. Ҳа, у айниқса, тарихни, жамиятни, инсонни яхши билади. Бу нарсалар эса сиёсатчи қўлидаги кўзир карталардек гап. Демак, ўрни келганда у мени болани енгандек енга олади. Манзура бежиз

«ўйлаб кўрайлик» демаяпти. Шунинг ўзиёқ унинг «йўқ» дегани. Фақат гап менинг жонажон дўстим ҳақида кетаётгани учун бирданига уни айтолмади, холос-да», деган ўйлар кечарди калласидан.

Айни дамда Саиднинг кўнгли гаш тортиб сиқилди. Нимагадир тезроқ уйга бориб, ховуздаги сувга ўзини отгиси келди...

40

Базмнинг эртасига Миразим кеч уйғонди. Ўшандаям уни хизматкори уйғотиб, зарур гап билан муовини йўқлаганидан хабар берди. Миразим бошини ёстикдан аранг узиб, Алимқулга «Айт, кирўвурсин», деди-да, яна ўзини жойига таппа ташлади. Зум ўтмай эшик тақиллади:

- Мумкинми?

- Кирўвурмийсанми?

- Ассалому алайкум!

- Ваалай... Нима гап? - Миразим кўзғалиб, ёстикни кўлтиғи остига тикқан кўйи ёнбошлади.

- Хўжайин. Узр, безовта қилдим. Тепадан икки-учтаси келиб, сизни сўрашди. Ҳозир қоғозларни титиб ўтиришибди. Телефон қилиш ўрнига ғизиллаб кеп кўя қолдим.

- Нима гапакан? Мундоқ одамга ўхшаб гаплашдингми?

- Гаплашдим. Бу гал жиддийга ўхшайди, хўжайин. Бозорда анча-мунча ўзгаришлар бўлади, раҳбарнинг ўзи келиб кўради, дейишвотти.

- Қанақа ўзгариш? - Миразим ўрнидан туриб ўтирди.

- Билмадим, ўша учун олдиғизга келдим-де, хўжайин...

Миразим кўнглига гўлгула тушиб, дарҳол Саидга сим қоққан эди, у чиқиб кетган экан. Иш жойига кўнғироқ қилишга ийманди. Ҳар ҳолда нозик жой... Яхшиси, кечқурун уйига бора қолади... Шу хаёллар билан кийинди. Муовинининг машинасига ўтириб жўнаётиб эди, кичик қизини боқчага кузатиб қайтаётган Захрога кўзи тушди. Муовин Захрога салом берди, Миразим бошини қимирлатиб кўя қолди. Бирон нарса деб кўйиш кўнглига сиғмади ҳам.

Миразимнинг хавотири ҳам ўринсиз, ҳам ўринли чикди. Ўринсизи шу эдики, тафтишчилар махсус топшириққа биноан бозорда назорат ўрнатиш учун ташриф буюришган эса-да, Миразимнинг мансаб курсисига дахл қилишмади. Ўринлиси шу эдики, кўл остидаги раҳбарларнинг анча-мунчаси алмаштирилди, айрим иш ўринлари қисқартириб ташланди. Назорат кучайтирилди. Ёймачилар кескин камайитирилиб, ўрнини ҳар бири касса аппаратига эга бўлган ва давлатга ўз вақтида солиғини тўлаб бориши мўлжалланган дўконлар эгаллади. Айрим ашёлар савдоси Миразим раҳбарлик қилаётган бозорда тақикланди, айримларига кенг йўл очилди. Хуллас, Миразим учун эски бозорда янги одамлару янги тартиб-интизом пайдо бўлди. Ва буларнинг барчасига кўникиб олиш унга баъзи ўнғайсизликларни туғдирарди. Аввало, Миразим ҳар ҳафтанинг охирида «ўз оёқлари» билан уйига кириб келадиган каттагина улушини тагин йўлга кўйиб олиши керак бўлади. Айни пайтда у энди анча хушёр бўлиши зарурлигини яхши тушунгандай эди. Буни Саид ҳам тақрор-тақрор айтди. Ҳадеб машаққат муккасидан кетиб, ҳали у мамлакатга, ҳали бунисига чопавермай, гоҳ қизил, гоҳ момикдек оқ бадан кизларнинг кучоғида ётавермай, мундоқ атрофдан, бўлаётган ўзгаришлардан бохабар бўлиб туриш кераклигини, йўқса, қимсан - Саид Аъзимнинг дўсти эканлиги ҳам кўл келмай қолиши мумкинлигини эслатиб, қаттиқ танбеҳ берди.

Миразим иккала кўли кўксига дўстини эшитди, гўё бу ишларнинг бошида Саид турган каби унга тазарру айтди ва энди бошқача бўлиши ҳақида ваъдалар берди...

Уйга келасолиб эса кечаги базм баҳонасида тушган тўёналарни илк марта ўзи санай бошлади. Одатда бу ишни Захрога топшириб кўяқолар, долларларни сейфга ташлаб, сўмларини алмаштиргани олиб кетарди. Бу гал терлаб-пишиб санаб чиққунча бўғилиб, қийналиблар кетди. Шу тобда унга пул санаш дунёдаги энг оғир иш бўлиб туюлди. Қанча минг доллар устига неча миллион сўм тушибди. Миразим лапанглаб пулларни жойларкан, уларни қаерда сақлашга боши қота бошлади. Ахир, бошқаларга кўшиб унияш ишдан олишса бу тўёна эгалари нима қилишади. Куйиш-

ди ҳам деяверинг, бозорда бундан буён назорат ўрнатилди. Миразим уларнинг ҳожатини қачон ва қай даражада чиқариши энди даргумон. Ҳатто бундан буён унинг ишлаш-ишламаслигини ҳам Худо биледи. Шундай экан, фурсат борда бор маблағларни йиғиштириб, кўздан нарига яширмоқ даркор. Миразим шундай ўйлар билан боши ғовлаб турганда Захро овқатга чакириб кетди. У шундагина сахардан бери туз тотмаганини эслади.

41

Йўк, ҳайриятки, ҳаммаси яна эски изига тушиб кетди. Ковла-ковлаю янги тартибларнинг Миразимга таъсири шу бўлдики, у бироз озиб, ич-этини егани қолди, холос. Қолгани - бояги-бояги бойхўжанинг таёғи. «Одамларнинг ҳаммаси бир гўр экан-ку, - деган хулосага келди кейинроқ Миразим, - қанча алмаштирмасилар, бошқасини келтириб қўймасинлар, барининг дарди битта - қаңдай қилиб бўлмасин, нафсини қондириш, ҳисобсиз бойлик орттириш экан. Мана, янги келганлар эскиларидан нимаси билан фарқ қилибди? Улар ҳатто эскиларидан баднафсроқ чикди. Аввалгилар анча тўйиброқ қолувди, буларга ўхшаб бешала бармоғини баравар оғзига тикмасди. Ходимларим-чи? Ишлари шунақа юришиб кетганми, авваллари ойда 2-3 минг кўкидан обкеп туришган бўлса, энди 5 минггача узатиб кетишвотти. Демак, одамзот шу экан, дунё шу экан, манинг уялишимга ҳеч ҳожат йўк.

Миразим шу йўсин ўзига таскин бериб, ўзини-ўзи оклаб туради. Йўкса, у қилмиши на дунёвий қонун-қоидага, на исломий ақидага ва на бирон инсоний ахлоққа тўғри келмаслигини жуда яхши билади. Билади-ю, «пора олвотган, таниш-билишчилик қилвотган, машаатга сочвотган битта манми? Атрофга қара, ҳамма шундай яшаб, шундай нафас олвотти, бундай қилмаган ким қолди? Баъзилар ичида «Ман ҳалолман, ман фидойиман, ман мусулмонман...» дегани билан қошки соф бўлса! Аммо башарасига қараб «Сан - товламачисан, сан - қўрқоқ, мунофиксан, сан - шўрлик камбағалсан! Ниманга ўзингни фаришта санайсан?» дейдиган одам топилмайди. Охирги илинжим Юсуф эди, - Миразим хаёлан ўз-ўзига фалсафа сўқишни севарди, - у ҳам соб бўганга ўхшайди. Ман билган олимларнинг ҳаммаси ўзини пулга уриб бўлиб эди, биргина Юсуф ўзига гард юқтирмай келаётганди. Унинг ана шу томонда туриши манинг қаеримдадир қандайдир мувоозанатни ушлаб ҳам турувди, чоғи. Энди эса ҳаммаси барбод бўлган кўринади. Агар Юсуф ҳам у томонга ўтиб кетса, билмадим, бу дунёда ким қолади! Қизик, нега шунақа экан? Ахир, Юсуф бутунлай бошқа одам, бошқа олам-ку! Унинг манга, манинг ишимга, оиламга, борингки, бутун дунёмга деярли алоқаси йўк-ку. У билан ойда-йилда бир кўришсак кўришамиз, бўлмаса йўк, кўришганда ҳам гаплашишга тузук-қуруқ гап ҳам топилавермайди, лекин унинг ўз ўрнида, ўз мамлакатада қолишига нега бунча тарафдорман?...»

Айни дамда Юсуфнинг ҳам барча қатори ўзини пул чиқадиган жойларга уриши Миразимнинг бошқа бир нуқтаи назарини қувватлар эдики, бу жиҳатдан ҳам таскин топса бўларди. Яъни «Ҳамма одам бир гўр экан. Қорин ғамини емаган, ширин жонини ўйламаган одам борми?! Маънавий бойликдан кўра моддий сарватни афзал кўрмаган кўрдир! Зеро моддият ҳамиша бирламчи бўлган». Ана шу ақида Юсуф мисолида бу гал ҳам ўзини муваффақият билан тасдиқдан ўтказмоқда эди. Бундай Миразимнинг виждонига аллақандай ҳаловат етаётгандай эди. Хуллас, ҳар икки ҳолда ҳам Миразим ўзини тинчлантирадиган «ҳақиқатлар»ни топгандай қувонди.

Фақат Захрогина кундан кунга сиқилиб, худди ҳаво етишмаётгандай бўғилиб борарди. Жони дили бўлган гуллар парвариши ҳам кўнглига сигмай қолганди. Ахир уйда ҳамма нарса муҳайё эди ва айни пайтда унинг ҳаётга аралашиб-қуралашиб ҳамма қатори бирон нарса ғамида юриш истаги ана шу муҳайёлик тоғига урилиб чил-парчин бўлаётган эди. Ҳатто уйга хизматкор олмаслик тўғрисидаги илтимосини ҳам Миразим рад этди. Аввал икки эркак, икки аёлни ёллаган бўлса, орадан кўп ўтмай тўртта хизматкорга пашша кўришдан ўзга хизмат қолмаганига ўзи иқроор бўлгач, бир эркак ва бир аёлга рухсат берди. Яна бир йилча ўтгач, Захронинг қистови билан, қолган оксочга ҳам жавоб берди. Лекин Алимқул масаласида у қаттиқ туриб олди. Дарҳақиқат, Алимқулнинг нафақат қўл-оёғи чакқон, балки тили ҳам бийрон, ақли ҳам бало эди. Фақат буюрилганни эмас, ўзи билиб-билиб, топиб-топиб қилаверарди. Супуриб-сидириш, овқат пиширишу, гулларни парваришлагача

униги зиммасида эди. Келган-кетганга, телефонга жавоб қилишдан тортиб барча юмушларни кўрдим демасди. Алимқулни кўлдан чиқарган заҳотим ўзимга ўхшаган бир пул қутуртирган уни илади-кетди, - дерди Миразим. - Дангалини айтса, бунақанги кўл-оёқли хизматкор, бошқача айтганда, фаросатли қуллар бизда ҳали кўп эмас. Тўғрироғи, анқонинг уругидек гап. Уни нима деяпсиз? Башаранга қараб туриб, ичингдагини билади!.. Хотинми? Хотиннинг йўриғи бошқа, у ўз номи билан хотин, чўримас. Бу бўлса, гўё сан учун, саниги хизматинга яратилгандек. Биттамас, ўнта хотин ҳам Алимқул ўрнини босмайди, у қилган ишни қилолмайди...»

Базмлару ўтиришлардан, сархил овқату турли-туман кийинишлардан, ўзига оро бериб, таниш-билишлар зиёрати учун кўчага чиқишлардан... тўйиб кетган гўзал ва соғлом Заҳро эса айна вақтда ҳеч курси уй юмушларини ўзи бажариб яшагиси келардики, эри униги шугина илтимосини ҳам охиригача адо этмаганди. Шундан кейин у Миразимдан жиркана бошлади. Ҳа-ҳа, айнан ҳазар қила бошлади. Ахир «саниги ҳам кўнглини борида-ку» демасдан, кўча-кўйда бировлар билан хоҳлаганча маишатини қилиб, уйда эса хотинга ойлаб яқинлашмайдиган, устига-устак, уни ишлатмай олиб ўтирадиган, бу ҳам етмагандай, ёш ва чиройли хотинга қирчиллама ёшдаги хизматкор эркакни қўйиб қўйган эр - ким, одамми? Униги эркаклик гурури қаёқда қолди? Бормиди ўзи?... Заҳронинг шундай изтиробли ўйлар билан эрини, эри орқали ўз ҳаётини тафтиш қилиб яшаётганига ҳам анча бўлди. Ўтган вақт мобайнида ҳаёлидан бир неча ўн марта эмас, бир неча юз марта ажрашиш муаммоси ҳам келиб ўтди. Кечарди-ю, юрак ютиб бир қарорга келолмасди, ҳалигача келолгани ҳам йўқ! Ҳаммасидан ҳам бировларнинг уни кўрсатиб, «анави эрдан чиқибди, бева!» дейиши, жажжи қизалоқларининг шундай замонда отадан маҳрум бўлиб қолиши ёқмасди. Шунини ўйлаб иккиланар, андиша қилар ва ҳатто кўрқарди ҳам. Туриб-туриб яна бошқатдан режа туза бошларди: «Ахир нима бўпти, ажрашаётган бир манми? Танишлардан нечтаси бева юрибди. Осмон узилиб ерга тушвотгани ҳам йўқ-ку. Қолаверса, Мираз ҳам аблаҳлик қилмас, сотиб обқўйган ўнлаб уйларида биттагинасини берар, мен учун бўлмаса, қизлари учун берар. Ахир қизларини жонидан ортиқ кўради-ку. Адамлар-чи, адамла? Қараб турмаслар...» Лекин барибир ноқулай эди.

Шундай кайфиятда юрган чоғларда у ўзига Алимқулнинг тикилиб-тикилиб қараётганини сезар ва бунга заррача ҳайрон қолмасди. Аксинча, Заҳро айнан шундай бўлишини қутганди. Ахир Алимқул хизматкор бўлишига қарамай, фаросатли, кўп нарсага ақли ҳам, фаҳми ҳам етади. У кўр эмаски, эру хотин ўртасидан ўтган оламушукни билмаса. Қолаверса, Заҳродай офатигон аёлларни кўрганда қайси эркакнинг кўнгли суст кетмайди. Шунга қарамай, бошқа бирон эркак зоти билан интим муносабатини ҳали ҳеч ким кўргани йўқ. «Демак, - ҳисоб-китоб қиларди Алимқул қувлик билан, - бойвучча «кетди». Ахир, дарёни ҳамиша жиловлаб қўйиш мумкин эмас-ку!»

Алимқулнинг оловли нигоҳларидан талай вақтгача гаши келиб юрган Заҳро ниҳоят бир кунни деди:

- Чёе смотришь? - улар ўзаро русча гаплашарди.

Алимқул юрак ютиб жавоб қилди:

- Потому, что вы очень соблазнительны.

- Это я знаю, и к тому же мне это тысячи раз повторяли. Так что, отвали, друг.

- Конечно, я прошу прощение, если этим Вас обидел. Но мне кажется Вы дале-ко не обижены.

- И откуда у тебя такая уверенность?

- Оттуда, откуда и вы сами... - маъноли жилмайди Алимқул.

- Что это значит? - Заҳронинг жаҳли чиқа бошлади.

- Давайте не будем делать вид, что нам всё хорошо, всё о'кей. Я же не слепой, вижу, что Вы очень одиноки, хотя у Вас есть всё, в том числе и муж.

- Послушай, - қизишиб деди Заҳро, - ты не бойшься?

- Кого? Вас или Миразим ака?

- Нас обоих.

- Вас, да, немножко боюсь, а его нет?

Заҳро ўзини қулоқ-чаккасига биров тарсаки тортиб юборгандек сезди. Юзлари ловуллаб кетди, бурун катаклари каттариб, тез-тез нафас ола бошлади:

- Нимага кўркмас экансан, айт?
- Не знаю, - Алимқул Заҳронинг гурури ўйнаб кетганини пайқаб, гапни қисқа қилмоққа уринди, - просто, у меня такое чувство, больше ничего...
- Больше ничего? - Заҳро Алимқулнинг кўзига тик қарашга тиришди.
- Ничего... - Алимқул кўзини олиб қочди, сўнг аллақандай юмушни баҳона қилиб нари кетди.

Заҳронинг эса ичига гулгула тушди. У ниманидир сезгандек эди-ю, лекин сезгисига исм тополмай қийналарди.

Шу гап-сўздан сўнг Алимқул уч-тўрт кун ўзини, тўғрироғи, кўзини тийиброк юрди. Кейин яна аввалгидек, ҳатто янаям собитрок туриб, ўтлиғ нигоҳи билан Заҳро васлини талаб қила бошлади. У бекасининг бугун бўлмаса, эртага «синиши»ни олдидан аниқ биладиганга ўхшарди. Йўқса, бундай қалтис қадамга қандай журъат қиларди. Заҳро ҳам буни биларди. Билгани учун ҳам Алимқулнинг қувлиғи қарши-сида лол эди. Айни дамда унинг довжораклиғига ҳануз шубҳа билан қарарди... Лекин барибир, Алимқулнинг бот-бот тикилишлари аввалига гашини, сўнг газабини келтирган бўлса, бора-бора ҳуш ёқа бошлади. Шунга қарамай, гоҳида юраги қизиб олов назарни тутиш иштиёқида ёнса ҳам, буни ўзига эп кўрмас, гурури остонасида журъат қилиб ҳатлаб ўтолмасди. Туриб-туриб эса жиғибийрон бўларди: «Ҳап, саними, Миразимбой! Ҳаммаси сан туфайли бўвотти. Мани бу чоҳга итарвотган ҳам аслида сан. Сан, сан, сан!..»

Заҳронинг ана шундай диққинафас кунларидан бирида мактабдош ўртоғи Зарина йўқлаб келиб қолди. Улар аллавақтгача еб-ичиб, дардлашиб-қулишиб ўтиришди. Ҳатто вальс ҳам тушишди. Сўнг Зарина қайтишга чоғланди. Заҳронинг «қол» дея ялинишига қарамай, такси тўхтатди-да, кетди-қолди. Заҳро машина кўздан ғойиб бўлгунча орқасидан қараб тураркан, ўзини ёлғизликнинг тубсиз чоҳига қулаб тушгандек ҳис қилди. Бадани кузнинг салқин ҳавосидан сесканди, юраги ҳаётининг яқрангидан увишди... Оғир қадамлар билан ичкари юрди...

Бир-бирининг пинжига кириб диванда ухлаб қолган қизларини турғазиб-суяб, ётоқларига кузатди. Сўнг қайтиб, охирлаб қолган «шампан» виносидан бежирим қадаҳчага қуйиб, қўлига олди, чекиниб ўзини диванга ташлади. Шу он дераза ортида оёқ товуши эшитилди. Миразим бўлса керак, деб ўйлаб улгурмай, эшик очилиб остонада Алимқул пайдо бўлди.

- В чём дело, дружище? - Заҳро Алимқулнинг шу вақтгача кетмаганини кўриб қизиксиниб соатига қаради, - ўн бирдан ошиб қопти.

- Я могу идти, госпожа? - Алимқул қувлик билан жилмайди. Айни пайтда юзи енгилгина қизариб кетди. Бу ҳол Заҳрога ҳуш ёқиб, «Ҳар ҳолда кип-қизил «сво-лочь» эмас, шекилли» - дея ҳаёлидан ўтказди.

- Я думала, ты давно у себя дома спишь в объятиях своей жены, - қувликка қувлик билан жавоб берди Заҳро.

- Как видите, это не так...

- Да, вижу...

- Ну что, госпожа, решайте, мне идти или... - Алимқул ширақайф бекасида ортик ийманмаётган бўлса-да, лекин барибир эҳтиёт бўлишни унутмаётганди.

- Или что? - .. Заҳро илк сафар Алимқулнинг кўзига эҳтирос билан бокди, - или откроешь чтонибудь покрепче, при чём немедленно...

Улар анча вақт еб-ичиб, бир-бирларига гап отиб ўтиришди.

- Слушай Алимчик, ты хочешь меня?

- А ты как думаешь? - беихтиёр сенсирашга журъат қилди Алимқул.

- Я думаю, что хочешь и потому ты дурак.

- А почему, позвольте поинтересоваться?

- Потому что ты рискуешь всем что имеешь.

- Кто не рискует, тот не пьёт шампанское.

- Ты без всякого риска пил шампанское. Чего ещё хочешь?

- Я стремлюсь к самому сладкому, - Алимқул Заҳронинг стол устида санчкин ўйнаб турган қўлини тутди. Ҳадик ва ҳаяжони томоғидан «култ» этиб ўтди. Заҳро «пик» этиб қулди. Алимқул ўзини гўё бутунлай озод этилгандек, энди ҳамма нарса

мумкиндек сездиди-да, туриб бекасига ташланди. Қайноқ бўсалар ёмғири остида Заҳронинг нафаси тикилди. Лекин Алимқулнинг кўлларини оёқлари орасида сезгани ҳамоно хушини тўплади. «Ман нималар қивобман?!» деган савол миясида чакмоқдек чакди. Лаззатни ҳис қилган бадани эркакка бутунлай таслим бўлишга ундаса-да, нимадир, қандайдир куч Заҳрони бу йўлдан қайтарарди. У зарб билан Алимқулнинг кўкрагидан итариб ташлади. Эркак дивандан полга ағанади. Заҳро сапчиб турдию, очик кўкракларини беркитган алпозда:

- Вон отсюда, вон!!.. - дея бакирди.

Энди Алимқул шошиб қолди. Мақсадга етдим деганда, иш бунақасига айланиб кетганидан гарангчиб бир муддат турган жойида серрайди. Сўнг эса Заҳронинг нафрат, ғазаб ва жирканчга тўла нигоҳига ортик дош беролмай, эшик томон тисарилди...

Заҳро ўзини диванга отди. Пар ёстикқа мук тушганча жим қолди. Аввал елкалари, сўнг бутун гавдаси силкиниб-силкиниб хўнграб юборди..

42

Эрталаб қизларини боқчаю лицейга кузатиб қайтган Заҳро кун бўйи ухлади. Шомга яқин босинқираб, аллақандай алмойи-алжойи тушлар кўриб чўчиб уйғонди. Уйғондию, деразага қараб, кеч кириб қолганини билгач, сапчиб ўрнидан турди. Соат кечки бешга яқинлашибди. У шоша-пиша юзини чайиб, сочини таради-да, кичкина қизи Муқаддасни олгани жўнади. Каттаси Умида эса дарсдан сўнг гимнастика машғулоти бор, беш яримда келаман, деган. «Ишқилиб, эсон-омон келсин. Ишқилиб, қизларим менга ўхшамасин», деган ўй Заҳрони борган сари безовта қила бошлаган эди.

Ўша воқеадан сўнг Заҳро Алимқулдан совий бошлади. Бир неча ой муқаддам унда қув ақл, фаросат ва келишган қоматни кўрган аёл энди Алимқулга хос бўлган нуқсонларни ҳам топаётганди. Назарида Алимқулнинг дунёқараши ўта тор, ўзи ба-нафс бўлиб, ҳамма нарсага фақат шахсий манфаати кўзи билангина қарар, кўзига илашмаганлар унинг учун бегона ва аҳамиятсиз эди. «Менга деса дунёни ўт олмай-дим. Ўзим соғ, устим бут ва қорним тўқ бўлса, бас» қабилда яшайдиганлар хилидан эди у. Бинобарин, Алимқул билан суҳбатлашиб киши ҳузур қилмасди. Нафсиламрини айтганда, энди гаплашадиган нарсанинг ўзи йўқ. Алимқул на санъатни, на бошқа бирон маънавий «озуқа»ни тан олади. «Буларнинг ҳаммасини одамзод бекорчиликдан ўйлаб чиқарган, ман эса бекорчи эмасман, ишлаб пул топишим керак, пул! Ва ким кўп тўласа, ўшанинг хизматини қиламан, тамом-вассалом», дерди у. Заҳронинг бағрига ғалати бир изтироб - эҳтимол виждон азобидир - тушди. У қийнала бошлади. Юриш-туришидан, ейиш-ичишидан, ҳатто уйқуларидан ҳаловат қочди. У ўзидан нафрат қилгани баробарида қингир йўлни бошимга келтирган шу дея зўр бериб Миразимни айблар, ундан жирканар эди. «Ахир унинг ўзини олиб қочишлари, эътиборсизлиги, бу ҳам етмагандек, ишга рухсат бермай, уйда олиб ўтириши, устига-устак, эркак хизматкор билан бир ховлига қўйиб қўйишлари мани шу чоҳга итармадим?» дея ўзига оклов кидирарди у азоб хуруж қилганда. Шу билан бирга, юраги шундай ғаш эдики...

Шу тахлит кечаётган кунлар ҳафталарга, ҳафталар ойларга уланарди. Ниҳоят, у шундай бир ҳолга келдики, бундан буён олаётган ҳавосини, атрофга муносабатини - ҳамма-ҳаммасини ўзгартирмоғи шарт бўлиб қолди. Йўқса, маҳв бўлажаги аниқ эди. Лекин қандай қилиб? Буни билмасди. Шунга қарамай ўша тунги воқеадан сўнг Заҳро ўзида бир омонсиз нафратни ҳис этди. Худди шу туйғуга таяниб, Алимқулдан узоқлашишга чоғланди. Бир амаллаб ишга кириб олса эди, барчасидан қутулармиди... Миразим Юсуфни бошлаб келганида Заҳро ана шундай тарадудда юрган кунлар эди. Ва у Юсуфга чиппа ёпишди-қўйди. Чунки Юсуф у таниган одамлар ичида энг ҳалолли эди. Заҳро ўзини ютиб бораётган чоҳдан чиқиб олишда шу Юсуфга, унинг ҳалоллигига умид қиларди. Йўқса, у билардики, бир кунмас бир кун Алимқулга таслим бўларди... Баздан кейинги кунларда у асосан шу ҳақда ўйлади. «Юсуфни Худойимнинг ўзи юборди!» дея кўнгли кўтарилиб ҳам юрди. У ора-сира қилган суҳбатлари давомида Юсуфнинг қийналиб қолганини сезгандай бўлди, лекин бунга унча аҳамият бермади. Қолаверса «Юсуф - эркак киши, ҳаракат қилса, бу кунлар ортда қолади. Энг ёмони - маънавий қашшоқлик. Ундан бир-икки уриниш билан

кутулиб бўлмайди. Юсуфда муҳими - соғлом руҳ бор, демак, унга суяниш мумкин...» Лекин Захро фақирликнинг нелигини билмасди. Бир ўзи эмас, балки бутун оиласи - энди тили чиққан боласию умр йўлдоши билан бир бурда нонга зор бўлиб, тасодифдангина нажот кутиб юришнинг нималигидан хабарсиз эди. Инчунун, у бир кутбдан иккинчисига учиб ўтмоқчи бўларди...

43

Чилладан туриб кетгач Амирнинг ҳоли кундан кунга ёмонлаша борди. Кам ухлар, кам ер, фақат намозу мутолаа билан банд эса-да, энди илгаригидан-да паришон эди. Паришонлиги шу даражага етдики, ярим кечалари туриб азон чақириб қолар, баъзан эса кундузлари вақти-бемаҳал такбир айтиб намоз бошлаб юборадиган одат ҳам чиқарди. Болалар аллақачон уни кўллари билан кўрсатишиб, сўнг ура қочишадиган бўлдилар. Катталар ҳам у билан гаплашмасликка тиришардилар. Ахир, куни кеча масжиднинг муллasi Абдурахмон домлани купша-кундузи ярим маҳалла одамнинг олдида соқолидан тортиб урибди. Ажратаман, деган икки-учтаси ҳам тарсаки билан сийланибди. Нима бўлгандаям жинни жинни-да. Унга тенг келиб бўлармиши!

Фақат бировдан эшитиб, чопиб келган Одил ака чолнинг жонига ора кирди. У бечора чолни ўглининг кўлидан зўрға ажратиб олди. Уйга бориб сўради:

- Эсинг жойидами, ҳеч киши муллани урадимиз? Нима жин урди сени? - деди.

- Унийз ёшлигида ғирт хотинбоз, каззоб бўлган экан-ку. Энди дин пешвоси бўлиб копти.

- Мўмин мўминнинг кечаги гуноҳини юзига соладими? Гуноҳни кечадиган Оллоҳ-ку, сенга нима?!

- Бўлмаса, менинг ақлдан озган-озмаганлигимни у қаёқдан билади? Яна сазойи килмоқчи. Шундан кейинам қараб тураманми?

Одил ака ўглининг гапларидан кўп мутаассир бўлди. Абдурахмон домла ёшлигида бебош ўтгани рост. Лекин Амир у пайтда гўдак эди. Қизиги шуки, 35 йилнинг нарисидаги гаплар Амирга тушида аён берипти. Буни қандай тушуниш керак экан? Бола нарса қандай эсида сақлаб қолибди, тавба...

Эртаси куни Гулшода йиглаб келди. Ота-она кўрқиб кетишди. Амир тинчмикин, ишқилиб?

- Нима бўлди, Гулшодахон, соғ-омонмисила? Тушунтириброк айтинг?

- Омонликка омонмиз, лекин кечани кеча, кундузни кундуз демай икки ҳафта тўплаган сомонимизни ўғлиз ташиб, яна ўз жойига - колхознинг ерига обориб тўкяпти, - сувдан бир-икки хўплаб, тутила-тутила гапирди Гулшода. - Тушида ҳаромлиги аён бўлганмиши. Ахир, нимаси ҳаром? Колхоз оладиганини олиб бўлган, ер ҳайдалишга тайёрлаб кўйилган бўлса, шундай жойдан йиғилган сомоннинг нимаси ҳаром? Ахир, барибир у эрта-индин ҳайдалганда ернинг тагида қолиб кетади. Шуни айтсам, «сомоннинг ўрнида қоп-қоп тилло бўлгандаям шу ишни қилардим. Уларга бизнинг меҳнатимиз, пешона теримиз сингмаган, у бизга ҳаром», дейди.

- Майли, қизим. Йиғламанг, сомонни биз берамиз, - деб Одил ака оғир хўрсинди.

- Қачонгача сизлардан ташийман? Ахир, юз ҳам чидамай қолди, ҳадеб сўрашга. Қолаверса, ўзларинг ҳам амаллаб кун кўраётган бўлсаларинг, 5-6 йилдан буён мен касал эдим. Энди ўғлиз... сизларга ҳам жабр қилдик... - Гулшода кўз ёшларини рўмонлининг учи билан артди.

- Бу кунлар ҳам ўтади, Гулшодахон, сабр қилинг, - деди-ю, Одил аканинг ўзи ўйланиб қолди, ахир, Гулшоданинг дардиям оғир - нафас қисиш, икки ҳафтада бир ҳалигинақа қиммат дориларни топиб келиш... устига-устак, Амирнинг бу аҳволи, яна каттаси ҳам аясига ўхшаб дардманд... бу ёғи қандай бўлди экан?

Одил ака ўглининг олдига ўтиб, бусиз ҳам таранг вазиятни таранглаштиргиси келмади. Келинга насихат қилиб жўнатиб юборди.

Бу вақтда Амир томбошига хотини укалари билан олиб чиқиб босган сомонни колхоз даласига ташиб тугатган, энди бўлса сомонни ташиётганда ёнбошдаги макка поясининг ораларига тўкилганларини қандок йиғиштириб олсам экан, дея ўйланиб турарди. «Ахир, ҳаромнинг бир чимдими ҳам ҳаром», дерди у ўзига ўзи. Амир анчагача иккиланиб ўтиргач, сапчиб турди-да, бир боғ пояни олиб, тескарисини

килиб силкиб кўрди, сомон парчаларининг бир қисми тушди-ю, бир қисми ораларда ёпишиб қолаверди. «Падар лаънати!» - у сўкинганча кулочкашлаб, бир кўтаришда 4-5 боғ макка поясини олиб сомоннинг ортидан таший бошлади. Бу орада кўникўшнию маҳалла-кўй - ким эшикдан ошқора, ким тешикдан яшириниб Амирнинг ишини кузатарди. Ва аҳтимол, эндигина улар Амирнинг «чинданама ақлдан озибди», деган тўхтамга келишганди. Бирок қош қорайгунча биров жазм этиб, «жинни» воз кечган сомону хашакка яқин боролмади. Эртасига эрталаб эса на сомондан ва на макка поясидан ном-нишон қолган эди...

44

Бир ҳафтадан сўнг Гулшода яккаю ягона гунажинни бозорга чиқарди. Уни ўтган йили Одил ака «сигир килиб оларсизлар, зоти яхши» деб яхши ниятда берган эди. Лекин қисмат... Сотиб, пулига болалар учун кийим-бош, рўзгорга гуруч, ун, ёғ дегандек, ўзига дори-дармон, Амирга маҳси-калиш харид қилди. Қолган пулни авайлаб латтага тугди-да, устидан кўрпа қавийдиган ипидан бир неча бор айлантриб, тахмондаги сандикка ташлади. Шу билан на мол ва на у туфайли бирон нарса орттириш қайғуси қолди. Эчкини-ку қаторга қўшмаса ҳам бўлаверади. Уни на сотиб маза қиласан ва на сўйиб. Қайтага бир тутам ўтини бериб, икки қошиқ сутини ичиб турган маъкул. Хуллас, сомон можароси силлиққина кўчгандек эди. Бирок ўша кунлари Амир ғойиб бўп қолди. Эрталаб чиқиб кетганича шом тушганда ҳам қайтмади. Гулшода болаларини бағрига босганча «ана кеп қолар, мана кеп қолар» деб миқ этмай кутди. Ётар маҳали бўлдиямки, эрдан дарак йўқ эди. Отамларникидадир, деб ҳам тинчланолмади, чунки шом вақти овқат кўтариб келган Элбекдан «Бизникида йўқ!» деган жавобни эшитди. «Ҳар ҳолда эркак киши-ку, келар», - деб, бировни безовта қилишни истамади. Лекин ўзи тонггача мижжа қокмади. Эрталаб эса ҳар қандай андишани йиғиштирди-да, қайнотасиникига йўл олди...

45

Бу орада Амир сандикдан хотини беркитган пулни топиб олиб, автобусда туман марказига кетди. У ерда ҳамиша тиланчилик қилиб ўтирувчи девонасифат чол бўларди - ўшани топди. Шаҳарнинг яхши емакхоналаридан бирига бошлаб бориб, сомсаю кабоб билан сийлади. Сўнг «девона»ни туманнинг йирик магазинга етаклаб кириб, бош-оёқ кийинтирди. Кечга яқин чолни уйига - Улуғтоғ томонга кетишдаги қишлоқлардан бирига кузатиб қўйиб, изига қайтмоқчи бўлди. Лекин тоққа анча яқинлашиб қолгани учун тоғ уни ўзига тортди.

У жуда узоқ юрди - чамаси икки соатча. Роса қора терга ботди. Йўлда ўзига ҳамроҳ бўлиб, фақат қарши томонга оқаётган ариқ сувидан қониб-қониб ичди ва юришда давом этди. Бироздан сўнг адирлар бошланди. Эрталабдан буён басавлат гавдасини кўз-кўз қилиб турган Улуғтоғ энди кўринмасди - пастқам тепаликлар ортига ғойиб бўлганди. Фақат аҳён-аҳёнда тоғнинг бир қисми кўзга ташланиб қоларди. Қуёш ботгач, ой ярқираб чиққангача Амир зулматда қолиб юрагини ваҳм босди. Бир кўнгли «қайтворсамми?» деб ўйлади. Лекин тоққа етганда қайтгиси келмади. «Йўқ, тонгни шу Улуғтоғнинг тепасида қаршилайман!» деб аҳд этди. Адирлар ортидан итларнинг хуригани ва қўйларнинг маъраши кулоққа чалинарди. Кўп ўтмай Амирнинг кўзлари оловни илғади. «Ўзингта шуқр, Эгам!» - ғудранди у. Итлар шу томонга қараб чопганча қаттиқ-қаттиқ хурдилар. Амир қош қорайгандаёқ кўлига олволган каттагина таёкни маҳкам сиқди, лекин тўхтаб қолмади, - энди кўрина бошлаган ўтов сари илдам юрди. Шу асно ён томондаги баҳайбат тош орқасидан икки киши югуриб чиқиб, кўкқисдан унга ташланди. Зум ўтмай яна бири пайдо бўлдию, учовлон ҳе йўқ-бе йўқ, уни йикитиб, кўлини орқасига қайриб боғлашди. Сўнг гулхан ёниб турган жойга етаклашди. У ерда кексароқ бир одам оловнинг ёнига қўйилган эски темир қароватда ўтирарди, дик этиб ўрнидан турди.

- Мана, ҳароми ўғрини тутдик! - деди учовлондан бири.
- Қанақасига мен ўғри бўлай, оддий йўловчиман. Ким биландир адаштиряпсизлар! - Амир аҳволни оз-моз тушунтиргандек бўлди.
- Ҳой, ит эмган аблах, қилгиликни кип қўйиб, яна ёлғон гапирасанми? - бошқа

бири тортиб олинган таёқ билан Амирнинг қаншарига тушириб қолди. Амир оғриқдан ихраб юборди.

- Ўғирланган қўйларни нима қилдинг, пасткаш? - урган киши Амирнинг юзига яқин келиб, тупугини сачратиб бақирарди.

- Менга қара, ҳей аламзада! - Амир ундан ҳам баланд овозда қичқирди, - мен қўй ўғирлаганим йўқ, умримда ўғирлик кўчасига қирмаганман. Сен олдин айбдорни топ, айбини бўйнига қўй, кейин ур-да!

- Унда бу ерларда нима қилиб тентиб юрибсан қош қорайганда? - боядан бери жим турган қария аралашди.

- Токқа кетяпман, Улуғтоққа.

- Нима ишинг бор у ерда, сен ахир чўпонлардан эмассан-ку? - давом этди қария.

- Чўпон эмасман, лекин ўғри ҳам эмасман!

- Хўш, тоғда пишириб қўйибдим кечаси? Яна ёлғизсан?

- Боргим келди, вассалом.

Кимдир пик этиб қулди. Амирнинг қайсарлиги тутдими ё бошқа деғулик гапи қолмадими, ҳар ҳолда булар ишонадиган сабаб қидириб ўтирмади, тўғрироғи, буни ўзига эп кўрмади.

Чўпонлар унинг гапини чўпчакка йўйишди ва айбига иқроқ қилиш илинжида уни эзиб қалтақлашди. Илгариги вақтда эҳтимол бунақа қалтақларни Амир бемалол кўтарарди, энди эса ҳоли хароблашди. Бир неча йилдан буён сурункали камовқатлик, ҳатто сидирғасига рўза тутиш, камуйқулик, рухий изтироб, устига-устак, қуни кеча бошдан кечирилган чилла, бугунги сафар... ҳамма-ҳаммаси Амирни жисмонан хийла толиқтирганди. У қалтақни кўтаролмай ҳушидан кетди. Кўзини очганда ўзини одам бўйидан баландроқ тошга чирмаб ташлашганини кўрди. Чираниб, оёқ-қўллари билан силтанди - лекин аламзада чўпонлар бор маҳоратларини ишга солишган экан, арқон бўшашмади. Ҳаракатнинг натижаси шу бўлдики, у ўзининг кип-яланғоч эканлигини шундагина сезиб қолди.

- Уятсизлар! - Амирнинг оғзидан чиққан ягона сўз шу бўлди. У атрофга кўз югуртирди - гмирлаган шарпа йўқ, олов ҳам аллақачон ўчган, адир жимлигини асосан чўпонларнинг хуррагио чигиртканинг сурнайи ҳамда ахён-ахёнда битта-яримта қўйнинг секин-секин маъраб қўйишигина бузарди. Ой ва юлдузлар худди артиб тозаланган дур янглиғ ярқираб, оламга фусун бағишлар, пастда эса улар ёғдусидан ҳам адиру чодир, ҳам тошу исирик соялари пайдо бўлганди. Бироқ баҳра олишга шу тобда Амирнинг ҳоли келмасди. Унинг боши ҳам, елкасию қўл-оёғи ҳам қалтақнинг зарбидан ачишиб-ёниб оғрирди. Бу ҳам майли, тонга яқин у боғланган тош совуб, Амирнинг бир азобини икки қилди. Амир ёзнинг чилласида росмана совқотиб-титрай бошлади.

Ниҳоят, секин-аста тун ёришди. Куёш у кутган томондан эмас, бутунлай тескари ёқдан чиқди. «Тавба, уйдан нари борса 50-60 қақирим узоклашибман-у, мўлжални йўқотибманми? Сон-саноксиз адирлар миямни айлангирдими ва ёки бошимга тушган кўргуликлар мени чинданам одамлар айтаётгандек ақлдан оздирдими?.. Эй Худо! - Амир кўзларини юмиб илтижо қила бошлади, - пешонамга яна нималарни ёзгансан? Наҳотки, қирқни қораламай жинни бўлиб қолсам? Ахир, бу не кўргулик, қайси гуноҳларим учун бунча ситам? Ахир қуни кеча юрагим орзуларга лиммо-лим эди-ку, менинг ҳаётдан умидим бир дунё эди-ку... Қани энди улар, менми уларни тарқ этган ва ёки уларми мени? Нега мен шу қўйга тушдим? Жавоб бер, эй Парвардигор!..»

- Қўлингнинг эгрилиги учун, итвачча!

Амир чўчиб кўзини очди ва рўпарасида ўзига нафрат билан қисик кўзларини тикиб турган чўпон чолни кўрди.

- Ҳали бу кунинг ҳолва, агар қўйларни қаерга яширганингни айтмасанг, ёки гумдон қилган бўлсанг, пулини тўламасанг, гўшингни итларим нимталайди...

Амир ўзини қалтақлаган навқирон чўпонлар даврасида бу қарияни кўрганда «тушунса мени шу кекса одам тушунади» деб умидланганди. Аён бўлаяптики, у ёшлардан ҳам баттарин ва ёвуз чикди. Амир чолнинг совуқ йилгираб турган кўз соққачаларига бир зум боқиб, англадики, у ҳазиллашмаяпти. Энди чолнинг қўлидан осонликча чиқиб кетолмаслигига у шубҳа қилмасди.

- Кечирасиз тоға, нечта кўйни ўғирлатдийз? - Амир сўзини тугатмаёк бемаза савол берганини ўзи ҳам тушунди, лекин энди кеч эди.

- Ўчир, овозингни, харомхўр! - бурилиб кетаётган чол кескин ҳаракат билан Амирнинг юзига қамчи босди. Сўнг яна, яна... Амир оғрикнинг зўридан додлай бошлади, азонда унинг фарёди адирлар оша Улуғтоққа урилиб, акс-садо берди. Итлар хурди. Кўйлар кочди... Ура-ура ҳовуридан тушган ва ёки қолдан тойган чол қамчини ёнбошига улоқтирди-да, кўзларидан ёш ва лабининг четидан қон оқиб, юзи қамчининг қора излари ортига кўмилиб қолган Амирга яна бир ўқрайиб кўйиб, нари кетди. Энди Амир ҳам жим эди. Уни ҳеч қим ҳеч қачон бунақа калтакламаганди. Агар бутун вужудини қақшатаётган оғриқ бўлмаганда, у эҳтимол шу ҳолида жангари кинолардаги эпизодларни эслаб қулган бўлармиди... Йўқ, Амирнинг ҳоли оғир эди, у тагин ҳушидан кетди...

46

Пастда - кишлоқда эса уни аллақачон кидиришга тушишганди. Милицияга хабар берилди. Амирнинг бориши мумкин бўлган жойлар қаралди, одамлардан сўралди - нагига шу бўлдики, уни кимдир автобусда, яна биров шаҳарда, «демона» чол билан магазинда кўрганини айтди. «Девона»ни излашди. Бирок у ўша кунни тиланчиликка чиқмабди. Унинг қаерда яшашини шаҳар жойда сўраб билишнинг иложи бўлмади. Лекин Обид кечгача «демона» ўтирадиган ердан жилмади. Эртасига ҳам келадиган бўлди....

Амирнинг бу кунни яна-да аянчли кечди. У қайта ҳушига келганда, кун ёйилганди, ортиқ совқотмасди, аксинча офтоб чарақлаб чиқиб, Амирнинг шир яланғоч баданини секин-секин қиздира бошлаганди. У шошиб атрофига аланглаб қаради - «бирок йўқми, ишқилиб?» деб хаёлидан кечирди. Боши лўқиллаб оғриб, кўзи тинди. Ноилож қабокларини юмди. «Ахир, бу шармандалик, ҳадемай йўлдан одамлар, машиналар ўтиши мумкин. Ўшандаям авратини очик алфозда қолдиришаверармикин булар ё мени ечиб олишармикин? Лоақал бирон нарса ёпиб кўйишар, ўлибдими энди...» - деган мулоҳаза билан яна қабокларини очди ва ўтов томонга кўз сокқачаларини охиста юргизди - кимса йўқ. Бирок пастда - илон-билон йўлдан имиллаб чиқиб келаётган юк машинасига кўзи тушди. «Бўлганича бўлди, ишқилиб, танишлар эмасмикан?» - деб безовталанди Амир. У беихтиёр тепага қаради ва рўпарасидаги баланд адирнинг устида таёғига суянганча турган чўпонга кўзи тушиб қолди таниди. «Тавба, қария мени шарманда қилишдан нима маъни топар экан? Худди ёш болага ўхшайди-я», - деб мушоҳада этар экан, хаёлини яқинлашиб қолган машинанинг кучанган товуши бўлди. У ўнг оёғини хиёл олдинга олиб, авратини беркитмоқчи бўлди. Лекин сириб боғлаб ташланган экан, оёғини қимирлата олмади. Уятдан ўзини кўярга жой тополмай лоақал юзини яширмоқчи бўлди. Аммо машина ўчақишгандай унинг шундай ёнгинасига келиб тўхтади. Амир кўзларини юмди: «Нега имиллайди бу лаънати?» - дея тишини тишига босганча гижинди. У кутди, лекин машина мотори бир маромда ишлаб турар, ҳали-вери жиладиганга ўхшамасди. У аёл кишининг пиқ этиб қулганини эшитиб, қабокларини янада маҳкамроқ юмди, назарида уятдан бутун вужуди ловуллаб ёниб бораётгандек эди.

- Ҳей, қаранглар, ўлиб қолганга ўхшайди, қимирламаяпти, - ҳавода эркак кишининг овози янгради.

- Ростданам. Уни ўлдириб кетишганга ўхшайди, - деб бир эркак гапга аралашди.

Амир миқ этмасди. У машинанинг тезроқ даф бўлишини қутар, назарида вақт ҳам машинага қўшилиб тўхтаб қолганга ўхшарди. Шу пайт бир неча аёлнинг пиқиллаши баробарида Амирнинг юзига бир помидор «пилч» этиб келиб тегди. Ҳақорат худди чакмоқ зарбидек таъсир қилди. У яраланган шер янглиғ ҳайқириб юборди: «Ҳе, онангни! Инсофсизлар!...» Шу баробар машинага газ берилиб у катта тезлик билан юқорига ўрлай кетди. Амир унинг юк машинаси эканини аниқ кўриб, устидаги кишиларнинг қорасини зўрга илғаб қолди. Сўнг оғир хўрсиниб кўзларини юмди. Шундан кўп ўтмай қадам товушлари яқинлашиб кела бошлади.

- Қалай, маза қилдингми? - деди чол Амирдан уч-тўрт одим нарида тўхтаб, сўнг қалладек келадиган тошга омонатгина ўтирди.

Амир индамади.

- Манга қара, бола, агар чинингни айтмас экансан, шу холингга қолаверасан. На бир тишлам нон кўрасан, на бир қултум сув.

Амирдан яна садо чиқмади.

Қария ўрнидан кўзғалди.

Амирни куёш қийнай бошлади. У оғриқдан ҳам кўра кўпроқ сувни ўйларди. Чанқоқ шунақа ёмон нарса экан. У ёрилган лабларини қуруқшаган тили билан яламокка тутиниб эди, бўлмади. Лаб-лунж ҳам, тил ҳам азбаройи қуриб қолганидан бўйсунмади. Қайтага томоғида сезиларли оғриқ турди. Ютиниш ҳам амри маҳол эди. Амирнинг қон, тер ва кир босган юз-кўзларига пашшалар қўниб учар, лекин на бу ва на қалтак заҳри уни ташналик азоби қадар қийнамаётганди. Амир дам қуёшни бир дамгина тўсиб ўтаётган парча булутни кузатиб, «ҳойнаҳой шунда йўқ деганда бир челак сув бўлса керак» дея хаёллианса, дам ён-верида ўсиб ётган ўт-ўланлар баргини ётволиб шимишни ўйлаб, қийналарди. Яқиндагина у беш вақт намоз ўқиб юриш учун бутун бойлигу мартабаларини беришга қодирдай яшаган бўлса, энди бир қултум сув учун дунёни алишиб юборишга ҳам тайёр эди.

47

Адирлар бағридан кетма-кет икки машина чиқиб келди. Амирнинг кўзлари дарҳол уларни илғади. Эндиги гал эса унинг миясида умидбахш фикр чакнагандек бўлди. Ахир, улардан сув сўраш мумкин-ку! Чанқоқ шу қадар зўр эдики, у уятни йиғиштириб қўйганди. Машиналар яқинлашаркан, Амир улардан кўз узмади, токи кўз-кўзга тушганда, муддаони тушунишлари мумкин бўлсин. Бирок, не ёзиқки, машиналар тўхтамади, аксинча, харсанга чирмаб боғланган соч-соқоли ўсиқ-тўзиқ, қип-яланғоч одамни кўриб, тезликни яна ҳам оширдилар. Амир ҳатто «Сув!» деб бақирришга улгурмади. Эҳтимол дегандир-у, овози кучаниб балангликка чиқаётган машиналар шовқини остида кўмилиб кетгандир. Эҳтимол, ташналикнинг зўридан бўғзидан ҳеч қандай садо чиқмагандир. Маторлар гулдурати узоклашгач, Амир ўзига-ўзи «сув» деб айтмоқчи бўлди. Чинданам овози чиқмади. Шунда у сездики, айланмаётган тилигина эмас, балки оёғи, қўли, бели, кўкраги... бутун вужуди ҳаракатга келиб, ўз вазифаларини унутганча фақат «сув!» дея ҳайқирришигина истаёттир эди...

48

Кун ўтди. Бу вақт мобайнида йўловчи машиналарнинг анчаси у ёқдан-бу ёққа ўтди, лекин биронтаси тошга боғланган одамга ёрдам бериш учун тўхтамади.

Овқатлангани ўтовга келган чўпонлар Амирнинг шундоқ кўзи ўнгида булоқ сувига юз-қўлларини, ҳатто этик ичида иссиқда терлаб, сасиб кетган оёқларини ювардилар-у, Амирга бир пиёла узатмасдилар. Амирнинг тили айланмай қолганди, кўзлари билан чўпонларга «сув!» дея илтижо қиларди, ўтинарди, ялиниб-ёлборарди, бироқ улар ўзларини гўё бошқа тилда гаплашадиган миллатдек тутишар, парво қилишмасди. Ниҳоят, Амирнинг хўрлиги келди. Ич-ичидан ачишиб-потраб қарғиш чиқди, чиқаверди. У дилининг туб-тубидан чўпонларга ёмонлик соғинди: «Йлойим, кўзларингга сув тўлсин сенларни!..»

Куёш забтига олар, Амир ўзини худди оловга яқинлаштирилаётгандек ҳис этарди. Бора-бора эса буни ҳам ҳис этарга ҳоли келмай қолди. Атрофига ҳам кўз югуртирмай қўйди. Харсанга чирмаб боғланган шир яланғоч вужудини аллақачон унутганди. Ҳатто бошини кўтаришга қурби етмай қолган. У бир томонга оғиб борарди. Амирнинг қулоқлари ҳеч нарса эшитмас, устига учиб-кўнаётган сон-саноксиз пашшаю-чивинларни кўрмас-сезмас эди. Фақат ҳушини элас-элас сезиб тургандай ва бу сезги унга ўлим шарпасидан дарак бераётгандек эди...

Бир маҳал унинг ҳуши яшин тезлигида тиклана бошлади. Кўзлари чакнаб очилди, боши беихтиёр юқори кўтарилди ва у шаррос қуяётган ёмғирни кўрди-да, бутун вужуди ила эммokka тутинди. Бирок ёмғир қандай қутилмаганда бошланган бўлса, шундай фавқулудда тинди-қолди. Амир кўкка қараб, ўзидан узоклашаётган қора булутни кўрди. Ҳа, бу ёз ёмғири эди, лекин Амир энди ўзини, вужудини,

ундаги ҳар бир аъзони, ҳатто улардаги оғриқни қайта ҳис қила бошлади. У тамшаниб, лабларида ҳали қуриб улгурмаган ёмғир томчиларини ютоқиб ялади ва чексиз лаззат туйди, бундан ҳатто боши гир айланди. Негадир ҳаёлида «Жаннат» сўзи чакнади...

Қуёш яна қиздирганча оға бошлади. Бир пайт Амир рўпарасида тагин чўпон чолни кўрди ва кўзларини юмиб олди.

- Ўғлим... - чолнинг овози титраб, гапиришдан тўхтади. Амир ҳайрон бўлиб, кўзларини очди. Чолнинг қорачиғида йилгиллаб ёш ўйнади. - Икки ҳафта ичида элликка яқин кўйимизни ўғирлатдик. Бу ҳазилакам нарса эмас. Замонди кўриб турибсиз. - Амир чолнинг ҳатто «сиз»лаётганига ҳайрон қолди. - Анавилар - менинг ўғилларим. Биттаси уйланган, иккита боласи бор. Биз билан бирга туради. Унга иморат солишим, қолган иккитасини эса уйлашим, гарданимдаги киёмат-қарздан қутулишим керак. Бутун оиламизнинг даромади фақат шу кўйлардан. Элликта кўй эса ҳаммамизнинг икки йиллик заҳматимиз зое кетди, дегани. Жон ўғлим, - чолнинг юзларидан ёш шашқатор бўлиб окди, бўғзига йиғиси тикилиб, аранг сўзини тугатди, - бу агар сизди ишиз бўлса, бизди қон қашатманг, айтинг, ҳатто эллик кўйнинг ўнтасидан воз кечдим, қолганини қайтаринг...

Амир хангу манг бўлиб қолди. Бояги қаҳру ғазабли, ёвуз қария ўрнида энди ўзи каби жабрдийда, мунглиг ва хокисор киши турарди. Лекин бирон нима деёлмади. Бечора чолга ич-ичидан ачинди, ёрдам бергиси келди-ю, қўли қисқалигидан оғиз очолмади. Чунки у кўйларни қандай топиб берсин, билмаган, кўрмаган бўлса?.. Амирдан садо чиқавермагач, чол овоз чиқариб йиғлаганча чодир томонга кета бошлади. Бироқ худди эндигина ётган ёз ёмғири каби бирдан тўхтадию, гижинган кўйи изига қайтди.

- Уйимни куйдирдинг-ку, ҳароми! - у кеча ташлаб кўйган қамчини қўлга олиб, жон-жаҳди ва ғазаб билан Амирнинг дуч келган жойига савалай кетди, - бола-чақани уйлаб-жойлай олмай элу юрт олдида бош эгиб юргандан кўра, сени ўлдириб қамокқа тушганим яхшироқ... яхшироқ, яхшироқ!..

Амир бир икки оҳ-воҳ қилди-ю, сўнг индамай қолди - у тагин ҳушидан айрилган эди...

49

Юсуфнинг институтдан таътилга чиққанига икки кун бўлди. У Эргаш аканикида бир ҳафтача тунаб юргач, ахийри талабалар ётоқхонасидан чоғдеккина хонани ижарага ола қолди. Энди олаётган маошининг деярли ҳаммаси ётоққа кетарди. Шунинг учун бошқа иш билан шуғулланиши зарур эди. Саид «албатта кел» дея қайта-қайта тайинлагани билан журъат этмади. Бу борада хануз тараддулланарди. Орада бир-икки марта Миразимни кўрди. У ҳам «манда ишла, хоҳласанг каттарок, хоҳласанг мундайроқ дўконни бошқарасан, яхши пул топасан» деди. Бироқ мана, неча ҳафтадир Юсуф бир қарорга келолмайди. Хотинини, айниқса, ўғлини ниҳоятда соғинди. Юртга кетаётган таниш-билишлардан Ойгулга икки марта хат бериб юборганига қарамай, ундан биронта ҳам жавоб йўқ эди. Ўзига қолса бугуноқ қишлоғига жўнайди, бироқ икки кўлини бурнига тикиб кириб борадими? Ниҳоят, ўйлаб-ўйлаб мардикорчиликка чиқишга қарор қилди...

Бир соатдан сўнг Юсуф эски шаҳардаги мардикор бозорида ўнлаб эмас, юзлаб одамларнинг орасида турар эди. Бироқ икки кун кетма-кет бозорга чиқиб, тарвузи қўлтигидан тушиб қайтди. Чунки мардикор беҳад зиёд эди. Ишлатувчи «иш бор» дейишга улгурмай ўнлаб, ҳатто йигирмалаб мардикор ўшанга ёпишарди. Баъзилари уловидан тушишга улгурмасди, бозорга яқинроқ тўхтаган ҳар қандай машинани одамлар худди аридек ўраб олар, ким олдин етиб борса, эшикни очиб ўтирар ва «тезроқ ҳайданг, ҳамма иш қўлимиздан келади, ҳақини келишамиз» деб мижозини рақиблар чангалидан қутқаришга тиришарди. Табиийки, бундай олғирлардан ўзишга Юсуфга йўл бўлсин. Унинг руҳи чўкиб борарди - корни оч, чўнтагида хемири йўқ, ҳатто бозорга пиёда бориб келаётганди. Эрта туриб, индинга ижара ҳақини тўлаши керак. Қарз олай деса, танишлар таътилда. Борлари ҳам амал-тақал қилиб кун кўряпти.

Ахир «гадонинг душмани гадо бўлади» деганларидек, гадонинг таниши ҳам, дўсти ҳам гадо бўлар экан...

Учинчи куни ҳам Юсуфнинг омади чопмади. Тушга яқин силласи қуриб, бозордан яёв келаркан, бир неча бор боши айланди, оёқлари чалишиб, йиқилишига оз қолди. Амаллаб хонасига етиб келгач, кеча сўнги пулига сотиб олган ва учдан бири қолган бўлка нонга ёпишди. Газетага ўраб қўйганига қарамай, нон сувараклар ва майда кумурскаларга ем бўлаётган экан. Сувараклар ўзларини «тап-тап» полга ташладилар, ўрмалаб кўлига чикқанларини Юсуф силкиб туширди.

Лекин кумурскаларни адоқ қилиб бўлмасди. Улар ноннинг орасидан ҳам чиқиб келаверардилар. Юсуф нонни тенг иккига бўлган эди. У ерда ҳам ўрмалаб юришибди. Чор-ночор нонни қайтиб жойига қўйди ва ўзини яна қароватга ташлади. Бошини ёстиқнинг тагига бостириб ухламоқчи бўлди... Ошхонада пишаётган овқатнинг хуш бўйи коридор бўйлаб таралиб келиб, димоғини китиклади. Оғзи сўлакка тўлди. Чидай олмай ошхона томон юрди. Икки печкада биттадан қозон қайнаётганди. Бу ерда одатда, ҳамма нарсани тўғраб, қозонга ташлашади-да, ўзлари хоналарига кириб кетишади. Ҳозир ҳам аҳвол шундай эди. Битта қозонда аллақандай суюқ овқат, иккинчисида эса картошка қайнаётганди. Юсуф иккаласига ҳам суқланиб бокди. У овқатнинг жон таъмини ҳис қиларди шу тобда. Бироқ бир қарорга келолмасди. Ахир бу - ўғрилиқ! Ошхонада у ёқдан бу ёққа юрар ва бир овқатга, бир ойна девор ортидаги дарахтзорга қарар, фикрини ҳеч жамлай олмасди. Шу дам йўлакнинг бир учида қадам товуши эшитилди ва Юсуф «Худога шукр» деди-да, ошхонадан чиқди. Ботинида эса кураш барибир давом этарди. «Наҳотки, мен ўғрилиқ қилсам? 35 га кирганда-я. Эй Худоим, кутқар мени бу шармандалиқдан!» Бироз фурсат кечди... Очлик ичини баттар тимдалади, силласи қуриганидан кўз олди қоронғилаша бошлади. Юсуф эшикни жипс ёпиб, ичидан қулфлагани етмаганидек, овқатнинг ҳиди кирмасин, дея адёл билан тирқишларини ҳам беркитиб ташлади. Бироқ уни қийнаётган нарса ташқарида эмас, ичкарида эди - Юсуф эшикни очди. Картошкани қозон-позони билан кўтариб келмоқчи бўлди. Бироқ шу асно ошхонадан боласини кўтариб чиқиб кетаётган аёлга кўзи тушиб, шашти сусайди. Бир зум каловланиб турди-да, тумбочкадан қошиқ ва коса олди. Ошхонага етиб келиб, картошкага қошиғини чўзаркан, титраб кетди, хўрлиги келди, аввал қошиқни, сўнг косани тош полга зарб билан урди. Қошиқ сапчиб шифтга тегди, коса эса чил-чил бўлди. Юсуф хонасига чопди ва кумурсқа босган нонни пакқос туширди. Сўнг ошхонага бориб совуқ сувни очди, энгашиб жўмракдан тўйиб-тўйиб ичди. Қайтиб хонасига кирди. Энди очлик хуружи ўтиб, ўзини анча дуруст сезарди. Очлик дераза олдига бориб, ташқарига кўз солди. Кўп каватли ётоқхона биноси ёнбошидан бошланган ва кўз илгамас узокликларга узалиб кетган дарахтлар ичра ҳафиф шитирлашни эшитди. Дикқат билан қулоқ осди: ҳақиқатан ҳам барглар майин шитирлаб, навбатдаги фаслдан - ўзгаришдан дарак бераётган эди.

Бирдан Юсуф хаёлига аламли ўйлар бостириб келди. Товба, товба, мен ўз қоринини боқолмаяпман-ку, оиламини, ўғлимни қандай оёққа қўяр эканман?.. Отам бизга - бешовлон ўғлига берганни мен бор-йўғи биттагина жигарбандимга инъом қилолганим йўқ. Нега, ахир?.. Мен чинданама омадсизманми ёки бунинг бошқа сабаби борми?..

Давоми бор.



Оқденгиз тўлқинлари

Қибрис шоирлари ижодидан

ҲИЛМИЙ

(1782-1847)

ҲАЗАЛ

Кўйи дилбар ошиқ аҳлин жаннатул маъвосидир,
Гўшайи дўзах — фироқи ёри бепарвосидир.

Ул санам бир ўптириб оппоқ томоғидан, деди:
“Ол, бу сувсиз бўлса-да, Қибрис ерин олмосидир.”

Барча онинг ҳикматий-ла истагай файзу вусул,
Мавлавий шайхи дада, бир тўп гўзал бобосидир.

Мастлари кўп бўлса қанча, шунча маъмур майкада,
Боқ, бу гулшан шанлиги — булбуллар-у, ғавғосидир.

Кимдир ул оҳ айлаган, дермиш у шўҳи шевакор,
Ошиноси, мубталоси, Ҳилмиий шайдосидир.

МЕН ЧИҚДИМ

(*Канзий ғазалига Ҳилмиий мухаммаси*)

Маломат бодасий-ла дам уруб мастона мен чиқдим,
Кечиб номусу оримдан, жўшиб сайрона мен чиқдим,
Отиб олам ишчу ғавғосини ёрона, мен чиқдим,
Ёнай ёнсам, бу ишқинг шамъига парвона мен чиқдим,
Энг аввал жумладан, жоно, чу мард-майдона мен чиқдим.

Туркчадан
Тоҳир ҚАҲҲОР
таржимаси

Бугунги Ер юзида уч юз миллионга яқин туркий тилда сўзлашувчи қардошларимиз яшамоқда. Минг-минг йиллик Ипак йўлидан ёки Чин деворидан Адриатик денгизигача чўзилган ўлкалардан ўтсангиз, қулоғингизга эски туркчамиздан келаётган ўзаги бир сўзлар чалиниши, қардошларингиз билан қийналмай суҳбатлашмоғингиз табиий, албатта.

Қибрис — турк дунёсида ўзига хос ўрни бор, Ўртаер денгизига энг яшил, гўзал орол-ўлка. Унда ҳозир тўрт юз мингдан ортиқ мусулмон турклар яшамоқда. Республика президенти Рауф Денктош сиёсатчилиги билан бир қаторда катта ёзувчи эканлиги билан ҳам дунёга танилган. Қибрис — машҳур кишилар ўлкаси. Улуғ нақшбандий шайхлар, султонлуш-шуаролар, ёки туркий халқлар ичидан биринчи бўлиб Нобель мукофотига қўйилган Усмон Туркой ҳам шу оролдан чиққан. Шу жиҳатдан қараганда, адабиёт

Ароқ нўш айлаюб паймонайи пири Аъроқийдан,
Пуч орзудан умид уздим, мадад умдим фироқийдан,
Ижозат ўлди сирримда, манга Халлоқи боқийдан,
Олиб мен ҳаммадан олдин бу шавқ жомини соқийдан,
Бўлиб масти мудом паймонаваш даврона мен чиқдим.

Ўчоғин ёқмадан оҳангари даврон фано ичра,
Яралмиш занжирим аввал бу дўккони ано¹ ичра,
Асар йўқ эрди Лайлодан бу даҳри бебақо ичра,
Йўқ эрди номи Мажнун ҳам у чоғ дорушшифо ичра,
Тақиб занжирларин ишқнинг дали девона мен чиқдим.

“Бу базмим жомини нобиндан ичарлар бор эса, келсин,
Бу йўлда жон бериб, бордан кечарлар бор эса, келсин,
Кўнгилда мосуво зирҳин бичарлар бор эса, келсин,
Бугун тийғим билан боши учарлар бор эса, келсин!” —
Дединг... Кўчқор каби қурбон учун майдона мен чиқдим!..

Ажаб, бир соҳиби ирфон чиқарми шаҳри Қибрисдан,
Менингдек ошиқи нолон чиқарми шаҳри Қибрисдан,
Муҳаббат ҳилмига шоён чиқарми шаҳри Қибрисдан,
Демишлар, шоири майдон чиқарми шаҳри Қибрисдан,
Дедим Канзий, ҳақиқатдир, фақат бир дона мен чиқдим.

ШАМЪИЙ

(Туғилган ва ўлган йиллари номаълум)

ҲАЗАЛЛАР

* * *

У шўҳи сиймитандан гарчи мен кечсам, кўнгил кечмас,
Лаби ғунчадахандан гарчи мен кечсам, кўнгил кечмас.
Неча айём ғами ҳажри билан ёқди юрак-бағрим,
Яна ул гулбаданан гарчи мен кечсам, кўнгил кечмас.
Сўрарман, кимдир ул меҳри дилоро, сийнайи биллур?
Шу — кўрклик бир чамандан гарчи мен кечсам, кўнгил кечмас.
Бу Шамъий дардимандинг васли ҳуснингдан кечолмас ҳеч,
Бегим, валлоҳи, сендан гарчи мен кечсам, кўнгил кечмас!..

муҳибларининг Қибрис адабиёти билан яқиндан танишмоқларида фойда бор, деб ўйлаймиз.

Қибрис адабиёти тарихи бир неча даврга бўлинади: 1570-1878 йилларни ўз ичига олган уч юз йиллик девон адабиёти — классик адабиёт даври ва 1878-1925 йиллардаги “ўтиш даври”, кейинги йиллар адабиёти. Усмонли султонлари 1870 йилда Қибрисни фатҳ этаркан, бу ерда бугунги қибрислик қардошларимизнинг аждодлари яшай бошлаганлар ва ўзига хос маданият, адабиёт яратганлар. Қатор тазкиралар, хусусан, барча тазкираларни бирлаштирган, 1949 йилда тартиб берилган “Туфҳайи Ноилий”дан бу даврлар адабиёти ҳақида тушунча олиш мумкин. 1600 йилларда яшаган Мисолий, Закоий, 1700 йилларда ижод этган Сиёҳий, Ноиб, Ориф Афанди, Хизир Дада, 1850 йиллар ижодкорлари Муфти Ҳасан Ҳилмий Афанди, Ҳожи Ҳасан Таҳсин, Юсуф Зиё, 19-аср шоирларидан Ҳандий, Шамъий, Сазоий, Ҳаққий, Ҳатиф, Нодирий, Солим, Ифбат, Қаримий, Рожий ва бошқаларни эслаш мумкин. Ошиқ Канзий эса тарихий дostonлари билан классик адабиётни бир поғона юксалтирган.

Куйидаги бир тарихий воқеа ҳам қибрислик шоирлар иқтидорини кўрсатади. XIV аср бошларида Усмонли

¹ А н о — қийинчилик, азоб.

* * *

Сенинг-чун эттигим ҳар рўзи шаб оҳу фиғондир бу,
 Ики кўздин оқар селлар, мудом ашки равондир бу.
 Гурурланма, чирой кетгай, гўзаллик боқий эрмасдир,
 Дегайлар, яхшилик чоғи қолур, шоҳим, жаҳондир бу.
 Жафою нозу жабр этмак бўлур ошиқ учун, аммо
 Чидарга ҳар замон тоқат тополмас, чунки жондир бу.
 Назар қил қомати мавзунига гар бор эса жонинг,
 Эзиб ошиқларин, мажнун этар шоҳи замондир бу!
 Ёниб мен ҳам ғазал битсам агарчи, Шамъиё, бул кун
 Жазодир барча шоирга, менинг-чун донғу шондир бу!..

* * *

Чархи гардун бир дам, эй дил, асти ром ўлмас манга,
 Олами дорулфанода шодком ўлмас манга.
 Сувратим кўрган одамлар дейдилар Мажнун мани,
 Найлайн, биллоҳи, бундан холи ном ўлмас манга.
 Боқ, дилимнинг кемаси ғам денгизинда дод этар,
 Гўшайи меҳнатдан ўзга бир мақом ўлмас манга.
 Ҳосили даври жаҳонда қадру қиймат билмаган
 Бир тўда нодон билан этмак калом ўлмас манга.
 Оғули жомин фалакнинг, Шамъиё, нўш айладим,
 Заҳри лаззат бўйла жомдин ўзга жом ўлмас манга.

* * *

Оташи ҳажринг-ла ортди оҳу зорим, қайдасан?
 Ёқди, ёндирди жаҳонни сўзи норим, қайдасан?
 Сенсиз, эй ой, найлайн жаннат макон ўлса манга?
 Борлиғимни ғам босар, эй гулузорим, қайдасан?
 Мен ўлиб кетмай туриб кел, дардима бир чора қил,
 Шевакорим, ишвакорим, нозли ёрим, қайдасан?
 Бир дам ором айламас мурғи дили зорим маним,
 Қайдасан, эй ғунчайи боғи нигорим, қайдасан?
 Фирқатинг Шамъий дили ношодима қор айлади,
 Заррача ҳам қолмади сабру қарорим, қайдасан?..

давлатининг бошлиғи Султон Иккинчи Маҳмуд Лефқўшада — бугунги Кибрис республикасининг пойтахти — ўз номига бир кутубхона қурилиши учун маблағ ажраттиради ва китоблар юбортиради. Кибрисликлар подшоҳга миннатдорлик қасидасини битадилар. Қасида Султонга мақбул бўлади ва уни ёзган муфти Ҳилмий Афандини Истанбулга чақиртиради. Подшоҳ янги кўшин намоиши маросимига шоирни ҳам таклиф этади. Шунда кўшинга қараб туриб Ҳасан Ҳилмий бадиҳа тарзида қасида ўқиб юборади. Барча ҳайратда қолади. Подшоҳ шоирга “Султон-уш шуаро” унвонини беради ва саройда олиб қолади. Аммо Ҳилмий Афанди подшоҳлик ташкил этган “йени черик” кўшинига, яъни ирқи ва дини бошқалардан тузилган кўшинга тарафдор эмасди, буни очиқ билдирарди. Буни англаган подшоҳ шоирни ватанидан узоқда, кўзига яқин Истанбулда тутиб туришни маъқул кўради ва шоир кўп илтимос қилса ҳам изн берилмайди. Аммо ватанини соғинган шоир Ҳилмий подшоҳнинг туғилган куни — мавлид маросимига бағишланган шеърини топшириб, ўзи билдирмасдан кемага ўтиради-да, Кибрисга жўнаб юборади. Подшоҳ воқеадан хабар топгач, ғазабланмайди, шоир ҳолатини тушунади ва уни эски вазифасига — Кибрис муфтиси этиб тайинлайди.

МАҲМАТ АЛИ ОҚИНЧИ

(1901-1992)

ОҚДЕНГИЗ СОҲИЛЛАРИДА

Улуғ онам, менинг руҳим сенинг руҳинг-ла қайноқ,
 Юрагим ҳам фақат сенинг ишқинг билан урадир.
 Билки менинг соф қалбимда сўнмагай ишқинг ҳар чоқ,
 Юз йил аввал қандай бўлса, яна шундай турадир.
 Чунки менинг қонимда ҳам бир Усмонли шони бор.
 Томиримда оқаётган бир Туронли қони бор.

Етсам дейман қучоғингга, чопсам дейман ёнингга,
 Не чораки, асир каби умрим ўтар бу ерда,
 Мумкин бўлса ва сизинсам оғушингга, шонингга,
 Бўлмасайди ораликда Оқденгиздан бир парда...
 Онам билан кўришайин, қўйвор мени, Оқденгиз,
 Жайхон каби кечиб ўтай, жўш кун-туни, Оқденгиз!

Эй ватаним, Танграм шоҳид, яшаркан унутмасдан,
 Ишончим бор, бир кун тагин борадирман қўйнингга,
 Гулларингни термоқ учун бўлмасайди шу тикан,
 Она топган етим каби осилардим бўйнингга...
 Эй Оқденгиз! Йўл бер менга, тўхта, сувинг оқмасин,
 Тўлқинларинг шу ҳижронли юрагимни йиқмасин...

НАВЗОТ ЁЛЧИН

(1926)

ИПАК ЙЎЛИ

Шарққа боққан деразам эрта-кеч очиқ турсин,
 Фарб олақоронгусин ёритар чиққан ҳар кун,
 Шарқ гўзал, Шарқ яхшидир, ундадир Ипак йўли.

Буюк турк шоири Номик Камолнинг 1873 йилда Қибрисга сургун қилиниши ва унинг бу ерда ўтказган йилларида энг машҳур асарларини битгани ҳам Қибрис адабиёти тарихида ўз ўрнига эга. Бугунда "бир нўмурали адабиёт ва ғавго одами" дея сифат берилган атоқли ижодкор Номик Камол яшаган сургун уйи музейга айлантирилган.

Номик Камолга шогирд тушган, шоир, романчи Маҳмад Нозим Қайтаззода ҳам ўтган аср бошларида адабиётда ёрқин из қолдирган. Унинг "Лайлои висол" романи 1894 йилда "Қибрис" газетасида давомли босилган, икки йил ўтиб "Ёдигори муҳаббат" романи нашр этилган.

Қибрис адабиётининг "ўтиш даври" дейилган иккинчи даври оролда вужудга келган сиёсий воқеалар билан боғлиқ. "93 уруши" деб аталган 1878 йилги Туркия ва Россия урушидан кейин Берлинда имзоланган шартномага кўра, Усмонли давлати Қибрис оролини Англияга ижарага беради. Инглизлар оролдан фойдаланаркан, ижтимоий ҳаётда ҳам ўзгаришлар юз кўрсатади. Усмонли давлатининг чўкиши, 1912 йилдаги Болқон урушлари ва 1918 йилгача чўзилган савашлар оқибатида Қибрис оғир кунларни бошидан кечиради, нафақат Усмонли давлати ва ўлкалари, балки бутун дунёдан ажралиб қолади. Биринчи жаҳон уруши натижасида Усмонли давлати йиқилади, оврўполик

Ҳар элик фарсах йўлда карвонсарой, тинчлик, нон.
Чин, Ҳиндистон, Самарқанд бағридан келган карвон,
Манзилинг менинг юртим, сўнг бекат Онадўли.

Ипакдай нозик, майин маданият йўли бу,
Карвонлар-ла ташилган қалам, қоғоз, ишқ, орзу.
Сўнг бекат — Анадўли, шуни бил, Марку Пўлў.

Тўп ипак — ўн минг фарсах, тўқилур ўн минг жило.
Қайта-қайта порлар шарқ, Бурса ипак-ла кулар.
Асфальтлар мақталса-да, Ипак йўли — ўпилар...

ҚУШЛАР

Боғбузум — куз чоғида, қип-қизил бир оқшомда,
Мисқанот, темиртумшуқ қушлар кўкни туттилар,
Олдин уфқдан уфққа кумуш чизгилар чизиб,
Сўнгра солиб фарёдлар, кўк юзини йирттилар.

Қон равон оқди у кун, сўнгсиз-сўнгсиз, мовий қон...

Океанлар, денгизлар шундан бери мовийдир,
Тенг, бир хил англамдадир сўзда мозору бешик,
У кундан бугунгача Ер бўлди илма-тешик,
У замондан бери Кўк парчаланур онма-он...

ЭНГИН КҮНГИЛ

(Амина Хозим Рамзий)

(1926-1996)

ҚИБРИС

Кўлкалар ўпаркан тупроқларингни,
Еллар ўзин кўкка чорлайдир, Қибрис.
Тарих ёзиб олтин япроқларингни,

босқинчилар қузғундай бу ўлкага ёпирилади, Мустафо Камол бошлиқ ватанпарварлар Туркия республикасини қургач, 1925 йилги Лўзан шартномасига кўра, Қибрис бутунича инглизларга қарам бўлиб қолади. Мустамлака даври ҳаёти матбуот ва адабиётда ўз аксини топа боради. Инглиз мактаблари очилади. Инглизча, туркча, румча сўзликлар майдонга чиқади, маданият, адабиёт шу уч тилда шаклланади. Қирқинчи-эллигинчи йилларда кўплаб романлар, саҳна асарлари, шеър китоблари пайдо бўлади. Ҳикмат Афиф Напўлар, Нозиф Сулаймон Эбзўгли, Рауф Денктош, Исмоил Адиб-Қоракўзўгли, Уркия Мина, Памба Мармара, Энгин Кўнчи каби романчилар, шоир ва шоираларнинг асарлари шу йилларда элга танилди.

Қибрис оролида 1955, 58, 64, 67-йиллардаги босқинлар ва қўзғолишлар, 1974 йилдаги яраш ҳаракати оқибатида қибрислик қардошларимиз зулм исканжасидан қутулдилар. Мана, йигирма етти йилдирки, эркин яшаб, ижод этмоқдалар.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнгра биз Қибрисда қардошларимиз борлигини билдик, унгача русчада чиққан китобларда бу адабиёт ҳақида ёзилмасди, 1994 йилдан бошлаб Нобел мукофотида кўйилган Усмон Туркой, романчи ва давлат арбоби Рауф Денктош, ёзувчи ва адабиётшунос, Қибрис Ёзувчилар уюшмаси, Қибрисни

Сени юлдузларга боғлайдир, Қибрис.
Зумрад бир ёғдусан, рангиң чечаксан,
Оқденгиз беаги, қайноқ юраксан,
Яна юксакларга юксалажаксан,
Келажак кечмишинг оқлайдир, Қибрис.

Бу чирой, бу шараф ярашар сенга,
Кулумсар кўзларинг ҳар кулганингга,
Ёлғиз бир яранг бор — қуяман шунга,
Шу учун сувларинг йиғлайдир, Қибрис.

Кўкларни ёқса-да айрилиқ, душман,
Сен ўз кўксингдаги Иймонга суян,
Янги Кун отажак эрта тонг билан,
Бу ёвлар кўнглини доғлайдир, Қибрис.

ҚИЗИМ ОЙШАГА

Хонамга ложувард шарпалар тўлди,
Маъсум ой нурлари товланар, кулар.
Илоҳий бир мужда келгандай бўлди,
Деразам кўзида биллур ёғдулар...

Бир он ҳаяжонда титради ичим,
Ёнимда малаклар турганин билдим,
Узгарган ҳар неда бошқа бир бичим,
Шафқат-ла дунёга янгидан келдим.

Тангрим ҳузурда дуолар ўқиб,
Шукр айтиб, юкуниб, ерга бош қўйдим.
Ичимда илоҳий завқлар тошиқиб,
Бизга товуш берган товушинг туйдим...

ЁМФИР

Сувлар ҳаяжонли, қўлкалар намли,
Ҳузурли боқиш-ла йўл олдим боққа.
Бутоқдан айрилган япроқ аламли,
Минг йилнинг азоби юкланмиш тоққа.

Уйлар хаёл сураб. Қайғулар ёвуқ.
Гўё дуо ўқир сарви оғочи.
Бўлса-да қиш юзи туманли, совуқ,
Эслашга арзирми ёзнинг қувончи?..

Минорлар узанмиш каби Оллоҳга,
Кўкларни қопламиш илоҳий бир нур.

ўрганиш маркази бошлиғи Исмоил Бўзқурт,
фолклорчилардан Ўғуз Муҳаммад Йўрганчиўгли, Мустафо
Кўкчаўгли, шоира Ойшан Тоғли каби қатор қибрислик
ижодкорлар тарафимиздан юртимизда танитилди.

Биз Қибрис адабиётининг классик ва бугунги
ижодкорлари асарлари билан танишиб, бир таржима
гулдастаси ясадик. Кўнгил кўнгилдан сув ичар,
деганларидек, бизга тилдош, руҳдош шоир
қардошларимизнинг асарлари Қибрисни ўзбекларга
танитиши баробарида, қалбларга янги ҳаяжон, қайноқ
тушунчалар бериши табиийдир, деб ўйлаймиз.

Таржимон

Дуом шу: ботмангиз энди гуноҳга,
Ёғсин, ичимизни ювсин бу ёмғир...

БУЛАНТ ФАВЗИЎҒЛИ

(1959)

УСТА

Қайғу ича-ича мириқдик, уста,
Хиёнат кўрмоқдаман зерикдик, уста,
Қайларга кетдилар яхши инсонлар,
Ахир улар билан тирикдик, уста.

Бутоқдан япроқлар юлдик замонсиз,
Икки тош остида қолдик омонсиз,
Бошларга тушган бу не савдо экан,
Кирли сувда қолдик, кечамиз тонгсиз...

Бу йўлдан бир ерга чиқилмас, уста,
Чириган буғдойлар бўй олмас, уста.
Қўшиғимиз ёнар бир жар оғзида,
Кул бўлиб сочилар, йиғилмас, уста...

ОТЛАР, ИШҚЛАР ВА ТОҒЛАР

Тоғларни хотирлатар отлар ва ишқлар менга,
Тоғлар осий, ваҳшатли, бўйсунмас ҳеч замонга.
Отлар бир оз қароқчи, ишқлар курашчан бир оз,
Шунданмикан, кўнгиллар тинч тоғларга ишқибоз.

Ишқларни хотирлатар менга тоғлар ва отлар,
Отларда шамол ишқи, тоғларда-чи, ҳайбатлар.
Севгилим, маъсум юзлим, сўзларим сенга тўлиқ,
Борлигим шу от ва тоғ, кел сен ҳам ишқим бўлиб...

ЁҒАР ҚУШ ЎЛИКЛАРИ

Қайғули кўнларим-ла мотамлик тоғлиқдаман,
Бир тўпнинг оғзидаман, оғули бир тиедаман,
Қўшиқ айтолмай қолдим, бор гўзаллик йўқолди,
Ярам ҳеч қотмаяпти, дармонсиз оғриқдаман...

Ёғар қуш ўликлари

сочдан тирноғимгача,

Дод дейман, эшитмаслар, ёнимга-да келмаслар,
Балки эзилганларни бунда кўзга илмаслар,
Ёғар қуш ўликлари бошдан оёғимгача...

Туганди шаробимнинг сўнг ютуми аёқда,
Оҳ, пичоқлаб сўйдилар, умидларим қаёқда?..
Бундан кейин ҳеч нега ишқим, меҳрим қолмади,
Бўғдилар, юрагимни сўндирдилар шу чоқда...

ШИРИН ЗАФАРЮЛДУЗИ

(1968)

МЕНДАН СЎРАМА

Қайнаб оққан дарёлардан сўр,
Билар имконсизни енгмоқни улар.
Тошган,
шошган шу ирмоқ билар.

Айрилиқ аччигин шу ирмоқ билар.
Уфқда ботмоққа маҳкум қуёшдан
Сўра, айрилиқнинг тилин у билган.

Фақат мeндан сўрма,
Бир мeндан сўрма,
Кимдан сўрсанг-сўра, қаршимда турма...

Агар англасайдинг
кўзёш тилини,
Қоларди дардларим сенга билиниб,
Афсус, англамассан,
Қалбим тингламассан,
Бўғзимда бир аччиқ,
Юракда санчиқ,
Мен сўзлай олмасман, мeндан сўрама!

ЁМФИР ТОМЧИЛАРИ

* * *

Музлаб қолган дудоқларимдан
Кузнинг япроқлари тўкилиб битди.
Англамади ҳеч ким ва зимдан
Қўлимда сўзларим синди-да йитди...

* * *

Шамолларнинг юрти йўқдир
урушда туғилиб
Тинчлиги юрагиндан
ўғирланган хотинлар каби.

* * *

Яшаганим ва шу яшашим
Юлдузларнинг тушидаги
Бир фарёддай ҳақиқат эрур.

ШАҲИД ҚИЗИМАН

Бир шаҳид қизиман,
Йўқчилик-ла курашмоқни биламан,
Тўғрам қаттиқ нонни қадр қиламан.
Бир шаҳид қизиман,

Сен ўзинг тўғри юрсанг,
 тўғридир юрт йўллари,
 Сени қўллар ҳар ерда юртдошингнинг қўллари,
 Қон-қардошлик, севги-ла тўладир кўнгиллари,
 Ватанингни хотирла! Инсонингни унутма!

Бу ерлар сеникидир! Шу ҳаётинг устуни,
 Бу оғочлар сеники, суғордингми остини?
 Бугун не эксанг, эрта олурсан мевасини,
 Ўз боғинг, ўз тупроғинг, хуш исини унутма!

Бир шамол олиб кетар, ихтиёр қилмасанг-да,
 Ватанинг бунда турар, сен истаб келмасанг-да,
 Юлинув хотираси, сен истаб юлмасанг-да —
 Ватанингни унутма! Қибрисингни унутма!..

ЗАКИЙ АЛИ

МУҲР

Ишқ муҳрин ўғирлаб олиб қочадир
 ер остига ишқнинг чумолилари.

Ишқ оҳларин олиб учадир
 Кўкюзининг ул терс юзига
 Севгимизнинг қалдирғочлари.

Севишимиз тугаб-битаркан,
 ҳеч бир нарса қолмас орқада.

Юрак ўйнаб, қаттайтирамиз
 янгидан оҳ-воҳларимизни,
 урсак деб муҳрларимизни,
 бўш саҳифа излай бошлармиз.

Чумолилар товушсиз кулар.
 Қалдирғочлар биз билан бирга
 бериладир ўйга, хотирга...

МЕҲМЕТ ТОҲИР ТУЛИНЭР

ДЕНГИЗ ҚИЗИ

Юзимга тегаркан оқшом эпкини,
 Юртимнинг у иссиқ ёз чоғларида,
 Унутама куннинг қайғу, дардини
 Кезаркан Оқденгиз қирғоқларида.

Қаршимда чайқалган кўпикли сувлар
 Руҳимни ел каби кучоқлар, кулар.
 Бир келиб-бир кетган оппоқ тўлқинлар
 Рақс этар кўнглимнинг яйлоқларида.

Долғалар ичидан чиқадир юзиб,
 Қўлларин узатар бир денгиз қизи,
 Унгиму тушимда кўринар изи
 Ҳар замон кўнглимнинг уфқларида.

Эй денгиз қизи! Юз! Кез! Ҳеч тинч турма!
 Жонинг не истаса, қил, мендан сўрма.
 Фақат хафа бўлиб, мендан юз бурма
 Кўнглимнинг тўлқинли титроқларида...

Шу соҳил шу ерда барқарор экан,
 Кўнгиллар саробли бахтга ёр экан,
 Кўринар ўша қиз, дунё бор экан
 Юртимнинг денгизи, сувлоқларида!..

ИЛКОЙ АДАЛИ

КЎП БЎЛДИ

Кўп бўлди, кўникмас йўқлигингга тун.
 Кўп бўлди, нур сочиб чиқмай қўйди кун.
 Кўп бўлди, ахтардим дўстим товушин —
 Ҳеч не йўқ — ўртада денгизлар, йўллар...
 Кўпик хотирамда мовий хаёллар,
 Кезаркан, кўзимга чўкди кунботиш,
 Оқшомлар ёлғизман... Айт, бу не қарғиш?

Кўлканг — у яширин эшиклар аро
 Йўл топмай, тунларга сигинган юлдуз,
 Совуқ мрамарингда оққан сувлар-ла
 Қовушар қоронғу дарёга ёлғиз...

Кўп бўлди, учганча шамол отида,
 Сени ахтараман баҳор қўйнидан,
 Бошоқларнинг сассиз, тинч ўйинидан,
 Учиб қалдирғочнинг оқ қанотида...

ОЙШАН ТОҒЛИ

КЕМА ДАФТАРИМ ЙЎҚ

Ботган бир кеманинг сиртиман,
 Кема дафтарим йўқ, ўқийолмассан.
 Мис тўлиб-қотгандир томирларимда.
 Сабаби билинмас ёнғинда қолдим,
 Куйдим, ўт олдим...
 Қибрис, бир оз интил,
 билиб олсан.

Мен бир оз аёлман,
 Бир оз аскар,
 Бир оз инсонман.

Уруш,
 уруш билан ўтди бутун яшайиш,
 Жонга тегиб кетди бу умр, ташвиш.

Ёниқ оғочлар ичра ўйилар ичим,
 Африканинг сирли ниқобларига айланар юзим,
 тинмас кўзёшларим....

Бошимдан эсан шамолга йўл йўқ.
 Тўрт ёғим йўлсизлик, ясоқ, ясоқлик.
 Қуёш бўлинар.
 Ёмғир бўлинар.
 Тирноқдай нарса деб бўлинар
 болаларим,
 Бир-бирин танимас.
 Танимас ҳеч ким.

Ботган бир кеманинг сиртиман.
 Кема дафтарим йўқ,
 Не бўлганин ўқийолмассан.

МАҲМАД ДАРВИШ АФАНДИ

МАКТУБ

Кўп шукр бўлсин санга, ё Мустаин,
 Умматинг сақла ёмондан, ё Амин,
 Қолмади бу юртда чун бир аҳли дин,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.¹

Солди ислом ўртасига бир нифоқ,
 Қолмади бир кимсада ҳеч иттифоқ,
 Барчалар диндан чиқиб, кофир-мазоқ,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.

Салтанат дардига тушди подишоҳ,
 Иддаода беклару асҳоби жоҳ,
 Сотдилар эл мулкени беиштибоҳ,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.

Бор экан давлатда бундай вузаро,
 Бу кўмондон, бундаин бир умаро,
 Бизга оз бу бошга тушган можаро,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.

Салтанатда ҳар талон, алдов ва фол,
 Зулму ҳийла, куфру тамаъ, суйи ҳол,
 Лофу ёлғон бирла келди кўп завол,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.

Фисқ-фужуру ўғрилиқлар беқиёс,
 Оп-очиқ ришват, хиёнат, илтимос,
 Барча бу аҳволга бўлди хосу мос,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.

Йўқ-ку муслимлиқда мундай феълү ҳол,
 Ким булар — эркакмидир ёхуд аёл?
 Ер бўлиб кетдинг-ку эй, миллат, уёл!
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.

Яхшилиқ чиқмас бу бек, пошосидан,²
 Асли бизданмас, чатишган расвосидан,
 Отбоқар пешвосидан, восвосидан,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.

Бирлашиб бир тўп чалиш, орсиз, дайис,
 Қўшмачи, қўшқўллашиб бўлди раис,
 Ҳайбати давлат-ла солди донғу из,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.

¹ Уларга Оллоҳнинг лаънати бўлсин. (араб.)

² П о ш о — ҳарбий унвон, генерал (тарж.)

Оқибат ҳақ деб азобда қолдилар;
 Элни алдаб, гафлат ичра солдилар,
 Эски, аждод интиқомин олдилар,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.
 Йўқ буларнинг хайр ила ҳимматлари,
 Бизгамас, кофиргадир рағбатлари,
 Миллатим маҳвиндадир ғайратлари,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.
 Бўлмасайди юртда хоин ваҳшати,
 Йиқмас эрди шонин Усмон давлати,
 Чикмас эрди бу уруш, эл офати,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.
 Қайда ҳарб этса, ажаб, исломиён,
 Бир урушмас, кўрсатиш ул, бегумон,
 Мулку элни бой берур ул кофирон,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.
 Шу урушми? Алдама, эй муттаҳам,
 Тўп отилмасдан туриб бир тўп одам
 Бўлдилар таслим, бериб байроқни ҳам —
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.
 Тоғда ул ўн икки минг аскарни кўр,
 Тўпу милтиқ, олати ҳарб беназир,
 Бир ўқ узмай бўлдилар, ҳайҳот, асир,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.
 Толейи йўқ, ўн икки минг қаҳрамон
 Не учун ёвга асир тушсин? Ҳамон —
 Ҳайбатий-ла таслим этса Русиён,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.
 Ул соат майдонда янграб ёв сўзи,
 Ўрдумиз босди ўраб, қирди ўзи,
 Қонга ғарқ бўлди самовотнинг юзи,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.
 Водариғо, доғда қолди уммати,
 Инсу жинсни йиғлатур бу офати,
 Жонни бердик ёвга, бу не кулфати,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.
 Тоғу тош тўлди асир-ла бешуур,
 Бу не иш — шундоқ асоратми бўлур?
 Бизга қилганлар жавобин ҳам олур,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.
 Бизни кофир ҳайдади бир қўйдаин,
 Остимиз муз, устимиз қор, кўп қийин,
 Титрамақдан чокучок бўлдик тайин,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.
 Жон тўзарми бунга, кунлар пуразоб,
 Қаҳрининг ўтинда биз бўлдик кабоб,
 Жумла олам оқимиз туймас, хароб,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.
 ... Сўзни тўхтат энди, Дарвиш, шу етар,
 Эскилар дерлар-ку, кун кундан батар,
 Уммати Ҳақ этди куффордан хазар,
 Лаънатуллоҳи алайҳим ажмаин.

1904 йил

АҲМАТ ТЕМИРЧИ

ДЕЙЛИККИ

Дейликки, айрилиқ келиб тўхтади эшигимизда,
 Учиб кетди бирданига бари, унутилди бари,
 Ошиқларнинг тоғларни тешган товуши-да йўқ энди,
 Қўлларингни тутмоқ, сочларингни силамоқ-да йўқ энди,
 Ортда қолган хотираларни унута билармисан?
 Дейликки, шафаққа боқиб, йўлинг кутмасман,
 Энди товушинг-да силамас қулоқларимни,
 Юлдузлар-да булутлар орасида йўқолиб кетди,
 Бошимни кўксингга қўйиб ётмоқ-да битди,
 Куруган гуллар ичидаги севгини унута билармисан?

Дейликки, бир-биримизга ҳеч қўл урмадик,
 Келажак ҳақида ҳаёл-да сурмадик,
 Ҳеч тегмади танларимиз бири бирига,
 Энди гўзал кунларда ўйнаб-қулиш йўқ,
 Дудоқларимда эритганинг муз тоғларини унута билармисан?

Дейликки, ҳеч йиғламадик чорасизлигимиздан,
 Дейликки, қоронғилик юкли эмас ойдинликка,
 Дейликки, қумлоқларга отингни-да ёзмадим,
 Қисқа айрилиқларга ўкиниб виро айтмадим, бироқ
 Сочларингдаги ишқим изларини унута билармисан?

Дейликки, бир куз оқшомида танимадик бир-биримизни,
 Чўмилмадик денгизнинг илиқ сувида,
 Арча ислари аро ҳеч ўлмадим дудоқларингдин,
 Туннинг тунд ёғдуларида қоришмади қўлкаларда
 кўлкаларимиз,
 Юрагингда шивирлаган севгимнинг буюклигини
 унута билармисан?..

ОЙША ТУРАЛ

СИНИҚ СЕВГИ

Кимсасиз кентларнинг қоронғисида
 Ёпишқоқ ёлғизлик ёпишар, қийнар.
 Севгига ўралар бу юрак, сийна.
 Қоп-қора булутлар.
 Босар қора тер.
 Узун йўллар.
 Қоп-қора
 Бўм-бўш қолган поездлар ўтар.
 Туман босиб борар.
 Кўкда титраган юлдузлардан
 Нур ёғар.
 Бир томчи тушар кўзлардан,
 Ўтдай ёғар.

КЕТМА

Севгинг — бу умримнинг нурли кечаси,
Тилимда — ишқимнинг шеъри, ҳижоси.
Сенсан бу қўнглимнинг яқин чечаси,
Гўзалим, юзингни ўгириб кетма.

Ишқимиз тилларга тушди, ўтадир.
Бўйни мўрт бинафша синиб ётадир.
Балки бу ишқимиз бир кун битадир,
Шунда ҳам қўнглингни сен узоқ тутма.

Дерлар, ишқ йўлига кирган ҳеч қайтмас,
Ёмғирда ивимас — унга сув ўтмас.
Бошига тушмаган билмас, фарқ этмас,
Эй севгим, дунёда мени тарк этма!

КЎЛКАДА ҚОЛДИ

Айрилиб,
Қайрилиб, боқдинг-да кетдинг,
Юзимнинг ярмиси кўлкада қолди.

Учаркан йиқилдим,
Титраб-тўкилдим,
Юрагимнинг ярми кўлкада қолди.

Кутаркан, қон ютдим,
Соғиндим, битдим,
Бу ишқим бутунлай кўлкада қолди...



Георгий ГУЛИА

Фиръавн Эхнатон

САВДОГАР

Кенг, оқиш қум ётқизилган йўл савдо расталарига олиб борарди. Дўконлар йўлдан анчагина баландликка қурилган. Тик зинапоялар шундоққина йўл чеккасидан бошланиб дўконларнинг остонасигача давом этади. Дўконларнинг тепаси унча катта бўлмаган ойнали турар жой биноларидан иборат. Гарчи пойтахт эндигина қурилган ва саҳрода тикланган бўлса-да, ундаги савдо расталари Уасет, Меннофер, Эйнра ёки Саидаги машҳур савдо шахобчаларидан қолишмасди. Қаерлардан мол келмайди дейсиз? Кеми фиръавнининг номи маълум бўлган барча жойлардан моллар келарди бу ерга. Лекин унинг номи қаерда маълум эмас? Демак, бутун дунёдаги мол келади бу шаҳарга.

Бу ернинг хунармандлари ҳам ўз касбларининг усталари эди. Бежирим оёқ кийимлари, нозик матолар, ажойиб қурооллар, уй-рўзгор буюмлари, чинни, мис, бронза ва олтин идишлар Ахетатон фуқароларининг хизматига шай! Савдо расталари ёнида кўзинг ўйнайди. Дўконга кирсанг ундаги ҳар бир гўзал мол учун жонингни бергинг келади. Улуғвор ва қудратли Кеми давлатининг худо ярлақанган пойтахти Ахетатонда буюмларни ана шунақа чиройли ясашади.

Пазандачилиги ҳақида нима деса бўлади? Бўрсилдоқ бугдой нонлар, қовурилган ўрдак ва товуклар, мол гўшtidан тайёрланган кабоблар, оғизда эриб кетадиган ширинликлар, асалли конфетлар ҳам кўриниши, ҳам мазаси билан киши иштаҳасини очади, ҳавасни келтиради. Шунинг учун ҳам пойтахт дейишади-да! Ахетатон Уасетнинг ўзи биланки рақобатлашадиган бўлгандан кейин бошқа пойтахтларга у билан тенглашиш йўл бўлсин.

Ёноқлари қип-қизил, семиз, соқолли киши бобиллик савдогар Тахура ҳаммага эшиттириб бунга ўхшаш шаҳар ҳеч қайси мамлакатда йўқ деб айтди. У Ахетатон ўзини мафтун этганини, чиройи кўзини қамаштирганини, аёллари асир қилганини, ер юзининг турли жойларидан йиғилган эркакларига ҳам қўйил қолганини билдирди.

У Усерхетнинг дўқонида яхна чойни писта ҳолва билан роҳатланиб ичиб ўтирарди. Савдогар ўз юртида гўё майдонда гапираётгандек баланд овозда гапиришга одатланганди. Кеми аҳлига бундай бақриб гапириш энди ёқмасди, аммо осиеликнинг бу қилигини бошқа одатлари қатори кечиринишарди. Кеми бошқа, Осие бошқа-да. Савдогар бўйрада чордона қуриб ўтирар, Кемининг хушахлоқ кишилари ширинликлардан тотиниб жимгина ўтиришарди.

— Мен жуда кўп жойларда бўлганман, — маҳмадоналик қилди савдогар. — Кефтиу оролини беш қўлдай биламан. Иси оролини яёв кезганман. Шимолдаги Колхидада, сув қайнайдиган жойларда ҳам бўлганман. Каттаю кичик, узоғу яқиндаги жуда кўп шаҳарларни кўрганман. Лекин уларнинг ҳеч қайсиси Ахятига тенг келолмайди. Мен нималар деяпман ўзи?

Тахура ўтирганларга бир-бир қараб кўйди. Гўё уларнинг ҳар биридан бу саволни сўраётгандай ва жавоб кутаётгандай эди. У айниқса дўкон соҳиби, ўрта ёшлардаги сочи тақир олинган Усерхетга узоқ ва синчковлик билан тикилди.

Давоми. Боши олдинги сонда.

Бўйрада ўтирган мўйсафид деди:

— Ахяти яхши шаҳар. Бунга гап йўқ. Лекин гўзалликда ва катталиқда у билан рақобат қиладиган шаҳарлар кўп дунёда.

У барбарис қайлада пиширилган роз гўштини еб, муздеккина пиво ичарди. Унинг юзини шу қадар ажин босгандики, гўё бутун юзи теридан эмас, ажиндан иборатдай эди. Кўзларининг атрофларини ҳам ажин қоплаганди. Оғзи ҳам шу аҳволда, ҳатто лаблари кўринмайди. У қорачадан келган, лекин қоратанли эмас, худди қариб кетган пальма дарахтига ўхшайди.

Тахура энг арзон овқатларни еб ўтирган бу мўйсафидга қизиқиб қаради.

— Муҳтарам зот, — мурожаат этди унга савдогар, — сен бу ерлик бўлмасанг керак?

— Йўқ, айти шу ерликман.

— Ҳойнаҳой бу ерларда анчадан бери бўлмагансан.

— Топдинг. Мен дунёни жуда кўп кездим.

Усерхет хахолаб кулди. Ўзидан, ишларидан, яшашдан мамнун, оиласидан хотиржам, беғубор семиз одамлар куладигандек кулди. Дўкон соҳиби асал юқи кўлини ялади. У савдогар тош девор орқасидаги нарсаларни кўра олиш қобилиятига эғалигини, сафарларда юравериб кўзи пишиб кетганини, ундан ҳеч нарсани яшириб бўлмаслигини айтиб хушомад қилди...

Бу гапдан боши осмонга етган савдогар соқолини силади. Унинг ўзини тутиши чинакам осиелилигини кўрсатиб турарди. У ўзининг осиелик эканини яшириб ўтирмасди, қайтага гап оҳанги, ҳаракати билан буни таъкидлашга интиларди. У мўйсафидга қараб эҳтиром билан мурожаат этди.

— Кўриниб турибдими, сен жуда кўп нарсаларга ақли етадиган зот экансан. Тенги йўқ Ахяти билан баҳс бойлаша оладиган шаҳар қаерда бор экан?

— У ерда, — мўйсафид кўли билан ғарбни кўрсатди.

— У ерлар саҳродан иборат-ку, муҳтарам зот.

— Саҳронинг ўртасида. Бу дашту биёбонлардан анча нарида. У жойга жуда узоқ юрилади, сувсиз жойлардан ўтилади. Қанчадан-қанча мешларни сувга тўлдириб олган бўлсанг ҳам у ерга етгунча тамом бўлади. Бу йўлларга ҳеч қанақа оёқ кийими дош бермайди. Оёқ ҳам адои тамом бўлади.

— Муҳтарам зот, сиз айтаётган жойлар сувсиз тақир саҳро-ку. У ерларда ҳаёт йўқ.

Мўйсафид кулди:

— Шундай деб ўйлайсанми?

— Бунга ишонаман.

— Бекорга ишонасан! Чет эллик биродар, ҳар бир кучга қарши турган куч бўлади, ҳар бир гўзалликка бошқа гўзаллик ҳам пайдо бўлади. Дунё шундай қурилган. Фақат Палу далаларидагина ҳамма бир хилда нафас олади.

Энди савдогар эмас, мўйсафид ҳаммининг диққат марказида эди. Ҳақиқатан бир ақлли бошга қарши бошқа ақлли бош пайдо бўлганди. Кўпчилик овқатланишдан тўхтаб ўзаро суҳбатга берилишди. “Ғалати чол экан, — ўйлади савдогар. — Ким ўзи у? Турли қилиқлар билан одамларни кулдирадиган масҳарабозми? Ёки бир бурда нону озгина гўшт билан тирикчилик ўтказиб юрган дономи? Қани уни бир синаб кўрай-чи?”

— Чўлнинг бир тупкасида нима бор экан, муҳтарам зот? Биз суҳбат мавзудан бироз чекиндик шекилли?

Ҳамма сароблар ва қум бўронлари нарёғидаги мамлакат тўғрисида “Секин!” “Секин!” деган товушлар эшитилди. Қошиқларнинг тақиллаши ҳам эшитилмай қолди. Одамлар нафасларини ҳам ичларига ютишди.

— Мен буни айтиб бераман, айтиб бераман, — деди мўйсафид овқатдан кўзини узмай. — Бошқаларнинг гапига ишонмай ўзим кўрган, эшитган нарсаларни сўзлаб бераман. Ўшанда мен йигирма ёшда эдим, Дельгада яшардим. Бир куни худди сенга ўхшаган одамни учратиб қолдим (у савдогарга ишора қилди). Жаҳидан келган бу одам турли рангдаги ойналарни ясашга уста экан. Гулдай ҳунари устига афсунгарликдан ҳам хабари бор экан. Бу одам аёл жинсини жини ёқтирмас, ҳатто улардан нафратланарди. Эҳтимол, хотинлари уни қаттиқ ранжитишгандир? Буни биз ҳеч қачон аниқ билолмаймиз, чунки у ёруғ олами тарк этган, ҳаётлигида эса бу тўғрисида лом-мим деб оғиз очма-

ган. Мана шу забардаст одам мени номаълум мамлакатга, одамлари биздан барвастароқ ва соғломроқ, зулм ўрнини яхшилик эгаллаган, инсонга муҳаббат ҳамма нарсадан кўпроқ эъозланган мамлакатга бирга бориб келишни таклиф этди. Мен ундан Палу боғларини эслатадиган бундай мамлакат қаердалигини сўрадим. Шунда у кунчиқар томонни, қум бўронлари қутирадиган, саробдек йилтиллаб турган саҳронинг орқа томонини кўрсатди. Мен унинг гапига ишондим. Зеро, у мен учун пайғамбарлар юрти Исроилдаги пайғамбар мақомида эди.

— Сен у билан бирга кетдингми? — чидолмай сўради савдогар.

— Ҳа!

— Номаълум саҳрога-я?

— Ҳа.

— Икки киши-я?

— Йўқ. Биз билан бирга бошқалар ҳам бор эди. Бир неча ўтюррак одамлар бор эди.

— Манзилга етиб бордингизларми?

— Ҳа.

— Соппа-соғ-а?

— Йўқ. Жигарларимиз қуриб қолди. Кўзимизни очолмасдик. Аъзойи баданимиз қорақўтир бўлиб кетди. Ёлғиз менгина ўша мамлакатга етиб олдим, ҳаммасини ўз кўзим билан кўриб, қулоқларим билан эшитдим. Ҳамроҳларим чўлу биёбонларда қолиб кетишди. Улар жазирама ва сувсизликка чидаш беролмай ҳалок бўлишди.

— Нималар бор экан у ерда? Нималар боракан? — сабри чидамай сўрарди савдогар.

Дўкон соҳиби ҳам шошилиб деди: — Юрагим қинидан чиқиб кетай деяпти. Одамни қийнамай гапирақол, муҳтарам зот!

— Мен ҳаммасини гапириб бераман. — Мўйсафид бамисоли анчадан бери овқат емаган одамдай қошиқни ялади. Бунга ҳамма эътибор берди. Мўйсафиднинг бу ишидан сўнг ўтирганлар унинг донишманд ва тажрибали одам эканлигига шубҳалана бошлашди. Ахир донишманд одам қошиқ ялаб ўтирадими? Лекин тез орада донишмандлар бошқа нарсаларга ҳам қодир эканликларига ишонч ҳосил қилишди. Мўйсафид гапини давом эттирди: — Биз Такефт деб аталадиган жойга етиб келдик.

Бу ажойиб шаҳарда ҳамманинг кўз ўнгида ўлишни мўлжаллаб судралиб етиб олдик. Мен худди ёш болалардай эмаклаб юрардим. Тиззаларимдан қон ва йиринг оқарди. Мен худди тушдагидек “Қутқаринглар!” деб қичқирибман-у ҳушимдан кетибман. Мени нарироқдан ўтиб кетаётган карвон қутқариб қолибди. Карвондагилар мени Тапе деган жойга келтиришибди. Одамлари жудаям норғул, икки қулоқ ўрнига қулоқлари учтадан экан.

— Учта қулоқ?! Иккита ўрнига учта? Учинчиси қаерда экан? — ҳар томондан овозлар эшитилди.

— Учинчи қулоқми? — мўйсафид жимжилоғи билан бурнининг учини қичиб қўйди. Учинчиси мана бу ерда.

У шундай деб ўз ёнида ўтирган йигитнинг орқасини кўрсатди.

Дўконда ўтирганларнинг ҳар бири ҳайронликларини ифодаловчи хитоблар қилишди. Савдогардан бошқа ҳамма ҳайрон эди. У эса мўйлабини бураганча кулимсираб ўтирарди. Қуюқ қошлари остидаги қоп-қора кўзлари ҳам куларди. Савдогар ё бу гапни босиб кетадиган янгиликдан хабардор ё бўлмаса мўйсафиднинг бирор сўзига ишонмаётганди.

“...Мўйсафид азқотиб қолиши мумкин, бундай одамлар доимо керак бўлишади. Маълум вақтларда булар жуда катта фойда келтириши эҳтимолдан ҳоли эмас.”

Савдогар Тахура мўйсафид учун қовурилган қип-қизил қайлали яримта ғоз келтиришларини буюрди.

Мўйсафид худди шундай бўлиши керакдай бошини енгил таъзим қилиб ташаккур билдирди. У ғознинг нозик қанотини узиб олди-да, сўз қотди.

— Мана шу нарса менга етишмайроқ турувди! Чет эллик биродар, сенга маълум бўлсинки, мен яхшигина тарбия кўрган, яшаган одамман. Шундай

вақтлар бўлганки, менга Иси оролидан ноз-неъматлар, Кефтиу оролидан ба-лиқлар келтиришган. Мен улардан худди бувамга ўхшаш оз-моздан тотинар-дим. Лекин Та-кефтга қилинган сафар мени очофат, доимий оч бўрига ай-лантирди. Бобиллик савдогар шошиб-пишиб ейилаётган ғоз гўштидан бўша-ган суяклар у ёқдан бу ёққа отилаётганини ўз кўзлари билан кўрди. Утирган-ларнинг ҳаммаси ҳам ичларида мўйсафиднинг тишлари одамзод тиши эмас, ғалла янчадиган тегирмоннинг ўзи-ку деган хаёлга бордилар. Мўйсафид қову-рилган мазали ғозни еяётган вақтда ҳеч ким уни саволга тутмади.

Ғоз гўшти пок-покиза туширилгач, савдогар сўради:

— Муҳтарам зот, исмингни билсам бўладими?

— Бўлади.

Лекин исмини барибир айтмади. Бобиллик одам бироз кутиш лозимлиги-ни англади.

Куннинг қизигани сал пасайди. Тушлик маҳали тугаган эди. Хўрандалар ўринларидан туриб ўз юмушларига кетишди. Дўкон бўшаб қолди ҳисоб. Кеч-ки овқат маҳалигача энди бу ерда тинчлик ҳукмрон бўлади. Фақат ошхонада олов липиллар, ошпазларгина хўрандаларга кечки овқатланиш учун янги ов-қатлар тайёрлаш таралдудига тушганди. Мўйсафид ҳам бўйрадан туриб савдо-гар ёнига келди.

— Сенга раҳмат, — деди у. Худди сарой аъёни фиръавнга таъзим қилган-дек эгилиб таъзим қилди. Мўйсафиднинг қўлларидаги бармоқлари ҳам, оёқла-ридаги бармоқлари ҳам худди аслзодаларникидек узун ва нозик эди.

— Чет элик биродар, сен ўзингни гўзал ўлкангнинг ҳақиқий фарзанди сифатида тутдинг. Мен уни биламан. Сенга айтиб қўяй. Мен Гемипетнинг ўгли Сеннеферман. Сап шаҳрида турардик. Дельтада бўлганларнинг барчаси уй-мизнинг ажойблигидан боҳабар. Лекин буларнинг ҳаммаси илгари бўлган. Мени жонажон муҳитимдан айирганлар. Кеми менга ўтай онадай бир гап. Мени би-рор бегона сахрою биёбонда дафн этишларини ўйлаб турибман.

Усерхет савдогарга мурожаат қилиб деди:

— Жаноб, ўз қисматидан нолийдиган одамлардан яна бири мана бу зот.

— Йўқ, ундай эмас! — эътироз билдирди, мўйсафид.

— Нега йўқ деяпсиз? — деди Усерхет. — Ахир ўз қисматингиздан нолига-нингизни ҳозиргина эшитдик-ку.

— Эшитдингиз-у дарров сотмоқчимисизлар?

— Йўқ-э. — Усерхет қасам ичишга ҳам тайёр эди. — Усерхет айғоқчию унинг дўкони айғоқчилар макони эмас-ку.

— Тўғри, — деди савдогар мўйсафидга тикилиб. — Усерхет ҳалол ва бао-доб одам.

Мўйсафид чамаси хотиржам бўлганди:

— Сизлар билан ҳазиллашиб ҳам бўлмас экан-ку. Замон қалтис... Лекин бу ҳаёт деганлари қачон хотиржам ва осойишта бўлганини ҳеч ким билмайди, эслай олмайман. Хуфу замонидамикин?..

Савдогар кўзини ундан узмади. Йўқ, бу оддий мўйсафид эмас. Шунчаки чол эмас. Териси тарашадай қотган бу одам анойи одамлардан эмаслигини билиш учун кароматчи бўлиш ҳам шарт эмас. Нутқи, ҳаракатлари, ўзини ту-тиши у ҳамма вақт ҳозиргидек бечораҳол аҳволда бўлмаганлигидан дарак бе-ради. Унинг сўзларидаги норозилик аломатлари-чи? Кемидаги жуда кўп одамлар каби у ҳам норози. Дельтадаги ва бошқа жуда кўп жойлардаги каби.

Мўйсафид кетишга отланди. Усерхет унга қовирилган қовоқ уруғидан берди.

“Немху ҳозирги пайтда шикоят қилмайди, — Тахура мулоҳаза юритишда давом этди. — Улар ҳозир иззат-ҳурматда. Демак, бу мўйсафид Сеннефер но-илож қолган немхулардан. Аслида у шубҳасиз аслзода зотлардан. Бунни яши-риб ҳам ўтиргани йўқ”. Савдогар шундай хулосага келиб Сеннеферни остона-гача кузатиб қўйиш мақсадида ўрнидан турди. Остонага яқинлашганда куло-гига шивирлади.

— Муҳтарам зот, сени яна бир кўришни истайман.

Мўйсафид ўйланиб қолди.

— Биласанми, жудаям хоҳлайман бунни.

— Яхши! — Мўйсафид бош қимирлатди. Мен даҳмага кетаверишдаги охирги мавзеда яшайман. Охирги мавзе, охирги уй. Сеннеферни сўрайсан.

— Сеннеферни? — сўради савдогар.

— Ҳа.

Мўйсафид шундай деб дўкондан чиқди. Тахура дўкон эгасига мурожаат этди:

— Усерхет, сен бу мўйсафидни биласанми?

— У баъзида дўкончамга кириб туради.

— Овқатланганими?

— Ҳа. У пулини анча олдин тўлаб қўяди.

— Нега?

— Ўз вақтида тўлай олишига кўзи етмайди.

Хўжайин дўконни йиғиштиришни буюрди. Хизматкорлардан иккитаси унинг амрини бажаришга киришишди. Қотмадан келган чаққон йигитлар билиб-билиб ва эпчил ҳаракат қилишарди.

— Менинг хонамга юр, — таклиф қилди савдогарни Усерхет. — Бир чаққоқлашайлик.

— Ваъда қилинган қиз қани, Усерхет?

— Мен сўзимнинг устидан чиқадиган одамман, Тахура. Ҳамма нарсанинг ўз вақти-соати бор.

Савдогар ҳозир айна ишрат қиладиган пайтлигини айтди. Кейин вақт топилмайди. Иш кўп. Лекин дўкон хўжайини матодан парда ташлаб қўйилган томонга маънодор ишора қилиб, уни хотиржам этди. У ерда нимадир борлиги маълум бўлди. Осиёликнинг бурун катаклари буқаларникидек кенгайди.

— Ўша ердами?

— Ҳа, ўша ерда.

— Ёшми?

— Мендан буни сўраб ўтиришмайди.

— Усерхет, тезроқ бориб дилкашлаша қолайлик. Келақол, у ёқ-бу ёқдан валақлашамиз. Ваъда қилинган қизни кўрсатгунигча нима десанг ҳам қила-вераман! Усерхет, баданларим ёниб кетаяпти.

Савдогар сирли пардадан зўрға кўзини олди, кўшни хонага чиқиб юмшоққина ўринга чўзилди. Бу ердаги барча нарсалар худди ўз уйидагидек шинам, нимқоронғи, гулхоналардагидек хушбўй ҳид таратарди.

— Эй, Усерхет, — нола қилди савдогар, — кел, гаплашақолайлик. Менга пиво ёки шароб келтир. Мени адо қилишни истамасанг тезроқ келтирақол!

Улар ўтиришгач, хўжайин ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиб кулимсираб деди:

— Тахура, нега сиз, осиеликлар, бунчалик енгилтакроқсизлар?

— Биз? Енгилтакроқ? Нега бундай деяпсан?

— Аввал озроқдан шароб ичиб олайлик, — деди Усерхет, қип-қизил шаробни қадаҳларга қуяркан. Унинг кўзлари йилтилар, қорни диркиллаб турарди.

— Йўқ, сен айтгин-чи, нега бизни енгилтак деяпсан?

— Айтаман. Аёл киши деса ўзингизни томдан ташлайсизлар.

Тахура кўзларини чақчайтирди.

— Бўлмаса қандай бўлмоғи керак?

— Аксинча?

— Демак, аввал иш бўлиши керак экан-да.

— Шубҳасиз, ҳурматли Тахура.

Бобиллик соқолини қиртишлади.

— Сиз Кеми аҳолиси, — деди савдогар, — ҳаддан ташқари ишчансизлар. Бу нарса қачонлардир сизларни хароб қилади. Ўзинг менга айт-чи: Ахир гўзаллар билан дийдорлашувни ҳар қанча фойда келтирса ҳам савдо иши билан солиштириб бўладими?

Дўкон хўжайини дарҳол жавоб берди.

— Бўлади.

— Жиддий гапиряпсанми?

— Ҳа. Жиддий.

Савдогар қорнини ушлаганча узоқ кулди. “У болаларча енгилтаклик қиялтиги, — деди ичида Усерхет. — Уни беш қўлдай биламан. Иш учун отасини ҳам аямайди. Шухратпарастлиги иш ҳисобига ўйинқароқлик қилишини бўйнига олишига йўл қўймайди.

Усерхет ишчанликнинг ўйинқароқликдан афзаллиги устида баҳс юритишни маънисиз деб биларди. Устига-устак, осиеликнинг сўзи бир-у иши бошқа бўлади. Тўғри, Кемида характери осиеликларга ўхшаб кетадиганлар талайгина. Масалан, тақирбошликлар. Улар Атон ёки Амонга сифинишади. Барибир дўкон соҳибига қойил қолиш керак. У ҳар ҳолда миллий чекланганликдан юқори-роққа кўтарилди олди. Осиеликларнинг унга ёқмай турган томони уларнинг покиза эмасликлари эди. Улар аҳён-аҳёндагина ювинишар, соқолларини олишмасди. “Уч йилда Ахятига ўхшаган шаҳарлар қурилиб турган бизнинг асримизда бадан, айниқса қўлларни тоза тутмаслик гуноҳи азим”. Ҳатто Кемига тез-тез келиб кетадиган мана Тахура ҳам баданни тоза тутишдек яхши одатни ҳалигача расм қилгани йўқ. Тахуранинг асосий хусусияти айёрлик. Бу унинг ҳар бир нарсасида, ҳатто ипак халати, гўштдор бармоқлари ва силлиқ соқолида ҳам кўриниб туради...

Тахура бирданига ўзгариб қолди, кулишни бас қилди, тўғри ўтириб қўлларини тиззасига қўйди. Узоқ-узоқларга назар ташлаётгандек кўзларини қисиб қаради.

— Усерхет, — деди у жуда секин, — Ахятида нималар бўлаётганини гапириб бер. Саройда қандай янгилик? Халқ ичида қандай гаплар?

Усерхет шаробдан бир хўплади. Сўнг қадаҳни жойига қўйди. Орадан бироз вақт ўтди. Дўкон соҳиби жавобини ўйлаб олди.

— Сенга нимасини айтай? — бошлади у. — Фиръавннинг гапи гап. Унинг кучига тенг келадиган куч йўқ.

— Буни мен биламан, — унинг гапини бўлди савдогар.

— Унинг кучига тенг келадиган куч йўқ. Ўзи бу ердаю овозаси ҳаммаёқни қоплаган. Қуйи Ретенуда ҳам, Ливияда ҳам унинг буйруғи ҳукмрон.

— Буни ҳам биламан, Усерхет.

— ...Ретенуда ҳам, Ливияда ҳам, — бамайлихотир сўзида давом этди дўкондор. — Лекин сен мендан нима учун жаноб олийлари Хеттларга қарши Ретенудаги осиеликларга қарши, ҳабашларга қарши уруш очилаяпти деб сўрамоқчисан?

— Тўғри, сўрамоқчиман, нега шундай, Усерхет?

— У буни хоҳламайди.

— Ким?

— Ҳаёт, саломатлик, куч тимсоли жаноб олийлари.

— Унинг ўзими?

— Йўқ, Тахура, жаноби олиялари ҳам урушни хоҳламайди.

— Мана шу асосийси.

— Йўқ, Тахура! Фиръавннинг урушни хоҳламаслиги асосий нарса.

— Сенга саройда икки хил фикр бордай туюлмайдими?

— Тўғри, икки хил фикр бор.

— Ким уруш тарафдори?

— Жаноб Хоремхеб.

— Унинг ўзими?

— Йўқ, Тахура. Фиръавн ўз фикрини ўзгартириб қилич кўтариб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

— У ҳолда нега сусткашлик қилади?

— Урушни хоҳламайди.

— У маликанинг ақли билан яшайдими, Усерхет?

— Фиръавнми? — хитоб қилди дўкондор. — Ҳеч қачон. Бунинг учун уни озгина билиш кифоя қилади.

— Сен уни биласанми?

— Одамларнинг гаплари бўйича. Назаримда у менинг кафтимда тургандай, истаган маҳалимда унга қараб турадигандайман. Унга қараб фиръавн тимсоҳ оғзидаги одамдай қийналаётганини кўриб турибман.

Савдогар ўзини ҳайрон бўлган одамдай тутди.

— Шундайми? Елкасида бутун Кемидор турган одамга шунчалик қийинми?

— Ҳа, Тахура, ишончли одамлардан эшитишимга қараганда, саройдаги барча нарсалар ҳам жойида эмас. Четдан қараганда ҳамма нарса рисоладагидек: деворлар ўтиб бўлмас даражада баланд ва мустаҳкам, минораларда мамлакат байроғи ҳилпирайди, соқчилар саройни сергаклик билан қўриқлашади. Буларнинг ҳаммаси ташқи томондан кўриниши. Ичидан эса путур кетган.

— Путур кетган дейсанми, Усерхет?

— Бошқача қандай аташ мумкин? Ҳукмдорнинг кўнгли маликадан совиған. Унинг маслаҳатларига қулоқ осмайди. Ўз калласи билан иш юритади. У тез орада уруш бошлайди. Яқин орада Амонни ҳам эътироф этади.

— Жаноб олийлари?

— Унинг ўзи.

Савдогар ҳайронликдан қўлларини ёйди. Бу мумкин эмас! Эртатонга ўхшайди. Эхнатон жаноб олийлари малика Нафтита маслаҳатларига қулоқ солмаслиги ишониб бўлмайдиган бир ҳолат.

— Ҳа, ҳа, худди шундай, — деди дўкондор.

— Қандай ҳодиса рўй берди? Нега у хафа?

Бунинг асл моҳиятини ҳеч ким билмайди. Эҳтимол, бу одатдаги бир араздир. Илгари, ҳа, шундай бўлган эди. Жуда кам одамларгина буни фаҳмлаганди. Энди эса яширишнинг иложи йўқ. Кимдан, қандай яширасан? Ўзлари яширишни исташмаса, яшириб бўлармиди?

Савдогар бу ахборотдан ҳайрон бўлди... Шундай бўлса бўлгандир-да! Эҳтимол. У бу томонга, Ахетатонга келмасидан олдин, Гошен вилоятида юрганида ҳам ўйлаган эди. Халқ дардига қулоқ солсанг кўп нарса шундоққина аён бўлади қолади. Ҳа, саройда нимадир дарз кетгандай туюлади.

Мен бу гапларни кўзгуда кўриб тургандай аниқ-тиниқ айтаяпман, — дўкондор ҳамма нарсадан хабардорлигидан мақтаниб сўз қотди. — Усерхет айтдим, ишонавер.

— Эшитаман сени, эшитаяпман.

— Шарқий тоғда мақбара қуришяпти. Малика учун. Кечасию кундузи тинмай қояни қулатишяпти. Бу жойни фиръавннинг ўзи танлади. Маликага қуриладиган мақбара учун жойни ҳам ҳукмдорнинг ўзи танлаган. Лекин бу ерда иш тўхтаган.

— Фиръавннинг мақбарасидами?

— Йўқ. Малика Нафтитанинг мақбарасида.

— Бу қизиқ-ку, Усерхет, жуда қизиқ. Агар бу гапларни сен айтмаганингда ҳеч қачон ишонмаган бўлардим.

Бу янгилик эмас. Кимнинг кўзию қулоғи бўлса ва саройдан унчалик узоқ бўлмаса буни биледи. Мақбара ҳақидаги гапни эса ҳеч ким билмайди. Буни фақат Усерхетгина биледи холос.

Савдогар кенг белбоғидан тўртбурчак қўйма олтин чиқариб секингина дўкондорнинг олдига кўйди. Бироздан сўнг эса вавилонлик белбоғидан қумуш пластинка олди. Дўкондор кўкимтир маъданни кўриб титраб кетди.

— О, мен нимани кўряпман! — хитоб қилди у. — Сахийлигингни унутмайман, Тахура!

Савдогар соқолини силади. У дўкондорнинг гапини эшитмасди. Уни хаёл олиб кетди...

“...Демак, нималар рўй беряпти ўзи? Пойтахт янги, низолар эса ўша-ўша. Хетт шоҳи Ахетатонда аҳиллик ҳукм суради деб ўйлайди. Аслида тамомила аксинча экан. Бу Усерхет кўп нарсадан бохабар. У бирор маротаба ҳам панд бермаган. Дўконига ҳар хил одамлар киришади ва турли хабарлар билан ўртоқлашишади. Ҳар хил фикрлар солиштирилганда ҳақиқий ҳолат маълум бўлади. Малика мақбарасида ишнинг тўхтатилиши биринчи даражали муҳим воқеа. Бунинг оқибати қандай тугайди? Ҳукмдор билан малика ўртасидаги муносабат бундан бир йил аввалгидан бошқача эканлигини инкор этиб бўлмайди. Хоремхеб тарафдорлари саройдаги ҳарбийлар чамаси зафар кучишяпти. Лекин бу зафар ҳали салмоқдорми, йўқми? Бу шунчаки бир гапми ёхуд амалда шундайми? Ким буни айта олади. Нима бўлганда ҳам бу янгилик гоят улкан аҳамият

касб этади. Хеттлар — Кемининг асосий душманлари бу ҳолатни билишадими йўқми? Эҳтимол, фаҳмлашаётгандир. Ҳарқалай, бундан ортиқ эмас...”

— Усерхет, — деди савдогар, — агар мақбарадаги ишлар янгитдан бошланса сени бундан хабардор қилишадими?

— Мен билишим лозим бўлган барча нарсаларни била оламан.

— Шундай ҳол рўй берса мен қаерда бўлишимдан қатъий назар, хабар берасанми?

— Хотиржам бўлишинг мумкин, Тахура.

Савдогарни сарой ҳаётининг яна бошқа тафсилотлари ҳам қизиқтирарди. Масалан, ҳукмдорнинг катта хотини Тин қайси тарафда. Ахир унинг гапи Кемиде салмоқли-ку, шундай эмасми? Ҳатто ҳукмдор олдида кимнинг таъсири кучлироқ — Тинми ёки Нафтитами?..

Усерхет айтди:

— Мен шундай фикрдаманки, агар саройда келишмовчилик рўй берса Тин Нафтита тарафига ўтиб кетади. Ёхуд малика Тин бетараф бўлиб олади.

— Коҳин Эйе-чи? У ҳақда нима дея оласан?

Дўкондорнинг жавоби ҳамма вақт тайёр:

— Эйе ҳукмдорни ўз измида ушлаб турибди. — Усерхет гўштдор муштини маҳкам қисиб кўрсатди. — Эйенинг айтгани айтган, дегани деган. У фиръавннинг отасидай гап. Ҳукмдор ҳар бир ишни у билан маслаҳатлашиб қилади. Эйе ҳамма вақт ўзини панада тутуди, Хоремхеб сингари ўзини кўрсатавермайди.

Яна икки нарса Тахурани қизиқтирарди. Шахзодалар Семнех ва Тутанхатон нима иш қилишаяпти? Улар ҳокимиятни эгаллашни мўлжаллаяптими?..

— Семнех, эҳтимол шундай фикрда бўлиши мумкин. Тутанхатон эса ҳали жудаям ёш. Шахзода Семнехни қарийб фиръавн деб ҳисоблашинг мумкин. У иккинчи ҳукмдор этиб тайинланиши ҳам мумкин. Амалда бўлмаса-да, сўзда. Эҳтимол, бунга унинг саломатлиги тўғри келмас.

— Нима, у касалмандми?

— Йўқ, касал эмас, нимжон. Касал эмас-у касалдай. Тутанхатон ҳам шундайроқ. Бунинг устига ҳали гўдак.

— У ҳам нимжонми?

— Ҳа.

— Уни ўзинг кўрганмисан ёки бошқаларнинг гапига қараб гапиряпсанми?

— Дўкондор икки бармоғини кўзлари устига қўйди.

— Шу кўзларим билан кўрганман! Тахурага қизил томирлари кўриниб турган бу кўзлар таниш эди. Бу кўзлар билан кўп нарсаларни кўриш мумкин.

— Яхши, Усерхет. Мен сендан мамнунман.

Дўкондор чапак чалди, остонада ёш гўзал қиз пайдо бўлди. У ўн саккизга ҳам бормаган эди. Унинг киндиги мисранг қорнини туртиб турарди, лекин кўзлари сипо эди, майда ўрилган сочлари елкаларига ташланган. Кўкраклари бамисоли нокдай таранг. Қўлида унча катта бўлмаган арфа чолғу асбобини ушлаб турарди.

Қизнинг бениҳоя гўзаллиги савдогарни бир дақиқа эсанкиратиб қўйди. У хонага гўё чақмоқдай кириб келган эди. Савдогар худди эртақлардагидек қизга тикилиб турарди...

— Унинг исми Маи, — деди Усерхет.

— Гўзал исм. Қўлидаги нарса нима?

— Бу олтин арфада чалишда Ахятида унга тенг келадиган чолғучи йўқ.

Осиёлик гўзал қизга ҳайратланиб қаради, томирлари ўйнаб кетди. Дўкондор ҳаммасини кўриб, тушуниб турарди. У ўрнидан туриб чиқиб кетмоқчи бўлди. Лекин савдогар уни тўхтатди.

— Усерхет, — деди у тўлқинланиб, — Маи ўз вақтида кирди. У қоғоз ва ёзув ашёларини олиб келмасмикин?

— Қоғоз? — чўзиб гапирди дўкондор.

— Озроқ бўлсаям бўлар.

Усерхет гўзалга имо қилгач, у чиқиб кетди.

— Сенга нима зарур бўлса, муҳайё қиламан.

Дўкондор қоғоз ва ёзув ашёлари келтириш учун чиқиб кетди.

ҲАЙКАЛТАРОШ ЖЕХУТИМЕС

— Жаноб Усерхет! Жаноб Усерхет!

Дўқондор қўлидаги унча оғир бўлмаган юкни курсичага қўяр-қўймас шу овозни эшитиб қолди. Бу овоз кимга тегишли эканлигини англолмай бир дақиқа анграйиб қолди. Агар ҳар қандай овозга лаббай деб чопаверсанг оёқда оёқ қоладими, оёқ кийими чидайдами?..

— Сени чақирисяпти, — деди савдогар.

— Эшитаяпман. Бу ерда бошқа одамлар ҳам бор...

Дўқондор қаддини ростлади, қўлини кенг кийими ичидаги белбоғига артди.

Ошхона хизматчиси бўлган қул ҳовлиқиб кириб келди. Лаби лабига тегмай чинқирди:

— Муҳтарам Жехутимес! Муҳтарам...

Хўжайин уни гапиртиргани қўймади. Орқасига бир шапалоқ урди. У хонадан қочиб чиқиб кетди...

— Эй, муҳтарам Тахура. Бу жаноби олийларининг ҳайкалтароши. Жехутимеснинг ўзлари!

Усерхет чопиб чиқиб кетди. У худди хўжайини чақиригига чопадиган лайчага ўхшарди. Савдогар қалам билан қулоғининг орқасини қашиди. У Ахятидаги янгиликлар тўғрисида ахборотнома ёзгани маъқулроқми ёки буни вақтинчага тўхтаб ҳайкалтарош билан танишганим дурустми деб чамалаб кўрди. Савдогар иккинчи йўлни танлади.

“...Бу ҳайкалтарош маликалар ҳузурига кира олади. Бундай одам билан ҳар куни учрашавермайди-ку”.

У янги учрашув ўзига азқотиб қолишини ҳали тасаввур ҳам этолмасди. Лекин тажриба мураккаб ва нозик масалаларда ҳар бир танишувдан фойдаланиш, айниқса бундай нуфузли одам билан яқинлашиш фойдадан ҳоли эмаслигини кўрсатарди. Ҳозирча унга номаълум Жехутимес шоҳга яқинлигининг ўзи етарли эди. Шахзодадай гап. Фиръавннинг ҳайкалини ишлайдиган одам бу кўримсиз дўқончада нима қилиб юрибдийкин? Бу жуда қизиқ эди. Қизиқувчанлигига келганда Тахурага етадигани бўлмайди. Ҳамма нарса унинг учун муҳим. Ахир хетт ҳомийлари уни шу хусусияти учун қадрлашмайди? Ҳа, шу хусусияти, айти шу хусусияти учун қадрлашади!..

Савдогар юпқа қоғоз ўрамини бир томонга қўйди. Секингина ўрнидан туриб, соқоли ва кийим-бошини тузатди. Ва улуг мартабали одамлардек савлат тўкиб шошилмай эшикка йўналди.

Дўқоннинг ўртасида учта эркак турарди. Улардан бири — кенг елкали чорпахилдан келган қора соқолли одамга дўқондор ғоят тавозе билан мулозимат кўрсатарди.

— Муҳтарам Жехутимес ҳар қачонгидек нимани истасалар барчаси муҳайё бўлади, — семиз дўқондор гапирмаётганди, гўё қушчалардек ашула айтаётганди.

Жехутимес уялибгина жим турарди.

— Нима кераклигини биламан: қовуриб асалга қорилган ёнғоқ, кирсиллайдиган лочира.

Ҳайкалтарош болаларча беғубор қулди. У Усерхетнинг муомиласидан чамаси жуда мамнун эди. У шериклари билан кўз уриштириб қўйди, тилини ялади-да, деди:

— Шунинг учун ҳам шу дўқонни хуш кўраман-да. Сени дарҳол тушунишади. Бир оғиз сўз айтмасанг ҳам тушунишади.

Усерхет ҳайкалтарошга таъзим қилди. Уни пастаккина думалоқ столча атрофига ўтиришга таклиф этди. Унинг дўстларидан бири — бизга таниш бўлган Ахтой шап этиб ўзини бўйрага ташлаб нола қилди:

— Мен чарчаб кетдим. Жудаям...

Ахтойнинг кетидан Жехутимес ва Тихотеп (ҳайкалтарошнинг иккинчи шеригини шундай аташарди) ҳам бўйрага чўкишди. Жойлашиб олишгач улар столчани кафтлари билан чала бошлашди-да, бараварига:

— Усерхет, Усерхет, келтирақол тезроқ, келтирақол!.. — деб жўр бўлишди.

— Аждодларим руҳи билан қасам ичаманки, мен сизларчалик қувноқ одамларни ҳеч қачон кўрмаганман!

Тахура кўлини кўксига қўйиб Жехутимесга эгилиб таъзим қилди. У кўзини ҳайкалтарошдан узмайди. Ҳутирганлар столни тақиллатишни тўхтатишди. Савдогарга қараб энгил таъзим қилишди. Савдогар айтди:

— Номи Кемидан ташқариларда ҳам машҳур бўлган муҳтарам Жехутимес! Оддий сўзлар, чечан бўлмаган тилим билан сенга, сенинг беқиёс талантингга чуқур ҳурматимни баён этай.

Жехутимес ҳайрон эди. Сўзидан чет эл фуқароси эканлиги кўриниб турган бу одамнинг гапидан ҳам уялар, ҳам хурсанд бўларди. Ахир сенинг доврўгинг мамлакат сарҳадларидан ташқарига кетган бўлса нимаси ёмон?

— Ташаккур, — жавоб берди Жехутимес. — Мен сени танимаيمان, лекин билиб турибманки, хорижлик меҳмонсан.

— Тўғри топдинг. Кўзинг ўтқир экан, ҳеч нарсани сендан яшириб бўлмас экан. Сенинг хизматингга санъат ва барча гўзалликлар шайдоси, Бобил тупроғига унчалик муносиб бўлмаган ўғлони Тахура тайёр. Гарчи савдогарлик касби ҳамма вақт ҳам санъат дурдоналари билан ошно бўлишни тақозо этолмаса-да, аҳён-аҳёнда мўйқалам усталари ва ҳайкалтарошларнинг асарлари билан завқланишга имкон топаман.

Бундай хушмуомила, басавлат одамни, устига-уштак, чет эллик санъат шайдосини дастурхонга таклиф қилмаслик асло мумкин эмасди. Шундай қилиб Тахура бу ердаги йигитлар даврасига келиб кўшилди. Унга юқоридан жой кўрсатишди. Азбаройи мамнунлигидан у ҳадеб икки кўли билан соқолини силар, кўзини олайтириб ҳар томонга қарар, қаттиқ-қаттиқ томоқ қирарди...

— Сен тўғрингда кўп гапларни эшитганман... — деди Жехутимесга мурожаат этиб.

— Ёмон гапларними, яхши гапларними?

— Фақат яхши гапларни, ажойиб гапларни!

Ҳайкалтарош қиз болалардек қизариб кетди. Унча таниш бўлмаган одамнинг мақтовларидан қизарди.

Ахтой сўз қотди:

— Ҳурматли Тахура, бизнинг Жехутимеснинг истеъдоди ва маҳоратини тўлиқ ифодалай оладиган сўзни топиш қийин. У ёш бўлса-да, бизга бош.

— Фиръавннинг ўзи уни улўғ ҳайкалтарош деб билади.

— Фиръавннинг ўзи? Фиръавн? — қайтарарди савдогар. У кўзларини ҳайкалтарошдан узмасди, бу кўзлар ҳозир гўё ёнарди!

Ахтой чет эллик одамнинг гапи бежиз эмаслигини кўрсатиб қўйиш ва ёқимлироқ бирор гап айтиш учун бошлигини обдон мақтади.

Тихотеп Ахтойни қувватлади. Тўғри, Кемида Жехутимесга тенг келадиган ҳайкалтарош йўқ. Таъбир жоиз бўлса, бутун оламда йўқ бунақаси. Бу ҳайкалтарошнинг асарига тенг келадиган бошқа ҳайкални ким кўрган ўзи? Тихотеп савдогарга тикилди: Ким?

Савдогар қўлларини ёйди.

— Мен дунёни кезган одамман. Зеро савдо қилиш мумкин бўлган ва савдо қилиш мумкин бўлмаган жойларда ҳам тирикчилик қилганман.

Жехутимес кулди.

— Наҳотки, савдо қилиш мумкин бўлмаган жойларда ҳам савдо қилган бўлсанг?

— Нима бўпти? Мумкин бўлмаган жойларда ҳам савдо қиламан.

Ахтой ва Тихотеп азбаройи кулаверишганидан йиқилай деб қолишди.

“...Булар жуда қувноқ одамлар экан. Худолар номи билан қасам ичаманки, мен бундай ҳаётсевар одамларни жуда кам учратганман. Фақат бахтли одамларгина бундай беғубор кула олишлари мумкин. Наҳотки тошдан ясалаётган асарлар уларга шунчалик лаззат бағишласа.

Яқинда Тахурага рўбарў қилинган қиз Маи ширинликлар келтириб меҳмонлар олдига тахсимчалар қўйди.

— Сизларни шароб билан меҳмон қилишга ижозат беринглар. Мен кучи ва мазаси билан сизларни ҳайрон қолдирадиган ажойиб шаробдан келтирганман. Биз бобилликлар шаробнинг кучини ҳам, мазасини ҳам қадрлаймиз.

— Шундайми? — сўради Жехумитес дўкондорга мурожаат этиб.

— Шаробнинг ажойибими?

— Ҳа.

— Тўғри, жаноблар, бу шароб шундайки, фақат ичишга ярайди. У юракка ҳам дармон бўлади, бошни ҳам заррача огритмайди.

— Бўлмаса жудаям зўр экан-да! — хитоб қилди Ахтой.

Маи шароб келтириб, қадаҳларга қуйди. Ҳамма унинг ажойиб шароб эканлигига тан берди.

— Қаернинг шароби? — қизиқди Жехутимес.

— Бу сир, — Тахура маънодор боқиб. — Мен савдогар эканлигимни унутманг, савдогарлик менинг ҳунарим. Дунёни кезиб юраман.

— Шароб қидирибми? — деди Ахтой.

— Фақатгина шароб эмас.

Тихотеп Маи билан нималарнидир шивирлашди. Тихотеп дўконга илк бор келиши бўлмаса-да, уни биринчи маротаба кўриб турганди. Ким у? Анчадан бери шу дўкондами? Биринчи саволга қиз жавоб бермади. Иккинчи саволга эса тасдиқловчи жавоб қайтарди.

— Ишонмайман.

— Нега? — У ой нурларисимон оқимтир-кўкиш тишларини кўрсатиб кулди.

— Шунчаки, ишонмайман-да. — Қиз яна кулди. Бутун аъзойи бадани селкиллаб кетди...

— Агар анчадан бери бўлса, демек мен кўр эканман.

— Эҳтимол!

— Йўқ, мен сўқир эмасман!

Жехутимеснинг ёрдамчиси, бечора Тихотеп ҳайрон эди: наҳотки, уни кўргану эътибор бермаган бўлса?

— Эътибор бермагансиз, — деди қиз.

— У ҳолда мен ўзимни Хапига ташлайман!

— Нега?

— Яна нега деб сўрайсан-а, Маи? Бундай гўзални сезмаган одамнинг яшашга ҳақи йўқ.

Йигит қизни кучоқламоқчи бўлди. Қиз бамисоли балиқ сингари унинг қўлидан сирғалиб чиқиб кетдию парда орқасига яширинди.

Тихотеп аламидан қадоққа ёпишди. У ҳўплаб-ҳўплаб, шаробнинг мазасини туюётгандай, ҳузурланиб ичди. У қизни ўйларди. Уттиз ёшли йигитнинг қизни ўйламаслиги ҳам мумкин эмасди.

Усерхет бурчақда меҳмонларнинг дастурхонига разм солиб турарди. У сезилар-сезилмас имо қилар — хизматкорлар керакли нарсани дарҳол муҳайё қилишарди. Лекин Маи энди кўринмасди.

Тахура Жехутимесни мафтун этди. У жуда ноёб савдогар эди. Ўтқир ақли, хушмуомилалилиги, билими ҳар қандай самимий суҳбатдошни лол қолдириши тайин эди. У бир мавзудан иккинчи мавзуга бемалол ўта оларди. Ер ва денгиз ҳақида кўп нарса билар, тоғлару самовот дунёси гўё унга ўз сирларини очгандай. Лекин энг ажабланарли томони бу эмасди. Савдогар тошнинг хусусиятларини, кучини, ҳайкалтарош қаламини жуда яхши тушинарди. У айниккаса катта ҳайкал ясовчиларни қадрлар, хуфу эҳромларидаги каби шер ҳайкалларидан ҳайратланарди. Санъат улуг неъмат, инсон эса оддий. Одам бошли шер ҳайкаллари санъатнинг устиворлигини кўрсатади, — дерди.

Жехутимес бу фикрга қўшилмасди. Ахир санъат инсонни эзиши керакми?

— Йўқ, ҳайратлантириши керак, — жавоб берди савдогар.

— Бу ҳам нотўғри.

— Бўлмаса нимаси тўғри?

— Мен буни айтаман, ҳурматли Тахура.

— Эшитаман.

Жехутимес шаробдан бир ҳўплади. Унинг чехраси, юзидан ифодаланиб турган ҳар бир маъно тафаккурининг чуқурлигидан дарак беради. У гўё ичиш овозига қулоқ солаётгандай, оддий инсонларга ўхшаб эмас, қандайдир афсунгарларга ўхшаб одамни сеҳрлаётгандай бўлади. Зеро унинг санъатга ишон-

чи шундай эди. Санъат ҳаётининг маъносини ташкил этарди. Агар унга: бундан буён энди санъат бўлмайди деб айтишса, у ҳолда мени ўлдириб қўяқолинглар дейиши тайин!..

Жехутимес деди:

— Катта ҳайкалларнинг вақти ўтди. Бутунлай ўтдимикин? Эҳтимол, бутунлай ўтгандир. Бунга ачинасанми деб сўрашинг мумкин. Мен бунга ҳам ҳа, ҳам йўқ деб жавоб берган бўлардим. Тўғри, мен шу заминда тураман, лекин ўз уйимда яшайман. Атрофим тўрт девор билан ўралган. Хонамда қандайдир ҳайкалтарош ва рассомларнинг менга қувонч бағишлайдиган асарлари бўлишини истайман. Эшитаяпсанми, муҳтарам зот, қувонч бағишлайдиган деяпман!

— Ғамгинликни ҳам, — деди Ахтой.

— Ғам ва ташвишларни ҳам, — қўшиб қўйди Тихотеп.

— Йўқ, нега энди? — савдогар кулиб қўйди. — Ғам-алам нечун? Муҳтарам Ахтой, ҳали жуда ёшсан. Вужудингдан куч-қувват ва саломатлик ёғилиб турибди, сарлочинга ўхшайсан, кўзларингда муҳаббат ва қувонч олови порлайди. Сенга ғам-ғуссанинг нима кераги бор. Бу нарсани вужудингдан қув. Санъатдан ҳам қув уни. Лекин... — Тахура бироз сукут сақлади. — Лекин гўзалинг сени хафа қилган бўлса бироз ғамгин бўлишинг ҳам жоиздир.

— Гўзалинг?

— Ҳа-да. Масалан, учрашувга чиқмаган бўлса.

— Демак... — Ахтой кўрсаткич бармоғини баланд кўтарди. — Муҳтарам Тахура гўзалларнинг озори учунгина ғам чекишга ижозат беряптилар.

— Йўқ, бунинг учун сабаблар кўп. Санъатда эмас, ҳаётда.

Ахтой шаробдан хўплаб қўйди. Сўнг гап қотди:

— Биз бир-биримизни тушунмаяпмиз, шекилли.

Тихотеп ҳаётни фақат қувончдан иборат деб ҳисобловчи бу соқолли одамнинг гапига бироз тирпаниш билан қулоқ соларди. Бамисоли унинг ёнгинасида каттакон қурбақа сакраб юргандек. У ўтирганларнинг ҳаммасидан ёшроқ эди, шу боис андиша қилишга мажбур эди. Акс ҳолда ерга тупуриб, дастурхондан туриб кетиши мумкин эди. Шундай бўлса-да чидаб туролмади:

— Йўқ, мен жудаям яхши тушунаяпман!

— Баракалла, йигит, — худди ашула айтаётгандай гапирди бобиллик савдогар. — Демак, менинг гапимга қўшилсан-а?

Тихотеп унга қарамасди. Ерга қараб турган ҳолда жаҳл билан қаттиқ гапирди.

— Тушунаяпман деб айтдим-ку. Тушундимми — тушундим. Қўшиламан дейиш эса бутунлай бошқа нарса. Агар хурсандчилик қилишни истасанг шаробингни ичавер!

— Мен ичаяпман! Худо ҳаққи, ичаяпман.

Савдогар шаробни ичиб юборди. Шундай ичдики, қалқиб кетди. Нафас йўлимга кетиб қолди деб тушунтирди.

— Ҳа, шунақа, ичавер, ҳурматли Тахура! Лекин ҳайкалтарошлик ва рассомлик сенга вино ичиш эмас. Товуқ ёки эчки билан ҳазиллашсанг ҳам кайфиятинг кўтарилиши мумкин. Лекин санъатни паррандаю даррандалар билан тенглаштириб бўлмайди-ку? Ҳеч қайси ҳайкалтарош сени овунтиришга мажбур эмас. Биз дайди масхарабозлар эмаслигимизни унутма.

Савдогар сертук ва гўштдор қўлларини кўкраги устида чалкаштирди. Бу ризолик, ҳатто тобелик аломати эди. Лекин шунга қарамай унинг бу ҳолати рақибини мувозанатдан чиқарди. Жехутимес бу найрангни фаҳмладию, аммо унинг нима билан тугагини кутиб индамай тураверди. Лекин ҳеч нарса рўй бермади. Ғазаб отига минган ёш ҳайкалтарош кўзларини юмиб олганди. Тобора қичишиб келаётган қўлларини исталган дақиқада ишга солиб юбормаслигига қафолат бера олмасди. Лекин санъатни қадрлайдиган бундай одамни талтайтириб юбориш ҳам ўринли эмасди.

— Улуғ жаноблар, — деди Тахура гуноҳкорона овоз билан, — агар мен бирор айб ишга...

Жехутимес кулиб туриб унинг сўзини бўлди:

— Ҳа. Айб ишга йўл қўйдинг.

— Агар сен ҳам шундай фикрда бўлсанг — мени кечирингизни сўрайман... Наҳотки мен сизларни ҳақорат қилган бўлсам?

— Ўзинг қандай деб ўйлайсан, ҳурматли Тахура?

— Нима дейишимни ҳам билмайман.

Тихотеп жаҳл билан сўз қотди:

— Санъат ва унинг хизматчиларидан фақат шоду хуррамликни кўрсатмоқни талаб этмоқ ўтакетган бемаънилик, ҳақорат! Санъат одамларни хурсанд қилиш учун яратилмаган. Ким телбаларча шоду хуррамликни истаса уни санъатсиз ҳам топа олади. Биз кўпинча ғамгин фикрларни илгари сурамиз, юракларга гулув соламиз, баъзида одамларни кўрқувда яшашга мажбур этамиз, ёмонларни лаънатлаймиз. Хурсандчилик масаласига келсак, уни мана ҳурматли Усерхетнинг дўконига ўхшаган жойларда истаганча топса бўлади. Тўғри эмасми?

Бу савол дўкон соҳибига қаратилганди. Дўкондор таъзим бажо келтирди. У фиръавн устахонасида ишлайдиган ёш ҳайкалтарошнинг феъл-атворини яхши биларди. Санъат инсон қалбига қувонч бағишлайдими, гулгулага соладими, барибир бўлгани туфайли эътироз билдиришга журъат этмади.

Жехутимес Усерхетнинг ноз-неъматларини мақтаб, рақибларни асосий мавзудан чалғитди. Савдогар ҳам юзага келган вазиятдан фойдаланиб ноз-неъматларни мақтади, мақтаганда ҳам ҳозиргина одамларга қувонч бағишлайдиган санъатни қандай эҳтирос билан мақтаган бўлса шунақасига мақтади...

— Сенинг юртингда ҳам шунақа ноз-неъматлар тайёрлашадими, — сўради Жехутимес, — нимани кўпроқ хушлашади?

— Бизлардами? Ниневияда шунақа дўконлар бор. Фақат сал соддароқ, ихчамроқ. У ерда кўпроқ шакарга босилган катта ва кичик ёнғоқларни, ер ёнғоқларни хуш кўришади. Лекин энг сеvimли овқатлари ёққа қовурилган ёғлиқ кўй гўшти. Уни манқалларда тайёрлашади. Сўнг гўшт совитилади. Унга қуёш нурида қуритилган турли ўт-ўланларни аралаштириб ейишади. Бунақа овқатни тановул қилиш роҳатнинг ўзи. Лекин мен Шимолдаги шундай мамлакатларни ҳам биламанки, у ерларда бия сути олтиндан арзон эмас.

— Бия сути-я?! — хитоб қилди Ахтой.

Жехутимес уни имо билан тўхтатди.

— Ахтой, бундай юртлар борлигига мен ҳам гувоҳлик бера оламан. Мен бу тўғрисида ер устидаги ва ер остидаги барча нарсалардан хабардор билимдон бир коҳиндан эшитган эдим. Улар ҳам худди биз пиво ва шароб ичганимиздек бия сугини ачитиб, тиндириб, сўнг ичишаркан.

Савдогар унинг гапини маъқуллади. Бундай ачитилган сугдан кўпроқ ичиб қўйган девдай йигитнинг ҳам ағдарилиши ҳеч гап эмас. Буниям қўяверинг. Шундай жойлар ҳам борки, ер қаъридан чиқаётган сув ёнади...

— Қанақасига ёнади? — эҳтиёткорлик билан сўради Тихотеп.

— Олов бўлиб ёнади, — мулойимлик билан тушунтирди савдогар ораларидан ҳеч гап ўтмагандек.

Сувнинг ёнишини тасаввур қилиш қийин. Эҳтимол, у алоҳида сувдир. Йўқ, савдогарнинг айтишича, у алоҳида сув эмас, ҳамма ичадиган одатдаги сув экан. Худди булоқ сувларидек ер остидан чиқаркан.

— Сувни ким ёқади? — сўрайди Ахтой.

— Бундай аҳмоқона иш кимдан чиқарди. Кўпроқ булоқларга яшин тушганда шундай ҳодиса рўй беради, сув ёнади. Бунақа пайтларда аланга осмонгача кўтарилади, одамлар оловга сиғина бошлашади. Чунки олов катта кучга эга бўлади. Куч эса ҳамма вақт ўзини ҳурмат қилишга мажбур этади.

— Бу тўғри эмас, — тўнғиллади Тихотеп.

— Нима, тўғри эмас, — таажжубланди савдогар.

— Куч ҳамма вақт ўзини ҳурмат қилишга мажбур эта олмайди. Агар сен донолик деганингда бўлак гап эди, бунга ишонардим. Лекин куч?!

Савдогар қўлларини липиллатди.

— Оғайничалиш, сен мени адойи тамом қилдинг-ку. Наҳотки, мен оёғингни босиб олган, ёмонлик қилган бўлсам? Худди бир-биримизга ёвуз душман дейди гапимизни эшитганлар. Оғзимдан чиққан ҳар бир сўз жинингга тўғри келмаяпти.

Жехутимес муросага келтирмоқчи бўлди:

— Жаҳлинг чиқмасин, муҳтарам Тахура. Ёшлик ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган хусусиятга эга, у ўртамиёналикни ёқтирмайди, шу туфайли бир томонга оғиб кетади. Биз, фиръавнга яқин бўлган ҳайкалтарошлар сенинг ҳамма гапларингга ҳам қўшилавермаймиз.

— Жехутимес, мени кечирасан-у, ахир Кеми мамлакатини доимо шу юрт ўғлонларининг кучи безаб келган-ку. Тарих қаърларига теранроқ қаранг, аждодларимизнинг ўғитларини ўқинг. Ахир куч дегани уятли, ёмон нарсами?

— Биз анча вақтлардан бери ақлнинг қудратини кучдан кўра юқорироқ баҳолаб келамиз.

Жехутимес шаробни охиригача шаҳд билан сипқорди-да, қадаҳни столча устига “тақ” этиб қўйди, лекин у синмади.

Ахтой бошлиғи айтган фикрни давом эттирди. Кеми мамлакатининг уч минг йиллик тажрибаси ақл-идрокнинг афзаллигини исботлаб турибди? Уруш кимга бахт-саодат келтирган? Бармоқ билан санарли саркардаларга фойда келтирган бўлса келтиргандир. Эҳтимол баъзи фиръавнлар ҳам урушдан манфаат кўришгандир. Лекин ҳаммаси эмас. Шимол ва Жанубда яшовчи қўшниларибиз бу ҳақиқатни англашганда ер юзи жаннатга айланибди. Уйингга душманлар бостириб кириб хўжайинлик қила бошлашса бўлак гап. Унда худолар ҳам қилич кўтаришга даъват этиши муқаррар.

— Демак, жаноби олийлари тинчлик тарафдори эканлар-да, — деди Тахура бегараз бир оҳангда.

— Ҳа! — жавоб берди Ахтой.

— Фақат тинчлик тарафдоримиз, — шеригининг гапини қувватлади Жехутимес.

— Биласизми... — Савдогар худди совқотиб қолиб исинмоқчи бўлган одамдай қўлларини бир-бирига ишқалади. Тинчликни исташларингиз таҳсинга сазовор. Лекин хеттлар ҳам шуни исботлашларига ким кафолат бера олади? Сурияликлар-чи? Ёҳуд шумерлар-чи? Хабашлар ё ливияликлар-чи? Тинчлик роҳат-фароғат, ободлик эканлиги ҳақидаги фикрингизни яхши тушунаман. Лекин бу фикрга бир киши, бир тўп одамлар эмас, кўпчилик, ҳамма келмоғи керак. Урушқоқ хеттлар эса жанубга интилишади. Улар соқчиларимизга тинчлик беришмайди. Сиз эса буларнинг барчасига индамай қараб тураверасизми?

Жехутимес жавоб бермади.

— Наҳотки улар бизникиларни сиқувга олишаётган бўлса? — деди Ахтой.

— Сиқувга олганда қандоқ!

Тихотеп унинг гапини кескин бўлди.

— Ёлғон!

— Нимаси ёлғон, йигитча?

— Бизникиларни сиқувга олаётгани.

— Мен сиқувга олишяпти демадим.

— Нима дединг бўлмаса?

— Сиқувга олишлари мумкин, дедим...

Тихотеп хўрсиниб қўйди, қадаҳдаги шаробни сипқорди. Яна нимадир демоқчи бўлиб турганда Жехутимес унинг сўзини бўлди:

— Ҳурматли Тахура, биз мавҳумроқ нарсалар тўғрисида гаплашмоқдамиз. Чунки ҳозирча чегараларда фавқулодда мураккаб ҳолатлар туғилганича йўқ. Келишмовчиликлар эса ҳамма вақт бўлиши мумкин...

У фирт ёлғон гапларни сўзлаётганими ёҳуд ҳақиқий аҳволдан беҳабарми билб бўлмасди. Хеттларнинг бебошлиklarига эътибор бермаслик учун тоғдай сабр-тоқат зарур эди. Жехутимес ўзининг унчалик ҳақ эмаслигини ич-ичидан сезиб турарди. Аммо бундан бошқача гапириш мумкин эмасди! Чунки ўзи ҳам фиръавн сингари шундай фикрдайди. Ашаддий душманлар Дажла ёҳуд Фиротда эмас, шу ерда, Хапи қирғоқларида деб ишонарди. Жаноб олийлари тахтининг қулашини ким кўпроқ истайди? Айон қоҳинларими ёҳуд хеттларнинг руҳонийларими? Шубҳасизки, Амон қоҳинлари буни кўпроқ хоҳлашади. Шундай экан, хеттларга қарши уруш очишга не ҳолат? Агар хеттлар ҳарқандай андишани йиғиштириб қўйиб жанубга, Синай ярим ороли ёҳуд Гошен вилоятига юриш қилиб қолишса бошқа масала. У ҳолда зарба бериб қўзла-

рини мошдай очиб қўйиш мумкин. Ҳозирги вақтда эса жаноби олийлари кетг тилида уларга мактуб юборишларининг ўзи урушга қарши энг яхши чора...

“...Бу сўзлар унинг сўзими ёхуд саройда эшитганми? Эҳтимол, фиръавннинг ўзидан эшитгандир. Уруш ва хеттлар тўғрисида ҳайкалтарошнинг бундай аниқ-равшан фикрларни айтишга журъат этиш эҳтимолдан анча узоқ”.

Ҳарҳолда, савдогар саройга яқин бундай юқори мартабали жаноблар билан суҳбат қургани учун жуда мамнун, бунга мушарраф этгани учун худолардан миннатдор эди.

— Ақлан ўйлаб қараладиган бўлса фикрингизга қўшилмаслик мумкин эмас. Зеҳн солсам ақлингиз ёшингизга нисбатан теранроқ. Мен не-не сочлари оппоқ мўйсафидларни кўрганман. Уларнинг гапи-ю заковатлари ҳам сизникичалик эмас.

Тихотеп мағрурона кулимсиради. Ниҳоят чет эл фуқароси оддий одамлар сингари гапира бошлади. Шу ваздан бобиллик меҳмоннинг санъат, уруш ва тинчлик ҳақидаги чалкаш фикрларини кечиришга тайёр эди. Муҳими одам ҳақ гапни тушуниши керак. Агар тушунса худога шукур қилиш керак. Ёш ҳайкалтарош шаробдан ўзига ва Тахурага қуйгач гапирди:

— Аввалига сен қаҳрли одамга ўхшаб туюлдинг. (Тахуранинг юзида ҳайронлик аломати зуҳр этди.)

— Ҳа, ҳа, шундай туюлганди менга. Лекин мен бошқачароқ фикрга келдим. Сен гарчи баъзи масалаларда бироз чалкашсанг ҳам ёмон одам эмасга ўхшайсан. Адашишларингни тан олишни ҳам билар экансан. Уларни тўғри баҳолай оларкансан. Бу эса ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Савдогар кулди, Тихотепга қўлини узатди, унинг елкасига дўстона қоқиб қўйди. Улар ярашганлик ва дўстлик рамзи сифатида қадаҳларидаги шаробни охиригача сипқориб қўйишди.

— Ёш дўстимнинг илтифотига сазовор бўлганимдан фойдаланиб унга эркалик қилсам бўлармикан, сен менга ғоят хузур бахш этиши мумкин бўлган эркалимни кўтарармикансан? — Тахура бу сўзларни айтаётганида Жехутимесдан кўзини узмади: — Шундай қилишга ҳаддим сигармикан?

Жехутимес чамаси унинг фикрини тушунди. Бундай илтимос билан унга мурожаат этувчилар фақат Тахура эмасди. Унинг илтимоси ҳали айтилмаганди, ҳозирча дилда эди. Аммо Жехутимес моҳият эътибори билан бу илтимосни олдиндан билади...

— Менинг устахонам бор, у ердаги етти ҳайкалтарошнинг ҳаммасига бошман, уларнинг шогирдларига ҳам хўжайинман. Улар эса ўн беш кишидан иборат. Анчагина тош кесувчилар ва билагида кучи бўлган турли хизматчилар ҳам талайгина. Усерхет устахонаси қасрдалигини яхши билади. Истаган вақтингизда меҳмонга боришингиз мумкин!

Усерхет унинг сўзини маъқуллаб бош қимирлатди-да: “Ҳа, биламан, яхши биламан”, — деди.

Осиёлик азбаройи хурсандлигидан эчкидай ўйноқлади, ўтирганларнинг ҳар бирига аъло навли “Ахяти қизили” шаробидан қуйишни ва Май ўз қўли билан қадаҳларни йигитларга узатишини буюрди. Ғоят гўзал ва мафтункор Май қўлида шароб билан пайдо бўлиши биланоқ савдогар қичқириб юборди.

— Эй, офатихон Май, шаробни тутқазаётганингда йигитларнинг ҳар бирини ўпиб қўясан. Ахир мени улуг Жехутимес меҳмонга айтди!

Қиз Тихотепнинг ҳайронлиги ва норозилигига қарамай осиёликнинг айтганини қилди. Дўкон соҳиби қизнинг бу ишидан аввал мурдадай оқариб кетди, сал ўтгач юзлари қизарди. Қиз йигитларнинг ҳар бирини эҳтирос билан чўлп-чўлп ўпаётганда титраб кетарди. Тўсатдан уни қалтироқ тутди. Жунбишга келган рашкани босиш учун тўғридан-тўғри кўзанинг оғзидан шаробни сипқора бошлади.

Қиз ўтирганларнинг ҳар бирини ўпиб чиққач, яна ичкарига кириб кетди.

Савдогар ҳозиргина офатихон қиз ўпиб қўйган юзини силай бошлади. Ва у тепага қараганча гапирарди:

— Эй, худоларим, ҳозиргина қандай ҳодиса рўй берди?! Нега юрагим орқага тортиб кетди?! Азиз дўстларим, менга айтинг-чи ўзи, юзимга нима бўлди? Нега бунчалик қизиб кетяпти?

Савдогар ерга ётиб оёқларини осмонга кўтарди. Унинг бу ҳолатини кўриб ҳайкалтарошлар роса кулишди. Ҳайкалтарошларнинг кулгисини эшитиб ошхона хизматчилари — ошпазлар, идиш-товоқ ювувчилар пардалар ёнидан мўралашди. Маи ҳам ҳали кириб кетган жойидан чиқди. Маи билан бирга бири-бирдан гўзал, бир-бирдан ёш қизлар кўринди. Маи ҳақида ўйлаб турганлари шу дақиқада Тихотепнинг хаёлидан кўтарилди. У ғозлар тўдасига дуч келиб қолган бўридек у томондан бу томонга қарай бошлади. У ўзига ўзи гапирди: “Мана мен жуда кам бўлган, лекин яшашни орзу қиладиган жаннатмакон жой. Унга эндигина дуч келганимга афсусланаман. Чиройи қаршисида юлдузлар хира тортадиган бундай қизларсиз яшаш бўптими? Тихотеп қизларнинг ичидан офтоб нурида бироз қорайган, аммо оёқлари, кўкраклари, бели ва юзлари ғоят келишган, бўйи пастроқ ва ориқроғини танлади. Ҳайкалтарош ҳамма осийликнинг телага кўтарилган оёғини томоша қилиш билан андармон бўлиб турганда қизнинг олдига келиб сўради:

— Сен кимсан?

Қиз йигитга мовий кўзлари билан дадил тикилганча жавоб берди.

— Сорру.

Бу қандай исм бўлди? Ўзи қаердан келган? Йигит унинг оғзидан яна бирор гап эшитишни, шу билан қаерданлиги ва қандай одамлигини билишни истарди.

— Бу қандай исм? — сўради у.

— Арамейлар қўядиган исм, — жавоб берди қиз.

— Сен арамей қизимисан?

— Ҳа.

— Анчадан бери бизнинг юртимизда яшайсанми?

— Мени бундан беш йил илгари ўғирлашган.

— Бу қазноқда азоб чекишинг учунми?

— Ва эркакларни суюш учун, — шафқатсизларча давом эттирди қиз.

Эҳтимол Маиға аччиғи келганиданми атайин гапирди:

— Сорру, сени яна кўришни истайман.

— Ундай бўлса келавер бу ерга.

Мана, масала ҳал. Йигит четроққа ўтди. Савдогар яна ўз жойига ўтириб, пешонасидаги терларни зўр бериб артарди. Қизлар ичкарига кириб кетишди. Ошпазлар ҳам гойиб бўлишди.

Бу осийлик Жехутимесни ўзига ром этган эди. Ҳайкалтарош анчадан бери бундай кулгили ва ғалати одамни учратмаган эди. Шундай экан нима учун Тахурадай одамни ўз устахонасига таклиф этмаслиги керак. Ахир у илиқ кутиб олишга арзимайдиган одамми? Албатта арзийди. Тахура унинг олдига келиши керак. Унга ўзининг ҳамма ишларини кўрсатади. Меҳмон шарафига зиёфат беради.

Жехутимес бу фикрларини тилида эмас, дилида, юз ва кўз ҳаракатлари билан ифодалади. Ахтой ва Тихотеп ўз хўжайинлари ва устозларининг таклифларини маъқуллагандай бош ирғаб қўйишди.

Улар бир-бирларига ташаккур билдириб, илтифот кўрсатишиб хайрлашишаётганда Тихотепнинг нигоҳи Сорру билан тўқнашди. Қизнинг нигоҳи бадани дириллаб турадиган тоғ кийигининг нигоҳига ўхшарди.

Йигит унга имо қилди. Қиз ҳам бунга жавобан кўзини юмиб қўйди. Унинг киприклари узун ва қоп-қора эди. Бу узоқдан ҳам аниқ кўриниб турарди.

Наҳотки, мана шу Соррунинг нигоҳига бошқа кўзим тушмаса?

СЕМНЕХ

Иккинчи қаватнинг шимолга қараган пешайвони ҳозирги жазирама кунда ҳам жуда салқин эди. Бу ердан Ахетатоннинг деярли бутун манзараси кўзга яққол ташланиб турарди. Фиръавн йўлининг сўл ва ўнг томонларини ибодатхоналар, боғлар, амалдорларнинг данғиллама уйлари эгаллаган, улардан нарироқда бечораҳол одамларнинг кулбалари кўринади. Ахятининг қизғиш тошдан

қурилган бош ибодатхонаси Ператон қуёш нурида ялтиллади. Ундан салгина нарироқда шаҳарнинг кичик ибодатхонаси Хетатон. Анор ва хурмо дарахтлари соя ташлаб турган сон-саноксиз уйлар Шарқий тоғ тизмалари этақларигача давом этади. Қуёш қиздиргандан қиздириб ётган бу ерларда дарахт кўкартириш учун қанчадан-қанча тупроқ келтирилмади. Хапи дарёсининг яйдоқ қирғоқларида саройлар бунёд этиш учун қанчадан-қанча меҳнат сарф бўлмади дейсиз.

Ўз ташаббуси, маслаҳати ва буйруғи билан қурилган бу шаҳарни жаноби олийлари жуда хуш кўрарди. Шаҳар бунёд этилганига эндигина ўн тўрт йил бўлганига қарамай ҳамон ундан чиройлироқ шаҳарни топиш амримаҳол эди. Айтишларига қараганда, Ниневия ўзининг ажойиб боғлари билан жуда гўзал эмиш. Ахетатоннинг ундан нимаси кам? Ундан бир неча бор афзал бўлса афзалироқ ҳаммаси ҳам шу фикрни айтишяпти. Ниневиядай гўзал шаҳар у билан баҳслаша олмагандан кейин яна қайси шаҳар Ахетатон билан рақобат қила оларди. Дунёда бундай шаҳар йўқ. Фиръавн юрадиган йўлни айтмайсизми? Икки томонини ажойиб иморатлар эгаллаб турган йўл ўқдай тўппа-тўғри. Уларни Кемининг энг яхши меъморлари қуришган. Ахир бу биноларда Туту, Хатпан, Маанихетутеф ва Маиларнинг қўли сезилмайдими? Иморат олд томонидаги бўртма нақшларда Юта, Бек ва Жехутимесларнинг услубини ким билмайди дейсиз? Лекин асосийси бу эмас, балки шаҳарнинг озодалиги. Шаҳарнинг оқава сувлари ер остидаги сопол қувурлардан оқиб кетади. Ваннахоналар кечаю кундузи иситилади. Ахетатон аҳолиси Кемининг бошқа шаҳарларида истиқомат қилувчи кишиларга қараганда озода яшашади.

Табиийки, жаноб олийларининг ҳар бир сўзи катта салмоққа эга. Бунинг натижаси ўлароқ Хапи соҳилида улуг шаҳар бунёд бўлди. Ахир бу шаҳарни, мислсиз Ахетатонни севмай бўладими? Жаноби олийлари Шимолий пешайвондан шаҳарга назар ташлаб ҳузурланишни яхши кўрарди. Бу ҳар кунни такрорланадиган ёқимли одатга айланганди.

Семнех жаноби олийлари ғоят озгин, нимжон йигит эди, унинг олдида фиръавн ҳақиқий баҳодирларга ўхшарди. Лекин Кемига оёқ ва қўлларгина эмас, ақлли бошлар кўпроқ керак. Семнех ғоят ақли эди. Ахир уларнинг илдизи бир, оналари бошқа бўлса-да, оталари бир эди-да. Ота ҳамма вақт оиланинг асоси-да. Ҳарҳолда болалар ҳақида гап кетганда ана шундай...

— Мен сенга бир нарса айтишим керак, — деб гап бошлади фиръавн ва жим қолди.

“...Наҳотки мана шундай барча гўзалликларни бировларга бериб қўйсақ? Қанчадан-қанча қонлар эвазига эришилган гўзаллик ҳавога учиб кетса?”

У оламга татигулик шу давлат ва шаҳарни кўзда тутаётган эди. Шу ибодатхоналар, қумда ундирилган дарахтлар, шу осмон ва атрофдаги жамики нарсаларни кўзда тутаётганди. Лекин ҳаётнинг инсонга тутқич бермайдиган бир қонуни бор — не-не машаққатлар эвазига қўлга киритган нарсангни бировга қўшқўллаб тутасан. Фиръавн гапини қайтарди:

— Мен сенга бир нарсани айтишим керак...

Семнех жаноби олийлари унинг нима демоқчилигини фақат фараз қилиши мумкин. Қандай гаплигига Эхнатон ҳам салгина шама қилган эди. Гап иккинчи ҳукмдор, жаноби олийларининг ўринбосари ҳақида кетарди. Наҳотки, Нафхурура жаноби олийлари ҳаммаси адойи тамом бўлаётганини сезган бўлса, узоқроқ ҳукмдорлик қилишга кўзи етмаса? Нега? Наҳотки эндигина ўттиз беш ёшга кирган ҳукмдор шундай фикрласа. Тўғри у Сеннусерт Биринчига ўхшаб қирқ беш йил тахт эгаси бўлишни орзу қилиб ўзини алдамаса ҳам бўлади. Лекин ўттиз беш ёш бор-йўғи навқиронлик ёши халос!.. Шундай бўлгач жаноби олийлари нега бунчалар шошиб қолди экан?

Ҳукмдор ҳаётнинг пасту баландликларини кўравериб пишиб кетган до-нишманд одамлардек ғоят вазминлик билан, ҳаяжонга заррача берилмаган ҳолда, аммо аввалдан бир қарорга келиб ҳукм чиқариб қўйгандай гапини кескин давом эттирди.

— Жаноби Семнех, мен шундай фикрдаман: Улуг мамлакатнинг ҳар бир ҳукмдори агар ақли-хуши жойида бўлса давлатни бошқариб кета оладиган

муносиб одамни топиб қўйиши керак. Ва куч-қувват уни тарк этмасидан ёхуд нариги дунёга равона бўлмасдан, ё бўлмаса дунёни бошқара олгувчи фикрлари тугамасдан бурун тахтни бўшата билиши керак. Мен ҳам ана шундай ҳукмдорни топадиган вақтим келди деб ҳисоблайман. Сен нима дейсан?

Жаноби олийлари рўбарўда, жуда яқин жойда турганча синчковлик билан тикилар, узунчоқдан келган нозик юзи сергак, лаблари қисилган, қўллари ни орқасига қилиб чалиштириб олганди.

Ҳукмдор олдинга сал эгилган кўйи ҳарбийларга ўхшаб оёқларини бир-бирига жуфтлаб турарди.

— Менинг маслаҳатимни кутяпсанми? — оҳиста сўради Семнех.

Ҳукмдор ҳозирги ҳолатида худди Ахтой асарида тасвирлангандек бироз қулгили, сергак ва ақлли кўринарди.

— Жаноби олийлари, фикринга қўшиламан.

— Гапингни қандай тушунмоқ керак?

Чамаси фиръавн “ҳа” ёки “йўқ” сингари жавобни эмас, ундан батафсилроқ янги фикр ва саволларни келтириб чиқарадиган жавоб кутган эди...

— Истиқболни кўра олмайдиган одамнинг ҳолига вой...

— Яхши айтдинг, Семнех.

— ...қилични ўз вақтида қинидан суғурмаган одамнинг ҳам...

— Ажойиб!

— Воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини ҳис этолмай, худди мушук орқасидан судралган думдай судралиб юрса.

— Қойил.

Фиръавн ҳозирча унинг сўзларидан мамнун эди.

— Шу боисдан жаноби олийлари... — Семнех бамисоли Хапига шўнғимоқчи одамдай чуқур нафас олди. — Шу боисдан ўзинга ўриндош тайёрлаб қўйиш ҳақидаги қароринг жудаям доно иш. Ҳаммамиз ҳам Атоннинг бандаларимиз. У қачон чақирғудай бўлса “лаббай” деб кетаверамиз. Бу ҳодиса қачон рўй беришини ҳеч ким билмайди. Ўринда ётганимиздами, йўлда кетаётганимиздами? Эҳтимол, овқатланиб ўтирганимиздадир.

— Ҳа, шундай.

Фиръавн бирдан ўрнидан туриб кетди ва худди оёғи остидаги чуқурга тушиб кетаётгандай бетоқатлана бошлади. У фақат аҳён-аҳёндагина деворларга, ундаги ёзувларга қараб қўярди.

— Жаноби олийлари, жуда тўғри қарор қилганингни айтдим. Ўз вақтида қабул қилгансан бу қарорни. Бу сенинг улуғ хонадонинг, сулоланг учун зарур... Лекин малика бу фикрга қандай қараркин?

— Билмадим, — сўз қотди фиръавн. Семнех бир сония лол бўлиб қолди.

— Сўраб ўтирмадим, — фиръавн кескин гапирди.

...“Билмадим”... “Сўраб ўтирмадим”... сўзларини қандай тушунмоқ керак. Ахир маликанинг сўзи қачондан буён инobatта олинмай қолди. Оғир кунларда ҳар доим у ҳукмдорнинг ёнида эди-ку. Ҳукмдорнинг фикрлари, ишларига у таянч эди-ку. Энди эса — “билмадим”... “сўраб ўтирмадим”...

Фиръавн укасига ўқрайиброқ қараб қўйди. Ёш шаҳзода — эндигина йигирма уч ёшга кирган Семнех очиқ юз билан мулоимгина қараб турарди. У олижанобликнинг тимсолига ўхшарди гўё. Чиройига, рангининг тиниқлигига ҳатто аёллар ҳам ҳавас қилишарди. Кўзларидан улуғ мамлакат ҳукмдорлари учун зарур бўлган ақл ва мулоимлик ёғилиб турарди. Шафқатсизлик шоҳларнинг ҳамроҳи деб ким айтган ўзи? Нега энди баайни шафқатсизлик шоҳларга ҳамроҳ бўлмоғи керак. Бу ҳаётда шафқатсизлик одамни нималардан асрай олади.

Фиръавн кимни танлашни яхши биларди. У шундай деди:

— Мамлакатни сен билан биргаликда бошқарамиз.

Шаҳзода Семнех бунга ҳайрон бўлмади. Шундай қилинса адолатли иш бўлишини у биларди. Шундай бўлса-да, одоб юзасидан сўради:

— Бунга муносибмикинман?

— Муносибсан.

— Жаноби олийлари, буни обдон ўйлаб кўрдингми?

— Ҳа.

— Муносиб хизмат кўрсата олармикинман?

— Билмадим. Эгизаклардай бирга бўламиз. Мен сенга барча нарсаларни кучкуват, жасорат, доноликни ато этишга ваъда бераман. Зеро мен қуриб бора-япман. Мана бу ерларим ҳаддан зиёд оғрийди. Жигарим... Юрагим... Бошим...

— Ишончингни оқлай олармикинман?

“...Бу Атонга шубҳасиз содиқ бўлади. Мен юрган йўлдан юради”.

Жаноби олийларининг қарори худди аввалги қарорлари каби қатъий ва узил-кесилга ўхшарди. Хукмдор шундай деди:

— Иккаламиз муҳим бир масалани муҳокама қилиб олмоғимиз керак. Хоремхеб яна ҳузуримга келиб уруш бошлашни талаб этди...

Шаҳзода болаларча қовоғини уйди. У ҳозир ёқтирмаган овқатини зўрлаб тиқиштиришаётган болакайга ўхшарди. Пешонаси ва юзлари тиришди, кўзлари қисилди.

— Уруш бошлашни талаб этди? Ким билан? Қачон? — деб сўради.

— Ҳаммага қарши? Чегарадаги қандайдир қишлоқларни хеттлар безовта қилишаётганмиш — уларга қарши ўт оч! Ҳабашлар князимизни хафа қилишибди — уларни қириб ташла. Ливияда савдогаримизни қамашибди — уларнинг адабини бер! Осиёдаги баъзи князликлар ўлпонни ўз муддатида тўлашмади — уларга қарши уруш бошла! Бу газанданинг топган гапи шу, у тушида ҳам урушдан бошқа нарсани кўрмайди. Ким билан урушишнинг унга аҳамияти йўқ. Урушса бўлгани. Ётлар ўладими, ўзимизникиларми — унга барибир. Икки гилдиракли жанг араваси хеттларда ҳам борлигини унутиб кўяди. Найза ва қиличлар фақат Кемидагина қуюлмаслиги эсидан чиқиб қолади. Ҳавода фақат бизнинг ўқларимизгина учмаслигини ўйламайди.

Фиръавн курсига ўтирди. Шаҳзода Семнехни шундоққина рўбарўсига ўтказди. Худди ўзи билан ўзи сўзлашаётгандай гапида давом этди:

— Табиийки, уруш бошлаш учун унчалик ақлнинг кераги йўқ. Хоремхебга сал ён боссам — вассалом. Уруш очишга ваз ахтаришнинг ҳожати ҳам йўқ. У ҳамма вақт топилади. Истаганча топилади. Хоҳлаган одамингдан айб топиш ва истаган жойингда — хоҳ Ливияда, хоҳ Осиёда уруш бошлаш ҳеч гап эмас. Ниневия билан ҳам, Қуйи Ретену билан ҳам сўқишиш, зўрға нафас олаётган шумерлар билан ҳам урушиш мумкин. Лекин бундан қандай наф? Сен дашти саҳрода жанг қиласан, чанг ютасан, ташналиқдан тош ялайсан, орқангда эса ҳокимиятнинг яширин ва ошкора душманлари бош кўтаради...

— Нега улар бош кўтаришади?

— Сабаби аён. Одам кучдан кетгудай бўлса қаёқдаги ипирисқи нарсалар ҳам унга ёпиша бошлайди. Нима десанг дегин-у уруш бу кучсизлик аломати. Галаба ҳам шундай. Айниқса галаба! Бу гапим ёдингда турсин. Кеми жанг майдонларидаги зафарларга зор эмас. Биз ахир гиксларга ўхшаб бир жойдан бошқа жойга кўчмоқчи эмасмиз-ку. Шундайми? Кўчмоқчи эмасмиз-а?

— Йўқ, — деди шаҳзода Семнех.

Хапи бўйларида жойлашган Кемини ташлаб Осиёга кўчиб ўтармидик?! Осиёдан Кемига қовунларнинг келиб туриши яхши нарса. Лекин Осиёда яшашни тасаввур қила олмайман. Гиксларнинг юртимизга бостириб киришини тушунаман, улар бойлигимизни эгалламоқчи бўлишади. Лекин биз ўлган одамларимизни ҳам бегона юртларда қолдира олмаймиз. Шундайми ахир?

— Шундай, — тасдиқлади шаҳзода.

— Демак, уруш қилишимиздан маъно йўқ. Менга доимо Тутмос Учинчини пеш қилишади. Роса жанг қилган, Қуйи Ретенугача эгаллаган дейишади. Ҳақиқий қаҳрамон деб мақташади! Эҳтимол, шундайдир. Қачонлардир Кеми учун ўзга юртларга юриш қилиш зарурияти бўлгандир. Лекин ҳозир-чи? Шундай урушлар зарурми?

— Йўқ! — шаҳзода Семнех ҳатто уруш сўзини тилга олишдан чўчирди.

Хукмдорга шаҳзода жавобдаги ўта қатъийлик ёқинқирамади. Баъзан уруш бошламасликдан ўзга чора қолмаган ҳолатлар ҳам учраши мумкин. Масалан, жуда катта ташқи хавф муқаррар бўлиб қолганди. Бундай вақтда уруш заруратга айланади. Лекин шунда ҳам аниқ ҳисоб-китоб қилмоқ керак: чиндан ҳам хавф борми ёхуд бу ҳарбийлар ўйлаб топган найрангми? Албатта, осийликларни жиловлаб турмоқ зарур. Буни ҳеч ким инкор этолмайди. Бу бешикдаги чақалоққа ҳам маълум.

— Мен истиқболга қарамоқчи бўлган вақтимда, — ҳукмдор худди узоқдаги қандайдир нарсага тикилаётган ҳолатга кирди, ҳатто кафтини пешонасига тиради, — Кемининг буюклигини, келажагини урушлар гирдобиди кўрмайман. Инсон бутун ҳаётини урушларда ўтказиши мумкин эмас...

— Мумкин эмас, — қайтарди шаҳзода Семнех.

— Унга осойишталик ҳам керак.

— Албатта.

— Инсон умр бўйи жанг қилиш учун яратилмаган.

— Тўғри!

— У яшаш учун, ҳузур-ҳаловат кўриш учун дунёга келган. У улуг Атонга ибодат қилиш учун, гимнлар яратиш, далада ишлаш, оиласи ва болаларини боқиш учун оламга келган.

— Ҳа, шундай.

— Хуфудан нима қолди?

— Улуғ эҳромлар қолди.

— Хуфунинг танаси қани?

— Аллақачон чириб кетган.

— Эҳромларни Хоремхебга ўхшаган жангчилар қурган эмас. Қўлларида шоқул ва болга кўтарган одамлар яратган. Шундай экан нима сабабдан урушни эъзозлашимиз керак экан?!

— Мен ҳам шундай фикрдаман.

— Мана бу Хоремхеб бўлса!

Семнех бироз ўйлаб турди, сўнгра пешонасини болаларча тириштириб сўз қотди.

— Эҳтимол, Хоремхебнинг думини тугиш керақдир.

— Нега?

— У аҳмоқ!

Жаноби олийлари тўсатдан кулиб юборди. Ўрнидан туриб, уйнинг нариги бурчагига бориб қайтиб келди.

— Йўқ, бундай қилиш мумкин эмас, — деди эсанкираб қолган Семнехга.

— Саройга ҳар хил тоифадаги одамлар керак. Ҳатто аҳмоқлар ҳам.

— Нима учун?

— Аҳмоқларми?

— Ҳа.

— Ҳар эҳтимолга қарши...

Шаҳзода қўлларини тиззасига қўйиб одоб билан ўтирарди. Бу қанақаси бўлди? Аҳмоқларнинг хизматидан фойдаланиш учун уларга чидаб юриш нима деган гап ўзи? Бу виждонга хилоф-ку. Ҳа, биқинида аҳмоқ одамларни ҳам сақлаб юришга мажбур экан, фиръавнларнинг қисмати душворлиги маълум бўлиб қолди.

Эхнатон гапида давом этди:

— Вақти-соати келиб кўп нарсаларни билиб оласан. Тахтнинг жуда кўп сирлари бўлади. Ҳукмдорлик либослари билан ясаниб, бошингга оқ-қизил тож кийганингда ҳозир сен ҳазм қилаолмайдиган жуда кўп нарсаларга кўникиб қоласан. Ўшанда ҳаммасига тушунасан. Яқин одамларингга ҳам бутунлай бошқача нигоҳ ташлайдиган бўласан. Улар кўнглингдаги гапларингни кўз қарашингдан уқиб олишга ҳаракат қилишади. Лекин сен ҳам уларнинг юрагига ёзилган сирли хатни ўқишга интиласан. Бунга мен кафолат бера оламан! Ана ўшанда сен ҳалол одамлар билан бирга аҳмоқлар ҳам муқаррар зарурлигига тушуниб етасан...

— Тушунмаяпман, — ўжарлик билан тан олди Семнех.

— Эҳтимол, ҳечқачон тушунмассан, лекин ён-атрофингга барибир аҳмоқ одамларни ҳам ушлаб туришинг муқаррар. Бусиз қийинлигини, деярли мумкин эмаслигини кейин фаҳмлайсан.

— Бу даҳшат-ку! — Семнех қаттираб, ўзини жудаям галати сезди.

“...Эҳ, болагинам, болагинам-а! Одамгарчиликдан чиққан одамлардан кўра, бундайлар тахтга ўтиргани маъқул. Бирорта аҳмоқ ҳали мамлакатга фойда келтирган эмас. Аҳмоқ одам тахтга ўтиргани учунгина фойда келтира оладими? Йўқ, бунақаси бўлган эмас. Кемининг бутун тарихи бундан далолат беради...”

Мен тахт ворисини тўғри танладим! Менга художўй, муқаррар равишда Атонга хизмат қиладиган одам керак. Шундай одамгина Кемини гуллаб-яшнагади. Шундайларгина истикболга умид уйғотади, ҳокимиятга хизмат қилади!..”

— Шундай қилиб, — гапига яқун ясади ҳукмдор, — биз назаримда аҳмоқлар тўғрисида келишиб олдик. Аввалдан шуни билиб қўйки, уларни ҳеч қачон ўзингдан бездириб қўйма. Уларни жиловда тут ва ўз мақсадинг йўлида фойдалан. Бизнинг улуғ истилочимиз ўз табиатига кўра каллакесар эди. Табиатан ақли ва ўқимишли бўлган бу зот ўз атрофига сипо ва эҳтиёткор одамларни тўплаган. Бу орқали тарозининг палласини тўғирламоқчи бўлган шекилли...

“...Жаноби олийларидан илгари бунақа гапларни эшитмагандим. Менимча, Ахнаяти аҳмоқлар тўғрисида бошқача фикрда эди. Қарашлари нега ўзгариб қолдийкин? Фиръавн ўзгариб қолганлиги ҳақидаги Нафтитанинг фикри ҳақ шекилли... Аҳмоқлар билан оғиз-бурун ўпиш-у иттифоқ тузишими?”

— Сенга шу нарсани айтиб қўяйки, азизим Семнех, йиллар ўтиши билан фиръавн деган зот ҳам балоғатга етиб боради. — Жаноби олийлари бўйинини чўзиб, кўзларини пирпиратиб худди бирор шарпага қулоқ солаётган одам ҳолатига кирди. — Шуни айтишим мумкинки, мени кўп нарсаларга энди-энди ақлим ега бошлади. Бутун Кеми кўлларим остида. Йигирмата князнинг ҳаммаси менга сўзсиз бўйсунди. Ҳаммаси ҳам амримга мунтазир. Менинг кучим баҳор фаслидаги Хапи дарёсидек бетизгин. Мен ҳарбий куч ҳақида сўзлаётганим йўқ, маънавий куч ҳақида гап кетаяпти. Азизим Семнех, сен виждонан тўғриси айт-чи, мендан кўра кучлироқ, жасурроқ фиръавн бўлганми ўзи? Узоқ тарихимизга нигоҳ ташлаб чамалаб кўр-чи!

Семнех самимий жавоб берди (у ҳамиша ростини айтишга одатланганди):

— Йўқ, жаноби олийлари. Ахир сен эмасми Амонни енгган, ҳақиқий худойимизни улуғлаган. Бутун оламда худди куёшни ўз йўлидан оғдириш мумкин бўлмагандек сенинг йўлингга ғов бўладиган куч йўқ. Ахир дарёларни тескари оқизиб бўлмайди-ку.

— Тескари оқмайди...

— Сен бамисоли дашт шеридек бир ҳамла билан йўлингдаги барча душманларингни енгдинг. Фақатгина бир ҳамла билан.

Бу фикр фиръавнга ёқди. Биров худди биқинига туртиб характеридаги энг кучли томонни кўрсатиб қўйгандай жуда мамнун бўлди.

— Дарҳақиқат, Семнех, сен тўғри айтдинг: баайни бир ҳамла, бир сакраш билан масала ҳал бўлди. Қайси телба катта ариқдан икки марта сакраб ўта олади?!

Шаҳзода Семнех унга бошини қимирлатди, хушомадгўёна табассум қилди. Ҳукмдор буни пайқамасди, ўз қудратига маҳлиё бўлгандай алпозда эди. Унинг заъфарон юзига қизил югурди.

Фиръавн Семнехга жуда яқин келди. Шаҳзодага Кеми ҳукмдорининг узук-узук нафас олиши ҳам эшитилиб турарди. Ҳукмдор кутилмаганда сўраб қолди!

— Сен раҳнамоимиз Ятига содиқ бўласанми?

У бу саволни қўлида гўё ханжар ушлаб тургандай, хоҳлаган дақиқада Семнехнинг кекирдагига тортиб юборадигандай бир алпозда сўради.

— Содиқ бўламан, — жавоб берди Семнех.

— Нима дединг?

— Содиқ бўламан! Бўламан!

— Жудаям соз.

Фиръавн болохона айвонига чиқди, тошдан ясалган нақшинкор панжарага кўллари билан суянди, сўнг бошини кўтариб осмонга қаради. Уша жойдан шаҳзодага қичқирди:

— Мен эса ишонмайман!

— Нимага?

— Сенинг сўзларингга!

— Не сабадан? — Семнех тупутини ичига ютди. Нима сабадан, Ахнаяти?

— Шунчаки ишонмайман!

Семнех не қиларини билмай қолди. Баҳслашиш, исботлаб ўтиришни ўзига ҳақоратлаш деб билди. Сенга ишонмайман деган сўзни қатъиян айтган одам-

нинг фикрини ўзгартириб бўладими ўзи? Жаноби олийлари қимирламай ўтирарди. Семнех бироздан кейин ўрнидан турди, фиръавннинг ёнига келди-да, кўлини унинг елкасига қўйди:

— Ахнаяти, “мен ҳазиллашдим, деб айт... Оғзимдан чиқиб кетди де...”

Фиръавн миқ этмасди.

— Бундай ишончсизликка менда асос йўқ деб айт.

Фиръавн гўё тош қотган эди.

— Мен жавобингни кутаяпман, Ахнаяти...

Ўнг томондаги Шарқ тизма тоғлари устидаги қуёш қиздиргандан қиздирарди. Хапи дарёси соҳилидаги бу ердан ҳам унинг ҳарорати оловдай нафасга урарди.

Болохона айвони тагидаги қуюқ яшил дарахтзорнинг нарироғидан Фиръавн йўли кўриниб турибди. Ундан икки гилдиракли аравалар, турли йўловчилар, сарой кўриқчилигига отланган камончилар ўтишарди.

Эхнатон шахзодага томон ўтирилганда, гўё уни биринчи маротаба кўраётгандай кулиб қўйди, елкасидан кучди. Фиръавн уни уйнинг салқинроқ томонига етаклади. Орадан ҳеч нарса ўтмагандай сўз қотди:

— Жигарим, гапимга қулоқ сол. Мен Ятига бағишланган янги мадҳия ёздим. Назаримда, у дуруст чиқди. Мен уни хатготларга ўқиб бердим. Бир жойидан бошқаси уларга маъқул бўлди...

— Қайси жойидан?

— Буни тушунтириш қийин. Бунинг учун мадҳияни сенга тўла ўқиб бермоғим керак.

— Ўқий қол, бўлмаса, Ахнаяти!

Фиръавн мадордан қолгандай, ўзини олдиргандай кўринди. Ундаги бу ўзгартириш бир неча дақиқа ичида рўй берди. “Бу ундаги касаллик натижаси, — ўйлади Семнех. — Бунинг устига-устак, Ахнаяти ўзини аямайди, шу ва турли юмушлар туфайли толиқади. Эндигина ўттиз бешга кирдию кўриниши чолларга ўхшайди...”

Жаноби олийлари ўроқлик қоғоз олиб келди-да, кучли, кутилмаган бақувват овоз билан мадҳияни ўқий бошлади. “Тан бериш керак, — хаёл сурди Семнех, — фиръавн шеърни қойилмақом қилиб ўқийди. Сўзлари халқона, ҳозирги одамларга тушунарсиз ёхуд кулгили сўзлар унда деярли учрамайди”.

Фиръавн деҳқонлар ва оддий халқ оммасига мансуб бошқа тоифа кишилари-нинг тилини зўр иштиёқ билан дипломатия тилига ҳам кўчирди. Ҳатто ўзга юртларга юбориладиган мактублар ҳам шу тилда ёзила бошлади. Шу боисдан фиръавн ёзган ёхуд лафзидан чиққан ҳар бир сўз ҳаммага тушунарли.

Фиръавн баҳс уйғотган жойга келганда огоҳлантирди:

— Диққат билан эшит. — Ва шеърнинг давомини ўқиди.

Сен эмасми, юринг ортимдан дея
Халқни олис йўлга чорлаган,
Жаҳи аҳолисин, Танетер аҳлин,
Бобил улусини, Митанни элин,
Арамей, Шумерлар, бани Исроил,
Ҳам Кемининг шонли халқини?

Фиръавн тўхтаб қолди. Зимдан суҳбатдошига тикилди. Сўнг ундан сўради:

— Ҳўш, қандай?

— Ёмон эмас. Давомини ўқи.

— Сени ҳеч нарса ҳайрон қолдирмаяптими?

— Ҳайрон қолдирыпти.

— Нима?

— Хатоинг ҳайрон қолдирыпти. Бу хато ҳозирги хатоинг эмас. Сен аллақачон мана шу жойда хато қилишга қарор қилгансан.

— Сен мамлакатларнинг саногини кўзда тутаёпсанми?

— Ҳа.

Фиръавн ўроқлик қоғозни ерга отиб юборди. Кўкариб кетди:

— Яна нима дейсан?

— Ҳеч нарса.

— Шундай бўлса-да?

— Нега ғозларнинг қитиғига тегасан?

— Уларни ғақиллагтиш учун.

— Йўқ, жиддийроқ гапир.

— Агар жиддий гапиргудай бўлсам мен уларнинг ғашига тегаетганим йўқ. Бу салгина фикрловчи одам учун жудаям арзимайдиган иш. Мен эса аҳмоқ эмасман-ку? Айт-чи, аҳмоқ эмасманми, ахир?

— Йўқ, аксинча. Демак, сен буни атайлаб қиласан.

— Эҳтимол, олий ҳакамнинг ҳукми туфайлидир?

— Билмадим.

— Сен эса буни билиб ол.

Семнех тинчликни яхши кўрадиган одам эди. У айтишишни, жанжаллашишни, Ахнаяти билан ораларидаги муносабатни таранглаштиришни истамасди...

— Биродарим, бизни ҳамма халқлардан кейин санаганингга қарши эмасман. Майли, сен истаганча бўлақолсин.

Ахнаяти унинг гапини кескин равишда бўлди:

— Менимча эмас, адолат юзасидан. Шунини айтиб қўяйки, қанчалик галати туюлмасин, “менимча” ва “адолат юзасидан” тушунчаларини эҳтимол бир-бирдан ажратарман. Агар биз ҳақиқатан ҳам улуғ халқ бўлсак нега камтарроқ бўлмаймиз! Қўшниларимиздан кейинроқ саналсак нима қипти?

— Нега деб сўраяпман?

— Бу камситади.

— Кимни?

— Бизнинг халқимизни.

— Улуғ халқними?

— Ҳа, улуғ халқни.

— Эҳтимол, мен буни ҳеч қачон тушунмасам керак. Улуғ халқ ўзини шумерлардан кейинроқ санашгани учун хафа бўладими? Ёхуд бир тўп изроилликлардан кейин санашгани учун. Шу туфайлигина улуғ халқ ўзини ҳақоратланган ҳисоблайдими?

— Эҳтимол...

— Аҳмоқ халқ хафа бўлади, улуғ халқ эса бундай қилмайди.

Шахзода Семнех шу жойда Эхнатоннинг фикрига қўшила олмасди. Нима бўлганда ҳам барибир Кеми халқини қандайдир осиелик халқ ёки ҳабашлардан кейин қўйиб бўлмайди деб ҳисобларди. Бу ҳар қандай халқни ҳам камситиш. Энг муҳими эса фиръавннинг шусиз ҳам кўп душманлари сафини янада кенгайтиради. Амонга қарши юриш жудаям қимматга тушди. Ибодатхоналардаги кўпгина худоларнинг номлари ўчириб ташланган бўлса-да, улар ҳамон одамларнинг юрагида яшамоқда. Камалак ипи таранг тортилган. Эҳтимол, ҳаддан ташқари таранг тортилгандир. Бунинг устига қўшни халқлар билан мушук-сичқон ўйнашга не ҳожат? Наҳотки, Хапи соҳилидаги улуғ давлат учун шу нарса зарур бўлса?

Фиръавн бунга қарши шундай деди:

— Хоҳлаган давлат — у катта ёки кичиклигидан қатъий назар, аввало адолатга муҳтож. Бу нима дегани? Бу аввало ўша мамлакатда яшовчи ҳар бир тирик жонга нисбатан адолат туйғуси. Бу биринчидан! Иккинчидан эса қўшниларига нисбатан адолатли бўлиш. Биринчи ҳолатдаги адолат бузилса мамлакат ичида алғов-далғов бошланади. Масалан, Сехемхет замонасида шундай бўлган эди. У қаттиққўллик қилган жуда кўп маслаҳатчиларни ишдан бўшатди. Бундан олдин мамлакатда қонли исён кўтарилган эди. Бошқача айтганда ишдан олишлар бир неча ойга кечиккан эди... Энди иккинчи ҳолатдаги адолатсизликка келадиган бўлсак. Тутмос Учинчининг қўшни давлатларга юриши бирор масалани ҳал эта олмайди. Душманлар душманлигича қолаверишди. Бизнинг қўшинларимиз уларнинг ерларини топтаб ташлаган бўлсаларда бундан ҳеч қандай наф чиқмади. Ахир бу бизни ўйлашга мажбур этмайдими? Сен қандай ўйласан, Семнех?

— Ўйлашга мажбур қилиши даркор. Лекин энг муҳими шу ўйлашдан қандай хулоса чиқаришда.

— Тўғри... Сенинг хулосаларинг қандай бўлади?

“...Фиръавн билан баҳслашишнинг маънисини бормикин? Унинг қайсарлиги

ҳаммага маълум. Айниқса шу масалада. Унинг фикрини ўзгартириш амрима-ҳол. Ягона йўл — масала ечимини вақт ихтиёрига ташлаб қўйиш, вақт ҳамма нарсага даво, у тўғри қарорга келишга ёрдамлашувчи ҳакам деган ақидага риоя қилиш. Бу гарчи ўз ироданга қарши бўлса-да...”

— Гапингни эшитаман, — қони қайнаган ҳолатда сўради фиръавн.

Шаҳзода Семнех ночор ҳолатда қўлларини ёзди.

— Тушунаман, сен ҳеч нарса дея олмайсан, биродарим.

— Йўқ. Назаримда, уларнинг жигига тегиш керак эмас...

— Кимларнинг?

— Душманларимизнинг. Сарой аъёнлари, Амон қоҳинларининг жигига... Сен уларни гоятда қудратли қўлларинг билан эзиб ташладинг... Немхулар ҳам сендан унчалик хурсанд эмас.

— Немхулар? — қичқириб юборди фиръавн. — Улар нимадан норози?

Ҳаммаси Амон туфайли. Нима деганда ҳам Амон уларнинг юрагида.

— Бу эса уларнинг иши. Бу ҳолат мени ташвишга солмайди. Амон қувиб чиқарилган, деворлардан ўчирилган, юраклардан ҳайдалган. Улуғ Яти шуни истаганди. У мен орқали бунга буйруқ берган!

Фиръавн муштларини тугиб худди ўзини ҳимоя қилаётгандай қўллари билан кўкрагини тўсди. Шаҳзода Семнех фиръавнни жазавага солмасликка интилди. У бошини эгиб шивирлади:

— Ҳа, марҳаматли худо, ўз амрларини сен орқали бизга йўллайди.

Фиръавн енгил нафас олди. У шундай дейишни лозим тоғди:

— Бугун одамлар тақдир ойнасида фавқулодда бир нарсани — сен билан мени биргаликда кўришади!

Шаҳзода Семнех эҳтиром билан бошини эгди.

Тўсатдан фиръавнни титроқ босди. Бугун бадани қалтирарди. Бамисоли қандайдир сирпанчиқ, ифлос нарсани босиб олгандай ҳолатга тушди, кўзлари тиниб кетди, бу кўзлар худди жонсизга ўхшарди.

— Айтгандай... — деди у бўғиқ товушда. — Айтгандай не учун бунчалик шошилиш даркор?..

У биродарига эшикни кўрсатди. Шунчаки эмас, буйруқ оҳангида кўрсатди!

КЕЧКИ ЯНГИЛИК

Деразадан ой кўриниб турибди. У қандайдир хирароқ. Олтиндан ясалган кўғирчоққа ўхшайди. Бунақа олтин Кемида жудаям сероб, чанг қанча бўлса олтин ҳам шунча. Аниқроғи, ой Саҳройи Кабирда ҳар қадамда учровчи тошдан ясалган дейиш тўғрироқ бўлмасмикин?..

Нефтеруф ўз хаёллари билан банд Канефер ҳам нималарнидир ўйлайди. Улар ярим қоронғиликда ўтиришибди. Кўчада кимларнидир қадам товушлари эшитилади. Гоҳ чап томондан, гоҳ ўнг томондан қадам товушларининг ё яқинлашаётгани, ё узоклашаётгани қулоққа чалинади. Ҳаётда ҳам худди шундай, нималардир йўқолади, ўрнига нималардир келади. Бамисоли ҳозирги қадам товушларига ўхшаб...

Бундан салгина масофа нарироқда мустабид фиръавн эҳтимол ҳозир Нафтитани бағрига босаётгандир. Мен эса бегона уйда тирноқларимни тишлаб ўтирибман. Уша шафқатсиз ҳукмдорнинг қоқ юрагига санчиладиган бирор нарса топишнинг юз хил йўлини ахтаряпман...”

“...Тун ҳам яқинлашди. Нефтеруф билан ёлғиз ўтирибмиз. Йигит ўзини қўлга ололмапти, қинидан чиққудай юрагини жиловлай олмапти. У ҳозир шундай бир ҳолатдаки, ёнгинасида ёшгина аёл турганини ҳам сезмаяпти. Кўзига қон қуйилган йиртқичга ўхшайди гўё...”

“...Йўқ, мен Ахяти деб аталган бу лаънати маконга нима учун келганимни яхши биламан. Лабларим ёғочдай қаттиқ, қўлларим пальма дарахти пўстлогига ўхшайди. Бу аёлни бағрига босиш учун эса юмшоққина кучоқлар керак... Ахтой тезроқ кела қолсайди...”

“...Бу йигит кўриб турган нарсалардан кўпроқ нарсани кўради. Кўзларида ҳорғинлик сезилмайди. Унда ёввойилашиб кетган буқанинг кучи бор. Агар мен

севгида бирор нарсанинг фарқига етсам бағри ҳам роса иссиқ бўлса керак. Нигоҳи ҳам ниҳоятда ўткир, худди юракни тешиб юборгудай. Ер тагида роса кучга тўлиб, ишлаб толмайдиган даражага етибди. Лекин фиръавнга нафрати севгидан кўра юз чандон кучлилик қиялпти... Ҳа, юз чандон...”

Нефтеруф аёл томонга ўтирилди. Жувон ойнадан нарироқда ўтирарди. Ой нури унинг кўкраклари ва қорнига тушиб турибди. Қаерда кўрган эди бунақа қоринни? Тоғдаги ўспиринларда кўрган эди. Уларнинг ҳам қоринлари худди чилдирмага қопланган теридай таранг эди.

“...Бу оқшомнинг чеки-чегараси борми ўзи? Ёш ҳайкалтарош хотинининг олдига қайтармикин? Қўлни қовуштириб мана шундай ўтираверамизми? Фиръавнга ғазаб-нафратга тўлиб? Табиат мўъжизасини Канефер тимсолида кўришини ҳам истайман”.

У кўчадаги қадам товушларини эшитди.

— Қадам товушлари, — деди у.

— Кимнинг қадам товуши?

— Шунчаки қадам товушлари-да.

— Сен кўрқаяпсанми?

У лом-мим демади. Кўчадаги қадам товушларига кулоқ солди.

— Сен қадам товушларидан кўрқаяпсанми, деб сўраяпман?

Нефтеруф сўз қотди.

— Жудаям.

— Наҳотки сен кўрқоқ бўлсанг?

— Ҳа. Арзимаган иш туфайли ўлиб кетишдан кўрқаман...

Йигит орқасидаги жувоннинг нафас олишини эшитиб ўтирибди. Жувон ҳам ўлимдан кўрқади. Иккаласи ҳам ўлимдан кўрқади. Лекин бу ерда ўлимнинг нима даҳли бор. Эркак одам ёнида ўтирган аёлни сезиши керак. У гарчи ўз хаёллари билан банд бўлса ҳам. У аёлни кўрмаслиги мумкин эмас. Агар унинг олдига тош эмас, аёл киши ўтирган бўлса...

Йигит жуда ақли ва устомон эди. У аёлларни кўп кўрганди. У осмонни, юлдузларни, улуг дарё сувларини, чўл тупроқларини кўрган эди. Ер остида яшайдиган ҳайвонлардай қорни билан тупроқ остида, зимистонда ҳам юрган эди. Ахир у ерга аёл учун келганмиди? Нега у шойи кўйлагини бунчалик шилдиратавераркин?

— Канефер, — деди бўғиқ овоз билан ва жувоннинг тирноғи бўялган оёқларига зимдан қараб қўйди.

— Эшитаман, Нефтеруф.

— Ахятида бузуқ қизлар кўпми?

Жувон ҳайрон бўлди.

— Қизлар?!

— Ҳа, ўз табассумларини тиллага сотадиганлар.

Канефер хўрсинди. Бу хўрсиниши аламданми, ҳайронликданми — билиб бўлмасди...

“У ҳар қандай ҳақиқий эркаклар сингари эси паст. Пишиб турган мевани шундоққина узиш ўрнига... Бу ажабланарли эмас. Ахир шер ҳам қанчалик кучли бўлмасин ўлжасини бир ҳамла билан эгаллаш ўрнига айланма йўлларни қидиради...”

— Канефер, мен бузуқ аёллар тўғрисида сўраяпман, сен эса индамайсан.

— Буни сўраб ўтирадимми?

У аёл томонга ўтирилди. Ой нури аёлнинг тишларига тушиб турарди. Бу тишлар шунақаям оппоқ эдики, асти қўяверасиз.

“...Энг муҳим масала ҳал бўладиган вақт етиб келди: у ё менинг ишларимга энг яқин ёрдамчим бўлади, ёхуд эри йўқ вақтларда мен ётиб юрадиган нарсага айланади... Юрагимда ўша дақиқа акс-сало берялпти.”

“...Бу одам фиръавн билан яккама-якка курашмоқчи. Бу ёмон эмас. Лекин ер остида ишлайвериш кўзлари кўрмайдиган бўлиб қолганми дейман? Ундай десам кўзлари бургутнинг кўзларидай ўткир-ку. Қўллари ҳам шернинг панжасидай кучли. Бутун қоматидан куч ёғилиб турибди...”

Канефер сўз қотди:

— Сен соғилмайдиган аёлларни кўрганмисан ўзи?

У нималар деяпти? Бу уятсиз аёл тилидан қандай сўзлар отиляпти? Нега унинг юзларида ой нури маккорона ўйнайди? Ё бу ҳолат йигитни синаш учун худолар томонидан юборилган имтиҳонми?

— Нималар деётганингни яхшилаб ўйлаб кўр, Канефер!

— Ўйлаб кўрдим.

— Яна бир ўйла.

— Ўйладим.

— Учинчи марта ўйла. Бунақа нарсалар уч маротаба ўйланади.

Аёл мазах қилмоқчимиди, ё йигитнинг жаҳлини чиқармоқчи бўлдими, ҳарқалай қатъий оҳангда:

— Уч маротаба ўйлаб туриб, такрорлайман: — аёлларнинг ҳаммаси ҳам сотилади, — деди ўз сўзларидан уялиб, Канефер.

Аёл жавоб ўрнига оёқларини йигитнинг бели томон узатди. Бошини орқага ташлаб, қўлларини икки томонга ёзди.

Нефтеруф газабдан бўзариб кетди. Йигит ҳозир, шу дақиқадаёқ уни жеркиб ташлайди, адолатсиз ҳақоратланган аёллар учун ундан ўч олади.

— Яхши бўлмаса, Канефер. — Нефтеруф нафасини ростлади. — Сенингча бўлақолсин. Баҳоинг қанча ўзи?

Аёл унга қарамай жавоб айлади.

— Берганинг. Бу сенинг виждонингга ҳавола.

— Менинг виждонимгами? — қичқирди у.

— Бўлмаса кимнинг виждонига бўларди?

— Ҳазиллашяпсан шекилли, Канефер.

Аёл муздек товонини йигитнинг иссиқ қорнига қаттиқроқ ботирди.

— Ҳазиллашяпсанми, Канефер?

Аёл тош остига кириб кетаётган илондек вишилларди. Оёқларини янада қаттиқроқ босди, қориндан пастроққа тушди.

“...Бу аёллар ўз оқими бўйлаб пастга оқадиган дарёга ўхшайди. Улар қуёш нурларидан нур эмиб тобора яшнаб борадиган дарахт баргларига ўхшашади. Ўз ҳиссиётларини жиловлаб ололмайдиган макиёнларга ўхшаб кетади. У мени синаб кўрмоқчи. Ахир мен қасам ичиб қўйган бўлсам қандоқ қилиб уни эркалай. Яқингинамда энг манфур одам умргузаронлик қилиб турганда қанақасига бу аёлни бағримга босай!”

Аёл оҳиста ўрнидан туриб, кийимларини тузатди ва Нефтеруфга қиё ҳам боқмай эшикни очиш учун кетди. Йигитнинг қулоғига зинадан тушаётган аёлнинг қадам товушлари эшитилиб турди. Тасодифан тегиб кетди шекилли, кўзанинг ағдарилиб тушгани қулоққа чалинди. Чамаси, у дарз кетди.

Аёл ҳалиги зинапоядан юқорига кўтарилганда Ахтой ой нурига қараб ўтирарди.

— Гапимга қулоқ солинг, — деди Ахтой. У бўйра устига ўрнашиброқ ўтириб олганча пиводан ҳўплади. Кейин яна ичди.

Канефер уйнинг ичкариси — қоронғи томонига йўналди. Унинг гавдаси қоронғилик билан қоришиб кетгандай бўлди, юз ифодаси ҳам кўринмасди.

“Меҳмонимиз бир нарсанинг ташвишида. У фақат олдинга интилади. Ёнидаги ҳеч кимни сезмайди. Бу бахтсиз одам. Заррача омадсизлик уни ақлдан оздириши мумкин. Устомон эмас. Унга жазман бўлишга қарор қилган аёл қанчалик ёрдам бера олишини ҳам тушунмайди...”

“Мен тўғри қилдим. Мен минг маротаба ҳақман. Аёллар табассумига учиб юракни юмшатиб қўйиш ярамайди. Мен шунинг учун ер остида шунча йил азоб чекмадим ва омон қолмадим. Ҳамонки, меҳмонда эканман, менга дўстлик қўлини чўзган эркакнинг аёлига хиёнат қилмайман. Кўнгил майли учун бошқа аёлларни топаман. Қайтага улар хокисорроқ, тилладан бошқа нарса талаб этишмайди. Кўнгил қўйишининг талаб этиб ўтиришмайди... Тўғри қилдим. Акс ҳолда у худди сувилондай мени ўйнатарди. Устимдан қуларди”.

“...Меҳмонимиз жим бўлиб қолди. Худди тешикка кириб кетган илондай. Уни биров кўришини ҳам, хаёлидаги фикрларини сезишини ҳам истамайди. Ҳурматли Нефтеруф жуда ташвишли кўринади... Уй бекаси-чи? У чақмоқдай чақнаб турарди. Хаёлидаги фикрларни хатни ўқигандай ўқийман. Кўзларидаги маънони ҳам уқдим. Жаноб Жехутимес юрак сирларини билишнинг йўллари-ни ўргатди. Мен худди сеҳргарлардай унинг сирларини дарҳол билиб оламан...”

— Сен ниманидир айтмоқчи эдинг? — сўради Канефер қоронгиликда туриб. Унинг товуши худди Хуфу эхромининг бўш хонасидан жаранглаётгандай эшитилди.

— Сен “гапимга қулоқ солинг, дегандинг”, — Нефтеруфнинг овози келди, — назаримда аксинча сен менга нимадир айтмоқчи бўлиб туюлаётгандинг...

— Ҳа, мен бир нарса айтмоқчиман. Агар айтмоқчи бўлган нарсам сир сақлаш лозим бўлганда эди, уни мангуга ўзим билан олиб кетардим, ҳатто бу уйнинг хўжайини ҳам билмаган бўларди. Лекин сиз пойтахтимизнинг ўзига хос томонларини билишингиз керак. Бу ерда қанча тил бўлса ҳаммаси ҳам суяксиз. Ахяти гўё ичида гап ётмайдиган одамлар учун яратилгандай. Мен индамаган тақдиримда ҳам барибир бошқалар айтади. Бугун бўлмаса, эртага, эртага бўлмаса индинга.

Қоронгиликда ўтирган Канефер жим бўлиб қолди. У ой нурида кўзга ташланишни истамасди. Ҳайкалтарош бунга аҳамият бермагандай туюларди. У чамаси ўз янгилиги билан андармон эди, айтишни ҳам, айтмасликни ҳам билмасди.

“Бу аёл мени хароб этади. Ўйлаган ишимни ҳам расво қилади. У эрининг ҳузурда орадан ҳеч гап ўтмагандай, худди шу жойда эрига бевафолик қилишга бир баҳя қолмагандай тутарди. Наҳотки, донишманд ва келажакни олдиндан кўра оладиган Шери янглишган бўлса?”

“Меҳмонимиз нимадандир хафа ёхуд норози. Мен Жехутимес ва Тихотеплар билан бироз кайфи-сафо қилдим. Лекин ёш бола ҳам кўрадиган нарсани кўра олмайдиган даражада маст эмасман...”

— Қандай янгилик экан, Ахтой? — бетоқатланиб сўради Нефтеруф. — Канефер иккаламизнинг тоқатимиз тоқ бўлди-ку, сен айтадиган янгиликни кутавериб.

— Жехутимес, билан бирор кор-қол рўй бердими? — сўради Канефер. Аёлниг овози фавқулодда вазмин эди.

— Айтишларича, — бўғиқ овоз билан давом эттирди Ахтой, — айтишларига қараганда...

Ахтой жим бўлиб қолди. Нефтеруфга, хотинига қараб қўйди. “Улар чамаси обдон баҳслашишганга, ҳатто жанжаллашишганга ўхшайди. Канефернинг тили ҳаддан ташқари аччиқ. У ўзининг ҳақлигига ишонган пайтларда ҳаддан ташқари мурасасиз бўлиб қолади...”

— Айтишларига қараганда, фиръавн билан жаноби олиялари Нафтитанинг оралари унчалик эмасмиш.

— Бу янгилик эмас, — деди Канефер.

— Тўғри, янгилик эмас, — тезгина рози бўлди ҳайкалтарош.

— Айтишларича, Кийа тобора кўпроқ фиръавнга тазийқ ўтказаётган эмиш...

— Бу ҳам аллақачондан бери маълум.

— Шаҳзода Семнех фиръавн билан бирга галма-гал ҳукмронлик қилмасмиш.

— Шу ростми?

— Шундай дейишяпти.

Нефтеруф Ахтой томонга кескин қайрилди. Ой нури унинг орқа томонига тушиб турарди. Юз томонига ёруғлик тушмас, шу боис унинг кўзлари ҳам кўринмасди.

— Ким фиръавн билан галма-гал ҳукмронлик қиларкан? — сўради собиқ сургунчи.

— Кийа!

Канефер чапак чалиб юборди, бўйрага ўтирди. Бу нималарга олиб келиши мумкинлигини тезда чамалаб кўрди. Кийа ҳеч қачон Атонга содиқ бўлган эмас. Бу маккор аёл фақат тилдагина Атон тарафдори. Кийа Амонга содиқ қолишига Канефернинг ишончи комил...

— Сен шундай деб ўйлайсанми? — сўради Ахтой.

— Ўйлашинг ҳожати йўқ. Шундайлиги аниқ!

— Хоним, — унга мурожаат этди Нефтеруф, — шошилинч хулосалар чиқариш ярамайди. Агар у Амонга имон келтирган тақдирда ҳам буни яширин равишда амалга оширади. Мен шундай ўйлайман. Чунки унинг бу ишини фиръавн сезиб қолгудай бўлса Кийанинг ҳолига вой.

— Канефер қайсарлик билан ўз сўзида туриб олди.

— У Амонга имон келтиради.

— У ҳолда эҳтимол қилиш мумкинки... — Ахтой меҳмонга қаради.

Меҳмон бошини қимирлатиб, ўз фикрини яқунлаб қўйди:

— ...уларнинг ҳар иккаласи ҳам Амон томонида. Мен буни худди бозордаги қассобдек жуда кўпол ифодалаяпман. Лекин сиз тушунасиш: агар Амонга мойиллигига салгина шубҳа қилгудай бўлса, демак у Атонга қарши деяверинг. Қарши бўлмаса энди қарши бўлади, сўзларим ёдингизда турсин!

Нефтеруф тўғри ва қизғин гапирарди. У қандай ўйласа шундай сўзларди.

Ахтой сўз қотди:

— Бу гапни қайтармасликни илтимос қиламан! Улуғ Атон бизнинг юрагимизда. Амонга борадиган барча йўллар узил-кесил қирқилган, ўт босиб ётибди. Ёки яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак ёндирувчи тупроқ билан қопланган... Мен сизга айтдим-қўйдим. Кийа фиръавн билан галма-гал ҳукмдорлик қилади.

Канефер қадаҳларга кўзадан бобил қатронига ўхшаш қора ва куюқ пиво қўйди. Пиво ой нурида кўкимтир кўринарди. Сўнгра икки уйнинг бурчаги ва шифтидаги шамчиروқларни ёқди.

Хона бирдан ёришиб кетди, ой нурлари деразалар олдига, ундан йўловчиларнинг қадам товушлари эшитилиб турган кўчага чекинди.

Ахтой худди йиғламоқчи бўлган одамдай юзини кўллари билан тўсди.

— Эй, улуғ Атон, — деди у титроқ овоз билан, — адолатсизликка йўл қўйма, мислсиз Нафтитани давлат ишларидан узоқлаштира! — Сўнгра кўллари юзидан олиб Нефтеруфга мурожаат этди: — Агар фиръавн малика жаноби олиялари билан жанжаллашиб қолгудай бўлса нималар рўй беришини тасаввур қила олмайсиз, муҳтарам жаноб.

— Тасаввур қила олмайман, — деди лоқайд оҳангда меҳмон.

— Канефер, агар малика давлат ишларидан узоқлашгудай бўлса Кемининг ҳоли, ҳаммамизнинг ҳолимиз не кечишини меҳмонга тушунтир.

Канефер айтди:

— У ҳолда маликанинг ўрнини бошқаси эгаллайди.

— Тўшакдаги ўрниними? — хитоб қилди ҳайкалтарош.

— Ҳа, тўшакдаги, — деди Канефер.

Ҳайкалтарош ҳайрон бўлиб, секингина чапак чалиб қўйди:

— Ҳамма вақт унга рашкинг келади. Лекин билиб қўй: сен ёшсан, ундан чиройлироқсан, лекин у Нафтита. Бунинг маъноси нима эканлигини Жехутимесдан сўраб кўр!

“...Бу ҳайкалтарош бутунлай ақлдан озганми дейман. Хотини, шубҳасиз, ундан ақлироқ. Ҳар қалай Канефер Нафтитани ёқтирмайди. Аёл Атонни ҳам, унинг разил ўғли Ахнютини ҳам ёқтирмайди. Эру хотиннинг уришиб қолишига йўл қўйиш мумкин эмасди. Акс ҳолда Жехутимеснинг устахонаси унинг учун ёпилиб қолган бўларди...”

Нефтеруф овоз чиқариб шундай деди:

— Дўстларим, сизларни жуда оз вақтдан бери билсам-да, мен учун жуда азизсизлар. Иккалангиз гоят ёш ва гўзалсизлар. Истиқболларингизда сизларни машҳурликка олиб борадиган йўл турибди. Агар мен таълим олган бобил донишмандлари мени бирор нарсага ўргатишган бўлса сизлар баланд мартабаларга эришасизлар. Кемининг аслзодалари ва худолари севадиган одамларга айланасизлар...

— Кеми худоси, — тузатди уни Ахтой.

— Майли, сенингча бўлақолсин, Кеми худоси деяқолай. Лекин сизлар бирга бўлишларингиз, ҳеч қандай малика сизларнинг ҳаётингизга чанг солмаслиги керак.

— Бўлмаган гап, — эътироз билдирди Ахтой. У ғазабнок кўринарди. — Ёлғон! Маликанинг қисмати бутун Кемининг қисмати. Уни шубҳа остига олиш ярамайди. Бу бизга ҳаёт бағишлаб турган. Хапани ёмонлагандай бир гап. Мен очигини айтақолай. Кемининг барча ҳайкалтарошларию рассомлари маликанинг бахт-саодати йўлида ҳар нарсага тайёрдирлар.

— Мақтовга сазовор, — деди Нефтеруф.

Канефер миқ этмасди. Лекин унинг нафас олишини эркаклар эшитиб турришарди: у ҳозир қазабини базўр жиловлаб турган шерга ўхшарди.

Нефтеруф пиво қуйилган қадаҳни кўтарди. У эҳтиросларни бироз юмшатадиган қадаҳ сўз айтди:

— Шумерлар ичиш олдидан худо бу уйга ва унинг томи остидагиларга тинчлик ва дўстлик ато этсин дейишади!

— Худо ҳақи, жуда чиройли айтилган гап. — Ахтой қўлидаги алвон ранг чиройли қадаҳини кўтарди.

Нефтеруф уй бекасига айтди:

— Шумерлар одатига кўра менинг қадаҳимдаги шаробни ич.

Аёл қадаҳни ундан олди ва чўлда чанқаган йўловчидай сипқорди.

ЎЗИНГ БИЛАН БАҲСЛАШГАНДА

Нефтеруф қўлларини боши тагига қўйиб бўйрада ётарди. Пойтахт уйку оғушида. Ҳатто юлдузлар ҳам мудрашади. Эҳтимол, бугун оламда фақат Нефтеруфгина бедордир. Сарой посбонлари ҳам албатта.

Фиштлиқ девор орқасида Ахтой ва Канефер. Улар анча вақтгача гўнғиллаб ётишди. Нималар ҳақидадир баҳслашаётганлиги элас-элас кулоққа чалинади.

Чамаси эру хотиннинг муносабатлари асл ҳолига қайтаётганди. Худди Танетерда кенг тарқалган иборада айтилганидай томчилар бир-бирига қўшилиб ирмоқ ҳосил бўлади. Ирмоқ тўғри кетмайди, йўлини ўзгартиради. Ҳарқалай ирмоқнинг йўлини ўзгартириш, ҳатто орқага оқизиб юбориш мумкин. Томчилар масаласи эса жуда қийин. Ер юзидаги инсонлар каби кўп улар. Шу боисдан уларни жиловлаш мушкул.

Нефтеруф конда ишлаганда, худди ер ости ҳайвонларидай бир бурчакка кириб оларди-да, турли нарсалар тўғрисида худди биров билан гаплашгандай ёхуд қаршида ҳақ гапни айта оладиган бошқа Нефтеруф тургандай гаплашарди.

Мана ҳозир ҳам хаёлида ўзи, қаршида эса ўша хаёлдаги Нефтеруф гавдаланди.

— Ахтой айтган маълумотлар ҳақиқий деб фараз қилайлик. Ҳокимиятни фиръавн билан ҳамкорликда бошқарадиган одам шаҳзода Семнех эмас, Кийа бўлақолсин. Бу нимани ўзгартиради. Фиръавн ҳаёт экан ҳамма нарса ўз ҳолича давом этаверади. Ҳамма бало унинг мана шу ҳаётлигида!

— Унчалик эмас. Албатта золим фиръавн истаган одамни бамисоли битдай тирноғи билан эзиб ташлаши мумкин. Буни бехато англаса бўлади. Фиръавн ёнида Семнех бўладими, Кийа бўладими, бундан қатъий назар, шундай ҳолат юз бераверади. Лекин сенга айтишаётган малика Нафтитанинг давлат ишларидан четлаштириши-чи? Ўзинг тасаввур этиб кўр: эр умр йўлдошига ўз севгиси ҳақида қасамёдлар қилади, шаънига қасидалар тўқийди, лекин кутилмаганда уни инкор этади. Оддий аёлни эмас, балки маликани. Лекин ўзинг тасаввур этиб кўр! — ўша маликанинг лоақал бирорга ҳаммаслиги йўқмикин? Саройда унинг ўз тарафдорлари, содиқ одамлари йўқ деб ўйлайсанми? Қани чамалаб кўр-чи, бу нимани билдиради?

— Бунинг оқибати нималарга олиб келиши мумкинлигини фаҳмлаш учун донишманд бўлиш шарт эмас.

— Нимага олиб келади?

— Саройдаги ўзаро низоларга олиб келади.

— Тўғри айтасан, дўстим Нефтеруф. Айни ички низоларга олиб келади бу. Лекин Кемининг қудрати тобора кучайиб, ошиғи олчи бўлиб турган бир пайтда саройдаги озгина низо ҳам баъзи нарсалардан дарак беради. Ҳукмдор билан маликанинг урушиб қолиши сарой аъёнлари ўртасида гина-қудуратга ва ўзаро низоларга олиб келади. Баъзилар бундан хафа бўлса, бошқалар суюнади. Фиръавн бундай пайтда агар илгаридан қатъий бир қарорга келмаган бўлса қайсидир томоннинг ёнини олади.

— Фиръавн голиб келади деб ҳисоблаш мумкин...

— Ҳарҳолда шундай бўлса керак. Шарқда бир мамлакат бор. Ўша жойда

илонлар най овозига рақс тушишади. У ерда ҳатто гадолар ҳам донишманд. Ўзингни ўшалардан бири деб фараз этгин-да, мулоҳаза юрит. Фиръавн голиб келди дейлик...

— Фараз қилайлик.

— У ҳолда Нафтита нима қилади?

— Ранжийди. Ғам адо этади. Алами ва иложсизлигидан тирноғини тишлайди.

— Бу ҳаммаси эмас!

— Яна нима қилади?

— Ҳаммаси эмас дедим. Унинг ғазаби қаерда қолди? Дўстлари қаёқда қолишди. Улар жим туришармиди?

— Ўйлайманки, жим туришарди.

— Бу жимлик маълум вақтгача эканлигини ёдингда тут. Орадан бироз вақт ўтгач, ўзларини тутиб олишади, фикр алмашишади. Уларнинг замони ҳам келади!

Осмондаги юлдузлар сирли йўл бўйлаб тизилишган. Улар бир-бирларига чамбарчас боғлиқ. Юлдузларнинг жимирлашиб бир-бирлари билан гаплашишлари суҳбатдошларнинг эътиборини ўзига тортди.

— Юлдузларни кўраяпсанми! Улар осмонда мангу милтиллаб туради, ёруғлик сочиб туриши ҳам абадият.

— Шоҳ саройи ўз аъёнлари билан ана шундай мангу бўлишини бир тасаввур этиб кўр.

— Буни гапирмай ҳам кўяқол! Шундай хаёлга боришнинг ўзиёқ инсон ақлини хиралаштиради.

— Тўғри айтаяпсан, жудаям тўғри. Ҳарқандай саройнинг умри абадий эмас. Фиръавнлар ҳукмронлигининг ҳам ибтидоси ва интихоси бор.

— Бахтимизга худди шундай!

— Ҳамонки, шундай экан, саройдаги юлдузлар ўрнининг алмашишига бе-парво қараб бўлмайди. Ҳукмрон ёнида Кийа ёхуд Нафтитанинг бўлиши ўрта-сида фарқ бор. Бу фарқ, майли, катта бўлмаса-да, мамлакатнинг бутун ҳаётига таъсир этади. Ҳозир Нафтита давлат ишларида фиръавннинг энг яхши ёрдамчиси. Кийа қандай бўларкин?

— Мен нима қилай? Қўл қовуштириб ўтирайми?

— Йўқ.

— Ҳаракат қилайми?

— Ҳа.

— Лекин аввало бўладиган ўзгаришларни аниқ билмоқ керак.

— Бахтимиз шундаки, миллионлаб одамлар саройда нималар бўлаётганига парвойи фалак.

— Йўқ, улар лоқайд эмас. Фақат улардан ҳеч ким ҳеч нарса ҳақида сўрамайди. Одамлар худди ҳайвонларга ўхшашади: ишлашади, еб-ичишади, ухлашади, кўпайишади, ўлишади. Сарой улар учун етиб бўлмас манзил, фиръавн эса ғоятда қудратли.

— Лекин барибир инсоннинг ўрни бўлакча, сўзи мўътабар. Ҳатто орқава-ротдан қилган қарғишлари ҳам даҳшатли.

— Ҳа, шундай.

— Ўйлаб кўриш керак...

— Албатта!

— Маслаҳатлашмоқ зарур...

— Ким билан?

— Масалан, Шери билан...

— У қаерда?

— Ёхуд Канефер билан...

— Энди Канефер ҳақида сўзлашайлик.

У мана бу девор орқасида ёш ва бақувват эри билан ётибди. Улар ҳалигача нималар тўғрисидадир пичирлашяпти. Эҳтимол, ўпишишаётгандир. Мана, уларнинг тагидаги бўйра гичирляпги, енгил хўрсиниқ эшитиляпти. Йўтал овози ҳам. Эркак одамнинг йўтали... Аёл нимадир деяпти. Эри жим ётибди. Фақат пол тахтаси гичирляпги...

- Эҳтимол, мен хато қилдим, шекилли.
- Бугунми?
- Ҳа, бугун.
- У олдингда чўзилиб ётиб олгандами?
- Ҳа.

Нефтеруфларнинг униси ҳам, буниси ҳам жим қолди. Улар бир-бирларининг кўзларига қарашди. Кўзларида эса осмон акс этарди.

— Эҳтимол, менинг бу ердан кетганим маъқулдир. Муҳим иш билан севгини аралаштирмаган маъқул.

- Ҳаммасини тарози палласига қўйиб кўр.
- Аёл барибир ўз йўлидан чекинмайди...
- Буни ҳам эътиборда тут...
- Акс ҳолда у мени қуриб қолган қамиш деб ўйлаши мумкин.
- Эҳтимол.
- Лекин мен қаерга кетаман?
- Ҳеч қаёққа кетмайсан...
- Балки Шерини қидириб кўрарсан?
- Яхшиси сабр-тоқат қил!

Қандайдир ғалати, ҳеч тугамайдиган тун эди бу. Азобли тун. Кун-чи? Кун бундан яхши бўлармикин?

ТУН...

- Эй, Пенту, гапимни эшитяпсанми, ё пинакка кетаяпсанми?
- Йўқ, ухлаётганим йўқ. Ўйлаяпман, уйқум келмаяпти.
- Нимани ўйлаяпсан?
- Сенинг сўзларингни ўйлаяпман, жаноби олийлари.
- Шунақами? Миямдаги оғриқ тарқамаяпти.
- Дамлама ич, жаноби олийлари.
- Жуда аччиқ-да.
- Аччиқ бўлса-да, фойдали. Уни узоқ ўлкалардаги қабилалар тайёрлашади.
- Қаерда яшайди ўша қабилалар?
- Хеттларнинг нарироғида истиқомат қиладиган қабилалар, жаноби олийлари.
- Уша жойларда ҳам қуруқлик борми?
- Бор! Лекин ундан у ёғи сувдан иборат.
- Шу дамлама бош оғригини қолдиришга ёрдам беради деб ўйлайсанми, Пенту?
- Жудаям, жаноби олийлари.
- Узоқларда яшовчи қабилалар топишганми буни?
- Жуда узоқдаги ёввойи қабилалар.
- Қандай қилиб, Пенту, сендай одам тополмаган дорини ёввойи қабилалар топди экан?

Жаноби олийлари узоқ ўлкалардаги ўт-ўланлардан тайёрланган аччиқ дамламани ичдию афтини бужмайтирди. Кейин қайт қилиб юбормоқчи бўлган одамдай кўкрагини чангаллади, чалқанчасига юмшоқ ёстиққа йиқилди. Худогга илтижо қилмоқчидай қўлларини чўзди. Фиръавн хобхонаси худди кундузгидай ёп-ёруғ бўлишини хоҳларди. Шу сабабли ҳар бир бурчакда шамчироқлар ёниб турарди. Шамчироқларга қаҳрабодек топ-тоза балиқ мойи қуйилган. Унинг пилиги зигир толасидан махсус йўл билан тўқилган. Шунинг учун шамчироқлар тутун чиқармайди, ҳаммаёқ ёп-ёруғ.

- Барибир уйқум келмаяпти, Пенту.
- Менинг ҳам.
- Мен туфайлими?
- Йўқ, кексалик туфайли. Энди ухламасам ҳам бўлади. Лекин йигирма ёшларимда уч кишилашиб ҳам уйқудан уйғотишлари қийин эди.
- Уйқунг шунчалик қаттиқмиди?
- Ҳа, жудаям. Қовоқларни очишнинг иложи йўқдай, бир-бирига ёпишиб

қолгандай туюларди. Ўттиз ёшимда ҳам шундай эдим. Энди эса ухلامасам ҳам юравераман.

— Сен олижаноб одамсан, Пенту.

— Унчалик эмас. Сен билан ўзимни жуда яхши сезаман.

Фиръавн тирсақларига таяниб ўрнидан турди. Унинг отсимон ияги безовта қамирлаб турарди. Бу бош оғриғининг, асорати эди.

— Шундай бўлса, Пенту, сенга савол бермоқчиман.

— Эшитаман, жаноби олийлари.

Фиръавн кўзларини қисди. Унинг гўё суҳбатдошини ёриб юборгудай юзи жуда қиррадор эди:

— Юз-хотир қилиб ўтирмай, тўғриси айт.

— Ҳар қачонгидек.

Фиръавн Пентуга жуда яқин келди.

— Менга айт-чи, сен Кийа ҳақида қандай фикрдасан?

— У тўғрисидами?

— Ҳа!

— Мен ўйлаб кўрай, жаноби олийлари.

— Нима тўғрисида?

Йўқ, ҳозир фиръавн бутунлай бошқача бўлиб қолган. Бу шундоққина кўри-ниб турибди. У ҳозир ҳам кейинги кунлардагидек жуда газабнок. Пенту ўйга толди: “Унга раҳим қилмоқ керак... У ниҳоятда қаттиққўл, лекин аввало ўзи-га қаттиққўл. Кийани ҳокимиятга яқинлаштирамоқ ҳам ўзини, ҳам ҳокимия-тини аямаслик дегани. Давлатни бошқаришда муайян тартибни йўлга қўйгач, уни заруратсиз бузавериш унчалик жоиз эмас. Лекин фиръавннинг маликага муҳаббати сўниб қолган бўлса нима қилмоқ керак? Ўзини, маликани, бутун давлатни алдаб юравериш керакми? Ёки ўзини ҳеч нарса бўлмагандай тутиши лозимми? У ҳолда ана шу биргина ёлгон ҳамма ишни бузиб юборади”.

Пенту фиръавнни ақл-идрокка даъват этади, ана шу ақл-идрок эса пирова-рдида зафар келтиради. Гап шундаки, Кемидек улғу давлат ақл-идроксиз кун кечира олмайди. Ҳатто бир соат ҳам! Бу олтин қоида. Уни кўз қорачиғи-дек авайламоқ, қўллаб-қувватламоқ лозим...

— Бу гапни илгари эшитганман.

Пенту фиръавннинг сўзларини эшитмагандай тутди ўзини. Бундай танбеҳ учун фақат ҳукмдорнигина кечириш мумкин. Бошқалар эса бунақа пайтда жазосини олади.

— Ақл-идрок, донишмандлик деярли ҳамма вақт — Нармер даврларидан бошлаб давлатимизнинг асосини ташкил этиб келган, жаноби олийлари.

— Сен жуда секин ва узоқ гапирасан, Пенту.

— Шундай экан, донишмандлик сени ҳеч қачон, ҳатто бир дақиқага бўлсин, тарк этмаслиги лозим. Ахир бир кўнгилсизлик устига янги кўнгил-сизликларни бошлаб келишга не ҳожат?

— Сен нимани кўзда тутаяпсан?

— Ҳеч бўлмаганда чегараларимиздаги ҳолатни кўзда тутаяпман.

Хеттлар “Бир қозонда икки ёвғон қайнамас” дейишади-ку, ахир.

— Агар бу ёвғонни тўкиб юборилса-чи?

— Қаёққа тўкардинг? — шошиб сўради Пенту.

— Масалан, сенинг бошингга!

Мўйсафид кўзларини юмди, қўлларини итоаткорона кўкрагига қўйди. Фиръавн ағдарилиб қорни билан ётди. Иккала қўли билан бошини ушлади.

— Энди бошим сал-пал оғрияпти.

— Жаноби олийлари, мен барибир гапни айтишим керак. Тепамиздаги юлдузлар гувоҳлигида сенинг фойданг учун гапираман!

Фиръавн минғирлаб қўйди.

— Менинг фойдам бу Кемининг фойдаси.

— Тўғри айтдинг! Яхши айтдинг! — Пенту мамнунлигидан қўлларини бир-бирига ишқалаб қўйди.

— Қўлларингни шарақлатаверма! — Фиръавн Пентуга қарамай қошларини чимириб қўйди.

— Жаноби олийлари, энди қўлларимни шарақлатмаяпман.

- Ундай бўлса, гапингни давом эттир.
- Мен сенинг фойданг учун ҳақиқатни гапираман дедим. Наҳотки, маликани ўзингдан узоқлаштирмай туриб жазман тутиб бўлмаса?
- Кийа жазман эмас!
- Уни чинакамига севиш ҳам мумкин. Наҳотки, бунинг учун саройда жой топилмаса?
- Яширинча севишми?
- Нега яширинча бўларкан? Бундай иборалар нимага керак? Камтарона севиб, бу севгини ҳаммага кўз-кўз қилмасликнинг иложи йўқми?
- Бу ҳақорат-ку!
- Ким учун ҳақорат?
- Кийа учун ҳақорат. Севгидан уялиш керак эмас. Бу менинг эътиқодим. Пенту яна сўз қотди.
- Илгари жазманларинг йўқмиди?
- Лекин мен уларни севмаганман.
- Энди ҳам севмайсан...
- Кимни?
- Иккаласидан биттасини.

Фиръавн пешонасини артди. Муздек кўзани бошининг орқа томонига қўйди. Бу унга жуда хуш ёқди. Оғриқ деярли тўхтади. Фақат орқа мияси салгина оғриб турарди, холос. Жуда ғалати ҳолат эди: орқа мияга қўйилган муздек кўза бутун аъзойи баданигаю юрагига ором бағишларди.

— Бунинг ғалати жойи йўқ, — тушунтирди Пенту. — Инсоннинг барча аъзолари ер юзидаги каналлар сингари бир-бири билан боғлиқ. Сув кўпайган пайтларда у Хапидан каналларга тушади. Бир каналдан бошқасига ўтиб кетилаверади. Инсон юраги ва боши ҳам яхлит бир нарсани ташкил этади. Шу боисдан мияни ҳам, юракни ҳам асабийлаштириш жоиз эмас. Зеро бирига тегсанг, иккинчиси ҳам зирқирайди. Деярли бирданига. Мияга теккизилган муздек нарса юракка ҳам даво. Ва аксинча.

- Ҳа, шунақа экан, Пенту.
- Энди ҳалиги гапимизга қайтсак. Севиш-севмаслик сендай улуг фиръавнининг ўз иши. Бундай вақтда сен унга бутун қалбинг ва ақлингни бағишлайсан, бошқа ҳеч нарсага муҳаббатинг қолмайди...

Фиръавн бошини сарак-сарак қилди, юлдузларга тикилганча:

- Пенту, мен севгисиз яшай олмайман, — деди.
- Мўйсафид буни тушунмасди. У ҳатто ёшлик пайтларида ҳам буни фаҳмлаши амримаҳол эди.
- Ҳокимият Оллоҳ томонидан ато этилган шундай бир нарсаки, унда ортиқча муҳаббатга ўрин йўқ, — деди Пенту. — Фикримни тушуняпсанми, жанооби олийлари? Меъёридан ошган ишқий жўшқинлик ҳокимиятга зарар келтиради...

- Меъёрдан ошиш қандай бўлади?
- Агар севги фавқулоддаги севги бўлса...
- Фавқулоддаги севги?
- Ҳа.
- Фавқулоддаги севги деганда ақлни йўқотиш даражасидаги севги тушунилади, — гапида давом этди ўзининг ҳақлигига тамомила ишонч билан фиръавнининг маслаҳатчиси. Ҳокимият тепасидагилар эса ақлсизликка йўл қўйишлари асло мумкин эмас.

— Гапларинг бирам бурамаки! — қовоғини уйди фиръавн. — Баъзи сўзларингга тушунмай қоламан. Мен билан содда тилда гаплаш деганман-ку. Жим-жимадор сўзларингни қўй. Бозорларда бўлганмисан ўзи?

- Қаерларда?
- Бозорларда.
- Нега сўраяпсан? — ҳайрон бўлди Пенту. У ясама сочини олиб, терлаб кетган бошини артди.

— Ҳеч бўлмаганда ўша жойлардагидек содда гаплашишни ўрганиш учун. Пенту хахолаб кулди. У кулги орасида: — ўша жойларда ҳам худди шундай сўзлашади, — деди.

— Қандай?

— Ҳозир гапираётганимдай. Акс ҳолда бизнинг чиройли, обдон ишланган тилимиз қайда қолади?

— Снофра, Жосер ёхуд Хуфа давридаги тилимизми?

— Ҳа, шунга яқин! — деди кулгидан кейин сал ўзини босиб олган Пенту.

— Йўқ, ундай эмас, Пенту. У тил ўлиб кетган. Бундай жимжимадор гаплар учун фақатгина сени кечираман. Бошқа хизматчи бўлганда ўн дарра еган бўларди.

— Мен калтақдан кўрқмайман, жаноби олийлари.

— Кўрқмасанг бўпти. Сен билан тунда баҳслашиб ўтирмақчи эмасман.

Фиръавннинг бош оғриғи бутунлай тўхтади. Одатда бу кутилмаганда бошланиб қоларди. Қанчалик тез бошланган бўлса, шунчалик тез тўхтарди. Баъзан дамлама ичмасдан ҳам босиларди. Қандай касал бу ўзи? Фиръавннинг қилмаган амали, бормаган жойи қолмади бу касалликни тузатиш учун! У бироз ўйлаб турди-да, ўзига ўзи деди: “Касалимни тузатиш эвазига Кийани сўрашса бермайман. Ундан кўра бошим оғрийвергани яхши. Азобига чидайман. Танетердан дори олиб келишга ваъда беришган. Иси оролига чопарлар юборилган. Йўқ, Кийадан ажралиб қолгандан кўра бошим оғрийвергани маъқул. У менинг ҳаётим!”

“...Севги ҳақидаги гапни ҳукмдор Кийанинг давлат ишларига аралашшига менинг розилигимни олиш учун бошлади. Менинг розилигим нимага керак? Агар мен розилик бермаган тақдиримда ҳам фикрим билан ҳисоблашармиди? Барибир ўз билганидан қолмайди. Лекин менинг розилигим унга қачонлардир “Бу ишни ҳатто кекса Пенту ҳам маъқуллаган” дейиш учунгина керак.”

“...Бу қария нималарни хаёл суриб юрибди ўзи? Наҳотки, у менинг розилигимсиз ҳукмдор ҳеч нарса қила олмайди деб ишонса? Овора бўласиз! Овора бўласиз! Айтдимми — гап тамом! Бутун дунё қарши турганда ҳам фикримни ҳеч ким ўзгартира олмайди! Фақат нобакор одамларгина ўз муҳаббатини қаёқдаги ишлар деб қурбон қилиши мумкин...”

— Севги ҳақидаги гапимизни давом эттирайлик, — деди фиръавн чап томонига ағдарилиб ва кекса маслаҳатчига елкаси тепасидан қараб.

— Жаноби олийлари ухлашни истамайдиларми?

— Қанақа уйқу? Кўзларимнинг бирортасига уйқу келмаяпти! — Фиръавн кўлини узатиб мис кўзгуни олиб қаради. — Худди қаттиқ уйқудан ҳозиргина тургандайман.

— Ҳа, тўғри, жаноби олийлари. Сен ҳозиргина инидан чиққан қушчага ўхшайсан.

— Кел, энди севги тўғрисида сўзлашайлик!

— Жаноби олийларининг арзimas бир хизматкори сифатида давлатдаги бир неча одамни бўлсаям гулгулага солиши мумкин бўлган севги машмашаларига норозилигимнигина билдириб қўймоқчиман. Зеро, икки киши бир-бирини яхши кўрса ёхуд бир-биридан ажрашиб кетса бошқаларга таъсир этмаслиги мумкин эмас. Ҳамонки, бу нарса бошқаларга алоқадор экан, ҳокимият бу тўғрисида ўз фикрига эга бўлмоғи зарур. Мен бошқача фикрлай олмайман. Акс ҳолда самимий сўзламаганим учун марҳаматингни дариф тутасан мендан.

Жаноби олийлари жавоб бермади. У кўршапалаклар учиб юрган шифтга қараб ётарди! Шу дамда уларга ҳаваси келиб кетди. “Улар севгида бировдан маслаҳат сўраб ўтиришмайди. Ўз жуфтлари ҳақида бошқаларнинг фикри ҳам даркор эмас”. Ҳукмдор Пентуга хўмрайиб қараб кўйди. Мўйсафид хотиржам ўтирарди. Кўзлари эса хорғинроқ. Бу бежиз эмас. Ахир тун охираётган, Шарқий тепалиқдаги осмон оҳиста бўзариб келаётган палла эди...

— Шундай қилиб, — фиръавн хаёлчан сўз қотди, — гапингни тушундим. Яхши тушундим. Илоҳим, бошқалар ҳам сени шундай англашсин. Илоҳим, мендан кейин қолма. — Мўйсафид титради. Фиръавннинг сўзлари шамчироқ нурлари билан нурафшон уйда, ҳар бир сўзи беқиёс кадрланадиган жойда жуда хунук жаранглади. Пенту ясама сочигача терлаб кетганини сизди.

— Мен кекса одамман, сендан кейин яшамаслигим аниқ.

— Илоҳим, мендан кейин қолма, деяпман.

— Бўлмаса қандай тушунмоқ керак? — мўйсафид фиръавннинг сўзларида қандайдир ёмон маънони сезгандай чинқириб юборди.

Лекин фиръавн уни тинчитди:

— Мен айтмоқчиманки, менга бирор қор-ҳол бўлгудай бўлса, сенга тиш қайрайдиганлар шунчалик кўп бўладики, саноғига ҳам етолмайсан.

Пенту енгил нафас олди.

— Мен улардан қўрқмайман, жаноби олийлари.

— Улардан қўрқиш ва эҳтиёт бўлиш керак.

— Уларнинг ўзларию таҳдидларидан қўрқмайман!

— Сен ҳаддан ташқари ўзингга ишонасан, Пенту.

Фиръавн кутилмаганда қорни жуда очқаганини сездди. Пенту буни яхшиликка йўйди: зеро бирор нарса ейишни истамоқ саломатликдан дарак беради. Жаноби олийлари бир мартагина чапак чалди...

Эшик очилди. Остонада кимдир пайдо бўлди. Пенту унга қарамади. Фиръавн жим турарди. Пенту остонадаги одамга қарамай амр этди:

— Мева-чевалар ва пиво келтир... Йўқ, пиво эмас, мева-чева ва шароб олиб кел! — жаноби олийларига мурожаат этиб деди: — Мен қоринни ортиқча, ҳатто енгил овқатлар билан тўлдирмаган бўлардим. Мева-чевалар овқат ўрнини босади, шароб эса одамни бир меъёрда ушлаб туради.

Фиръавн бамисоли Пентунинг гапларини эшитмагандай сўз қотди.

— Малика Шимолий саройга кўчиб ўтади. Лекин бу тез кунда рўй бермайди. Пенту, сен маликанинг ҳокимиятни мен билан бирга бошқаришга киришишини эълон қиласан.

— Қачон, жаноби олийлари?

— Қачон? Буни ўйлаб кўриш керак. Эртага, ҳатто индинга ҳам эмас, ҳар ҳолда. Лекин бу узил-кесил ҳал бўлган.

Пенту ўзи учун энг оғриқли саволни берди. Фиръавн уни кутиб турарди.

— Жаноби олийлари, бу ишдан малика, болаларингнинг онаси хабардорми?

“...Ўрдақлар дунёда ҳеч нарса рўй бермаётгандай кўкда учиб юришарди. Ахир учиб юрган мана шу ўрдақларнинг эркаги бу йил баҳорда қайси ўрдақ билан бўлишни маслаҳатлашиб ўтирмайди-ку...”

— ...Биладимми у?

— Уми? — хаёлпаршонлик билан сўради фиръавн.

— Ҳа, у билади.

— Билиб олади... Сендан... Буни унга сен яхшилаб тушунтирасан...

Мевалар келтиришди — тоқдан янги узилган узум, анор ва бошқа турли неъматлар олтин кўзачада “Атоннинг ажойиб уйи” шароби. Шаробнинг ранги бамисоли қон, фиръавн узугидаги кўз ақиқ рангига ўхшайди.

Жаноби олийлари шароб ичди, меваларга қўл урмади. У яна ичди, кўз қорачиқлари кенгайиб, кайфияти кўтарилди. Фиръавн маслаҳатчисига ҳам шароб ичишни буюрди. Сўнг сўз қотди.

— Пенту, ёқимли мусиқа эшитгинг келмаяптими?

Мўйсафид оғзини очишга улгурмасдан фиръавн созандаларни тезда келтиришга амр этди.

— Пенту, мен хурсандчилик қилишни истаб қолдим, — деди фиръавн. — Кейинги вақтларда жуда кам хурсандчилик қилаяпман. Шундай эмасми?

— Атоннинг уйи тобора ғамгинроқ бўлиб бораёпти, жаноби олийлари.

Улар яна ичишди. Узумдан тотинишди, бошқа мевалардан ҳам чўқилашди.

Фиръавн ўтирди. Олтин кўзани баланд кўтарди.

— Пенту, мен тамадди қилиб олишим керак, зеро тез орада тахт ўрнатилган хонага чиқиб иш бошлашим зарур. — Фиръавн шундай деб бўзариб келатган шарқ томонга ишора қилди.

— Сен ҳали жудаям ёшсан, — деди Пенту шаробни ҳўпларкан, — жудаям навқиронсан. Ахир ўттиз беш ёш ҳам ёш бўптими? Сенга қараб туриб ажабланиман, қон томирларингдаги шунчалик куч қаердан пайдо бўлганига ҳайрон бўламан.

Фиръавннинг қовоғи бирданига осилди, жиддийлашди, кўзлари ўйнади.

— Менга отам — улуғ Атон куч бағишлайди...

Фиръавннинг кенг жағи гижирлади. Бу ҳаммадан ёмон эди. У маслаҳатчисига қараб турар, аммо уни кўрмасди. Унинг рўбарўсида қандайдир сарғиш ва

маҳобатли нарса тургандай эди. Гуё кўзадаги нур сўнаётгандай. Яна нима бўлди ўзи?.. Қовоқларини ёпиб қўйиш керакмикан. Бармоқлар билан. Худди мурдаларнинг кўзини ёпиб қўйгандай...

“...Унга нима бўлди? Ғазабдан оқариб кетибди. Қовоқлари ҳам осилибди. Ҳозир айна дамлама ичадиган хонаси. У дарҳол миясини ловуллатаётган оловни ўчиради.”

Пенту ёрдамга шошилди, бир қўли билан фиръавннинг бошини ушлаб, иккинчи қўли билан дамлама солинган пиёлани тутди.

— Ич, ичақол, — деди у... — Оғриқни босади.

Фиръавн ичди, гўштдор лабларини ялаб қўйди ва чуқур нафас олди.

— Мен сендан хафа бўлай дедим, Пенту. Ёнимга ўтир. Мен кек сақламайман. Зеро сен менинг юрагимдан ўрин олгансан. Кўзимга жудаям сап-сарик, Хапи бўйларига ҳар қадамда ўсиб ётадиган дала ўтларига ўхшаш нарса кўришиб кетди...

Фиръавн асил ҳолига қайтди, кўзларини катта-катта очиб кулимсиради:

— Созандалар қани, Пенту?

— Улар буйруғингни кутиб туришибди.

— Кираверишсин.

Тўртта ашулачи эмаклаганча кириб келишди. Худоларининг юзига қарашга ботина олмай бурчаккача шу алпозда боришди. Сўнг оёқларига қалқиб, қўлларини кўксиларига қўйиб эгилганча туришди. Булар ўрта ёшли, бир хил ясама соч тақиб, бир хил калта кийим кийган йигитлар эди.

Яна эшик очилди, остонада тўртта созанда кўринди. Юқори ва Қуйи Кеми ҳукмдорига таъзим бажо келтираётган созандалар ўз раҳнамоларининг юзига қарашга журъат этиша олмасди. Булар ҳам ашулачиларга ўхшаб бурчаккача эмаклаб боришди. Ўша жойда ашулачиларга орқа ўгирганча тош қотишди.

Чап томонда арфачилар — катта, йигирма торли, кичик, етти торли арфачи, уларнинг ёнида катта ва кичик найчи созандалар. Созандалар ҳам бир хил кийиниб олишган. Фақат ашулачилар қизил, созандалар оқ рангли кийимда эдилар. Ясама сочлари эса ҳаммасиники бир хил — бир-биридан ажратиб бўлмайди...

— Пенту, — мурожаат этди фиръавн узумдан бир ғужум қўлига олиб, — созандалар ва ашулачилар ўз вазифаларини бажаришга киришишларидан аввал олдинга қараб мағрур қиёфада, хушчақчақ кулиб туришлари керак.

— Мен буни уларга юз маротаба тушунтирганман! — жаҳли чиқди Пентунинг. Сўнг созандаларга ўшқирди. — Мен сизларга ҳар сафар нимани ўқираман? Тошдай қотиб турманглар дейман-ку, ахир. Сиз одамларга қувонч ва ҳузур бағишлашингиз керак. Қани сиздаги қувончу тингловчиларингизга берадиган ҳузуру оромга шайлик кайфияти?

Пенту созандаларга фиръавннинг сўзлари билан гапираётганди. Ўзига қолса бекорчиликдан тобора семираётган бу ишёқмасларни аллақачон ҳайдаб юборган бўларди. Уларнинг нима кераги бор ўзи? Кунларини бекорга ўтказиб қоринларини силаб ётишлари учунми?

“Бу Пенту созандаларни ёмон кўради. Нега бунчалик ёмон кўраркин? Ўзи жуда ақлли одамга ўхшайди-ку, бу қилиғи сал...”

“Мен бу текинтомоқларни фиръавнни қуршаб олган бошқа ҳайкалтарошлар, рассомлар билан бирга далага ҳайдашга, дон етиштиришга мажбур қилган бўлардим. Жангчилар ва амалдорларнинг ҳақларини хазинадан тўлаб туриш етмагандай қаяқдаги валакисалангларнинг ноз-неъматлар ҳисобига семириб ётишларига, қулоқларни қоматга келтириб музика чалишларига бало борми..?”

“...Бу Пенту музикани жинидан ёмон кўради. Уни тушуниш қийин. Тушуниш бугунлай мумкин эмас. Наҳотки, шундай улкан давлат бўлган Кеми қўшиқ ва рассомчиликсиз, қасида ва ҳайкалларсиз яшай олади деб ўйласа?”

Фиръавн истехзо билан савол берди:

— Пенту, сен барча гўзалликлардан нега бунчалик нафратланасан?

— Нафратланасан? — ҳайрон бўлди маслаҳатчи, лекин ичида ўйлаб қолди. “У хаёлимдаги нарсаларни худди китоб ўқигандай билиб турибди! У худо! Худонинг ўзи! Улуғ ва танҳо худо!..”

— Алдама мени, Пенту. Мен ҳаммасини билиб тураман.

Мўйсафидни тер босди.

— Мен чинини айтаяпман, жаноби олийлари.

Фиръавн “эҳ, сени-я” дегандай қўлини силкитди, бошини қўлларига тираганча бўйрага чўзилди, созандалар ва ашулачиларга синчковлик билан тикилди.

— Отамиз Атон шаънига қасида ўқинг! — буюрди уларга.

Арфачилар ва найчилар ишга киришди, ёқимли ва мулойим куй чалинди, ашулачиларнинг овозлари янгради.

“...Пенту бундай куй билан ашулани қаерда эшитарди? Хеттлардами? Бобиллардами? Ё бўлмаса шумерлардан эшитадими? Фақат улуғ Кемигина тор ва овоз ёрдамида бундай ёқимли куй ва ашулани ярата олиши мумкин. Рамеринт, Ач, Снофрунофа сингари созанда-бастакорларни берган мамлакат чинакамига улуғ мамлакатдир...”

Тонг гира-шира ёриша бошлади. Шарқий тепаликнинг энг баланд жойлари элас-элас кўзга ташланди. Бу тез орада ҳаётбахш қуёш кўкка қўтарилди бошлашидан даракдир. У ўзининг илк нурларини Ахятидаги сеvimли ўғлонига сочди.

“...Менинг мамлакатим ҳақиқатан ҳам жаннатмакон, зеро у отамиз ёқиб кетган машъал билан чароғон, саройим эса бутун дунёда йўқ мадҳиянинг ёқимли куйларига фарқ...”

— Шароб келтирилсин! — амр этди жаноби олийлари.

У Атон ичадиган шаробдан ичарди ва Атонга бағишланган мадҳияни эшитди.

Пенту хурсанд эди, жуда ҳам мамнун эди. Фиръавн хурсанд пайтларида маслаҳатчи ўзида йўқ шод бўларди. Бу Пенту учун олий мукофот эди...

ЖИНКЎЧАЛАРДА

Тахура қош қорайиши биланоқ парасхитани қидириб кетди. У тор, ифлос кўчалардан оҳиста юриб борарди. Бошқалар унга ҳайрон бўлиб тикилишларини истамасди. Шундоқ ҳам соқоли ўзга юртлардан эканлигини билдириб турарди. У Хапи дарёсининг шарқий томони, яйдоқ кулранг қоялар яқинида қурилатган янги қабристон томон борарди. У Сеннефернинг гапини яхши тушуниб олганди: қабристон орқали юриб шаҳарнинг энг чеккасидаги уйни топиши лозим эди.

Шаҳарлик эркалар, аёллар, мўйсафидлар ва болалар у ёқдан-бу ёққа бўзчининг моксицидек бориб ишлашарди. Бамисоли уяси атрофида гимирлаган чумолилардек. Тўғриси айтганда, осиелик савдогарга камдан-кам одам эътибор берарди: пойтахтнинг қизгин ҳаёти давом этарди. Пойтахт чет эллик одамни биринчи мартаба кўраётгани йўқ.

Тахура қандайдир уч йил ичида қуриб битказилган пойтахтга қойил қоларди. Яна қанақа жойда денг — чўлу биёбон тош ва қумдан иборат бир жойда.

“...Сон-саноксиз ўра ва чуқурлар кавлаш, уларнинг ҳар бирига биттадан дарахт ёхуд гул ўтқазиб, парваришлаб, вояга етказиш осон ишми? Сарой, ибодатхона ва иморатлар эмас, аввало ана шу дарахт ва гуллар Ахятининг биринчи мўъжизаси ҳисобланади. Сарой, ибодатхона ва иморатлар-ку ҳайрон қолишга ва тахассуб қилишга лойиқ. Ниневия ҳали жуда ёш бўлса ҳам йил сайин гуллаб-яшнапти! Унинг йўловчи қаршисидан тўсатдан пайдо бўлиб қолган саробдай бирданга вужудга келган Ахяти билан баҳслашишининг ўзи гоаят мароқлидир...”

Шаҳарнинг ҳозир Тахура юриб бораётган қисмида Ахяти маркази ва унга яқин жойларда кўзга яққол ташланадиган гўзаллик, уйғунлик ва озодалик, табиийки, йўқ. Бу жойларда новвойлар ва этикдўзлар, кулоллар ва темирчилар, гишт терувчилар ва тўқувчилар истиқомат қилишади. Бу ерлардаги дарахтлар ҳам сув етишмаслигидан мажмагил ва саргимтирроқ. Бу ерларга сув келтирувчилар ҳам сарой тошларининг акси ва амалдорлар қуюқ боғларининг сояси тушиб турган Хапи қирғоқларига яқин жойлардаги сув келтирувчилардек серҳафсала эмас, шекилли.

Тахура тўхтовсиз юриб борар, гоҳ тўғрига, гоҳ чапга, гоҳ ўннга одимларди. Жинкўчалар бир-бирларига ўхшаб кетарди. Йўлнинг икки томонини баланд-паст иморатлар, фақирона уйлар, итларнинг каталаклари эгаллаганди. Уйлардан одамларнинг овозлари, болаларнинг йигиси эшитилиб турарди. Бир шамол турса бу уйлардан асар қолмайдигандай. Уйларнинг аксарияти хом гишдан қурилган, иссиқдан яхши сақлайди, лекин шошилишганидан гиштни обдон қуритишмаган. Уларга қўшилган қум яхши эланган тупроқ ва қум қорилган сув ҳам қандайдир бадбўй, балчиқсимон суюқлик бўлган. Қурилиш материалларининг сифатлиси Ахяти маркази ва унинг атрофларини қуришга сарфланган. Бу ерлардаги сингари кўримсиз уйларга ким ҳам эътибор берарди дейсиз.

Ҳаво иссиқ эди. Осмон ёнарди. У худди оловда қиздирилган манқалдонга ўхшарди. Шундай иссиқки, балиқни кўйсанг пишгудай. Кеч кирса ҳам осмон ранги ўзгармаганлиги ғалати эди.

Тахура пишилларди. Йўғон гавдани шундай иссиқда кўтариб юришни ўзи бўладими. Ё салқин тушишини пойлагани маъқулмиди?..

Кутилмаганда савдогарнинг кулоғига қичқирӣқ товуши чалинди. Товуш олд томондан — эллик метрлар наридан эшитиларди. Бақир-чақир кучайиб кетгач, савдогар қадамини секинлатишни маъқул кўрди.

Кимдир сўкинар, худди қутургандай бўкирарди. Уни тинчлантирмоқчи бўлишарди. Овози йўғон жанжалкаш эса оғзига келганини алжирарди. Тўғрисини айтганда, Тахура янги пойтахтда бундай ғазабланган одамларнинг сўзларини деярли эшитмаганди.

Савдогар жанжалдан узоқроқ бўлишни ўйлаб, ўзини қаёққа уришни билмай турганда дарвозадан бир йигит отилиб чиқди. Унинг бурнидан қон оқар, пешонаси худди пичоқ билан кесилгандай ёрилганди. Унинг кўриниши ҳар қандай одамни чўчитиб юбориши тайин эди. Бу мамлакатдаги қарийб барча одамлардай сочи тақир олинган бу забардаст йигит ели чиқиб кетган шардай ҳолатга келганди.

Йигит савдогарга кўзи тушиши билан девор тагида энгашиб сал нафасини ростлади, бурнини қоқди, ерга қон тушди.

— Менга ёрдам бер, — деди у кўзи суяқларини чайнаётган бўридай тишларини гижирлатиб.

Дарвозадан бир неча эркак ташқарига югуриб чиқди. Улар бир-бирлари билан бақариб-чақариб гаплашишар, сўзларини унчалик тушуниб бўлмасди. Тахура маст одамларга дуч келиб қолганини фаҳмлади. Улардан бири девор олдидаги йигитга мурожаат этди:

— Тепи, юр, бироз бўйрада чўзилиб ётайлик!

Лекин Тепи ҳамон бурун қоқар, қон тупурарди. Тахура беихтиёр ичиб олган жанжалкашлар ёнига келиб қолди.

— Жаноб, — деди Тепи, Тахурага мурожаат этиб, — мен буни истамайман... Ҳеч қаёққа бормайман!

— Овозингни ўчир, Тепи! — буйруқ беришди унга.

— Йўқ, — қичқирди Тепи. — Мен овозимни ўчирмайман!

Тепи девордан нарироқ кетган эди, гандираклаб кетди. Табиийки, у ҳам ичиб олганди.

Ўрта ёшлардан сал каттароқ, баланд бўйли, келишган бир одам Тахуранинг ёнига келди. Бу қўй кўзли семиз одам эди. Лекин танасининг рангига нисбатан кўзлари тиниқроқ эди.

— Сен бе-е-зовта бўлма-а, ж-ж-жаноб! — У чинакам дудуқ экан. — Биз-э — ҳам-ҳамма-миз бир одам-м-лар-миз. Тепи Хетт — Хеттлар би-билан чет э-элга ке-кетиши ке-рак. У ж-жойда...

Дудуқ тепинар, қўлларини ликиллатар, лекин ўрнидан ҳеч жилолмасди. Савдогар сабр-қаноат билан кутар, “у ж-жойда”нинг қаердалигини ҳеч билолмасди.

— У ерда у-руш! — сайрарди савдогар. — Пе-пе-пи бо-бо-ни хоҳ-хоҳламайди.

— Боришни, — ёрдам берди савдогар.

— Бо-бо-бориш, — зўр бериб такрорлади дудуқ. У тўсатдан равон гапира

кетди. — У бир ой олдин хотинини олиб келганди... Шунчалик алам чекиш ҳам бўладими? Ҳамонки, сен қилич ва қалқон билан боришинг керакми — керак!

Бегона одамнинг бу ишларга аралашиси жоиз эмасди. Тахура бу жанглардан тезроқ кутулиш йўлларини ахтара бошлади.

— Ҳа, у янги чақирилган аскарми?

— Ҳа, ян-ян-янги чақирилган. Ўзи ёмон бо-бола эмас. У айб-айбдор эмас: ичди..., а-аламидан ичди. У ҳеч-ҳеч қачон ор-ортиқча ичмаган...

Пепи йиғламсираб гапирди! Бундан кўра ичганим яхши эди.

— Оғирроқ бирор касалдан ўлиб кетганим яхши эди... Жаноб, дунёдаги энг ёмон касаллик нима?

Тахура жавоб берди:

— Мохов. Сенга бу нимага керак бўлиб қолди?

— Нега бўларди? — қичқирди Пепи нола чекиб. — Мен мохов бўлиб қолишни, уйда ўтиришни истайман!

— Тен-тентак! — деди дудуқ. — Сени ҳай-ҳайдаб юборишади, гар-гарбий саҳроларда яшайсан...

— Майли!

— Тошларни я-ялайсан, ти-ти-канларни сўрасан...

— Жудаям яхши бўларди!

Дудуқнинг орқасида турганлар ҳайрон бўлишди. Нималарни валдираяпти бу Пепи? Уни, зўрлаб бўлса-да, ҳовлига олиб кириш керак!

— Ҳеч қасқа бормайман, — тихирлик қилди Пепи. — Моховни қаерда ўзимга юқтирсам бўлади? Жаноб, менга шуни тушунтир.

— Жаноб, у билан ёпишмай кўяқол...

— Унинг бурни ёрилган.

— У томдан йиқилиб тушди.

— Уни ювинтириш керак.

— Кўраяпсанми ўзи, тихирлигини?!

— Пепи, уларга қулоқ сол...

— Ҳаммани ёмон кўраман! Сизларни ҳам.

— Пепи, улар сенинг фойдангни кўзлашяпти, — деди савдогар.

— Улар кўрқоқлар, вассалом. Мен нақд ўлимга боришни хоҳлайман. Ахятида яшаш жонимга теккани йўқ. Нефернан ҳам. Нега ундан қочиб кетишим керак? — Пепи бошини савдогарга яқин олиб келди. Савдогар йигитнинг қон ва чанг остидаги келишган юзига тикилди. — Мен мохов бўлишни истайман. Буни чин кўнгилдан айтаяпман!

“Бу жуда ғалати-да, ўйлади Тахура. Улуғ Кеми одамлари ҳам худди Бобил ва Ассириядаги одамларга ўхшайди. Наҳотки, Хапи соҳилларида фиръавннинг буйругига амал қилмайдиганлар топилса?.. Нега айтаяпман бу гапни? Ахир норозиликлар ҳам Кемида оз бўлмадику? Қанчадан-қанча олижаноб бошлар тўзонли тупроққа учиб тушмади дейсиз?.. Мана жанг қилишни ҳам, кўшинда хизмат қилишни ҳам истамайдиганлардан бири — Пепи! Лекин бундайлар кўпми? — Мана масала қаерда...”

— У пиллапоядан сакради, — деди бўйи дароз одам (бошқалар дарвоза ёнида жим туришарди). — У сакраганда пиво унинг бошига урилди...

— Шунақанги кўп ичганмиди, Пепи?

— Пепи шароб ичганди, кейин пивони аралаштирди, роса ичди.

Пепи тўнғиллаб бу гапларнинг ростлигини тан олди. Фақат пиводан камроқ ичганини кўшиб қўйди, холос. Чунки пиво бўлмагур экан, шароб эса бошқа масала.

Ҳаммадан узоқроқ турган дум-думалоқ, кўринишидан деҳқонларга ўхшайдиган одам гап қотди:

— Жаноблари, бу бизнинг шаробимиз. Пепини кузатиб қўйиш учун уни мен олиб келганман. Лаънати хетларнинг юртида дўстимиз нималарни ичганини ким айта олади?!

Тахура уни тинчлантирмоқчи бўлди:

— У ерда ҳам яхши шароблар бор.

— Меники жуда бошқача-да.

— Баҳслашмайман. Осиёда ҳам эрта тонг рангидек очиқ, оқшомдагидек қизғиш шароблар бўлади.

Пеги сергак тортиди. Унинг қариндошлари бир-бирларига ғалати қараб қўйишди.

— Осиёда ҳам шунақа шароблар бўладими? — сўради новча одам ўз ҳайратини яширолмади.

Бошқалар ҳам бир овоздан такрорлашди.

— Осиёда? Яхши шароблар?

Пепининг кўриниши даҳшатли эди: юзида қон қотиб қолган, тўқ қизил, ифлос қон. У чамаси ўз аламларини унутгандай эди...

— Сен Осиёда дедингми? — тебраниб туриб гапирди. — Осиёда? Осиёда нима борлигини сенга айтмайми? Истасанг айтаман.

— Айтақол!

— Осиёда... — у кулишга ҳаракат қилди. Лаблари дўрдайди, кўлларини мушт қилиб тутди. — Осиёда бит кўп... Кўп ифлосликлар бор. У ерда шароб нима қилсин?

Тахура маст одам билан баҳслашиб ўтириш фойдасизлигини билди. Бошини қимирлатиб Осиёда бит ва ифлосликлар кўплигига, бошқа ҳеч нарса йўқлигига амин бўлди.

— Жаноб, — деди новча одам қаршисидаги кимса осиелик, осиелик бўлганда ҳам кийинишига қараганда аслзодароқ эканлигини тушуниб. — Сен биласан-ку, маст одам бамисоли кутурган ҳўкиз, калласи ишламайди, оғзига келганини валдирайди!

Пеги бу сўзларни вазминлик билан эшитди. Сўнг девор ёнига чўккалаб, аччиқ-аччиқ йиғлади. У юзини каттакон панжалари билан беркитиб нола чечарди.

Новча одам ўз қариндоши (балки укаси)нинг қилиқларидан уялиб кетди. У Пепига яқин келиб елкасига туртди. Маст йигит алам билан фарёд чекишда давом этарди, худди қўли ва оёқларидан бошқалар силкитаётгандек бўтун аъзойи бадани титрарди...

— Бас қил, Пеги! Жаноб сенга қараб турибдилар. Сенинг қилиқларингни кўриб ҳайрон бўляптилар.

Бошқалар ҳам Пепининг ёнига келишди.

Тахура ичида деди: “Жуфтакни ростлаб қоладиган дақиқа шу”.

У шундай қилди. Илдам юриб тезда муюлишнинг нарёгига ўтиб кетди.

Савдогар сал нафасини ростлаб, қаддини ғоз тутганча ўз йўлида давом этди. Маст Пеги билан содир бўлган ҳодиса савдогарни лол қолдирди. Албатта ёруғ оламда роҳат-фароғатда яшашни истайдиган одамлар беҳисоб. Бу маънода ҳам Кеми бошқа давлатлардан чамаси ҳеч қанча фарқ қилмайди. Лекин бу ҳодисанинг пойтахтнинг ўзгинасида тасаввур этиш, фиръавннинг шундоққина биқинида рўй бериши ажабланарли эди. Ахир фиръавннинг кулоқлари дунёнинг нариги чеккасидаги шивир-шивирни эшитади, кўзлари сувнинг ва ернинг тагидаги нарсаларни ҳам кўради-ку.

ОИЛА ДАВРАСИДА

— Кетди, — деди дароз одам. — У нариги кўчага қайрилди.

— Ж-ж-жў... жўнайдиган в-вақт бўлди бу ердан, — деди дудуқ.

Эркалар ҳамон йиғлаётган Пепини қўлтиқлаб ҳовлига олиб кириб кетишди, орқаларидан дарвозани қулфлашди.

Зинапоядан ёши ўтинқираган аёл тушиб келарди. У озгин, рангпар ва ғоят қайғули эди. Устига зигир толасидан тўқилган қора мато кийиб олганди. У ғоят одми кийинган бўлса-да, мағрурлиги сезилиб турар, беихтиёр ўзига ҳурмат уйғотарди. Айтарли кекса бўлмаса-да, бошидан кўп кўргиликларни ўтказган одам таассуротини қолдирарди.

— Усер, кўчада нима қилдиларинг? — деб дудуққа мурожаат этди у.

— Тушундим. Кўндирмоқчи бўлдиларинг.

— К-к-кўп... — давом этди дудуқ.

— Жим бўл, Усер. Тушундим. Лекин нега бу ишни кўчада, ҳамманинг кўз ўнгида қилиш керак эди?! Сизлар билан гаплашаётган ким эди?

— Қан... қандайдир жа-жаноб.

Дароз одам тушунтирди.

— Осиёликка ўхшайди. Бой одам бўлса керак.

— Мен сизларни тушунмайман, Ани, — гапида давом этди аёл. У орқасида турган ёшроқ икки йигитга ўгирилди.

— Наҳотки жанжални кўчага олиб чиқиши шарт бўлса?

Аёл бошини сарак-сарак қилди.

— Шарт эмас, — рози бўлди Ани.

— Нега бўлмаса кўчага чиқдиларинг?

— Пеги биздан қочиб кетди...

Пеги торгина ҳовли ўртасида, яқинлари ўртасида турарди. У энди тинчиб қолган, йиғламасди ҳам.

Аёл — уни Танеферт деб аташарди — ўйлаб иш қилиш ҳақидаги гапини давом эттирарди:

— Пеги ёш бола эмас. У аёлларга ўхшаб йиғламоқчи экан, қўйиб беринглар, уйда йиғлаб олсин. Сизлар, — у бошқа эркакларга таъна билан қараб қўйди, — беҳуда жанжални кўчага олиб чиқмасларингиз керак эди. Яна етти ёт бегоналар олдида.

Усер ўзини оқлашга ҳаракат қиларди.

— Мен ва А-а-ани... Ва М-а-анитон...

— Маанитон, — деҳқонсимон думалоқ йигит унинг сўзини бўлди.

— Азизим Танеферт, кенжа ўғлинг ўзини жуда ғалати тутди-да...

— Ичмаслик керак эди, — деди Танеферт.

Нарироқда турган икки аёл бу сўзни маъқуллаб бош қимирлатишди.

— Биз ичганимиз йўқ...

— Бутун вужудларингдан шароб ҳиди анқиб кетди-ку, яна ичмадик дейди.

— Тўғри, — деди Усер, — озроқ ичгандик.

— Эсларингни еб қўйибсизлар! Атрофга разм солинглар: биз қандай замонда яшаяпмиз ўзи?

Эркаклар жим туришарди.

— Хўш, айтинглар, қанақа замонда яшаяпмиз? Бизни бегоналардан ҳеч ким эшитмайди, кўрқмасдан айтаверинглар.

— Лаънати бир даврда яшаяпмиз, — тўнғилаб қўйди Ани.

— Бу жудаям юшоққина айтилган гап, — деди Мааниатон.

— Шуни тушунасишларми?! — Танеферт енгил нафас олди. — Бунга Пеги ҳам тушунмоғи керак!

Пеги босиқ пишилларди.

— Бизнинг давримизда одамнинг қадри хом гиштчалик ҳам эмас...

— Бу ҳақиқат...

— Мушук ўлса унга ҳурмат бажо келтирилади. Бадавлат хўжайинлари мўми-ёланган мушукларини асъаса-ю дабдаба билан кўмишади. Бизни-чи? Бизни ким кўмади?

Танеферт қатъиятлик билан сўзласа-да, хотиржам, мулоҳазакорлик билан ва секин гапирарди.

Пеги, чамаси ўз ножўя ишини англаб етганди. Ўзининг қизиққонлиги ва меъёрдан чиққанлигидан хижолатда эди. Эҳтимол, ичида бундан кейин ақл билан иш тутишга сўз бераётгандир?..

Бошқа эркаклар ҳам ўз айбларини тушунишди. Бу уларнинг қиёфаларидан кўриниб турарди. Улар Усернинг онаси ва Пеги олдида ўзларини оқлашга ҳаракат қилишарди. Танефертнинг куёви, шу ёнда турган ёшроқ аёлнинг эри Ани ҳам аҳмоқона ишидан хижолатда эди. Нега шу эси паст Пеги билан бирга ичди-я. Энди бу кўнгилхираликни қандай бартараф этса бўлади? Ҳокимиятдагиларга етказишда бу гапларни!

— Кўнгилсизлик рўй бериши муқаррар, — деди Танеферт. — Бизнинг замонимизда кўнгилсизликни излаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, унинг ўзи излаб келади сизни. Ҳар қадамда фиръавннинг кўз ва қулоқлари. Аъёнларнинг қаҳри

қаттиқ. Устига-уштак, яна қандайдир чет эллик! Бегона юрт одами олдида ўз сирларингни фош этишдан не наф! Айт-чи, нима учун?

Аёл энди Пепига мурожаат этаётган эди. Лекин у тўсатдан кўчадаги газабнок қиёфасига кирди.

— Фиръавнларингизга тупирдим! Унинг саройига ҳам. Бутун авлод-аждодига ҳам. Мен ундан қўрқмайман!

Усер унинг оғзини ёпишга ҳаракат қилди. Пепи унинг қўлини тишлаб олди. Усер унга яхшилаб тарсаки туширди.

— Йўқол! — пишқирди Пепи. Фиръавнни, бутун оиласини болохонадор қилиб сўкишимни истайсанми?

— Овозингни ўчир, беодоб! — буюрди ойиси.

— Ўчирмайман! Бундай ҳаёт жонимга тегди. Мен бирпасда ўзимни-ўзим ўлдиришим мумкин. Сизлар эса индамай муте бўлиб яшашимни истайсизлар!

— Пепи, ётиб ухла, — деб маслаҳат берди кўрққанидан дир-дир титраётган опаси.

— Истамайман!

— Пепи, сен ўзингни ҳам, бизни ҳам хароб қиласан!

— Мен урушни хоҳламайман!

— Шунга кўчада ҳаммага бақриб эшиттиришинг шартми?

— Чунки ҳукмдорни кўргани кўзим йўқ!

Анининг газоби қайнади.

— Жим бўл, бадбахт!

Пепи орадан чиқиб ҳовлининг бурчагига чопиб борди. У пахса девор олдида газабдан ҳамма нарсага тайёр бир қиёфада турарди...

Ойиси буйруқ берди:

— Бор, уйингга кириб дам ол. Бошқаларга халақит берма. Эшитдингми?

— Дам олишимнинг ҳожати йўқ! Бу ҳаёт кўнглимга тегди!

— Бунақада хотининг сени яхши кўрмайди.

— Яхши кўришига зор эмасман!

— Пепи, ўғлим, бизга раҳминг келсин...

Пепи ҳаммага ўқрайиб қаради. Кўзлари қонга тўлган эди. У пишқирди.

— Сизлар ночор махлуқсизлар! Бундан бадтар бўлинглар. Сизларни итдай ҳўрлашади, қонингизни ичишади.

— Пепи, ўғилгинам, бизга раҳминг келсин...

— Менга кимнинг раҳми келади. Ихтиёр менда бўлганда бу лаънати шаҳарни бутунлай ёқиб юборардим.

— Майли, ёқа қол. Фақат ҳозир жим бўл. Бизни хароб қилма. Ўзингга ҳам сал раҳминг келсин. Ёш хотинингни ҳам ўйла. Ҳоким бу ишингни кечирмайди! Эшитяпсанми?

— Ҳокимларингга тупурдим мен!

Пепининг оғзидан шундай шалоқ сўзлар чиқа бошладики, ёш-яланглар ичкарига кириб кетишга мажбур бўлишди. Танеферт кетатуриб деди:

— Оёқ-қўлларини боғланглар. У ақдан озибди!

— Меними? Боғланглар? — Пепи кийимларини ечиб ташлади. — Мана бу фиръавнга! Мана буниси эса маликага!

У шундай деб ерга ўликдай гурс этиб йиқилди.

Ани сўз қотди:

— Фиръавнни нима десанг деявер. Лекин бутун олам-жаҳонга эшитдириб бақриб нима қиласан?.. Келинглар, уни уйига олиб кирайлик.

У бирор бегона йўқмикин деб атрофга қараб қўйди. Эшикни очиб кўчага ҳам қаради. Йўқ, уларнинг ўзлари, оила аъзоларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

СЕННЕФЕР

Тахура ниҳоят қабристонга элтадиган кенг йўлга чиқиб олди. Бунинг учун пойтахтнинг талайгина жинкўчаларини кезишга тўғри келди. Назарида сассиқ ўрадан ташқарига чиққандай эди. У ўнгга, Шарқий тепаликнинг яйдоқ тизмалари кўриниб турган томонга юришга қарор қилди.

Йўлга шишасимон тоғ жинслари тўшалган. Уларнинг чокига эса қум ара-лаштирилган бобил қатрони солиниб мустаҳкамланган. Бамисоли сарой май-дони узра юриб кетаётгандай сезасан ўзингни. Йўлнинг икки томонига паль-ма ва пальмасимон дарахтлар ўтқазилган. Кўчатларини Танетер ва бошқа жой-лардан келтиришган бу дарахтлар унчалик инжиқ эмас, илдизлари узун, анча чуқурдан ўзига нам тортиб олади. “Буларнинг илдизи худди пармага ўхшай-ди, ерга кириб кетаверади, — хаёл сурди Тахура. — Шох-шаббаси яхши соя беради, кўриниши ҳам чиройли”.

Қабристон йўлида ҳозир ҳеч ким кўринмасди. Фақат тош терувчиларгина мақбаралардаги ишларини давом эттиришарди. Яқинларининг зиёратига кел-ганлар эса аллақачонлар бу жойни тарк этишган. Бунақа вақтда қабристонни кезиб юриш кимга ҳам керак?

Олдинда икки-учта уй кўринарди. Уйларнинг орқасида бўзарган яйдоқ дашт ястаниб ётарди. Охирги уйгача унчалик узоқ масофа қолгани йўқ. Қийшайиб-роқ турган ўша кулбада Сеннефер истиқомат қилармикин?..

Мўйсафид худди меҳмон кутаётгандай эди. У чўккалаб ўтирганча му ўти-нинг баргини чайнарди. Бу кучсизроқ шаробнинг кайфини берарди. У тиш-ларни бироз қорайтирса-да, юрак уришини яхшилади, бир меъерга солади. Бадавлат одамлар, табиийки, ўткир пиво ва шаробни афзал кўришади. Но-чорроқ одамлар эса му ўтини чайнаб кайф қилишади, оламлар ташвишини бироз унутишади. Тахура ҳам бу ўтни бир марта чайнаб кўрган. Ливиянинг даҳшатли саҳросида йўлдан адашай деган вақтда мазасини татиб кўрган. Ўшанда бу ўтнинг кайфи излаб кетаётган шаҳарини яқинига келтириб қўйгандай, қақраб ётган чўлу биебонда худди сув бўйида ўтиргандай таассурот уйғотган-ди. Гоҳ худ, гоҳ беҳуд бўлиб ўтиб кетаётган қарвонни топиб олмагунча бир неча кун ётиб қолганди. Му ўтининг кучи шунақа!..

Сеннефер савдогар анча узоқда келаётгандаёқ пайқаган эди. Тўғриси у шун-дай маҳалда қандайдир жаноб пиёда, ҳеч кимнинг кузатувисиз келаётганидан ажабланди. Ўша жаноб ўз кулбаси томон кескин бурилиб, чолнинг ҳайрати янада ортди.

Мўйсафид кўзларига ишонмай ўрнидан турди.

— Мен Тахураман, — деди савдогар. — Биз Усерхетнинг дўконида кўриш-ган эдик. Меҳмондорчилигимдаги нарсалардан тотиниб, менга ғоят катта ил-тифот кўрсатган эдинг.

Савдогар Тахурани эслаш учун аниқ ва содда айтилган шу сўзлар кифоя эди.

— Мен хурсандман, — деди мўйсафид оғзидаги ўтни туфлаб ташлагач, — жудаям хурсандман.

— Исминг Сеннефер эканлигини яхши эслайман.

— Сен эса Тахурасан.

— Тўғри! — мўйсафид ўзини таниганидан савдогар хурсанд бўлди.

— Кемидо меҳмонни уйга таклиф этмоқ одати бор, — деди Сеннефер.

— Бу одат мен бўлган ҳамма жойда ҳам бор.

— Лекин бунинг учун уйнинг ўзи бўлиши керак.

Тахура кулбанинг эшигига қараб қўйди. У жудаям паст эди. Обдон очил-масдан кириб бўлмасди бу эшикдан. Хом ғиштдан қурилган кулба ғоят харо-ба эди. Савдогар эшикдан сиғармикинман ё сиғмасмикинман деб иккиланар-ди. Мўйсафид меҳмоннинг хаёлидаги фикрни уқди.

— Йўқ, киришга кирамиз. Нима бўлганда ҳам барибир уй! Кириб кўриш керак. Ахир шу ерда гаплашмаймиз-ку...

Мўйсафид бу ёққа кириш хавфли эмаслигини тасдиқлагандай уйга би-ринчи бўлиб ўзи кирди. Бўйи билан эни бир хил кичкинагина ойнадан уйга хира кечки нур тушиб турарди. Шундай бўлса-да, уйни қоронғи деса ҳам бўлаверарди. Мўйсафид ўчоқдан бир парча чўғ топди-да, пуфлади. Канеф ар-қонча ва чўғ ёрдамида шамни ёқди.

— Ўтир, — таклиф этди у меҳмонни ўз иши билан андармон бўлганча. — Бурчакда тоза бўйра бор. У меҳмонлар учун, топ-тоза, ўшани тортиб олақол.

Шамнинг қизғиш-сарғимтир ёруғи липиллаб турарди. Хонада ҳамма нарса

— эркакларнинг юзлари ҳам, ердаги бўйралар ҳам, токчалардаги сопол идишлар ҳам қизғиш-сарғимтир рангда кўринарди.

— Мен фақирона ҳаёт кечираман, аммо ҳамма нарса покиза. Фиръавнларнинг саройларидан кўра тозароқ, сўзимга ишонавер, буни сенга мен, Сеннефер гапиряпман.

Кулбанинг ғоят покизалигини Тахура ҳам тасдиқлади, ҳатто аёллар ўз уйлари бундай саранжом-саришта тутишга қодир эмасликларини айтди (савдогар уйнинг шифти, ер, деворлар, идишларни кўли билан кўрсатиб қўйди.) Дарҳақиқат, кулбада одатда бечораҳол одамларнинг уйларидагидек нафасни қайтарадиган оғир ҳаво анқимасди. На ис, на пиво, на егулик нарсаларнинг ҳиди келарди. Лекин қандайдир ёқимтой ёғнинг, шунингдек атир гулнинг ҳиди анқирди уйдан. Бу қоронғи ва пастак кулбага гул қаёқдан келиб қолди?..

Сеннефер худди кучук увлагандай секингина кулиб қўйди.

— Жаноб, сен менинг табиблигимни ёдингдан чиқардинг. Мен фақат қорин, сафро, ўпка, қора жигарни яхши билиш билан чегараланмайман, одамлар олдиларига солиб қувадиган оддий табиб эмасман. Бошқачароқ нарсалар ҳам ишониб топширилган менга...

Мўйсафид бу гапни мағрурланиб, лекин жуда бамайлихотир айтди.

— Биладан. Қаршимдаги одам бегоналарнинг ичак-чавоқлари билан иш кўрадиган оддий одам эмаслигини яхши тушунаман...

— Бегоналар эмас, ўликларнинг, — тузатди уни мўйсафид.

— Иккаласи ҳам бир нарса.

— Эй, йўқ, жаноб, янглишасан. Ўликлар худоларга тегишли. У ҳақида “меники”, “сеники”, “бизники”, “сизники” деб бўлмайди. У худоники!

— Ҳа, шунақа, — рози бўлди назорат юзасидан савдогар. У ўликларни мўмиёлаш сингари ғалати одат нимага керак, уни замин ихтиёрига бериб қўяқолган яхши эмасми деб ўйларди. Ёки шарқдаги олис юртларда қилинадиганидек ёқиб юборган маъқулмасми? Ёхуд хетглар мамлакатининг орқасидаги Шимол халқларидек дарахтга осиб қўйиш тўғримикин?..

— Сени нима билан меҳмон қилай? — деди мўйсафид. — Менда му ўти бор. Уни Танетерда шундай юритишади. Биз ҳам бу сўзни улардан шундайлигича олганмиз. Бозорда ҳам уни му деб аташади.

— Муҳтарам Сеннефер, мен му нималигини биладан. Меҳмон сифатида марҳаматингни мендан дариф тутмаслигингга ишонишим мумкинми?

Мўйсафид савдогарга ажабланиб қараб турарди.

— Меҳмон сифатида хаёлимга келган нарсани илтимос қилишимга ижозатми?

— Ижозат.

— Миннатдорман, Сеннефер! Мен бир нарсани илтимос қиламан. Мен билан суҳбатлаш, сўзларингдан, ўткир ақлингдан ҳузур қилишга, лаззатланишга рухсат бер.

— Эҳ, осиеликлар-ей! — хитоб қилиб юборди мўйсафид чапак чалиб. — Қандай айёр одамсизлар-а! Сен мени ипсиз боғлаб қўйдинг, бўйсунтишга мажбурман.

— Мен фақат шуни хоҳлайман, холос, Сеннефер. Сен билан суҳбатлашишдан ёқимлироқ нарса борми? Гап орасида шунчаки айтиб кетган сўзинг — яхши даврларни ҳам кўрганлигинг ҳақидаги фикринг ҳамон эсимда. Илгари таниқли ва бой одам бўлганлигингни тасаввур қиламан. Сенинг пешонанг, бурнинг, кўлларинг бундан далолат бериб турибди. Менинг кўзларим пишиб қолган, таниқли одамнинг башарасини дарров ажратаман.

Сеннефер савдогарнинг гапига кулоқ солиб турди-да, сўнг сўз қотди.

— Эй, ажнабий биродар, сенинг меҳмондўстлигинг, сахийлигинг эсимда. Ишонавер, агар уйимни вайрон этмаганларида, ота ва ўғил мени таъқиб қилмаганларида илтифотингга илтифот билан жавоб қайтарган бўлардим. Мен Синай ярим оролидаги мис конларида тупроқ яладим, душманларим ғазабидан қочиб Ретену саҳроларида сарсон-саргардон кездим.

— Наҳотки, сенинг душманларинг шу қадар қудратли бўлишса?

— Менинг душманларимми? — Чол алам билан кулди. — Жимжилогининг

ишораси билан барча тирик жонларга қирон келтириши мумкин. Уларнинг газабли нигоҳлари ердаги ўсимликларни қуритиб юборади.” Бурунларини бир жийришлари ҳар қандай шаҳарнинг қулини кўкка совуради.

— Ҳа, Сеннефер, душманларинг жуда қудратли экан.

— Мени ҳозир шу аҳволда кўриб турган бўлсанг, тириклигим туфайлидир. Тириклигим эса ўлмаганлигим туфайлидандир. Ўлмаганлигим бутун вужудимнинг газабга тўлалиги натижаси. Юрагимдаги қасос руҳи “Сен яшашинг керак!” деяверади.

— Мен жуда кўп кезганман, Сеннефер. Кўп жойларда бўлганман, кўп сувларни кечганман. Фарбдаги узоқ ўлкаларда ҳам, Шарқдаги олис юртларда ҳам бўлганман. Ҳукмдорларнинг барчаси ҳам бир-бирлари билан қанчалик фарзали кайфиятда бўлишмасин, барибир улар бир-бирлари билан савдо қилишни исташади. Тахи кўзлари Кеми аёлларини лол қолдиради. Иси оролининг мутаттар моддалари бобил гўзалларига хуш ёқади. Мен савдогарман, шу туфайли барча йўллар очик, посбонлар ҳам ўтишимга монелик қилишмайди.

— Шундай! Шундай! — деди Сеннефер. — Савдо аҳли ҳурматга лойиқ халқ.

— Буни нимага гапиряпман? — Тахура овозини пасайтирди. — Сенинг олижаноблик билан суғорилган гўзал нутқингни эшитишни истайман. Мен юртингиз тилини биламан. Лекин сенинг сўзларингни эшитганимдан кейин ичимда: “Тахура, мана аслзодаларга хос ҳақиқий тил” дедим.

Мўйсафид мамнун эди, табассум қиларди. Инсон зоти шунақа — яхши сўзнинг гадоси. Тошюрак одамлар ҳам ўрнига қўйиб айтилган мақтов сўзлардан эриб кетади. Фақат Хуфу эхромигина мақтовларга лоқайд, зеро у эшитмайди.

Сеннефер айтди:

— Муҳтарам зот, агар менинг нутқим сенга маъқул келган бўлса, бунга ажойиб шаҳар Саннинг таниқли кишилари бўлган ота-онам сабабчидирлар. Мени гул каби авайлаб парвариш қилишди, нафис сўзларни эшитиб катта бўлдим. Дарҳақиқат, агар — айтилган сўз юрагингдан жой олмаса, қадрсиз бўлади. Полапон бўлган қушдай оғзингдан чиққан ҳар бир сўз бирор дурустроқ маъно англатиши, янги фикрлар уйғотмоғи керак. Зеро, сен бундай сўздан фикр оласан. Сўз инсон қиёфасини белгиловчи асосий омил. Шу боисдан сўз фавқулодда бўлмоғи, унинг орқасида нимадир ётмоғи керак. Гапимни тушундингми?

Тахура индамай бошини қимирлатди.

— Қадимги қўлёмалар нимаси билан қадрли? Сен шундай қўлёмаларни ўқиганмисан?

— Оз-моз, муҳтарам зот, — тез жавоб берди савдогар.

— Мен сенга нега улар қадрли эканлигини айтмай. — Мўйсафид илҳомланиб кетди. Қўлларини оҳиста ёзди, сўнг белини ушлади. Унинг бу ҳаракати айтаётган фикрларини равшанроқ ифодалашга ёрдам бергандай бўлди. — Қадимги қўлёмалардан донишмандлик ёғилиб турган сўзларни ахтараман. Улар бамисоли юлдузлардай милтиллаб туради. Булар қадимги сўзлар эканлигини ёдингда тут. Минг йиллар муқаддам одамлар бизга қараганда ақлсизроқ бўлишмаган. Кам гапириб, кўп ўйлашган. Шу мақбулроқ эмасми? Баъзи одамларнинг тўхтамай валдирайверишидан не наф? Қадимги аждодларимиз бизни фикрлашга ўргатишган. Ҳозир-чи? Фикрни ифодалаш санъати тобора сўниб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ҳолбуки, аждодларимизнинг фикрни чиройли ифодалаш тарзларига Нармер ва Жосер замонларидаёқ Омон коҳинлари қойил қолишганди. Эндиликда эса фиръавннинг шарофати билан ҳар ким ҳам илоҳий тилимизни бузаётган бозорчилардан ўтиб кетишга ҳаракат қилади. Қачондан бери кўкатчилар ва этикдўзлар бизнинг устозларимиз бўлиб қолишди? Қачондан бери деб сўраяпман?

Тахура акс-садодек қайтарди:

— Қачондан бери?

— Тахтга ўтирганидан бери... — Мўйсафид овозини янада пасайтирди. — Калласи катта, от жағли тахтга чиққанидан бери шу аҳвол.

Савдогарнинг баданидан чумоли юргандай эти жимирлаб кетди. У сўради:

- Нега шивирлайсан — бизни бирор одам эшитяптими?
- Хаммаси бўлиши мумкин! Ҳозир деворларнинг ҳам қулоғи бор.
- Нималар деяпсан, Сеннефер!
- Шундай, — қатъий тасдиқлади мўйсафид.

Савдогар аслида кўрқоқ одамлардан бўлмаса-да, ғалати бўлиб кетди. Бекорчиларининг қўлига тушиб кетиш ҳеч гап эмасди.

Кутилмаган ҳадиксирашдан ўрнидан туриб кетди, ташқарига чиқиб уйнинг атрофини айланиб чиқди, ҳеч ким кўринмасди. Жойига қайтиб келиб энгил тин олди:

- Ҳеч ким йўқ. Иккаламиз ёлғизмиз.
- Нега ёлғиз бўларканмиз? — кулди Сеннефер. — Сен-чи?
- Мен — нима?
- Ахир сенда иккинчи юрак бўлиши мумкин эмасми?
- Иккинчи юрак?

Сеннефер уни тинчлантирди. Дўкон эгаси Усерхет аслида Тахуранинг кимлигини айтиб огоҳлантирди. “Унга бутунлай ишонавер” деди дўкондор. Усерхетнинг сўзлари қадимги қўлёмалардаги сўзлар каби Сеннефер учун чинакам сўз эди.

— Мен ҳазиллашдим, Тахура. Қанақасига сенинг иккинчи юрагинг бўлсин? Муҳтарам Усерхет ўзи тўғрисида шу қадар мулоғимлик билан гапириб бердики, у юрагимдан ўрин олди.

Савдогар бобилликларга хос назокат билан таъзим қилди. Унга тан бермоқ керак эди — у яхши тарбия кўрганди. Сеннефернинг синчков нигоҳи буни Усерхет дўконидаёқ пайқаганди.

— Аждодларимиздан қолган тилни бузишга нима мажбур қилди? — деб сўради савдогар аввалги суҳбатга қайтиб.

— Ҳамма гап шундаки, ҳеч нарса мажбур қилгани йўқ. Лекин фиръавн қайсар. У Амоннинг барча қоҳинлари эътироз билдиришларига қарамай, атайин уларга қасдма-қасдига ўз гапида туриб олди. Бутун савдо аҳли, тил билмайдиганларнинг куни туғди, улар хурсандчилигининг чеки йўқ. Мана, қанақа даврда яшаяпмиз?

— Бундан чиқди, тилнинг бузилиши ҳам фиръавн режаларининг бир қисми деб тушунмоқ керакми?

— Ҳа-да. Худди шунақа! Ҳаммаси жуда тadbиркорлик билан пухта ўйланган. Қовоққалла иш қаёққа кетаётганини яхши билади! Баҳайбат бегемот оёқлари остидаги бутун жонзотларни янчиб ташлашига ўхшаб фиръавн ҳам барча нарсаларни янчиш пайида.

— Шундай бўлаяптими?

— Бахтга қарши, шундай бўлаяпти, муҳтарам зот. Ҳозирча шундай бўляпти.

— Бирор одам бунга айтмайдими?

— Йўқ!

— Кўрқишади. Бурчак-бурчакда қалтираб туришади!

— Бирорта ҳам мард топилмадими?..

— Нега энди? Топилди! Фақат бундайлар ер остига кириб кетди, бошқаси дашти биёбонда чиримоқда, баъзилари сув остида. Лекин бошқалари ҳам бор...

— Кимлар?

— Тишларини қайраб жим юрганлар. Зўрма-зўраки кулаётганлар. Қулай пайтгни пойлаётганлар.

— Пайт пойлаётганлар ҳам борми, Сеннефер? Улар нимани кутишяпти?

— Қулай пайтгни кутишяпти.

— Демак, кўрқоқларча кутишаётган экан-да?

— Йўқ, кўрқоқларча эмас. Лекин кутишяпти. Бу кўринмас қилич билан қасосга тайёр турган Амоннинг қўли.

Савдогар мўйсафиднинг сўзлари устида ўйланиб қолди. Унинг тундан ҳам қорароқ кўзларида шамнинг қизғиш-сарғимтир оловининг акси милтилларди.

“...Фиръавндан тортиб оддий жангчига қадар темир тартибга бўйсунадиган мамлакатда бошқалардан ўзгача фикрлайдиган, худо деб қаралган ҳукмдорга

қарши борадиган, яширин бўлса-да, унга таҳдид қиладиган кучлар, наҳотки, топилса?..”

Тахура бу янгиликка ҳайрон бўлмади. У анчадан бери кўп нарсаларга ҳайрон бўлмай қўйганди. Кўзлари ғайритабиий нарсаларни кўришга, қулоқлари гаройиб нарсаларни эшитишга одатланиб қолганди. Табиийки, сон-саноксиз одамлар орасида норозилари ҳам бўлади. Лекин салтанатнинг қоқ ўртасида ўрнашиб олган мана бу парасхит ажабланарли ҳодиса эмасми? Бунинг устига у ёлғиз эмас... Нега фиръавннинг кўзларида чақнаган чақмоқ уни нобуд қилмайди? Ҳатто Хапи дарёсининг остида бўладиган ҳодисотлардан одам бохабар қудратли зотнинг сеҳрли кучи қаёқда қолди?

“...Донишманд аждоқларимиздек фикрлаш керак. Шошилмаслик лозим. Фақат сабр, чидам билан кутиш...”

Савдогар мўйсафиднинг ажин босган юзига, ғазабдан юмилган лабларига тикилди. Уқдай тешиб юборадиган кўзларига қаради. Ҳа, бу қария ниманидир билади. Биз ўйлаганимиздан узокроқдаги нарсаларни кўради. Бир чеккадан макон топгани ҳам бежиз эмас.

— Эй, Сеннефер, сўзларингни диққат билан эшитдим. Сенга бир савол билан мурожаат қилишга ижозат эт. Бу омилигим, билимсизлигим туфайли келиб чиққан саволдир.

— Сўрайвер, жаноб.

— Менга шуни айт-чи, Сеннефер, бутун Кеми халқини ва унинг ҳукмдорларини бирлаштириб турган ип темирдан эмасми?

— Темирдан!

— Маъна кўрдингми, Сеннефер! — хитоб қилди савдогар худди катта ютуқ ютган одамдай.

— Нимани кўришим керак, ҳурматли жаноб?

— Темир ипни! Кеми давлатининг метиндай мустаҳкамлигини. Фиръавннинг беқиёс қудратини!

Сеннефер худди тинчлик сақлашни талаб қилгандай бошини қуйи эгиб ўнг кўлини баланд кўтарди. Шу кўйи сирли ним табассум қилди. Мўйсафид ўз фикри нотўғри англанидан афсус чеккандай хўрсиниб қўйди.

— Жаноб, мана сен жаҳонгашта одамсан. Шарқни ҳам, Фарбни ҳам кўргансан. Олис ўлкаларда қуёшга ҳам тик боргансан. Шимолдан жанубга, жанубдан шимолга томон беҳисоб йўл босгансан.

— Ҳа, шундай.

— Қулоқларинг очиқ эди, олам товушларини эшитиб турардинг, юрагинг урарди, кўзинг ёруғ дунёга боқиб турарди.

— Ҳа, шундай, — тасдиқлади Тахура.

Мўйсафид кўлларини чалиштирди. Савдогарга синчковлик билан тикилди-да, жуда секин гапирди:

— Ҳамма темир нарсалар ҳам мустаҳкам ва абадий деб виждонни гаровга қўйиб айта оласанми? Темир яхши нарса, қимматли нарса! Ким буни билмайди? Ахир у мангуми? Занг уни чиритмайдами?

— Тўғри, чиритади.

— Темир ўз ўрнида керак. Лекин давлат қанчалик мустаҳкам бўлмасин, агар у темирга асосланган бўлса, путури кетади.

— Ғалати! — деди савдогар. Бу сўз қанчалик самимий айтилганини англаш қийин эди. Ақли калтароқлигидан шундай дедими ёхуд ўзини содда қилиб кўрсатмоқчими — Сеннефер шуни ажрата олмай турганди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам мўйсафид барибир фикрини очиқ айтишга ўзини бурчдор деб ҳисоблади. Унинг юрагида туганмас ғазаб алангаланарди, шу боис жим туrolмасди. Жим туришнинг уддасидан чиқа олмасди. Узок вақтлардан бери жим келади. Қачонгача жим юра олади, ахир?

— Нега бу сўзни айтдинг, муҳтарам жаноб?

— Қайси сўзни?

— “Ғалати” дединг. Ахир мен сенга номаълум бўлган бирор янгилик айтганим йўқ-ку?

Савдогар айёрлик қилиб ўтирмади.

— Йўқ, бу гаплар янгилик эмас.

Энди Сеннефер хайрон бўлди:

— Сенга тўғриси айтадиган бўлсам, бу хайратланарли! Сен ҳаммасини ўзинг билсанг ҳам хайратланаяпсан. Буни андай тушунмоқ керак? Фикрларим чалкашиб кетаяпти.

— Сеннефер, мени тушуниш қийин эмас. Мен темир чиришини биламан, албатта. Темир давлатнинг устини занг қоплашини ҳам биламан. Лекин буларнинг ҳаммаси умр ва енгилмас Кемига қандай дахли бор? Сенинг мулоҳазаларинг билан чекланмаган, илоҳий ва қудратли ҳокимият ўртасида қандай боғлиқлик бор? Мен ҳозир фиръавн туфайли бутун дунёни кўрқувда сақлаб турган Кеми тўғрисидагина гапиряпман.

Сеннефер бошини орқароққа ташлаб кулиб юборди. Кекирдок олмаси юқори кўтарилди, томоғидан терилар тортилди, бўйнидаги чизиклар чуқурлашди.

“Нималарни эшитаяпман, ўз қулоғим билан? Кеми тупроғида туриб-а? Бу гаплардан хетлар хабар топишса борми? Агар билгудай бўлишса, бу томонга тўғридан-тўғри бостириб келишади. “Фиръавн” сўзини эшитиш биланоқ юраклари увишадиганлар хотиржам тортишади. Йўқ, Тахура, бу йўлда хато қилма. Бу чол ҳам Кеми дегани эмас... Дарвоқе, Пеппи ҳам ҳали Кеми дегани эмас. Ер юзига ҳукмронлик қилаётган давлатда унинг йиғиси нима деган гап?..”

Мўйсафид кулди. Шунчалик кулдики, томирлари ўйнаб кетди, юзлари кизарди. Лекин у ҳамон куларди.

“... Менинг устимдан куляпти. Унга тентакка, балки аҳмоққа ўхшаб туюляпман. Майли, нима деб ўйласа ўйлайверсин...”

Сеннефер кўзларини очди, мушти билан кўз ёшларини артди. Савдогар мўйсафид обдон ўзига келиб, гапни келган еридан давом эттирадиган дақиқагача эҳтиром билан кутди.

— Мендан хафа бўлма, муҳтарам жаноб, — деди ниҳоят Сеннефер. — Мен сенинг устингдан кулганим йўқ. Менинг хаёлимга эса Кемининг душманлари ҳам худди сенга ўхшаб кетишаркан, ҳукмдорни бутун дунёни бошқара оладиган паҳлавон деб ўйлашаркан деган фикр келди.

— Бундай ўйлашмайди.

— Асрлар мобайнида енгилмайдиган давлат...

— Бундай фикрда ҳам эмаслар.

— Кемининг ҳукмдори ҳокимиятни Хуфуга қараганда маҳкамроқ ушлаб туради.

— Ҳа, шундай ўйлашади.

— Мен эса... — Мўйсафид овозини кўтарди, — буларнинг ҳаммаси нотўғри дейман! Яна қайтараман: темир занглайди. Биз эса темир билан кишанланганмиз. Лекин мен бунинг натижаси нима билан тугагини кўриб турибман. Сен-чи?

— Мен узоқ юртдан келган келгиндиман. Сўзларингга эҳтиром билан қулоқ соляпман.

— Бўлмаса эшит! Ё темир чириб ип ўз-ўзидан узилиб кетади ёхуд ҳукмдорни ўлим ўз домига тортиб, иплар барибир йўқолади.

— Ўлим ўз домига тортади дейсизми? — сўради савдогар.

— Ҳа.

— Қачон?

— Буни ҳеч ким айта олмайди.

— Шу йўл билан ҳал бўладими ҳамма нарса?

— Ҳа.

“... Қаҳр-ғазаб туфайли мўйсафиднинг ақли, кўзларини парда қоплаган. Фиръавн туфайли кўп нарсалардан бебахра қолганлиги учун борлиқни қандай бўлса шундайлигича кўролмайди...”

Мўйсафид муштини силқитди.

— Сўзларимни эсингдан чиқарма, муҳтарам зот: темир ҳам алдамчи, мангу эмас.

Савдогар бошини кўтарди. Унинг нигоҳи тўрт бурчакли қандайдир нарсага тушди. У тўқ кўк, қарийб қора эди, ундан гира-шира ёруғлик тушиб турарди. Қайсидир кўринмас, аммо истеъдодли рассом деворга ўз ишини осиб қўйгандай таассурот уйғотарди. Лекин шифт тагидаги расмда нималар ифодаланган экан ўзи?

“... Эй, худолар-эй, бу ахир дераза-ку. Жажжи хонадаги кичкина дераза. Кўкимтир ранг осмон ранги-ку...”

— Мен анча ўтириб қолдим, — деди савдогар.

— Мен сени ҳеч нарса билан меҳмон қилолмайман, — деди ғамгинлик билан мўсафид.

— Ахир суҳбатинг зиёфат ўрнига ўтмайдими? Унга нима тенг кела олади? Қовурилган товукми? Товуқ Усерхет дўконида арзонгина туради. Куш гўштидан қилинган кабобми? У ҳам арзимади бунга. Қиёмлардан устига гул солинган ширинликми? Уни есанг оғзингда ширинлик қотиб қолгандай бўлади. Шу боисдан суҳбатдан кўра яхшироқ зиёфатни топиб бўлмайди!

— Ҳа, эҳтимол, сеникидан қорнида ҳеч нарса олиб кетмайдиган меҳмон балки шундай дейиши жоиздир.

Ўзаро илтифотли хайрлашувдан кейин савдогар шаҳарга йўл олди. Мўсафид ичида ўйлади. “У менинг кулбамга бекорга келмаган. Нима бўлса бўлар. Ахиятида нималар содир бўлаётганини Ниневиядагилар ҳам билиб қўйишсин...”

Сеннефер меҳмонни йўл бошигача кузатиб кулбасига қайтгач, Ахетатон чеккасида яшайдиган жуда кўп одамлардек оғир хаёлларга берилган ҳолда овқатланди. Сўнг шамни ўчириб ётди. Қоронғу бўшлиққа тикилганча ётиш қандай маза! Сеннефер фиръавннинг айғоқчилари меҳмоннинг орқасидан келиш-маяттимикан деган хаёлда ташқарига қулоқ солди. Йўқ, ҳеч қандай овоз эшитилмасди. Демак, илоҳийлаштирилаётган ҳукмдор ҳамма ёқни кўра бермас ва эшитавермас экан-да.

Мўсафид бунга хурсанд бўлди, тез орада эса уйқуга кетди.

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК УСТАХОНАСИДА

Жехутимес кенг эшикдан қараб турарди. Мана, дунёда тенги йўқ аёл ўтиб келаётир... Жехутимес орқасида Ахтой, Тихотеп туришарди. Улар ҳам аёлга тикилишади. Аёл эса бамайлихотир, бироз ғамгин қиёфада кулимсираганча ўтиб бораётир. Олтита қиз кўрганига қарамай ҳалигача ғоят нозик, келишган.

Беқиёс гўзаллигининг сири нимада?.. Мана, аёл яқинлашиб қолди. Унинг орқасида гўзал Канефер келаётир. Канефер ёш малика Анхесенспаатонни қўлтиқлаб олган.

“... Мен ундаги асосий жозибани нимада эканлигини билишни истайман. Куюқ ва узун киприкларидами? Бутун оламни яратганнинг мўъжизакор қўли билан чизилган лабларидами? Нур ёғилувчи чеҳрасидами ё? Асосий гўзаллик қаерда ўзи? Буни билмасдан туриб ҳайкални маромига етказиб бўлмайди. Мана, маликаи дилором билан бирга тонг отиб келаётгандай. Бу тонг бутун оламни ёритгудай, юракларга ҳарорат бахш этгудай. Малика кириб келаётир...”

Уни зинапоя олдида кутиб олишга ҳеч ким чиқмади. Буни Жехутимес таққиллаган.

Малика зинапоядан кўтарилиб остонага қадам қўйди. Тўсатдан маликанинг кўзларига бошқа манзара кўрингандай бўлди. Анча вақтдан бери келиб юрган жойими шу ўзи? Илгари бу ерда фақат парда турарди. Ёш йигитлар лой қоришар, тош йўнишар, гипсдан ҳар хил шакллар қуйишарди. Ўшандан бери саккиз йил ўтибди: пойтахт энди-энди тикланаётганди. Иморат қурувчилар ва ҳайкалтарошлар вақтинчалик тикланган шийпон ва чодирларда яшаб туришарди. Малика ёш эди, у ҳам ҳали навқирон эди. Мангу уни севиб қолишига қасамёд қилганди, ҳақиқатан қаттиқ севарди. Малика фуқароларининг ўзига ҳайрат билан тикилишларини сезарди. Лекин бу саройдаги тобе одамларнинг тикилишларига ўхшамасди! Маликанинг қиёфаси кўзи тушганларни лол қолдирарди. Лол қолдирмаслигининг иложи йўқ эди. Кўзларидан ақл ёғилиб турарди. Гўзаллиги кўзларида акс этарди. Чинакам гўзалликини қадрлай оладиган ҳайкалтарошлар нигоҳларини ундан олиб қочишарди. Рўбарўларида худди куёш тургандай қарашга юраклари дов бермасди. Подшо-худо ҳам доимо унинг ёнида бўларди. Ҳатто бир-бирларидан анча узоқ вақтларда ҳам ёнида ҳис этарди уни... Мана, ҳукмрон кетаяпти, ёнида эса малика. У маликани бу ерга олиб келди-да, ёш ҳайкалтарошга имо қилади. Ва: “Бу — Жехутимес. Унинг қўлла-

ри бехато кўрадиган кўзларидай ғоят ақлли. Ҳайкалтарошнинг кўллари ақлли, кўзлари ўткир бўлмоғи керак...” У “Жехутимес” исмини яна бир бор такрорлади. Ёш ҳайкалтарош уялганидан юзлари қизариб кетди. Ҳукмдорнинг бир имосига шай бўлиб таъзим қилганча турарди. Ҳукмдор-худо ўзига, Кемининг қудратига ишонч барқ урган ҳолда сўз қотди: “Жехутимес, мен сенга неча маротаба ўз шанингга, мукаммал санъатингга яраша иш тут, дегандимку. Ўрнингдан тур!” Нега жаноби олийлари ўшанда ҳали маромига етмаган санъатимни мукаммал деганди ўзи. Демак, узоқни кўрган экан-да. Унчалик етуқ бўлмаган асарларда етуқлик нишонларини кўрган экан-да!

Ўшанда жаноби олийлари маликани ёнига олиб ҳали битмаган, бесаранжом устахона билан таништирган ва ҳайкалтарошларга: “Сиз кўзингиз кўрган, юрагингиз буюрган ишларни қилишингиз керак,” — деганди. Кулимсираб туриб сўраганди: “Жехутимес, кўзинг ҳозир нимани кўряпти?” — “Жаноби олийлари, сизни кўряпман.” — “Яна нимани кўряпсан?” — “Улуғ маликамиз жаноби олияларини.” — “Уни қаерда кўряпсан?” — “Сизнинг ёнингизда, чап томонингизда, жаноби олийлари.” — “Тўғри, бизни худди шундай кўринишда тасвирла”. Сўнг жаноби олийлари бошидан ясама сочини олди. Унинг боши шунақаям хунук эдики, худди шумерларнинг чўзинчоқ қовоғига ўхшарди. Ҳукмдорнинг боши ингичка бўйнига омонат ўрнатилган мис буюм янглиғ ялтилларди. “Энди нима кўраяпсан, Жехутимес?” — “Бошингни кўраяпман, жаноби олийлари.” — “Уни худди шунақа, хунуклигича тасвирлайвер. Зеро мен ўзим шунақаман.” — “Менинг қулоқларим сўзларингга мунтазаир, кўзларим сўзларингни эшитганимда жонлангандай бўлади, жаноби олийлари”. Ҳукмдор кулиб қўйди. У сўради: “Жехутимес, сўзларимни ёрдамчиларинг эшитишидими?” — “Барча сўзларингни эшитишди”, — жавоб берди ҳайкалтарош. — “Ҳаммасини эшитдик,” — дейишди унинг ёрдамчилари... Эй, марҳаматли худо, бу воқеадан кейин қанчалар кўп вақт ўтиб кетди, йўқ у яқиндагина бўлиб ўтгандай!

Маликанинг кўзларига худди ҳовузга тош ташланганда сув юзида пайдо бўладиган доиралар кўрингандай туюлди. Энди қандай синоат рўй берди? Нега у кўринмайди? Нега уни ҳеч ким кутиб олмаяпти?.. Унинг хаёлига шу фикр келган дақиқада остонада юзтубан ётган ҳайкалтарошга кўзи тушди. Унинг ёрдамчилари ҳам юзтубан ётишибди. Малика ҳеч нарса тушунмасди. У Канефер томонга ўгирилиб елкасини қисди. Санъатнинг бу муқаддас даргоҳида ҳазрати олийлари тақиқлаган юзтубан ётишга бало борми?

Канефер бошини қимирлатди. Гўё бу билан ҳазрати олияларига Кемининг барча фуқароси ҳам таъзим бажо келтириши керак, дегандай бўлди. Малика ичкарига кирганда ҳам чўзилиб ётган эркакларга кўзи тушди. Ҳайкалтарошлар маликанинг олдида ҳам тиз чўккан эдилар.

— Ўрнингиздан туринг!

Бу жаноби олияларининг сўзи эди. Гўзал аёлгина эмас, Кеми ва бутун оламнинг ҳукмдори бўлган маликанинг ҳукми эди. Унинг овозига ҳатто ўликлар ҳам қулоқ солишади. Ҳайкалтарошлар ўринларидан туриб эгниларига ёпишган губорларни қоқишди.

— Жаноби олиялари, бизни койишни бошламасингдан, ғазаб оловини сочмасингдан олдин гапимга қулоқ сол. Нега эшик олдида кутиб олмаганимизни сўра. Нима учун ҳовлига чиқиб турмаганимизни суриштир.

— Сўрайман, — деди жаноби олиялари. У ҳар қачонгидек секин, аммо жарангдор овозда гапирарди. Унинг овозидан юраклар орзиқади, томирлардаги қон жунбушга келади...

Ҳайкалтарош шу буйруқни кутиб турганди:

— Жаноби олиялари, сенга арзимайдиган портрет деярли тайёр. У анави ерда, бурчакда турибди. Қизғиш тоғ жинсига ҳозир жон кирадигандек. Ахтой тарошлаган тош унга либос вазифасини ўтайди. Ҳайкал ўзига хос назокат ва санъаткорлик билан ишланган. Қизғиш рангли тоғ жинсидан ишланган портретингни кўрсатишга тайёрман. Назаримда, меҳнатимиздан мамнунлигингни яшира олмасанг керак. Лекин жонсиз тошни кўрсатиш мумкинмикин?

Малика Канеферга қараб қўйди.

— Мумкинми?

— Йўқ, — жавоб берди Канефер. — Саҳрода жуда кўп жонсиз тошлар бор. Керагидан ортиқ даражада. Ахир уларни ҳайкалтарошлар кўрсатадими? Гарчи уларнинг ҳаммаси қизғиш тоғ жинсларидан бўлса-да?

— Сен унинг гапини эшитаяпсанми, Жехутимес.

— Ҳа, эшитаяпман.

— Бу менинг ҳам жавобим. Ҳайкалтарош томонидан жон ато этилган тош-ни томоша қилиш беқиёс ҳузур бағишлайди, жонсизлари эса кўнгилни ай-нитади.

— Ҳақ гап, жаноби олиялари.

Малика чапак чалди. Унинг келишган жажжи юзи яшнаб кетди.

— Мен жонли тошларни яхши кўраман, — деди малика.

Ахтой ва Тихотеп маликадан кўз узишмади. Ўз ишларининг усталари бўлган бу ҳайкалтарошларнинг нигоҳлари ғоят синчков эди. Ахтой жаноби олиялари юзининг ўнг томонига, Тихотеп эса малика юзининг чап томонига синчик-лаб қарашарди. Кўшни хоналарда лой қораётганлар ҳам, бошқа ишлар билан машғул бўлаётганлар ҳам маликани кузатишарди. Маликани кузатаётган кўзлар сирлар ҳақидаги улуғ китобни ўрганаётган донишманднинг нигоҳидек синч-ковликда бир-бирларидан қолишмасди.

Жехутимес маликанинг устахонага кирадиган йўлини беркитгандек унинг олдини тўсиб турарди. Дарҳақиқат, ҳайкалтарош асар ҳақидаги тушунтириш-ларини эшитмасдан туриб маликанинг устахонага киришини истамасди.

— Жаноби олиялари, ҳозиргина айтганимдек, сенинг ҳайкалинг бурчақда оқ мато остида турибди. У тайёр. Тўғрироғи — деярли тайёр. Лекин у ҳали сен тўғрингдаги асар эмас. Нега у сенинг сўзларинг, овозинг билан сўзламайди? Сенинг табассумларинг билан кулмайди? Нега бизга буйруқ бермайди? Нега лафзидан улуғ ва ҳароратли сўзлар чиқмайди? Ахир у иккинчи сен-ку. Фарқи сен тана ва қондан, у эса қизғиш жинсдан иборат. Сенинг қиёфанг қанчалик мангу ва ўлмас бўлса, тоғ жинси ҳам шунчалик мангу ва ўлмасдир.

— Канефер! — деди жаноби олиялари, — мен ҳақимдаги фикрларида му-болагани ошириб юборгани учун Жехутимесни жазолаш керакмикин?

— Йўқ, — жавоб берди Канефер ва дўлворлик билан кўшиб қўйди: — У ўзи тўғрисида муболага қиляпти. Гапларининг оҳангидан сезмаяпсанми?

— Шундайми? — У қўлларини чалиштириб олди. — Малика ўзини қудрат-ли, қатъий ва гўзал қиёфада кўрсатмоқчи бўлганда шундай қиларди. Барча аёллар сингари.

— Йўқ, — жавоб берди Жехутимес. — Ҳурматли Канефер хоним ҳақ эмаслар. Бутунлай ҳақ эмаслар. Мен асарга жон бағишлайдиган ягона чизикни қидиряп-ман. Бу чизик томирлардаги қонни юриштириб юбормоғи керак. Мен Ахтой-га: “Шу штрихни топ. У маликанинг юзида”, — дедим. Тихотепга ҳам шу гапни такрорладим. Лекин мен бу штрихнинг қаердалигини билмайман: лаб-ларнинг бурчагидами, қовоқларнинг қайрилган жойидами? Пешонадами, да-ҳандами? Қаердалигини билмайман. Мен бу гапни ҳаммага, лой қораётган-ларга ҳам, ганч элаётганларга ҳам, сув ташиётганларга ҳам айтиб чиқдим. Қи-дилинглар, мен айтган чизикни топинглар, акс ҳолда ҳали асар ўлик, унга жон бағишлашимиз керак. Ва биз шундай қарорга келдик. Дарвозадан мана шу остона олдиғача якка ўзинг юриб келасан. Ўз хаёлларинг билан банд бўла-сан. Бирортамиз кутиб олмаганимизга ё жаҳлинг чиқади, ё бўлмаса хаёлла-рингга ҳеч ким халақит бермаганига хурсанд бўласан. Биз шунда сени табиий ҳолатингла кузатамиз, ўзимиз қидираётган чизик, табаррук юзингдаги ўша, тугаётган ишимизга улуғ якун ясайдиган ҳолатни топамиз. Шунчаки якун эмас, улуғ якун бўлади бу. Мен бу ерда туриб сени кузатдим. Ахтой ва Тихотеплар ҳам сени кузатишди. Устахонадаги ҳамма-ҳамма нафас олмай сени кузатишди. Бўлган гап шу!

Малика залворли зираklarини тўғрилаб қўйди, Жехутимеснинг кўзларига қаради. Ҳа, бу кўзлар мастона, ошиқона кўзлар. Ёввойи кийикнинг кўзлари-дай қоп-қора, шу билан бирга ойнадай тиниқ эди. Уларга боқсанг худди сув-га қарагандай ўз суратингни кўрасан. Бу ёш ҳайкалтарош ҳамон уйланмапти, айтишларига қараганда, жазманлари ҳам йўқ эмиш... Наҳотки, бу ўшандаги қасами туфайли бўлса?.. Малика ўша воқеани ҳамон кечагидек эслайди. Нима

дегани ҳам хотирасида: “Бундай қўлни ушлаган одам унга умр бўйи садоқат кўрсатмоғи керак”. Бу гапга малика: “Наҳотки, бирорга одам умр бўйи ҳам содиқ бўлолса?” Жехутимес ўшанда худди ҳозиргидек хумор кўзлари билан боққанди. Йигит бирданига тундлашиб қолганди. Нега унинг самимий сўзларига ишонишмайди?! Албатта, бутун умрга-да! Ўшанда малика сирли, маънодор табассум қилганди. Бу кулгуси билан гўё: “Эҳ, соддадил йигит. Бутун умрга ҳам қасам ичадими одам?” дегандай маънони ифодалаётганди. Йигит қизариб кетди, кўзларига қон қуйилди. Чўккалаган кўйи: “Мен бутун умр ўз сўзимда содиқ қоламан” деган эди ўшанда. Наҳотки, у инсон ўзини жиловлай олмайдиган дақиқада айтган гапига умр бўйи содиқ қолса?

“Ҳа, бутун умрга!” — “Ўрнингдан тур!” — буюрди малика. Йигит унга сўзсиз итоат этди.

Устахонада рўй берган ўша гапдан бери беш йил ўтди. Ҳайкалтарош Жехутимес ҳамон уйланмаган. Эҳтимол уни ўша қасамидан озод қилиш лозимдир? Жаноби олиялари сўз қотди.

— Жехутимес, қасаминг ёдимда турибди.

У ўнг панжасини оҳиста узатди. (Ўшанда у ҳайкалнинг ўнг қўлини ишлаётганди.)

— Менинг ҳам ёдимда.

Улар бир-бирларини яхши тушунишди.

Малика уйнинг бурчагига, оқ мато ёпилган тоғ жинсидан ишланган ўз ҳайкали олдига боради.

Малика кетиб бораркан, йигитга мурожаат этди:

— Хўш, Жехутимес, зўр бериб излаётган чизиқни топдингми?

Жехутимес ҳам худди шундай савол билан, бироқ овоз чиқармаган ҳолда Ахтойга қаради. У инкор қилгандай бош ирғади. Тихотепнинг назарида ўша чизиқни топгандай бўлди, аммо бунга ҳали ўзи ҳам унчалик ишонмасди.

— Жаноби олиялари, — гапга аралашди маликани қўлтиқлаб кетаётган Канефер, — уни ҳали топишгани йўқ. Уни топишгунча устахонага яна қатнаб туришингизга тўғри келади.

— Эҳтимол, — малика рози бўлди, — санъат тинимсиз меҳнатни талаб этади. Илгарилари ҳайкал яшаш жуда осонга ўхшаб туюларди менга. Бунинг учун истак бўлсаю, қўлга лой олинса, бас, деб ўйлардим. — У дастгоҳ олдига келди. — Оқ мато устидаги нарса нимакин ўзи? — Маликанинг кўзига ҳукмрон кўриниб кетгандай, ундан жаҳли чиқиб ғазабнок тикилиб тургандай туюлди. Лекин шу дамдаёқ ғазабни бамисоли қуш каби учиб кетгандай бўлди. Ҳукмрон кулиб: “Сени умрбод севаман”... “Сени умрбод севаман”, — деб такрорларди. Малика ўшанда бу сўзларни эшитишни истамасди. Ҳозир эса бу сўзларни эшитмасди. Чунки “ҳозир” “ўшанда” эмас-да. Эҳ, қанийди, бу икки қисқагина сўзларнинг ўрнини алмаштириб бўлса! У ўшанда анча ёш эди, лекин мангу ҳаёт бўлмагани сингари мангу муҳаббат бўлмаслигини ҳам тушунарди. Ҳозир эса мангу муҳаббат борлигига ишонгиси, шундай муҳаббат бор деб ўйлагиси келарди. Ахир, ҳайкалтарош ҳам мангу боғлани қолганига қасам ичяпти-ку! Ёки бу ҳаётнинг ўзидай ҳаммаси ёлгонмикин?

Жехутимес ҳайкал устидаги оқ матони секингина туширди. У матони Тихотепга узатди ва маликага қараб қўйди. Канефер нигоҳини маликанинг кўзидан узмасди.

Жехутимес ҳамон ўша чизиқни қидирарди. Совуқ тошга жон бахш этиши мумкин бўлган ўша чизиқни ҳамон изларди. Маликанинг лаблари секингина қимирлаб кетди. Юзи эса улуғвор ва вазмин эди. Ҳайкалга қимир этмай узоқ тикилди. Худди кўзгуга қарагандай, қандай синоат рўй берганини билмаётгандай...

У оҳиста сўзлади:

— Наҳотки, шу иш тугалланмаган бўлса?

— Йўқ, тугалланмаган, жаноби олиялари.

— Нимаси битмаган? Тош телпак кийдириш қолганми?

— Йўқ.

— Бўлмаса нима?

— Муҳим чизиқни топиш. Ҳар қандай бўлганда ҳам излаб топиш!
 — Акс ҳолда-чи?..
 — Акс ҳолда ҳайкал шу устахонада битмаган асарлар орасида қолаверади.
 — Даҳшат-ку!
 — Бу мен учун қоидага айланган.
 — Даҳшатли қоида! Назаримда мана ҳозир гапириб юборадигандай. У менинг ўхшашим. Наҳотки, у жонлигини кўрсатиш учун оғзини очиб бирор сўз ҳам айтиши керак?

— Йўқ, — деди ҳайкалтарош, — агар у лабини қимирлатгудай бўлса, хаф-салам пир бўлади. Ҳайкалтарош ўлик тошга жон ато этмоғи лозим. Лекин бунинг меъёри бор. Меъёрни буздингми — ҳамма нарса хароб бўлди деявер. Ҳарқандай ота ва онадан жонли фарзандлар туғилади. Лекин уларни ҳайкалтарош деб атамаймиз-ку, жаноби олиялари!

Малика хаёл суриб қолди, аввал Ахтойга, сўнг Тихотепга қаради. Беихтиёр равишда уларни Жехутимес билан қиёслади. Кўнглидан шундай гап ўтди: “Бу сарғиш ясама сочли одам туғма ҳайкалтарош. Унинг қисмати азалдан шундай ёзилган. У — маликанинг маҳбуби”.

Канефер ҳайкални ғоят қизиқиб тамошо қиларди. У ичида маликани илгари яхши билмаганлигини тан олди. Аниқроғи, у қандай бўлса шундайлигича, табиий ҳолда кўрмаганлигини билди. Жаноби олияларининг ўзидан яхши дейиш қийин. Ҳайкалтарош уни асарида чиройлироқ ифодалаган дейиш ҳам мумкин эмас. Малика ҳам, унинг қизғиш тошдан ишланган қиёфаси ҳам тамомила такрорланмас. Ҳайкал яралишига сабабчи бўлган қиёфа худди ота-онасидан олисда яшовчи фарзандлардай, яхшиликлардан хурсанд бўлиб, ғам-ташвишлардан алам чекиб умргузаронлик қилишарди. Бу Канефер аниқлаган кашфиётми? Ахир Ахтой худди шу тўғрисида гапирмадимми? Гапирди. У фақат эндигина аслига ўхшаган ва ўхшамаган ҳайкалнинг нима эканлигини бутун юракдан тушуниб етди.

Жехутимес маликага қарата:

— Жаноби олиялари, анави ерда, парда орқасида қизларингиз ҳайкаллари турибди. Шуларни кўришни истайсизми? — деди.

— Ҳа, истайман. Жудаям!

У имо қилди. Кўринмас қўллар қалин пардани кўтаришди. Малика обнус дарахтидан ясалган катта жовонларга териб қўйилган қизларининг ҳайкаллари кўриб хурсанд бўлди. Ҳатто бу ерда мархума Мактатоннинг ҳайкалчаси ҳам худди тириклар орасида яшаётгандай турарди.

— Эй, марҳаматли худойим-ей, — деди малика, — мана улар. Ҳа, бу уларнинг ҳайкаллари, жудаям ўхшабди.

Шундай деб, қизчаси ҳайкалини силаб қўйди.

— Уларнинг бошлари бироз ғалатироқ чиққан деб ҳисобламайсанми, Жехутимес?

— Ҳа, шундай туюляпти.

— Шундай экан, уни салгина тузатиб қўйиш лозиммасмикин? Ахир сенда кесиш асбоби йўқми? Ёхуд ёрдамчиларинг камми?

Ҳайкалтарош бошини қимирлатди: йўқ, ҳаммаси етарли.

— Ундай бўлса, бунинг боиси нима, Жехутимес?

— Ҳукмдор яроқсизга чиқариб юбордилар-да.

— Мен-чи? Менинг фикрим инobatта олинмайдими?

— Ҳозирги ҳолатда жаноби олийлари ҳақ.

— Мен-чи?

Жехутимес бир қарашининг ўзиёқ ёруғ дунё одамларига олам-олам ҳузур бағишлайдиган маликанинг нур сочувчи кўзларига қаради.

— Жаноби олиялари, сиз ҳақ эмассиз.

Малика кескин қайрилди. Шунчалик кескин қайрилдики, кийимлари учиб кетадигандай туюлди.

Малика бамисоли Шарқий тепалиқдан кўтарилиб келадиган қуёшдай ял-ял ёнарди, бурун катаклари қизариб кенгайгандай бўлди, бироз бўёқ суртилган қошлари чимирилди.

— Очиқ гапни яхши кўраман! — Малика кулди. — Жехутимеснинг ботирлигини ёқтираман. — У Канеферга мурожаат этди: — Сен-чи?

Лекин Канефер ҳам аёл киши эди.

— Маликам, бундан ҳам даҳшатлироқ эркаклар бўлади.

— Нима дединг?

— Даҳшатлироқ.

— Яхши сўз, аммо унчалик тўғри эмас... Эҳтимол, ...

Кулранг парда орқасидан аста-секин Нефтеруф чиқиб келди. У Атон ибодатхонасининг оғир томини кўтариб турган баҳайбат устундай қудратли ва маҳобатли эди. Қошлари остидан бутун жонли нарсаларни куйдириб юборгудай чақмоқ янглиғ кўзлар боқиб турарди.

Малика уни илк маротаба кўриши эди, бутунлай танимасди. У тошларга жон ато этаётган бу ҳайкалтарошларга ҳеч ўхшамасди.

Нефтеруф ғоят назокат билан таъзим бажо келтирди.

— Ким у? — сўради малика Жехутимесдан.

— Маликам, — жавоб беришга шошилди Канефер, — агар сизга қачонлардир қул керак бўлса, ундан кўра садоқатлироғини тополмайсиз. У аввалроқ кичкинагина маймунни етаклаб кўчаларда юрган эди. Ҳозир эса Жехутимеснинг устахонасида лой қоряпти.

Ҳайкалтарош маъқуллаб бош ирғади.

— Қадди-қомати қулларникига ўхшамайдигандай туюлмаептими, сизларга? — деди малика шивирлаб.

Канефер Нефтеруфнинг бошидан оёғигача разм солди: "...Кучи айқириб турибди. Тепадан пастга интилаётган шаршарадай тизгинсиз..."

— Маликам, у итдан ҳам вафодорроқ бўлади.

— Буни ўзи айтдим?

— Йўқ.

— Бўлмаса буни қаердан биласан?

— Унга разм сол, кўзлари чақмоқдек ёниб турибди. Эҳтимол, мен янглишарман.

Малика айёрона кулиб қўйди.

"Жаноби олияларининг жаҳли чиққани йўқ. Бу мағрур, маликага ҳайиқмай қараб турган йигитга кўнгилчанлик билан муносабатда бўлди..."

Малика қизларининг ҳайкалларига бир-бир тикилди-да, сўнг нигоҳини Нефтеруфнинг фавкулда хушбичим гавдасига қадади. У бирор гуноҳ иш қилиб қўйган одамдай бошини эгиб, қўлларини бир-бирига чалиштириб турарди. Малика мийиғида кулиб қўйди. "Бу аҳволимда ҳар бир тирик жон менга таянч бўлади..." деб ўйлади.

Жехутимес Нефтеруфга имо қилди: у эса парданинг учини ўзига томон тортди, қизларнинг тош бошлари кўздан йўқолди, Нефтеруфнинг ўзи ҳам парда ортида қолди. Малика хотиржам бўлди: нотаниш одамнинг ёниб турган кўзлари энди уни таъқиб этмасди.

— Маймунни кўчаларда айлантириб юрарканми? — сўради жаноби олиялари.

— Мен маймунни кўришни хоҳлайман, — деди малика.

— Сен уни кўрасан, — жавоб берди онаси.

— Қачон?

— Тез орада.

— Эртагами?

— Йўқ.

— Индингами?

Жехутимес қиз томон энгашиб, кулиб жавоб берди:

— Тез орада, уч кундан кейин.

Маликанинг қизи улуғ Кемининг ҳукмдори қизигагина хос тарзда бош қимирлатди.

— Жехутимес, энди менинг ҳайкалим масаласига қайтайлик. Қидирилаётган чизиқ топилдими, топилмадими?

Ҳайкалтарош жавоб беришга шошилмасди.

Ахтой ҳайкал ёнига келди-да, қидирилаётган чизиқ мана шу атрофда, де-

гандай ҳайкалнинг оғзи атрофида қўли билан доира чизди. Тихотеп қош ва кўзларни, буруннинг беқиёс гўзаллигини кўрсатди...

Бу ишоралар ҳайкалтарошни яна ҳам кўпроқ ўйлашга мажбур этди. У қўлини даҳанига тираганча тураверди. Шу алпозда анчагача жим турди...

Малика ўз ҳайкалига ҳамма томонлардан диққат билан тикилиб кўрди. Шунда тўсатдан ўзини ўлган ҳолда тасаввур этди. Балиққа ўхшаб ўлиб ётганмиш. Мана, у тобутда ётибди. Бу тош тасвир унинг бош томониغا қўйилган экан. Кўзларини очиб кулармиш. Рақиб Кийанинг шипштиши, фиръавннинг буйруғи билан уни қопга солишиб тикишибди-да, аста-секин Хапи дарёсига ташлашибди. Ҳали тирик экан, нафаси қайтармиш... Уни ўлдиришди!.. Бу тош ҳайкал эса ўз жойида турганмиш, нуқул кулармиш. Кўзларини очганча кулаверармиш...

Маликанинг аъзойи бадани титраб, тиззалари қалтиради. Лекин тезда ўзини қўлга олди, ўз нотавонлигини ҳеч кимга билдирмади. Хоҳ бу ерда бўлсин, хоҳ бошқа жойда бўлсин, ҳеч кимга сездирмайди. Бугун ҳам, кейин ҳам.

Жехутимес кўзини қизғиш тошдан узмай туриб:

— Маликам, менинг ёрдамчиларим ҳақ. Лекин бир нарсани ҳал этиш қоляпти: ўша чизиқни кўзларингиз остидан қидириш керакми, устки лабингизданми ёхуд пастки лабингизданми?

Канефер хандон ташлаб кулиб юборди:

— Менимча, Ахтой ва Тихотепларнинг мулоҳазалари у қадар тўғримасга ўхшайди. Улар менинг гапимга яна хафа бўлиб ўтиришмасин.

— Ахир улар шундай гўзал хонимнинг ҳазилини кечиришмайдимми? — деди малика.

— Кечиришади, малика! — Жехутимес аввал Ахтой, сўнг Тихотепнинг елкасидан қоқиб қўйди. — Улар қобилиятли, жудаям истеъдодли ҳайкалтарошлар. Агар уларнинг ўткир кўзлари-ю моҳир қўллари бўлмаганда, Жехутимес ҳайкалтарошлик санъатида ҳар дақиқада учровчи юзлаб ғалати муаммолар остида қолиб кетарди.

Бу олижаноблик билан айтилган сўз эди. Малика бунга тан берди. Унинг кўз ўнгидан ўтмиш манзаралари, шу ерда, у билан лойлар орасида тургани гавдаланди. У билан қанчалар бахтиёр эди ўшанда, бахт ҳам мангудай туюлганди. Ҳатто севги, унинг қасам ичиши.

— Кетдик бу ердан, — деди Канефер маликани қўлтиқлаб. Қандайдир куч уни парда томон қарашга мажбур этди. Парда орасида эса гўзал ҳайкалдай Нефтеруф турарди. Қоп-қора кўзларидан ўт чақнарди...

СОРРУ...

Инсон ҳаёти нима ўзи? Наҳотки, қадимги муллалардан бири айтганидай девордаги соя бўлса? Ёхуд бошқа биров айтганидай сув юзида акс этган шуьламикин? Нега Сорру хафа?.. Нега энди соя, ўлим ҳақидаги фикр хаёлга келиб қолди?..

У ечиниб ётибди. Кўзларида соя липиллайди. Сорру — гапираётган соя. У худди ўзига гапираётган одамдай шивирлаб сўзлайди. Бадани ўзи ётган бўйрага монанд қора. Унинг бармоқларини қўлингизга олиб кўрсангиз-чи? Наҳотки, бармоқлари ҳам соя, сув юзидаги шуьла, саҳродаги саробга ўхшаса? Бармоқлари ниҳолдай нозик.

У аёлга айтади:

— Мен бармоғингни букаман.

У индамайди.

— Ҳамонки индамас экансан, мен бармоқларингни букавераман.

У миқ этмади.

— Қаттиқроқ букайми? Оғримаяптими?

Унинг кўзлари ғамгин. Шароб ичяпти.

— Наҳотки, оғримаётган бўлса?

— Арамей шаробидан яхшими шу шароб? Олизда қолган ўз юртида шароб бундан тотли эмасми ахир? Бундан кўра тотлироқ!..

— Мен бармоғингни синдираман...

Сарғимтир тупроқ, кўм-кўк дарёлар ҳақидаги гаплар гўё узоқ хотираларга айланиб қолгандай. Бу яқиндагина бўлган эди-ку! Бор-йўғи беш йил аввал. Наҳотки, тушнинг охири кўринмаса?

— Бармоқларинг ҳозир қирсиллайди, бармоқсиз қоласан ҳозир.

— Одамлар қандай қилиб ақлдан озади? Қутурган ит ёки қутурган бўри тишлаганлар шундай бўлади.

— Йўқ, менинг бармоқларингга раҳмим келади. Яхшиси, мен уни ўлиб кўяй.

Одамни ўз уйи, юртидан жудо қилиб узоқ-узоқларга олиб кетишади. Ана ўша узоқ-узоқларда одам ақлдан озади. Ёхуд шунчаки фикрлаш қобилятини йўқотади. Бундай одам ҳаво очиқ бўлмаган кундаги сояга ўхшайди.

— Агар сен ҳар нарсаларни орзу қилаверсанг хафа бўламан.

— Мен орзу қилаётганим йўқ.

— Сен ўз севгилинг ҳақида ўйлаяпсанми?

— Ким ҳақида?

— Севгилинг ҳақида.

— У ким ўзи?

— Менга қара, Сорру, мен сенинг ҳеч нарса ҳақида ўйламаётганингга ишонимни истайсанми?

— Истамайман.

— Истамайман деганинг нимаси?

— Бу ўйлаяпман, бу обдон, ақлдан озар даражада ўйлаяпман деганим.

Тихотеп ўрнидан туриб ўтирди, Сорруга яхшироқ тикилиш учун сал нарироқ сурилди. Ҳайкалтарошлар лойдан ва тошдан ясаётган асарларига яхшироқ қараш учун орқароқ сурилишга одатланиб қолганлар.

— Нега хаёлинг бошқа жойларда? Нега мен ҳақимда ўйламайсан деб сўраяпман.

— Сенга тўғриси айтмайми?

— Ҳа, тўғриси айт!

Сорру ўгирилиб чалқанча ётди. Унинг жажжи кўкраклари ҳали етилмаган нокка ўхшар, бадани дағаллашган, худди томирларида қизил қон оқмаётгандай. Фақат юзлари, қулоқ солинчоқлари ва товонларигина қизғиш эди. Бами-соли онадан энди туғилгандай, оёқ босиб юрмагандай. Оёқларининг тирноқлари ёниб турибди, қизилга бўялган, йилтиллайди. Сорру шивирлайди: “Керак эмас. Хаёл суролмаяпман”. Сорру йигитнинг қулини баданидан олиб ташлайди.

— Мана, Тихотеп, нега хаёлларинг бошқа томонда, мен билан эмассан, алланарсаларни ўйлаяпсан деб сўраяпсан.

— Ҳа, сўраяпман.

— Мана, биз сеникида бирга ётибмиз. Сенинг юртингда. Агар бундай бўлмаганда-чи?..

— Нега бундай бўлмаганда деяпсан?

— Менинг уйим, ерим бўлса!

Тихотеп ҳайрон бўлди.

— Сенинг еринг?

— Ҳа. Арамей саҳросининг қайсидир воҳасида.

— Ушанда ҳам сени маҳкам кучоқлаган бўлардим, — деди у.

— Кейин-чи?

— Тушунмаяпман.

— Кучоқлардинг. Кейин-чи?

— Сени севардим. Сен ҳақингда хаёл сурардим.

— Ишонмайман! Миянгда бошқа нарсалар бўларди.

— Нималар деяпсан, Сорру?

— Сенинг ватанинг! Шундай бўларди деб тан олавер!

— Тўғри, мен ўлиб қолардим, — деди ёш ҳайкалтарош.

— Фам-андухданми?

— Ҳа.

— Кеми ватанинг ҳақида ўйларминг?

— Ҳа.

— Мана, кўряпсанми?! — Сорру шифтга қаради. Кўзлари кўм-кўк эди. Киприк-қошларига сурма қўйганди. Йигит уни кўккўзлигим деб эркалади, юзини қизнинг юзига яқин олиб борди.

“Мана, шундай гўзал аёлга парвона бўлиб ётасан, шунда у сен ҳақингда эмас, бутунлай бошқа нарсалар тўғрисида ўйлаётганини сезиб қоласан. Юраги ғам-ташвиш билан тўлиб-тошиб ётганини фаҳмлайсан!..”

— Сорру, сен вужудингдаги ғам-андуҳларимни тўкиб-солиб раҳмингни келтирайми? Мен бу дамларни қанчалик интизор кутганимни тасаввур эта оласанми? Сен эса қандайдир хаёллар билан бандсан, осмонга қарайсан.

— Мен ҳам бошқалар қатори гўшт ва суякдан иборатлигимни билишинг керак.

— Биладан.

— Калламда турли фикрлар ғужғон ўйнашини ҳам билишинг керак.

— Буни ҳам биладан.

— Ҳафа бўлишим, ҳатто йиғлашим мумкинлигини-чи?

— Йиғлашинг мумкин, Сорру. Бу ҳатто сенга ярашади. Ҳадеб кулаверадиган одамларни кўпда жиним суймайди. Лекин ташвиш аёлларга ярашмаслиги-га сен ҳам иқрор бўл.

— Бўлмаса эркакларнинг ишими бу?

— Ҳарқалай.

Йигит кўзадан қадаҳга шароб қуйиб қизнинг олдига олиб келди. Қиз қимир этмади. Шунда йигит қадаҳни қизнинг кўкраклари ўртасига қўйди. Энгашиб шаробни ичди. Қиз: “менга ҳам қуй”, деди.

У қизнинг истагини бажо этишга шошилди. Қадаҳ лиммо-лим тўлди. Тўкиб юбормаслик учун ҳайкалтарош уни базўр ушларди. Сорру чаққонлик билан туриб ўтирди. Мана, қайноқ лабларини муздек қадаҳга босди. Жуда тотли шароб экан.

У: “Яна”, деди.

Тихотеп қадаҳни яна тўлдирди.

У: “Яна”, деди.

Қизил қондай шароб бир идишдан бошқасига, бежиримроғига қуйилади. Қизнинг лаблари қадаҳга ёпишиб қолгандай эди.

— Яна!

Тихотеп ўйланиб қолди: қуйсинми, йўқми?

— Яна!

Унинг амрига бўйсунмоқ керак. Зеро Соррудек гўзалларни шароб билан меҳмон қилиш ҳаммавақт ҳам бўлавермайди. Лекин “Кейин нима бўлади” деган савол Тихотепнинг хаёлидан сираям кетмасди. Маст эркак унинг ғашини келтирарди. Маст аёл-чи? Ҳатто у гўзал аёл бўлсин? Йўқ, у маст Сорру қандай ҳолатга тушиши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмасди. Бунинг устига у шу аҳволда яна шароб ичиши нимаси?

Сорру бўш қадаҳга ишора қилди. Йигит эса: “Бўлди” деди. Аёл ҳамон қадаҳга тикиларди.

— Йўқ!

Ҳайкалтарош ўз қарорида қатъий эди. Деярли қатъий. Сорру йигитнинг қўлини ўзининг болаларники сингари майин кафти билан силади. Йигит яна эриб кетди, бўшашди. Соррудек гўзал аёлнинг айтганини қилмаслик мумкин эмас.

У шаробдан бир қултум ичди, кейин яна бир қултум, шароб ўткир эди, унда қандайдир куч яширинганди. Аёлнинг кўз қорачиқлари аввалгидан ҳам қорайди, гўё у ёнарди.

Сорру қадаҳни охиригача ичмади, йигитнинг қўлини нарироқ итарди:

— Йўқ, шароб ёрдам бермаяпти.

Сочлари тўзғиб кетган, кўкраклари икки томонга ташланиб турарди. Лаблари сал очиқ. Бу лабларга ойнанинг кўкиш нури тушиб турибди.

Шароб ичишни хоҳламайман. Гапиришни истайман. Эркаклар ортиқча сўзни ёқтиришмайди. Усерхет дўконининг орқа томонидаги хоналарга келадиган эркаклар. Улар пулларини тўлашади-да, сенинг эркалатишингни, ноз қилишингни талаб этишади. Кўз ёшларини ёқтиришмайди. Мана, дугонам Маигамаза. Енгилтабиат. Қерда яшашининг фарқи йўқ унга...

— Сенга-чи, Сорру?
 — Мен унақа эмасман.
 — Ахир гўзал Ахягида яшаш ёқмайдами сенга?
 — Ёқмайди.
 — Бутун дунёдагилар бу ерда яшашни исташади-ку.
 — Фақат сенга ва фиръавнингга шундай туюладигандир. Менга эса саҳро-даги ўз юртим афзалроқ.
 — Уша ифлос жойлар-а?
 — Ифлос бўлса бордир. Лекин у ўз юртим.
 — Кўйлагингни кийиб ол, Сорру. Мен гапира олмайман. Мен сени ўпиш-ни бошлайман.

У кийинди. Баданни таранг тортиб турадиган бу ялтироқ кийимда қуёш, ой, юлдузларнинг шуъласи акс этиб тургандай. Энди аёлнинг кийинган-кийин-маганининг фарқи йўқ эди...

Қуёш Фарбий саҳронинг орқасига ўтиб кетди. Ерга узун-узун ва қандай-дир нохуш соялар чўқди.

Серсоя дарахтлар ўртасида қурилган оддийгина, аммо жуда қулай ший-пончада одатда қуёш ботиши олдидан бўладиган сукунат ҳукм сурарди. Қизгин муҳаббат ва ўтли эркалатишларга макон бўлса арзийдиган жой эди бу.

— Мен сизлардан нафратланаман, — деди қатъий Сорру.

— Мендан ҳамми?

— Билмадим. Кеми — ўз қўшнилариинг душмани. Фиръавнингиз ўта зо-лим ва ўч олувчи. Мен ўлишни истайман!

Аёл йиғламасди. Унинг кўзларида бир томчи ҳам ёш кўринмасди.

Йигит ҳайрон бўлиб қолди, маъюсланди. Қўлини, умуман ўзини қаёққа қўйишни ҳам билмасди, қизарди, оқарди. Қандай сўзларни эшитаяпти?

— Фиръавнингиз менга ўхшаганларни қул қилаяпти. Одамларнинг қўлини кесаяпти. У бизнинг юртимизга қулфат олиб келди.

Тихотеп унинг гапини сабр-тоқат билан эшитди. Бировларга етказмаган алами учун дашном эшитаяпти. Уни ноҳақ айблашаяпти, таъна тошларини отишаяпти. Аёл ҳозир бамисоли йўлбарсдай ғазабкор эди...

У узоқ гапирди, кун ботгунча гапирди. Шароб ҳам ичмасди, мевага ҳам қўл урмасди, яхшилик, сабр-бардош, кичик ўлкалар ва уларнинг аҳолисига меҳр-шафқат тўғрисида гапирарди. Бу гапларнинг Тихотепга қандай алоқаси бор? Ахир у тирик инсонлар у ёқда турсин, тош ҳайкалларга ҳам озор берма-ган-ку.

Аёлнинг сўзлари худога қаратилган илтижога ўхшаб кетарди. Лекин қайси худога? Кеми худосигами ёки арамей худосигами? У денгиздай, осмондай кенг қалблар тўғрисида, олижаноб юраклар ҳақида гапирарди. Усерхет дўконидаги жуссаси кичиккина бу аёл гўё йигитни сезмаётгандай, эҳтимол унутиб юбор-гандай эди...

Орадан анча вақт ўтди. Энди унинг сўзлари тоза булоқдан чиқаётган сув-дай қулоқларга ёқимли эшитилар, юракка ором бағишларди. Йигит аҳён-аҳёнда унга қараб кўярди — кичкина Сорру доно аёлга айланиб бораётганди. Кутил-маганда йигитнинг хаёлига Сорруни малика билан солиштиришдай куфро-ний фикр келди. Лекин шу ондаёқ хаёлидан бу фикрни ҳайдади. Зеро уларни бир-бирига таққослаш маликанинг фойдасига эмасди...

У жим қолди.

Йигит эса уни кутарди.

Сорру қўллари билан тиззаларини кучоқлаб ўтирарди.

Тихотеп унинг гапи тугаган ёки тугамаганини кутарди. Фикрини жамла-яптимикин? Йўқ, у гапини айтиб бўлди. Сорру бошини қуйи эгиб ерга қара-ди. Унинг соклари ерга тегди.

Йигит секин гап бошлади, тўғрироғи, фикрини қатъийсизроқ бошлади. У ҳайкалтарошликни, умуман санъатга алоқадор ҳамма нарсани ёмон билмасди. Ҳозир эса исташи-истамаслигидан қатъий назар, уруш ва тинчлик, турли юрт-ларнинг одамлари тўғрисида гапиришга тўғри келди. Тихотеп ўз ақлининг за-ифлигини ҳис этди. Йўқ, у арамейлар, уларнинг юрти, ҳаёти ҳақида тасав-вурга эга эмасди. Жахи мамлакатини ҳам умрида кўрмаганди. Иси ороли ҳақида

эса сал-пал қулоғига чалинган. Танетер узоқда. Деярли ҳеч жойни кўрмаган, уруш нималигини билмайди. Жонажон юрти, ота-онаси, ака-сингилларидан ажралган, ўзга юртларда хўрлик кўриб, очлик ва дарбадарликни татиган аёлга нима ҳам дея олади?

Ва шундай хаёлда қулоғига чалинган, ҳукмдорнинг сўзларини эшлашга ҳаракат қилди. Аёлнинг гул баргидек нозик кўлини қўллари орасига олиб силади.

— Сорру, мен сенга бир гап айтаман, кўзинг ярқ этиб очилади. Бу чин гап, зеро уни ҳукмдордан ўзим эшитганман. Мулоҳазаларингдаги чалкашликни тузатаман. Фикримни ақл билан билиб оларсан. Билганингдан сўнг эса ўз гўшанга марҳаматли бўларсан.

— Қандай гўша? — заҳархандалик билан сўради Сорру.

— Оддий гўша.

— Сен Усерхет дўконини гўша деб атаяпсанми?

— Нима бўпти?

Сорру тиржайиб кўйди.

— Менинг ўрнимда синглинг бўлганида нима деган бўлардинг?

— Синглим?

— Ҳа, туғишган синглинг. Борингки, ҳатто амакингнинг қизи бўлақолсин.

— Бу тўғрисида ўйлаб кўрмабман.

— Агар яхшилаб мулоҳаза қилиб кўрсанг-чи?

Аёл қатъиятли эди. Қўллари билан йигитнинг бўйнидан қучоқлаб олди, ўзига яқинроқ тортди, бу тешиқдан гўё янги дунё намоён бўладигандай унинг кўзларига тикилди.

“... Бутун дунёдаги одамлар ҳам бошқа одамлар сингарилигини нега хаёлимга келтирмадим? Мана бунинг яна бир мисоли — Сорру! Менинг назаримда эса у ғам-ташвишсиз қушчага ўхшаб туюлганди...”

— Сорру, мен бир гап айтай: мана, Кеми ўн йилдан бери ҳеч ким билан урушмаяпти...

— Ким айтди буни?

— Буни ҳамма билади.

— Мен-чи?

— Нима сен?

— Сен ҳамма деяпсан. Демак, мен ҳам бунинг ичига киришим керак. Лекин мен бошқа нарсага гувоҳман: уруш тўхтаётгани йўқ! У Кеми чегараларида қайнаяпти...

— Бизга ҳужум қилишяпти. Бу уруш деган сўз...

— Нега ҳамма сизлардан нафратланади?

— Ким нафратланади?

— Ҳамма.

— Мен бир нарсани айтишим мумкин: бирорта аскар ҳукмдорнинг буйруғи билан чегарадан ташқарига чиққани йўқ. Кеми олижаноблик намуналарини кўрсатяпти. Қўшнилариимизни ҳам худди Кеми халқидек ҳурмат қиламиз. Кемининг теварагидаги давлатлар билан тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшаш тўғрисида қатъий буйруқ бор. Гапимга ишонавер — бу буйруқ ҳаммага маълум.

— Нега бўлмаса одамлар ўлаяпти, қиличларнинг жарангоси-ю жазавага келган отларнинг кишнаши босилмайди?

— Биз томонларга хеттлар, Ретену ва сизларнинг князларингиз, Жахи ва Ҳабашистон сипоҳлари бостириб келмоқда. Ахир улар-ку бизнинг сипоҳлариимизни ўраб олаётганлар. Гапимга ишонавер, Сорру! Фиръавн қўшнилари билан уруш қилишни истамайди!..

— У ҳолда буни қўшниларга билдириб қўймоқ керак.

— Бу иш қилинган!

— Қачон?

— Бундан ўн йил аввал. Беш йил олдин ҳам. Уч йил олдин ҳам. Ҳатто уч кун олдин ҳам.

Аёл Тихотепнинг бўйнини кўйиб юборди. Ҳатто мулойимроқ йўсинда бўлса ҳам ўзидан итариброқ юборди. Йигит аёлнинг назарида жуда соддадил, ҳаётга

болаларча қарайдиган гўлгина одамга ўхшаб кетди. Кўнглида пайдо бўлган бу фикрни йигитга айтди. Тихотеп бу фикрга ҳатто қўшилди, мийиғида қулиб кўйиб, деди:

— Эҳтимол, сен ҳақдирсан, Сорру. Мен кечаю кундуз ҳайкалтарошлик ҳақида ўйлайман. Ҳатто ухлаганимда ҳам қўлимда лой ушлаб, бармоқларим билан пиштавераман. Фақат бундан бир неча кун аввал сени учратиб қолганимдан кейин сен ҳақингда ўйлай бошладим.

— Лой ҳайкални ўйлагандайми?

— Қарийб! — Йигитнинг жавоби самимий эди. Унинг бу самимияти аёлга ёқди.

— Сенинг очиқкўнгиллигинг менга маъқул келди. Буни мен ўша дўконда вақтимдаёқ сезгандим... Ҳўш, мен ҳақимда қандай ўйлайсан?

— Сен менинг мана бу еримдасан! — Тихотеп шундай деб бармоғи билан пешонасига ниқтаб қўйди.

— Май-чи?

— Май нима?

— У ҳам ўша ерингдами?

— Фақат сен шу еримдасан.

— Фақат-а?

— Ҳа.

— Йўқ, сен менга фақат деб жавоб бер.

— Ҳа, фақат!

— Мана, бу менга маъқул келади.

Ҳайкалтарош уни кучоқлаб олди. Сўнг қайноқ лаблари билан бошидан оёғигача ўпиб чиқди. Чексиз саҳрода сувга дуч келиб қолган одамдай ташналик билан ўпди. Қум бўронидан нажот ахтариб ерга ётиб олган кимсадай аёлнинг оёқлари остида ётарди. Туйғулари жўш уриб, шивирлади:

— Сорру, мен сени жудаям яхши кўраман. Сен мендан ақллироқ экансан.

Кўзларинг мендан узоқроқни кўради. Мен эса ердаги ҳалиги...

Сорру ақлли эди, лекин у аёл эди. У сўради:

— Сен Май ҳақида тўғриси гапирдингми?

— Тўғриси гапирдим.

— Май жудаям гўзал. Ўзига ром қилиб кўяди. Истаса хоҳлаган одамни ўз домига илинтира олади. Унинг афсунгарлиги ҳаммавақт нишонга тегади.

— Бунга ишонмай кўяқол, Сорру.

— Бутун юрагимдан ишонмасликка тайёр эдим. Лекин ҳаммасини ўзим кўрганман. Хоҳласанг у сени ҳам сеҳрлай олади.

— Кучи етмайди.

— Май афсунгарликни бобиллик кекса кампирдан ўрганиб олган. Ўша аёл уни ўз қизидек ёқтириб қолган экан. Сен унинг домига илинмасликка сўз беришинг керак.

— Сўз бераман!

— Қасам-чи? Қасам ич!

Тихотеп таъзим бажо келтирди. Аввалги яхши кайфиятига қайтди. Аёлнинг даҳанидан ушлаб ўзи томон қаратди. Унга тикилиб ҳайкалтарош сифатида ҳам, эркак сифатида ҳам лаззатланмоқчи бўлди.

— Мен мана шундай юзни тошга йўнмоқчи эдим. Сен малика билан ёнма-ён турасан. Мен бунга амалга ошираман...

— У билан ёнма-ён туришми? — Йигитнинг сўзини бўлди Сорру.

— Ҳа.

— Тирик малика биланми?

Ҳайкалтарош ўзига келгандай бўлди. Кўзларини қисиб Сорруга яхшилаб тикилди.

— Сен тирик малика билан ёнма-ён туришни истайсанми?

— Жудаям. Бу менинг орзуим.

— Нега?

Йигит унинг калласини аввал сал ўнгга, сўнг сал чапга ўгирди. Агар нур бу томондан тушиб ўнг юзингни ёритса, гўзаллигинг уч чандон ортади. Унда тош ҳам кумуш қуюлмасига айланиб кетади. Эҳтимол, ундан ҳам қимматроқ маъданга айланар.

- Кумушдан қимматроқ нима бўлиши мумкин?
- Сен! Сен қимматроқсан!.. Сен яхши кўрасанми?
- Яна кимнидир?
- Билмадим...
- Мен ҳаммасини кўриб турибман... Йўқ, чамаси, нур ўнг томондан тушгани маъкулга ўхшайди... Эшитаяпсанми? — мен ҳаммасини кўриб турибман...
- Мен фақатгина сен билан ўз ташвиш-аламларим тўғрисида гапира олишим мумкин.
- Ростми?
- Ҳа, рост.
- Бурнинг ҳам жуда ажойиб. Мен бунақа бурунни ҳалигача ҳеч учратмагандим... Нега мен билан? Менга ишонасанми?
- Ҳа.
- Лекин мен ҳамма қатори одамман...
- Ҳали устимда ётганингда мен сени худди еб қўймоқчи бўлувдим. Худди оч бўрилардек.
- Демак, мен ҳамма қатори одамман.
- Лекин сен тириксан. Еб қўйганим йўқ-ку. Сен эркаксан, лекин сал бошқачароқ эркаксан, сенинг қалбинг бор! Лом-мим деб оғзингни очма. Эшитаяпсанми? Бир сўз ҳам айтма! Шароб қуй... Ечинтир мени. Кийимимни тилка-пора қилиб ташласанг ҳам майли. Бу ўт-ўлаңдай гап. Балки ундан ҳам арзонроқдир. Агар сен буюрсанг, шаҳар бўйлаб қип-яланғоч юришим мумкин... Кел, ўпақол, эркала мени...

ҲАМҲУКМДОР

Маху ва Пенту жаноби олийларининг ҳузурига дарҳол етиб келишди. Ҳукмдор тантанавор ҳолатларга мўлжалланган алоҳида кийимларини кийиб олганди. Юқори ва Қуйи Кеми ҳукмдорининг нишони бўлган оқиш-қизил тожни кийиб олганда ҳукмдорнинг қадди-қомати тикроқ ва келишганроқ кўринарди.

Ҳукмдорнинг чап томонида жазмани Кийа (оғзига кучи етмаганлар бир-бирларига шундай деб шивирлашарди) турарди. Аёлнинг катта-катта, бироз қиймочроқ кўзлари ҳайратдан қотиб қолганди. У қандайдир хавф-хатарни кутаётган, лекин бу хавф-хатар қаердан келишини билмаётган ҳолатда эди.

Кийа сарой аъёнларини кўриб сергакланди: бу газабданми ёхуд Пенту ва Махунинг ҳукмдор ҳузурига кириб келганликлари туфайли пайдо бўлган ички тарангликданми — ўзи ҳам билолмасди.

Йўқ, Кийа улардан ҳеч қандай яхшилик кутмасди. Агар ҳамма нарса Пенту ва Махуга боғлиқ бўлганда Кийа аллақачон Синай саҳроларида чириб кетган бўларди (айтишларича, у ерда жуда кўп моховлар яшаркан). Пенту ва Маху ич-ичларидан маликанинг тарафдорлари, Кийани хуш кўришмайди, эҳтимол, улар ҳукмдорнинг ўзини ҳам ёқтиришмас. Бунинг ҳақиқатига ҳеч ким етолмайди. Дов-дарахт яшнаб турганда барча унга ҳавас билан тикилаверди, бир куни келиб у қуриб қолса нима бўлади?..

Фиръавн қўлларини чалкаштириб кўкрагига тиради. У хонадаги бирор одамни сезмаётгандай жиддий қиёфада эди.

Маху ва Пенту эгилиб, эҳтиром билан таъзим бажо келтиришди. Улар бир зумгина кафтлари билан кўзларини беркитишди, бу билан қаршиларида турган илоҳа кўринмас, лекин кўзни қамаштирувчи нурига ишора қилгандай бўлишди.

Жаноби олийлари сукут сақлади. У одатдаги сукутлардан узоқроқ давом этди (бу ҳолат ҳазилакам эмаслигини англатарди). Ҳукмдорнинг ўйига нима-лар келдйкин?

“...Наҳотки Маху ҳеч нарсага тушунмаса? Ботқоқликдаги бегемотдай пишиллайверса. Ҳукмдорнинг муддаоси маълум, тушунтириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Малика ҳокимиятдан бутунлай четлаштирилади: вассалом! Унинг ўрнини совуқдан хурпайган, чумчуқдай тумшайиб турган анави эгаллайди...”

“Пенту ё эсини еб қўйган, ё бўлмаса ўзини телба қилиб кўрсатмоқчи. Энг қалтис дақиқаларда ожизу нотавон ёхуд барча воқеалардан бутунлай беҳабардай тугади ўзини. Бир сафар ҳатто ўзини қулоғи қар қилиб кўрсатган. Ҳамма нарса қўлидан келадиган одамларнинг бундай муғомбирлиги баъзан ўзларига асқотиб қолади, бундай одамлардан кўпинча унчалик шубҳа қилишмайди. Сарой ичида изғиб юрган шивир-шивирлар рост бўлиб чиқди. Фиръавн хаёлига келган фикр дарҳол ҳар хил йўллар билан тарқалади-қўяди. Ҳаётнинг ҳикмати шунақа. Маликанинг ўрнига бошқа малика — Кийа келадиган вақт келган эди...”

Фиръавн тантанавор ҳолатларда даҳанига ёпиштириб оладиган соқолини силаб қўйди. Соқол баъзан ёпиштирилади, баъзан эса боғлаб қўйилади. Бу жаноби олийларининг кайфиятига боғлиқ...

“Мана, улар менинг чақиримга итдай югургилаб келишди. Мен ташлайдиган суякка баравар ёпишишади, бу суякни бир-бирларига бергилари келмайди. Хохласам ташлайман, хоҳламасам йўқ. Улардан талаб этилаётган нарсага фаҳм-фаросатлари етармикин ёки кундай равшан, сўқир одам ҳам билиб турган нарсани тушунтириб ўтириш лозиммикин?...”

Фақат Кийагина ҳеч нарсани ўйламаётгандай туюларди. Унинг кўзлари икки мўйсафидда — семиз ва ориқ одамларга қадалган эди. Эй худойим-ей! — мана шунақа шарти кетиб парти қолган одамлар Кемидек улуг давлатга наф келтира олишса? Нега энди ҳукмдор ўз атрофига кучга тўлган, қатъиятли ёшларни тўплаш ўрнига буларни ушлаб турибди?..

Фиръавн савол айлади:

— Шимолда нима гаплар, Маху?

Шимол бу хетлар, Метанни, Ретену, Жаху деган сўз эди. Шимол Кемиде барпо бўлгандан то ҳозирги кунгача фиръавн Нармердан жаноби олийларига-ча тўхтовсиз уруш дегани. Шимол бамисоли ичга кириб олиб тишини гичирлатаётган, ўкираётган шернинг ўзи. Шу боисдан Шимол ҳақидаги гап тамомила сир тутилмоғи лозим.

— Шимолда нима гап деб сўраяпман, Маху?

Жаноби олийлари таҳдидли буйруқ қилди. Орадан сал фурсат ўтса ҳукмдор ғазаб отига миниши мумкин. Бу дақиқани ҳатто сезмай қолади киши. Унда ўзингдан ўпкалайвер!

Маху бунинг олдида айтавериш мумкинми дегандай Кийага маънодор қараб қўйди...

— Гапимни эшитдингми, Маху?

— Эшитдим, жаноби олийлари.

Кийа хўппасемиз бу одамга ўқрайиб қаради.

Пенту бесўнақай одамга ёрдам беришга шошилди:

— Жаноби олийлари, арамейлар томонидан бизнинг истеҳкомларга ҳужум бўлди...

— Қандай қилиб?! — Жаноби олийлари ҳеч кимни кўрмас эди. — Қандай? Барча истеҳкомларга бирдан-а?

— Йўқ, иккитасига. Муффа тоғи яқинроғидаги иккита истеҳкомга.

— Тоғ баландми, пастми?

— Шимолдан жанубга қараб чўзилган. Икки чақиримча келади. Шарқдан гарбгача бўлган масофа ярим чақиримча.

— Кичкинагина тоғ, — деди Кийа.

Фиръавн унинг фикрига қўшилди: ҳа, тоғ эмас, тоғча экан. У Кийага имо қилди.

Маху энди ўзига келгандай. Сўзлаш қобилияти ҳам аслига қайтгандай. У энди фиръавнга муҳим бир гапни айтишга шошилди.

— Жаноби олийлари, Ретенудаги қўшинларимиз чекинганлиги ҳақида хабар олдим. Баъзи полклар тартибсиз равишда қочишибди.

— Қочишипти дейсанми? — Кийа қуюқ қошларини чимирди.

— Орқага қочишибди.

Ҳукмдор Кийага қараб сўз қотди:

— Икки қўшин бир-бирига рўбарў келганда ҳеч қачон олдинга қочибди деб айтилмайди. Ҳатто душманнинг орқа томонига зарба бериб қочган тақдирда ҳам бундай дейилмайди.

— Жаноби олийлари, буни энди тушуниб олдим.

Кийанинг гўштор — беҳаёроқ лаблари қимирлагандай бўлди.

“... Бу урғочи ҳали кўп кароматлар кўрсатади. Ҳали бизга зарур пайтларида қаттиққўлроқ, лекин ҳаммавақт адолатли маликамиз Нафтитанинг қадри кўп ўтади...”

“...Камида ўн йил ҳукмронлик қилган маликаларгина ўзини шундай тутиши мумкин...”

“Қойил, Кийа! Улар билан худди шундай муомала қилмоқ керак. Хизматкорлар хўжайиннинг ниқтаб турувчи бармоғини доимо кўриб турмоғи лозим. Улар ўз фуқароларидан кўплаб кишиларнинг калласини олган шохларни хурмат қилишади. Қалбимнинг ороми, таянчим, совиб қолган қонимга қайта ҳаёт бахш этаётган азизам Кийа худди шундай бўлиш керак...”

Маху эҳтирос билан гапида давом этарди. Бундай эҳтирос тез орада анча давом этар, излари анча вақтгача сақланарди. Сарой аёни бунақа пайтда ҳукмдорга садоқатини, ўзининг тўла мутелигини билдириб кўярди.

— Жаноби олийлари, — Маху Кийа томонга эгилиб бироз таъзим қилиб кўйди. — Денгиз бўйларидаги қўшинларимиз ҳам чекинишган...

— Душман ҳужумига дош бера олишмаганми?

— Қуршовга тушиб қолишдан кўрқиб қашанганми?

— Жангарилар.

— Жаноби олийлари, бу ерда мингта аскаримиз нобуд бўлган.

— Қандай қилиб?

— Хеттлар уларни сиқиб кўйишган.

— Қанақасига ахир?! Ҳозиргина айтдинг-ку, аскарларимиз қуршовдан кўрқиб қашанган деб.

— Ҳужум натижасида қуршов содир бўлган. Душманнинг бир ниятидан кейин иккинчиси амалга ошаверган.

Фиръавннинг даҳани титраб кетди.

— Маху, неча маротаба содда, аниқ тилда гапир деб сени огоҳлантирган-дим-а!

Маху ялтоқилик билан таъзим бажо келтирди.

— Неча маротаба деб сўраяпман?

— Кўп маротаба.

— Ҳа, жуда кўп маротаба. Бежама сўзларингни ишлатма деб буйруқ берганман. Ойнадан ташқарига бир қаранг. Унда Атон ижод этган улуғ мўъжизалардан бири улуғ Ахяти кўзга ташланади. Илгари ҳеч қачон Кемида бундай саройлар қурилмаган. Худди чақмоқ чаққундай тез фурсатда гўзал қилиб, худди деворларига қуёшу, тошларига ой яширингандай сеҳрли. Атиги уч йил мобайнида Хапи соҳилида қурилган Ахяти виқор билан кўзга ташланиб турибди. Агар сенга ўхшаб эзмаланиб гаплашиб ўтирганимизда бундай фурсатда қура олармидик буни? Сенинг гапинга Ахяти қурувчилари тушунмаган бўларди, сени масхаралаб сарой ва ибодатхоналар ўрнига қаёқдаги нарсаларни қуришган бўларди.

— Айни ҳақ гап, жаноби олийлари! — деди Кийа.

— Ҳақ гап, тўғри! — тасдиқлади Пенту.

Маху жаноби олийлари билан Кийанинг ўртасидаги ерга ётай-ётай дерди: кимнинг оёғи остига чўк тушишни билмасди. Бир дақиқа ўтгач, келишган, офатижон аёлнинг оёқлари остида ялтоқланиб ётарди.

— Мени афу эт, Кемининг улуғ ҳукмрони, — хиқилларди Маху. — Кечир!

Фиръавн қўлини силтади. Худди оёғи остида ётган одамни пайқамаётгандай Кийага сўз қотди:

— Хеттлар ҳаддан ташқари қуюшқондан чиққандай туюлмаяптими сенга?

— Худди шундай, — жавоб берди Кийа.

— Нурафшон Атон кўриб турибди: мен хеттлар билан агаин тўқнаш келмаётгандим. Ҳужум қилиб Ретенуни ҳам безовта қилмасликка буйруқ бергандим. Хоремхебга бизникилар ҳабашларни хафа қилишмасин деб айтгандим. Ливияликларга дўстлик қўлини чўзгандим. Менга айт-чи: шундай бўлганмиди ёки менга шундай туюлганмиди?

— Шундай бўлганди.

— Демак, менинг яхшилигимга ёмонлик билан жавоб қайтаришаётган экан-да? — Фиръавн ўзини вазмин тутар, қаршисида Пенту ва Маху эмас, юзлаб сарой аёнлари тургандай қиёфаси тантанаворроқ кўринарди. — Амон қоҳинларининг газаби менга маълум. Улар хурсанд бўладиган ҳеч қандай иш қилмадим. Мен уларнинг худоларини тўзғитиб юбордим. Муқаддас тошлари кўчқор шохидек арзимас матоҳга айланди. Манфур номига қирон келтирдим!

Кийа фиръавнни худди биринчи маротаба кўраётгандек эҳтиром билан гапига қулоқ солар, узоқ муддатлик айрилиқ олдидан дийдорига тўйиб олмоқчидай тикиларди.

“... Бу аёл узоққа боради. Маху қачон ва қандай вазиятларда тиз чўкиш лозимлигини тезда фаҳмлабди. Маху кўпни кўрган, ақлли, ер тагида илон қимирласа биладиган одам. Жаноби олийлари бир қарорга келган эди. Шаҳзода Семнехни кутиб туришга тўғри келади. Кутганда ҳам анча кутади...”

“... Бу Пенту нимага умид қилишига ақлим ҳайрон. У ўзини ҳозир бу ерга малика кириб келиб, қатъий фикрини айтадигандай тутаяпти. Лекин дарёлар тескари оқмайди-ку, ахир? Жаноби олийлари бир қарорга келгач, уни ўзгартирмайди. Қамишзор ичидаги бегемотдай бостириб бораверади...”

— Мен кўшни халқларнинг ҳаммасига тинч-тотув яшашни таклиф этгандим. Улар бу таклифга кўшилишганмиди? Кўшилишганмиди деб сўраяпман?

Хукмдор кимдан сўраяпти ўзи: Кийаданми? Пентуданми? Махуданми? Уларнинг уччаласи ҳам жим эди.

— Мен кўшилишганмиди деб сўраяпман.

Кийа:

— Йўқ, — деди.

— Кўшилишганмиди деб сўраяпман? — Фиръавн овозини кўтарди.

— Йўқ, — деди Маху. — Ҳамма ҳам кўшилмаганди.

— Мен кўшилишганмиди деб сўраяпман? — Фиръавн овозини янада баландроқ кўтарди, бетоқатланди.

— Улар буни сенинг ожизлигингдан деб ўйлашган, — деди Пенту шивирлаб.

— Ожизлигимдан?

— Ҳа.

— Нега энди ожизлигимдан бўларкан?

Жаноби олийлари ҳозир Пентунинг гапини эшитмоқчи, фикрини билмоқчи эканлиги маълум бўлди.

— Жаноби олийлари, инсон зоти шунақа: у кучни яхши ҳис этади, ақл-идрокнинг фарқига ҳаммавақт ҳам етавермайди. Кемидан бошқа барча мамлакатларни одамлар бошқаради. Демакки, инсонга хос қусурлар ўша мамлакатларнинг хукмдорларига хосдир. Подачининг қўлидаги қамчин сурувни бошқаради. Яхши гап, эзгу туйғунинг қадрига ҳамма ҳам етавермайди. Барча кўшни давлатлар билан сенинг илоҳий туйғуларинг қадрланиши лозим эди. Бу туйғулар уларда бизга нисбатан ҳурмат ва кўрқув ҳиссини уйғотиши лозим эди. Лекин бундай бўлиб чиқмади.

— Нега шундай бўлди, Пенту? — Кийанинг юзлари қизарди, бурун каткалари кенгайди, худди ўт сочадигандай нафас олиши тезлашди.

“... Мана, Пенту жаоби олийлари билан гаплашяпти. Мен бу дақиқаларда четдан кузатиш имкониятига эгаман. Шимолий саройдаги малика энди жаноби олиялари бўлмай қолганлиги аён. Шаҳзода Семнех ҳам хукмдор бўладими? Бугунги кунгача бу саволга “бўлиб қолар” деб жавоб бериш мумкин эди. Энди эса тўғридан-тўғри йўқ деса бўлади. Буни Хоремхеб билармикин? Агар билгудек бўлса, нега мени огоҳлантирмади экан? Мабодо билмаса, уни огоҳлантирши керакмикин? Шубҳасиз. Иложи борича тезроқ!...”

— Мен сенга жавоб бераман, — деди Пенту ним таъзим қилиб (у Кийага негадир бўйнини эгиб таъзим бажо келтирмади.) Жаноби олийларининг олижаноб қалби, эзгу ниятлари тескари тушунилди. Ҳа, тескари тушунишди. Мана энди эса душманларимиз аста-секин бўлса-да ҳужумга ўта бошлашди.

Худди биров силтагандай фиръавннинг елкаси титраб кетди.

Маху айтди:

— Уларнинг ҳали асосий нарсага фаросатлари етмаяпти, жаноби олийларининг ғазабига дучор бўлишни ўйлашмаяпти.

— Эй! — хитоб қилиб юборди фиръавн. — Маху тилимнинг учигаги гапни айтди. Улар ҳали мени яхши билишмаслиги айни ҳақиқат. Лекин қонимни қайнатишлари мумкин. Ана ўшанда Хоремхлебни чақираман-да: содиқ лашкар-бошим, қўлингга қилични олгин-да, мана бу давлатларга қарши уруш бошла, ҳукмдорларининг бўйинини уз, шаҳарларининг кулини кўкка совур, уйларига ўт қуй, хотинлари ва болаларини қўлга кирит, дейман. Шунда Хоремхлеб қандай жавоб берган бўларди деб ўйлайсиз?

Кийа айтди:

— Унинг кўзлари қувончдан чақнаб кетарди. Чунки анчадан бери унинг қўли қичиб юрибди.

Маху бунга қўшимча қилди.

— Унинг учун бундан кўра ёқимлироқ буйруқ бўлмасди. Жаноби олийларининг биргина сўзи билан душманларининг кулини кўкка совуради.

Пенту маъқуллаб бош қимирлатди:

— Ҳақ гап, шундай бўларди.

Фиръавннинг энгаҳи титраб кетди, ўнг қўлини тепага кўтарди:

— Душманларим қилмишларига яраша жазосини топаверсин. Эслари жойига келганда эса ҳаммаси кеч бўлади!

“...Унга нима бўлди ўзи? Эҳтиросли мана бу аёл уни йўлдан урдими. Йўқ, ҳозирги фиръавн бундан бир йил аввалги, ярим йил бурунги, ҳатто кечаги фиръавн эмас. Маху ҳайратдан кўзларини катта-катта очганча бақрайиб турарди. Қулоқларига ишонгиси келмасди. Энди улўф малика йўқ эди! У ўз саройида. Ҳамма қатори оддий аёл, холос. Энди Кемининг ҳоли не кечаркин? Ким билан гаплашса бўлади? Бундай нозик масалани ким билан ҳам гаплаша оларди?...”

“...Пенту жим эди, лол эди. Бамисоли унга бурчакдан кутилмаганда арслон чиқиб ташланиб қолгандай. Пенту кўпни кўрган, донишманд эди. Нима қилиб бўлса-да, у билан бир шивирлашиб олмоғи керак. Бугуноқ...”

“...Мана, жаноби олийларининг олдида икки сарой аъёни турибди. Кўп шароб ичиб қўйган одамлардай уларнинг тили калимага келмайди. Истар-истамай мен томонга ён босишга мажбур бўлишаяпти. Лекин уларнинг фаҳми-фаросатлари ҳаммасига етиб турса-да, тан олгилари келмайди. Улар худди итлар сингари ҳидни яхши сезишади, лекин акиллашмайди, хурсандликларини ҳам ошкора қилишмайди. Бу мугомбир сарой аъёнлари оғизларига талқон солиб олишганди...”

— Нега сен жимсан, Пенту?

— Ўйлаяпман, жаноби олийлари.

— Нима ҳақида ўйлаяпсан?

— Адолатли ғазабинг ҳақида ўйлаяпман.

— Ҳўш?

— Эй шоҳим, донолигинг бенуқсон, ироданг метиндан ҳам мустаҳкам. Мен айтмоқчи бўлган гапимни сўзлашдан олдин бироз мулоҳаза қилмоқчи эдим.

— Ҳозир айта олмайсанми?

— Айқаш-уйқаш фикрларимни бир ипга териб олишим керак. Зеро мен энди кексайиб қолдим. Сўзларимни кеч кузда дарахтлардан тўкиладиган япроқлардай ёйилиб кетмасдан сенга тутилмасдан баён қилиб бермоғим керак.

Фиръавн қошларини чимирди. Бундай пайтларда у одатда суҳбатдошининг юрагини тешиб юборгудай бўлиб тикиларди. У бошини силтади.

— Майли! Бу гапни бошқа вақтга қолдирамиз. Фикрларингни бир жойга жамлаб, яхшилаб ўйлаб олақол, Пенту. Хоремхлеб билан маслаҳатлашиб кўр. — Фиръавн Кийага бир қараб қўйди. — У билан гаплаш. У жасур одам... Ҳозир эса мен бир гапни айтаман: Кийа жаноби олиялари мен билан бирга ҳамҳукмдор бўлади. Қачон ва қандай қилиб бу гапни кўпчиликка ошкор этамиз? Сизларнинг маслаҳатингизни олмоқчи эдим.

Пенту итоаткорлик белгиси сифатида таъзим қилди. Шундай турган ҳолда сўз қотди:

— Жаноби олийлари, ироданг чексиздир. Оғзининг бир қимирлаши...

- Бас, тўғри гапир!
- Жаноби олийлари...
- Тўғри гапир!

Пенту бошини кўтарди, ҳатто сал орқароққа ҳам ташлади. Нима бўлса бўлар — ўз фикрини айтди кўйди:

— Бу мумкин эмас, жаноби олийлари. Ҳамҳукмдор малика томонидан алоҳида маросимда эълон қилинмоғи лозим. Қабул қилинган таомил шунақа...

Фиръавн унинг сўзини бўлди:

— Ким ва қачон қабул қилган таомил бу? Мен бундай тартиб ўрнатмаганман. Зеро мен биринчи мартаба ҳамҳукмдор тайинляпман.

— Ихтиёринг...

Фиръавн қўл ишораси билан уни тўхтатди:

— Йўқ, Пенту, мен сенинг асосларингни, эҳтимолки, очиқ эътирозларингни эшитишни истайман.

— Жаноби олийлари, бунинг учун мен ҳозир биладиганларимдан кўпроқ нарсани билишим керак.

— Сен ҳамма нарсани биласан.

— Менми?

— Ҳа, сен.

Пенту бобилликлар одатига кўра қўлини кўксига қўйиб, юракдан, самий гапиряпман дегандай ишора қилди:

— Жаноби олийлари, наҳотки Кемидек улуғ давлатни бошқариш санъатида юрагимнинг айтганига итоат қилиб ўтиришим керак? Агар мендан маслаҳат сўрагундай бўлишса, бу ишни ипидан игнасиғача ўрганиб чиқишим керак эмасми? Бизнинг давлатимиз қаттиққўлликни талаб этади. Лекин бу деган сўз уни ҳамма ҳам бошқараверади деган маънони билдирмайди. Ҳамма-нинг ва ҳар бир одамнинг йўлини, ишини ёритиб турадиган машъал бўлади. Сенга унчалик муносиб бўлмаган биз — хизматкорлар илоҳий фикрларинг, амр-фармонларингни тўғри изга солишимиз, уларнинг янада таъсирчанроқ ва самаралироқ бўлишига кўмаклашмоғимиз керак. Қисқача айтганда, аммо жуда фойдали ишни бажарувчи ер қазувчилармиз.

— Бундан қандай хулоса чиқади?

— Мен, сенинг содиқ хизматкоринг, кичкинагина ақлим билан тушунишим керакки...

— Ҳозир тушунмаяпсанми?

— Ҳаммасини эмас, жаноби олийлари.

Кийа кутилмаганда Пентунинг ёнини олди:

“...Бу чол ўзи таърифлаётганидек, ҳеч нарсадан хабарсиз, шунчаки хизматкор эмас. Ҳақиқатан ҳам ҳамма нарсани тушуниб олиши учун нега бор гапни айтмаслик керак унга? Токи ҳамма нарсани равшан бўлсин...”

— Жаноби олийлари, — деди овоз чиқариб Кийа, — Пенту бир нарсада ҳақ: у сенинг оғзингдан шубҳаларига ўрин қолдирмайдиган бир гап кутяпти.

— Тўғри, ҳақ гап!

— Сен шундай деб ўйлайсанми? — деди фиръавн сарой аъёнларига шубҳали кўз ташлаб.

— Ҳа, — қатъий жавоб берди Кийа.

Фиръавн калласида пишиб етилган, аллақачон ҳал бўлган қарорни ошкор қилиш олдидан бўладиган бир дақиқалик сукут сақлади. Сўнгра бирдан Кийанинг елкасидан кучди-да, оҳиста, аммо ҳукмрон товушда эълон қилди:

— Пенту ва Маху, сизларга эълон қиламанки, эндиликда у менинг ягона хотиним бўлади ва Юқори ва Қуйи Кемининг муқаддас тахтини мен билан биргаликда бошқаради. Менинг унга бўлган чексиз муҳаббатим иккалангизга ҳам ошкор бўлсин, сизлар орқали барча хизматкорларим Кийага сўзсиз итоат қилиб, малика сифатида иззатини жойига қўйишин. — Фиръавн бироз нафасини ростлагач, сўради: — На сен Пенту, на сен Маху, токи бундан буён бу ишлардан беҳабарлигингни айтиб юбормаслигинг учун мен яна нималар дейишим ёхуд нима иш қилишим керак?

Фиръавн бу сафар ўзини қатъиятли одам, ҳар қандай вазиятга ойдинлик кирита оладиган тадбиркор сифатида кўрсатди.

Пенту ва Маху сўзсиз итоаткорлик белгиси сифатида таъзим қилишди. Фиръавн биров сукут сақлагач деди:

— Энди сизлар ҳаммасидан хабардорсизлар. Шу боисдан менинг ҳамхукмдорим жаноби олияларини сарой аҳлига таништириш ва эълон қилиш сизларга топширилади.

Жаноби олийлари Кийани қучоқлаганча ички хоналарга олиб борадиган эшик томон йўналди. Сарой аъёнлари то қадам товушлари босилгунга қадар содир бўлган ҳодисадан лол бўлганча тек туришарди. Шу билан бирга ўзларини шубҳасиз кузатиб туришганини ҳам ҳис этишарди.

Пенту қўлини тепага кўтариб хитоб қилди:

— Эй улуғ Атон, қудратли ва доно ҳукмдоримизни ўз паноҳингда асра!

Бу сўзларни Маху ҳам такрорлади ва охирида қўшиб қўйди:

— ...Ҳаммадан ҳам қудратли, ҳаммадан ҳам доно, ҳукмдоримиз ва худойимизни ўзинг сақла!

Уларнинг ҳар иккаласи ҳукмдор ва жаноби олияларининг изларини ўпишди. Худди қарашларида ҳамон ҳукмдор билан малика тургандек бахтиёр бир қиёфада орқаларига тисарилишди.

Давоми бор.

*Раҳматилла ИНОҒОМОВ
таржимаси.*



Александр ТАРАСОВ

Тақирбошлар

Россия — орийлар мамлакати! Бизни турли-туман жидлар¹ ва большевиклар шунча хўрлашгани етар энди. Биз, орийлар, бу ерда хўжайинмиз. Бундан кейин ҳам хўжайин бўлиб қолажакмиз. Ҳокимият тепасига келганимиздан кейин ҳаммани девор тагида сафга тизамиз-да, шундай деймиз: “Жидлар ва комиссарлар — бир қадам олға!” Кейин барча жид ва коммуначилар узра пулемёт ўқлари ёғдирамиз. Сўнгра шундай деймиз: “Қисиқ кўзлар ва “кетти қоралар” — бир қадам олға!” Кейин барча “қисиқ кўз” ва “кетти қоралар”ни конларга ва ўрмонларга ҳайдаймиз. Ишлашсин-да... Яшасин Орий Миллатининг Минг йиллик Буюк Рейхи!..

1997 йил баҳорида Москвада бўлиб ўтган “Whigt Power” митингида исми айтилмаган тақирбош нотик нутқидан.

Сиз сочи устарада олинган, эгнига бир хилдаги қора жинси шим ва ёқасиз ола-була куртка, оёғига баландпошналар ҳарбий ботинка кийган, енига кулдорлик Конфедерацияси байроғи чатилган ёш йигитлар гуруҳларига дуч келганмисиз? Тақирбошлар ёки бошқача қилиб айтганда скинхедлар² айнан шулар бўлади. Улар ўзларини қисқача қилиб “скин”лар дейишади.

Улар ҳақида деярли ҳеч нарса ёзишмайди, бироқ йирик шаҳарлардаги ўсмирлар орасида уларнинг номи дostonга айланган. Катта ёшдагилар, айниқса на фақат оддий одамлар, балки қонун вакиллари ҳам уларни кўриб кўрмаганга олишади. Лекин улар ўзларининг ким эканликларини мана мен деб кўрсатиб туришади ва кундан-кун сурбетлашиб ва қутуриб бормоқдалар. 1998 йил ноябрида Архангельскда миллатчи скинларнинг бир гуруҳини қамашди, улар ўша йилнинг баҳорида барча “қора танлилар”ни Архангельскдан зўрлаб ҳайдаб юборишни мақсад қилиб қўйган ташкилот тузган эдилар. Гуруҳ аъзолари — ўн тўртдан ўн саккиз ёшгача бўлган ўсмирлар — свастика (хоч)ли боғич тақиб олган бўлиб, “орийлар онти”ни ичган эдилар... Бор-йўғи икки ҳафта ичида улар “кавказликлар”га ўн мартадан кўпроқ қуроли ҳужум уюштиргандилар (қурбонлардан бири ўн етти жойидан пичоқ еганди). Архангельск кавказ жамоалари раҳнамолари маҳаллий милиция бошлиғи ҳузурига келишган ва агар иш шу тариқа давом этаверадиган бўлса, улар ўз ҳамюртларини оммавий тартибсизликдан тутиб қола олмасликларини, натижада Архангельск ҳукуқ-тартибот органларида, табиийки, “барчанинг қовуши тўғрида кўйилажаги”ни огоҳлантирган эдилар. Милиция бошлиғи сўнги гаплардан қаттиқ сергак тортганди — гуруҳни тезда аниқлашган ва ҳибсга олишганди. Судда, дарвоқе, барча аъзоларга шартли муддатлар бериш билан кифояланган ва фақат гуруҳнинг ўн саккиз яшар раҳнамоси Зиковгина етти йилга кесилганди. Шуниси қизиқки, суд ирқчи ташкилот тузиш фактини “исботлашга муваффақ бўлмади”.

Москвада скинхедларнинг “тозаловчилар” деб аталган яна бир гуруҳи қўлга

¹ Ж и д л а р — яҳудийлар (жуҳудлар — жаргон).

² S k i n h e a d (ингл.) — сочи олинган, тақирбош (барча изоҳлар муаллифники).

олинган. Гуруҳ аъзоларининг барчаси ўсмирлар: энг кичиги ўн олти, энг каттаси ўн тўққиз яшар. Гуруҳ Москвани “пойтахт қиёфасини булғаётган” бомжлардан “тозаллаган”, миллатчи скинлар ҳеч ўйлаб-нетиб ўтирмай ва миллатини суриштирмай уларни ўлдирган. Ўлганларнинг аниқ миқдори маълум эмас, чунки бомжлар ўлими одатда тадқиқ этилмай қолаверади. Ҳозирча тергов “тозаловчилар”га учта қотиллик ва битта қотиллик суиқасди айбини қўйиб турибди.

1999 йил сентябрида Москвада қўлга олинган Михаил Ноуменко ҳам скинҳед эди, у Шаҳар кунда бир қанча православ эҳроми ва синагогларда портлашлар содир этишни режалаштиришда айбланганди...

Иш фақатгина санаб ўтилган далиллар билан чекланган тақдирда ҳам, юмшоқ қилиб айтганда, мутлақо безарар бу ёшлар ҳаракатини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Бироқ келтирилган лавҳалар тақирбошлар содир этган кўплаб зўравонлик хуружларининг бир қисмигинадир, холос. Шу боисдан ҳам улар ҳақида иложи борица батафсилроқ сўзлаш зарур.

РОССИЯ СКИНҲЕДЛАРИ — КИМЛАР ЎЗИ?

Улар тўқсонинчи йилларнинг бошида пайдо бўлдилар. 1992 йилда Москвада бор-йўғи ўнтача скинҳед бор эди. Улар ўзларини жим тутишар ва асосан шаҳар марказида гашт қилиб юришар эди. Бу — ўсмирлар ваҳшийлашувининг соф маҳсулоти эди, — дастлабки скинлар қайта қуриш даврида совет оммавий ахборот воситаларидан билган ғарб скинҳедларига жон-жаҳдлари билан тақлид қилар эдилар. Ўшанда инглиз, немис, сал кейинроқ эса чех тақирбошлари ҳақида ҳикоя қилиш урф бўлганди.

Бироқ 94-йил бошида скинҳедлар гарчи оммавий бўлмаса-да, кўпсонли ва кўзга ташланувчи ҳодисага айланди (нима учун айна шу йили содир бўлгани ҳақида куйироқда сўз юритамиз). Шундан кейин эса думалатилган қор катталашиб бораверди. 1999 йил охирига келиб Россияда йигирма мингдан ортиқроқ скинҳед мавжуд эди: Москвада салкам тўрт мингта, Петербургда уч мингта яқин ва Нижний Новгород, Ростов-Дон, Ярославл, Псков ва Калининградда икки мингтагача. Яна йигирматача шаҳарнинг ҳар бирида сал кам мингтадан тақирбош бор эди.

Скинҳедларнинг саксон фоизи асосан юқори синф ўқувчилари, ПТУ ўқувчилари ёки ишсиз ёшлар эди. Уларнинг кўпчилиги тураржойлари ёки ўқиш жойларида кичик-кичик тўдаларга бирлашган эдилар ва жиддий қилиб айтганда сиёсий ташкилотлар ҳисобланмас эдилар. Бироқ Москвада икки сиёсийлаштирилган, жиддий равишда насаблаштирилган “Скинлегион” ва “Blood and Honor — Рус филиали” скинҳед ташкилоти мавжуд. Уларнинг ҳар бирида юздан юз эликтагача аъзо бор. Петербургдаги “Рус мушти” ташкилотида ва Нижегороднинг “Шимол” гуруҳида тахминан шунчадан, Ярославлдаги “White Bears” гуруҳида бундан озроқ аъзо бор. Майда, ammo яхши интизомлаштирилган ва пухта тузилмали скингуруҳлари ҳам мавжуд, Москвадаги “Рус мақсади” шулар жумласидан ҳисобланади (ҳар бирида қарийб йигирма бештадан аъзо бор). Ҳаттоки “Рус қизлари” деган миллатчи скинфеминачилар гуруҳи ҳам мавжуд.

Тақирбошларнинг ўз матбуоти ҳам бор. Масалан, 1998 йилда “Оқ булдоғлар” ва “Лефортов fronti” гуруҳларидан юзга яқин скин Москвада “Бирлашган бригадалар 88” учинчи йирик скинлар бирлашмасини тузди ва дарҳол ахборот жабҳасида шиддат билан фаолият кўрсата бошлади. Улар “Оқ қаршилик” журнали нашр қилишади ва Интернетда “Рус тақирбошлари” сайтини ташкил этишди. Бу ҳам ягона скин-нашр эмас эди. “Нул остида”, “Отвертка”, “Стоп”, “Мен — оқман”, “Street — fighter” деган журналлар ҳам бор. “Яшин шуълалари” ўта ўнг аксилмаданий журнали ҳам ярим скинҳедча ҳисобланади. “Рус тақирбошлари”дан ташқари Интернетда скинларга мўлжалланган яна бошқа сайтлар ҳам бор, “Stormfront” Америка скинҳедининг “рус ойнаси” сайти шулар жумласидандир.

Муסיқали скин-маданият ҳам шиддат билан ривожланмоқда. Бизнинг та-

қирбошларимиз мусиқада “ой!”¹ усулига мойил. Энг кўп мусиқали скингуруҳлар Москвада: “Штурм”, “Коловрат”, “Оқ булдоғлар”, “Радагаст”, “Вандал”, “Дивизион”, “Крэк” ва бошқалар. “Террор” панк-ой! — гуруҳи ҳам машҳур. Мана шу гуруҳлар кўпчилик эътиборини тортиб турибди. Петербург ва Ярославлдаги икки гуруҳгина москваликлар билан рақобатлаша олади, холос. Дастлаб бу икки гуруҳ “Totenkopf” деган бир хил ном билан айтилар эди (СС дивизияси шарафига “Ўлик бош” деб номланган). Кейинчалик ярославликлар ўз жамоалари номини “TNF” гача қисқартирдилар, бирмунча вақт ўтгандан кейин эса бу қисқартмани “Terror National Front” деган хийла даб-дабали ном билан ёйиб талаффуз эта бошлашди.

Скин гуруҳлари қўшиқлари матни ҳаддан ташқари тажовузкорона бўлиб, одатда анча жўн ва айтарли эстетик завқ бағишлаёлмайди. “Террор” гуруҳи репертуаридан бир қўшиқ матнини келтираман (муаллиф — Олег Абрамов (“Гастелло”), “Секстон” клубининг собиқ директори, рок-тусовка ва умуман “аксилмаданий доиралар”да яхши танилган одам):

Кавказликлар кўпайиб кетди,
 Бош кўтарди негр бебошвоқ.
 Лекин кўча-кўйларимиз ва —
 Дискотека қизлари учун,
 Негр ҳамда туркларга қарши
 Ва рус халқи борлиги учун
 Хит ва ёки ўтириб чиққан
 “Ватанпарвар” эмас, аслида
 Курашади тақирбошлилар!
 Аллақандай қора “келгинди”
 Қаршисида тақирбош, мохов,
 Бунда масжид эмас, албатта,
 Акс этгайдир рус манзараси!
 Кавказ-мавказ деганнинг барин
 Қирмоқ керак беаёв, бешак.
 Фарзандлар-чун ўрнатмоқчимиз —
 Русча тартиб-интизомни биз.

Бундай матн, албатта, ЖК нинг 282 моддаси (“миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғаш”)га тўғри келиб турибди, бироқ ҳеч ким ҳеч қачон бирон-бир мусиқали скин гуруҳини жавобгарликка тортишга ҳаракат қилмади. Дарвоқе, “Гастелло”нинг бошқа матнларига нисбатан бу ғоят мўътадил бўлиб, умуман сал бўлмаса “юксак адабиёт намунаси” ҳисобланади.

Кийим-кечақда бизнинг скинларимиз ўзларининг ғарблик маслақдошларига тақлид қиладилар. Қулдорлик конфедерациясининг одатда енгга ёки “бомбер” курткаси орқасига чатиладиган байроғига муҳаббат — Россия тақирбошларининг хусусияти ҳисобланади. Свастика, кельт хочи, Гитлер сурати, 88 рақами (яъни “Heil Hitler”) ёки WP (“White Power”) ҳарфлари кўринишидаги ёнпистирмалар камроқ тарқалган. Скинлар одатда ўзлари билан ҳеч қандай қурол олиб юрмайдилар (“жавобгарликка тортилмасликлари” учун), бироқ муштлашувларда зилдай тўғали, қўлга ўраб олинган камарлардан фойдаланадилар. Скин-моданинг сўнгги “ихтиро”си — камарни гўё жимжимали занжир билан безашдир. Аслида эса занжир бу ихтирони янада хатарли воситага айлантиради.

Бизнинг тақирбошларимизнинг бошларидан нималар кечаётганини мен ёзиб олган интервьюдан билиб олса бўлади. Бу суҳбат менда кучли таассурот қолдирди, ўйлайманки, у ҳар қандай ўзини билган маданий одамда шундай таассурот қолдиради. Шуни алоҳида таъкидлайманки, менинг ҳамсуҳбатларим москвалик скинҳедлар эди, яъни мантиқан олиб қараганда улар кўпроқ ривожланган, саводли ва “маданий” скинҳедлардир.

Биринчи интервьюни мен метрода беш йигитдан иборат гуруҳдан олдим,

¹ Ушбу ном Англиядан келган. Бу биздаги орқадан туриб, “Ҳой, йигит!” деб чақирган хитобга ўхшайди.

уларни ўз саволларим билан бир қора танли талаба қиздан (афтидан дравид — ҳинд қизи бўлса керак) чалғитдим. Шу суҳбатнинг энг қизиқарли жойига кулоқ солинг-а:

— Биз ўз мамлакатимизни ҳимоя қиляепмиз, билдинг!

Мен: Йўқ, мен жиддий сўраяпман. Мана, масалан, Ҳиндистондан келган талаба қиз — у мамлакатимизга ҳужум қилгани йўқ-ку, тўғрими? Ҳужум қилганда ҳам унинг бир ўзининг қўлидан нима ҳам келарди?

— Менга қара, манови калламизни қотириб...

— Йўқ, у ростдан ҳам обқочмаяпти...

— Қисқаси, демак, гап бундай. Ҳаммасига большевиклар айбдор. Билдингизми? Бу шунақа яҳудийча фитна бўлган. Яҳудийлар бутун дунёни эгаллаб олмоқчи. Ҳеч нарса қилмаса-да, ҳамманинг қонини сўрса. Бунинг учун улар Россияда революция ясашган...

— Чунки Россияда уларни кўз очиришмаган...

— Ҳа, чунки Россияда уларни қисиб қўйишган, Америкада эса бунақа гаплар йўқ. Улар Америкада ҳаммаси миллионер бўлиб кетган. Биздагилар эса, хуллас, бари қамокда ўтириб чиққан...

— Платон, тўхта, мен гапирай! Улар, хуллас, Россияда революция ясашган, мақсад — шоҳни ағдариш бўлган, ўрнига, хуллас, ўзлари шоҳ бўлмоқчи бўлишган. Мақсад — ҳамма нарса улар учун зўр, қиёмат бўлиши керак. Чунки ҳамма коммуначилар — фирт жидлар бўлган: Карл Маркс жид бўлган, Троцкий, Ленин...

— Йўқ, Снайдер, Ленин, ҳалиги... бошқирд бўлган...

— Ўзинг бошқирд... Мен аниқ биламан: Ленин жид бўлган, фамилияси айтиб турибди... кип-қизил жидча... Нимаиди, хаҳ, эсим қурсин, бир нима эди-я...¹

— Тўғри, бизга ҳатто тарих муаллимамиз ҳам шу тўғрида гапирганди...

— Ана... хуллас, улар революция ясашган ва уруш бошлашган...

— Фуқаролар уруши...

— Снайдер, суқилмай тур...

— ...мақсад русларни кўпроқ йўқ қилиш... Лекин уларни у ерда ҳам роса тузлашган, бироқ улар (барибир) урушда ютиб чиққанлар. Россияни, хуллас, ўзгартирганлар, ва “четан” билан тўсганлар... Лекин Сталин бу режага қарши чиққан — уларни тўхтатишга, Россияни қутқаришга қарор қилган...

Мен: Шошма, шошма. Сталин грузин эди-ку...

— Сталин осетин эди. Осетинлар эса — бу орийлар. Русларга ўхшаб. Осетинларни аслида аланлар деб аташган. Бу энг қадимги орийлар... Умуман, Сталин Ленинни йўлдан урган (!), Троцкийни отдирган (!)...

Мен (чидаёлмай): Маркс-чи?

— Ие, оғайни, қанақасиз ўзи, биз сизга одам деб гапирсак, сиз бизни лўқ деб ўйлаясиз, шекилли! Маркс ўшанда чет элда эди(!), беш қўлдай маълум!... Умуман, Сталин жидларни сиққан ва Россияни қайта тиклай бошлаган...

Мен: Бир нарсани тушунмаяпман. Сталин компартия тепасида турганди...

— У ниқобланган эди, билдингизми? Унинг учун бу барча коммуначилар фирт бошорғи бўлган, дардисарлар. Ахир у жидларни очиқчасига ўлдиролмасди-да, чунки уларнинг ҳаммаси барабар ташланиши мумкин эди: Америка ҳам, Англия ҳам, яна шунга ўхшаганлари... Сталин бунинг дарров сезиб қолганди, биласизми, у қанақа ақлли эди? Ҳа, қўрқарди ҳам, албатта. Чунки жидлар бутун Ғарбни эгаллаб олганди-да. Ўшанда Америка президенти ким эди, биласизми?

Мен: Рузвельт.

— Ана. Бу жид. Фирт жидча фамилия. Синагогда уларда шунақа лавозим бор эди — у, ҳалиги... қурбонлиқ расм-русмларини... хуллас... ҳўллайдиган

¹ “Улянов” эмас, “Бланк” фамилиясини кўзда тутатган бўлса керак, лекин нима учун унинг “кип-қизил жидча” бўлишига ақлим етмади.

бўлган.¹ Шунинг учун у² бу ишни³ Гитлерга топширган... Гитлер... ҳалигиндай... салласини деса калласини олиб келадиганлардан бўлган, ҳеч нарсдан қўрқмаган. Ўша йўқ қилсин деб Сталин атайлаб ҳамма жидларни унга қолдирган. Лекин Гитлер ҳаддан ошиб кетган ва славянларни ҳам йўқ қилишга қарор қилган... Хуллас, биз уни енгдик...

— Платон, жуда майдалаштириб юбординг-ку ўзиям... Ўзим айтай. Демак, бундай: яҳудийлар Сталинни йўлдан уришган... “Врачлар иши” шунақа бўлган... Уларни ҳатто бир бошдан бураб чиқишган... Лекин Сталин ўлиб қолган — худо берди деб бари билганини қилган, ҳаммасини қўйиб юборишган.

— У ерда сизларниқидан биттасини ҳам қамашгани йўқ!

— Сен жим тур, Тулип, билмасдан гапирма. Қамашган. Кейин бу нусхани қўйиб юборишган. Мени жуда гўл деб ўйлаяпсанми? Мен буни мактабда дарсда жавоб берганман...⁴ Сталиндан кейин Хрушчёв бўлган, шундайми? Унинг хотини яҳудий бўлган. Хрушчёв зимдан мамлакатни емириб борган — болшевиклар бошда ўйлашганидай қилиб. Мана, ҳозир ўша ниятларига етишишди. Энди эса улар атайлаб бизга ҳамма қораларни, ҳамма вьетнамлик, хитойлик, кавказлик, шунга ўхшаганларни олиб келишяпти... СПИД дейсанми, гиёҳвандлик дейсанми, барини... Ишқилиб, рус халқи йўқ бўлиб кетсин, манови қоралар бўлса худди маҳаллийдек пинакларини бузишмайди...

Скинларнинг бошқа гуруҳларидан олган иккинчи интервью мавзуси хийла торроқ — шахсий сиёсий афзаллик:

Мен: Сиёсатчилардан қайси бири сизга ёқади?

— Биттаси ҳам ёқмайди. Ҳаммаси бир гўр.

Мен: Энди-да... Мана, масалан, Зюганов.

— У коммунист-ку! Коммунистларни битта қўймай қириб ташлаш керак...

— Тўппа-тўғри. Улар қоралар билан битта, ҳар турли негрлар билан. Улар... нимаюди... хаҳ, лаънати... транссексуалларга ўхшаган...

— Интернационалчилар... (Умумий жонланиш).

— О! Қойил! Кузма сўз топади! (Иккаласи бараварига қичқиради ва учинчисининг елкасидан қоқади). Профессор!

Мен: Яхши. Лебед-чи?

— Лебед — ёмон одам эмас, десантчи...

— Йиқилдию чуви чиқди...

— Бе, Лебед — эшшак! У чеченлар билан тил топишди!

— Нималар деяпсан! Лебед чеченлар билан жанг қилган!

— Билмасанг билиб қўй: Лебед чеченлар билан тил топишди!

— Шу гапингга жавоб берасанми?

— Жавоб бераман!

Мен (гап қўшаман): Бўпти-бўпти, қизишманглар! Гайдар-чи, у қанақа одам?

— Семиз к...т!

— Халқни қийнаш эвазига семириб, терисига сифмай кетган — сал тегсанг, тарс ёрилади!

— У яҳудий-ку!

Мен: Шошманг, нега Гайдар яҳудий бўларкан?

— Ким бўлмаса?

Мен: У ёзувчи Гайдарнинг невараси-ку, у эса рус эди.

— Билмайман бунақа ёзувчини.

— Мен эса биладан. Фуқаролар урушида комиссар бўлган. Жуда чапдаст бўлган. Ўтакетган қизиллардан. Бизникиларнинг елкасидан юлдуз ўйдирган, тилини суғурган, кўзига мил тортган, тирноғи остига игна суққан... Фирт дажжолнинг ўзи. Бизга Каламуш сўзлаб берганди...

Мен: Ким?

— Мактабдаги кимё муаллимамиз.⁵

Мен: Бўпти, Гайдарни билдик. Чубайс-чи?

¹ Эй худо, кимни назарда тутаётибди ўзи? Наҳотки хатначи бўлса?

² Албатта, Сталин.

³ Албатта, яҳудийларни қиришни.

⁴ Ҳозир Москва мактабларида галати нарсаларни ўқитишяпти-да!

⁵ Галати кимё муаллималари бор-да!

- О! (Бараварига шовқин солишади). Малла! Анови-да, нимаиди, ваучер! Мен (ўзимни ноқулай сезиб): “Ваучер” нима дегани?
- Нима дейсизми? Тампакс-да, нима бўларди!
- Қанотчалари бор!
- Ўзингнинг қанотчаларинг бор! Бу Ельциннинг суврати туширилган қанақадир қоғоз бўларди!
- Алжирама! Ельциннинг суврати туширилган биронта қоғозни кўрган-мисан ўзи? Ҳали Клинтон ҳам дерсан?
- Доллар! (Гурр кулги).
- Мен: Ельцин-чи?
- Кўйсангиз-чи ўшани! Бир оёғи гўрда. Зўрға юради. Президент эмиш тагин!
- Чеченларга урушни бой берди!
- Коммуначилар билан жидлар шоҳ оиласини отган черковни портлатиб юборди.¹
- Мен: Лимонов-чи?
- Ёзув-чиини! (ўта нафрат билан).
- У ўзи ҳез-ку. Америкада у негрларнинг қора қозигига ўтирган! Бу ҳақда унинг ўзи ёзган. Биламан. “Менинг санъатдаги жинсий ҳаётим”² деган китоб-часида.
- Мен: Лужков-чи?
- Лужков — дуруст. У “қоралар”ни Москвада шунақанги қисиб қўйдики, чурқ этолмай қолишди. Мард одам.
- Қаёқда мард? Севастопол учун хохолларни озмунча обориб-обкелдимми?
- Тўғри қиладиям! Севастопол — бизники!
- А-ҳа. Бизники. У Севастополни деб бизни Украина билан уруш қилишимизни хоҳлайди. Биз у ёқда бир-биримизнинг гўштимизни есак, Америка суюнганидан чапак чалса керак...
- Мен: Баркашов-чи?
- Баркашов — бу вабо. У қаратэчи. Ундан ҳамма кўрқади.
- Уни отишган... Қаттиққўл одам...
- А-ҳа. Қамоққа тиқишган...
- У фақат рус халқини ўйлайди...
- Мен: Сиз РНЕ га аъзо бўлиб кирармидингиз?
- Ҳечам. Нима — жинниманми? Сафдан чиқмай юришинг керак. Мактабдагидай қаёқдаги нарсаларни ўргатишади...
- Нима? У ерда қуролдан ўқ узишни ўргатишади...
- Нималар деб валдираяпсан? Қанақа қуролдан? Қўлингга минтта варақани тутқазишади-да, юрасан кўчама-кўча тарқатиб. Тарқатиб бўлмагунингча қайтиб келиш йўқ. Мана сенга қурол...
- Мен кирган бўлардим... Агар “шмайсер” беришса. Фараз қил: анов коммуначилар жидлар билан биргаликда митингга чиқишган — анпиллар дейсанми, терпиллар дейсанми, баридан бор... Мен эса жидларни “шмайсер”дан “пақ”, “пақ”, “пақ” териб ташлардим...
- Мен: Чет эл сиёсий арбобларидан сизга кимлар ёқади?
- Қайсиларини айтаяпсиз, ҳозиргиларими?
- Мен: Йўқ, нега энди. Тарихий арбоблари ҳам.
- Александр Македонский. У ярим дунёни эгаллаган.
- Сталин.³
- Мен: Нима учун?
- Шу, қаттиққўл одам бўлган. У барча душманларини бош эгдириб олган. Коммуначиларни, ҳар хил бухаринчиларни 37-йилда отдириб ташлаган. Жидларни ҳам лагерга ҳайдаган. Шундан кейин ҳаммаси изга тушиб кетган.
- Жа гапирасан-да. Сталин бўлганда бизларни ҳам лагерга ҳайдаган бўларди.

¹ Бу афтидан, англашилмовчилик: скинҳедлар “Ипатьев уйи”ни Исо Масих эҳроми билан алмаштирганди.

² Ильфининг Лимонов мавзуга бостириб кириши мени лол қолдирди, ўлай агар.

³ Сталин — у ҳам “чет эллик сиёсатчи”ми?

— Сталин ўзи коммуначи бўлган! У ҳамма рус деҳқонларини колхозларга киритган.

— Киритиб тўғри қилган. Мана, ҳозир колхозлар йўқ — энди улар ҳеч бало қилишмаяпти. Ҳамма дон чел элдан келади...

Мен (унинг сўзини бўлиб): Бўлди, бўлди, тушундим. Сталиндан бошқа тагин яна битта-яримгани...

— Гитлер. Эркакларнинг эркаги бўлган.

Мен: Лекин у бизга ҳужум қилган-ку...

— Ҳа, ҳужум қилиб чатоқ қилган! Аслида акси, дўстлашиши керак эди! Оқ одамларнинг ягона рейхини тузиш учун биз билан шартномаси бор эди...

БҶҲРОН ВА ЗҶҲРАВОҶЛИК ФАРЗАНДЛАРИ

2000 йилдан 1994 йил бошларига қайтамыз. Бу пайтда бир неча ҳафта ичида скинҳедлар миқдори Россияда кам деганда икки баравар кўпайди.

Ташқаридан қараганда бу 1993 йил сентябр-октябр воқеалари билан боғлиқдай эди, бу вақтда Ельцин ҳар қандай баҳсда энг ишончли асос — зўравонлик эканини барчага амалда кўрсатган эди. Буни жуда яхши ўзлаштириб олган ўсмирлар ҳам топила қолганди. Москва университетлари гуманитар факультетларнинг бугунги ўқувчи ва талабалари шуни яхши эслашадики, кўп ўтмай скинҳедлар бўлиб қолган уларнинг синфдошлари ёки мактабдош оғайнилари 4-октябр куни парламентни танклар яқин масофадан ўққа тутганини ҳангу манг ҳолда кузатиб турган бекорчихўжалар оломони ичида бўлишган. Москва скинлари миқдорининг ўсишига, дарвоқе, парламентнинг ўққа тутилишидан кўра кўпроқ Москвадаги “махсус ҳолат”нинг кейинги даври таъсир кўрсатди. Бунда кўчаларда полиция террори ҳукм сурарди, у жуда тезлик билан ирқчилик (расман — ғайрикавказ) тусини олганди.

4-октябрнинг ўзидаёқ армия ва ОМОН ҳаракатлари гоҳо ошкора ирқчилик тусига кирар эди. Масалан, парламент депутати, Россия социал-демократларининг раҳнамоларидан ва Россия конституциясини ишлаб чиқувчилардан бири Олег Румянцев кўчада президент десантчилари томонидан қўлга олинган ва ваҳшиёна калтакланган эди (жумладан, унинг жағи синган ва буйраги лат еганди). Калтаклашга раҳбарлик қилаётган десантчи зобит эса хурсанд ҳолда: “А-ҳа, қўлга тушдингми, жидвачча!” деб қичқирган. Хануш Фадий ва Салит Ассаф деган икки ливанлик талаба эса бош прокуратуранинг 1993 йил сентябр-октябр воқеаларини ўрганувчи махсус тергов гуруҳи аниқлаганидек, юзандомлари орийларга асло ўхшамаганлиги учунгина 4-октябр куни ОМОН томонидан калтакланган ва отиб ташланган.¹

“Махсус ҳолат” даврида Москвада ҳеч қанақанги қонунчилик йўқ эди, конституцион қафолатларга риоя қилинмасди, инсон ҳуқуқларининг топталиши (ноқонуний судсиз тинтувлар, ҳибсга олишлар, талончиликлар, калтаклашлар ҳамда милиция ва ОМОН томонидан қийноққа солишлар) оммавий тус олганди. Ташқи кўриниши славянларга ўхшамаган минглаб одамлар ҳибсга олинган, калтакланган, таланган ва Москвадан ҳайдаб юборилган эдилар. Уларнинг барчасини ёппасига алмисокдан қолган “кавказ миллатидаги шахслар” рўйхатига тиркаб қўйишганди. ОМОН ва милиция “кавказ миллатидаги шахслар”га қарашли дўконча ва чодирларни иштаҳа билан талар эди, Москва бозорларида ОМОН неча мароталаб чинакамига босқинлар ўтказди, уларда “кавказликлар”нинг пулларини, жавоҳиротини ва молларини тортиб олдилар, аёвсиз калтакладилар. Кавказ одамлари билан бир вақтда жабрдийдалар орасида Болқондан, Урта Осиёдан келган кишилар, Ҳиндистон, Покистон, Эрон фуқаролари, шунингдек, яҳудийлар ва араблар бор эди. Бирлашган Араб Амирликлари дипломатларини ҳибсга олиш, калтаклаш ва талаш бўйича БАҲ элчихонаси ҳатто Россия ИИВга норозилик билдирди. Арманистон, Грузия

¹ Москва Апокалипсиси. “1993 йил 21 сентябр — 5 октябрдаги фожиали воқеаларнинг маънавий-ахлоқий, ахлоқий-ҳуқуқий ва иқтисодий моҳияти ва уларнинг Россия учун оқибатлари” Парламент ўқуви ҳужжатлари. М. 1996. 72, 75 б. Яна қаранг: “Эркин фикр” 1997. №10. 109-б.

ва Озарбайжон элчихоналари томонидан ҳам худди шундай норозиликлар билдирилганди. Бир қанча инглиз газеталари, шу жумладан “Moscow Times” ҳам ҳеч ўйлаб-нетиб ўтирмай уларда эълон қилинган мақолаларга “Racist Pogroms in Moscow” деб сарлавҳа қўйганди.¹

Бу зулмлар устидан қилинган кўплаб шикоятлар ҳатто кўриб чиқилмасди. Ягона “жинояти” ирқий тафовут бўлган жабрдийдалар судда ўз манфаатларини ҳимоя қилишдан маҳрум бўлган эдилар. Шундай воқеалардан бири — асли миллати озарбайжон бўлган икки Грузия фуқаросининг ноқонуний ҳибсга олиниши, таланиши, ваҳшиёна калтакланиши ҳужжатлар илова қилинган ҳолда “Сўл газета”да батафсил тасвирланган эди. Судда, кейин эса прокуратурада Грузиянинг бу икки фуқароси аризасини қабул қилишдан кескин бош тортишган. Ўша мақолада ноқонуний қўлга олинганларнинг оммавий тусда ваҳшиёна калтакланиши, айрим ҳолларда оғир оқибатларга дучор қилиниши тасвирланган (тожик миллатидаги қўлга олинганлардан бирининг калтаклашлар натижасида умуртқаси синган).²

ОМОНчиларнинг ташқи кўриниши “унча орийча” бўлмаган одамларни талаганларини ва асоссиз равишда тепкилаганларини кўриб ва ҳокимиятларнинг тегишли “ватанпарварлик” ваъзларини эшитиб, қўшни туманлардаги унча яхши бўлмаган оилаларнинг иккинчи ўсмирлари “тақлид учун яхшигина намуна”га эга бўдилар.

Биринчи Чеченистон уруши ва ҳукумат миқёсида унга ҳамоҳанг бўлган буюк ҳокимиятчилик, империяпараст, миллатчилик кампанияси ҳам скинлар миқдорининг ошишига янада яққолроқ таъсир кўрсатади.

Скинлар билан ҳеч ким кураш олиб бормасди. ОМОН “кавказликлар”ни “бирёқлик қилиб” бўлгунча хийла заиф ва кўрқоқ скинлар қурбон сифатида Ўрта Осиёдан келган ёки “учинчи дунё” мамлакатлари одамларини, биринчи галда “қоралар” ва “қисикқўзлар”ни кўз остига олиб қўйдилар. Шаҳарлар бўйича бирмунча хилма-хиллик кузатилди. Москвада скинлар асосан африкаликлар ва ҳиндларга, Петербургда африкаликлар, непалликларга, хитойликларга, Нижний Новгородда — Урта Осиё аҳолисига, кўпроқ Тожикистондан келган қочоқларга ҳужум қилар эдилар. Ҳамма жойда, асосан Нижний Новгородда, милиция скинларга хийла кўпроқ хайрхоҳлик билан қарар, уларга қарши жинойи иш қўзғатишдан бош тортар эдилар. Нижний Новгородда тожиклар милицияга мурожаат қилишдан умуман кўрқар эдилар — бу “ноқонуний келганлиги учун” ҳибсга олиш ва орқасидан пора тама қилиш билан тугарди, оладиган ҳеч вақоси бўлмаса калтаклар ва мамлакатдан ҳайдаб юборар эдилар. Бу мисол шуниси билан кўпроқ қизиқарлики, нижегород губернатори ўша вақтда машҳур неолиберал Борис Немцов эди. Маълумки, Немцов Чеченистондаги урушга қарши миллион имзо тўплаганди — шу билан бир вақтнинг ўзида унинг ўз уйида ирқчилик террори авжга чиққанди!

Албатта, скинҳедлик ҳаракатининг барқ уришига фақатгина сиёсий воқеалар таъсир қилмаганди. Россиядаги ёшлар муҳити ичида скинлар тез ўсиши ва қарор топиши учун икки омил асос яратди: иқтисодий бўҳрон ва таълим тизимининг барбод бўлиши.

1991 йилдан бошлаб ҳалокатли иқтисодий таназзул Россиядаги миллионлаб одамларни ишсизга айлантирди. Яъни кўплаб одамлар расман ишсиз бўлмасалар-да, аслида ишсизлар эдилар: корхоналар ё тўхтаб ётарди, ёки ёлланма ишчилар ярим йиллаб, гоҳо бир йиллаб иш ҳақи ололмас эдилар. Илгари бой бўлмаса-да, бироқ мутлақо қониқарли ҳолда яшаб келган (гарб тасаввурига middle middle class ва low middle class³) аҳолининг мутлақ кўпчилиги бирданнига қашшоқ бўлиб қолганди.

Булар барчаси ҳатто мулкий эмас, балки психологик ҳалокатга олиб келди: совет тажрибасининг узоқ давом этган ўн йилликлари давомида одамлар кафолатланган тўла бандликка, таълим ва соғлиқни сақлашдаги давлат ҳомийлигига, шунингдек, бошқа ижтимоий дастурлар соҳасида — масалан, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, болалар буюмлари, турар-жой, коммунал хизмат-

¹ Москвада ирқий босқинлар (ингл.)

² Сўл газета. 1993. №16.

³ “ўртача” ўрта синф ва “қуйи” ўрта синф (ингл.)

лар, жамоат транспорти ва ҳоказоларнинг субсидиялашган, аксарият рамзий нархларига одатланиб қолган эдилар. Оддий ҳаёт тарзидан маҳрум бўлгач, Россия аҳолиси жуда тез ёввойиlashа бошлади: жиноятчилик, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик мамлакатни босиб кетди. Мияларида қандай қилиб тирикчилик қилса бўларкиндан бўшамай қолган ота-оналар болалар тарбиясини эсдан чиқариб юбордилар. Оилавий жанжаллар ва оиладаги зулму зўравонлик оддий ҳолга айланди. Руҳий касаллик билан оғриганлар сони бир неча барабар ошди. Шароитлар издан чиққан минтақаларда ҳатто руҳий касалликлар шифохонасига ётқизишга навбатда туриш керак бўлиб қолди — навбат муддати ҳам чакки эмас: одамлар икки-уч йиллаб кутадилар. Очлик, калтаклашлар ва тирикчиликнинг чидаб бўлмас шароитлари туфайли уйдан бош олиб чиқиб кетишлар, фарзандларидан воз кечишлар оммавий ҳодиса бўлиб қолди: ҳозир Россияда кам деганда 4 миллион етим бола бор. Агар 1918-1921 йиллардаги Фуқаролар урушидан сўнг бутун Совет Иттифоқи бўйича 6 миллион етим бўлганини эсга олгудек бўлсак, бу ҳаддан ташқари кўпдир.

Иқтисодиётнинг барбод топиши билан баб-баравар таълим ва тарбия тизимининг ҳам барбод бўлиш жараёни давом этарди. Бир томондан бу, албатта, иқтисодий таназзул оқибати эди: СССРда бутун мактаб тизими давлатники эди ва агар давлат даромади охириги ўн йилда 8-10 барабар пасайган бўлса, бу мактабни молия билан таъминлашга таъсир қилмай қолмасди. Натижада сўнгги йилларда молиявий сабаблар билан мамлакатда ҳар йили 400-450 мактаб ёпилар эди ва шунга муносиб равишда шу мактаблар ўқувчиларининг катта қисми таълим олиш имкониятидан маҳрум бўларди. Сибирда, масалан, 1997 йилнинг ўзида ҳарбий комиссариатларнинг расмий маълумотларига кўра, чақирилувчиларнинг 7 дан 11 фоизигача саводсиз экан. 1999 йилга келиб аҳвол янада ёмонлашган. Қанчалаб мактаб ёшидаги болалар мактабга бормаётгани аниқ эмас (расмий маълумотлар ё йўқ, ёки улар сир тугилмоқда). Бироқ Россия ИИВ бўлими маълумотларига биноан, балоғат ёшига етмаганлар орасида қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича мактаб ёшидаги қонунбузарнинг ҳар ўнинчиси 1999 йил баҳорида ҳатто бошланғич маълумотига ҳам эга эмасди.¹

“Тоталитаризм билан кураш” баҳонасида Россияда тарбиянинг тақиқлаб қўйилишидан жиддийроқ омил бўлмаса керак! “Тарбия” деган тушунчанинг ўзини нимагадир тарқатиб юборилган, аммо ўрнига ҳеч қанақа ташкилот тузилмаган комсомол ва пионер ташкилотлари билан боғлаб қўйдилар. Мен қайтадан барчани зўрлаб комсомолга ва “ёш ленинчилар” ташкилотига ҳайдаб киришга даъват этмоқчи эмасман. Аммо шу нарсани эсдан чиқармаслик керакки, улар на фақат мафкуравий иш билан, балки барча бошқа ёшлар фаолияти — санъат, спорт, туризм ва ҳоказолар билан шуғулланар эдилар. Комсомол спорт мусобақаларини, рок- ва фолк-фестивалларини ташкил этар ва ўтказар, жиҳозлар сотиб олар ва ёш шахматчилар ёки авиамоделчилар тўғарақларидан тортиб то рақс ва ғоршунослик тўғарақларигача бўлган турли-туман ёшлар машғулоти учун хоналар тақдим этар эди.

Бу ёғини сўрасангиз, “мактабни мафкурадан чиқариш” баҳонасида Таълим вазирлиги ўз ҳужжатларида “тарбия” сўзининг ўзини тақиқлаб қўйди. Педагогика дидактика (ваъзгўйлик) даражасига тушириб қўйилди. Даставвал мактаб ўқитувчилари бахтли эдилар: меҳнат ҳақи олдингидек қолдирилган ҳолда дарс соатларининг ярмини олиб ташланди. Шунда содир бўлаётган барча ишлар бемаъниликдан бошқа нарса эмаслиги ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди, чунки мактабдаги тарбия муаммосининг катта қисми на совет ҳокимияти, на коммунистик мафкурага заррача алоқадор эди, балки анъанавий оврупоча маданиятнинг одатдаги буюми бўлиб, асосий таркиблари ҳам Аристотелга бориб тақаларди.

Бунинг оқибати иккинчи психологик ҳалокатга олиб келди: ислоҳотларнинг бир ўн йиллиги ичида Россияда яна — асоциал ва аномик (яъни ҳеч қанақанги ижтимоий ахлоқ метёрлари умуман мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилиш) авлоди етишиб чиқди. Бу авлод анъаналардан, ижтимоий қадриятлардан ва ижтимоий қурилмалардан бутунлай узилиб қолган. Ота-оналарнинг ваҳшийлашуви баробарида фарзандлар ҳам ваҳшийлаша борди. Бироқ ваҳший-

¹ Известия, 24. 03. 1999.

лаша борган ҳолда ота-оналар барибир жамоавий яшаб қолиш бўйича (ҳеч бўлмаганда оила даражасида) қандайдир вазифаларни ҳал қилишга уринган бўлсалар, катталарнинг ижтимоий тажрибасига эга бўлмаган ҳолда “ислоҳот фарзандлари” тезда биологик махлуқлар подасига айландилар, бир-бирлари билан номигагина боғлиқ эдилар — улар ахлоқсиз, худбин, муомала қилишга ноқобил, ҳаётий мақсадлари жўндан-жўн, очкўз, ёвуз ва ҳаддан ташқари гўл махлуқлар эдилар.

Табиийки, бу болалар ва ўсмирлар жинояткорлигининг, наркоманиянинг, токсикоманиянинг, алкоголизмнинг, фоҳишабозликнинг, жиноий йўллар билан юқувчи юқумли касалликларнинг ҳалокатомуз ўсиб кетишига олиб келди.¹ Куни-кеча тарбиянинг бекор қилинганидан бошлари кўкка етган ўқитувчилар бошларини чангаллаб қолдилар — айнан шулар ўқишни хоҳламайдиган, ўқитувчини “онангли”лаб сўкадиган, жуда безор қилиб юборганда ҳатто урадиган янги ёшлар ахлоқи билан биринчи бўлиб тўқнаш келдилар-да.

Бироқ оддий ўқитувчиларнинг вазиятини ўзгартиришга бўлган журъатсиз уринишлар вазирлик амалдорларининг қаттиқ қаршилигига дуч келди, улар ҳамма нарса жойида ва воқеалар тўғри йўналишда ривожланмоқда деб ҳисоблар эдилар. Ткаченко, Кинелёв ва Тихонов каби қаторасига уч вазир чоғида Таълим вазирлиги тарбия билан кураш олиб борди ва “вариатив таълим” байроғи остида вазир Асмолов ўйлаб чиқарган “ислоҳот”ни ўтказишга ҳаракат қилиб кўрди. Бу “ислоҳот” давлатни таълим тизимини молия билан таъминлаш масъулиятидан ҳалос этар ва вазирлик амалдорларига ҳеч нима қилмаган ва ҳеч нарсага жавоб бермаган ҳолда иш ҳақи олиш имкониятини берар эди. Иш жанжалгача бориб етди. Масалан, вазир Кинелёв унга топширилган соҳа борасида ғира-шира тасаввурга эга эди ва берган ҳар бир жавобида маълум ва машҳур далилларга қарши ўлароқ Россияда таълим ишида юксак муваффақиятлар кўзга ташланмоқда ва вазият кундан-кунга яхшиланиб бормоқда деб қайта-қайта таъкидлаб, бутун мамлакатни лолу ҳайрон қилиб қўймоқда эди. Журналистлар орасида Кинелёв “Умрингизда лоақал бир марта қишлоқ мактабини кўрганмисиз?” деган саволга ҳеч бир ийманмасдан: “Албатта. Мана, яқинда мен Голландияга ташриф буюрдим — у ерда бизни бир қишлоқ мактабига олиб боришди” деб берган жавоби билан ачинарли равишда шуҳрат топди.

Кинелёв даврида ўқитувчилар оммавий тусда мактаблардан қочиб кетдилар, қашшоқона меҳнат ҳақи ва иш ҳақининг ярим йиллаб берилмаслигига чидай олмадилар — бу бир жиҳатдан; иккинчи жиҳатдан эса жаноб Асмолов “тоталитаризм”дан озод этилган ўқувчилар томонидан таҳқирланишлар (шу жумладан хатти-ҳаракатлар воситасида) ва хўрланишларга бардош беролмадилар.

Кинелёвнинг вориси — вазир Тихонов даврида таълим тизимининг “Асмолов — Тихонов ислоҳоти” сифатида шуҳрат топган ислоҳоти ҳаётга фаол татбиқ этила бошлади, ҳолбуки ўқитувчиларнинг катта кўпчилиги, 85 фоиздан ортиқроғи унга қарши чиққан эди (“Учительская газета” ўқитувчиларнинг Умумроссия сўровини ўтказганди). Мухтасар равишда у қуйидагидан иборат эди: давлат таълим тизимини молия билан таъминлашдан узил-кесил ҳалос этилади, ёш авлодни ўқитишга кетадиган маблағлар уч манбадан келиб тушиши керак: маҳаллий бюджетлардан, ота-оналарнинг чўнтақларидан ва маҳаллий sanoat корхоналари ҳисобларидан.² Бу бир чақага қиммат нарса

¹ Ижтимоий мусибатнинг ҳақиқий кўлами ҳақида расмий тузилмалар ва марказий оммавий ахборот воситалари чурқ этмаётирлар. Дейлик, Москвада ЮНЕСКО ўтказган тадқиқот маълумотларига кўра тадқиқ этилган юқори синф ўқувчиларининг 100 фоизи гиёҳвандлик билан таниш экан. Москва остоналаридаги Видное шаҳарчасида тадқиқ этилган юқори синф ўқувчиларининг 98 фоизи гиёҳвандлик моддаларини мунтазам истеъмол қилар экан. Олтой ўлкасининг Қозогистонга ту-таш тўрт туманида ҳам шундай ўқувчиларнинг 100 фоизи нашаванд экан. Гиёҳванднинг ўртача ёши бутунги кунда 13 ёшгача кичрайган. Нотабиий ўлим (қотиллик туфайли ўлган, ўз жонига қасд қилиб ўлган, ичкилик ва гиёҳвандлик туфайли ўлган) 25 ёшгача бўлган ёш тоифасида популяция бўйича шундай кўрсаткичлардан 16-25 бараварга ортади, нашавандлар миқдорининг қайд этилган ўсиши — 6,5 дан 11,5 гача, ичкиликбозларники — 80 дан 160 фоизгача, СПИД ники — 12,5 дан 18 мартагача, захм билан оғирганларники — 26 дан 28 мартагача, сўзак бўлганларники — 12,5 дан 32 мартагача ортган.

² Қаранг: “Учительская газета”. 1997. №37.

эканлигини ислоҳот муаллифларининг ўзлари ҳам тушунган бўлишлари шубҳасиз: Россиянинг ҳамма жойидаги маҳаллий бюджетларда — даҳшатли камомад ҳукм сурарди; маҳаллий корхоналарнинг кўпчилиги ё касодга учраган, ёки ҳисобларида бир тийин ҳам пули йўқ эди, бартер бўйича контрагентларига тўлов тўлаб, шипшийдан бўлишган; кўпчилик болаларнинг ота-оналари вилоятларда пулсиз ўтиришарди. Россиянинг аллақерларида “Асмолов — Тихонов тархи”нинг ҳаётга татбиқ этилиши оқибатларини эринмай ҳисоблаб ҳам чиқишган. Маълум бўлишича, Олтой ўлкасида у шунга олиб келганки, мактаб таълимини олишга болаларнинг 12 фоизигина муяссар бўлар экан, Челябинск вилоятида эса — атиги 21 фоизи.¹ Бу ҳисоб-китоблар 1998 йилнинг 17 августига қадар, кўпчилик аҳолининг реал даромади тўрт барабар пастга тушиб кетгунга қадар ишлаб чиқилганди.

“Ислоҳот” Россиянинг муқаррар равишда саводсизлар мамлакатига айланишига олиб келди. Демакки, тажовузкор миллатпарастлар мамлакатига айланди, зеро аллақачон исьботланганки, тош аср иллатидан фақатгина таълим ва тарбия билан қутулиш мумкин.

Яхшиямки, янгиликни ҳаётга бутунлай татбиқ этишга улгуришмади. “Ислоҳот” олий мактабда қоқилиб турибди. Бу ислоҳотга қарши 1997 йил кузи — 1998 йил баҳорида Новосибирск, Воронеж, Екатеринбург, Ульяновск, Челябинск, Оренбург, Иркутскда шиддатли талабалар галаёни бўлиб ўтди. Шу нарса диққатга сазоворки, марказий оммавий ахборот воситалари бу оммавий галаёнлар ҳақида тишини тишига қўйиб сукут сақлашди.

Бироқ ўрта мактабга нисбатан “Асмолов — Тихонов ислоҳоти”нинг асосий мақсади — молия билан таъминлашни давлат қўлидан маҳаллий ҳокимият қўлига топшириш (мактабни муниципаллаштириш) — тўла татбиқ этиб бўлинганди. Бир вақтнинг ўзида Россияда совет даврида ташкил этилган мактабдан ташқари таълим ва тарбиянинг тармоқланган тизими — барча “маданият уйлари”, “маданият саройлари”, “пионерлар саройлари” ва ҳоказолар тугатиб юборилди. Бир вақтлар бу тизим мактаб ёшидаги болаларнинг нақ чорак қисмини қамраб оларди — ва озми-кўпми, барча ижтимоий табақалар орасидаги талантларни муваффақиятли равишда аниқлаб берар ва уларни намоён этилган қобилиятига қараб санъат соҳасига, мутахассислик саҳнасига, фан оламига олиб чиқиб қўяр эди. Посёлка ва кичик-кичик шаҳарларда (хусусан узоқ қишлар давомида ҳаёт зерикарли кечадиган Сибир ва Узоқ Шарқда) таълим-тарбиянинг бундай тизими болаларнинг кўпчилигини қамраб олди.

Бироқ сўнгги ўн йил давомида бу тизим барбод бўлди. “Санъат саройлари” бинолари “янги руслар” томонидан сотиб олинди ва тунги клублар, кинозаллар, ресторанларга айлантирилди, уларга кириш шунақанги қимматки, аҳолининг маълум қисмигина бунга қодирдир.² Болалар тўғараклари кўчага чиқариб ташланди ва йўқ қилинди. Мактабдан ташқаридаги ўқувчилар ўз ҳолига ташлаб қўйилди — улар ёппасига жиноят олами ва наркомания қурбони бўлдилар. Уларнинг жуда катта қисми майда-майда ёшлар тўдаларига бирлашди ва аксар ҳолларда скинҳедлар гуруҳларига айланди — чунки бундай тўдаларнинг ҳар бири “ўзгалар”га қарши (ҳатто қўшни ҳовлига бўлса ҳам) қаратилганди, ҳар қандай қоратанли атоқли “ўзга” ҳисобланарди.

Шундай қилиб, Россиядаги скинҳедлар — миллий эмас, балки ижтимоий ўзгаришлар маҳсулидир. Бу шу нарсдан яққол кўриниб турибдики, тақирбошлар тўдалари айнан йирик ва кўпроқ тараққий топган шаҳарларда — асосий бойликлар тўпланган ва ижтимоий қатламлар кўпроқ намоён бўлган жойларда вужудга келди. Камбағал оилаларнинг болалари амалдорлар ва жиноятчилар — “янги руслар”нинг тўсатдан бойиб кетишганини кўриб уларга ҳавас

¹ Алфавит. 1998. №1. 80-йиллардаёқ Лотин Америкаси олимларининг ҳисоблашларича, бугунги кунда мамлакат иқтисодий ва маданий тараққиётининг қўлга киритган даражасини жўнгина сақлаб туриш учун аҳолининг камида 25 фоизи олий маълумотга эга бўлиши талаб этиларкан!

² Кичик мисол. Москвадаги Правда кўчаси бошида бир-бирдан 500 метр нарида икки Маданият Уйи — Чкалов МУ ва “Ява” фабрикаси МУ жойлашган эди. Уларда ҳаммаси бўлиб 60 дан ортиқ болалар тўғараклари ва студиялар ишларди. Ҳозир уларнинг ҳар иккаласи ҳам — казино.

ва ҳасад қила бошладилар. Бироқ шахсий кўриқчилар ҳимоя қилган боёнларга тегишдан кўрқар эдилар ва ўз нафратларини осонроқ мўлжал — “етти ёт беғоналар”га йўналтирар эдилар.

Бир нарса гоят диққатга сазовор. Одатда бир-икки йирик саноат корхоналари атрофида барпо этилган ва бу корхоналар барбод бўлиши туфайли қаттиқ бўҳронни бошидан кечираётган унча катта бўлмаган ишчилар шаҳарчаларида албатта ёшлар тўдалари мавжуд, аммо уларда скинҳедлар олдин ҳам йўқ эди, ҳозир ҳам йўқ. Фақат сўнгги вақтлардагина пойтахтларга тақлидан “биринчи қалдирғочлар” пайдо бўла бошлади ва бу ҳам фақатгина мегаполисларни қуршаган йўлдош шаҳарчаларда, холос... Бу шаҳарчаларда ҳамма камбағал, у ерда “янги руслар” йўқ, у ерда ҳавас ва ҳасадни келтирадиган йўқ. Бу ўлаётган шаҳарларда нафрат ўрнини ғазаб ва лоқайдлик эгаллаган...

Яна шу нарса муҳимки, ўша сўнгги ўн йил ичида Россияда шундай бир жараён кузатилмоқдаки, уни фашизмни қайта тиклаш деб аташдан ўзга илож йўқ. Ачинарли томони шундаки, бу қайта тиклаш билан нафақат ўнгла, балки либерал оммавий ахборот воситалари ҳам шуғулланмоқда. Коммунистик идеология билан курашда либераллар 90-йилларда таёқни кўпроқ ўнгга қайириб юборган эдилар, бу билан улар консерватив ва ультраконсерватив қадриятларни ва уларнинг тегишли мутафаккирлари — кўп ҳолларда фашизмнинг Иван Ильин, Иван Солонич, Лев Тихомиров, Константин Победоносцев ва Константин Леонтьев¹ сингари ўтмишдошларини ўчакишиб кўз-кўз қила бошладилар. Ёки, дейлик, “қора юзлик” мафкурачиси сифатида большевиклар томонидан отиб ташланган фашист, ирқчи ва антисемит, XX аср бошларидаёқ ҳамманинг эсидан чиқиб кетган Михаил Меньшиковни байроқ қилиб чиқар эдилар.

Албатта, коммунистик матбуотда эмас (у Гитлер устидан қозонилган ғалаба билан фахрланишга одатланиб қолганди), балки айнан либераллар матбуотида генерал Власовни оқлаш бўйича компания бошланди. Генерал Власовни бир вақтлар Украина, Эстония, Латвия ва Литвадан ибрат олиб, бу урушнинг “бош қаҳрамони” (“тоталитаризм билан курашчи” сифатида) қилиб кўрсатишга ҳаракат қилган эдилар. Мазкур мамлакатларда Совет Армиясига қарши СС кўшинлари таркибида жанг қилган маҳаллий миллатчилар миллий қаҳрамонлар деб эълон қилинганди. Бироқ Россияда ижтимоий фикр бундай ташвиқотга нисбатан лоқайд қарамоқда ва либерал ҳокимият урушининг “бош қаҳрамони” маршал Жуков деб эълон қилишга мажбур бўлди.

Умуман, агар совет даврида Иккинчи жаҳон урушида Қизил Армия хатти-ҳаракатларини шарафлаш жонга тегар даражада мижғовлик ва қарийб васваса тусини олган бўлса, тўқсонинчи йилларда бу мавзу “ярамас” ва “қизиқ бўлмаган”га чиқариб қўйилди. Либерал журналистлар ҳатто шундай мавзунини муҳокама қила бошлашдики, ҳатто модомики Россия Германияга қараганда ёмон яшаяптими, демак фашистларни енгишнинг ҳожати йўқ эди, деган фикрни айтмоқдалар.

Мактаб қўлланмаларида Иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги мавзу бўйича келишмовчиликлар ва баҳслар бошланиб кетган. Айрим қўлланмаларда босқинчи Гитлер бўлган эди дейилса, бошқаларида Гитлер Сталинни хужумдан огоҳлантирган эди, холос, деб айтилади. Яна бир хилларида Совет Армияси Шарқий Европа мамлакатларини озод қилди дейилса, бошқаларида Сталин Шарқий Европа халқларини асоратга солди дейилади. Баъзи қўлланмаларда СССР ғарб демократиялари билан биргаликда фашистик тоталитаризмни тор-мор қилди деб ёзилса, бошқаларида уруш Европада тоталитаризмнинг кучайишига олиб келди деб таъкидланади. Баъзи қўлланмаларда “фашизм” ва “сталинизм” ажратиб кўрсатилса, бошқаларида аксинча, улар “тоталитаризм” деган умумий ном остида бирлаштирилган. Ўқитувчилар ҳангу манг. Кимдир бу мавзуларни умуман четлаб ўтар, кимдир буниси менга кўпроқ маъқул, униси камроқ деб айтар эди. “Совет ҳокимияти ва коммунистларни” калтаклаш умумий тенденция бўлгани боисидан, кўплаб ўқитувчилар айрим мулоҳазалар тўғрисида фашистларнинг жиноятлари ҳақида гапиришдан кўра Сталинни ти-

¹ Таҳририят муаллиф баҳосига тузатиш киритишни маъбул деб топмади ва бу ишни унинг виждонига ҳавола қилади (*Таҳр. изоҳи*).

нимсиз фош этишни маъқул кўришарди. Педагогик газеталар саҳифаларида қайси концепция “тўғрилигини” билмай айрим ўқитувчилар энг янги ватан тарихини ўқитишдан бош тортаётганлари ҳақида бир неча бор ёзиб чиқилганди.

Натижада ўсмирларнинг боши бутунлай ғовлаб қолганди.

Яқинда Россия ТВ каналларида бирида ҳикоя қилинишича, мактаб илоҳотидаги саъй-ҳаракатлари билан мактабда Улуғ Ватан урушини ўрганишга ажратилган вақт олти мартага қисқартирилган ва икки-уч соатлик дарсгача келтирилган! Натижада ТВ дан намойиш этилган ўқувчиларга савол берилганда уруш ҳақида ҳеч нарса билмаганлар ёки билиб-билмай ҳар нарсани валдираганлар — масалан, Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони... Ленин эмиш!

Шу тариқа урушда 35 миллион одамани йўқотган мамлакатда фашизм оммавий нафрат ва оммавий ғазаб мавзудан ўсмирлар учун сирли ва мароқли хангомага айланди. Либераллар “қизил хавф” билан олишишга шу қадар берилиб кетишдики, ўз қўллари билан фашизм андазасини қандай яратганликларини ҳам сезмай қолишди. Мен, масалан, РФКП ва Зюгановни “оқлаш” учун содир бўлган воқеаларга либераллар жавобгар эканлигини махсус таъкидлаётганим йўқ. Улар ҳам нафақат скинҳедлик ҳаракатининг авж олишига қаршилиқ кўрсатиш учун ҳеч нарса қилмадилар, балки ўзларининг миллат-парастлик ваъзалари билан бунга билвосита имкон туғдирдилар, холос. Лекин гап шундаки, РФКП сўнгги йилларда ҳокимият тепасида эмасди ва у биздаги оммавий ахборот воситалари устидан назорат ўрнатган эмас.

ЎТА ЎНГЛАР “ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАМОҚДА”

Содир бўлаётган ишларнинг барчаси ўнг радикал ҳамда фашистик партия ва ташкилотларга қўл келади, улардан бир қисми скинларга ўзларининг захираси ва “ижтимоий базаси”дек қарайди. Москвада тақирбошлар билан Рус миллий уюшмаси (РМУ) фаол иш олиб бормоқда. Унинг органи — “Штурмовик” газетаси ҳам “миллий ва ирқий адоват ва назоратни авж олдирган”-лиги учун тақиқлаб қўйилмагунга қадар миллатчи скинларининг сеvimли матбуоти бўлган эди. Айрим маълумотларга кўра, мана икки йилдирки, скинлар нашри “Под ноль” РМУ маблағига чиқмоқда. Боз устига, бу уюшма қошида скинлар билан иш олиб бориш бўйича махсус “департамент” тузилди, “ишни бошқариш” учун масъуллар тайинланди. “Скинлегион” раҳнамоси Гуськов мунтазам равишда РМУ митингларида нутқ сўзлайди. 1998 йил охирида РМУдан ажралиб чиққан, ўзини “Россиянинг империя партияси” деб атаган гуруҳ ҳам Москва скинларига таъсир ўтказишга ҳаракат қилмоқда.

Москва скинлари орасида фаол ишлаётган яна бир ўнг радикал ташкилот бу “Миллий фронт”дир. У сўнгги вақтда ўзини гоҳ “Церковью Нави”, гоҳ “Клан Нави”, гоҳ “Ягона Оқ Ирқнинг Муқаддас Черкови” деб атамоқда. Петербургда скинлар билан Россия Миллий-республика партияси, Поволжье ва Краснодар шаҳарларида — Рус Миллий Бирлиги (РМБ) ишлаб турибди.

Энг сўнгги вақтларда скинҳедлар орасида энг фаол ишлар билан Халқ Миллий партияси (ХМП) машғул бўлди. Айниқса, 1999 йилда миллий адоватни авж олдиришда айбланиб ҳибсга олинган унинг раҳбари Александр Иванов — Сухаревский “Рус мақсади” скин гуруҳи раҳбари Семён Токмаков билан битта камерага тушиб қолганидан кейин бу иш янада фаоллашиб кетди. Ушбу сатрлар ёзилаётган вақтда Иван — Сухаревскийга қарши иш ҳали ёпилмаган эди, бироқ у Давлат думаси депутатларига ҳамкорлик бўйича бошқа шаҳарларга чиқмаслик тўғрисидаги тилхат остида дастлабки ҳибсдан озод этилганди ва “Иймон, шоҳ ва ватан учун” сайлов блокнининг биринчи учлигига кирган эди. Ушбу блокнинг мунтақавий рўйхатларида қарийб ўнтагача скинҳед бор эди. (Блок давлат қайдномасидан ўтмаганди, чунки қонунда белгиланган муддатда банкда ҳисоб рақами очишга улгурмаганди.)

Скинҳедлар орасида ХМП ишининг хусусияти шундан иборатки, ушбу ташкилот тақирбошларни партияга сафарбар этишдан кўра кўпроқ улар орасида Иванов — Сухаревский кашф этган “русизм” мафқурасини ёйиш билан машғул бўлмоқда. Бу хийла ғаройиб ўнг радикал мафқура ҳисобланади, бунинг

устига у ҳар қандай оддий скинхед учун мақбул ва тушунарлидир. Дейлик, мудом проваславияга мойиллигини таъкидлаб келишига қарамай, русизм орийлар мажусийлигига хайрхоҳлик билан қарайди (миллий-социализм руҳида), чунки “ирқ иймондан афзалдир” ва “қон бирлаштиради, дин эса ажратади”. Русизм революциягача бўлган проваслав монархизми билан миллий-социализм орасига кўприк ташлайди: русизм қонунлари бўйича, XX асрда “икки буюк орий қаҳрамони” бўлган эди — Николай II ва Адольф Гитлер, бунинг устига Гитлер “большевиклар ва жидлар томонидан Николай IIнинг диний маросимига қурбонлиқ қилингани учун” қасос олган ва “жидлар қулга айлантирган Россияга Хоч-Свастика” тақишга ҳаракат қилган эди.

Москва, Петербург ва Воронежда скинларга таъсир қилиш ишида ўта ўнглр билан Эдуард Лимоновнинг Миллий большевистик партияси (МБП) мусобақа қилмоқда.

Бироқ ҳозирча у ушбу мусобақани бой бермоқда. Тўғри, МБП Петербургда айрим муваффақиятларга эришди, бу ердаги партия ташкилотида бир ярим йил аввал парчаланиш содир бўлганди, “янгиланган раҳбарият” юзлаб тақирбошни сафарбар этганди — ўшалар ҳам ҳозир “Гитлер капут!” деган қичқириқлар билан миллатчи-скинларни таъқиб қилганча шаҳар кўчалари бўйлаб қувлаб юришибди, қувиб етганларини хумордан чиққунча дўппослаб, калтаклашмоқда.

Дарвоқе тақирбошлар орасидаги неофашистлар муваффақиятларини кўпиртиришнинг ҳожати йўқ. Тақирбошлар аввалбошданок ирқчи бўлганлар. Пиво (ёки ароқ)га бўкиб олиш ва кўча ёки метрода биронта қоратанли талабани овлагани чиқиш уларнинг вақт ўтказишлари учун энг сеvimли машғулот бўлиб қолган. Интизом улар учун ёт нарса. Ўта ўнг ташкилотларга кирувчи скинларнинг кўпчилиги салдан кейин уни ташлаб кетишди: маст-аласт сандироқлаб юришдан кейин партия йиғилишларига бориш, фашистик “классиклар” таълимотини ўрганиш, тоқат билан газеталар сотиш ва ҳоказолар улар учун чидаб бўлмас машаққатга айланади. Бироқ барибир ўзгаришлар бўлмай қолмайди. Агар илгари скинлар америкаликлар ёки осиеликларни “мавҳум равишда” — терисининг ранги учун ва улар “бизга СПИДни юқтирганлиги” ва “гиёҳвандлик моддалари сотганлиги” учун калтаклашган бўлса, энди эса ҳар бир оддий скин “жидлар йўқ қилган рус миллати”, “жаҳон сионистик фитнаси” ва “Буюк Россиянинг келажақдаги уйғониши” ҳақида унча саводли бўлмаган, аммо жўшқин митти маъруза ўқишга тайёр.

Шуниси эътиборга молики, бизнинг ўта ўнглримизнинг кўпчилиги скинлар ўзларининг ғарб “ҳамкасабалари”дан бу борадаги тегишли йўл-йўриқларини олиб бўлишгандан кейингина улар билан ишлашни бошладилар. Сўнгги уч-тўрт йил ичида АҚШ, Германия ва Австралиядан бир неча бор неофашистик гуруҳларнинг вакиллари қадамранжида қилдилар, улар ёш тақирбошлар билан иш “тажрибасини ўртоқлашдилар”. Жумладан, АҚШдан Ку-клукс-клан ва НСДАП/АО дан “тақирбошлар билан иш олиб бориш бўйича мутахассислар”, Германиядан — “Викинг ёшлари” (ГФР да тақиқланган), Немис халқ уюшмаси, “Пўлат ниқоб” (бу ҳам ГФРда тақиқланган), Миллий халқ фронти, “Ўнглр уюшмаси” ва бошқа гуруҳлардан “мутахассислар” ташриф буюрдилар. Герман неонацистлари бизнинг ўта ўнглримиз ва скинларимизни Эстония, Латвия ва Литвадаги Кайт-селийт, “Омакойсе”, айзарг каби ўта ўнг ва парамилитар ташкилотлар орқали, қатор қотилликлар муносабати билан Латвия ҳокимият органлари тақиқлагунча эса “Пернокруст” фашистик ташкилоти орқали адабиётлар, экипировкалар, аудиокассеталар ва “кийим-бошлар” билан таъминлаб турдилар ва таъминламоқдалар. Ўша ернинг ўзида, Латвия ва Эстонияда Гитлернинг “Майн Камф” ва Альфред Розенбергнинг “XX аср мифлари” асарлари рус тилида чоп этилди. III Рейх маршлари ёзилган аудиокассеталар ўша жойда кўпайтирилмоқда.

Россия тақирбошларининг ўзлари ҳам ғарблик маслакдошлари билан фаол ҳамкорлик қилмоқдалар. Москвага ғарб скин-ой! — гуруҳлари, шунингдек тақирбошларнинг шунчаки делегациялари ҳам бир неча бор келиб кетдилар. Дарвоқе, қатор ҳолларда булар ростдан ҳам “соф” тақирбошлар эдими ёки ниқобланган неонацистлар эдими, аниқ айтишнинг иложи бўлмасди.

ТАҚИРБОШЛАР ТЕРРОРИ

Бизнинг тақирбошларимиз билан чет эл тақирбошларини бир-бирига таққосласа, қатор гаплар юзага чиқиб қолади. Энг биринчи тақирбошлар олтмишинчи йилларнинг охирида Англияда пайдо бўлган эди. Тақирбошларнинг бугунги қиёфаси — безори болакай, тўнка ирқчи, фашист ва антисемит деган нарсалардан уларда ном-нишон йўқ эди. Кўпроқ бунинг акси бўлганди.

Тақирбошларнинг биринчи тўлқини Британия ишчи туманларининг ўзига хос маданият тарзи бўлиб, у ҳам расмий буржуазия маданиятига, ҳам ўша йиллардаги аксилмаданиятга қарши норозилик билдирган ёш синфий маданият сифатида юзага келган. Ишчи туманларнинг ўсмирлари британия аксилмаданиятига “ўрта синф” оилалари ва бой оилалардан чиққан “она сути оғзидан кетмаган” болакай деб қарар эдилар — бу аксилмаданият уларни буржуа жамиятига қаршидек қилиб кўрсатувчи бой бекорчиҳўжалар учун эрмак бўлган.

Бошқа ғарб мамлакатларидаги исёнкор ёшлар фаолиятидан фарқли ўлароқ, кекса ва оққўнгил Англиядаги бутун ёшлар норозилиги “сувга уриб кетди”. Англияда ҳеч қанақанги оммавий ёшлар ҳаракати ёки оммавий ташкилот пайдо бўлмади. Мен Франция ёки Италиядаги баррикадалар ёки шаҳар партизанлари ҳақида гапириб ўтирмайман. Ҳаммасининг ўрнига рок-саҳна, “Битлз”, “Роллик Стоулз”, “Ху” ва муваффақият сари интилган бутун бошли рок-гурӯҳлар кўшини келди. Англиядаги хиппи ва байкерлар ҳақиқий эмасдек бўлиб кўринарди — аслида ҳам шундай эди: улар океан ортидагиларга тақлид қилишдан бошқани билмасди. Англия хиппилари асосан “пластик хиппи”лар, яъни “хонаки”, фақат уик-энд (ҳафтанинг сўнгги куни)дагина хиппилашадиган, ҳафтанинг барча қолган кунларида одатдаги ташвиш-тадориклар билан яшайдиган хиппилар эди. Байкерлар (уларни ўшанда “рокерлар” дейишарди) ҳам алоҳида “даҳшатли” маданият сари интилмагандилар: улар high middle class дан чиққан болалар бўлиб, оғир мотоцикл сотиб олиш учун бойликлари етарли эди. Улар бу мотоциклдан йилда бир марта, ёзда, Британия “рокерлари” денгиз бўйлари — Брайтон, Истборн, Борнмут туманларига ва бошқа курорт жойларига чиқиб кетадиган таътил даврларидагина фойдаланар эдилар.

Тўғри, Англияда 50-йиллар охири — 60-йиллар бошида икки “хонаки” ёшлар “тусовка”си — теллар ва модалар пайдо бўлди. Лекин улар кўп сонли эмасди. Улар ҳам, булар ҳам “ишчи зодагонлар”дан ёки “ўрта синф”нинг “қуйи учлиги”дан келиб чиққанлар, улар учун асосий нарса уларнинг кийимлари эди — қимматбаҳо ва оҳангжамали бўлган (ҳар бирида атиги бир жуфтдан бўлган). “Умумий истеъмол” болалари бойларга ҳаддан ташқари ҳасад кўзи билан қарар эдилар ва жуда бўлмаганда дам олиш кунларида уйдаги муаммолар, зерикарли ишлар ҳақида ўқитишга ва бой бекорчиҳўжалардек бўлиб кўришига ҳаракат қилар эдилар. Ҳар иккала тусовка ҳам бир-бирини жинидан ёмон кўрар ва қачон қарасанг мудом оммавий муштлашувлар уюштириб турар эдилар.

Тақирбошлар уларни ҳам, буларни ҳам ёмон кўрар эдилар — “ўз синфий нуфузларининг хоинлари” дер эдилар. Уларни айнан “хоинлар”дек калтаклар ҳам эдилар. Уларнинг синфий мансублиklarини таъкидлаш учун тақирбошлар ўз кийим усуллариини ишлаб чиқдилар: бу “донки” деб аталарди — иссиқ жун куртка ёки тери бурмали калта пальто (докерлар кийими), қалин матоли шим, узунлиги тиззадан келадиган “зут” пиджаги ва қурувчилар ва докерлар киядиган оғир, баландпошнали ботинка. “Она сути оғзидан кетмаганлар”нинг оҳангжамали сочларига қарши ўлароқ тақирбошлар сочларини калта қилиб олдиар, унда-мунда тутамлари бўлар эди — ўша пайтдаги узун сочли ёшлар уларни калака қилиб тақирбошлар деб чақирар эдилар. Тақирбошлар эса кейинчалик айнан шу номни ўзларига лақаб қилиб олганлар.

Энг қизиқ жойи шундаки, “биринчи тўлқин” тақирбошлари қоратанлиларни яхши кўрар эдилар. Улар Вест-индия ва Ямаканинг ска, реггей ва

¹ Аслида “тедди-бойз” ва “тедди-гёлз”, Teddy дан — Эдвард исмининг кичрайтирилган шакли; Британия қироли Эдвард VII (1901-1910 йилларда ҳукмронлик қилган) назарда тутилади; теллар қирол Эдвард замонидаги кийимлар модасига тақлид қилганлар.

рок-стедди “қора мусиқаси”ни жон деб тинглардилар. Клуб ва концертларда тақирбошлар мулатлар ва негрлар билан оғиз-бурун ўпишиб кетар эдилар — тўқнашув тўғрисида гап-сўз бўлиши мумкин эмасди. Вест-Индиядан келиб чиққанлар ўша маҳаллаларда яшар, ўша заводларда ишлар, ўша мактабларда ўқир, ўша “кокни”да¹ гапирар эдилар... 70-йиллар атрофида тақирбошларнинг рокерлар билан бўладиган аёвсиз муштлашувларида қоратанли вест-индияликлар англосакслар ва ирландияликлар билан елкама-елка туриб иштирок этар эдилар: ишчиларнинг болалари буржуазиянинг болаларига қарши жанг қиларди.

Кўп ўтмай тақирбошлар ғойиб бўлдилар: авлод балоғатга етди, оила қурди, бола-чақали бўлди, бундай ҳоллардаги тил билан айтганда, “ола хуржун бўйинга тушди”. “Иккинчи тўлқин” етмишинчи йиллар охирида юзага келди. Ишсизларнинг болалари, ишсизларнинг ўзлари, ҳаёт тарзи бузилган минтақалардан чиққан ўсмирлар ҳеч қандай истиқболни кўрмас эдилар — улар иш йўқлиги ва бўлмаслигини, пул йўқ ва бўлмаслигини билар эдилар. Улар ўзларига ўхшаганлар — аммо қўшни тумандагилар билан муштлашишни ягона кўнгилочар восита деб тушунардилар. Тақирбошлар кийимларидаги янгича тарзу тарҳ ана шу тарихқа қарор топди. Бу кийимдаги ҳамма нарса “стритфайтинг” — кўча муштлашувига мос қилиб ишланган: қалин қора жинси шим, арзон, пухта, уларда кир ва қон юқлари айтарли билинмайди; залворли, боғичли ҳарбийча ботинка, тагчарми ҳам нақд икки энлик қалинликда, югуришга ҳам қулай, муштлашувда тайёр яроқ ҳам, сочи устарада олинган ёки “под ноль” қилиб олинган бош ҳам рақиб ёки полиция сочидан тутамлаб ололмаслиги учун қулай... Бошқача қилиб айтганда, “биринчи тўлқин” тақирбошлари билан “иккинчи”си ўртасида номдан бошқа ҳеч қандай умумийлик йўқ эди.

70-йилларнинг охирида Буюк Британияда тақлид қилгани тақирбошлар учун тезда ибрат бўлган неофашистлар фаоллашдилар. Бошқа томондан, неофашистлар ҳам тақирбошлар орасида ғайрат билан иш олиб бора бошладилар. Фашистлар скин-клублар очгани пул берар эдилар. Хаваскор скин-гуруҳлар ошқора ирқчилик матнларидаги қўшиқларни кўйлай бошладилар. Тақирбошларнинг энг севган шиори “Британияни оппоқлигича сақлаб қоламиз!” шиори бўлди. “Наци-скин” тушунчаси шаклланди. Наци-скинларда ўзларининг соф тақирбошча “ой!” услубидаги мусиқаси пайдо бўлди. Шу орада ўз хонадонлари ичидан “биринчи тўлқин” тақирбошлари етишиб чиқди, улар оммавий ахборот воситалари томонидан “яхши номлари”нинг “фашистлар” дея ҳақорат қилинишидан ғазабга миндилар. Британия шаҳарлари кўчаларида “хип” ва “янги” тақирбошлар ўртасида аёвсиз муштлашувлар авж олди. Британия оммавий ахборот воситалари бунда жуда хунук иш қилиб қўйди, улар бу тўқнашувларни “наци-скинларнинг бир-бирига қарши тўдалари ўртасидаги уруш-тўполон” деб кўрсатишга зўр бериб уриндилар. Умуман, шов-шувлар қидириб топиш иштиёқида ёнган британия mass mediаси наци-скинларни шу қадар кенг реклама қила бошладик, Англиядаги биронта ҳам ёшлар ҳаракати бундай ша-рафга муяссар бўлмаганди.

“Эскилар” ва “янгилар”нинг бу кўча тўқнашувлари натижаси ўлароқ икки скин-ҳаракати пайдо бўлишига олиб келди — бир томондан наци-скинлар (“янгилар”), иккинчи томондан “ред-скинз”, “қизил скинлар” (“эскилари”). “Ред-скинз”лар наци-скинларнинг янги, хийла ўнғай кийимларини тўлиқ қабул қилганлар ва ташқи кўриниши билан улардан Ленин, Че Гевара, Нельсон Мандела суратлари ёки ўзлари мўлжал қилган ўз ташкилотлари ва сўлчи гуруҳлар номлари бўлган нишонлар билан фарқ қилар эди. “Ред-скинз”лар бугунги кунда Англия, ГФР, Франция, АҚШ, Польша, Испания (Басклар мамлакати)да фаол амал қилмоқдалар. “Ред-скинз”ларнинг жуда йирик халқаро бирлашмалари вужудга келди. Бироқ ғарб оммавий ахборот воситалари улар ҳақида лом-мим демаяпти, наци-скинлар ҳақида эса кўп ва тез-тез гапирмоқдалар ва ёзмоқдалар.

Саксонинчи йилларнинг биринчи ярмида наци-скинлар Скандинавия, Голландия, ГФР, Австрия, АҚШ, Канада, Австралия, сўнграқ Франция, Бельгия, Дания ва Швейцарияда пайдо бўлди.

¹ Оммалашиб кетган маҳаллий лаҳжа тили.

АҚШдаги ҳаракат тарихи диққатга сазовор. Биринчи тақирбошлар бу ерда етмишинчи йилларда урчий бошлаганди. Улар ирқчилар эмасди — тақирбош оқлар, тақирбош негрлар, тақирбош-пуэрторикаликлар, тақирбош яхудийлар, тақирбош лотин америкаликлардан ташқари аралаш ирқ таркибли гуруҳлар ҳам мавжуд эди. Барчалари аҳил-иноқ умргузаронлик қилаверишди ва узоқ вақтгача нима учун оммавий ахборот воситалари скинлар ҳақида фашистлар тўғрисида сўзлаётгандек сўзлашларини тушунолмади келдилар. Бироқ 1984 йилга келиб АҚШда ҳам наци-скинлар гуруҳлари пайдо бўлди. Америка тадқиқотчилари бир овоздан таъкидлайдиларки, АҚШдаги наци-скинларни америкалик оммавий ахборот воситаларини ўзлари юзага келтирганлар, улар Британия тақирбош фашистларининг “жасоратлари”ни зўр бериб реклама қилганлар. Бу борада, айниқса, телевидение, ёшлар журналлари, шунингдек “Бостон глоб” ва “Вашингтон пост” газеталари аянчли рол ўйнаган.

Европада наци-скинлар ҳаракатининг олдинги сафиди ГФР туради. Агар Британия ёки Америка наци-скинлари қоратанли ва осиеликларни калтаклаш билан шуҳрат қозонган бўлсалар, немис тақирбошлари қотилликлар билан ном чиқарганлар. Уларнинг қурбонлари одатда турклар ва курдлар — гастарбайтерлар, хорижий ишчилар бўлган. Тунисликлар, лўлилар, тамиллар ва покстонликларни ўлдирган ҳоллар ҳам учрайди. Баварияда ҳатто италян кишига ҳужум қилишган — скинлар унга бензин сепиб, ёқиб юборганлар. Турк ва курд маданият ва ёшлар марказлари, барлари ва қаҳвахоналарига ҳужум қилиш мунтазам тус олган. Шуниси қизиқки, наци-скинлар турк фашистик Миллий ҳаракат партиясининг маҳаллий бўлимига ҳеч қачон ҳужум қилмаганлар.

“Шарқ блоки” инқирозга учрагандан кейин тақирбошлар Польша, Чехия, Венгрия, Хорватия, Словения, Болгарияда пайдо бўлди. Айниқса наци-скинлар Чехия ва Хорватияда кўп учрайди. Бу ерларда одатда лўлилар террор қурбони бўладилар. Чехияда тақирбошларнинг лўлилар устидан зўравонлик қилишлари ижтимоий ҳаётнинг доимий манзараси бўлиб қолган. Бир куни наци-скинлар ҳатто лўлилар устига ёпирилиб ҳужум қилганлар, йигирмата лўли эса даҳшатли ажал билан ўлган — устларидан бензин куйиб, тириклай ёқиб юборишган. Хорватияда иш шу даражага бориб етдики, тақирбошлар терроридан жон сақлаш ниятида мамлакатдан деярли барча лўлилар чиқиб кетган (дарвоқе, Хорватияда наци-скинларга ўзининг фашизмга мойиллиги билан танилган президент Тужман ҳомийлик қилган.)

ЖАМИЯТ КЎЗ ЮММОҚДА

Ғарб наци-скинлари ҳақида нелар маълумлиги нуқтаи назаридан, мамлакатимизда тақирбошларнинг пайдо бўлиши гарчи ҳокимиятларни бўлмаса-да, ҳеч бўлмаганда жамоатчиликни ташвишга солиши керак эди-ку. Бироқ бошқа майда-чуйда мафкуралашган ёшлар бачкиларидан фарқли ўлароқ (хиппилар, байкерлар, брейкерлар, трешерлар, “ишқорчилар” ва ҳоказолар, улар билан мамлакатимизда ё кураш олиб бордилар, ёки ҳеч бўлмаганда матбуотда батафсил ва кенг ёритиб бердилар) Россиядаги тақирбошлар “катта ёшлилар” олами учун номаълум ва афтидан сўзлаш мумкин бўлмаган мавзу бўлиб қолмоқда. Нафақат матбуот улар ҳақида ёзмасликка ҳаракат қилмоқда, балки ватан академик фани ҳам уларни ўрганишни истамаяпти. Дейлик, Англияда, тақирбошлар мамлақатида улар ҳақида уч юзтача китоб ва минглаб мақолалар ёзилди. АҚШ да “ред-скинз”лар ўрнига наци-скинлар келишга улгурмай туриб ўша заҳоти мукамал тадқиқот эълон қилинди ва бу тадқиқот ҳукумат томонидан маблағ билан таъминланди ва полиция ҳамда бошқа федерал хизматлар учун махсус китоб қилиб чоп этилди. Бизнинг мамлакатимизда тақирбошлар сезиларли ва моҳиятан оммавий ҳодисага айланишига қарамай ҳеч ким улар билан шуғулланмаяпти.

Бир томондан, бу мутлақо тушунарли. Бизнинг социологларимизнинг кўпчилиги ўрта ёшдаги аёллардир, улар тақирбошларга яқин боришга қўрқадилар: скинлар — ўзлаштирилган ёшлар гуруҳлари ичида энг тажовузкорлари бўлиб,

уларга “Нима учун сизлар негрларни ёмон кўрасизлар?” деб савол бергудек бўлсангиз, башарангизга мушт туширишлари ҳеч гап эмас... Тирикчилик учун аллақачон ўзлаштирилган иш — Россия бозори хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилаётган гарб фирмалари буюртмалари бўйича фокус-гурӯҳлар ўтказиш тайёр турганда “дала тадқиқотлари” билан шуғулланишни ким қўйибди?

Ёшлар муаммолари билан астойдил шуғулланаётган олимлар, масалан, Ёшлар институти олимлари тақирбошлар ҳақида савол берсангиз, кўзларини олиб қочадилар, уҳ тортадилар ва тадқиқотга пул йўқлигини тушунтирмоқчи бўладилар — давлат пул бермайди, турли жамғармалар эса бу мавзуга нимагадир грант ажратмайдилар. “Совет даврида бизга хиппилар кимлигини аниқлашга фармойиш беришганда...” — дея ўйчан ҳолда эслаб кетди... Ёшлар институти қошидаги Илмий-тадқиқот марказининг бир ходими...

Ҳокимият ҳам, хусусан, матбуот ҳам узок вақт тақирбошлар террорини умуман сўзламасликка ҳаракат қилдилар. Боз устига, шундай таассурот туғилдики, милиция ҳам, ҳокимият ҳам тақирбошларнинг тарафини олмоқда. Москвада ўқиётган Жанубий Корея Ассоциацияси президенти Чой Юн Шик ва Хорижий талабалар Москва Ассоциацияси президенти Габриэл Котчофа бир овоздан таъкидлайдиларки, Москва милицияси ўн марталаб, балки юз марталаб скинлар қурбони бўлган хорижий талабаларнинг жиноий иш кўзғаш ҳақидаги талабларини рад этганлар. Жамоатчилик билан алоқа қилиш ФХХ Марказидан полковник Михаил Кирилин ва ИИШБ матбуот хизматидан Владимир Вершиков “Moscow Times” газетаси муҳбирига бир овоздан айтдиларки, уларнинг хизмати скинларда бирон-бир хавфли нарсани кўришмайди. Эҳтимол, скинларнинг бўлиши кимларгадир фойдалидир, чунки уюшмаган тақирбошларга ўз жиноятларини тўнкаш мумкин-да. Масалан, 1997 йил май ойидаги Подмосковьеда тожик қочоқлари лагерига қилинган ҳужум айнан скинларга тўнкалганди (ўшанда бир гўдак ўлдирилганди), ҳолбуки лагерга мутахассис жиноятчилар ҳужум уюштирганди.

Турли нашрлар (“Век”, “Деловой вторник”, “Трибуна” газеталари) тақирбошлар ҳақидаги мақолани эълон қилишдан бош тортганлигига кўплаб мисолларни келтириш мумкин, улар тақирбошларни “одам қаторида” санамас, ҳодисани “тасодифий ҳол”, мавзунини эса — “бўрттирилган шов-шув” деб баҳолаган эдилар.

Бироқ ҳокимиятлар тақирбошлар террорини ҳисобга олишга, либерал матбуот эса тўқнашувларни ёритишга мажбур бўлган пайтда ҳам наци-скинларнинг ирқий зўравонлиги ошқора ва ҳайратомуз тарзда “оддий безорилик”ка айланди. Дейлик, 1998 йил 17 октябрда тақирбошлар гуруҳи Гвинея-Бисау Республикаси элчисининг ўғлини ваҳшиёна калтаклайдилар. Уларни ўткинчилар тўхтатиб қоладилар, уларнинг ёрдамида иккита — ўн олти ва ўн саккиз яшар скин қўлга олинади. Бироқ милиция бу калтаклаш жабрдийданинг териси ранги билан боғлиқ эмас деб айтган, “Москва комсомоли” газетаси эса “Гвинея-Бисау элчисининг ўғлини ирқий маънода калтаклашмаган” деган чиройли сарлавҳа остида мақола эълон қилди...

Скинларга нисбатан сукут сақлаш (ва зимдан қўллаб-қувватлаш) сиёсати тақирбошларнинг бегуноҳлиги тўғрисидаги фикрга олиб келди. 1998 йил апрелида Москва газеталари таҳририятлари фахслар тарқатдилар, уларда Гитлер туғилган кунни навбатдаги нишонлаш чоғида улар “ҳар куни биттадан негрни ўлдиражақларини” айтганлар, газеталарнинг кўпчилиги бу огоҳлантиришга эътибор бермади, “Независимая газета”га ўхшаб муносабат билдирганлари эса буни қандайдир ажиб, аммо жиддий бўлмаган воқеа деб қабул қилдилар. Аслида ўша баҳорда Москвада Россия скин-ҳамжамияти тарихида биринчи марта ҳаракатлар бирлигининг халқаро ташвишга сабаб бўлган мувофиқлаштирилган кампанияси ўтказилди — ЖАР, Бенин, Судан, Ҳиндистон ва Нигерия элчихоналари тақирбошлар террори муносабати билан РФ ТИВга расмий норозилик ноталари юбордилар. Бироқ ватан оммавий ахборот воситаларида бу кампания кўламини баҳолашга ҳеч ким ҳаракат ҳам қилмади — бу орада эса Хорижий талабалар Ассоциацияси ҳисоб-китоблари бўйича фақат қоратанли талабаларга 20 апрелдан сўнг бир ой давомида ўртача кунига тўрт жиноят содир этилган. Бир негр ўлдирилганди ва унинг жасади Данилов бо-

зори туманидаги канализация люкига ташлаб юборилганди. Милиция бу ҳодисани тақирбошлар “ойлиги” билан боғлашни истамаганди.

Бундай боғлиқликни кўрмасликка бу қадар тиришиш керакмиди? Покистонлик дипломатлар оилаларидан икки хотин ўша кунлари Арбатда йигирмата тақирбош томонидан аёвсиз калтакланди. Ўша туманда ўша вақтда милициянинг совуққонлиги билан скинлар томонидан Ҳиндистоннинг иккиқат аёли ваҳшиёна калтакланди, оқибатда аёл бола ташлаб қўйди. Ниҳоят, май ойида Филида АҚШ элчихонаси қоровулларидан қоратанли денгиз пиёда аскарари Уильям Жефферсон калтакланган ва касалхонага ётқизилганди. АҚШ — “учинчи дунё” мамлакати эмас. Биринчи марта милиция тезкорлик кўрсатиш ва айбдорни тутишга мажбур бўлди. У “Русская цель” скин-гуруҳи раҳбари йигирма икки ёшли Семён Токмаков эди (дарвоқе супермен бўлиб кўринишга ҳаракат ҳам қилмасди у). Кейин скинлар гуруҳи маъруза ўқиш учун Москвага келган Буюк Британия Социалистик партияси Бош секретари Питер Таффга ҳужум қилди. Социалистик партия бу ҳодиса ҳақида бутун жаҳон оммавий ахборот воситаларига факслар тарқатди. Жанжал кўтарилди. Скинлар ҳақида “Москоу таймс” газетаси ёзиб чиқди ва Станислав Кучер ТВ-6 даги дастурида ҳикоя қилди. Энди Москвадаги ирқий террор воқеалари ҳақида сукут сақлаб бўлмас эди.

Ҳа, С.Токмаков воқеа содир бўлган жойга етиб келган ТВ суратга олиш гуруҳига ўзи интервью бергани учунгина қўлга олинганди. Интервьюда Токмаков ўзининг ирқчилик қарашлари ҳақида ҳикоя қилганди ва негрлар — бу “касофат” деганди. Ҳатто бу ёзувга эга бўлган ҳолда милиция Токмаковни роса икки кун “қидирди” ва шундан кейин узоқ вақтгача ҳодисанинг ирқчилик характерини инкор этишга ҳаракат қилди.

“Токмаков иши” яна шу нарсага имкон бердики, тақирбошлар ўзларининг “ҳақлиги” ва бегуноҳлигини исботлаганлар: ватан оммавий ахборот воситалари “иш”га жуда оз эътиборни жалб этдилар, лекин фарб журналистлари Токмаков ва “Рус мақсади” гуруҳини нафақат энг машҳур Россия тақирбошлари қилиб кўрсатишди, балки скин-ҳамжамияти гуруҳи обрўйини гоят кўтариб ҳам юборди. Бу шу билан тугадикки, “Рус мақсади” аъзолари фақат доллар эвазигагина фарб журналистлари фикрига қўшилдилар.

С.Токмаков устидан суд ҳаддан ташқари узоқ — 1998 йил 9 сентябридан 1999 йил 27 сентябригача давом этди ва шу нарса билан тугалландики, у шартли равишда қамоққа олинди ва суд залининг ўзидаёқ озод қилиб юборилди. Янги туғилган “қахрамон” Баркашовнинг “ўзи” бошчилигидаги “Спас” сайлов бирлашмасининг минтақавий рўйхатига тушди (маълумки, рўйхат Адлия вазирлиги саъй-ҳаракати билан жанжаллар остида қайддан чиқариб ташланган эди).

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, булар барчаси қандай тамом бўлиши керак бўлса, ўшандай тамом бўлди: скинлар “қора”ларга ҳужум қилишдан энди “оқ”ларга ҳам ҳужум қилишга ўтишди. Питер Тафф билан бўлган ҳалиги воқеа биринчи ва охиригиси эмасди. Тақирбошларнинг дастлабки қурбонлари сўллар ва энг аввало наци-скинлар ёшлар орасида мудом “рақобатчилар” сифатида тўқнашиб юрадиган анархистлар бўлди. Сўнгги икки йил давомида Россиянинг турли шаҳарларида скинлар кўчаларда ҳам, уйларда ҳам уларга мунтазам равишда ҳужум қилиб келмоқда эдилар.

Атиги иккитагина мисол келтирамиз. 1998 йил баҳорида ўнгача скин “Ишчи Интернационал учун Кўмита” троцкийча гуруҳ томонидан ўтказилган очиқ маърузага Маяковский музейига келди ва эшиқдан туриб: “Ким яҳудий бўлса, бу ёққа чиқсин!” деб қичқирди. Жавобан уларга ҳамма бараварига: “Бу ерда ҳаммамиз яҳудиймиз!” — деб қичқирди ва баравар оёққа турди. Кучлар тенглигини чамалаб кўргач — залда олтмиштacha одам бор эди — тақирбошлар ғойиб бўлишди.

Ўша йилнинг ёзида скинлар Че Гевара сурати солинган “Rage Against the Machine”¹ рок-гуруҳи дискаси муқоваси тасвирланган майка кийганлиги учунгина москвалик ўқувчи Илья Будрайтскисни метрода калтаклаганлар. “Ҳа мараз!

¹ Машинага қарши исён (ингл.)

— қичқирган тақирбошлар. — Лаънати коммунист Че Геварани кийиб олиб-санми! “Rage Against the Machine” да ҳам коммунистлар, у ерда негр рақс тушяпти!” Асли литвалик бўлган Будрайтскиснинг ўзи куйиб қўйгандек орийларга ўхшарди, лекин бахтга қарши унга сиёсий жиҳатдан гоят саводли скинлар рўпара келиб қолганди.

Бироқ бу мавзу ҳам ватан матбуотида тақиқлаб қўйилганди. Бир қанча нашрларда мен бир хил вазиятларга дуч келдим. Бир таҳририятда тақирбошлар ҳақидаги менинг мақоламни қайта ишлашимни талаб қилишди, чунки унда ҳозирги ҳокимиятларнинг Россия тақирбошларига нисбатан совуққонлик қилаётганлари ҳақида сўз юритиларди (“демократик ҳокимият”ни ҳақорат қилиш мумкин эмас экан, бу “коммунистлар тегирмонига сув қуйиш” бўларкан), шунингдек, тақирбошларнинг сўлларга ҳужумлари ҳақида гапириларди (бу айниқса таҳририятга ёқмасди). “Ғоявий жиҳатдан мўртларни” ҳисобдан чиқариб ташлаш кўзда тутилганди. Совет тарзидаги мафкуравий цензурага мен рози бўлмадим. Мақола чиқмади. Бошқа бир нашрда скинлар ҳақидаги унча катта бўлмаган шарҳ мақоладан сўлларга қарши наци-скинлар террорининг барча мисоллари обдон териб олиб ташланганди. Афсуски, цензуранинг бу аралашуви ҳақида мен мақола чиққандан кейин билдим, холос. Уша тажрибадан кейин беихтиёр шундай андишага борасанки, бизнинг айрим либералларимиз тақирбошларнинг борлигидан манфаатдорлар, ҳозирча тақирбошлар сўлларни калтаклаётдилар ва уларнинг ўзлари, яъни либералларга тегишмаяпти.

Мамлакатимиздаги воқеалар худди Чехия ва Польшадагидек ривожланмоқда. У ерда ҳам наци-скинлар аввал “қора”лар (лўлилар)ни урган эдилар, кейин анархистларни савалашга тушиб кетишганди, энди эса улар “фаолиятидан” хуноби ошган одам борки, оқ калтак-қора калтак қилмоқдалар. Бироқ Чехияда наци-скинларга маҳаллий анархистлар қарши туришади, улар, биздагидан фарқли ўлароқ, “қаттиқ” ва ўч олишда тезкордир. Бир ярим йил аввал қовоқхонада скинлар ҳужумга дуч келган бир чех анархисти шартта тўппончасини чиқарган-да, иккита тақирбошни отиб ташлаган, шундан кейин, табиийки, қамалган. Польшада эса наци-скинларга “ред-скинз”лар қарши туради.

Россияда “ред-скинз” деярли йўқ. Уларнинг кичик-кичик гуруҳлари яқинда Белгород ва Воронежда пайдо бўлди. Краснодар анархистлари саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган “ред-скинз” гуруҳи маҳаллий наци-скинларни боғлаб урган, бироқ 1998 йил кузига келиб “муваффақиятлардан боши айланиши” сабабидан барҳам топган. Бошқа мисоллар йўқ.

Ҳокимиятлар эса наци-скинлар билан кураш олиб бормади. Тақирбошларга қарши тарғибот ҳам йўқ. Ҳукумат телевидениеси сўнгги йилларда шахтёрларни, америкаликларни, коммунистларни, ваҳхобийларни — қўнғлига келган ҳар кимсани қоралади-ю, фақат фашистлашиб бораётган тақирбошлардан оғиз очмади. Мактаб тарбияси йўқлиги ҳақида юқорида гапириб ўтдик. Менда шундай тасаввур пайдо бўладики, ҳокимиятлар билиб туриб ёки билиб-билмай ўсмирларнинг кўр-кўрона фашистлашуви билан кураш олиб бормаётир.

Наҳотки, ҳокимият тепасида турган бизнинг либералларимиз Ғарбий Европадаги 20-йилларда улар маслакдошлари юрагини қамраган “буюк қўрқув”дан дағ-дағ титраётган бўлишса? Бунинг оқибати ёмон бўлганди. Асрнинг биринчи ярмидаги итальян ва немис либералларининг кечиккан шикоятларини бир неча бор ўқиган эдим — мана қаранг-а, биз бу фашистлар коммунистларни савалайди, уларни ер тишлатади, “қизил хавф”дан қўшимча ҳимоя бўлади, шунинг учун биз уларнинг “жасоратлари”дан қўз юмган эдик, шунинг учун биз уларга пул берган эдик, улар эса, ноинсофдирлар...

Тақирбошлар террори билан бевосита муносабатда бундай кечиккан оҳвоҳлар Польша ва Чехияда ҳам қулоққа чалинмоқда. Мана, масалан, “Солидарность”нинг ўтмишдаги кўзга кўринган арбоби Анжей Словик шундай нолийди: “Мафкуралаштирилган гуманитар фанларни ўқитишни тугатишга муваффақ бўлганимизда биз тўғри иш қилаётганимизга имонимиз комил эди: янги дарсликлар йўқ эди, янги, нокоммунистик концепциялар ишлаб чиқилмаганди. Ҳаммасини черков эгаллаб олишини биз туш кўрибмизми? Тагин қанақа черков денг — одамлари ўрта аср онгидаги ўта ўнг кучлар! Болаларимиз сочларини олдириб ташлайдилар, Отто Скорцени таржимаи ҳолини

қироат қиладилар, свастикали чарм куртка киядилар ва “Поляк католикдир!” деб ҳайқирганча лўли ва украинларни савалайдилар деб кимнинг хаёлига келувди?”

Чехословакиядаги “бахмал революцияси” фаоли Франтишек Квасничка унга ҳамоҳанг равишда нидо қилади: “Биз жамоатчилик онги дастагини ўнгга кескин буриб юбордик. Бизга сўл ғояларга дахлдордек бўлиб кўринган ҳамма нарсани жон-жаҳдимиз билан нари ҳайдадик, бу хоҳ руҳий тенг ҳуқуқлик ғояси бўлсин, хоҳ шунчаки “бирдамлик” сўзи бўлсин, қараб ўтирмадик. Уруш тарихини (Иккинчи жаҳон уруши — А.Т.) ва оккупацияни энг кам даражагача қисқарттирдик, бой ғарб кўшнимизни (Германияни — А.Т.) ранжитгимиз келмади, гусчилар урушини ўрганиш — коммунистлар уларни шарафлашни севар эдилар, мактабда мустамлакачилик босқинчиликлари ҳақида гапирмай қўйдилар, бинобарин негр ва ҳиндлар ҳам биз, европаликлар каби одамлар экани тўғрисида гапирмай қўйдилар... Кокилдорларни (тақирбошларни — А.Т.) биз ўзимиз юзага келтирдик, лўлилар устига қилинган ҳужумлар ва йигирмата лўлининг ўлиб кетиши учун биз ўзимиз айбдоримиз (тақирбошлар тириклайин ёқиб юборган чех лўлилари кўзда тутилмоқда. — А.Т.).”

Афтидан, бизнинг либералларимиз ўзгалар тажрибасини ўрганишни истамайдилар, шекилли.

РОССИЯ ФАШИЗМИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

1994 йил ёзида Россия матбуотида бугун бўлмаса эртага ҳокимият тепасига фашистлар келади деган навбатдаги васваса авж олганда мен “Янги кундалик газета”да “Фашистик Россия” ҳақида афсона” мақоламни эълон қилгандим, унда яқин кунларда фашистлар ҳеч қанақасига галаба қозонолмайдилар ва бундай бўлиши мумкин ҳам эмаслигини айтиб ўтгандим, бунга қуйидаги сабабларни кўрсатгандим:

Қиёсий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, фашизм галабаси учун кўпгина омиллар талаб этилади:

фашизмнинг ижтимоий базаси — “ўрта синф” мавжудлиги, узоқ давом этган сиёсий бўҳрон мавжудлиги;

революцион вазиятлар мавжудлиги (бонапартизмга ўтиш босқичида ёки бошқа ҳолларда — революцион диктатура ўрнатиш хавфи босқичида);

оммавий фашистик ҳаракатлар мавжудлиги (юз минглаб ва миллионлаб миқдорда), улар ўз қуроли отрядларига эга бўлиши, жамиятда оммавий-сиёсий террорни авж олдирилиши, армия ва ёки полиция томонидан қурол билан таъминлаб турилиши ва қўллаб-қувватланиши;

йирик хусусий саноат ва молиявий маблағ билан таъминланиши.

Фашизм галабаси учун фашистик ҳаракатлар ягона мафқурани ишлаб чиққан бўлишлари талаб этиларди, боз устига бу мафқура аллақачон синов босқичидан ўтган ва кенг оммага ёққан бўлиши керак. Яна нуфузли демократиянинг ахлоқий жиҳатдан ўзини обрўсизлантириб қўйиши, жамиятда милитаристик ғояларни, урушқоқ миллатчиликни, элитаризм ва маданий инқирозни кенг тарқатмоғи лозим бўлади.

Ўшанда Россияда бу барча омиллар йўқ эди. Сиёсий террор келтириб чиқарувчи қуроли отрядлари бўлган ягона оммавий фашистик ҳаракат ўрнига кўплаб майда-чуйда, бир-бирининг гўштини ейдиган фашистик ва фашист-параст мазҳаблар бор эди, улар оммага ҳеч қандай таъсир кўрсатолмайдилар, на фақат раҳнамолар ва шиорлар даражасида, балки турли фашистик (фашист-параст) мафқуралар даражасида мусобақалашидан ўзгага ярамайдилар. Ирқчи, ижтимоий-дарвинчи, геополитик ва ҳоказо ғояларни кенг тарғиб қилиш йўқ эди. Ғарб тушунчасидаги “ўрта синф” йўқ эди — унинг советча кўриниши эса иқтисодий ислохотлар зарбалари остида чирпирак бўлиб ўчиб кетганди. Россияда ўшанда йирик саноат ва молиявий хусусий маблағ йўқ эди, нимагадир у фашистлар қўллаб-қувватлашидан манфаатдор эди. Фашистларнинг армия томонидан қўллаб-қувватланишига мисоллар йўқ эди, жамият милитаристик тарғиботга салбий назар билан қарарди (аксинча, армия доимий тан-

қид мавзуи бўларди), расман рағбатлантириладиган (ёки ҳеч бўлмаганда расман бардош берадиган) урушқоқ миллатчилик йўқ эди ва ҳоказо ва ҳоказо.

2000 йилга келиб вазият ўзгарди. Биринчидан, мафкуравий жиҳатдан турли фашистик ва фашистпараст ташкилотлар ва гуруҳлар яқинлашуви ёрқин тус ола бошлади. Барча ўта ўнглр учун мақбул бўлган ғоялар доираси ишлаб чиқилди: буюк ҳокимиятчилик, империя шаклидаги рус миллатчилиги, антикоммунизм, антилиберализм, антиамериканизм, православия, антисемитизм ва ирқчилик (“орий” вариантыда).

Иккинчидан, Россиядаги нуфузли демократия ҳалокатли даражада ўз обрўйини бой берди, “демократ” сўзи ҳақорат бўлиб қолди, сал бўлмаса “ўғри” сўзининг иккинчи кўриниши тусини олди, жамиятда милитаризм қайта жонланди, армияни кўкларга кўтариб мақтала бошланди, уни танқид қилинмай кўйди; бир вақтнинг ўзида геополитика ва ижтимоий дарвинизмни қайта тиклаш содир бўлди (афсуски, ижтимоий-дарвинча ғояларни “муваффақият генлари”, “ишбилармонликка нисбатан биологик жойлашув” ва ҳоказо ҳақида оммавий сўзлашга киришиб кетган неолибераллар қалқон қилиб кўтариб чиқдилар). Элитаризм ва маданий инқирозга келганда, дастлабки жамиятга “олигархлар” томонидан тиқиштирилган ўйин қоидалари билан шакллантирилган эди, энди эса 80-йиллар охири — 90-йиллар бошидагидан фарқли ўлароқ (“оммавий демократик ҳаракатлар” даври) табақачилик ва элитар маҳдудлик олқишланмоқда ва шарафланмоқда (бу эса жамиятда тенгхуққилик ғояси ўрнига элиталар алмашуви қарор топди дегани); маданий инқироз эса тутуриқсиз матбуотлар, TV даги “совун кўпикли опералар” ва саҳнадаги “попса”лар билан таъминланади.

Учинчидан, фашистларда пул пайдо бўлиб қолди. Қаердан — бу фашистларнинг обдон кўриқланадиган сири. Фақат РНЕ гина бу саволга жавоб беради: ишлаб топишган — ва ўзларининг кўплаб муҳофаза қилинадиган корхоналарига суянишади. Қолганлар истар-истамас иқрор бўлишга мажбур бўлишади: пулни бизнесменлар беришяпти. Бу ҳам Гитлерга ва Муссолинига бериладиган пуллардан эмас, бироқ бу энди бошқача вазият: Россияда фашистларни молия билан таъминлайдиган хусусий капитал пайдо бўлган.

Тўртинчидан, ҳокимиятлар фашизмни ҳимоя қилиб чиқа бошладилар. Ҳозирча бу фақат олис вилоятларда яққол кўринади (Краснодарда, Воронежда, Саратовда, Самарада ва ҳоказо) — ва ҳар доим ҳам вилоят раҳбарияти даражасида эмас, балки кўпинча унга бўйсунадиган тузилмалар даражасида (одатда ҳуқуқ-тартибот органларида, бу, масалан, Воронежда яққол кўринади). Шу нарса диққатга сазоворки, шундай симбиоз (икки хил вазият) ҳақида сўзловчи марказий газеталарнинг кўплаб мақолалари ҳеч қандай оқибатга олиб келганича йўқ, ҳолбуки неолибералларнинг “Янги Известия”сидан тортиб коммунистпараст “Совет Россияси”гача бўлган турли газеталарда ўнлаб мақолалар эълон қилинди.

Бешинчидан, биринчи Чеченистон уруши даврида давлат даражасида империяча ғоя ва буюк давлатчилик миллатчилиги қайта уйғонди, бу эса фашистларга жуда кўл келди. Ҳарб “бизга доим ёрдам беради” деган хомхаёлнинг барбод бўлиши ҳам буюк давлатчилик ва миллатчилик кайфиятининг ўсишига имкон туғдирди. Россиянинг “учинчи дунё” мамлакати даражасига тушиб қолиши ва биринчи Чеченистон урушида мағлуб бўлиши бундай кайфиятни тагин-да жўшдириб юборди. “Миллий ғоя” яратиш борасидаги ҳукумат тутган йўл ёки “Мустақиллик куни”нинг “Россия куни”га алмаштирилиши худди шундай руҳдаги воқеалар сирасига киради. Югославия туфайли Ҳарб билан келишмовчиликка бориш ва иккинчи Чеченистон уруши вақтидаги расмий буюк давлатчилик даъволари ўша йўналишдаги навбатдаги ва ошқора қадамлардир. 1999 йил кузидан бошлаб барча ўнг радикал наشرлар бир овоздан премьер министр Путин ҳозир улар бир неча йил муқаддам ёзган нарсаларни гапирмоқда дея кўкракларига уриб мақтанишлари тасодифий эмас-да!

Олтинчидан, армия миллий-ватанпарварлик, фашистпараст ташкилотлар — казак бирлашмалари (Россия жанубида) билан бевосита алоқага киришиб кетгани маълум бўлди. Бу ҳаракатдаги армия урушқоқ миллатчи ташкилотларни

ўқитган, кийим-кечак билан таъминлаган ва қуроллантирган айнаи ўша маълуму машҳур воқеадир.

Ниҳоят, еттинчидан, фашистлар ўз “ижтимоий асос”ларини топдилар — бу ёшлардир. Бу нафақат тақирбошлару казакларнинг болалари. Барча ўнг радикал ташкилотлар таркиби кескин ёшарди, ёшлар ҳисобига уларнинг сони ҳаддан ташқари ортиб кетди. Мактабларда тарбия мутлақо тақиқлаб қўйилган, таълим тизими барбод топаётган, ишсизлик ўсаётган, индустриалаштириш издан чиққан, қашшоқлик авж олган, умумий мафкуравий ва ахлоқий бўҳрон давом этаётган, ёшлар келажакдан маҳрум бўлган бир вақтда улар жуда осонлик билан фашизм ўлжасига айланишга маҳқум этилган. Бунинг устига фашизмга энг ёмонлар бормайди. Булар “игнада” ёки қамоқхонада ўтирадилар. Фашизм ҳузурига борганлар, гарчанд гоят жўн даражада бўлса-да, қандайдир катта мақсадларни кўзда тутган бўладилар.

Мутахассис сифатида фашизмни миридан-сиригача ўрганиш билан машғул бўлган мендек одамни ғарб фашистларининг Россия фашистларига кенг миқёсда ёрдам кўрсатаётгани ташвишга солмай иложи йўқ. Бу ҳақда айтиб ўтган бўлсам-да, яна такрорлашга мажбурман. Россияга АҚШ ва ГФРдан бизнинг ўта ўнглариимизни “ёшлар билан ишлаш” малакасига ўргатадиган эмиссарлар мунтазам танда қўйиб турибди. Тажриба алмашаётган немис неофашистик ташкилотларининг биргина рўйхати кишини ҳангу манг қилиб қўяди: “Комбат-18-Дойчланд”; “Немис фаол гуруҳи”; “Дойче-Русише Гемайншафт”; Миллий-демократик партия; “Штайнер ўртоқлик корпорацияси”; “Викинг”-лар ёшлари”; “Пўлат ниқоб”; Немис халқ уюшмаси; Миллий халқ fronti... Немис неофашистлари ўз гоёларини ёшлар орасида — хусусан Германиянинг шарқий ерларида тарғиб қилишда катта муваффақиятларга эришганлар. Уларнинг ўз россиялик маслақдошларига айтадиган гаплари кўп.

Албатта, бу ҳали фашизм пишиб етилди деган гап эмас. Аввалгидек фашистлар ғалабаси учун зарур бўлган кўплаб омиллар етишмайди. Бироқ фашистик ҳаракатларнинг Россия сиёсий майдонида жиддий ва узоқ вақтгача қарор топишига имкон берувчи вазият мана мен деб турибди — у курашнинг парламент услубиётини назар-писанд қилмасдан ҳам муваффақиятли равишда ривожлана бориши ҳеч гап эмас. Энг хавфли томони шундаки, фашистлар айнан ёшлар муҳитида ўз таъсирларини кучайтирмоқдалар. Бугунги кунда Россияда ёшларнинг камида тўрт фоизи сиёсатга фаол ва онгли равишда қизиқади. Уларнинг ярмидан кўпроғи айнан фашизмга ён босади. Агар иш шу таҳлитда давом этаверса, Россия давлати ёшларимизнинг бир томондан, сиёсий кўр ва нашаванд кўпчиликка, иккинчи томондан, сиёсий жиҳатдан фаол фашистлашаётган озчиликка бўлиниб қолишига гувоҳ бўлмоғи тайин.

Бундан кейин нима бўлишини ўйласа, кишининг юраги орқасига тортиб кетади.

1998 йил 27 январь— 1999 йил 14 декабр.

Амир ФАЙЗУЛЛА
таржимаси.

“Дружба народов” журналининг
2000 йил феврал сонидан олинди.



Пабло НЕРУДА

Хотиралар

Мен олган Нобел мукофотининг тарихи узун. Кўп йиллар давомида мукофотга номзодлар рўйхатида бўлганман, бироқ бундан натижа чиқмаган.

1963 йилдаги ҳолат анча жиддий эди. Радиодан бир неча марта хабар бериб, Стокгольмда менинг номзодим муҳокама қилинаётгани ва мен лауреат бўлишим энг эҳтимоллиги ҳақида айтишди. Шунда мен ва Матильда уйимизни ҳимоялаш бўйича ўзимиз ишлаб чиққан №3 режани ишга солдик. Уйга егуликлардан, қизил винодан ғамлаб олиб, эскириб кетган дарвозамизга каттакон қулф илдириб қўйдик. “Таркидунёчилик” узоққа чўзилиб кетиши эҳтимолидан Сименоннинг бир неча детектив рўмонларини топиб қўйганман.

Журналистлар кўп кутдиришмади, ёпирилиб келишдию отнинг калласидек бронза қулфни кўриб, қотиб қолишди. Улар тош девор ортида ўлжасини пойлаган қоплондек юришди. Нимадан умид қилишдийкин? Дунёнинг нариги чеккасида Швеция академиклари олиб борган мунозаралар ҳақида мен уларга нима ҳам дея олардим? Бироқ, журналистлар “қуруқ ёғочдан сув сиқиб чиқариш” умидини йўқотмаган эдилар...

Кечқурун бизниқига Швеция элчиси аёли билан келди. Улар, мен Нобел лауреати бўлишимга ишонганидан, ютуғимни табриклаш учун бир сават вино ва тансиқ нарсалар кўтариб келишибди. Хурсандчилик билан овқатландик, олий мукофотга сазовор бўлган грециялик шоир Сеферис шарафига бир қадаҳ вино бўшатдик. Элчи хайрлаша туриб, мени четга тортди-да;

— Журналистлар мендан интгервью сўраб қолишади, — деди. — Айтинг-чи, ким ўзи, Сеферис?

— Билмайман, — дедим очикчасига.

Ростини айтганда, Ер аталмиш сайёрамизнинг исталган бир ёзувчиси, у сукут сақлайдимми ё инкор этадимми, бари бир, Нобел мукофотини олишни хоҳлайди. Лотин Америкасига келсак, унинг мамлакатларида ўз номзодлари бор, орзу қилинган бу мукофотни қўлга киритиш тактикалари ва режалари бор. Шунинг учун бўлса керак, мукофотни муносиб одамлар ҳам ололмай қолган. Масалан, Ромуло Гальегосни олайлик. Унинг кенг қамровли ижодий мероси энг юқори баҳоларга арзийди. Бироқ Венесуэла — нефт мамлакати, бошқача айтганда, жарақ-жарақ пуллар мамлакати, пуллар эвазига мукофотни қўлга киритмоқчи бўлди. Венесуэланинг Швециядаги элчиларидан бири Ромуло Гальегосни Нобел мукофоти лауреати қилишни ўзининг асосий вазифаси, деб билди, дабдабали зиёфатлар уюштирди, Стокгольм босмаҳоналарида Швеция академияси аъзоларининг асарларини испан тилига таржимасини чоп эттирди. Балки мана шунақа эпчиллик, босиқ ва эҳтиёткор шведларни сергак қилгандур. Ромео Гальегос, эҳтимол, Венесуэла элчисининг ҳаддан ташқари тиришқоқлиги туфайли, ўзи муносиб бўлган адабий мукофотни ололмай қолганини билмай, оламдан ўтиб кетди.

Чилида, эсимда йўқ, қайси бир анжуманда аёвсиз юмор бўлган бир воқеани айтиб беришувди. Воқеа қаҳрамони — Пол Валери. Уни Нобел мукофотига энг сазовор номзод дейишарди. Швеция академияси узил-кесил қарор қабул қиладиган куннинг эрта тонгида Пол Валери ўзини қаяққа қўйишни билмай, таёқни қўлга олиб, итни қақариб, шаҳар ташқарисидаги уйдан тиришқоқлиги тушгача сайр қилади ва уйга қайтиб, эшикдан ҳатлаши биланоқ котибасидан “Ҳеч ким қўнғироқ қилмадимми?” деб сўрайди.

— Қилишди, мосъе. Бир неча дақиқа олдин Стокгольмдан кўнғироқ қилишди.

— Нима дейишди? — дейди Валери севинчини яширолмасдан.

— Швециялик журналист хоним, сиз аёлларнинг тенгхуққилиги учун курашларга қандай қарашингизни сўради.

Буни Валерининг ўзи енгил истехзо билан гапириб берувди. Нима бўлганда ҳам, франциялик машҳур шоир, камолга етган сўз устаси Нобел мукофотини олмади-да.

Менга келсак, Нобел мукофоти масаласида ҳаммавақт хушёр ва босиқ бўлганлигимни ҳеч ким инкор этолмайди.

Чилилик бир билимдон одам Габриела Мистрални кўқларга кўтариш мақсадида ёзган китобда, шоира турли манзилларга ёзган кўглаб хатларни ўқидим. Хатлар қанчалик олийжаноб вазминлик билан ёзилган бўлмасин, ардоқли Нобел мукофотига етишишдек табиий истак билан битилгани кўриниб турарди. Бу хатлар мени сергаклантирди. Менинг номим номзодлар рўйхатига кирганидан буён (бир эмас, бир неча марта) мен Швецияда неча бор бўлдим. Бу юрт мени ёшлигимдан, Томас Лаго иккаламиз ўзимизни, черковдан четлаштирилган пастор, ашаддий пиёниста Йёст Берлингнинг шоғирди, деб мағрурланиб юрган пайтимиздаёқ ўзига тортарди. Деярли ҳар йили номзод бўлиб юриш ҳам жонимга тегди. Ҳар йили бўладиган бунақа мусобақада менинг номимдан пойгачи отдек фойдаланишганидан аччиқлана бошладим. Чили ёзувчилари ўзларини Швеция академияси томонидан ҳақоратлангандек ҳис қилдилар. Хуллас, бунақа вазиятда кулгили аҳволда қолиб кетиш ҳеч гап эмасди.

Ниҳоят, менга 1971 йилда Нобел мукофотини беришди. Менинг исмим газеталарда пайдо бўлган ўша вақтда эндигина Парижга, Чилининг элчиси бўлиб боргандим.

Матильда икковимиз парво қилмадик. Ҳар йили ҳафсаламиз пир бўлавериб, бу мукофот ҳақидаги гапларга безътибор бўлиб қолгандик.

Октябр кунларидан бирида, кечки пайт ошхонага элчихонамининг маданият ишлари бўйича маслаҳатчиси, шоир Хорхе Эдвардс кириб қолди. Ўзига хос эҳтиёткорлик билан менга бир нарса устида гаров ўйнашни таклиф қилди. Агар менга мукофот беришса, Парижнинг энг яхши рестораниридан бирида уни ва хотинини чақириб меҳмон қиламан, беришмаса — у мени ва Матильдани таклиф қилади. Мен рози бўлдим.

Эртасига Эдвардс нима учун бунақа таклиф қилгани сабабини билиб қолдим. Стокгольмлик бир адиба ва журналист унга телефон қилиб, бу галги Нобел мукофоти Пабло Нерудага тегиши эҳтимол, деган экан.

Кўнғироқбозлик бошланди. Буэнос-Айресдан, Мексикадан журналистлар кўнғироқ қилишди, испаниялик журналистлар бўлса, мукофотни менга нақд қилиб кўйишди. Табиийки, мен биронта изоҳ бермадим, бироқ ичимда беихтиёр безовта бўла бошладим. Уша кун кечкурун меникига Артур Лундквист меҳмон бўлиб келди. У менинг швециялик яккаю-ягона дўстим. Уч ё тўрт йил илгари уни Академияга сайлашган. У Франциянинг жанубига ўта туриб, Парижга йўл-йўлақай кирган. Мен унга, кечки овқатдан кейин, элдан бурун Нобел мукофоти лауреати қилиб кўйган журналистлар билан гаплашишга қийналаётганимни айтдим.

— Менга бир яхшилик қилгин, Артур, — дедим. — Агар шу гаплар рост бўлса, матбуотга хабар тарқатишдан олдин, менга айтгин. Мен ўзим Сальвадор Альендега хабар етказмоқчиман. Мен у билан курашларнинг қийин пайтларида бирга бўлганман. Мукофот ҳақидаги хабарни биринчи бўлиб эшитса, хурсанд бўлади.

Академик ва шоир Лундквист ўзининг шведона кўзлари билан менга тикилиб, ўта жиддийлик билан деди:

— Мен сенга ҳеч нарса айтолмайман. Бир нарса бўлса, ўша заҳоти сенга Швеция қироли ёки Швециянинг Париждаги элчиси хабар беради.

Бу гаплар 19-20 октябр кунлари бўлди. Йигирма биринчи кун эрталабдан элчихонанинг салонлари журналистлар билан тўлиб кетди. Швеция, Олмония, Франция, Лотин Америкаси мамлакатлари телевидениеларининг операторлари бетоқат бўлаётганларини яширмасдилар, қатъийлик билан сукут сақлаётганимга қарши исён қилиб юборадиган сиёқи бор эди. Мен сукут сақлайвердим, чунки ҳеч нарса билмайман-да! Соат ўн бир яримда менга Швеция элчиси кўнғироқ қилиб, қабул қилишимни сўради, нима масалада эканлигини айтма-

ди. Унинг қўнғироғи эҳтиросларни босолмади, чунки у билан нақд икки соатдан кейин учрашамиз. Телефонлар илгаригидек жаранглайверди.

Шу дамларда Париж радиостанцияларидан бири эфирга сўнги янгиликни тарқатди: “1971 йилнинг Нобел мукофоти чилилик шоир Пабло Нерудага берилди”. Мен ўша заҳоти пастга, кўплаб журналистлар, фотосуратчилар, телевидение ходимлари билан юзма-юз кўришиш учун тушдим. Бахтимга элчихонага эски дўстларим Жан Марсенак билан Луи Арагон келишган экан. Шоир Жан Марсенакни туғишганимдек яхши кўраман, у хурсандлигидан қичқирарди, Луи Арагон ҳам жуда мамнун эди. Улар мени журналистлардан ҳимоя қилишди.

Мен яқинда тиббий амалиётдан чиққанман, куч-қувватим тикланмаганидан оёқда зўрға турибман, гандираклар юраман. Уша кунни кечки овқатга дўстларим билан йиғилдик. Италиядан — Матта, Барселонадан — Гарсиа Маркес, Мехикодан — Сикейрос, Каракастан — Артур Камачо Ромирес, ўзининг қаёқлардаги бошпанасидан Кортасар келишган. Чилилик Карлос Васальо ҳам шу ерда, у мен билан Стокгольмга бориши керак.

Иш столимда табрик телеграммалари тоғ бўлиб кетди (ҳалигача ҳаммасини ўқиб, жавоб беролмадим). Келган кўплаб хатлар орасида битта ғалати ва дағдағалиси чиқиб қолди. Уни Голландия Гвианасидан бир негр жаноб юборибди. Газетадан қирқиб олинган ўз сурагини ҳам кўшибди. Юз кўриниши баҳайбат! Хатнинг мазмуни қуйидагича эди: “Мен Парамарибодаги антиколониал ҳаракат вакилиман. Сизга Стокгольмда Нобел мукофоти беришлари муносабати билан бўладиган тантананга боришим учун менга таклифнома беришларини сўраган эдим, Швеция элчихонасидагилар мени огоҳлантириб, у ерга фақат фракда бориш керак, дейишди. Фрак учун пулим йўқ, лекин уни ижарага олмайман. Озодликка чиққан америкалик бировлардан қолган эски кийимни кийишга ор қилади, мен ўзимни ерга уришни хоҳламайман. Шу муносабат билан сизга хабар бераманки, пешона терим билан ишлаб топган пулим ҳисобига Стокгольмга бораман-да, матбуотда чиқиш қилиб, дунёдаги энг антиимпериалистик ва энг халқона Сиздек шоир шарафига ўтказилаётган тантананинг империалистик харақтерини очиб ташлайман.”

Ноябрда Матильда билан Стокгольмга кетдик. Биз билан эски қадрдонларимиз боришди. Бизни ҳашамагли “Гранд-отел”га жойлаштиришди. Ҳаво совуқ, Деразадан гўзал шаҳар, қирол саройи кўринади.

“Гранд-отел”га бошқа лауреатлар: физиклар, кимёгарлар, врач ва бошқалар ҳам жойлашган. Турли-туман феъл-атворлар. Баъзилари димоғдор, салобатли, бошқалари — оддий, камтар, гўё ўз устахонасидан ташқарига чиқиб қолган ишчилар ёки усталар. Отелда Вилли Брандт йўқ эди, у Норвегияга тинчлик мукофотини олиш учун кетган бўлиши керак. Мен у билан гаплашишни жуда истайман, афсус, бунинг иложи йўқ. Кейин уни бошқа учрашувларда кўрдим, бироқ яқинига боролмадим, нукул кимлардир ўртамазда тўсиқ бўлаверди.

Тантанали маросимдан олдин мукофот топшириладиган залда репетиция бўлди. Кап-катта, салобатли одамлар, уйқудан апил-тапил туриб, шоша-пиша етиб келганмиз, қандай туриш, қандай юриш, қанақа хатти-ҳаракатлар қилишни ўрганаётганимиз, ... ҳаммаси бироз кулгили. Ҳатто, қайси кресло сен учун қўйилганини ҳам аниқ билиш керак-да. Буларнинг ҳаммасини телекамералар кузатиб турибди. Ҳайҳотдек зал бўм-бўш, қирол ва қироллик уйи аъзоларининг ўринлари чиройли бўлиб турибди, бу ёқда лауреатлар “атак-чечак” қилишяпти.

Актёрликка ҳечам ярамайдиган лауреатларнинг репетицияларини телевидениега олиш нимага керак бўлиб қолганини ҳалигача тушунолмайман.

Мукофотни авлиё Люция кунни топширишди. Эрталабки шовқиндан уйғониб кетдим. Йўлақдан майин кўшиқ эшитилади. Кейин тилла сочли скандинав қизлари бошларига гулчамбарлар кўйиб, қўлларида ёқилган шамлар тутиб, хонамга киришди. Улар менга нонушта ва совға — денгиз тасвирланган чиройли расм обкелишибди.

Шундан сал кейинроқ бутун Стокгольм полициясини ташвишга солган бир иш чиқиб қолди. Навбатчи маъмур менга келган хатларни берди. Хат Парижда-лигимдаёқ ғалати мактуб юборган, Голландия Гвианасидан чиққан антиколониалистдан экан. Хатда бундай дейилганди: “Мен эндигина Стокгольмга келиб тушдим. Пресс-конференция чақиролмадим, бироқ инқилобий ҳаракат одами бўлганим учун бошқа тadbирларни белгилаб қўйдим. Иззат-нафси поймол қилинганлар ва мазлумларнинг шоири Пабло Неруда мукофотни фрак кийган ҳолда қабул қилишига йўл қўйиб бўлмайди”.

Шуниңг учун у одам каттакон яшил қайчи сотиб олибди, у билан барчаниңг кўз ўнгида “фракниңг попилтириқларини қирқиб” олармиш. Хатида давом этади: “Шулар ҳақида Сизга хабар бериб қўйишни ўз бурчим, деб билдим. Залда ўтирганлардан, қўлида каттакон яшил қайчи тутган бир қоратанли ўрнидан турган заҳоти, ундан кейин нималар бўлишини билиб қўйиңг, деб ёздим”.

Бу гаройиб хатни протоколлар бўлимидан мени кузатиб юрган дипломатга кўрсатдим ва кулимсираб, бу тентакниңг биринчи хатини Париждаёқ олганимни ва фикримча, бу бемаъни гапларни жиддий қабул қилишга арзимаслигини айтдим. Бу йигит гапимга қўшилмади.

— Бизниңг шиддатли замонда қутилмаган воқеалар содир бўлиши мумкин. Мениңг вазифам — Стокгольм полициясини хабардор қилиб қўйиш, — деди у ва ўша ондаёқ ўз вазифасини бажариш учун ғойиб бўлди.

Шуни ҳам эслатишим лозимки, мен билан Стокгольмга венесуэлалик таниқли ёзувчи ва ажойиб шоир Мигель Отеро Сильва ҳам келган. У қитъамизниңг ақл-идроки ва виждони тимсоли бўлиш билан бирга мениңг энг яқин дўстларимдан. Тантанали маросимга бир неча соат қолганда у билан овқатлана туриб Парамарибодан чиққан антиколониалистниңг хати туфайли мезбонларимиз қаттиқ ташвишга тушганларини сўзлаб бердим. Шунда Мигель Отеро Сильва “шақ” этиб пешонасига урди:

— Ахир, у хатни мен ёзганман-ку! Ҳазиллашганим! Энди нима қилдик? Полиция ўрни-таги йўқ одамни қидириб юргандир?

— Энди сени қамашади. Бунақа ҳазил фақат ёввойиларга хос, тегишли жазойингни оласан, — дедим унга.

Шу пайт шведиялик кузатувчим келди. У ўз бошлиқларига хат тўғрисида хабар бериш учун кетган эди. Уйлаб ўтирмай, биз унга бор гапни айтдик:

— Бу жуда ўринсиз, бемаъни ҳазил, — дедим. — Хат ёзган одам биз билан ўтирибди.

Бечора кузатувчим яна апил-тапил қаёққадир кетди. Бироқ полиция Стокгольмниңг ҳамма меҳмонхоналаридан парамариболик негрни сўраб улғурибди.

Ҳамма эҳтиёт чоралари кўрилди. Мен Матильда билан тантана бўлаётган залга кирганимда ҳам, чиққанимда ҳам, зиёфат бўлган жойда ҳам, ҳаммаёқда бизниңг ёнимизда одатдаги мулозимлар ўрнига малласоч йигитлар қўриқлаб юришди. Улар, бизниңг ёнимизга, қўлида каттакон яшил қайчи ушлаган одамни яқинлаштирмаслик ҳақида буйруқ олганлар.

Нобел мукофотини топшириш анъанавий тантанасида жуда кўп, ўта интизомли ва одобли одамлар иштирок этишди, улар лозим бўлган ўринлардагина иззат-ҳурмат билан чапак чалишди. Кексайиб қолган қирол ҳар биримизга қўл узатиб кўришди, дипломни, медални ва чекни топширди, кейин биз гуллар билан безатилган саҳнага қайтиб чиқдик. Энди зал кўзимга репетициядагидан кўра бошқача, ёқимли кўриниб кетди.

Айтишларича (эҳтимол, хотинимни хурсанд қилиш учун тўқишгандир?), қирол менга бошқа лауреатларга қараганда алоҳида эътибор берганимиш: қўлимни узоқ тутиб турган ва ўзимга ҳам майин тикилганимиш. Эҳтимол, бу — ўтмишдаги қироллар шоир аҳлига кўрсатган айрича муносабатниңг давомидир? Бу гап ростми, ёлғонми, билмайман, нима бўлганда ҳам, шу пайтгача биронта қирол мениңг қўлимни ҳурмат билан ё шоша-пиша бўлсаям ушламаган.

Протоколларда қатъий ёзиб қўйилган бу маросим жуда тантанали ўтди. Ҳаётимизниңг кўп муҳим воқеаларида бўладиган тантаналилик ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмаса керак. Шуюм одамзот учун керак. Менда яна шундай таассурот қолдики, Нобел мукофоти лауреатлариниңг саф тортиб юриши билан чекка ўлкалардаги мактаб болаларига мукофот топшириш маросими ўртасида қизиқ ўхшашлик бор.

Қудрат ДЎСТМУҲАММАД
таржимаси.



Ҳақиқатни тиклаган тадқиқот

Ботурхон ВАЛИХҲУЖАЕВ. “Самарқандда олий таълим — мадрасаи олия — университет тарихидан лавҳалар”.

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент, 2001 йил.

“Ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмайди. Бу ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур... Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”.

Ислом Каримов.

Халқимиз тарихини, маънавий-маданий меросини истиқлол мафкураси асосида янгича таҳлил этувчи хилма-хил илмий асарлар яратилди. Булар орасида таниқли адабиётшунос ва маданиятимиз тадқиқотчиларидан бири академик Ботурхон Валихўжаевнинг “Самарқандда олий таълим — мадрасаи олия — университет тарихидан лавҳалар” китоби алоҳида ажралаб туради.

Мен Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти томонидан 2001 йилда нашр этилган мазкур китобни қизиқиб, ҳаяжонланиб ўқиб чиқдим. Узоқ йиллик илмий изланишларнинг натижаси бўлган ушбу тадқиқот билан танишгандан сўнг шундай хулосага келдимки, истеъдодли олим Ботурхон Валихўжаев етмиш ёшдан ошган бўлса-да, ҳамон янги-янги мавзуларга мурожаат этиб, муҳим ва қимматли илмий хулосаларни асослаб беради.

Китоб муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг 1996 йил 18 октябрда Самарқандга Амир Темура орденини тантанали топшириш маросимида сўзлаган нутқидан иқтибос келтириш билан бошланади. Бу иқтибосда юртимизнинг кўҳна ва ҳаммиша навқирон шаҳри бўлган Самарқандда азалдан бой кутубхоналар ҳамда ўз замонининг дорилфунунлари — мадрасалар бўлгани ва улар толиби илмларнинг севимли масканига айлангани ҳақида сўз юритилган. Худди ана шу

доно сўзлар Ботурхон Валихўжаевга ушбу китобни яратишда куч-қувват, илҳом бағишлаган. Натижада олим кўп йиллар давомида кўнглида тугиб юрган муҳим муаммони — Ватанимиздаги, хусусан Самарқанддаги олий таълим масканларининг теран илдизларини, жуда узоқ даврларга бориб тақаладиган файзли, намунали тарихини ёритишга камар боғлаган.

Ҳа, рост, юқорида қайд этилганидек, бу ажойиб тадқиқот бирданига, кўққисдан юзага келган эмас. Ҳали 60-йилларнинг охиридаёқ Ботурхон Валихўжаев устози академик Воҳид Абдуллаев билан бирга “Асрлар нафаси” (рус тилида) асарини нашр эттирган эди. Бироқ унда, мадрасалар тарихига бағишланган бўлимида бу соҳага оид ҳамма гапларини айта олмаган эди. Зеро, ўша вақт бундай дангал, рост гапларни кўтармасди. Гарчи ўша вақтларда машҳур олима академик Г.А.Пугаченкова ҳам ўз илмий ишларида бу масалага (олий таълим ва мадрасалар тарихига) ишора қилган бўлса-да, аммо бу хайрли тадқиқот натижалари эътиборга олинмаган эди. Ваҳоланки, ўша даврларда умуман мадраса ва хусусан мадрасаи олияларнинг таълим тизимида тутган мавқелари хорижий мамлакатларнинг тадқиқотчилари, жумладан Адам Метс (Швейцария), Акмалиддин Эҳсон ўғли (Туркия) ва бошқалар томонидан текширилиб, эътиборга лойиқ фикр-му-

лоҳазалар баён этилган эди. Булар, хусусан доно юртбошимиз томонидан айтилган фикрлар бу масалани ҳар томонлама ўрганиш ва ёритишда китоб муаллифига туртки бўлган.

Ботурхон Валихўжаевнинг мазкур мавзуда алоҳида тадқиқот ишлари олиб боришдан, махсус китоб ёзишдан кўзлаган асосий мақсади нимадан иборат? Менимча, бундан кузатилган асосий мақсад узоқ йиллар давомида ҳукмрон бўлган бир сохта ақидага, яъни шўролар замонасигача бўлган вақтда юртимизда саводсизлик ҳукмрон бўлган деган ёлгон ақидага кескин зарба беришдангина иборат эмас. Балки муаллиф бу ақидани батамом инкор этиб, Ватанимизда кадрлар тайёрлаш, яъни олиму уламо, муҳандислар, муҳаққиқлар тайёрлашнинг ўз даври — замона талаблари асосида мавжуд бўлганини, бу тизимнинг моддий ва маънавий манбаларини исботлаб кўрсатишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Бу эса эзгу ва ғоят хайрли қадамдир, давлат ва халқро аҳамиятга молик бўлган янгиликдир. Бинобарин, Ботурхон Валихўжаевнинг шу мавзуда матбуотда, жумладан, “Маърифат” рўзномасида эълон қилинган мақолаларига Бухоро, Қарши, Термиз олимларининг бу китобда ифодаланган фикрларни маъқуллагучи ўз мулоҳазаларини эълон қилганликлари ҳам бежиз эмас. Демак, Ботурхон Валихўжаевнинг ўз китобида ниҳоятда долзарб масалага мурожаат қилганини юқорида баён этилганлардан ҳам очиқ билса бўлади.

Бугина эмас. Яқинда, “Имом ал-Бухорий сабоқлари” журналининг 2002 йил 1-сонида Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси тарихига ва Хоразм мадрасалари тарихига бағишланган мақолалар чоп этилди. Бу мақолаларни мутолаа қилиб, Ботурхон Валихўжаев тадқиқотида кўтарилган мавзу кенг миқёсда маъқулланаётганининг гувоҳи бўлдим.

Ботурхон Валихўжаевнинг китоби икки қисмдан иборат. Биринчисида Самарқандда IX-X асрлардан XX аср бошларигача мавжуд бўлган мадраса ва мадрасаи олиялар фаолияти ёритилган. Иккинчисида эса давлат, шахсий ҳамда мадрасалар қошидаги кутубхоналар, жумладан, Мирзо Улуғбек,

Алишер Навоий кутубхоналари тарихидан қизиқарли лавҳалар берилган. Китобда мадраса ва мадрасаи олияларнинг ўзига хос низоми, ўқув жараёни, дастурлари, ўқитиш услубияти, моддий таъминланиши, талабаларни танлов асосида ўқишга қабул қилиш ва гуруҳларга бўлиш, мударрисларни ҳам танлов асосида ишга қабул қилиш, мадрасалар қошидаги ўзига хос маслаҳат кенгашлари ва бошқа масалалар далиллар асосида ишонарли ва мароқли тарзда тадқиқ этилган. Китобда, айниқса, Амир Темур ва темуррийлар, хусусан, Мирзо Улуғбек даврида яратилган мадрасаи олия туркумининг фақат Ватанимиз илми ва маърифати тарихида эмас, балки жаҳон илми ва маърифати хазинасига қўшган буюк хиссаси самимият билан кўрсатилган.

Яна шуниси ҳам диққатга сазоворки, китобда Мирзо Улуғбек маърифатпарвар ҳукмдор ва машҳур олим бўлиш билан бир қаторда, ниҳоятда қобилиятли мударрис бўлганлиги, унинг ўзига хос ўқитиш, дарс бериш услуби мавжудлиги ҳам далиллар асосида очиқ берилган.

Китобда мамлакатимиздаги бошқа мадрасалар қаторида Мирзо Улуғбек мадрасаи олиясининг XV асрдан XX аср бошларигача босиб ўтган нотекис тарихи ҳам қизиқарли равишда баён этилган. Шуниси ғоят диққатга сазоворки, муаллиф Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ана шу мадрасаи олиянинг қонуний вориси эканлигини, унинг дарсхоналаридан Мирзо Улуғбек мадрасаи олиясидаги илмий баҳс ва шеъронликларнинг акс садоси давом этаётганини мамнуният билан таъкидлайди.

Шундай қилиб, Ботурхон Валихўжаев ўз китобида Самарқанд Давлат университетининг таъсис тарихини Мирзо Улуғбек мадрасаи олиясининг таъсис тарихидан бошлаш (яъни бу тарихни 1420 йил деб қабул қилиш) керак деган хулосани олға сурган ва уни ҳар жиҳатдан асослаб берган. СамДУнинг таъсис тарихи ҳақидаги бу илмий хулосани тўла маъқуллаш лозим. Чунки, бу таклиф, илмий хулоса тарихий ҳақиқатга мос бўлиб, олий таълим тизимимизнинг асрлар қаърига бориб

тақалишини тўғри ифодалайди, тарихий ҳақиқатни тиклашга олиб келади.

Ботурхон Валихўжаев китобининг иккинчи бўлимида берилган турли хилдаги лавҳалар, чунончи, кутубхоналар, жумладан, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий кутубхоналари ҳақидаги лавҳалар ҳам эътиборга лойиқ. Чунки, бундай кутубхоналар тарихини чуқур ўрганиш ва ёритиш катта илмий-маърифий аҳамиятга эга. Зеро, бу ҳам олий таълим тизимимизнинг тарихи узоқ асрларга бориб тақалишини кўрсатишга бевосита хизмат қилади.

Яна бир гап. Китоб охирида Самарқанддаги мадрасалар ва уларнинг мударрислари ҳақидаги ихчам маълумотнинг илова қилингани ҳам диққатга лойиқ. Албатта, мазкур китоб мавзуга доир илк қадам. Зеро, бу китоб ушбу мавзуни, бутун республикамиз ҳудудларидаги мадраса, мадрасаи олия ва кутубхоналар тарихини чуқур ўрганиш ва ёритишга олимларимиз диққатини жалб этади. У ана шу жиҳатдан ҳам катта илмий-маърифий аҳамият касб этади.

Хулоса: Ботурхон Валихўжаевнинг

“Самарқандда олий таълим — мадрасаи олия — университет тарихидан лавҳалар” китоби муҳим мавзуга бағишланган жуда зарур илмий асардир. Узоқ йиллар давомида олиб берилган самарали илмий изланишларнинг натижаси ва якуни бўлган бу тадқиқотда ушбу мавзуга доир тарихий ҳақиқат тўла тикланган: Самарқанд Давлат университетининг илк тарихи, хусусан таъсис вақти XV асрдан бошланиши ноёб ва ишончли далиллар, ҳужжатлар асосида исботлаб берилган. Демак, китобда халқимизнинг ўтмиши, хусусан олий таълим тарихи ибратли экани, бу соҳада ҳар қанча фахрланса, ҳар қанча ифтихор қилса арзийдиган ҳаётбахш анъаналаримиз борлиги тўғри кўрсатилган. Ана шунинг учун ҳам ушбу тадқиқот халқимиз тарихини (хусусан олий таълим тарихини) чуқур ўрганишга, ўзлигимизни англашга, демак, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга бевосита хизмат қилади. Академик Ботурхон Валихўжаев яратган мазкур илмий асарнинг қиммати, жуда катта маърифий-маънавий аҳамияти ва замонавийлиги ҳам худди ана шунда.

*Сайдулла МИРЗАЕВ,
профессор, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган фан арбоби.*



Генри КОК

Рутбалик маъшуқалар

ЧИАНГ-ГОА

(Г У Л Ф У Н Ч А)

Бу ҳикоямизнинг жамики тафсилотларини биз жуда ишончли манбалардан олганмиз. Биз уларни қаҳрамонимизнинг ўзидан олганимиз йўқ — Чианг-Гоа деган хитой аёлини кўрмоқ бизга насиб этгани йўқ, лекин унинг тўғрисида бошқа қаҳрамонларимиздан кўп нарса эшитдик.

Ҳикояда ҳаракат қилувчи асосий иштирокчилардан бири уни эълон қилишга ижозат берар экан, унинг ҳақиқий исмини эслатмаслигимни илтимос қилди. Беш йил муқаддам у Чианг-Гоа деган фоҳишанинг хуштори бўлган. Бу майин манзаралар чизувчи рассом машҳур Клод Лорен эди. У сувратларда табиатга содиқ қолишни ўйлар экан-у, асарларининг тузилишини унча ўйламас экан.

У Оврўпани обдон кўриб, билиб бўлган экан, энди анчадан бери Осиёни кўриш орзусида юрар экан. Аммо саёҳат қилмоқ учун катта маблағ керак. Ҳиндистонга борадиган сайёҳ темир йўл билан боролмайди, океанни сузиб ўтмоқ учун пул керак, маҳаллий аҳоли ўртасида ўзини бемалолроқ ҳис этмоқ учун ҳам пул керак.

Эдуард Данглад бунга яхши тушунарди, лекин давлати ниятларини рўёбга чиқаришга имкон бермасди, шунинг учун у бирон қулай фурсат келишини кутар эди.

Унинг эски қадрдонларидан бири граф д'Ассеньяк ҳалдан ташқари бадавлат эди ва у ҳам дунё бўйлаб сайр қилиш орзусида юрарди. У рассомга ҳамма харажатларни бўйнига олган ҳолда бирга сафар қилишни таклиф қилди, бироқ рассом жуда ориятли одам эди — у бу таклифни рад қилди.

— Сенинг андишаларингнинг ҳаммаси кўп ғалати ва кулгили, — деди унга д'Ассеньяк. — Менинг бир йиллик даромадим уч юз минг ливрни ташкил қилади. Мен сенга саёҳат қилишни таклиф қилган бўлсам, ундан заррача давлатим камайиб қолмайди. Ахир бу сафарда ўзим ҳам иштирок этардим-да...

— Мен туфайли бу сафар сенга эллик минг франкка тушади. Раҳмат. Сен таклиф қилаверишинг мумкин, лекин мен қабул қилолмайман.

— Эллик минг франк дейсанми? Ваҳима қилма!

— Ваҳима қилаётганим йўқ. Ҳамма нарсани кўраман десанг, пул тўлаш керак. Тулаганда ҳам кўп тўлаш керак. Ахир, сен Хитойга борсанг, у ердан уч франкли ғилоф ёки бир қадоқ чой олиб келмайсан-ку!

— Албатта, албатта. Биз у ерга борсак, асл газмоллардан, шоҳи-ипаклардан харид қиламиз, ноёб қурол-аслаҳалар оламиз... Кел, йўқ дема, ўша эллик минг франкни сенга қарзга берақолай.

— Мен қарздан кўрқаман.

— Қарзингни сувратларинг билан узасан.

— Ҳақини олдиндан олиб кўйсам, расмни тузукроқ ишлолмайман.

— Жуда бетайин экансан-ку! Сени деб мен боришим керак бўлган жойга боролмай, гаранг бўляпман.

— Нега мени деб бўларкан? Мен халақит бераяпманми? Менга деса, эртагаёқ Ойга жўнамайсанми?

Давоми. Боши олдинги сонда.

— Э-э, ўзинг биласан-ку, сенсиз Ойда дарров зерикиб қоламан.

Кутилмаган бир тасодиф ҳамма чигалликларни бартараф қилди.

Германиянинг аллақерида Дангладнинг кекса амакиси истиқомат қиларди. Данглад бутун умри давомида уни бор-йўғи икки марта кўрган эди. Яқинда у миясига қон қуйилиб оламдан ўтипти. Ундан жиянига уч юз минг франк мерос қолипти.

Бу қувончли хабарни етказган нотариуснинг хонасидан чиқиб, Данглад д'Ассеньякнига югурди ва унга зудлик билан сафарга тайёрланишни буюрди.

Бир ҳафта ўтар-ўтмас, Лубнон йўлида кетиб бормоқда эдилар — Лубнон уларнинг Осие тупроғидаги биринчи бекатлари эди.

Чиндан-да, бу ёруғ дунё бўйлаб сафар қилмоқ энг ёқимли нарса-да! Эдуард Данглад Арабистон, Эрон, Россия, Ҳиндистон, Хитойда икки йил умрини ўтказди-ю, бу унинг назарида бор-йўғи икки кундай туюлди. Холбуки, шу икки йил мобайнида у озмунча саргузаштларни бошидан кечирмади дейсизми. Аммо ҳозир бизни ана шу саргузаштлардан фақат биттасигина қизиқтиради. Шунинг учун биз сайёҳларимиз билан бирга Шанхайдаги Вампу соҳилларини тарқ этамиз-да, улар билан бирга Японияга, Иеддо¹ шаҳрига йўл оламиз.

Данглад машҳур Хитой сатанги Чианг-Гоа билан Хитойда танишгани йўқ, негаки Хитойда Франция ёхуд бошқа Оврўпа мамлакатларида бўлганидек бир мунча эркинроқ маънодаги сатанглар йўқ эди — у ердаги энгил табиатли аёлларнинг доимий истиқомат қиладиган жойлари рангдор қайиқларда эди, лекин бу ердаги аёллар шунақанги хунук, ипирисқи бўлишардики, уларни кўрган оврўпалликлар ҳазар қилиб, думларини тутқазмай қочардилар.

Бу Японияда рўй берди.

Хитой шаҳри Шанхай нечоғлик ифлос ва маҳзун бўлса, японларнинг шаҳари Иеддо шу қадар қувноқ ва тоза эди.

Пекин шаҳрида улар инглиз сайёҳи Гунчтон билан танишиб қолишди. У Иеддо шаҳрида уч марта бўлган экан, уни беш қўлидай яхши биларкан. Шунинг учун Гунчтон бизнинг сайёҳларни Иеддода кутиб олиб, уларни шаҳарни томоша қилдирмоқчи бўлди. Унинг раҳбарлиги кетида Данглад билан д'Ассеньяк шаҳарнинг энг яхши маҳаллаларидан биридаги француз ва голланд ваколатхоналари ўртасида қурилган уйга тушишди. Бир неча соат дам олиб, саккиз кунлик йўлнинг чарчоғини чиқариб, улар соябонли тахтиравонга ўтиришди. Уни тўртта ҳаммол кўтариб юраркан ва ёнларида Тайкун кўриқчилари ҳимоя қилиб бораркан.

Улар чойхўрлик қилинадиган меҳмонхонанинг эшиги олдида тўхташди. Бу ерда иккита раққоса аёл бор экан — мижозлар келганида улар мандолинага ўхшаш мусиқа асбобининг садолари остида рақсга тушиб, меҳмонларнинг кўнглини хушлар эканлар. Уларнинг рақси бошланиб улгурмаёқ отлиқ сэр Гунчтон келиб қолди.

— Жаноблар, бу ерда нима қиляпсизлар? — деб сўради у кулиб.

— Кўриб турибсизлар-ку! — деб ўша оҳангда жавоб берди Эдуард Данглад. У нималарнидир хиргойи қилиб, асбобини тингиллатишда давом этаётган машшоқ аёлнинг расмини чизишга тайёрланаётган эди.

— Лекин, — деди сэр Гунчтон рассом томонга энгашиб, — бунақа уйнинг олдида тўхташ одобсизлик ҳисобланади.

— Ие, қизиқ-ку!

— Ҳа, шунақа! Ана, ҳаммолларингизга қаранг. Бунақа чойхўрлик қилинадиган уйларга фақат паст табақага мансуб одамлар киради.

— Нега энди? — деб сўради д'Ассеньяк. — Нима, бу ернинг чойи ёмонми?

— Йўқ, чойи-ку тузук-а, лекин бунақа жойлар одатда дайди сатанглар учун учрашув жойи бўлиб хизмат қилади.

— Яхши экан-ку! — деди граф қувноқлик билан. — Бу дайди сатанглар хушрўй бўлса, бир кўзнинг қирини ташласа нима қипти? Булар раққосалару хонандалар экан...

— Йўқ, улар овозлари ва оёқлари ёрдамида топган пулларига қаноат қиладиган аёллар. Лекин, жаноблар, Иеддода булардан ўн чандон яхшилари ҳам топилади. Борди-ю, мени ўзларингизга раҳнамо қилиб олишга рози бўлсангиз, бугун менинг дўстим Нагаи Чинанононикада тушлик қилганимиздан сўнг...

— Бу ким бўлди? — деб сўради Данглад. — Сизнинг ошнангизми? Нага... Нагамиди?

¹ Япония пойтахти Токионинг эски номи.

— Нагаи Чинаноно. Шу ерлик бадавлат савдогар. Инглиз тилида сиз ёки мендан ёмон гаплашмайди. У икки йил Англияда яшаган. Жуда меҳрибон ва дилкаш одам. Агар иккита машҳур француз унинг меҳмони бўлса, боши осмонга етган бўларди.

— Машҳур дейсизми?

— Японияда ҳамма ажнабийлар ҳаддан зиёд машҳур одамлар ҳисобланади. Бунинг устига...

— Гапнинг индаллосини айтганда, — деб унинг гапини бўлди д'Ассеньяк, — сизнинг дўстингизникида тушлик қилганимиздан кейин бизни қаерга олиб борасиз?

— Мен буни сизга овқатланиб ўтирганимизда айтаман.

— Ростини айтсам, — деди Данглад елкасини қисиб, — буни тусмоллаб билишнинг сира қийин жойи йўқ. Сизнинг ортиқча тафсилотларни сўраб илтимос қилаётганингизга ҳайрон бўляпман, Людовик. Сэр Гунчтон ҳали ёш, сэр Гунчтон бу мамлакатда кўп бўлган. Бу ерда топиш мумкин бўлган кўнгилхушликларнинг ҳаммаси унга яхши маълум. Менинг ўзимга келсак, муҳтарам раҳнамо, айтмоғим керакки, баъзи бир кўнгилхушликларга ҳушим йўқроқ. Танини сотадиган Венера қаерда бўлса-да, — Оврўпада бўладими, Осиёда бўладими, Парижда бўладими, Иеддода бўладими, бари бир, менинг унчалик гашимга тегиб, газабимни кўзгамайди, лекин айна чоқда менинг заррача иштиёқимни кўзгамайди ҳам.

— Майли, шундай бўлақолсин, — деб эътироз билдирди сэр Гунчтон, — бироқ сиз расом сифатида Япониянинг энг машҳур хитой сатанги Чианг-Гоани кўргингиз келмайдими?

— Йўқ! Йўқ! — деб хитоб қилди д'Ассеньяк. — Агар ўзи истамаганда ҳам мен учун Данглад Чианг-Гоанинг хузурига ташириб буюради. Биз хизматингизга тайёрмиз, сэр Гунчтон. Бошланг бизни. Қаёққа юрамиз?

— Аввал овқатланиб олайлик, — деди Данглад. — Бу таклиф менга кўпроқ маъқул. Ичимни ит таталаб кетяпти.

— Гаров ўйнаганим бўлсин, — деди Гунчтон, — аёлга қараганда тушлик сизга камроқ манзур бўлади.

Расом бошини “йўқ” деган маънода чайқагани учун инглиз аввалгидек жилмайиб туриб давом этди:

— Биласизми, французларда бир мақол бор. Дабдурустан “О, фаввора! Сувингни ичмайман!” демаслик керак экан. Уз истагингизнинг чинлигини исбот қилмоқ учун аввал фавворани обдон ўрганиш лозим экан.

Шу тарзда гурунглаша-гурунглаша учта оврўпалик ва уларнинг раҳнамоси кедр ёғочидан қурилган, панжаралари чиройли нақшлар билан безатилган кўприк устидан ўтиб боришарди. Нагани Чинаноно ўзининг ошнаси сэр Гунчтонни хуштавозьелик билан кутиб олди, унинг шерикларига — машҳур французларга ҳам зўр илтифот кўрсатди.

— Менинг уйим — сизники, — деди у меҳмонларга хушмуомалалик билан.

Савдогарнинг Иеддодаги уйи жуда бежирим бўлмаса-да, кенг-мўл эди. Уйнинг теvaraги айвон эди. Боққа олиб чиқадиган равоқда дастурхон ёзилгитти. Тушликка фақат балиқ, мева-чева ва ширинликлар тортилди, ҳали ов фасли тугамаган эди, бозорларда парранда гўшти йўқ эди. Кўй гўшти, эчки гўшти, чўчка гўшти эса Японияда бутунлай топилмайди. Ҳўкизлардан фақат уй юмушларидагина фойдаланишади. Чойга ўтилганда иккита хизматкор чой билан сакэ олиб келди. Сакэ — гурунчдан тайёрланадиган, кайф берадиган ичкилик. Нагаи Чинаноно уни ичишга меҳмонларини зўр бериб қистади. Аммо Данглад ва д'Ассеньяк учун бир қултумдан сакэ кифоя қилди, улар апил-тапил мадерага ва шампань виносига ўтишди. Кейин жуда хушбўй тамаки чекишди. Японияда наша чекилмайди, унинг ўрнига меҳмонга ана шундай хушбўй тамаки тутишади. Кейин д'Ассеньяк гап бошлади. Бора-бора гап Чианг-Гоага ўтди.

Машҳур сатанг тўғрисида гап очилиши биланоқ Нагаи Чинаноно тилини тишлаб қолди. Чинаноно ҳалол эркак эди. Тўғри, у баъзан зино йўлига ҳам кирарди, аммо бошқа ҳеч иложи қолмагандагина шундай қиларди.

— Чианг-Гоами! — деди у инглиз дўстига таънали нигоҳ ташлаб. — Сэр Гунчтон сизларга бу паризод ҳақида гапиритти-да...

— Гапириш ҳам гапми, — деди сэр Гунчтон, — урф-одат бўйича белгиланган одоб қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда, мен тушлик тайёр бўлгунча, хизматкорингиздан бирини шу паризод хузурига жўнатиб, бугун

кечқурун бу жаноблар билан бирга, агар истасангиз, албатта, сиз билан ҳам уникига ташиф буюришимизни хабар қилиб қўйдим.

— О! О! Мен ҳамми? Кўйинг-е, ҳазиллашманг. Мен оилалик одамман.

— Шунақа қилиб, — деб сўради Данглад, — Чианг-Гоанинг ҳузурига кирмоқ учун уни махсус огоҳлантириб қўйиш керакми?

— Албатта! — деб жавоб берди сэр Гунчтон. — Агар шу шарт бажо келтирилмаса, ҳар қандай донгдор зотлар ҳам, ҳатто Япониянинг маънавий ҳукмдори ҳисобланган Микадонинг ўзи ҳам унинг эшиги олдидан икки қўлларини бурунларига тиқиб, қайтиб келавериши мумкин.

— Бу хотиннинг қудрати шунақа зўрми?

— Чиройи туфайли қудрати зўр. Бундай қудрат олдида одамлар бажону дил бошини эгишади.

— Бу аёлнинг давлати ҳам каттами?

— Жуда катта бўлса керак. Фақат шуниси аниқ маълумки, жуда фаровон турмуш кечиради. Шундай эмасми, Нагаи?

— Мен қаждан билай? Мен Чианг-Гоаникида бўлган бўлмасам.

Сэр Гунчтон хохлаб кулиб юборди.

— Бу гап энди ҳаммасидан ҳам ошиб тушди, — деди у. — Охирги марта айна сиз ўзингиз уни менга роса мақтаган эдингиз-ку! Унинг ҳусни-жамоли билан бирга уйининг ҳашаматли эканини ҳам таърифлаган эдингиз. Сизнинг гапингиз билан менда Иеддо жавоҳирини кўриш иштиёқи уйғонганди. Чианг-Гоани шундай деб аташади, шекилли?

— Ҳа, гапингиз тўғри, — деб тан олди япон. — Хотининг, бола-чақанг бўлгани билан, ўзинг мармар одамга айланиб қололмас экансан. Ҳа, унинг ҳузурига бир марта бўлганман.

— Атиги бир мартами?

— Боринг, ана, жуда кўп бўлса, икки марта боргандирман. Ундан ортиқ эмас. Мен Гулгунчани кўрганман.

— Гулгунча ким бўлди? — деб сўради д'Ассеньяк.

— Чианг-Гоа-да. Чианг-Гоа — “Гулгунча” дегани бўлади.

— Гулгунча! Иеддо жавоҳири! Битта сатангнинг шунча номи бор экан-да! — деди Данглад.

— Номлар эгасига яраша берилган, — деди япон. — Ўзининг муаттарлигига кўра Чианг-Гоа — Гулгунча, ярқирашига кўра — жавоҳир.

— Бу гулгунчангиз неча ёшга кирган?

— Ун тўртга...

Д.Ассеньяк билан Данглад беихтиёр бир-бирларига қараб олишди.

— Ун тўрт дейсизми? — деб сўради д'Ассеньяк. — У қанчадан бери тилга тушган?

— Уч йил бўлди.

Иккала дўст ҳам яна бир-бирларига қараб олишди.

— Сизлар бир нарсани унутиб қўяпсизлар, — деди жилмайиб сэр Гунчтон, — бу мамлакатда қизлар ўн ёшида ҳам балоғатга етади, ўн икки ёшида кўпинча она бўлади.

— Лекин йигирма ёшида сўлади, қуриб, қариб бўлади. Эртапишар меваларнинг аҳволи шу-да! Улар кўп турмайди. Лекин, битта саволим бор. Менга айтишларича, Японияда хитойларни унча ёқтиришмас эканлар. Ундоқ бўладиган бўлса, сатанглик касби билан япон аёллари ҳам шуғулланса керак, албатта. Қандай қилиб бу ёшда хитой аёли биринчи қаторда туради.

— Сабаби шуки, — деб жавоб берди Нагаи Чинаноно, — биз учун хитой аёли билан хитой эркаги тенг эмас.

Меҳмонлар бу гапнинг маъносини чақишга уринишди.

— Рост, — деб давом этди япон. — Бунинг устига Чианг-Гоа ватанида жуда кам яшаган. Шунинг учун хитойларга хос бўлган дағаллик унга юқиб улгурмаган.

— Пекин ва Шанхайнинг донгдор аёллари каби унинг оёқларига ишлов беришган эмасми? — деб сўради д'Ассеньяк. — У беданадай сакраб-сакраб юрмайдими?

— Қўйсангиз-чи! — деди сэр Гунчтон. — Қадди-басти келишган ҳар қандай аёл каби у ҳам жуда чиройлик юради.

— Қизиқ, — деб сўради Данглад, — уни Иеддога ким олиб келганикин?

— Масхарабозлар, сайёр артистлар билан келиб қолган. Унинг отаси

Шанхайда савдогар бўлган экан. Қизи туғилганда чақалоқларни олиб бориб ҳовузга ташлашни буюрипти. Чунки буниси учинчи қиз бўлиб туғилипти. Оилага иккита қиз ҳам етарли экан. Хизматкор ҳовузга кетаётиб, йўлда масхарабозларга рўпара келган экан.

— Ҳамиша ўртамиёна саҳна асарларида бўладигандек, улар қизни асраб олиб тарбиялаб, катта қилишган-да, — деди кулиб д'Ассеньяк. — Бу шўрлик қизни отаси балиқларга ем бўлишга маҳкум этган, ҳомийлари бўлса, ҳалқадан сакрашга ўратган, энди бўлса, у пойтахтда донг чиқарган танноз. Пойтахтнинг шери! Мен унга учинчи ном бераман. Уни Гулғунча ёхуд Иеддо жавоҳири деб аташдан зериксанглар, Шерхон деб чақиринглар. Бу унга маъқул келса керак. Ниҳоят, биз Чианг-Гоа тўғрисида етарли маълумотга эга бўлдик. Энди уникага ташриф буюрсак ҳам бўлар дейман, жаноблар? Ҳа-а, унинг турар-жойи бу ердан узоқми?

— Йўқ, — деб жавоб берди сэр Гунчтон. — Икки милча келади. Иеддонинг зодагонлар яшайдиган асил жойларидан бирида туради. Бир соатга қолмай уникага етиб борамиз.

— Соқчиларимиз биз билан бирга боришлари керакми-йўқми? — деб қизиқиб сўради Данглад.

— Албатта, боришлари керак, — деб жавоб берди Нагаи Чинаноно, — бизнинг шаҳримиз кундузи деярлик хавфсиз, лекин кечаси унчалик ҳам хавфсиз эмас. Айниқса, ажнабийлар лонинлар билан учрашувдан эҳтиёт бўлмоқлари керак.

— Лонинлари ким бўлди яна?

— Италияларнинг безориларидай гап, — деди Гунчтон. — Улар ҳамиша қотилликка тайёр одамлар. Бунинг учун уларга ҳақ тўланса бўлди.

— Кимга зарур экан пул сарфлаб бизни ўлдириш? — деди д'Ассеньяк.

— О! Уларда буюртма бўлмаса, қўллари ишдан чиқиб қолмаслиги учун ўзлари учун ишлашади. Бундай пайтларда, дўстимиз Нагаи бизга айтганидек, улар асосан ажнабийларнинг йўлини тўсишади. Чунки ажнабийларни тўнашнинг хатари камроқ бўлади. Лекин сизларнинг соқчиларингиз бор, хавотир оладиган жойи йўқ. Сиз биз билан бирга борасизми, Нагаи?

Япон аввалги жиддий қиёфасини касб этди.

— Сэр Гунчтон! — деб хитоб қилди у. — Майнавозчиликни бас қилинг! Менинг хонадонимдан ажраб қолишимни истамайсиз-ку! Одам бемаъни ишни умрида бир марта қилади. Икки марта қилса бўлмайди.

— Яъни, сиз ўзингиз тан олганингиздек, уч марта қилмайсиз бемаъни ишни?

— Йўғ-е, унақа деманг. Мен ҳеч нарсани тан олганим йўқ. Ундан ташқари, — деб хўрсиниб илова қилди япон бир лаҳзалик сукутдан сўнг, — мени келади деб Чианг-Гоага айтиб қўйгандирсизлар?

— Йўқ, айтганим йўқ. Эҳтимол, айтиб қўймаганим яхши бўлгандир?

— Йўқ, сиз тўғри қилгансиз. Эҳтиёткорлик билан иш тутганингиз учун мен сиздан гоятда миннатдорман. Жаноблар, мен ҳаммангизга омад тилайман ва кетишингиздан олдин яна бир марта сиз билан кўришармиз деб умид қиламан.

— Албатта, муҳтарам амфитрион, агар лонинлар бизни қийма-қийма қилиб ташлашмаса, сиз билан, албатта, кўришажакмиз, — деди японнинг қўлини қисиб д'Ассеньяк.

Данглад сукутда эди. У банд эди. У беихтиёр Чианг-Гоа билан бўлғувси учрашув тўғрисида ўйлашиб қолган эди.

Данглад билан д'Ассеньяк соябонли замбилга ўтиришди. Гунчтон от устида уларнинг чап томонида кетиб борарди. Соқчилар уларнинг орқасидан соядай сассизгина эргашиб кетишмоқда. Уларнинг ҳақи тўлаб қўйилган эди. Шунинг учун уларни қаерга бошлаб кетаётганлари бари бир эди-да.

— Биз яқинлаб қолдик, — деди сэр Гунчтон икки оғайнига. — Аммо эҳромга кирмоқдан олдин бу илоҳанинг уйида амал қиладиган урф-одатлар ва расм-русумлар тўғрисида бир неча оғиз гап эшитишни истамайсизларми?

— Яна ахлоқ-одоб қоидаларими? — деб кулиб сўради д'Ассеньяк.

Бу дилкаш граф ҳамма жойда ва ҳамиша кулгани-кулган эди. Бундай одамлар бахтиёр бўлади.

— Ҳа, одоб-ахлоқ қоидалари, — деб жавоб берди сэр Гунчтон. — Агар мен

сизларга Чианг-Гоаникида ўзларингни қандай тутишларинг кераклигини тушунтириб қўймоқчи бўлаётган бўлсам, сизларни ҳаётни билмайсизлар деб ўйлаганим учун шундай қилаётганим йўқ. Аммо мен сизларни ҳозир олиб борадиган жойдаги аёллар олдида алоҳида ҳушёрлик керак. Агар борди-ю, баъзи нарсалардан беҳабарликларинг важидан у ерда зерикиб, диққинафас бўлиб ўтирсанглар ёки бундан ҳам ёмони — бир нарсадан хавотир олиб, безовталаниб ўтирсанглар, мен жуда ҳам хафа бўлардим.

Сэр Гунчтон бу сўзларни жуда жиддий оҳангда гапирди.

— Шунақами?! — деди д'Ассеньяк. — У кўрқичдан кўра кўпроқ ҳайратга тушган эди. — Гапингизни тинглаб ўтириб, сэр Гунчтон, ўйлаш мумкинки, сизнинг Гулгунчангиз, Япониянинг энг дилрабо, энг ошуфта жонони бир дақиқанинг ичида бир юмалаб одамхўрга айланиб қолади, у билан мулоқотда бўлиш хатарли ишга айланади. Нима учун сиз қарашларингизни бу қадар тез ўзгартирасиз? Наҳотки...

— Сэр Гунчтонни тинч қўй, дўстим, айтадиганини айтиб олсин. Агар у шу гапларни айтишни лозим кўрган бўлса, демак, уларнинг бари керакли гаплар экан...

— Агар, — деб яна гап бошлади Гунчтон д'Ассеньякка жавоб бериб, — мен сизларга Чианг-Гоанинг ҳузурига қиладиган ташрифимизнинг моҳиятини тўла-тўқис тушунтириб бермаган бўлсам, биз бу тўғрида гаплашаётганимизда холи эмас эдик. Мен Нагаи Чинанонинг феъл-атворини жуда яхши биламан. Аммо у япон. Бинобарин, унинг юртида, унинг уйида европаликлар бир аёлни энгил табиатли деб, унинг тўғрисида ёмон ўйларга борсалар, бу уни ранжитмай қўймасди. Негаки, бу аёлни у ҳам, у қатори бошқа японлар ҳам бошларига кўтаришади, уни ҳар хил фазилатлар билан безашади... Мен гапимни тугатаман, беш минутдан кейин етиб борамиз. Бунинг устига — Чианг-Гоа жуда ажойиб сатанг. У ўзини бахш этадиган одам, албатта, унга маъқул бўлмоғи керак, шундагина у келишиб қўйилган ҳақни, яъни ўттиз беш франкни тўлаган тақдирдагина унинг висолига эришади. Унинг қабулига кириш шарафига мушарраф бўлган хорижликлар ҳеч қачон ундан қарздор бўлиб қолмайдилар. Агар бирор одам шунчаки манзираг — маъносидаги биринчи ташрифдан кейин нима сабабдандир Иеддо жавоҳирининг илтифотидан баҳраманд бўлмоқчи истамай қолса, дарров ҳисоб-китобни қилиб қўймоғи ва йигирма ичибу тўлаши зарур. Бу — Чианг-Гоани кўриш бахтига муяссар бўлгани учун тўланадиган энг кам ҳақдир... Мен хулоса қиламан. Агар Гулгунча сизга манзур бўлса ва сиз унинг бўсалари учун беш юз франк тўламоқчи ихтиёр этсангиз, биринчи, агар таъбир жоиз бўлса; танишув ташрифингиздан кейин кетаётиб, унинг гулхонасидан узиб олинган бирор гулни Гулгунчанинг тиззасига қўйинг, гулга қўшиб ташрифномангизни ҳам қолдиринг, агар ташрифномангиз бўлмаса, бирор бўлак қорғозга исми шарифингиз ва унвонингизни ёзиб беринг. Манзилингизни ёзмоқчи ҳам унутманг. Эртаси куни эрталаб унинг мулозими ёхуд жорияси келиб, тақлифингиз қабул қилингани ёки қилинмаганини маълум қилади ва агар қабул қилинган бўлса, соат нечада унинг бекаси ҳузурига ташриф буюришингиз мумкинлигини сизга айтишади. Ёки ширин орзуларингиздан бугунлай мосуво бўлганингизни эшитасиз. Агар борди-ю, сизга Иоддо жавоҳири билан бирга ўтказадиган бир неча соатлик лаззатингизга беш юз франк тўлаш малол келса, оқсоч хотиннинг қўлига йигирма ичибу тутқазинг — шу билан ҳамма гап айтилган бўлади. Лекин шу ишдан кейин сиз аёл томонидан рад этилганингизга норози бўлиб, бу тўғрида ошқора тарзда эътироз билдира бошласангиз, хато қиласиз. Эсингиздами, Нагаи Чинаноно ҳам, мен ҳам яқиндагина Иеддо кўчаларини тўлдириб юрадиган безорилар ҳақида гапирган эдик. Бояги хатойингиз учун ана шу безорилар сиздан қонли ўч олишади. Менга айтишган эди — Чианг-Гоа ана шу каллакесарлардан ўн-ўн бештасини ўз хизматида сақлар экан. Бу каллакесарлар унинг бир илтимоси билан паризодни ранжитишга журъат қилган ҳар қандай одамни буткул тинчитиб юборишар экан. Мен гапларимнинг далили сифатида лорд Мельгравнинг яқинда менга айтиб берган бир ҳикоясини келтиришим мумкин. Унинг айтишича, безорилар америка кемаларидан бирининг капитанини ўлдириб кетишипти. Бу капитан Чианг-Гоа билан учрашувдан кейин кўча-қўйларда ҳаммага “бу сатанг ечинганда жуда ҳам хунук экан. Мен қандай қилиб лоақал беш минут унга хуштор бўлиш мумкин эканига ақлим етмайди” деб юрган экан. Хуллас, эртасига кечкурун Сапагава деган жойдан ўтиб

¹ ичибу — пул бирлиги

бораётганида бу капитанни бир тўда юзига қора латталар тутиб олган безорилар қуршаб олипти ва у ҳар қанча моҳирлик билан ўзини ҳимоя қилмасин ва ҳатто соқчилар ҳам ёрдам беришмасин, уни, бари бир, ўлдириб кетишган. Ана шунақа гаплар, жаноблар! Сизлар нафақат оқ танли одамсизлар, жаноблар, сизлар айти чоқда жуда ақлли, зукко одамсизлар, шунинг учун Чианг-Гоа сизларнинг назарингизда унга берилган маҳобатли таърифларга унча тўғри келмайдигандай кўринса ҳам, ўз фикрларингизни баралла айтишдан эҳтиёт бўлинг. Хуллас, мен айтган гапларнинг ҳаммасини огоҳлантириш деб эмас, шунчаки қизиқарли маълумотлар деб қаранглар. Мен гапимни тугатдим. Қани, энди соябонли замбилларингиздан тушинглар. Биз Чианг-Гоанинг уйига етиб келдик.

Чианг-Гоанинг уйи Нагаи Чананонинг уйига ўхшаб кетса-да, ундан кенгроқ ва чиройлироқ эди. Иеддодаги турар жойларнинг кўпчилиги каби қора рангга бўялган қоровулхонадаги дарбон ёки японча айтганда монбан учта ажнабийни кўриши билан шақилдоғини уч марта чалди-да, кейин қўл ишораси билан меҳмонларни ичкарига таклиф қилди.

Сэр Гунчтон тартибни яхши биларди: у шерикларини икки томонига гуллар экилган хиёбондан бошлаб борди. Хиёбон балконга бориб тақаларди. Балконни жуда чиройли ранг-баранг фонуслар ёритиб турипти.

Балконда узун оқ кўйлак ва оқ лозим кийган ёшгина қиз турарди. У меҳмонларни залга бошлаб кирди. Зал нимқоронги эди — унинг баланд-баланд деразаларига бамбукдан пардалар осилган, оёқ остига юмшоқ гиламлар тўшалган. Бу залда бошқа жиҳозлардан деярлик ҳеч нарса йўқ эди.

Уларни бошлаб келган қиз чиқиб кетди, лекин орадан кўп ўтмай, ўзига ўхшаш навқирон икки қизалоқ билан яна кириб келди. Уларнинг учови ҳам бир жуфтдан духоба болиш кўтариб олишган эди. Улар болишларни гилам устига қўйдилар.

— Бизга ўриндиқ булар, — деди сэр Гунчтон, — қани, ўтирайлик, жаноблар.

— Чакки эмас, — деди овозини пасайтириб д'Ассеньяк. — Бу ишларнинг барида аллақандай сирлилик бор, илоҳий кучлар аралашгандек кўринади. Манави тугмачалар жуда бежирим экан... Лекин мени манави дарпардалар қизиқтириб қолди. Уларнинг ортида нималар яширинган бўлиши мумкин?

— Ҳозир кўрасиз, — деб жилмайиб жавоб берди сэр Гунчтон.

— Ҳа, — деди Данглад, — бу зал жуда шинам экан. Лекин қўрқаманки, бу ердаги ҳиддан бошим оғриб қолмаса...

— Қимматбаҳо сандал дарахтининг ҳиди бу.

Агар у сизни безовта қилаётган бўлса, Чианг-Гоага айтаман, ёғочни тутатишни тўхтатишин...

— Сиз сўрайсизми? Қандай қилиб? — деб сўради д'Ассеньяк. — Имо-ишора билан гаплашасизми? Менимча, сиз на японча, на хитойчани биласиз.

— Мен ўзимнинг она тилимда гаплашаман.

— Ие! Чианг-Гоа инглизча гаплашадими?

— Парламент аъзосидай мукамал ва тоза гапира олмайди, албатта. Лекин сиз билан гурунглашмоқ учун етадиган даражада билади. Бундан ташқари, у испанча ва французча ҳам чала-чулпа гаплаша олади.

— Қойил-ей! Баракалла-ей! Агар у рози бўлмаса, бир иш қилар эдик. Мен унга французча гаплашишни ўргатиб кўярдим. У бўлса менга япончани ўргатсин.

Данглад киноя билан бошини эгди.

— Азизим Людовик, — деди у. — Тил ўрганиш ва тил ўргатиш учун айти сени кутиб ўтиришипти деб ўйласанг, жуда адашасан.

Дарпарда ортидан эшитилган енгилгина шарпа д'Ассеньякни жавобдан тўхтатди. Бу шарпа ипак матонинг пардага текканидан чиққан эди.

Илоҳа ўша ерда эди. Мана, ҳозир у намоён бўлади.

Д'Ассеньяк ва сэр Гунчтон диққат билан сассизгина кутиб туришипти. Ҳатто Дангладнинг ўзи ҳам қизиқиш тўла нигоҳини дарпарда томон йўналтирган эди...

Илоҳа намоён бўлди...

Д'Ассеньяк ва Гунчтоннинг завққа тўла хитоблари янгради... Данглад ҳам қойил қолганидан туйғуларини ичида тутиб туролмади.

Ўз-ўзидан кўриниб туриптики, Чианг-Гоа тажрибали артист сифатида ўзининг сахнада пайдо бўлишини тўсатдан рўй беришига эриша олган эди.

Унинг бундай ишларини аввал ҳам кўрган сэр Гунчтон шерикларини аввалдан огоҳлантириб қўйса бўларди, лекин у ҳам дўстларини ҳайронликдан буткул оғизлари очилиб қолишини кўрмоқчи бўлганди.

Унинг хоб хонасидан залга олиб чиқадиган эшик дарпарда ортида яширин эди. Чианг-Гоа ҳозир бу эшикдан залга кириб, дарпардадаги кўзга кўринмас бир тирқиш орқали бир зумгина меҳмонларини кузатди. Сўнг Чианг-Гоа духоба ёпилган зинадан кўтарилиб, жуда чиройли бир алфозда туриб қолди.

Унинг устида ҳаворанг шоҳи кўйлак бор эди. Кўйлакка ўша рангдаги газ мато билан зеб берилган. Бўйнида узун шарф, бошида эса бриллиантлар ва ёқутлар билан безатилган зарҳал бош кийими.

Сэр Гунчтон билан Наган Чинаноно Чианг-Гоани беқиёс гўзал аёл дейишганда ҳақмиди ёхуд ноҳақмиди?

Ҳа, у чиндан-да мислсиз эди. Унинг хитой миллатига мансуб эканини кўрсатадиган бодомқовоқ қийғоч кўзларидан бошқа белгиси йўқ эди. Унинг чувак сози, энли пешонаси, пуштиранг тиниқ чехраси, узун қайрилма қошлари — буларнинг бари жуда ўзига хос эди. Бироқ Данглад билан д'Ассеньякни ҳар нарсадан ортиқ лол қолдирган нарса унинг қарғанинг қанотидек тим қора сочлари бўлди. Унинг орқаси билан битта бўлиб тўлқин уриб ётган сочлари бўйнидаги шарфининг бурмаларидан ўтиб, сахтиён этик кийган жажжи оёқларининг тақимиғача тушган эди.

Саҳнага ўхшаган баланд жойда меҳмонлари қаршисида сассиз тик турган, йигирмата фонус нурлари ёритиб турган, шоҳи-ю атлас, кимхобу тиллоларга бурканган, қоп-қора сочлари шалолардек тўлқин уриб турган Чианг-Гоа чиндан-да гўзал эди, гўзал ҳам гапми, ҳар қандай таърифдан юқори турадиган маликалар султони эди.

Эҳтимол, фонуслар шуъласидан кўзлар қамашганидан шунақа кўринаётгандир. Эҳтимол, яқинроқдан қараса, унинг ҳусни таважжуҳи шуқуҳини йўқотиб қўяр, тароватсизроқ бўлиб қолар, жозибасидан путур кетар. Яна ким билсин, дейсиз!

Аммо ҳафсаласи пир бўлишидан ҳам заррача чўчимай, Иеддо жавоҳирини бағрига олишни истамайдиган одамлар топилмаса керак. Айтганча, унга эга бўлишнинг ўзи сизни ҳамма шаштингиздан қайтариб қўя қоладиган омил эмасми?

Йўқ, чунки бир марта Чианг-Гоага эгалик қилган сэр Гунчтоннинг ўзи яна уни бағрига олишни тилаб қолди.

Меҳмонларнинг ақлини шошириб лол қолдириб бўлгандан кейин илоҳа оддий бандаси каби ҳорғинликдан тиззалари букилиб, меҳмонларнинг тагидагига ўхшаш ёстиқларга ўтириб қолди.

Ниҳоят, оврўпалик меҳмонлар сукутни бузиб, тилга кириш керак бўлган фурсат етиб келди. Орадаги сукут ҳар қанча маънодор бўлмасин, бундан буён давом этаверадиган бўлса, биринчи учрашувни анча совутиб юбориши турган гап эди.

Иккала французнинг ҳам ҳамроҳи сифатида сэр Гунчтон яна бир устунликка эга эди — у уй бекасининг эски кадрдони эди. Лекин бу устунлик жуда осонлик билан йўққа чиқиб қолмоғи мумкин эди, негаки, Чианг-Гоа шу қадар кўп миқдорда турфа хил одамлар билан мулоқотда бўлар эдики, улар қаторида сэр Гунчтонни яхши кўриб қолиши ҳеч гап эмас эди.

Лекин ҳар нима бўлганда ҳам гурунгни у бошлаб бермоғи жоиз эди ва у бошлади ҳам:

— Баркамол Чианг-Гоа! — деди у, — авваламбор изн бергайсиз, учқовимиз номимиздан эшикларингизни бизга очиб, дийдорингизни кўришга мушарраф этганингиз учун сизга ҳазор-бахазор миннатдорликлар изҳор этсам...

— Билъакс, сэр Гунчтон, — деб эътироз билдирди Чианг-Гоа, — сиз дўстларингиз билан бирга хонанишин бир мушфиқани кўргани келганларингиз учун бошим осмонга етди. Бунинг учун ҳар қанча фахрлансам оз.

Бу гапларни Чианг-Гоа анча тоза инглиз тилида айтди. Буни эшитиб, Данглад вазият ҳар қанча тантанавор тусда эканига қарамай, ўзини жилмайишдан тўхтатиб қололмади. Бу табассум Жавоҳирнинг назаридан четда қолмади.

— Нима, менинг кулгили жойим бор эканми?

Дангал берилган бу савол Дангладни бир оз ҳайрон қилиб қўйди.

— Худо ҳаққи, ундай эмас, — деб эътироз билдирди у, — сизнинг ҳеч қанақа кулгили жойингиз йўқ. Аксинча, сизда жуда катта қамтарлик бор. Сиз ўзингиз айтган гаплардан кейин сизни мутлақо “хонанишин” деб бўлмайди. Кўрганларимга қараб айтадиган бўлсам, агар менга изн берилса, сиз ўзингизни фақир дейишингиз ҳам тўғри бўлмасди. Бу — ношукурчилик бўларди.

Данглад гапини тугатгунга қадар Чианг-Гоа ундан кўзини олмади.

— Сиз французми? — деб сўради у Данглад гапини тугатгач.

— Ҳа, топдингиз, — деди Данглад ва бир кўлини д'Ассеньякнинг елкасига теккизиб туриб, давом этди: — Менинг дўстим ҳам француз. Биз ҳақиқий французлармиз, иккимиз ҳам парижлик.

— Парижлик? — дея қайтариб сўради жувон.

Данглад унинг эътиборини ойнасига ҳам жалб қилмоқчи бўлган эди, лекин Чианг-Гоа унинг бу хоҳишига бўйсунмади, аксинча, унга қарашда давом этди, сўнг мурожаат қилиб деди: — Парижни жуда ажойиб шаҳар дейишади, шу ростми? Парижда чиройли аёллар ҳам роса кўпдир?

— Ҳа, кўп.

— Нега сизлар ундан чиқиб кетдинглар?

— Бунинг боиси шундаки, менимча, бу дунёда чинакамига бахтиёр бўламан деган одамга гўзал аёллар билан яқин мулоқотда бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди.

— Сиз аёлларни ёқтирмайсизми?

— Нега энди? Лекин мен улардан ташқари яна улуг нарсаларни, гўзал ва эзгу нарсаларни ҳам яхши кўраман.

— Шунақа денг? Сизнинг исмингиз Дангладмиди? Сиз рассомсиз?

— Ҳа.

— Бизнинг Иеддомизда ҳам рассомлар бор.

Улардан биронтаси билан учрашганингиз йўқми?

— Ҳали бу шарафга ноил бўлганимча йўқ.

— Сизнинг асарларингизни, ишлаган суратларингизни кўрсам бўладими? Агар мен нархини ёлчителиб тўласам...

— Минг афсус-у надоматлар бўлсинким, саёҳат вақтида мен расм ишламайман. Мен этюдлар чизаман, лекин уларни сотмайман.

— Шунақами?

— Сен Гулгунчага дағаллик қилипсан, — деди француз тилида д'Ассеньяк дўстига овозини пастлатиб.

— Нега энди? — деб эътироз билдирди Данглад ҳам паст овозда. — Унинг ётоқхонасини суратларимдан бири билан безашимни истайсанми? — Кейин у Гунчтонга мурожаат қилиб, инглизчада баланд овозда гапирди: — Кетиш фурсати бўлмадимикин, жаноблар? Яна бизни беадаб экан деб юришмасин!

— О! Кетишдан аввал, жаноблар, мен билан бирга бир қултумдан чой ичинглар, — деди Чианг-Гоа ва шу ондаёқ сэр Гунчтон ҳам, д'Ассеньяк ҳам унинг таклифини қабул қилишди.

Беканинг ишораси билан иккита ёш қизалоқ лакланган қизил патнусларда чой, қанд, кулчалар олиб киришди.

— Балки сизлар мадера ёки гампанни хуш кўрарсизлар? — деб сўради Чианг-Гоа.

— Сиз бизни жуда ҳам сийлаб юборяпсиз-ку! — деб жавоб берди сэр Гунчтон. — Афсуски, биз Нагаи Чинанононикида тушлик қилиб олгандик.

— Ким экан бу зот?

“Унинг хотираси қисқа экан-ку? — деб ўйлади Данглад. — У маҳаллий одамларни ҳам, хорижликларни ҳам тузукроқ эслаб қололмас экан”.

— Нагаи Чинаноно Аксаоста маҳалласида турадиган энг бадавлат савдогарлардан бири, — деб жавоб берди сэр Гунчтон.

— Ҳа-я! Эсимга тушяпти... У меникига келган бўлса керак...

— “Бўлса керак” деганингиз жуда чиройли чиқди-да... Иеддоагиларни ҳам, Париждагиларни ҳам олиб бир-бирига урса бўлар экан, — деди рассом.

— Ҳой, овозингни ўчирсанг-чи! — деб унинг оғзига урди д'Ассеньяк дўстининг ёнига бориб. Бу вақтда Данглад чойни ичиб бўлиб, пиёлани оқсоч қизга қайтарган ва аквариумнинг олдига бориб, балиқларни томоша қилмоқда эди. — Бирдан гапингни эшитиб қолса, нима бўлади?

— Кўққисдан гапингга тушуниб қолса нима бўлади демоқчимисан? Бироқ у французчада бир-иккита сўзни билади, холос-ку...

— Хўп, майли. Лекин сен унинг тўғрисида нима дейсан? Унинг чинакамига лобар эканини инкор қилмассан?

— Сенга маъқул бўлса, майли, лобар бўлақолсин.

— Жуда ошuftа жон...

— Агар сен шундай десанг, майли, шундай бўлсин.

— Нима, сенга барибирми? Сенингча, ундай эмасми? Вой, ёлгончи-ей! Гаров ўйнаганим бўлсин — сен кўнглингдаги истақларингнинг рамзи сифатида тақдим этмоқ учун аллақачон сара гулларни танлай бошлагансан.

— Шунақа деб ўйлайсанми? Агар бу гулзордаги гулларнинг сарасини ўғирламоқ учун менинг хоҳишим кифоя бўлса, унда Иеддо жавоҳири бамайлихотир ухлайверса бўлади.

— Нечук? Қандайдир арзимаган беш юз франкни кўзинг қиймаяптими? Сен шундай лаззатдан воз кечмоқчимисан?

— Азизим Людовик! Агар сенга шундай лаззатни бахшида этсалар, ундан тўйиб баҳраманд бўлишингга мен тўсқинлик қилмоқчи эмасман. Лекин сен мени яхши биласан-ку... Аввалги туйғуларимга жуда катта қийинчиликлар билан қайтмоқдаман. Тўғри, бу аёл жуда жозибадор! Ҳаддан ташқари дилбар! Лекин у мени қойил қолдирыпти-ю, иштиёқимни уйғотаётгани йўқ. Унинг бўсалари учун тўланадиган ҳақ эмас, балки шу бўсаларнинг ўзи менга малол келмоқда. Мен уларни истамайман!

Икки дўст шу тарзда гаплашиб туришар экан, сэр Гунчтон сахнанинг ёнида туриб, Чианг-Гоа билан аста гурунглашмоқда эди. Сатанг нечукдир бошқача бир тарзда елпуғич билан елпиниб ўтирарди.

Бу ташрифнинг тугагани ҳақида учта оқсочга берилган ишора эди. Орадан кўп ўтмай, улар меҳмонлар кириб келганида қўлларидан олиб қўйган шляпаларини тутқазишди.

Шундан кейин улар ташқарига чиқиб, гулхонага киришди. Гулхонада Гунчтон катта оқ гулни узиб олди, д'Ассеньяк — майда бинафшалар билан кифояланди, Данглад эса чўнтагидан уч пиастр чиқарди.

Кейин сэр Гунчтон шерикларига ичкарига кириб, узиб олинган рамзий гулларни Иеддо жавоҳирининг тиззасига қўйиб чиқишни таклиф қилди.

Д'Ассеньяк бу ишни хижолат чекмай адо этди. Лекин айтиш мумкинки, граф Чианг-Гоага яқинлашган сари ҳаяжони кучая борди. Аммо Данглад енгил таъзим билан орқасига тисарилганини ва залнинг эшиги олдида шерикларига етиб олиб, оқсоч аёлларга бир тилладан бераётганини кўриб, Чианг-Гоанинг чехрасидаги табассуми сўнди. Сўнгги пиастрни ҳам бериб бўлгач, Данглад сэр Гунчтон ва д'Ассеньякнинг ортидан ташқарига қадам қўйишдан аввал бир қур Чианг-Гоага кўз ташлади.

“Мен ўзимни бошқалардан кўра кўрқоқроқ деб ҳисобламайман, — деди Данглад кейинчалик бизга, — лекин эътироф этмоғим керакки, бу сатангнинг юзидаги қаҳрни, менга қарши йўналтирилган таҳдид ифодасини ўқиб олмоқ учун шу биргина нигоҳнинг ўзи кифоя эди. Мен унинг чехрасида “Сен мени назарга илмаяпсан, ҳали бунинг аламини бурнингдан булоқ қилиб оламан” деган маънони ўқийман.

Оврўполик сайёҳларнинг кўпчилиги Иеддога келганида кўнадиган Танакави маҳалласидаги меҳмонхонага қайтар экан, Данглад ўзининг тегманозиклиги ҳақида шерикларидан бири биридан аламли истеҳзолар эшитишга мажбур бўлди.

— Сиз ростдан ҳам ҳамма нарсдан кўл ювиб, қўлтиғингизга урган кўринасиз, — деди сэр Гунчтон. — Мен сизнинг покизалигингиз олдида бош эгаман. Чианг-Гоадек паризодни рад этиш — менинг назаримда, дадиллик эмас, балки қаҳрамонликдир.

— Балки бунинг жўнроқ изоҳи бордир, — деб хитоб қилди д'Ассеньяк. — Эҳтимол, менинг дўстим ўзининг беш юз франқини бу осиелик хуриликнинг оёғи остига ташлашга кўзи қиймагандир...

— Бари бир, бу ҳам мақтовга лойиқ иш, — деди сэр Гунчтон, — ўзингиз кўрдигиз, Чианг-Гоа Дангладга бошқача назар билан қаради. Шундоқ бўлгандан кейин у бирор расмини совға қилса, Чианг-Гоа буни боши осмонга етиб қабул қиларди. Нимадир мени бир тахминга олиб келяпти — назаримда сиз, муҳтарам жаноб, Чианг-Гоа масаласида алланечук алоҳида режаларга эга эдингиз, шекилли.

— Ҳа, баракалла. Худди шундоқ. Сен — Эдуард — тўғридан-тўғри у шўрликни йўлдан уриш пайига тушиб қолувдинг. Бу — шундоққина кўзга ташланиб турган эди. У сендан кўзини ололмай қолганди.

— Сизни роса сўраб-суриштиргани-чи? Албатта, сизлар тўғрингизда жиндай у-бу гаплардан хабардор бўлгандан сўнг, менга мурожаат қилгани бежиз эмас, — деди сэр Гунчтон, — аммо буларнинг ҳаммаси унинг сизларга қилган ширин муомаласи олдида ип эшолмай қолди-ку!

— Лекин бу ширин муомалага сен бошлаб жавоб қайтардинг-да у шўрликка. Ҳа, энди, гапириб ҳам нима қилдим! — деди таъна оҳангида д'Ассеньяк.

— Ҳали гапирадиган гап кўп, — деб давом этди сэр Гунчтон. — Сизлар аквариумни томоша қилиб турганларингизда у мени саволга кўмиб ташлади: бу француз асли қаердан, Иеддода анча бўладими, деб сўради.

— Бадавлатми? — деб ҳам сўрагандир.

— Йўқ! Ҳамма азиз-авлиёларнинг ҳақиқа қасамлар бўлсинки, Данглад, Чианг-Гоа бу масалада чурқ этиб оғиз очгани йўқ.

— Майли, шундоқ ҳам бўлақолсин. У ҳар нима деган бўлса ҳам ва сиз менинг устимдан ҳар қанча истеҳзо қилиб кулаётган бўлсангиз-да, мен уни бағримга босишни хаёлимга ҳам келтирмайман. Бу таширфимиздан олдин ҳам, ундан кейин ҳам мен, бари бир, ўз эътиқодимга содиқ қоламан. Қўйинг, майли, у ўз худосига ибодат қилаверсин. Мен ўзимнинг худойимга сиғинаман... Мана, уйга ҳам етиб келдик. Ҳар нима бўлганда ҳам, сиздан гоёйда миннатдорман. Гунчтон, хўп, хайр бўлмаса...

Эртаси куни Иеддо жавоҳирдан жавоб келмоғи керак эди — д'Ассеньяк уйдан ташқарига чиқишга унамади.

— Биласанми? — дея гап уқтирди у ўзининг дўстига. — Унинг мулозимларидан ёхуд жорияларидан бири унинг розилигини билдирадиган жавобини олиб келишса-ю, мен уйда бўлмасам, жуда ноқулай бўлади-да! Ҳатни олиб келган одам менинг йўқлигимни кўриб, уни қайтариб олиб кетиши мумкин.

Асабларининг анча-мунча шалағи чиққан Данглад бажонидил уйда қолишга рози бўлди.

Бу орада кун оғиб ҳам қолдики, графни сабрсизлик билан кутаётганини маълум қилиб, Чианг-Гоанинг олдидан ҳеч ким келмади.

Д'Ассеньякнинг қовоқ-тумшуги осилиб тушди.

Данглад буни кўриб, хохолаб кулди.

— Куладиган жойи йўқ! — деб қичқирди граф. — Агар гўзал Чианг-Гоа мени қабул қилишдан бош тортаётган экан, бунга айбдор сенсан!

— Мен айбдорман?!

— Албатта, сен айбдорсан! Сен унга орқа ўгириб, чиқиб кетдинг. Сенинг бундай беўхшовлигинг учун у мендан хафа бўлди. Сенинг беписандлигинг учун мендан алам оляпти, билдингми?

— Сенинг гапинг ғалати бўлди-ку! — деди Данглад. — Лекин эндиликда — мана кўриб турарсан, — ҳозирдан бошлаб, сенга манзур бўладиган бирор аёлни учратиб қолсанг, мен ҳам сен билан баббаравар унга хушторлик қила бошлайман!

— Унақа деяётганим йўқ! Гапни бошқа томонга бурма! Гап унда эмас... Сен рассом сифатида қизиққанинг учун уникига борақолсанг нима қиларди? Сэр Гунчтон айтганидек. Шундай қилсанг, бирор жойинг камайиб қолармиди!

— Иеддо жавоҳирининг беш юзми — олти юз хушторларидан бири бўлиш шунақа шарафми? Албатта, менга малол келади-да! Мен бунақа шарафни кўтара олмайман! Унинг юки остида эзилиб кетаман. Лекин сен мендан хафа бўляпсан, азизим Людовик, сен алам устида бошингга тушган нохушликнинг сабабини мендан изляяпсан? Жавоб келмаётган бўлса, бунинг бошқа сабаби ҳам бўлиши мумкинлигини хаёлингга ҳам келтираётганинг йўқ.

— Бошқа сабаб? Яна нима сабаб бўлиши мумкин?

— Лоақал сэр Гунчтонни олайлик. Муҳаббат сабаб бўлиши мумкин. Қўй, бу сўзнинг сийқасини чиқармай қўяқолайлик. Наҳотки, шу даражада кўнглинг бузилдики, сэр Гунчтон сенинг рақибинг экани буткул хаёлингдан кўтарилиб кетди. Сен — гунафша совға қилдинг, у камелия тўхта этди. Агар борди-ю, унга камелия кўпроқ маъкул тушган бўлса нима дейсан? Унда ҳаммаси тушунарли бўлади — у бирини қўйиб, иккинчисини афзал кўрган. Шундоқ бўлган бўлса, бу ишда менинг айбим нимада? Шубҳа йўқ, бинафшанинг ҳам навбати келади, лекин камелиядан кейин келади. Бунинг устига бир кечалик ҳузур учун беш юз франк тўланадиган бўлса, бирортаси ортиқроқ тўласа, иккинчиси сабр қилиб, кутиб турса ҳам бўлади.

Д'Ассеньяк индамай қолди. Дўстининг истеҳзолари унга қаттиқ тегди. Д'Ассеньяк дил-дилдан унинг ноумидлиги бетаскин эканини ҳис қиларди.

Кейин қўққисдан у хитоб қилиб юборди — хонага сэр Гунчтон кириб келган эди.

— Хуш, нима гаплар бор? — деб хитоб қилди у инглизча пешвоз чиқиб.

— Сиз мендан бахтиёрроқмисиз — йўқми деб, билгани келдим, — сэр Гунчтон.

— Бахтиёрроқмисан дейсизми? Бу нима деганингиз? Янги гап топиб келганингиз йўқми?

— Йўқ. Менга хабар келди-ю, лекин хушxabар эмас.

Бугун эрталаб Чианг-Гоадан менга деб олиб келганлари мана шу қоғоз бўлди... Мана, кўринг...

Сэр Гунчтон д'Ассеньякка бир варақ қоғоз узатди. Унда хитой сиёҳи билан инглизча иккита сўз ёзилган эди:

“Афсуслар билан. Ч.Г”.

— “Афсуслар билан...”, “Афсуслар билан...” — деб такрорлади д'Ассеньяк. — Бу нима дегани бўлсайкин?

— Ҳаммаси равшан, — деди сэр Гунчтон ясама кулги билан. — Бунинг маъноси шуки, Чианг-Гоа менга бир кечалик хузур бахш этишини сўраб қилган илтимосимга рад жавобини берипти.

— Шунақами? Сиз шундай деб ўйлайсизми? — деди д'Ассеньяк қувончини унча яширмай. Ахир, бир гап бор-ку: “Дўстларимиз бошига тушган кулфатларда биз учун жиндай қувончли жиҳат ҳам бор”. Рақибининг омадсизлиги д'Ассеньякнинг дардига бир-оз даво бергандай бўлди. Дарҳол унинг миясига бир фикр келди: э-э, Чианг-Гоа сэр Гунчтонга “йўқ” деган бўлса, буни фақат бир мақсадда — ўзини д'Ассеньякка асраш учун қилган-ов. Иззат-нафс ўлсин-а, — қаёқларда писиб юраркин у?

— Сизга-чи, граф? Сизга хат олиб келишмадими? — деб сўрди сэр Гунчтон.

— Йўқ. Мен кутяпман.

— Киёмат қоим бўлгунча кутишга жаҳд қилди у, — деди Данглад кулиб.

— Мен д'Ассеньякка халақит бермайман, — деди сэр Гунчтон. — Мен жаннатга кириб, унинг неъматларини кўрдим-у, лекин ҳеч қайсисидан татиб кўрмай, у ердан қувилдим. На илож? Энди неъматларни бошқа жойдан излашга тўғри келади. Сиз — Данглад, ҳеч нарса кутаётганингиз йўқ. Биз билан бирга Бентенга боришни истамайсизми? Мен, лорд Мальгурав, сэр Вэльслей учувимиз уч кунга кетяпмиз. Юринг биз билан.

Данглад “йўқ” деган маънода бошини чайқади.

— Сиздан миннатдорман, — деди у. — Модомики, менинг дўстим, лаззатларга бўлган чанқоғини қондирмай, соҳилдан нари кетолмаётган экан, дўстлик расмига кўра мен ҳам шу соҳилда қолмоғим жоиз. Бахтиёрми-йўқми, омадлими ёхуд рад этилганми, бари бир, мен Людовикни ташлаб кетмайман, у Иеддода ёлғиз қолмайди.

— Бу гапингиз рост, — деди сэр Гунчтон, — Орвет билан Пилад ҳеч қачон бир-бирларидан ажралмайдилар... Шундай қилиб, жаноблар, бугун сешанба. Мен сизларни ё пайшанба куни кечкурун, ёки жума куни эрталаб кўриш шарафига ноил бўламан.

— Жаноблар! Жаноблар! — дея ҳаяжон ичида хитоб қилди д'Ассеньяк. — Мабодо, адашаётган эмасмикинман? Бизнинг уйимиз олдида замбилдан тушаётган анави ёш қиз Чианг-Гоанинг жорияси эмасми?

Данглад билан Гунчтон унга яқин келишди.

— Ухшайди, — деди Данглад.

— Ҳа, албатта, — деб унинг гапини тасдиқлади сэр Гунчтон, — бу Чианг-Гоанинг канизакларидан бири. Бу эрталаб меникига келиб кетган канизакнинг ўзгинаси. Лекин эрталаб унинг устида қанчо бор эди, ҳозир эса поримоне кийиб олипти. Бу ғалаба нишони, граф... Сизнинг илтимосингиз вожиб бўлипти. Канизак сизни бекаси хузурига етаклаб боради.

Д'Ассеньяк гапни охиригача тинглади ҳам. У аллақачон япон қизнинг олдида бориб, унинг кўлидан олиб келган хатини олган, дарҳол унинг муҳрини бузиб ўқиб чиққан эди. Хатда Иеддонинг жавоҳири бундай деб ёзипти:

*Граф Людовик д'Ассеньякка. Келинг.
Чианг Гоа.*

— Мени қабул қилипти... Келинг, депти... — дея хитоб қиларди у. — Хатни ўқиб кўринглар, жаноблар. У менга “келинг!” депти-я... Сизнинг гапингиз тўғри экан, сэр Гунчтон, поримоне чиндан ҳам яхшилик белгиси экан. Хайр, яхши қолинглар, жаноблар! Яхши қол, Эдуард!... Эртагача, хайр!

Узининг галабасидан эси оғиб қолган д'Ассеньяк дўстларининг қўлларини сиқиб хайрлашди, уларнинг номларини чалкаштириб, сэр Гунчтонни Эдуард деб, Эдуардни эса сэр Гунчтон деб чақирди.

Сэр Гунчтон унинг ҳаддан ташқари жўшқин қувончига бир ҳовуч сув сеппиб, бир оз совутмоқчи бўлди.

— Бас қил, — деди у дўстига паст овозда, — бир оз ўзингни босиб ол. Сен худди биринчи марта учрашувга кетаётган мактаб боласига ўхшайсан. Худо ҳаққи, бу аҳволда Франция байроғига доғ тушириб қўйишинг ҳам ҳеч гап эмас.

— Франция устидан ҳам кулганим бўлсин! — деб гап қайтарди граф эҳтиромсиз оҳангда. — Франция нима бўлипти? Бутун дунёда фақат битта мамлакат бор, у ҳам бўлса — Япония! Аёллардан эса яғонаси Чианг-Гоа. Шу аёл мени хузурига чорляпти. У менга “келинг” деб ёзипти. Бундай чорловга қанот боғлаб учиб бораман-ку! Хайр!

Шундай деб у соябонли замбилга югурди. Тўртта бақувват ҳаммол уни кўтарди-ю, пилдираб йўлга тушишди. Данглад сэр Гунчтон билан бирга бу кулгили манзарани томоша қилишиб туришарди.

— Лекин, — деди Данглад сэр Гунчтонга. — Менинг дўстим Чианг-Гоаникига етиб олгунча уни бизнинг соқчиларимиз кўриқлаб борса тузук бўлмайдимми?

— Фойдаси йўқ, — деб жавоб берди инглиз. — Иеддо жавоҳирининг ҳаммолларини шаҳарда ҳамма танийди. Уларга хужум қилишга ҳеч кимнинг ҳадди сизмайди. — Шундай деб рассом томонга эгилиб, гапига илова қилди. — Наилжоз? Агар мен шахсан сиз учун манзур бўладиган бирор иш қилаолмаган бўлсам, лоақал сизнинг дўстингизнинг тўла-тўқис хузурланишига сабабчи бўлганимга хурсандман. Унинг қувончи шу қадар жўшқин ва хилма-хил рангларга бойки, агар мен ўта рашкчи одам бўлганимда ҳам рашк қилишимга ҳалақит берган бўларди.

Данглад елкасини қисди.

— Д'Ассеньякнинг болалиги қолган эмас, — деди у. — Яна сиз, сэр Гунчтон, бу гўдакка ҳеч нарса хавф солаётгани йўқ дейсиз-а?

— Унга нима ҳам бўлиши мумкин? Бирон нарса бўлганда ҳам фақат ўзи кутаётган воқеа рўй беради, холос. У соҳибжамол хитой аёлининг зиёфатига боради... Кейин... эртага эрталаб уни ҳар қачонгидан ҳам қувончлироқ ҳолда кутиб оласиз ва у тунни қандай қилиб лаззату фароғатда ўтказгани ҳақидаги ҳикоялари билан кулоқ-миянгизни қотириб, қўлингизга беради. Тамом-вассалом. Сиз бемалол ухлайверинг. Бугунги тунда граф рўпара келиши мумкин бўлган фақат битта хабар бор. Аммо бу хатар энг тотли таъмга эга...

Сэр Гунчтон Дангладни ғам-ғуссаларига ботган ҳолда ёлғиз қолдирди. У дўсти билан бирга қилаётган икки йиллик сафарига биринчи марта бунақа кайғуни бошидан кечирмоқда эди.

Зим-зиё тун.

Данглад дераза раҳига тирсакларини қўйиб, лаблари билан ўчиб қолган сигарасини қисганча тек турар ва мана шу маҳзун кайфиятда қанча вақт ўтганини билмасди.

Ердан Данглад суяниб турган деразагача тахминан икки метр келарди. Тўсатдан, унинг қаршисида деярлик дераза панжарасига барабар келадиган бир қора пайдо бўлди. Унинг қандай пайдо бўлганига ақл бовар қилмасди. Уни кўриши билан Данглад беихтиёр ўзини орқага ташлади.

Кимдир инглиз тилида сўради:

— Сиз Эдуард Дангладмисиз?

— Ҳа, мен.

— Сизга Чианг-Гoadан мактуб бор.

Чианг-Гoadан мактуб! Дангладнинг кўнглидаги шубҳа-гумонлар тарқади. Демак, сатангнинг д'Ассеньякни чорлагани бир тузоқ экан-да, бошқа мақсадга эришиш воситаси бўлган экан-да!

Бир дақиқадан кейин рассом чироқ шуъласида мактубни ўқиди:

“Дўстингиз меникида ўтирипти, лекин мен уни севмайман. Мен сизни севаман. Мени деб келмасангиз ҳам, уни деб келинг.

Чианг-Гоа”.

Яна бир дақиқадан кейин Данглад кўчага чиқди ва хат келтирган мулозимга деди: “Мен сен билан бирга бораман!” Хатни келтирган одам лоннинлардан бири эди, бошини қора мато билан ўраб боғлаб олганди, шундай чирмаб боғланган эдики, кўзларидан бошқа жойи кўринмас эди. Бу одам хўштак чалди. Унинг хўштагига яна бир безори пайдо бўлди. У икки отни жиловидан ушлаб олган эди. Данглад ҳеч иккиланмай, сакраб отга минди. Орадан чорак соат ўтар-ўтмас у ўзининг ҳамроҳи билан Иеддо жавоҳирининг эшиги олдига етиб борган эди.

Чианг-Гоанинг хузурига кирар экан, Данглад ўзини қандай тутишни билмас эди. Унинг бирдан-бир билгани шу эдики, д’Ассеньяк хатарли вазиятга тушиб қолган, Данглад уни қутқаради, ёки у билан бирга ўзи ҳам нобуд бўлади.

Уни сатангнинг хузурига олиб киришди, лекин сатанг кеча уларни қабул қилган муҳташам залга эмас, кичикроқ хобхонага олиб киришди. Лекин бу хобхона ҳам шу қадар шиная эдики, истаган паришлик — таннознинг ҳавасини кўзгаши мумкин эди. Данглад бу ерга олиб киришлари ҳамано таҳдид билан сўради:

— Менинг дўстим қаерда? Қани у?

Бу икки жумла оғзидан чиқиб улгурмай Данглад Чианг-Гоанинг табассумидан сездик, унинг ҳозирги дўқ-пўписалари беҳуда.

Чианг-Гоа кечагига қараганда бугун янада кўркамоқ эди, устидаги юпқа пушти матодан тикилган либоси унинг бўлиқ жойларини сал-палгина тўсиб турарди. Бу либослар томошаталаб одамнинг кўзларига эмас, фақат биттагина бахтиёр инсоннинг нигоҳига аталган эди.

О, у эркаланиб, рассомга яқин келиб, таманно билан гина қилганида бениҳоя гўзал бўлиб кетди. У Дангладга сўз қотар экан, юзини унинг юзига шу қадар яқин олиб бордики, уларнинг лаблари бир-бирларига тегай-тегай деб кетди.

— Ҳали сиз мени суюшни истамадингизми?

Бу латофатли овоз жарангини эшитганда титроққа тушмаслик учун, бу жажжи оғзидан чиққан муаттар бўйларни туйганда ҳаяжонланмай турмоқ учун киши чиндан-да авлиё бўлмоғи керак эди.

Данглад авлиё эмас эди. У кеча ёлғон гапиргани йўқ — у чиндан-да сатанглардан ҳазар қилади. Лекин Чианг-Гоа сатангмиди? Ҳозир у дил-дилидан чиқариб, “мен сени севаман!” деди. Оламда биронта сатанг шунақа деб айтаоладими?

Данглад кўзларини юмди ва бу жозибатор аёлнинг бўсасидан бутун бадани жимирлаб, бўгин-бўгинлари бўшашиб кетди.

Аммо муҳаббатга қарамай дўстликка содиқ қолган Данглад шивирлаб сўради:

— Лекин д’Ассеньяк... Қани у?

— У мен билан, — деб жавоб берди Чианг-Гоа.

— Сиз билан? — деб тақрорлади донг қотиб қолган Данглад.

Чианг-Гоа гапига изоҳ берди.

— Сиз тушунмадингизми? Бўлмаса сизга тушунтирай.

Шундай деб у ўрнидан кўзғолди.

— Сиз кетяпсизми? Қаёққа? — деб хитоб қилди Данглад.

“Хавотир олма, ҳеч қаёққа кетаётганим йўқ. Мен сеникиман! Бошдан-оёқ!” дегандай маънони билдирувчи қўл ҳаракати билан уни тинчитган бўлди.

Орадан беш минут ўтди.

Данглад хобхона ичида ўзини қафасдаги арслондек ҳис қиларди. Бу муддат давомида у нималарни ўйлайдикин? Еки дўстининг қай аҳволда экани тўғрисида ташвиш чекдимикан?... Ҳм... Бунақа эмасдир-ов...

Ниҳоят, жория пайдо бўлди ва у имо-ишора билан уни орқасидан юришга ундади.

У узундан-узоқ иланг-биланг йўлакдан жорияга эргашиб, бир эшиккача эргашиб борди. Жория унинг қаршисида эшикни очди. У сирли ёритилган хонага кирди. Унинг ичкарасида тўшак устида аёл киши ётипти. У Дангладга қараб, “мен сеники” дегандай кучоғини очди.

Данглад тўшак томон интилди.

Шу лаҳзада хона ёришиб кетди ва кимнингдир қаҳ-қаҳ уриб кулгани эшитилди. Данглад теварак-атрофга аланглади.

Во ажаб! Унинг орқасида Чианг-Гоа кулиб турарди.

Қизиқ бўлди-ку? Ундай бўлса, тўшақда ётиб Дангладни Чианг-Гоанинг овози билан “Мен сеники” деб чорлаган аёл ким бўлди? Бу — бор-йўғи соҳибжамол хитой аёлининг канизаги эди, холос. Канизак ёшгина япон жувони бўлиб, ҳаддан ташқари зўр маҳорат билан бекасининг овозига тақлид қилар экан.

Ҳамма нарса аён бўлди. Данглад ҳаммасини тушунди. Маҳаллий одамлар учун учта ёки тўртта Чианг-Гоа бор экан, сууқоёқ хорижийлар учун ҳам худди шундай экан.

Д’Ассеньяк ўзидан аввалги кўпгина хушторлар каби Чианг-Гоанинг нусхаларидан бири билан тунни ўтказган эди. У бу ердаги алдовни хаёлига ҳам келтиргани йўқ, канизақлардан бири моҳирлик билан Чианг-Гоа қиёфасига кириб, унинг кўнглини овлаганини тасаввур ҳам қилмаган эди.

Фақат Дангладгина ҳақиқий Чианг-Гоа билан мулоқотда бўлди.

Нечоғлик ажойиб, фараҳбахш тун! Данглад маъшуқаларнинг анча-мунчасини кўрган одам. Данглад уларнинг баъзиларини яхши кўрган, баъзилари эса уни яхши кўришган эди. Лекин улар билан бирга бўлиб, шаҳвоният китобидан ўқиганларининг ҳаммаси Чианг-Гоа унга бахш этган лаззатлар олдида арзимас бир нарса бўлиб қолганди.

Лекин Дангладнинг қалби бор эди. Чианг-Гоанинг ҳам қалби бор эди. Бу қалб жуда яхши тарбия кўрган аёлларда бўладиган қалблардан кўра ҳам назокатли ва андишали эди.

Чианг-Гоа ўзининг қилиб юрган ишларидан афсус-у надоматлар қилар, ўз касб-корининг бор разолатини изоҳлаб ўтирмай, гайришуурий тарзда пушаймон ерди.

Ахир, у шўрлик уни ўз-ўзига нечук тарзда изоҳлаб берсин — ҳеч ким ҳеч қачон унга жирканч бир касбни ҳунар қилиб олганини айтмаган эди-да!

— Сенинг муғомбирлигингни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирган эмасмиди?

— Ҳеч ким, — деб жавоб берди у. — Ҳатто оврўпаликлар ҳам алданарди. Бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Биринчидан, ўзинг кўрдингки, мен меҳмонларимни кутиб оладиган хона нимқоронғи. Бундан ташқари, уларни бу хонага йўллашдан олдин мен уларга бир пиёла шампан ичираман. Унга уч-тўрт томчи ликер аралаштирилган бўлади. Бу ликёр унинг ақл-заковатига мутлақо таъсир қилмаган ҳолда бир зумда унинг хаёлотини туман билан қоғлаб олади.

— Мен бунақа ликёрдан ичмадим-ку?

— Сенга ичириб нима қиламан?

Данглад Чианг-Гоадан болалик йиллари қандай ўтганини суриштирди, одамлар унинг ҳаёти ҳақида гапириб юрган гаплар тўғри ё нотўғри эканини сўради. Чианг-Гоа бу гаплар тўғри бўлса керак, мен ўзим ҳеч нарсани эслолмайман, ўзим ҳам ҳаётим тўғрисида бошқалардан эшитиб билганман, деди.

Чианг-Гоа унга анча гапларни гапириб берди. У ўзининг гўдаклик чоғлари тўғрисида, уни қандай қилиб роҳиба қилмоқчи бўлганлари тўғрисида гапирди... Данглад унинг гаплари охирига етмай, ухлаб қолди.

Баайни Геркулеснинг ўзи Омфаланинг бағрида ухлаб қолгандай.

Кун пардаси кўтарилиб, ҳар томонга қуёш ёғдуси таралганда Данглад Чианг-Гоанинг кучоғида ухлаб ётар эди.

У кўзини очганида, ёлғиз қолганди.

У соатига қаради — соат тўрт бўлганди.

Ҳар қандай тўкис одамнинг ҳам бир кемтиги бўлади. Дангладнинг кемтиги иззат-нафсининг кучлилигида эди.

— Шубҳа йўқки, — деди у ўзига-ўзи, — д’Ассеньяк ҳали ҳам бу уйнинг бирор буржида пишиллаб ухлаб ётган бўлса керак. Агар мен уйимизга ундан олдин бориб олганимда эди, унга ёлғон гапириш заруриятдан халос бўлган бўлардим.

Шу тарзда ўй ўйлаб ётган Данглад тўшақдан сакраб туриб, апил-тапил кийина бошлади. Шу пайт хонага ёш япон жувони кириб келди. Уни кўриб, Данглад ўзини жилмайишдан тўхтата олмади — эҳтимол, бугун кечаси дўстига Чианг-Гоа қиёфасида айни шу аёл намоён бўлгандир деган фикр хаёлидан

Ўтди. Эҳтимол, д'Ассеньяк лаззатли тунни шу жувон билан бирга ўтказгандир, ҳозир эса у яна қайтадан ўзининг канизаклик вазифаларини ўташга киришган.

— Ишонч ҳар нарсадан ортиқ! — деган хулосага келди Данглад.

У канизакнинг орқасидан эргашди. Унинг ўйлаганича, канизак уни бекасининг ёнига олиб бормоғи керак эди. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Чиндан-да Чианг-Гоа уни айвонлардан бирида кутиб ўтирган экан. Бу айвон гуллар билан безатилган бўлиб, ундан Иеддо кўрфазининг латиф манзараси кўриниб турарди. Туни билан ўзининг жонажон ватани тўғрисида гаплашиб чиққан Чианг-Гоа бу одам билан хайрлашиш шарафига милдий кийимларини кийиб олган эди. Данглад уни кўриб қойил қолганидан анграйиб қолди.

— Сизни соғиниб туришимни истайсизми? — деб сўради Данглад.

— Мени дарров унутиб юбормаслигингизни истар эдим.

Бир дақиқа уларнинг икковлари ҳам хаёл суриб индамай қолишди, кейин Чианг-Гоа ёсмиқ дарахтидан бир кичик навдани сидириб олиб, унга узатди-да, деди:

— Олинг... Агар мен сизга ўта талабчан кўринаётган бўлсам, мени эслатиб турсин деб бераётганим бу гул ўрнига, менга бошқа нарса берингки, у менга сизни эслатиб турсин.

— Нима берай?

— Манавини...

Чианг-Гоа Данглад чап қўлининг чинчалоғида тақиб юрадиган жуда оддий бир узукка ишора қилди. Лекин бу узук ҳам совға эди — уни биринчи бор ҳамдам бўлган маъшуқаси тортиқ қилган эди.

Бироқ Чианг-Гоанинг илтимосини қайтариб бўлармиди?

Шундай қилиб, Париж таннози совға қилган узук Чианг-Гоанинг қўлига ўтди.

— Миннатдорман! — деди у қувонч билан ва кетидан илова қилди: — Тунда бу ерда кўрганларингизни гап қилиб юришингизни маслаҳат бермайман. Фақат бир нарсани айтиб қўяй: Иеддо аъёнларидан бирортаси менинг томонимдан алданганидан воқиф бўлиб қолса, ўша куннинг эртасигаёқ мени ўлдириб кетишади.

— Кўрқманг! — деб дадил жавоб берди Данглад. — Ҳатто дўстимга ҳам лом-мим демайман. Айни шу мақсадда мен уйингизни ундан олдин тарк этсам деяпман. Агар мен уни уйимизда қарши олсам, унинг хаёлига бошқа фикр келмас...

— Бу кечани сиз мен билан бирга ўтказдингиз. Мен сизнинг шунақа истак билдиришингизни сезувдим. Шунинг учун мулозимларимга жаноб д'Ассеньякнинг сиздан узоқроқ ухлашини чорасини кўришни топширгандим.

Данглад жиндай безовта бўлди.

— О! — деб хитоб қилди Чианг-Гоа. — Улар кўрган чора мутлақо бехатар. У ухлаётган хонада бир хушбўй ўтни тутатишди, холос. Деразаларни очишлари билан ҳид дарҳол кўтарилиб кетади ва у ҳеч қийналмай уйқудан уйғонади. Яхши боринг, бўлмаса. Иеддодан қачон жўнаб кетмоқчисиз?

— Уч-тўрт кундан кейин.

— Уч-тўрт кун дейсизми? — Агар сиз истасангиз, биз яна... Лекин орқамдан пойлаб юришади... Кўрқаман...

— Йук, йук! Бугунгидай тун бошқа қайтарилмайди. Буткул хайрлашамиз, Чианг-Гоа!

— Буткул! Ундай деманг. Ким билади, эҳтимол...

— Қандай қилиб?

— Майли, эътибор берма. Бемаъни гапларни гапиряпман. Менинг гапларимга эътибор берма. Яхши бор!.. Мен сени севаман!

Шундан кейин навбат сўнги бўсага келди — сўнги бўса ҳамма сўзларни босиб тушди.

Кетишга тайёрларан экан, Данглад беш юз франкни тўласаммикин — тўламасаммикин деб ўйланиб қолди. Пул тўлаш ноқулай кўринди — Чианг-Гоа билан унинг орасида муҳаббат пайдо бўлган эди. Айни чоқда тўламаслик ҳам яхши эмас. У сих ҳам, кабоб ҳам қуймайдиган йўлини топди: чиқиб кетаётиб, тилла тўла ҳамённи канизакка тутқазди ва илова қилди:

— Ушла манавини, азизим, керагингга яратарсан.

Жориа қувончдан яйраб кетди.

Чианг-Гоа мулойим табассум билан миннатдорчилигини билдирди. Орадан кўп ўтмай, д'Ассеньяк билан Данглад Францияга қайтишди. Улар Иеддодан жўнаб кетаётганларида учта оғиздан учта “Оҳ” янгради. Бу “оҳ”лар эсдалик оҳлар эди. Д'Ассеньяк билан сэр Гунчтон сатанг таннозни эслаб, Данглад аёлни хотирлаб “оҳ” чекишганди.

ХОТИМА

Буларнинг бари 1863 йилда рўй берганди.

1867 йилда Эдуард Данглад мактуб олди — уни келтирган одам жавобини олиб кетмоғи керак эди. Данглад шоша-пиша муҳрни бузди. Аммо у мактубни ўқиб чиқишга улгурмай, унинг бетоқатлиги таажжуб ифодалари билан алмашди.

Мактуб Чианг-Гоадан эди.

Чианг-Гоа Парижда экан. У катта бир меҳмонхонага тушипти.

Инглизча ёзилган мактуб қуйидагича мазмунга эга эди.

“Дўстим! Эсингдами — сен менга “буткул ҳайр” деганинга, мен сенга “ким билсин, эҳтимол” деб жавоб берган эдим. Ушанда сен менинг гапимдан таажжубга тушиб, изоҳ талаб қилган эдинг. Мен эса “Бу бемаъни гап. Унга эътибор берма” деб жавоб қайтарган эдим. Дўстим, ўша бемаъни ғоя жиддий ишга айланиб кетди. Мен тўрт йилдан бери Францияга боришни орзу қилиб юрардим. Қўқисдан бунинг имкони туғилиб қолди ва мен ундан фойдаланиб, Тайкуннинг аёнлари қаторида йўлга чиқдим. Мана, мен Франциядаман. Мен Париждаман!

Менинг қўлимни қисиш истагинг борми? Мен сендан ғоятда миннатдор бўлардим.

Чианг-Гоа”.

Бу сатрларни ўқиган Данглад иккиланиб ўтирмай, Иеддо жавоҳирига жавоб ёзишга тутинди.

“Бугун кечкурун соат тўққизда ёнингда бўламан...”

Роппа-роса соат тўққизда белгиланган вақтда қарзини ундиргани борган судхўр сингари рассом меҳмонхонага бориб, Тайкун аёнлари қаторида келган Чианг-Гоани сўради.

Чианг-Гоа аллақачон фармойишлар бериб улгурган экан — уни дарҳол хонага олиб киришди.

Чианг-Гоа чоғроқ залда юмшоқ ўриндиқда ўтирган экан. Данглад хонага кириши билан у ўрнидан туриб, рассомга қўлини чўзди.

Чианг-Гоа юзини ҳафсала билан яшириб олганини кўриб рассом ҳайрон қолди. Зал жуда ночор ёритилган эди — бир бурчакда тепасига қалпоқ қўндирилган биргина чироқ ёниқ турарди.

Япон безориларидан ўрнак олиб, Чианг-Гоа юзининг юқори қисмини қора латта билан яшириб олипти, аммо бу унга етарли эмасдай туюлган шекилли, у юзига юпқа матодан тутилган парда ҳам тутиб олипти. Парданинг чети кўзидан бир энлик пастга тушиб турипти.

Ана шу нимқоронғи хонада ўтирган арвоҳга ўхшаган кимса чиндан ҳам соҳибжамол Чианг-Гоа эканига ишонч ҳосил қилиш учун унинг овозини тинглаб, эшитиб кўрмоқ зарур эди.

— Мени кўргани келиб, ҳўб иш қилибсизлар-да! — деди хитой жувон французча. Шундай деб у Дангладга қўлини чўзди”. — Мана, кўриб қўйинг — узугингиз қўлимда. Мен берган гул-чи?

— Гул менда.

— Ростми?

— Худо ҳаққига қасам ичаман. У сўлиб, қуриб қолган, лекин...

— Надоматлар бўлсинким, ҳамма нарса ҳам сўлади.

— Сиз қачон келдингиз?

— Кеча.

— Қанча вақт бўласиз бу ерда?

— Бир ой ёки икки ой бўламан. Бу Тайкунга боғлиқ.

Орага сукунат чўкди. Данглад аёлнинг юзидаги ниқоби ва нафис пардаси ундан жувоннинг чеҳрасини тўсиб турганидан анча бесаранжом бўлди, аммо бу қадар кулгили эҳтиёткорликнинг сабабини суриштириб билгиси келиб

турган бўлса-да, сўрашга истиҳола қилиб турарди. У бирор оғир можаро уни юзини тўсиб олишга мажбур қилган деб ўйлади.

— Нега юзингни бунчалик яшириб олдинг, Чианг-Гоа? — деб сўради минг андиша билан Данглад.

— Менинг ёшлигим мени тарк этиб учиб кетди!

Мен энди кампир бўлиб қолдим. Мен Иеддода сизга берган гул навдасидай сўлиб қолдим. О! Бу дунёда аёл кишининг ёшлиги бир зумда ўтаркан-кетаркан. Европада вақт уларни аярмиш. Уларнинг ҳусни жамоли узоқ яшаркан, ўттизга кирганларида ҳам эркаклар уларни ёқтиришни қўймас эканлар. Ҳатто қирққа кирганларида ҳам эркаклар эътиборидан бебахра қолмас эканлар. Биз бўлсак ўттизга кирганда ўтин бўламиз, эркакларнинг назаридан қоламиз. Мен сизнинг вақтингизни оляпман-а? Эҳтимол, сизни кутишаётгандир? Алвидо! Энди ҳамишаликка хайрлашамиз. Мен жуда худбин бир аёлдай иш қилдим. Сизни жуда кўргим келган эди. Мана, кўрдим. Энди бахтиёрман.

Мени кечиринг.

Жавоб ўрнига Данглад хитой жувонга томон эгилди. Чироқ анча нарида эди. У эҳтиёткорлик билан жувоннинг юзидаги ниқобини олди, лаҳза ўтмай, унинг лаблари Чианг-Гоа лабларини излаб топди. Шу аснода Чианг-Гоанинг миясидан “ҳали муҳаббатга муносиб эканман” деган фикр ўтди. У ҳали ҳам навқирон ва ҳали ҳам гўзал эди...

ЛУКРЕЦИЯ БОРДЖИА

Борджиа! Бу сўз бизнинг қалбимизда қанчадан-қанча хотиротлар уйғотади! Хотиротлар бўлганда ҳам фасоҳат хотиралари, қонли хотиралар!

Улар, айниқса, учта исм атрофида жам бўлади: Александр IV номи билан папа бўлган Родриго Ленцуэло Борджиа, унинг ўғли — герцог Валентинуа унвонига эга бўлган Чезаре Борджиа ва унинг қизи Лукреция Борджиа.

Родриго Ленцуэло Борджиа Испаниядаги Валенсия шаҳрида 1431 йилда туғилган. Ота йўли билан қараганда у Ленцуэлодан, она йўлидан эса Борджиадан тарқаган. У зукко олим, укувли адвокат бўлган ва аввалига шу соҳаларда ном чиқарган эди. Сўнгра довьюрак одам сифатида армия хизматида тилга тушди. Аммо отаси вафот этиб, ўғлига жуда катта молу дунё қолдирган эди — шундан кейин у қутилмаганда боши билан турмуш лаззатларига шўнғиб кетди.

Бу пайтларда у Елена Ваночча деган бир бева аёлнинг хуштори бўлиб олганди. Бу аёл яқинда иккита қизи билан Римдан Валенсияга келган эди. Бева аёл бетобланиб қолди ва Родригес унинг хунуқкина қизини монастирга жойлаб қўйди.

Унинг кенжа қизи Роза Ваночча жуда соҳибжамол, гўзал қиз эди. Кейинчалик у Родригонинг маъшуқасига айланди.

Шу маъшуқа беш йил мобайнида унга бешта фарзанд туғиб берди. Булар Франческо, Чезаре, Лукреция ва Жифри. Унинг бешинчи фарзандининг исми маълум эмас, чунки у бешиқдалик пайтдаёқ ўлиб кетган эди.

Шундай қилиб, орадан беш йил ўтди — бу йиллар мобайнида Родриго жамоатчилик фаолиятини йиғиштириб қўйиб, жуда масрур ва жуда қувноқ ҳаёт кечирди. Кўққисдан у тоғаси Альфонс Борджиа Каливеста III номи билан папа бўлганидан воқиф бўлиб қолипти. Бу хабарни эшитиб, Родригонинг мудраб ётган ғурури уйғонди. Тоғаси уни жуда яхши кўрар эди. Шубҳа йўқ эдики, тоғасининг шарофати билан жияни кўпгина иззат-икромларга эришмоғи мумкин эди. Узининг истак-хоҳишларини ошкўр этмай, у тоғасига жўнгина табрик мактуби ёзди. Унинг бу сифати тоғасини лол қолдирди. У папалик рутбасини эгаллагандан кейин унинг теварагини дўстлари ва қариндош-уруғлари қуршаб олди — уларнинг ҳаммаси пападан нималарнидир ўтиниби илтимос қилишарди, фақат биргина ана шу жияни ҳеч нарса сўрамади.

“Дарҳол этиб кел, — деб ёзди у Родригога. — Сенинг ўрнинг менинг ёнимда, Римда”.

Родриго яна бир марта таклиф келишини кутиб ўтирмади.

Римга жўнаб кетиш олдидан у маъшуқаси билан анча батафсил гаплашиб олди.

Аллақачон қоронғи чўккан, болалар уйқуга кирган эди.

— Сен билан гаплашиб олишим керак, — деди Родриго Ваноччанинг ёнига ўтирар экан.

— Нима тўғрисида?

— Сен мени севасанми?

Ваночча унинг юзига қаради.

— Наҳотки, сенга севгимни ҳали исботлаб беролмаган бўлсам, — деб эътироз билдирди у.

— Ҳа, — деб жавоб берди Родриго, — исботлаб бергансан, албатта. Аммо муҳаббатингни янада каттароқ исботлаб беришинг зарур бўлган фурсат келди.

— Бу мушкул-да, — деб жавоб берди Роза ғалати бир тарзда жилмайиб.

— Қўйсанг-чи, — дея эътироз билдирди Родриго. — Гап ўтмишда эмас, ҳозирги кунда. Келажагимизнинг муҳташам бўлмоғи учун сен бугун машаққат чекишга тайёрмисан?

Роза Ваночча сесканиб тушди.

— Сен мени тарк этмоқчимисан? — дея қичқирди у.

— Мен бунга истамайман, лекин шундай қилмоққа мажбурман, — деб жавоб берди Борджиа. — Менинг тоғам Папа бўлди. У мени ўз ўғлидай яхши кўради ва ўзининг ёнига чақиряпти. У мени иззат-икромга ва бойликларга кўмиб ташлайди. Тушунайсанми? Мен жамики подшолар ва қиролларнинг олий ҳукмдоридан кейин биринчи одам бўлишим ўзимга боғлиқ. Эҳтимолки, у вафот этса, жаҳон тахтига унинг ўрнига мен чиқарман.

Менинг қаршимда келажақнинг ана шундай эшиклари очилса, Ватиканнинг эшиклари ҳам очилади. Шунинг учун мен бу ерда осмонга қараб фол боқиб ўтираверсам, мени биринчи бўлиб сенинг ўзинг тентак ва бефаросат деб атаган бўлардинг.

Ваночча қўллари билан юзини беркитди — гўё у мулоҳаза юритишга киришмоқчидай кўринди. У бир неча дақиқа давомида индамай ўтирди ва кейин қўлини юзидан олди. Унинг ранги бир оз оқарган бўлса-да, юзи жуда қатъиятли эди.

— Гапларинг тўғри! — деди у. — Ҳаммадан аввал сенинг келажагингни ўйламоқ керак... Майли, боравер. Лекин менинг аҳволим нима кечади? Болалар билан нима қиламан?

— Мен бунга ўйлаб кўрдим, — деди Родриго давом этиб, — мен ҳаммасини пишитиб қўйганман. Мен сендан ёки болалардан воз кечишни истамайман. Мен бугун кечқурун жўнаб кетаман. Эртага сен болаларинг билан Венецияга жўнайсан. Сизларга Мануэл ҳамроҳ бўлиб боради. Сизлар ўша жойда истиқомат қиласизлар. Ҳар ойда керакли миқдорда пул олиб турасизлар. Албатта, Венеция Римдан анча узоқ, лекин нима қилганда ҳам Венеция — Италия-да. Ким билади дейсан, эҳтимол, мен зиммамдаги мажбуриятлар тақозоси билан сизларнинг олдиларингизга келиб турарман ва келиб, “сизларни ҳамон яхши кўраман, сизлар ҳамон эсимдасизлар” деб айтаман. Сабр қилмоқ керак. Ваночка, анча-мунча бардош қилиш керак бўлади. Агар мен улгурсам — меъ, албатта, улгураман, қасамёд қилиб айтаманки, сизларнинг ғамингизни ейман. Йигирмата шаҳзодани ва йигирмата вилоятни хароб қилсам-да, сизларни бойитмай қўймайман.

Ваночча севинчи ҳам, ғами ҳам ичига сиғмай, оху зор билан хушторининг бўйнига ташланди.

Сўнг улар биргаликда болалар ухлаб ётган хонага йўл олишди. Родриго болаларининг ҳаммасини пешонасидан ўпди.

Ниҳоят, у севгилисини кучоғига олиб деди:

— Хайр! Яхши қол!

Бироқ унинг хайр-маъзурига жавоб бериш ўрнига Роза Родригога ғалати нигоҳ билан тикилиб қолди. У ҳайрон бўлди.

— Ҳа, нима бўлди? Менга бирон нарса демоқчимисан?

— Ҳеч нарса, — деб жавоб берди у, — сен жўнаб кетишингдан аввал, ўзинг учун фойдали бўлган бирон нарсани сўраб олмайсанми?

— Ҳа-я! — дея хитоб қилди у пешонасига бир уриб. — Бер! Берақол!

Ваночка хобхонага кирди, кўкрагига осиб олган калит билан қутичани очди ва унинг ичидан сарғиш рангдаги суюқлик солинган шишачани олиб, Родригога берди.

Родриго йўлда шишача синиб-нетиб қолмасин учун уни рўмолчага эҳтиёт билан ўради-да, чўнтагига яшириб қўйди.

Бу шишачанинг ичида нима бор эди?

Ҳар хил хасталикларга шифо берадиган бирон дорими у? Ҳа!

Буни бир бора татиб кўрган одам умрбод докторнинг ёрдамига муҳтож бўлмас эди. Ҳўш, ана шу ҳамма нарсага даво бўладиган бу қимматли малҳамнинг номи нима эди?

Ҳозирча унинг номи йўқ эди, аммо кейинчалик уни Борджианинг заҳари деб аташди.

Родриго Роза Ваноччанинг хуштори бўлишидан аввал унинг онаси Елена билан яқин алоқаларда бўлган эди. Елена жуда ҳам келишган аёл эди, лекин бари бир, қизига етолмасди. Родриго қизга шу даражада ошиқу беқарор бўлиб қолдики, қизга уни ўғирлаб кетишни таклиф қилди.

Бироқ Розанинг ўзининг жуда галати қоидалари бор эди.

— Сиз менга ёқасиз, жуда ҳам ёқасиз, — деб жавоб берди у Родригога. — Аммо онам ҳаёт экан, мен ҳеч қачон сизники бўлмайман. Елена Ваночча у пайтларда эндигина ўттиз беш ёшга кирган эди, бинобарин, Розанинг жавобини буткул рад маъносида қабул қилиш мумкин эди. Лекин Родриго учун эмас. Роза шу гапларини айтганида, Родригонинг назарида унинг кўзларида чақмоқ чақнагандек бўлди.

— Лекин онангизни жонингиздан ортиқ кўрамыз-ку! — деди у қизга. — Онангиздан маҳрум бўлиб қолсангиз, бу сизни қаттиқ қайғуга соларди.

— Мен онамни яхши кўрардим, — деб бўғиқ овозда унинг гапини қайтарди Роза, — аммо у менинг отамни ўлдиргандан бери мен уни яхши кўрмай қолганман.

Бу жавоб Родригога бир воқеани эслатди: Еленанинг эри чиндан ҳам хиёнаткорона тарзда ўлдирилган эди, аммо ошна-оғайнигарчилик туфайли на Елена, на унинг хуштори Ригаччи суд жазосидан омон қолишди. Елена вақтинча Испанияга кетди, унинг хуштори эса Англияга йўл олди. Лекин бу жиноятнинг битта тирик гувоҳи қолган эди. У — Роза эди. У отаси хотинининг хуштори билан олишаётганда онаси унинг орқасидан келиб, ханжар урганини кўрган эди. Роза бу даҳшатли жиноятни бир дақиқа ҳам унутгани йўқ ва бунинг учун онасини кечиргани ҳам йўқ, лекин шунга қарамай, шу пайтга қадар бу тўғрида ҳеч кимга чурқ деб оғиз очгани йўқ, ҳеч нарса билан бу жиноятдан хабардор эканини ошкора этмади.

Родриго Розанинг онаси бу дунёни тарк этмоғи керак деган тўхтамга келди.

Аммо Родриго ўйлаб қўйган ниятини қандай қилиб рўёбга чиқаришни билолмай хуноб эди. У қотиллик қилишга жаҳд қилди, лекин қотилликни қандай қилиб амалга оширади? Бу — Родриго амалга оширмақчи бўлган биринчи жиноят эди. У иккиланаётгани йўқ, фақат ўлдириш йўлини қидирмоқда эди, холос.

У Роза билан гаплашиб олгандан кейин уйига қайтиб келиб, ҳар эҳтимолга қарши чўнтақларини тиллага тўлдириб олди. Аввалига у бутун Валенсияда ном чиқарган бир одамга мурожаат қилмоқчи бўлди — бу одам ханжарнинг бир зарби билан масалани ҳал қила оларди.

Аммо қотилликни касб қилиб олган Сальвадор Босмера бетоб экан. Оддий аравакаш Борджиани яқинига ҳам йўлатмади.

— Жин урсин, аҳвол чатоқ-ку! — деди Родриго ўзига ўзи, Босмеранинг кулбасидан узоқлашар экан. — Мен бу ярамас билан лоақал бир лаҳза юзма-юз кўришганимда, эҳтимол, у менга бошқа бирор одамнинг номини айтармиди... Нима қилиш керак энди?

Шу тарзда ҳаёл суриб Родриго ўзи сезмаган ҳолда Граи йўлига чиқиб қолди. Граи Валенсиядан ярим соатлик йўлдаги бир қишлоқ эди. Йўлда ўрмон бор эди. Унинг ёнидан ўтиб бораётиб, Родриго кимларнингдир гала-ғовур гаплашишаётганини эшитди. Бунинг тагига етишни ўйлаб, у дарахтзор ичига кирди. У ерда лўлилар базми-жамшид куриб ўтиришган экан. Лўлилар унинг келганига кўп ҳам хурсанд бўлишмади.

Испан йигитининг пайдо бўлиши билан одамларнинг ола-ғовури янада кучайди, итлар ҳам ҳаммаёқни бошларига кўтариб вовиллай бошладилар.

Аммо Родриго салга кўрқадиган одамлардан эмас эди. Аксинча, лўлиларни кўриб, у хурсанд бўлиб кетди. Кўнглида галати ниятлар пайдо бўлди. Роза

Ваноччанинг бўлажак хуштори бу ерда излаган нарсасини топди, негаки, лўлилар деб аталмиш бу дайдилар қавми қадим-қадим замонлардан бери “яхши” деб аталадиган тоифага кирмайдиган жамики касб-кор билан шуғулланар эдилар.

— Катталаринг ким? — деб сўради Родриго. — Мен у билан бир-икки оғиз гаплашсам дегандим.

Сиполик ҳамиша оддий одамларга таъсир қилади. Лўлиларнинг говури тиниб қолди. Ҳатто итлар ҳам акиллашдан тўхтади. Бир лўли ўрнидан турди. Бу — эллик ёшларга кирган, чап қўли йўқ одам эди.

— Мен сардорман, — деди у. — Нима ишинг бор?

— Гапимни ёлғиз ўзингга айтаман, бекорга вақтимни оляпти деб ўйламаслигинг учун, манави ҳамёни олиб қўй. Агар гапимиз қовушиб, бир-бирига тўғри келса, ҳозирнинг ўзида яна шунча бераман, агар индинга сендан мамнун эканим чин эканига ишонч ҳосил қилсанг, бундан яна икки барабар кўпроқ оласан.

Родриго гапини тамом қилиб улгурмай, кекса кўрбошининг имоси билан лўлилар тўдасининг ҳаммаси бир лаҳзада кўздан ғойиб бўлди. Шунда кўрбоши испан йигитнинг ёнига келди-да, унга ҳурматан таъзим бажо келтириб, деди:

— Буйруғингга мунтазирман. Бу дунё-ю у дунё Евзегирнинг жисми ҳам, руҳи ҳам, қўл-оёғи ҳам сеники...

Родриго жилмайди.

— Оёғинг меники экани тузук, лекин қўлинг масаласида жуда ошириб юбординг... Биродари азиз Евзегир...

— Ҳар ким ўзида бор нарсани таклиф қилади, — деб жавоб берди лўли. — Тағин ҳам бахтим бор экан — қўлимнинг биттаси омон қолган.

— Бирон қалтис ишни қилаётганингда қўлингдан яралангансан-у, кейин ундан ажраган бўлсанг керак-да!

Лўли “йўқ” деган маънода бош чайқади.

— Ҳа, энди нима бўлганда ҳам, бунинг менга сира дахли йўқ, — деди Родриго. — Чап қўлингни қаерда, қандай йўқотганингни билишни ҳам истамайман. Фақат ўнг қўлинг менга хизмат қилса, бас. Гап бундай: менга ҳалақат бераётганлар бор. Агар бу одам эркак киши бўлганида, уни ўзим бир ёқлик қилардим. Лекин у аёл киши... Мен ана шу аёлнинг ҳаётни тарк этишини истайман. Сенинг ихтиёрингда ҳатто аёллардан ҳам халос этадиган воситалар бўлиши керак, бу воситаларнинг иси чиқмаса керак, улардан из қолмаса керак. Имкони бўлса, улар шунақа бўлсаки, ўлар кишини кўп ҳам қийнамаса... Сизлар бунақа ишларда устаси фарангсизлар... Мен нима тўғрида гапирётганимни фаҳмлаяпсанми?

Кекса лўли бош эгиб таъзим қилди.

— Тушуниб турибман, — деди у. — Сенга заҳар керак экан.

— Топдинг. Сенда борми?

— Бор, лекин мендагиси сиз жаноби олийларига тўғри келмайди-да! Яхши ҳақ тўлаган одамнинг хизматини ҳам яхшилаб қилмоқ керак. Лекин бир неча дақиқадан кейин қўлимда бир заҳар бўлади — унақасини олимлар ҳам ясай олмайди. Унинг томчиси ҳам момогулдуракдан бадтар одамни қарахт қилади. Хўп, майли, мени маъзур тутасан. Агар мендан мамнун бўлсангиз, эртага бугунгига қараганда икки барабар кўпроқ ҳақ бераман дедингми?

— Ҳа.

— Қилган ишим эвазига ҳақни олмоқ учун мен сени қаердан излаб топаман?

— О! О! Сен жуда пишиқ одам экансан...

— Мен билан биродарларим қашшоқ одамлармиз. Шунинг учун бир тишлам нонимизни топиб ейиш имкони туғилиб қолса, бундай имкониятдан фойдаланмаслик учига чиққан аҳмоқлик бўлар эди. Бунинг устига мен сизни алдасам, сизга мақтаб-мақтаб берган матоҳим кўнглингиздагидек чиқмай қолса, мен айтганчалик ўтқир бўлмаса, тез таъсир қилмаса, сизлар учрашувга келмай қўя қолишга ҳақлисиз. Лекин мен хотиржамман. Сен на фақат мен билан ҳисоб-китоб қилгани келасан, сен мендан бу заҳарни тайёрлаш йўлини билиб олгани ҳам келасан. Бу заҳар сенга маъқул тушиши аниқ. Уни тайёрлаш йўлини бобомдан ўрганганман, бобом эса уни Ҳиндистондан ўрганиб келган эди.

— Яхши! Индинга соат саккизда Аламедга бор. Лекин ҳозирча биз қуруқ гап сотаяпмиз, холос. Заҳарнинг ўзи қани?

— Ҳозирча у йўқ, лекин ҳадемай келиб қолади. Эсингиздан чиқмасин. Мен сиздан бир неча дақиқа кутишни илтимос қилгандим. Кутишни билган одам ҳамиша ютади.

Сўнги сўзларни айтиб бўлиб, испан лўлиларининг сардори чўнтагиди кичкинагина маъдан қутича олди. Қутича оппоқ порошок билан тўлдирилган эди. Ундан икки чой қошиқ олиб, бир неча тилим мол гўшти билан аралаштирди-да, кейин улардан товукнинг тухумидек келадиган бир неча юмалоқ ясади. Сўнг улардан бирини чўққанинг олдига ташлаб, деди:

— Нафсингга егин-у, ўлгин!

Чўққа ташланган юмалоқни оғзи билан илиб олиб, ямламай ютди.

Бир қўли йўқ сардор Родригога ўгирилди.

— Мен уни ҳарҳолда огоҳлантирганман, — деди у. — Агар у шўрлик ўлиб-негиб қолса, мен айбдор эмасман. Шундай эмасми?

Родриго қошларини чимирди.

Кекса лўлининг пешонаси тиришди.

— Бу чўққа бир ой мобайнида бизга овқат бўлиши мумкин эди, бир дақиқадан кейин у ерга кўмиб ташлашдан бошқа нарсага ярамай қолади. Уйлайсизки, мен уни қурбон қилган бўлсам, буни сизнинг устингиздан кулиш учун қилдим, шундайми?

— Бунинг нима зарурати бор эди?

Бир имо билан Евлигер Родригонинг гапини бўлди.

— Вақт яқинлаб қолди, — деди у, — қаранг. Жонивор азоб чека бошлади. Бир неча дақиқадан сўнг бу азоб-уқубатлар туфайли у ҳаёт билан видолашади. Биз муддаомизга эришамиз. Қаранг, ўлим ўлимдан туғилади — айни сиз истаган ўлим — тез, беҳато, муқаррар... Қаранг!

Дарҳақиқат, шу пайтгача майса устида ётган чўққа бирданига типирчилаб, чийиллаб, одамдек фарёд чека бошлади. Орадан кўп ўтмай, унинг азоблари шу даражага етдики, бунга чидаёлмаган жонивор сапчиб оёққа турди, лекин унинг оёқларида гавдасини тутиб турмоқ учун мадори қолмаган эди. Шунинг учун жонивор уч марта чирпирак бўлиб ерга қулади.

Лўли бир зумда хотиржамлик билан арқондан сиртмоқ ясади-да, у билан жониворнинг орқа оёқларини танғиб боғлади. Кейин арқоннинг нариги учини эман дарахтининг йўғон шохидан ўтказиб, чўққани ердан икки аршин юқорига тортиди.

Бир неча дақиқадан сўнг чўққанинг қўл-оёқлари тортишиб, тириша бошлади. Бу азоблар исканжасида жонивор шунақа силкинар эдики, эманнинг йўғон бутоғи бамисоли қамишдек эгилди.

Ниҳоят, иш хотимасига етадиган фурсат ҳам келди.

“Ўлим ўлимдан туғилади” деди лўли ва у ҳақ эди. Чўққанинг оғзидан чиққан кўпикни лўли тунука идишга йиғди-да, кейин уни бир шишачага қуйиб, Родригога узатди. Ана шу кўпик — одамни тил торттирмай ўлдирадиган заҳар эди.

Мол гўшти билан аралаштирилган порошок оддий заҳар эди.

Заҳарланган чўққанинг сўлаги жуда тоза, жуда ўткир заҳар эди.

— Энди гумонинг қолмагандир? — деди Родригони сенлашга ўтиб. — Эҳтимол, тажриба учун сен бу заҳарнинг кучини амалда кўрмоқчидирсан? Мана, далил-исботи!

Шундай деб лўли кескин ҳаракат билан устидаги плашини ечиб ташлади.

— Биласанми, қўлимни кесиб ташлашларини ўзим нима сабабдан буюрган эдим?

Ун йил муқаддам заҳарни тайёрлаётганимда эҳтиётсизлик қилдим-у, чўққа бармоғимни тишлаб олди. Беш минут ўтмасданоқ қўлим кўкариб, шишиб кетди. Яна беш минутдан кейин заҳар елкамгача чиқди. Мен иккиланиб ўтирмадим. “Болгани олиб, қўлимни чоп!” деб буюрдим ҳамроҳларимдан бирига. У гапимга кирди. Мен уч ойгача жуда қаттиқ азоб чекдим, лекин ҳаётим сақланиб қолди. Мен ҳаётни яхши кўраман. Айниқса, бугунги кунга ўхшаб сендай саховатпеша одамлар билан учрашиб қолсам.

Родриго лўлига яна бир ҳамёнини узатди.

— Мен сенга ишонаман, — деди у. — Лекин айт-чи, сен бугунга қадар ҳеч кимнинг шунақа хизматини қилганмидинг?

— Мана, ўн йилдирки, яъни қўлимни чўққа тишлаб олган кундан бери мен бирон марта ҳам бу заҳарни тайёрлаганим йўқ.

— Ўн йил олдин бу заҳарни қаерда, ким учун тайёрлар эдинг?

— Эдингбургда бир донгдор инглиз учун тайёрлаганман. Яшаш жонига тегиб кетган экан. У дунёга равона қилмоғим учун у менга беш юз гиней тўлаган эди.

— У ўлганми?

— Ўн дақиқага ҳам бормаган.

— Демак, бу заҳарни тайёрлаш сири сену менгагина маълум экан-да!

— Ҳа, албатта. Сену мен бохабармиз, холос.

— Яхши. Мен бориб, дорини синаб кўрай. Хайр. Индинга Аламедода кўришамиз.

Эртаси кунни кечқурун маъшуқаси ва унинг қизлари билан бирга боғда ўтириб Родриго Борджиа сув ичгиси келиб қолди.

— Бор, синьор Родригога ичгани сув олиб кел, Бианки, — деб буюрди бева катта қизига.

Бианки онасининг гапини икки қилмай, уйга кириб, бир стакан муздай лимонад олиб чиқди.

Лекин Родриго ҳеч кимга билдирмай Розани оёғи билан туртди. Роза қичқириб юборди.

— Нима бўлди сенга? — деб сўрашди чўчиб тушишган онаси билан опаси.

— Билмадим, — деб жавоб берди титроқ овозда Роза эгилиб, стол остини кўздан кечирар экан. — Оёғимга аллақандай совуқ бир нарса келиб урилгандай бўлди.

Бу жавобдан кейин Елена билан Бианки беихтиёр Розага ўхшаб, энгашиб стол тагига қарашди. Родригонинг ўзи ҳам бир неча сониядан кейин уларга қўшилиб, стол тагини кўздан кечира бошлади. Стол тагида ҳатто ўрмалаб юрган биронта ҳашарот ҳам йўқ эди.

— Бизни лақиллатибсиз-ку, азизим Роза! — деди Родриго кулиб.

— Рост, — деди Елена Ваночча. — Ҳар нима бўлганда ҳам, бўталоғим, бунақа дод солиш керак эмас. Ҳали ҳам юрагимнинг ўйноғи босилгани йўқ.

— Бир қултум лимонад ичиб юборақолинг, — деди Родриго маъшуқасига стаканни узатиб.

— Бажонидил.

У стаканда қолган лимонаднинг ҳаммасини ютоқиб ичиб юборди ва ўша заҳотиёқ қўлини кўкрагига ва пешонасига босди.

— Ғалати-я! — деди у.

— Нима қилди? — деб сўрашди иккала қизи ва Родриго баравар.

— Емон кўрқиб кетибман, шекилли. Мен қийналиб кетяпман... Мен... Ё тангрим... Ё парвардигор!

Булар Елена Ваноччанинг оғзидан чиққан сўнгги сўзлар эди.

У бир ўрнидан кўтарилгандай бўлди-ю, бутун гавдаси билан гурсиллаб скамейкага ағдарилди. Соҳибжамол, навқирон Елена шу тарзда оламдан кўз юмди.

— Онажон! Она! — деб фарёд солди иккала қиз. — Онажон!

Мальюна Роза онаси жавоб қайтармаслигини билатуриб, уни “Онажон!” деб чақирар эди.

Онанинг жавоб бермоғи мумкин эмас эди, чунки уни қизи ўлдириб бўлган эди.

Бугун эрталаб Родриго шишачани кўрсатиб навжувон қизга шундай деган эди:

— Бунда сен билан менинг озодлигимиз қамалиб ётипти. Сенинг туйғуларинг ўзгаргани йўқми? Аввалги гапимиз ҳали ҳам гап-а? Бугун кечқурун онанг ўлади. Қачон меники бўласан?

— Эртага, — деб жавоб берди Роза.

Яна бир кундан кейин Родриго келишилганига биноан Аламедога — лўлилар ҳузурига йўл олди.

Кекса лўли учрашувга ёлғиз ўзи биринчи бўлиб келди. Родриго ҳам ҳамроҳсиз ёлғиз келган эди. Евлигир орқаси билан дарахтга суянганича қийшайиб турарди. Унинг оёғи остида кум устида қалпоғи тўнтарилиб ётарди. Қари лўли ногирон жойларини кўз-кўз қилиб, ўтган-кетганнинг раҳмини келтирадиган тиланчига ўхшарди.

Унинг ёнидан ўтиб борар экан, Родриго қалпоғига ваъда қилинган ҳамённи ташлади.

— Худо сиздан баракотини аямасин, синьор, — деб минғирлади лўли. Лекин Родриго аллақачон анча нарига кетиб улгурган эди. Қари лўли эса турган жойида яна бир неча муддат турди.

Аммо чўнтагида икки минг дукат тиллоси бўлатуриб, одамнинг тиланчилик қилиб қўл чўзиб туриши ғалати бўлар экан. Лўли ҳамённи чўнтагига солди, қалпоғини ердан олди-да, Граи томон олиб борадиган йўлдан юриб кетди. У лўлилар чодирларини ўрнатишган ўша ўрмон сари кетиб борарди. У дадил қадамлар билан борар, лекин бу қадамлар унга таҳдид солиб турган қисматдан халос этолмас эди. Унинг қисмати муқаррар ўлим эди.

Родриго иккита разил одамни топди. Улар йигирма дукат пулга йигирмата лўлини ўлдиришга тайёр эдилар.

— Бугун кечқурун, соат саккизда Аламедодда, — деди Родриго уларга. — Қайси одам эканини ўзим кўрсатаман.

— Жуда яхши!

У ўша одамни кўрсатиб қўйди.

Чоғроқ ўрмондаги ўз чодирига етиб боришига бир неча қадам қолганида кекса лўли жонсиз йиқилди. У ҳатто бирон-бир садо ҳам чиқармади. Унинг орқасига иккита ханжар урилган эди. Уларнинг бири иккита куракнинг ўртасига санчилди, иккинчиси эса тўғри юракни тилкалади. Қотиллик бир зумда ғоят усталлик билан амалга оширилди. Кекса лўли унга суиқасд қилаётганларини сезмаёқ жони узилган эди.

— Уни тинтиб кўрайликми? — деб сўради ёлланган қотиллардан бири.

— Не ҳожати бор? Унинг ёнида нима ҳам бўларди?

— Бари бир-да. Бир таваккал қилиб кўрайлик.

— Нима бор экан?

— Ҳамён... Иккита... Учта...

— Ичи тўла олтин! Афтидан, ўғирлаб олган бўлса керак. Унинг суробини тўғрилаб қўйиш учун бизни ёллаган йигитни тўнаган бўлса керак-да!

— Шунақа бўлса, бизга нима?

— Албатта, бизга дахли йўқ. Кўзичоқ сўйилди, унинг юнги бизники.

Иккита разил роса кайф-сафо қилмоқ учун ва Родригонинг пулларига қимор ўйнамоқ орзусида Валенсияга қайтиб келишди. Табиийки, уларнинг бундай ниятлари Родриго учун бари бир эди.

У сирга ёлғиз ўзи эгалик қилмоқ учун икки минг дукат пул берди, лекин ортиқча бериб юбордим деб ўйламади.

Борджиа заҳарининг тарихи ана шунақа. Бу заҳар қирқ йил мобайнида бутун Италия бўйлаб ажал уруғларини сепган, чунки Родриго қариб қолгандан кейин меҳрибон ота сифатида бу муҳим сирни ўзининг сеvimли фарзандлари Чезаре ва Лукрецияларга очди. У заҳарни тайёрлашни анча мукаммаллаштирган эди. Шу кашфиётларидан ҳам уларни бебаҳра қолдирмади.

Ҳаммавақт айна бир хил усул билан ўлдиравериш ҳам ноқулай, ҳам зерикарли!

Родригонинг бошқа кашфиётлари ичида битта калит ҳам бўлганини айтмоқ жоиз. Калит шундай хусусиятга эга эдики, ундан фойдаланган одамнинг қўлига жиндаккина санчиларди-ю, унинг қўлида сезилар-сезилмас яра пайдо бўларди ва шу яра туфайли у одам нобуд бўларди. Гап шундаки, шу калитда қулф қийинчилик билан очиларди, калитни бураш учун уриниш асносида ундаги кўз илғамайдиган игна қўлга санчиларди. “Игнанинг санчилиши сезилар-сезилмас эди, лекин муқаррар ўлимга олиб келарди”.

Бироқ биз Родриго Борджианиннг тарихини эмас, унинг қизи Лукреция Борджианиннг тарихини ҳикоя қилмоқчимиз. Родриго кўп йиллар мобайнида иккиюламачилик қилиб, папалик тахтига чиқишга тайёрлик кўрмоқ учун Римга жўнаб кетганида, Лукреция ҳали бешиқдаги чақалоқ эди. Ҳа, кўп йиллар мобайнида! Родриго кутди, кам деганда ўттиз йил бардош билан авлиё Петр тахтига чиқадиган кун келишини кутди!

— Сабр қилмоқ керак. Бардош зарур! — дерди у Розага.

Эҳтимол, бу гапларни айтар чоғида Родриго уларнинг нақадар тўғри эканини ҳаёлига ҳам келтирмагандир.

Римга келган дастлабки пайтларида Родриго ҳижрон аламини жиндай бўлса-да камайитириш учун ҳар ойда икки-уч кунга Венецияга бориб турди, аммо

кардинал бўлганидан кейин эса муҳаббат лаззатига жуда кам бўлса-да, бир оз вақт ажратаётгани фош бўлиб қолиб, обрўси тўкилишидан қўрқди. Шунинг учун висол онларини янада камайтириб юборди. 1458 йилдан 1484 йилга қадар, яъни йигирма олти йил мобайнида у Роза билан кўришган бўлса, бор-йўғи ўн беш марта кўришди, халос.

Аммо учрашувлар ҳар қанча кам бўлмасин, маъшуқасига ва фарзандларига муҳаббати самимий эканини намойиш этишдан тўхтамади. У ҳар ҳафтада Ваноччага мактуб ёзишни ва пул юборишни қанда қилмас эди. Роза болалари билан фароғатда ҳаёт кечирарди. Рўзгорни Родригонинг дўсти, Розанинг укаси ҳисобланмиш дон Мануэл Мелхиора бошқарарди. У опаси ва жиянларининг ҳеч нарсага зорикмай, фаровонликда ҳаёт кечиришларидан хабар олиб турар, лекин бирон марта ҳам бу маблағлар қаёқдан келаётганини суриштириб, опасини хижолатга қўймасди.

Дон Мануэлнинг бунақа камсукумлиги зарурий фазилат эди, акс ҳолда у бир зумда фойдали ва ёқимли одамдан бошқаларга малол келадиган, юракларни сиқиб юборадиган одамга айланиб қоларди.

Бу гапни изоҳлаб берайлик.

Роза бева бўлиб қолганидан кейин дастлабки тўрт йил давомида Родригога вафодор бўлиб қолди. Бироқ у табиатан жуда жўшқин эди. Кунлардан бирида шунга амин бўлдимки, муҳаббат деган нарса ҳар қанча самимий бўлмасин, у фақат ёзишмалардагина намоен бўладиган бўлса, анча гариб ва нотавон муҳаббат бўлиб қолади.

Родригонинг ўзи ҳам Венецияга келишларидан бирида Розанинг учрашувлар кам эканидан шикоят қилганини эшитиб унга ўзи истагандай ҳаракат қилишга тўла эрк бериб, шундай деган эди:

— Азизим, модомики, мен Папа бўлишга ҳаракат қилаётган эканман, сизни асоратга олиб, зулм қилсам, бу ҳам беъманилик ҳам шафқатсизлик бўларди. Мен учун фақат қалбингизни сақлаб қолсангиз етади, мен сиздан бундан ортиқ нарса талаб қилишга ҳақли эмасман.

Шундай қилиб, Ваночча ўз қалбини фақат Родриго учунгина сақлаб қолди. Унинг туйғулари масаласига келсак, Роза уларни тез-тез Венеция йигитларига тортиқ қилиб турарди. Бундан аён бўладики, Ваноччанинг уйи зинҳор-базинҳор ахлоқдан сабоқ берадиган мактаб бўлган эмас ва дон Мануэл қаттиққўл назоратчи бўлса, бу хонадонга сиғмай қолиши ҳеч гап эмас эди.

Хуштори томонидан эрки ўзига бериб қўйилган Ваночча болаларига нисбатан талабчан бўлмасликни мутлақо ўринли деб ҳисоблади. Бир хуштордан кейин у бемалол иккинчисини топаверар эди. Болалар ҳали ёш бўлишганда бундай бузуқлик манзараларининг улар учун унчалик хатарли жойи йўқ эди. Аммо Черазе билан Франческо бўй тортиб, балогатга етишганда, Лукреция эса ўн олтига кирганида, бу ахлоқсизликларнинг таъсири уларда рўйирост кўрина қолди.

Уларнинг кардинал оталари оналарига ихтиёрни бериб, қандай кўнгилхушлик қилса ҳаммасига қўлни очиб қўйганди. Уларнинг оналари бу эркинликдан бемалол фойдаланишнинг ҳеч қандай айби йўқ деб ҳисобларди. Болалар ҳам нима қиламан десалар ихтиёрларида эди. Улар учун ахлоқ қоидалари, дину имон қоидалари, табиат қонунлари мутлақо аҳамиятсиз эди.

Ўн олти ёшга кирганида Лукреция лол қоладиган даражада дилбар қиз бўлган эди. У ҳар жиҳатдан баркамол эди: у олижаноб, хушбичим, ўта латофатли, зийрак, фаросатли қиз бўлганди. Ҳа, унда ҳамма нарса баркамол эди, фақат қалб йўқ эди, халос. Унга қалбнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Ахир, бировни маҳлиё қилиб йўлдан урмоқ ёки ўлдирмоқ учун қалбнинг бўлиши шарт эмас-да!

Лукреция малласоч эди. Ўн олти ёшигача малласоч бўлган Лукреция соҳибжамол эди. У кўзгу билан маслаҳатлашиб кўриб, онаси каби ўйнаш орттиришга жазм қилди.

Ваноччанинг қасрига келадиган аёнлар ичида Марсел Кандиано деган йигит ҳам бор эди. У Лукрецияга ўқтин-ўқтин суйиб-суйиб қараб кўярди.

Лукреция ҳам унга ўқтин-ўқтин қараб кўярди. Агар йигит ва қиз исташса, гапирмай ҳам бир-бирларини дарҳол тушуниб олишлари мумкин. Марсел Кандиано ўзининг қизга маъқул тушганини тушунди ва шоша-пиша кўз уриштиришлардан гап билан тиллашишга ўтди.

Бир куни кечкурун икковлари ҳоли қолишганидан фойдаланиб, Кандиано шивирлади:

— Мен сизни яхши кўраман.

У табассум билан жавоб берди. Лукреция онаси ҳам бунақа пайтларда табассум билан жавоб беришини билар эди.

Эртаси куни у бу гапини ортиқроқ қилиб айтса, Лукреция ҳам унга равшанроқ жавоб беради. Аммо эртасига Кандиано Ваноччанинг саройига келмади. Кимдир унинг йўқлигига ҳайрон бўлди.

— Ҳа-я! — деган жавоб бўлди. — Хабарингиз йўқмиди — Кандиано тўшакага ётиб қолди-ку...

— Беморми?

— Усал бўлиб ётипти. Бу ердан кетаётганида кимдир ханжар урипти.

— Ким унга ханжар уради?

— Маълум эмас. Суиқасд қилган одамнинг юзидан ниқоби бор экан.

Шўрлик Кандиано! Бутун бир соат мобайнида Лукрециянинг чехрасидан ғам сояси аримади.

Лекин ўша оқшомнинг ўзидан Лукреция бу мудҳиш воқеадан хабар топгандан кейин кечқурун зиёфат вақтида унинг ёнига ферарилик Никола Альбергетти деган одам ўтириб қолди.

Бу одамнинг ёши Кандианоникидан улўғроқ эди, ўзи ҳам ҳусн бобида Кандианочалик эмас эди, лекин жуда бадавлат эди. Бошқа қимматбаҳо тақинчоқлари қаторида у чап қўлининг синчалоғида бриллиант кўзли узук тақиб юрарди. Бу узукни кўрганларнинг ҳаммаси унга қойил қоларди. Лукреция ҳам қойил қолди.

— Бу узук сизга ёқдими? — деб сўради хушмуомалалик билан Никола ва узукни қизга тортиқ қилди.

Лукреция унинг қўли очқилигига ҳайрон қолди, аммо унинг ҳайронлиги ясама эди.

— Мен сиз ўйлагандан кўра сахийроқман, — деди жилмайиб Альбергетти. — Бу узукни мен бир алхимикдан олганман. У жиндай жодугарлик билан шуғулланарди. Уша алхимик мени ишонтириб, “шу узукни тақиб юрсанг, ўлимдан кўрқишинга ҳожат қолмайди” деган эди.

— Ундай бўлса, бу узукни нега менга беряпсиз? — деди Лукреция. — Бу ишингиз номаъқул-ку?

— Ҳеч қанча пул харжламай қўлга киритганим бир нарсани совға қилсам нима бўпти? Бунинг устига мен иримчи эмасман. Агар бетоб бўлиб-нетиб қолсам, менга бриллиант даво бўлмайди-ку! Йўлтўсарларга ва душманларимга қарши эса қиличим бор...

Шу дақиқадан бошлаб Ваноччалар теварагидагиларнинг барига аён бўлдики, Альбергетти Лукрецияга хуштор бўлиш бахтига эришишни орзу қилади. У қизнинг теварагида гирдикапалак эди, у билан жуда хушмуомала бўлиб қолган, ҳар бир хоҳишини бажо келтиришга тиришар ва ҳар бир қулай фурсатдан фойдаланиб, қизнинг қадди-қомати ва ақл-заковати тўғрисида мақтовлар ёғдирарди.

— Сезяпсизми? — деб қолди бир куни оқшом чоғида Розага маркиз Пизани — шу пайтларда бу одам Розанинг хуштори эди. — Альбергетти қизингизни севиб қолган кўринади.

— Ҳўш, нима бўпти? — деди Роза совуққина. — Нега энди у менинг қизимни яхши кўролмас экан?

— Сиз ҳеч нима сезмаяпсизми?

— Нимани сезмайман?

— Бу мулоқотлардан сиз учун ҳам, қизингиз учун ҳам гоятда хатарли бир нарса рўй бериши мумкин.

— Нима рўй бериши мумкин экан?

— Агар у чиндан ҳам ошиқу беқарор бўлиб қолган бўлса, нима учун қизингизнинг қўлини сўраб қўяқолмайди?

Роза елкасини қисди.

— Мендан нимани сўрамоқчи бўляпсиз, маркиз? Сиз мабодо қизимни жонингиздан ортиқ кўрганингизда ҳам унга уйланармидингиз?.. Албатта, уйланмайсиз, шундайми? Донг қозонмаган қизга одатда уйланмайдилар. Шундоқ экан, нима учун сиз Альбергетти қизимнинг қўлини сўрашини истайсиз? Альбергетти ҳам сизга ўхшаган дворян!

— Ундоқ бўладиган бўлса?..

— Хотирингиз жам бўлаверсин. Номи чиқмаган қиз шилқим одамнинг

хархашасидан қўрқмай қўяқолса ҳам бўлади. Уни қўриқлайдиганлар бор. Бир кун келиб, Альбергетти белгиланган чегарадан чиқиб кетадиган бўлса, гапимга ишонаверинг, бунинг учун таъзирини бериб қўйишади.

Лукрециянинг қўриқчиси ким эди? Нега энди бу қиз тобора муҳаббат уммонига шўнғиб бораётган эркакнинг хархашаларидан чўчимаслиги керак?

Альбергетти ўзининг хушомадларини давом эттираверди. Ва ниҳоят кунлардан бирида оқшом чоғида ўзи ўйлагандек, ҳеч кимга билдирмаган ҳолда у Лукрециянинг хонасига кириб борди ҳамда тиз чўкиб қиздан кўкрагини оташ бўлиб ёндираётган эҳтиросли туйғуларига жавоб беришни ўтинди.

Уни севмайдиган Лукреция нозу карашма билан унинг иддаосини сал-пал қондиришга розилигини билдирди.

Биринчи марта пешонасидан бериладиган бўсани Лукреция кифоя деб ҳисоблади. Аммо бу ҳам кўплик қилган экан. Бир неча соатдан сўнг тунда ҳар кунги одат бўйича севимли маъшуқасининг ёнида ўтириб кечки овқатни қилгандан кейин уйига қайтаётган Альбергетти авлиё Марк майдонини кесиб ўтаётганда юзига ниқоб туган, қўлида ханжарли аллақандай одам унинг йўлини тўсди.

Альбергетти доворак одам эди, қурол ишлатишга ҳам чапдаст эди, шунинг учун бу учрашувдан унча чўчигани йўқ.

— Мендан нима истайсан? — деб сўради у ниқобли одамдан.

— Сени ўлдирмоғим керак.

— Ўлдирмоғим керак? Нима учун?

— Бунинг сабабини жон бераётганингда айтаман.

— Қўйсанг-чи, биродар! Сен шу қадар ўзингга ишонасанми?

— Ҳа, жуда ишонаман! Бир неча дақиқадан сўнг узугингни бировга бергач, ўлимнинг нечоғлиқ муқаррар эканига қандай ишонч ҳосил қилсанг, мен ҳам шундай ишонаман.

— О! О! Сен ҳамма нарсадан хабардор экансан-ку! Сен Ваноччанинг яқин аёнларидан эмасмисан?

— Бўлса бордир.

— Балки сен ҳам худди менга ўхшаб, унинг қизига ошиқу беқарордирсан, бинобарин, менга рақибдурсан?

— Шундай бўлиши ҳам мумкин.

— Марсел Кандианони ўлдирган одам сен бўлиб чиқмагин?

— Мен “йўқ” деб туриб олмайман.

— Хўп, майли, қўрайлик бўлмаса — мени у дунёга осонликча равона қилиш қўлингдан келармикан?

Шу гапларни айта туриб Альбергетти қиличини суғуриб олди-да, нотаниш одамнинг устига ташланди. Шу аснода у нотаниш одамни таниб қолди — у ўзининг устози эди. Ниқобли одамнинг қиличи унинг қўли билан қўшилиб кетгандай туюларди. Уни уриб қўлидан чиқариб юборишнинг иложи йўқдай эди.

Нотаниш одам ўз навбатида Альбергеттига ҳамла қилди, у ҳамлани қайтармоқчи бўлди, лекин улгурмади. Рақибининг қиличи унинг томоғига санчилди. Бир зумда у қонга беланиб ерга йиқилди.

Шунда ниқобини олиб ташлаган нотаниш одам йиқилиб ётган рақибининг устига энгашиб, деди:

— Мана, энди рақибинг ким эканини кўриб қўй, Альбергетти.

Жони узилаётган Альбергетти сўнгги кучларини йиғиб, қотили ким эканини билиб олиш учун унга тикилди.

— О, даҳшат! — деб шивирлади у. — Чез...

У гапини тугатолмади, нотаниш одам қўли билан унинг оғзини ёпди... У қўлини унинг оғзидан олганда, Лукрециянинг янги хушторининг жони узилиб бўлган эди.

Бу қотиллик содир бўлган чоғда Лукреция ўзининг ётоғида тўшагига ётишга тайёргарлик кўрмоқда эди. Аммо ойдин кеча дим эди, ёш қизнинг уйқуси қочиб кетганди. Ярим яланғоч ҳолда у чироқни ўчирди — бўлмаса, ташқаридан уни кўриш қийин бўлмасди. Чироқ ўчгач, у дераза раҳига суянди. Роза Ваноччанинг саройи авлиё Стефан майдонига қараган эди, у катта каналнинг бўйига жойлашган бўлиб, унинг деразасидан Лукрециянинг каналда сузиб бораётган гондолаларни томоша қилмоғи мумкин эди. Бироқ у қуйига эмас,

юқорига қарарди, унинг паришон нигоҳи осмон бўйлаб аста сузиб юрган қора булутларга қадалган эди. Ҳўқтин-ҳўқтин чақнаб турган яшин булутларни нурлантириб турарди.

Кўққисдан эшик тақиллаб қолди. Ярим тунда эшик қоққан ким бўлди? Афтидан, бемор онаси ундан хабар олиш учун оқсоч аёллардан юборганмикин?

— Ким у? — деб сўради Лукреция.

— Оч эшикни! Бу мен, — деди кимдир бўғиқ овозда.

Бу овоз Чезаренинг, укасининг овози эди.

Лукреция кийинмасдан бориб эшикни очди.

Чезаре ичкари кирди.

Лукреция чироқни ёқмоқчи бўлди.

— Фойдаси йўқ, — деди у Лукрециянинг қўлини тутиб. — Гаплашиб олмоғимиз учун бизга чироқ бўлиши шарт эмас.

— Узинг биласан, — деб жавоб берди у.

Чезаре тўшакнинг рўпарасида турган диванга ўзини ташлади, Лукреция унинг ёнига бориб ўтирди. Орага сукут чўмди. Чезаре қоронғуликка кўзини ўргатар экан, ёнида ўтирган Лукрециянинг оқ либосли қомагидан кўз узолмас эди.

Орага чўккан сукутдан ҳайрон бўлган Лукреция кулиб сўради:

— Менга қандай яхши гапларинг бор, Чезаре?

— Кулаверма...

— Нега энди? Мен кулмаслигим керакми? Нима бало, бошингга бирор кулфат тушдимми?

— Менгами? Ҳеч нарса бўлгани йўқ.

— Акаларимдан бирортасига бир нима бўлдимми?

Чезаре “йўқ” деган маънода ишора қилди.

— Мен акаларимнинг устидан куляпман, — деб эътироз билдирди Чезаре.

— Мен бутун дунёда фақат сени яхши кўраман, Лукреция!

— О! Онамни-чи? Отамни-чи?

— Уларни ҳам яхши кўраман-у, лекин сенчалик эмас. Сен учун танамдаги ҳамма қонимни беришга тайёрман. Жонингни сот десанг, жонимни сотаман. Сенинг учун нима қилганимни билиб қўй — мен одам ўлдирдим!

— Ё парвардигор!

— Сен Марсел Киндианони кўрмаганингдек, Никола Альбергеттини ҳам бошқа кўрмайсан!

— Ие! Кандианони сен ўлдирганмидинг?

— Ҳа, мен!

— Нима учун?

— Сенга айтдим-ку — мен сени жуда яхши кўрман. Шу даражада яхши кўраманки, сенинг бошқа бирорта ҳам ошиғинг бўлишини истамайман.

— Э, шунақами? Мана энди мен огоҳ бўлдим. Демак, хушторим бўлмаслиги керак экан. Қизиқ, менинг эрга тегишимга ижозат берилармикин-йўқми?

— Эрга тегиш учун сен ҳали жуда ёшсан.

— Эрга ҳам теголмас эканман-да? Менга қара, Чезаре, сен менга жуда шафқатсиз ака бўляпсан-ку?

— Мен сенга ака эмасман.

— Кимсан, бўлмаса?

— Кимсан дейсанми? Бундан беҳабар юраверганинг маъқул, Лукреция! Ким эканимни, сенга ким бўлмоқчи эканимни кўпдан бери сезиб-билиб юрибсан. Истасанг, сени узил-кесил ишонтирмақ учун орамизга тўғаноқ бўладиган тентаклардан яна беш-олтитасини нариги дунёга равона қиламан. Яхши. Ўлдираман ҳам! Лекин мен севаман, сени севаман, Лукреция! Мен сени севаман ва шу севгимни деб ҳаётимни гаровга қўйдим. Негаки, мен Альбергеттини панадан туриб ўлдирмадим, балки унга тенгма-тенг, ҳалол олишувда ўлдирдим. Агар у мени ўлдириб қўйганда, сен менга куйиб, кўзёши тўкармидинг? Сен мени яхши кўрасанми? О, менинг Лукрециям!

Шундай деб у дир-дир қалтираб турган қизни кучоқларига олиб маҳкам қисди, қизнинг титраши, албатта, хурсандлигидан эмас, унинг вужудини қоплаб олган даҳшатдан эди.

Рост, Лукреция анчадан бери Чезаренинг хатти-ҳаракатларида алланечук ғалатиликни сезиб юрарди. Эҳтимолки, Лукреция Марсел Кандианонинг қотили Чезаре бўлганини тусмолдан бўлса-да, билгандир. Аммо Лукрециянинг

хаёлот қуввати ҳар қанча хароб бўлиб бўлган эса-да, у бор-йўғи энди ўн еттига кирган эди. Унинг қалби бўлмагани учун, биринчи бора эркакнинг қўли тегиши ҳамона бутун жисми жунбушга келган эди.

Чақмоқ ёруғида Лукреция акасига қаради. Чезаре Лукреций келишган, жуда чиройли йигит эди. У бениҳоя барно йигит эди, Лукреция эса Лукреция бўлмоғи керак эди.

Бироқ у ўзидан итариб ташлади.

— Йўқ! Жўна бу ердан! Шу пайтда менинг олдимга келганингни биров билиб қолса, нима бўлади? Бор, жўна!

— Кимдан қўрқяпсан ҳозир?

— Сендан қўрқяпман! Сен ақлингни еб қўйибсан! Ҳозиргина одам ўлдириб келиб, яна муҳаббатдан гап сотасан-а!

— Ўша одамга раҳминг келяптими?

— Э... Йўқ! Лекин...

Момақалди роқ гулдирди.

— Эшитяпсанми? — деди Лукреция. — Бу — сен таҳқирлаган Худонинг овози.

Чезаре истеҳзо билан бошини чайқади.

— Булуллар тўқнашувидан тугилган қувватнинг овози бу. Бошқа ҳеч нарса эмас, — деб жавоб берди у.

— Бўлди, бас қил! Уйқум келяпти. Мазам қочяпти... Момақалди роқдан қўрқиб кетяпман. Утинаман сендан, Чезаре, борақол!

— Менга бир марта бўса тўхфа этганингдан кейингина кетаман...

Лукреция унга томон бир-икки қадам ташлади-ю тўхтаб қолди...

Шу чоқ яна эшик тақиллаб қолди ва айни чоқда кимнингдир овози янгради:

— Оч эшикни, Лукреция! Бу — мен, Франческо...

— Франческо? — деб сўради Чезаре қошларини чимириб. — Сенга нима керак?

Лукреция шамни ёқди, қўлига илинган бир кийимини устига илди ва эшикни очди.

Чезаре ўн тўққиз ёшда эди, Франческо эса ундан бир ёш катта эди. У укасиникидек хушрўй эмасди, аммо истараси иссиқ йигит эди. Лекин ҳозирги дақиқада унинг қиёфаси ўта жиддий эди.

У ичкари кириб, укасининг бу ерда эканига сира ҳайрон қолмади, синглиси билан бош ирғаб саломлашди ва кейин Лукрецияга мурожаат қилиб совуқ бир истеҳзо билан деди:

— Энди, бўталоғим, агар тинчланишни истасанг, сенга ҳеч ким халақит бермайди. Бор, тўшагингга ётиб, бемалол ухлайвер.

Чезаре ранги оқариб ўрнидан турди ва Франческонинг олдига келди.

— А! А! Сен гапларимизга кулоқ солиб турган экансан-да?

— Мен гапларингни эшитганим йўқ, — хотиржам жавоб берди Франческо, — мен сени кузатиб тургандим...

— Бари бир, эшик ортидан гапларимизга кулоқ солиб тургансан!

— Ҳа. Тан олиб айтмоғим керакки, бу ишимдан пушаймон бўлаётганим йўқ. Кўп ғалати гапларни эшитдим-да...

— Франческо!

— Чезаре!

Ака-укалар пўписа билан бир-бирларининг рўпарасида туришарди. Лукреция уларнинг ўртасига тушди.

— Бас қилинглр! — дея ҳайқирди у. — Нима бало, ҳозир муштлашмоқчи бўляпсизларми? Худо ҳаққи, момақалди роқ асабларимни қақшатиб юборди. Агар сен мен билан Чезаренинг гапларини эшитмоқчи бўлган бўлсанг, бу жуда яхши. — Эртага Альбергеттининг ўлганини эшитсанг, камроқ ҳайрон бўласан. Чезаре менинг хушторларим бўлишини хохламаяпти. Эҳтимол, сен ҳам буни истамасан? Кўрамиз, истармикансан ё истамасмикансан! Хотиржам бўлавер, менда хушторлар бўлмайди. Қасам ичиб айтаман... Энди хайрлашайлик. Бориб ухланглр. Ҳасад қилиб юрмасликларинг учун, мана сизларга...

Шундай деб Лукреция чаққонлик билан акаларига энгашди-да, уларнинг ҳар бири билан ўпишиб хайрлашди, кейин уларни эшик томон итариб, деди:

— Эртагача!

Улар ҳали гурунглашмоқ истагида эдилар.

— Бир оғиз ҳам гап кетмайди. Бўлмаса, қаттиқ жаҳлим чиқади, — деб

гапини мухтасар қилди Лукреция ака-укаларнинг қўлларини қисиб хўшлашар экан. — Мен фақат сизларни яхши кўраман... Мен фақат сизларни яхши кўрмоқчиман. Бошқа ҳеч кимни... энди севмайман. Хурсандмисизлар энди? Бўпти, боринглар!

Деразаларни ёпиб, эшикнинг илгагини солди-да, ўрнига ётиб, жилмайиб шивирлади у: “Энди бу ғалва ҳам бор экан”.

Қанақа ғалва? Ким ғалва қилмоқчи? Нима учун Лукреция жилмайди? Ўзингиз билиб олаверинг, муҳтарам китобхон.

Жан Бурхарднинг тасдиқлашича, Лукреция нафақат — иккала акаси билан ҳам алоқа қилган, балки кейинчалик ҳатто отаси билан ҳам беҳаё муносабатта киришган.

Лукрециянинг бутун тарихи ана шунақа беҳаё ва шармандали драмаларга тўла. Бу тарих бошдан-оёқ жиноятларга тўлиб тошган. Биз Лукрецияни ёшлигида — қизлик чоғларида кўрдик — биз кўрган қизлик чоғларида ҳам у бузилиб, расво бўлиб бўлган эди. Энди унинг аёллик даврига бир назар ташлайлик. Ҳатто энг даҳшатли нарсада ҳам бирон-бир йилт этган жойи бўлади, бу ерда эса бунақа нарсадан асар ҳам йўқ — Лукреция ўзининг ўйнашларини, эрларини сира аямай заҳарлаб ўлдираверган, бунинг устига эса, ишқий саргузаштларда онасига рақиблик қилиб, акаларига ўйнаш тутиниб, ўзининг энг разолатли томонларини намоиш қилган.

Виктор Гюго ўз драмасида Лукрециянинг Джепаро деган ўғли бор кўрсатади. Бу ўғил Венецияда бўлган экан. Бу пайтда Лукреция Феррари герцоги Альфонс Д’Эстенинг хотини бўлган. У эрини яхши кўрган, уни ўлимдан сақлаб қолган, лекин эри уни ўлдириб юборган.

Лекин буларнинг бари бир оз бошқачароқ содир бўлган эди.

Лукреция қиз кўрган. Лекин қизнинг отаси ким бўлган — Чезареми ёхуд Франческоми — буни шайтондан бошқа ҳеч ким билмайди. Бу қиз чақалоқлигидаёқ сирли равишда ғойиб бўлган. У туғилгандан кейин Лукрециянинг онаси Елена Ваночча неварасини Веронанинг теvaraгида истиқомат қиладиган бир деҳқон аёлга бериб юборади. Лукрециянинг ҳомилдорлиги ва кўз ёриши бегона одамлар учун сир тутилади. Бир оз ўзига келиши биланоқ Лукреция яна аввалги тараллабедод ҳаёт кўйнига шўнғийди. Аммо янги можароларнинг олдини олиш учун ота-оналари Чезарени Пизадаги университетга, Франческони эса Падуяга ўқишга юборишади.

Лукрецияни эса эрга беришади. Унинг эри ёш испан йигити бўлиб, фамилияси маълум эмас. Фамилияси бўлганда нима бўларди — уни бошига урармиди? Унинг умри узокқа бормади. Лозим деб ҳисоблашганда уни олиб кетишди, унинг кераги бўлмай қолиши биланоқ, уни даф қилишарди.

Родриго Борджиа фақат 1492 йилга келибгина Папа бўлди, лекин у ўз оиласини кўришга ошиқиб, уларни 1487 йилдаёқ Римга кўчириб олиб келган эди. Родригонинг кадрдон дўсти Мануэл Мелхиори бир юмалаб граф Фердинанд Кастильский бўлиб олганидек, Венецияда Розанинг тутинган акаси эди, лекин Римга келганда унинг эри бўлиб олди. Лукрециянинг эри бу ўзгаришларни кўриб ҳайрон қолди. Бунинг устига Родриго уни кўз остига олиб қўйган эди, шунинг учун ҳам Лукрециянинг онаси бир куни ундан сўради:

— Эрингни жуда ҳам яхши кўрасанми?

— Менми? Ҳеч ҳам яхши кўрмайман-да! — деб жавоб берди Лукреция ўйланиб ҳам ўтирмай.

— Демак, у бирор-бир нохушликка рўпара келса, сен унчалик хафа бўлмайсан, шундайми?

— Қанақа нохушликка рўпара келса?

— Масалан, қўққисдан ўлиб-нетиб қолса... Унинг бўйи паст, пакана... Бир оз тўладан келган...

Бўйни елкасига қапишиб қолган. Бунақа тоифа одамлар тутқаноқ касалига мойил бўлади.

Лукреция жилмайди.

— Майли...

Бир куни кечқурун сайрдан қайтиб келиб, у хотини ва қайнонаси билан овқатланиб, гурунглашиб ўтирарди.

— Сиз ўзингизни парвариш қилмоғингиз керак, азизим, — деди Ваночча.

— Хотирингиз жам бўлаверсин, онажон! — деди кулиб Лукрециянинг эри.

— Мен ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман. Ҳаммаёғим соппа-соғ...

— Баъзан одам ўзи билмаган ҳолда жисмида касаллик уруғларини олиб юради. Менда қадимдан қолган Сиракуз шароби бор — шароб эмас, баайни болнинг ўзи. Баъзан мазам қочиб қолганда мен шундан бир қултум-икки қултум ичиб тураман. Хўп десангиз, сизга ҳам жиндай қуйиб берайин.

Хизматкорлар чиқиб кетишган, чунки овқатланиш охирига етиб қолганди. Роза ўзининг хонасига қимматбаҳо шишани олиб чиққани олиб кетди. У қайтиб келгунча Лукреция эрини гапга солиб, у билан чақчақлашиб ўтирди. Ваночча шаробни олиб келиб, куёвига қуйиб берди.

— Менга-чи, онажон! — дея хитоб қилди Лукреция таъна билан. — Менга бермайсизми?

— Ҳозир, ҳозир, — деб жавоб берди Ваночча. — Сен бетоб эмассан-ку!

— Мен ҳам бетоб эмасман, худога шукр, — деб луқма ташлади Лукрециянинг эри.

— Шундоқ бўлса-да, сиз бир татиб кўринг бу шаробдан. Шароб ҳақида сизнинг фикрингизни билмоқчиман.

Лукрециянинг эри шаробдан бир-икки қултум хўплади...

— Жуда ажойиб-ку! — деди у ва қадаҳни тавозеъ билан хотинига узатиб, қўшиб қўйди: — мана, сен ҳам татиб кўр...

Лукреция нима қилишини билмай, довдираб қолди. “Йўқ, ичмайман” деса ғалати туюлади, “майли” деса хатарли. Лекин у қадаҳни қўлига олди. Фақат баъзи ҳолларда бир сония бир соатдан кўпроқ маънони билдиради. Дарҳақиқат, у қадаҳни қўлига олиб, ичидаги шаробни у ёқ-бу ёқдан томоша қилиб чиққунича эри тўсатдан қичқириб юборди. У фақат бир бора қичқирди, холос, сўнг гурсиллаб полга йиқилди. Унинг жони узилган эди.

— Мен унга айтдим-ку “бетобсан” деб, — деди Ваночча шаробнинг қолдигини деразадан тўкиб ташлар экан.

Ранги ўчиб кетган Лукреция эрининг мурдасини кўздан кечирарди.

— Нимани ўйлаяпсан? — деб сўради ундан онаси. — Мен шишачани жойига қуйиб келгунимча, сен дод солиб одамларни чақир.

— Ёрдам беринглар! — дея дод солди Лукреция.

Иннокентий VIII оламдан ўтган эди. Яхшигина ҳақ олган йигирма иккита кардинал Родриго Борджиани Александр IV номи билан Папа деб эълон қилишди. Родриго шунча йилдан бери орзу қилиб келган қудратли мартабасига эришган эди. Чезарени у Валентин номи билан кардинал қилиб қўйди. Аммо Чезарега диний мансабда хизмат қилиш маъқул эмас эди — у Людовик XII нинг хизматига ўтди. Людовик эса кардинал Валентиндан герцог Валентинуа ясади.

Франческо герцог Гандига айланди.

Лукреция!..

Лукрециядан нима ясаса бўларкин? У бева эди. Дуруст. Унга эр керак эди. Унга эрни Италиянинг жуда донгдор қадимий оиласидан топишди. Бу оила Миланга олгита олий ҳукмдор етказиб берган эди. Уни Сфорц хонадони деб аташарди. Аммо 1497 йилда Александр IV қизининг эри Сфорцни куёв ўрнида қабул қилиш мумкин бўлса-да, иттифоқчи бўлишга мутлақо ярамагани учун эркак сифатида эрлик вазифасини бажара олмайди деган баҳона билан никоҳни бекор қилди.

Лукреция Борджианининг учинчи эри Альфонс II Арагонскийнинг тутинган ўғли — Видеган герцоги Альфонс бўлди. У мардона эр эди. Ундан наф ҳам катта эди. У жуда ғамхўр, меҳрибон, Лукрециянинг ишларига сира қизиқмайдиган бир одам эди. Александр IV билан унинг қизи Альфонсни жуда ёқтиришар эди. Аммо бу икки йил ўтгандан сўнг Чезарега уни даф этишга сира тўсқинлик қилмади.

Чезаре деганларига одам ўлдириш чўт эмас эди. Отаси билан синглиси мудом ундан қойил қолишарди.

Лекин бир куни улар ҳам англадиларки, Чезаре ҳаддидан ошиб кетипти.

Бу Лукрециянинг учинчи марта эрга тегишидан олдинроқ рўй берди. Бу Римда бўлган эди. У французларни мағлуб қилгандан кейин Римга триумфатор сифатида кириб келганди. Байрам уч кеча-ю уч кундуз давом этди. Уч кун мобайнида Ватикандагилар герцог Валентинуанинг кўнглини қандай олишни биллолмай гаранг бўлишди. Уч кун давом этган шоду хуррамликлар ва

кўнгилахушликлар ичида герцогнинг қовоғи очилмади, чунки бу шодиёналарда Лукреция унга шерик бўлмаганди.

Ақл бовар қилмайдиган ғалати бир гап!

Чезаренинг синглисига кўнгил қўйгани замонасининг ахлоқига сира-сира тўғри келмас эди. Бу одамнинг бир имоси билан Италиянинг энг гўзал аёли бажонидил унга тегишга рози бўлар эди, аммо бу одам ҳамиша фақат бир аёлни севишда давом этди. Бу севгиси эса уни ҳамиша уятдан қизаришга мажбур этарди.

Хўш, Лукреция қаерда эди?

Чезаре Римга кириб келганда Лукреция ўжарлигидан узлатга чекинди.

Эҳтимол, бу ўринда бирон ишқий можаро аралашгандир, лекин Лукреция билардики, буларнинг бари Чезарега сира таъсир қилмас эди. Нега бўлмаса, Лукреция бу можародан сир ясади? Лаббай? Чезаре Римга қайтиб келишидан икки кун аввал унинг акаси герцог Ганди ҳам Римга келган эди. Чезаре бир нарсани кўриб, ичида жуда ажабланди — акаси Лукрециянинг йўқлигини сира парвойига ҳам келтираётгани йўқ.

Ҳаммаси равшан! Модомики, Лукреция Чезаредан яширинаяптими, демак, бундан кўзлаган ягона мақсада — Франческо билан бирга бўлиш. Улар монастирда учрашиб туришипти. Ана тентаг-у, мана тентак! Сени роса лақиллатишибди-ку! Наҳотки, келган заҳоти шунга ҳам ақлинг етмади?

Борди-ю унинг тахмини тўғри бўлса-чи? Бу — бахтсизлик-ку! Бу одам кўпдан бери унинг йўлида тўғаноқ бўлади-да! Бунинг устига-устак, у Чезаре шухратининг ярмига шерик бўлиб оляпти. У тилларда дoston, унинг довюрраклигини, олижаноблигини мақташади. Неополитан қироли унга иккита герцогликни — Беневенто ва Понтеково герцоглигини туҳфа қилипти!..

Чезаре дарҳол жосусларига акасининг кетидан синчиклаб кузатиб юришни топширди.

Эртаси куни у билиши керак бўлган нарсаларнинг ҳаммасини билиб олди. Энг ёмони шу бўлдики, билиб олган нарсалари унинг тахминлари тўғри эканини тасдиқлади: ҳар куни кечаси герцог Ганди авлиё Сикет монастирига борар экан — бу монастирда унинг сингиси турарди.

— Етар! Бас! — деди Чезаре.

Шундан сўнг бамайлихотирлик ва хотиржамлик билан ўзининг яловбардори билан эртага кечаси акасини ўлдириш режасини тузиб чиқди.

Уша оқшомда Чезаре ҳам, Франческо ҳам саройда оналарининг олдида кечлик овқат қилишлари керак эди. Овқат вақтида герцог Гандига мактуб олиб келишди, герцог уни очиб ўқиб чиқди-да, мамнунликдан қизариб кетди. Мактубни ўқиб чиққандан сўнг у биргина сўз айтди: “Бораман!”

Соат ўн бирда у ўрнидан туриб, хонани тарк этди. Ярим соатдан кейин Римга отасига мактуб йўллашни важ-қарсон қилиб, Чезаре ҳам онасининг уйини тарк этди.

Авлиё Сикет монастирига бориш учун Франческо яҳудийлар маҳалласидан ўтмоғи керак эди. Унинг ёнида мулозимни кузатиб борарди. Тўсатдан тўрт пиёда ва бир отлиқ уларга ҳужум қилиб қолди. Франческо ўғрилар тўдасига рўпара келиб қолдим, шекилли деб ўйлади ва ўзининг кимлигини айтди, аммо қотиллар унинг гапини эшитганларидан кейин зарбаларини янада кучайтирдилар. Бир неча дақиқадан кейин герцог ҳам чалажон ҳолда мулозимининг ёнига йиқилди.

Ҳужум қилганлар ичидаги отлиғи шу пайтга қадар шерикларининг ишини индамай ва қимир этмай кузатиб турган эди. Герцог йиқилгандан кейин отлиқ унинг жасади тепасига келди. Тўрт қотил жасадни отга ортиб, унинг ёнида йўлга тушди.

Жасадни олиб бориб, Тибр дарёсига улоқтирган бу отлиқ ким эди? Герцогнинг бир неча жойидан ханжар еган танасини дарёдан эртаси куни топишди. Сиз, албатта, қотилликни индамай кузатиб турган, кейин жасадни олиб бориб дарёга ташлаган Чезаре эканини фаҳмлаган бўлсангиз керак.

Александр IV ҳам, Роза Ваночча ҳам, Лукреция ҳам бунинг дарров пайқашди.

Сиз, эҳтимол, ўйлаётган бўлсангиз керакки, ота, она ва сингил бу мудҳиш жиноятдан ларзага тушиб, қотилни жавобгарликка тортишди ва уни ўзларининг адолатли газабларига мустаҳиқ қилишди. Агар шундай деб ўйласангиз, Борджиалар оиласини яхши билмас экансиз!

Александр IV тўнғич ўғлининг жасади устида чинакамига қайғуриб

кўзёшлари тўқди. Уч кун мобайнида у ҳеч нарса емади. Уч кун мобайнида у ўз саройидаги энг сўхтаси совуқ хоналаридан бирига қамалиб олиб, янги маъшуқаси Жулия Билданинг илтимосларига қарамай, ҳеч кимни қабул қилмади.

Аммо Лукреция авлиё Сикет монастирини тарк этди.

Отаси уни қабул қилди. Унинг дардларига қулоқ солди. У отасига нималар деди экан?

Буни ким билади дейсиз? Аммо Александр Неаполга қочиб кетган Чезарега мактуб йўллаб, ундан дарров етиб келишни илтимос қилди. Отаси нафақат акасининг қотили бўлгани учун уни кечирди, балки марҳумнинг ҳамма молу мулкини унга берди.

Лукреция масаласига келсак, Чезаре билан учрашганда акаси қўлини сиқиб кўришганда, қўлнинг энгил титроғидан бошқа ҳеч нарса укасининг жинояти унинг эсида турганини ошкор этгани йўқ.

Фақат биргина кимса — Чезаренинг онаси ўғлини кечирмади.

Лекин у ҳам ўғлига бирор оғиз таъна-дашном бермади. Фақат ўғли унинг хузурига келиб, ўпишиб кўришмоқчи бўлганида, у юзини кескин буриб олганча, қатъий оҳангда деган:

— Йўқ!

Бошқа бир оғиз ҳам гап айтилгани йўқ.

* * *

Лукреция икки йил давомида Безеглиа герцоги Альфонсининг хотини бўлди. Бу пайт ичида отасининг унга муомаласи янада жўшқинлашиб, эҳтирос даражасига етди. Лукреция Римни бир марта тарк этмади. Лукреция Ватиканда жуда ҳашаматли хоналарга эга эди. Бу хоналарда Римнинг энг расво аёллари йиғилишиб турарди. Бу хоналарда Лукреция кардиналларни қабул қилар, отасига келадиган хат-хабарларни саралар ва Бурхарднинг сўзларига қараганда, ўзининг ҳаёсизлигини шу даражага етказганки, авлиё Петр эҳромига ўзининг бузуқ ҳамтовоқлари билан бирга борган.

Кундузи ҳам, кечаси ҳам у узлуксиз равишда турфа хил ишратлар уммониغا чўмар, унинг ҳаёти бошдан-оёқ фосих бир зиёфатдан, расво кўнгилхушликлардан иборат бўларди. Лукрециянинг тунги маишатлари кўпинча мудҳиш қотилликлар билан тугарди.

Александрга ҳам, Чезарега ҳам, Лукрецияга ҳам олтин керак эди, тоғ-тоғ олтин зарур эди.

Уларнинг теварагини қуршаб олган ақлбодар қилмайдиган ҳашам жуда катта маблағни талаб қиларди. Керакли олтинга эга бўлмоқ учун улар дворянларни зиёфатларга таклиф қилишарди. Бу дворянларнинг кўпчилиги уларнинг қариндош-уруғлари бўларди. Бу шўринг қурғурлар ичиб-ичиб учиб қолганларида уларни тўнашарди-да, сўнг хизматкорларга уларни ўлдириб юборишни буюришарди.

Сўнгида тортиладиган ширинликлар ўрнига бир култум захар ёхуд ханжарнинг бир аниқ зарбаси билан тугайдиган шикорлар, баллар, зиёфатлар ва ўтиришлар Борджиалар хонадонидида одаг тусига кириб борди.

Герцог Валентинау мана бундай маишат қилар экан:

Октябр ойининг сўнги яқшанбасида элликта сатанг Чезаренинг хонасида кечки овқатга тўпланишган. Овқатланиб бўлишгач, улар куролбардорлар ва черков ходимлари билан аввал либосларида, кейин яланғоч рақсага тушишган. Овқатдан сўнг столларни ташқарига чиқариб, пол устига бир текисда қандиллар ўрнатиладди, полга қалин қилиб зайтунлар тўкиларди. Бу зайтунлар ҳамон яланғоч бўлган сатангларни ерга ётиб олишларига йўл қўймас ва улар ёниб турган қандиллар орасида эмаклаб юришарди. Бу томошани минбарда ўтириб томоша қилаётган Чезаре билан синглиси қарсак чалиб, сатангларнинг энг чаққонлари ва серғайратларини рағбатлантириб туришарди.

Чезаре Борджиа ўзининг беҳаё эрмакларидида Лукрециянинг ҳам иштирок этишига йўл қўйиб, ҳамон аввалгидай уни бошқаларга рашк қилмай, синглисини бузуқлик сирларидан воқиф қилар, унинг ҳамма инжиқликларини бажо келтирарди. Бироқ Лукреция бирортасига ҳам жиддий тарзда кўнгил қўйиб-нетиб қолса, Чезаре бунга йўл қўймасди. Синглисининг бирор кимсага хайрхоҳлик билан қарашини таг-туги билан суғуриб ташларди.

1499 йилнинг кузида Лукрецияга Фабричио Боглиони деган бир миланлик

дворян маъкул бўлиб қолди. Унинг бисотида номидан бошқа ҳеч вақоси йўқ эди ва у Лукрециянинг илтифотларига жавоб берсам, йўқотадиган ҳеч нарсам йўқ деб ҳисобларди.

Бутун ҳафта мобайнида Чезаре Фабричио Боглионининг синглиси олдига серкатнов бўлиб қолганини сезмагандай бўлиб юрди.

Тўққизинчи куни у синглисига деди:

— Боглиони менинг гашимга тегяпти. Унингни йўқот.

— Агар сенинг гашинга тегаётган бўлса, у менга эрмак, — деб жавоб берди у. — Мен уни ташламайман.

— Яхши!

У кескин тарзда орқасига ўгирилди. Лукреция унга ташланиб, қўлидан маҳкам ушлаб олди.

— Эҳтиёт бўл! — деди Лукреция таҳдид билан. — Агар сен унга қўлингнинг учини теккизадиган бўлсанг, мен сени ҳеч қачон кечирмайман.

— Ким сенга бу гапни айтди, тентагим, — деб кулиб эътироз билдирди Чезаре. — Унинг сенга ёқишидан беҳабар эканман, хато қилибман. Бўпти, у сеники бўла қолсин. Қўй, бу тўғрида ортиқча тортишиб ўтирмайлик.

Лукреция акасининг ваъдаси ҳеч қанча салмоққа эга эмаслигини яхши биларди, шунинг учун шу дақиқадан бошлаб Боглионининг ташвишини ўзи чека бошлади — ўзининг қуролбардорларига Боглиони кеч кетган чоғларда уни қўриқлаб боришни топширарди, унга шаробни ҳам фақат ўзи қуйиб берарди.

Бироқ кунлардан бирида шикор чоғида миланлик йигит бахтга қарши маъшуқасидан айро тушиб қолди ва Чезарега рўпара келиб қолди. Чезаре дарахтнинг тагида ўтирар эди. Ҳаво жуда қизиб кетган эди. Чезаре чанқоғини бостириш учун қип-қизил гўштдор апельсин еб ўтирарди.

— Ие, ўзингизмисиз синьор Боглиони, — деб хитоб қилди герцог Валентину. — Синглим қани?

— Билмайман, ҳазрат! Бир неча дақиқа аввал мен у билан ёнма-ён келаётган эдим. Кейин шамолда шляпам учиб кетди. Мен уни олиш учун отдан тушишга мажбур бўлдим. Шляпамни топиб, қайтиб борсам, синглингиз мен қолдирган жойда йўқ.

— Биз уни излаб топамиз. Мен чарчадим, бир нафас нафасимни ростлаб олиш учун тўхтадим. Апельсин емасизми, Боглиони, жуда тотли экан.

— Бажону дил, ҳазрат.

Герцог унга апельсиннинг чорагини узатди. — Боглиони уни тановул қилди. Кейин у отига минди ва икковлон Лукрецияни топиш ҳаракатида йўлга тушишди. Аммо орадан беш дақиқа ҳам ўтмай, Боглиони бетобланиб, шунақа ҳолсизланиб қолдики, тўхташга мажбур бўлди. У эгарда ҳам чайқалиб, зўрға ўтирарди.

Чезаре Борджиа эса унинг аҳволига заррача парво қилмай, йўлида давом этаверди.

— Менга нима бўлди ўзи? — деди Боглиони ғудраниб ва борган сари ўзини ёмон ҳис қилганидан, отдан тушишга мажбур бўлди.

Бир соатдан кейин мулозимларидан бири уни баланд ўсган майсазорда ўлар ҳолатда ётган жойидан топди.

Бу хабарни эшитиб, Лукреция фарёд кўтарди.

— Уни сен ўлдиргансан! — деди у акасига.

— Йўқ! Виждоним ҳақи, қасам ичаман!

Далил-исбот йўқ эди, ҳеч ким Валентинуанинг ўрмонда Боглиони билан гаплашиб турганини кўрган йўқ, Борджиа заҳарининг эса изи қолмайди.

Узининг ҳақлигига ишонган Лукреция бир неча кунгача акасига қовоқ-тумшук қилиб юрди. Аммо Римда Александр IV нинг қизининг олижаноб эри Безеглиа герцогининг қайтиши муносабати билан катта байрам тайёрланмоқда эди. Александр IV нинг бу куёвини ҳам Чезаре ўлимга ҳукм қилиб қўйган эди.

Лукреция шўрлик Боглионини унутди.

Безеглиа герцоги Альфонсни Папа ва герцог Валентинуа жуда самимий ва дўстона руҳда қабул қилишди.

Айниқса, Чезаре байрам вақтида унинг ёнидан бир қадам ҳам нари кетмай, уни энг қадрдон оғайнисидай ҳурматини ўрнига қўйди. Аммо кунлардан бирида Ватикандаги кечки зиёфат вақтида у авлиё Петр эҳромининг зиналаридан

кўтарилаётганда уни ўлдириб кетишди. Қилич билан унинг бошига қаттиқ зарба беришган эди. Яна бир зарба сонига тўғри келипти.

“Аммо у бу яралардан ўлгани йўқ, — дейди Бурхард. — Уни бошдан-оёқ қонга беланган ҳолда уйига олиб бориб, тўшакка ётқизиб қўйишди. Эртасига тунда уни бўғиб ўлдиришди.”

Шу тарзда Лукреция учинчи марта бева қолди. Олти ойдан сўнг у Феррари герцогининг ўғли д'Альфонс д'Эстега турмушга чиқди. 503-йилнинг 8-август куни отасининг вафоти ҳақида хабар келганида Лукреция шу шаҳарда эди.

Александр IV қандай вафот этгани маълум.

Чезаренинг чиқимлари ҳар қандай чегарадан чиқиб кетди. У учта ёки тўртта жуда бадавлат кардиналлари тўмон қилишни ўйлаб қўйди, уларнинг орасида Карнето ва Карафора деган кардиналлар ҳам бор эди. Александр эса унга аллақандай ўзига хос усул билан танга зарб қилишга рухсат берди. У кардиналлар ва уларнинг хеш-ақраболарини катта зиёфатга чақирди. Чезаре отасининг мулозимига икки шиша шаробни бериб, “менинг ишорамдан кейингина бу шаробни қўйиб берасан” дея тайинлади.

Аллақандай тушуниб бўлмайдиган хатолик натижасида хизматчилардан бири айна ана шу шаробдан овқатдан бир неча дақиқа олдин Папага ва герцог Валентинуага қўйиб беришибди. Улар чанқаганлари сабаб, томоқларини ҳўллаб олмоқчи бўлган эканлар. Александр IV бир неча соатдан сўнг заҳардан сақланадиган дори ичиб зўра омон қолди. У ўн йилдан кейин Жан Альбернинг Коннетабель Кастильский ўртасидаги урушда Виана қамали вақтида милтиқ ўқидан ҳалок бўлди.

Фақат сиртмоқда жон бериши керак бўлган бир махлуқ учун ҳаддан ташқари шарафли ўлим!

Лукреция ҳамма қариндош-уруғларидан кўра кўпроқ умр кўрди. Аммо йиллар юки унинг феъли хуйини жиндай бўлса-да юмшатдимикин? Мабода у Феррарида ҳам хушторлар ортгирган бўлса, ортиқ уларни заҳарлаб ўлдирмади. Шунинг ўзи жуда катта гап эди. Шу сўнгги хушторлардан бири Ариостанинг дўсти Петр Бембо эди. Лукреция унга йўллаган мактубларида ўзининг муҳаббатини гоят ёлқинли сатрларда ифодалаган. Лекин у чиндан-да севганмиди — йўқми? Умуман, унинг қалбида ҳақиқий муҳаббат томир ёйиши мумкинмиди?

Йўқ! Парвардигор унинг бирон марта ҳам чинакам қувончни татиб кўришига, қалбида мусаффо туйғуларнинг уйғонишига йўл қўймади. Аммо худонинг иродаси билан у том маънодаги аламли ғуссаларни бошидан кечирди.

На чора, ҳар ким бу дунёда экканини ўради.

(Давоми бор.)

Озод ШАРАФИДДИНОВ
таржимаси.



SUMMARY

The may issue of the magazine will be opened with novel "Vibration" by Ulugbek Hamdam.

The novel is about nowadays life of Uzbekistan which is going foward democratic changes. Enthusists of poetry in this issue can read examples of kibris poets.

In the publicistic rubrique "Scinhead" article by A.Tarasov was published.

Besides that in this issue readers will be acquainted with G.Gulia's "Faraon Ehnoton" novel, Nobel award winner P.Neruda's "Memories", critic S.Mirzaev's "Reconstruction research of truth" arficles too. In Adventure rubrique to readers attention the novel "King lover" by Henry KOCK is presented.

